

УЛУҒ САЛТАНАТ

Мухаммад Али

Умаршайх Мирзо



МУҲАММАД АЛИ

УЛУҒ САЛТАНАТ

(роман-эпопея)

**Иккинчи китоб
УМАРШАЙХ МИРЗО**

“Наврӯз”

Тошкент – 2019

УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84. (5Ў)8

А-51

Мухаммад Али. «Улуғ салтанат» / роман-эпопея / иккинчи китоб:
Умаршайх Мирзо / «Абадий барҳаёт асарлар» туркуми / – Т.:
“Наврўз”, 2019. – 400 б.

Масъул муҳаррир

Тўлкин Ҳайит

Нашрга тайёрловчи

Тўлкин ЭШБЕК

Иқтибослар ва изоҳларни тайёрловчи:

Эргашбай МАТЯКУБОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 13-сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онг-у тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг «Улуғ салтанат» эпопеясини мутолаа қилган ёш китобхонларнинг маънавий олами шунга яраша бўлади. Ушбу нашрнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда бугунги ёш китобхонларга айрим сўз ҳамда иборалар янада тушунарли бўлмоғи учун тегишли ва зарур изоҳлар ҳам берилган.

УЎК: 821.512.133-9

КБК: 84. (5Ў)8

ISBN: 978-9943-562-97-4

© Мухаммад Али.

© “Наврўз”. 2019 йил.

ШОИР ЁЗГАН РОМАН

Шеър ва дostonлар ёзиб эл-юртга танилган шоирларнинг ижодлари кучга тўлганда, роман жанрига мурожаат қилишлари бизнинг адабиётимизда Чўлпондан бошланган яхши бир анъана, дейиш мумкин. Бу анъанани шоир Шухрат “Олтин зангламас” романида, Аскад Мухтор, Ҳамид Ғулом ва Мирмуҳсин акалар ўзларининг йирик насрий асарларида давом эттирганлари кўпчиликка маълум.

Улардан кейин адабиётга кириб келган шоир Муҳаммад Али ҳам китобхонларга шеърий рух билан суғорилган романлар тақдим этмоқда. “Сарбадорлар”дан кейинги воқеаларни янги тарихий боскичда давом эттирадиган “Улуғ салтанат” романининг номидаёқ кўтаринки шеърий жаранг сезилади.

Бу кўтаринкилик истиклол даврида Амир Темур тузган улуғ салтанатга нисбатан тарихий адолатнинг тикланиши билан боғлиқдир. Шўро даврида тилимиз, динимиз қандай камситилган бўлса, Амир Темур каби миллий қахрамонларимиз ҳам шундай ноҳақ кораланган эди. Уларнинг хайрли ишлари ва фазилатлари ҳақида асар ёзган муаллиф балога қоларди. Шунинг учун Муҳаммад Али ўзининг “Гумбаздаги нур” дostonида Амир Темурнинг номини айтмасдан, у бунёд этган нурли гумбазларни улуғлаган эди. Шеърга солиб қуйлаган сиймо ким эканини китобхон дostonдаги тағмаънодан фаҳмлаб оларди. Тарихий ҳақиқатни очиқ айтишга мустабид тузум йўл бермагани учун шоир ўзининг Амир Темурга аталган меҳрини рамзий образ ва тағмаъно орқали ифодалашга мажбур бўлган эди.

Мана энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Амир Темурнинг олти юз олтмиш йиллик тўйи жаҳон микёсида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юксак эъзоз билан нишонланди. Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг марказий хиёбонида, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Сохибқиронга улуғвор ҳайкаллар қўйилди, теурийлар номида муҳташам давлат музейи қад кўтарди.



Театр сахналарида ва экранларда унга бағишланган асарлар кўрсатилди. Амир Темур суратини муковага чиқариб нашр этилаётган китоблар кўпайди. Бу ҳаммаси олти юз йил давомида килиниши керак бўлган, аммо тақдир такозоси билан килинмасдан, бизнинг давримизгача йиғилиб келган улкан ишлардир. “Улуғ салтанат” романида аввалги таъқиқлардан кутулиб, эркин нафас олган ва Амир Темур мавзуига шунчалик кенг йўллар очилганидан шодланган ижодкор ўз қаҳрамонига бўлган меҳри ва ихлосини бор овози билан куйлаб, яйраб ифода этади.

Романнинг биринчи китоби Амир Темурнинг Шахрисабздан Балхга қўшин тортиши ва у ерда Амир Ҳусайн устидан узил-кесил ғалабага эришиб, мустақил давлат тузиши билан бошланади.

Бу икки амир бир вақтлар дўст ва яқин қариндош бўлган эдилар. Темурбек Ҳусайннинг гўзал синглиси Улжай Туркон оғага уйланган эди. Улар учови ҳам Чингизхон авлодларининг жабру зулмига қарши йиллар давомида матонат билан курашган эдилар. Бу курашларда Улжай Туркон оға бевакт вафот этади. Синглисининг олийжаноб таъсиридан маҳрум бўлган Ҳусайнбек амалпараст, нодон беклар муҳитига тушиб қолади. У дўсти Темурбекнинг ақлу заковатига, мардлик ва тантилигига ҳасад кўзи билан қарай бошлайди. Бахилнинг боғи кўкармас деганларидек, Ҳусайнбек Амир Темур билан жанг қилиб енгилади ва асир тушади. Амир Темур аввалги яхши муносабатларини эслаб, унинг қонидан кечади, асирликдан озод қилади.

Лекин Амир Ҳусайн нодонлиги ва жоҳиллиги туфайли кўп бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан эди. “Темур тузуклари”да Сохибқирон бу ҳақда шундай қисқа ва лўнда фикр билдиради: “Нодон дўст душмандан ёмон. Амир Ҳусайн ана шундай нодон дўстлардан эди”.

Амир Ҳусайн калтабин ва нодонлиги туфайли Самарқандни мўғул босқинчиларининг навбатдаги тажовузидан қутқариб қолган сарбадорларнинг ботир раҳбарларини қатл эттиради. Фақат Мавлонозодани Амир Темур орага тушиб қутқариб қолади. “Улуғ салтанат” романида Темурбекка

қарши қўйилган Амир Хусайн ўша замоннинг энг беқарор ва субутсиз вакили сифатида ишонарли тарихий фактлар асосида кўрсатилади. Унинг мағлубиятдан саросимага тушиб, масжид минорасига чикиб яшириниши, аянчли бир аҳволда қўлга тушиши, асирликдан озод этилгандан кейин эса қасоскорлар томонидан ўлдирилиши романда ёрқин тафсилотлар билан тасвирланган.

Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо ўн беш – ўн олти ёшдаёқ жанглarda иштирок этиб, жасорат кўрсатади. У Балхда оёғидан ярадор бўлганида, отасидан ибрат олиб, муолажа пайтида ҳам ўзини мардона тутгани тасвири романинг эсда қоладиган лавҳаларидандир. Кейинги бобларда Жаҳонгир улғайиб, Хоразм маликаси Севинчбикага уйлани, икки ёш қалбнинг бир-бирига оловли меҳри гоҳ лирик, гоҳ юмористик бўёқларда яхши акс эттирилади. Жаҳонгир Мирзо ватанимизни чингизийлар истилосидан озод қилиш йўлида олиб борилган ҳаёт-мамот курашларида Соҳибқирон отасининг энг қийин топшириқларини фидойилик билан адо этади. У Чигатойхон авлодларидан бўлган ва Мўғулистон томонлардан Фаргона водийсига бостириб кирган Қамариддин золимни ватанимиз ҳудудидан улоқтириб ташлайди ва ёвни таъқиб этиб, баланд тоғ доvonлари оша отда минглаб чақирим йўл босади. Бир эмас, уч марта такрорланган мана шундай оғир ҳарбий юришлар фидойи, мард йигитнинг соғлиғига ёмон таъсир қилган бўлиши керак. Жаҳонгир Мирзо йигирма ёшида Самарқандда ваофт этади. Бу орада унинг суюкли маликаси Хонзода хоним ажойиб ўғил туғади. Соҳибқирон бобоси унга Муҳаммад Султон деб исм қўяди. Жаҳонгир Мирзо суюкли ёри ва тўнғич ўғлининг дийдорига тўймай оламдан кўз юмгани роман охирида жуда таъсирли ифода этилади.

“Улуғ салтанат” романи тарихий манбаларда қайд этилган ва чиндан содир бўлган воқеаларга асосланади. Бу тарихий воқеалардан бири – Амир Темурнинг адолат учун курашаётганини узоқ Арабистонда туриб эшитган Саид Барака Термиз атрофларида унинг ҳузурига келиб, мустақиллик ва ғолиблик рамзи бўлган байроқ билан нақора тақдим этгани-

дир. Романда бу воқеа ёркин тафсилотлар билан бойитилган ҳолда илоҳий бир башорат тимсоли килиб кўрсатилади. Саид Барака энг мураккаб ва мушкул вазиятларда Амир Темурга руҳий мадад берган ҳақиқий пир ва олижаноб инсон қиёфасида гавдалантирилади.

Улуғ мақсад йўлида Соҳибкиронга садоқат билан кўмак берган яна бир сиймо – унинг умр йўлдоши Бибиҳоним ҳам романда атрофлича тасвир этилади.

Бир ярим аср давом этган чингизийлар истибдоди одамларнинг ахлоқини бузган, айниқса, амиру беклар орасида ёлғончилик, иккиюзламачилик, бетайинлик, мансабпарастлик, низо ва парокандалик авжига чиққан эди. Бу иллатлар Амир Мусо, Кайхусрав, Зиндачашм опардий каби субутсиз беклар тасвирида кўзга яққол ташланади. Амир Темур уларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлади, хатоларини ўзлари тан олса, кечиради. Шу тарзда ички низолар ва парокандаликларни бартараф этиб, барча кучларни бир туғ тагида бирлаштиришга муваффақ бўлади. Лекин яхши муомаланинг кадрига етмайдиган, ёмонлик йўлидан қайтмайдиган ғанимларга нисбатан қаттиққўл бўлиш ҳам унинг давлатни бошқаришдаги асосий тамойиллари қаторига киради.

Бу ерда биз “Улуғ салтанат” романининг “Жаҳонгир Мирзо” деб аталган биринчи китоби ҳақида сўз юритмоқдамиз. Назаримда, романнинг кейинги китобларида Амир Темурни халқимиз ифтихорига сазовор қилган ва бутун дунёга танитган оламшумул ишлари тасвир этилиши мўлжалланади. Шундай улуғ миллий қаҳрамонимизни бор бўйича жозибали ва ёркин қиёфада гавдалантириб бериш ёзувчидан жуда катта қобилият, меҳнат, журъат ва маҳорат талаб қилади.

Биринчи китобни ўқир эканмиз, муаллиф ниҳоятда улкан ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олганини чуқур ҳис қилиши сезилиб туради. Шу сабабли, уни Амир Темурнинг салобати босиб, эҳтиёт ва мулоҳазакорлик билан қалам тебратгани ҳам кўзга ташланади.

Китобхон эса асарни қўлдан қўймай, қизиқиб ўқишни

истайди. Бунинг учун қаҳрамон бошдан кечирган драматик воқеаларни, у енгиб ўтган улкан қийинчиликларни китобхон ичдан ҳис қилиши, қаҳрамоннинг руҳига кириши, ўзини унинг ўрнига қўйиб тасаввур этиши керак бўлади. Ана шунда китобхон қаҳрамоннинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлади, ундан ибрат ва сабоқ олади.

Тарихий манбаларда, айниқса, “Темур тузуклари”да, Шомий ва Яздий “Зафарнома”ларида Соҳибкирон бошдан кечирган ўта драматик воқеалар, ундан зўр ақл-заковат, дов-юраклик, чидам-бардош ва матонат талаб қилган воқеалар кўплаб қайд этилган.

Муҳаммад Али кутлуғ мақсад йўлидаги дастлабки дово-нни шоирона кўтаринки руҳ билан забт этибди. Эндиги тилагимиз шуки, олдинда турган навбатдаги баланд дово-лардан ошишда у ўзининг адиблик ва олимлик тажрибасига ҳам астойдил амал қилса. Ишонамизки, юқорида биз эслат-ган тарихий манбалардан янада дадилроқ, янада самара-лироқ фойдаланилади ва ўз олдига қўйган улкан мақсадни тўлиқ амалга оширади.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БИРИНЧИ БОБ

I

Сирдарёнинг этаклари-ю Тангриитоғнинг ғарбий ёнбағирларидан то юнонлар Борисфен деб атагувчи Днепргача бепоеън дашт-у далалар ястаниб ётади. Шамоллар шип-шийдам чўлларда қуриган камғоғ-у¹ шўракларни² тўп-тўп қилиб шимолдан жанубга юмалатиб ўйнайди. Ёйиқ³ бўйларидан йўлга чиққан камғоқ жазирама офтобда жизғанаги чикиб Хоразм денгизи, – уни Жайхун кўли, гоҳ-гоҳда Орол денгизи ҳам дейишади, – соҳилларига юмалай-юмалай етиб келгунча бир неча ойлар ўтади. Кейин Дашти Қипчоқнинг ҳудудсиз чўлларида изғиринлар изиллай бошлайди... Ўхшаш манзара ҳар йили такрорланади, такрорланаверади...

Бу жойларни Жўжи улуси дейдилар.

Тарих милодий 1376-йилнинг ёзида Ок Ўрда хони Ўрусхон⁴ Ҳожитархон шаҳрида нуфузли қурултой чақиртирди. Идилнинг ёйилмасида, дарёнинг сўл қирғоғида жойлашган хушманзара бу шаҳар билан Хазар денгизи⁵ орасида йигирма тошча⁶ масофа бор эди.

Шаҳар марказидаги баланд тепаликда савлат тўккан

¹ Камғоқ – шарсимон юмалок ўсадиган, уруғи шишганда, илдиз бугъздан узилиб, шамол билан узоқ-узоқларга думалаб кетадиган майда тиканли чўл ўсимлиги.

² Шўрак – шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт, бутача, бута ва паст бўйли дарахт ўсимликлари туркуми.

³ Ёйиқ – Урал дарёсининг қадимий номи (муалл).

⁴ Ўрусхон (?-1377) – 1372-1374 ва 1375-йилларда Олтин Ўрда хони.

⁵ Хазар денгизи – ҳозирги Каспий денгиз.

⁶ Тош – саккиз чақиримга яқин (тахминан 6 километр) узунлик ўлчов бирлиги.

Ҳожитархон ҳокимининг маҳобатли саройи олдида катта майдонда бир кўп одамларнинг ивирсиб юргани кўзга ташланади. Элликка яқин суворийлар¹ қоровулликда туришибди. Учмоққа шай гижинглаган отлар сувликларини чайнаб сабрсиз ер тепинишади. Нарирокда, хиёл қуйирокда катта кўчада узоқ-яқиндан тўпланган амирлар-у нўёнларнинг² соқчилари гўё тулпорларини кўз-кўз қилгандай у ёқдан бу ёққа от ўйнатиб юришади.

Бурнининг учида нўхатдай жигарранг холи қалин тук билан қопланган йигирма саккиз-ўттизлардаги норғул соқчи йигит рўпарадаги иккинчи соқчига узангилар бир-бирига тегар даражада яқинлашиб келар экан, пишқирган от жиловини тортганча сўради:

– Кимнинг ўрамидансан, баҳодир?..

Албатта, баҳодир деганлари баҳодир эмас, оддий навкар, холос. Қачондир баҳодир бўлишни орзулаган навкарлар, ҳиммат юзасидан бир-бирларини ўзаро шундай атайдилар, кўнгилларини кўтарадилар. Одатлари шунақа.

Иккинчи соқчи – миқтидан келган биткўз чапдастгина йигит ўнг қўлини нақшин эгар қошига қўйганча бошини баланд кўтариб жавоб берди:

– Мангкишлоқ амири донғли Тўйхўжа ўғлонни биласанма?.. Биласан. Ана ўшанинг ўрамиданман, эй баҳодир!

Тўйхўжа ўғлон кўзининг нури, юрагининг қўри Тўхтамиш³ ўғлоннинг йигитлариданман! Кўп амирлар хизматини қилдим, энди ҳақиқий хожамни топдим. Отимни Тармочук, дейишади. Ўзинг қайдансан, билсак бўлам-а?

Норғул соқчи салобат билан томоқ кириб қўйди-да, деди:

– Сарой-Беркадан...

– Сарой-Беркадан?

– Ҳа-ҳа, айти ўзидан. Манғит элатининг зодагонларидан, Жўжи улусининг амир ул-умароси амир Идику ҳақида эшитганмисан?

¹ Суворий (форсча) – отлик аскар.

² Нўён – муғул аслзодаси.

³ Тўхтамишхон (1342-1408) – 1380-1397-йилларда Олтин Ўрда ҳукмдори. Жўжихон наслидан булмиш Тўйхожанинг ўғли.

– Эшитганман, эшитганман... Уҳ-хў, эшитмай бўлама шундай амирди...

– Ўша марди майдоннинг йигитлариданман. Отим ўзи Кўкаман, Кўка ботир ҳам дейишади. Энди Кўка-да, Кўка... Кўка деявер.

Кўкаман хириллаб гапирарди.

– Курултой узок кетама?.. – сўради Тармочук Кўкаманнинг кўзига эмас, бурнининг учидаги тукига термилар экан.

– Узокка чўзилади бу... – Кўкаман бироз жим қолди. – Курултойда қандай баҳодирлар қатнашяпти, хабар топдингми? Мен кўпда одам танийвермайман... Эсимда турмайди. Жуда ҳам одам кўп... Ўрусхон Жўжи улуси тахтига мингач, икки ўрдани бирлаштириб олди, ўзиям кучайиб кетди-ёв... Вой-баёв!..

– Кучайгандан кучайди хонимиз... – Тармочук маъноли жилмайди. – Кўрмадингма, баҳодир, хоннинг уллари Темур Малик ўғлон, Қутлуғ Буға, Тўхтакиёларни юришларини! Ўҳ-хў, Жўжи амирзодаларини санай десанг санок етмайди! Темур Қутлуғ ўғлон, Кунча ўғлон, Қозончи баҳодир... Султон Маҳмуд ибн Амир Кайхусрав ҳам шу ерда... Бухоро ҳокими Маҳмудшоҳ Бухорий...

– Ие, ҳаммасини биламан дегин? Секинроқ гапир! Хай... намунча бидиллайсан-а! Бидилламай гапирсанг-чи, худо хайрингни бергур баҳодир! – илтижо қилди Кўкаман. У бурнини жийирганда қалин тук билан қопланган нўхатдай жигарранг холи тепага караб қоларди.

– Ҳаммасини биламан... – бироз секинлади Тармочук, кейин аста шивирлади: – Мен сенга айтсам, Тўхтамиш ўғлоннинг ўрамида ҳар бири душманни зириллатадиган йигитлар жамланган... Алибек қўнғиротнинг¹ ўзи ўнтасига тенг келади, Ок Буға баҳрин² беш ботмонни³ бир қўлида кўтара олади, Ўрунг Темур, Исабек дейсанма... Элийғмиш ўғлонку...

– Тўхтамиш ўғлон ҳам шу ерда дегин? – Тармочук сў-

¹ Қўнғирот – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири.

² Баҳрин (Барин) – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бирининг номи.

³ Ботмон, манн (арабча) – оғирлик ўлчов бирлиги Ботмон (манни шаръий) асосан 0,832-0, 895 килограмми ташкил этган.

зини бўлди Кўкаман.

– Шу ерда, валинеъмат Тўйхўжа ўғлон ёнида. Отасини ҳеч ёлғиз қўймайди. Эсли йигит. Доим ёнида юради. Ҳаммаси шу ерда, саройда...

– Тўхтамиш ўғлон ҳақида эшитганман, – Кўкаман ўйла-ниб деди. – Жуда мард, ақлли йигит эмиш-да. Амир Идику жаноблари уни фақат алқаб гапирди. Шундай ўғлинг бўлса, дейди...

Сухбатга берилиб кетиб эгар қошига ётиб қолай деган Тармочук Тўхтамиш ўғлонга яқинлигидан ғурурланиб кўкрагини кўтарди ва Кўкаманга беписандлик билан кўз кирини ташлади.

– Мўғулистон ҳокими амир Камариддинни ҳам шу ерда дейишди, аммо мен кўрмадим...

– Амир Камариддин ҳам шу ерда дегин? – Кўкаманнинг овози зўрға эшитилди. – Бутун олам йиғилибди-я... Тумонот одамни йиғиб нимани гапиришар экан-а...

– Билмадим, баҳодир...

Ҳожитархонда кутилмаганда шошилинич курултой чакирилиши икки навкарагина эмас, балки нақшиннигор кенг саройнинг кўринишхонасида чордона куриб ўлтиришган аркони давлат вакиллари ҳам англашилариш эди. Чап ёқда сиғноклик, мангқишлоқлик, сабронликлар, Иртиш бўйларидан келганлар ўтиришибди, Булғор-у Буртосдан, Саройчикдан иштирок этаётганлар ўнг томонни, кримлик ва сарой-беркаликлар рўбарўни эгаллашган. Амир-у амирзодалар, ўзини бировдан паст тутмайдиган нўёнлар, калондимоғ беклар, майдонталаб лашкарбошилар, турфа хил зодагонлар гўё дунё ишларини ҳал этиш фақат уларгагина боғлиқдай ўзларини мағрур тутишади.

Эни ўттиз, узунлиги кирқ кадам чиқадиған маҳобатли кўринишхонанинг шимол ва жануб томонларидаги йигирматта деразасидан атроф манзара баралла намоён эди. Жануб ёққа қараган одам Идилдай азим дарёнинг майда-майда ирмоқларга айланиб Ҳазар томон шошаётганини кўради. Гўё минг-минг чакирим ерлардан елиб келган пуршиддат дарё ногаҳонда мустаҳкам Ҳожитархон қалъаси-

га урилиб, парча-парча бўлган-у, шундай ҳолатга тушиб қолгандай... Шимол ёқда, олис-олисларда ташландиқ ҳолга келган Сарой -Боту шахрининг ғариб миноралари булутлар пардаси ичра зўрға кўзга чалинади.

Жўжихоннинг ўғли Ботухон милодий 1227-йилда Кўк Ўрда давлатига асос солганда Идил бўйида бир шаҳар курдириб, Сарой-Боту деб ном қўйди ва пойтахтга айлантирди. Йигирма саккиз йил даврон сурган оғасидан кейин тахтга минган Баракахон эса пойтахтни шимолга, янги шаҳар – Сарой-Беркага кўчиртирди, Сарой-Боту ўзининг аввалги шукуҳини тамом йўқотди.

Улуснинг жанубий музофотларини¹ Жўжихоннинг яна бир ўғли Ўрда Иченхон авлодлари бошқарди. Улар сиртдан караганда марказий ҳукуматга бўйсунардилар, аммо ичларида ҳамиша озодлик тилаб кун санардилар. Оқ Ўрда шундай пайдо бўлди. Сирдарё этакларида жойлашган энг кўркем қалъага эга Сигноқ шаҳри Оқ Ўрданинг пойтахти сифатида ном чиқарди. Сарой-Берка билан Сигноқ ўртасида киши билмас рақобат туғилди. Айниқса, Оқ Ўрда хони Ўрусхонда бу иддао кучайгандан кучайиб кетди. Ҳамма “Ўрусхон” деган ном қаердан келган экан, деб ҳайрон қоларди. Айтишларича, у сап-сарик туғилган эмиш, онаси ўрис маликаси эканми, шу сабабли шунақа аталиб кетибди. Орқаваратдан оти “Сарикхон” эмиш...

Кўринишхонанинг кунботишдаги тўрида каттагина супада маҳобатли заррин тахт жойлаштирилган, орқасида деворда икки одам бўйичалик тепада буғунинг катта сершоҳ бош суяги қокиб қўйилган.

Тахтда савлат тўкиб ўлтирган Ўрусхон кўз узмай Сарой-Боту томонга тикиларкан, ичида чуқур хўрсинди. Эҳ,

Жўжи улуси бир замонлар қандай қудратли давлат эди-я, Европа-ю Осиёга даҳшат солиб турарди! Шухрати оламини тутганди. Барча мамлакатлар тан олар, ҳатто манаман деган рус князлари солиқ тўлашарди. Аммо Жўжи улусининг бир заиф томони Жўжихоннинг ўн тўрт ўғлидан ҳар бирига бир вилоят инъом этилганида эди, ҳар бир мулк

¹ Музофот – вилоят.

бир хонзодага қарарди.

Жўжи улуси бошиданок шу тарзда “улусча” ларга бўлиниб кетди. Парчаланишлар давом этса этдики, тўхтамади. Дарвоқе, Ўрусхоннинг бобокалони Тўқай Темурхон Жўжихонга ўн учинчи ўғил ҳисобланарди, айни мана шу Ҳожитархон вилояти Тўқай Темурхон чекига тушганди. Шу важданмикин, Ўрусхон ўша замонлардан мерос қолгандай Ҳожитархон мулкини кўнглига яқин олади, ўзиники санайди, Сигноқдан ҳам кўра шу шаҳарга тез-тез келишни ёқтиради. Қурултойнинг Ҳожитархонда ўтаётгани сабабларидан бири ҳам шудир, эҳтимол.

П

...Милодий ўн тўртинчи асрнинг бошларидаги турли бошбошдоқликлар, ҳараж-у мараж, чиндан ҳам Жўжи улусининг энка-тинкасини қуришиб ташлади. Бу даврларни эслаганда доим Ўрусхоннинг юраги аламдан увишади. Буюк Чингизхон авлодлари – боболарнинг бир-бирларини тушунмаганликлари, бирлашиш ўрнига ўзаро қирпичок бўлганликларини ўйлаб қалби ўртанади. Афсус, минг афсус!

Вақти-вақтида юз бериб турган кўзғолонлар бутун улусни шамолда қолган япроқдай титратарди. Хайриятки, милодий 1312-йилда юрт бошига келган Ўзбекхон замонда тахт талашиш низоларига, тўс-тўполонларга чек қўйилди. Султон Муҳаммад Ўзбекхон Кўк Ўрда билан Оқ Ўрдани бирлаштириб қудратли давлатга айлантириб, ўттиз йил қомронлик курсисиди қарор топди. Бу давлат дунёда даставвал Жўжи улуси, кейинчалик Олтин Ўрда номида донг таратди.

Ўрусхон ўзини кўпроқ Ўзбекхонга менгзар¹, салтанат ишларида унга ўхшаб ҳаракат қилишга тиришарди. Ўзбекхон эса улуғ Чингизхонга ўхшаб кетади Ўрусхон назарида...

Ўзбекхоннинг иккинчи ўғли Жонибек Жўжи улуси қуч-қудратини яна ҳам оширишга интилни. Бироқ у 1357-йилда фитначилар томонидан ўлдирилди, мамлакатда тағин кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бесаранжомликлар палласи

¹ Менгзамок – ўхшамок.

бошланди. Хонлар кун алмашгандай алмашарди, қисқа вақт ичида бу тахти бевафога йигирма бешга яқин хон келиб кетди.

Кўк Ўрда билан Ок Ўрдани бирлаштирмак, улуснинг шаън-шавкати ўрнига қўймок, Жўжи улуси бўй-бастини дунёга кўз-кўзламак керак! Ўзбекхон замонида қандай бўлса шундай тикланмоғи зарур! Ахир ўша даврларда Жўжи улуси чегаралари қарийб поёнсиз эди, бу томони Идил бўйларига, Булғор, Қрим, Қофқоз¹, рус князликлари, у томони Дашти Қипчоқ, Хоразм, Ғарбий Сибирь, то Иртиш дарёсига мамлакатлар Ўзбекхонга қарарди.

Кучсизланиб қолган улусни қудратли давлатга айлантириш энди Ўрусхоннинг зиммасига тушиб турибди. Тақдирнинг шундай сийловидан бемисл ғурур туйган Ўрусхон милодий 1364-йилда тахтга мингач, ўн икки йил умри фақат улусни тиклашга кетди. Энди Ўзбекхон замонидагидек мамлакат қўшинининг ўнг қўлини Кўк Ўрда, сўл қўлини Ок Ўрда лашкарлари эгаллади, ички нифоклар-у жанжал-суронлар ҳам бироқ барҳам топди.

Аммо барча адоват, низо-ю нифок ташқаридан эмас, балки тахтга талабгор чингизий хонзодаларнинг ич-ичида яшринганди. Ҳаммаси ошкора дўст кўринадилар, аммо зимдан бир-бирларига душманликлари аён... Ўрусхон буни биларди. Мамлакатни қамраб олган ана шу кўнгилхирачилик орадан кўтариб ташланиши керак...

Сарой ичи сув қуйгандай жимжит. Хийла вақт ўтди, ҳамма шимолдаги деразага тикилиб хаёлларга берилган Ўрусхондан кўз узмай қурултой бошланишини кутади. Бирон бир киши сўз қотишга журъат этмайди. Мамлакат хони гўё бу ерда одамлар борлигини сезмас, нуфузли қурултойда ўтирганини ҳам унутиб юборганга ўхшарди.

Нихоят, хон аввал тахтнинг икки томонини банд қилган аркони давлат кишиларига назар ташлади. Кейин бошқаларни бирма-бир кузатиб чиқди. Хоннинг назари тушганда ҳар бир киши ўзини худди найза санчилгандай ўнғайсиз сезарди.

Бирдан кимдир жимликни бузиб: “Дунё тургунча тур-

¹ Қофқоз – Кавказ (муалл).

син улуғ хонимиз!” деб кичқириб юборди. Ҳамма шуни кутиб турган эканми, кўринишхона ичи портлагандай гувуллаб кетди. Ҳар ёқдан Ўрусхонни шарафловчи садолар янгради:

- Бошлари тошдан бўлсин!
- Омон бўлсин улуғ хонимиз!
- Ёвларга офатдир улуғ хонимиз!
- Энди улусимиз довруғи дoston бўлади!
- Дoston бўлади!

– Ур-ҳо! Ур-ҳо-о-о!.. Ур-ҳо-о-о-о!.. – овозлар эшитиларди чап томондан.

– Ур-ҳо-о-о-о!.. – жарангларди алқовлар ўнг томондан...

Барча ўрнидан туриб олган, сарой ичини юқорига кўтарилган қўллар ўрмони тутиб кетган, шу алпозда мамлакат хонини олқишлашарди.

Фақат ўртароқда, манглайи қат-қат ажиндан тиришган, қошлари сийрак, гирдиғумдан келган бир амир атрофга аланглар экан, бақириб-чақириб Ўрусхонга шараф тўнини бичаётган издиҳомга ғижиниб қарар, иложи топилса, барчанинг оғзини ёпиб қўйишни истарди. Ёнидаги ёш йигитга тап тортмай бошқалар эшитса эшитар, дегандек қилиб:

– Ана бунга нима дейсан? – деди кўзлари чакчайганча. Унинг овози ингичка, ёқимсизроқ эди. – Булар эсини еганми, Тўхтамиш ўғлон?.. Қара-я, ўғлим! Ҳамманинг боши гангиган. Ҳаммаси анови Сарикқа қараб дон еган хўроздай кекиртагини чўзадир!..

Тўхтамиш ўғлон у ёқ-бу ёққа аланглаб қўяр экан, ҳалиги одамнинг кулоғига шивирлади:

– Секинроқ гапирингиз, эй валинеъмат! Тингчилар¹ кулоғига тушмасин тагин? Атрофда изғиб юришибди...

Бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон ичида, хайриятки, уларнинг гапини биров эшитмади.

Қўйиб берса, хон шаънига алланималарнидир айтиб юборишдан чўчимайдиган табиятан шартаки ва кўрс Тўйхўжа ўғлон тишларини ғижирлатди-ю, ортиқ бир сўз дейишдан ўзини тийди.

¹ Тингчи – жосус.



Мангқишлок ҳоками авваллари ҳам ҳамиша машваратларда ҳадди сиғиб гапни бўлар, норозилик билдириб, хоннинг сўзи қудратини кесишга мойиллигини яширмасди. Унинг назарида, Ўрусхон макр-у алдовлар билан Жўжи улуси тахтига ўлтирди, асло юрт бошқаришга лаёқати йўқ, устига устак, шарти кетиб парти қолган, бир оёғи гўрдаги одам...

Аслини олганда-ку, улар бир отанинг болалари, суриштириб борилса, томирлари бир жойдан чиқади, Жўжихоннинг ўн учинчи ўғли Тўкай Темурхон ҳар иккисининг ҳам бобоси-да!

Тўкай Темурхон тўрт ўғил кўрган. Тўйхўжа ўғлон ана шу ўғиллардан тўнғичи Авранг Маъмур султоннинг авлоди, Ўрусхон эса иккинчи ўғил Ўз Темурхоннинг палаги... Тахт Тўкай Темурхон тўнғич ўғлининг авлодларида бўлиши керак-да. Тўйхўжа ўғлоннинг ана шунга ичи куяди. Бу ёғи-ку шундоқ, лекин Ўрусхон нафакат Тўйхўжа ўғлон, балки барча чингизийларга ҳам ёвдир! Учига чиққан муғомбир, фирибгар ёвдир, душмандир... Аммо ақлли ва айёр душман! Ўҳ-ҳў!.. Орадаги адоват, гина-кудурат, муҳолифат мадда¹ боғлай бошлаганига хийлагина вақтлар ўтди.

Шу палла Ўрусхоннинг янграган салобатли йўғон овози Тўйхўжа ўғлон хаёлини кесди:

– Салтанат пешволари²!..

Сарой сукунатга чўмди.

– Салтанат пешволари! Нима сабабдан курултойга йиғинганимизни фаҳмласангиз керак? Сўзни бежаб ўлтирмайман. Ундоқ одатим йўқ. Бир ҳафта аввал эди, тушимда улуг боболаримиз Чингизхон ва Ўзбекхон бирга юрганмишлар. Ҳокони муаззам Чингизхон ҳазратлари қачон яшаган-у, Султон Муҳаммад Ўзбекхон жаноблари қачон? Буни мағзини чақинг-да! Бу ғаройиб аломат... Чингизхон Ўзбекхонга дер эмиш: “Дунёни олдим, қиличим тин билмади. Илгингизга гижинглаган тойдай дунёни жилов-

¹ **Мадда** (форсча; йиринг) – йиринг боғламок. Бу ерда кўчма маънода: **фитна**.

² **Пешво** (форсча; раҳнамо, раҳбар; устоз) – маълум бир соҳа ёки ишда етакчи, илгор киши.

дан тутқазиб қўйдим... Нахотки, уни миниб елдиришга курбингиз етмади? Дунё баликдек қўлингиздан сирғалиб чиқиб кетди-ку!.. Нечун қўлдан бердингиз? Бунга қандай журъат этдингиз?.. Ландовур сўтаклар!..” Ўзбекхон ҳеч нарса дея олмас эмиш, боши эса эгилган... Мен эса чекка-роқда турганмишман. Улар менга қарашмасмиш. Ана шундай туш қўрибман...

Яна саройга лаҳзалик жимлик чўкди. Ўрусхон гунгурсдай¹ тўладан келган, қисик кўзли, пешонаси тор, ўсиқ кош-у киприкларидан қалин мўйловигача сап-сарик олтмиш бешлардаги баджаҳл бир одам эди. Омонатгина қўндирилгандай маҳобатли олтин тожидан сарик сочлари тошиб чиқиб турарди. Ғазабланиб гапирганда киприклари қошларига қўшилиб кетар, узун мўйловининг ўнг учи оғзига кириб қолиб халал бераверганидан, сўз орасида дам-бадам катта оғзининг бурчагини чўччайтириб “пуф”, “пуф” деб қўярди.

– Буюк ҳокон Чингизхон барчамиздан бағоят норизодурлар... Ўша тушни кўрганимдан бери уйқум йўқ. Жўжи улуси бўғзидан ички низолар ботқоғига ботиб ётибди. Бир маҳаллар дунёга довруқ таратган Жўжи салтанати қани? Чингизийлар қўппак итдек талашиб, бир-бирини тишлашиб, олам жаҳон олдида кулгуга қолиш билан оворалар. Юрт пароканда... Буни ким тушунади, ким англайди? Англайдиган борми ўзи? Ҳой! – Ўрусхон бирдан дағдағага ўтиб, кимгадир қўлини бигиз қилди. – Сен, ановига қилич ўқталиб, масхаранг чиқиб уришмадингму? Сен ириллаб ановининг оёғидан олмадингму? Сен-чи?.. Мановининг кўзига чанг солмадингму?.. Тумшуғи-ю оғзи-бурни конга беланиб тишлашган сенмасмусан?.. Қачон бу нарса йўқ бўлади?.. Ҳаммангни биламан! Нима еб, нима ичиб юрганингни биламан, ўзини шер санаётган қўппакчалар!..

Курултой аҳли ва аъёнларга бундай аччиқ гаплар яхши таниш эди. Улар хонга эътироз маъносида бирон фикр айтиш, сўзини кесиш жуда мудҳиш оқибатларга олиб келишини кўп кўрганлар-да. Ўрусхон шартта ўлимга буюриб

¹ Гунгурсдай – жуссаси катта, гавдали.

юбораверарди.

Хоннинг сочма гаплари аниқ кимгадир йўналтирилмаган эса-да, ҳаммага баробар тааллуқли эди, шу сабабдан ҳамманинг ҳам жон-жонидан ўтиб кетди.

Аммо ҳеч кимдан сас чиқмади...

Тўйхўжа ўғлонгина ўлтирган жойида безовталанганча кимирлаб-кимирлаб қўяр, эшитилар-эшитилмас: “Ўзинг кўппак, сарик! Ўзинг кўппак, сарик!...” дея пичирларди. Тўхтамиш ўғлон дам-бадам унга қарар, безовталанарди.

– Ҳаммангни биламан!.. Мени билмайди дема!.. – зуғум билан деди Олтин Ўрда хони. Унинг овози ингичкалашиб борарди. – Кўзингни оч, пандавакилар!.. Галварслар!..

Ўрусхон кейин Оқ Ўрда-ю Кўк Ўрдани катта кийинчиликлар орқасида бирлаштирганини, бунини улуғ боболар унинг кўнглига солганини, ўзига қолса, Оқ Ўрда хонлиги битта жонига-ю авлодларига кифоя эканини, мол-дунё, мулк деб жуда ҳам ўлиб тургани йўқлигини урғулаб гапирди. Бу юмушларга буюк Чингизхон шаънини ўйлаб қўл ураётир, ҳокони муаззамнинг руҳини эъозлаб, шод этиш учун жонини жабборга бераётир, холос!

Эндиги иш Жўжи улуси шон-шуҳратини ўз ўрнига қўйишдан иборат, бу йўлдаги қадамларнинг энг қутлуғи Московияга юришдир. Олтин Ўрданинг ҳудудини кенгайтириш керак. Бир маҳаллардаги Олтин Ўрда қани?.. Ғарбда Византия-ю, шимолда рус князликларигача, шарқда Иртиш бўйлари-ю жанубда Дарбандга қадар ерлар унга қарарди. Энди-чи? Туронда аллақандай Темир оқсоқ деган зотининг ҳам тайини йўқ бир амир ўзини осмонда санаб, ўзбошимчаликларга бош урмоқда, ҳаддидан ошиб Хоразмни забт этибдур, Фарғона музофотида Амир Қамариддиндай биродаримизга зуғум айлаб нафас олдирмас эмиш... Бу кетишда эртага бизларга ҳам иддао қилишдан тоймайдур...

Хон оғзига кириб қолган мўйловининг учини чиқариш учун “Пуф!”, “Пуф!” деб қўйди.

– Оқсоқ Темирни гапирдингиз, аммо у жуда кўп оёғи бутунлардан илдамроқ юрадур... – захарханда аралаш деди бирдан сабри тутаган Тўйхўжа ўғлон, бемалол эътироз

билдира олиши мумкинлигини бошкалар олдида атайлаб кўрсатмоқчидай. У Ўрусхоннинг тагдор гапларини худди игнанинг устида ўлтиргандай бўлиб эшитди.

Ҳамма ялт этиб ингичка овоз чикқан томонга ўтирилди. Жўжи улуси тахтига қаттиқ кўз тикканлардан бири мана шу Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон эканлиги ҳаммага аён эди. Ўрусхоннинг ўзи ҳам буни яхши тушунар, юқоридагидек паст-баланд гапларни тахт иддаосига йўяр, деса дебди-да, дея эътибор бермасди.

Тўйхўжа ўғлон Олтин Ўрдадаги тангликдан фойдаланиб, ўзига тарафдорлар тўплаб, фикрни бир жойга жамлаб Сарой-Беркага лашкар тортаман деб турганда, пойтахтни аллақачон Ўрусхон ишғол этганлигини эшитди ва ўзининг ландавурлигидан яна қаттиқ ранжиди, афсус-надоматда тилини тишлаб қола берди. Мана энди оқибатда Чингизхон салтанатини бошқаришга қувватдор, кўркмас ва ботир Тўйхўжа ўғлон ана бундай мажмағил-у латта ҳукмдорнинг насихатларини тинглаб ўлтирибди...

– Хон ҳазратлари! – деди масхараомуз Тўйхўжа ўғлон атай. Ҳамма унинг беписандлик билан гапирганига ҳайратда боқарди. – Аслида Московияга боришнинг ҳожати йўқ.. Нимамизга керилиб борамиз? Ҳозир бир черткига ҳам ярамаймиз. Расвомиз чиқади-ку! Ахир бундоқ кўрпага қараб оёқ узатайлик-да! Тўғри, номимиз улуғ, Чингизхон авлодимиз, аммо ҳолимиз ночор... Кўк Ўрдани қўшиб олдик... Керакмиди? Оқ Ўрданинг ўзи кифоя эди-ку! Оқ Ўрдани улуғ мамлакатга айлантирайлик кучимиз, қудратимиз етса... Московияга ёки Мовароуннаҳрға юриш худди ўз инига сигмаган, думига ғалвир боғлаган сичқоннинг ҳолини эслатадур. Сичқон инига сигмайдур, думига ғалвир боғлайдур... Ҳе-хе-хе... Ҳе-хе...

Тўйхўжа ўғлоннинг ёлғизланиб қолган заҳарханда кулгуси тездагина тинди.

Тўхтамиш ўғлон ўзини икки ўт ўртасида ҳис этди. Бир тарафдан, бошини ғоз кўтарганча хонга қараб жасорат билан гапираётган отаси Тўйхўжа ўғлон тутумидан¹ ғурур туяр,

¹ Тутум – иш тутиш йўсини.

кувонар, иккинчи тарафдан тахтда ғазабнок ўлтирган Урусхонга бокиб дахшатли кўркув хиссидан юраги дам-бадам зирилларди. Ёнма-ён туришган Алибек кўнгирот, Окбуға бахрин, нарирокда чўнқайган Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорийлар воқеани ҳанг-манг бўлиб кузатардилар. Ундан ҳам нарирокда тиз чўккан нуфузли амирлардан Амир Идику бирон нохуш воқеа юз бермасинда, деб кўнгли увишиб-увишиб кўярди.

– Нима деяпти ўзи анови нокас?.. Пир урган?.. Бу қандай гап? – Сўзга кўшилган хоннинг кенжатои Темур Малик ўғлон йигитларидан Қозончи баҳодир эди. – Олампаноҳ! Мангқишлоқ ҳокими сичқондай ўлишни истайди, шекилли... Негадир сичқондан гапиради. Сичқон, сичқон дейдир нукул... Сичқоннинг инини минг танга қилиб кўяйми?..

– Телбанинг оғзини ёпиб кўйиш керак, ҳазрат!.. – кичқирди Ўрусхоннинг ўғли Тўхтакиё. – Бир очилиб қоптида... Изн берингиз!..

– Боши олинсин! – деб юборди хоннинг бошқа ўғли Кутлуг Буға.

– Олинсин! Олинсин!

– Изи кирилсин! Кирилсин!.. – қабалида сўзлар янгради. Шов-шув кучая бошлади.

Навкарлари қуршовида савлат тўкиб ўлтирган озғиндан келган, чиройли юзли, аммо кўринишидан журъатсиз Темур Малик ўғлон апил-тапил тахт томонга қаради! Одатда, салга жаҳл отига минадиган ҳокон фавқулудда кутурган қаҳр-у ғазабдан тили айланмай қоларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди: қисик кўзлари йўқолгудай қисилиб кетган, аммо лом-мим дея олмасди.

Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон асли падари бузрукворига ёқмайди, Темур Малик ўғлон буни идрок этади. Ҳамиша хоннинг қитиқ патига теккани теккан... Уч ой аввал Саброндаги қурултойда ҳам шундай тантиқликларга йўл қўйганди, аммо Ўрусхон, худо инсоф бериб, кенглик қилди, жаҳли чиққанини билдирмади. Қилич яланғочлаб отилган навкарларни ҳам тўхтатиб қолди.

Бирдан Темур Малик ўғлонники тутиб кетди. Борди-ю хозир хонзода хос йигитларига буюриб Тўйхўжа ўғлон бошини танидан жудо этса, отаси ашаддий душманидан кутулганига фақат хурсанд бўлади, бу аник. Токайгача бу калондимоғ амир ҳаддидан ошади? Ким ўзи? Ким?..

Ғазаблана бошлаган Темур Малик ўғлоннинг бурун катаклари кенгайиб, қисқ кўзларида ғазаб учқунлари чакнади. У “Нима қилиб ўтирибсан?” дегандай дарғазаб Қозончи баҳодирга қаради... Боши танасига номутаносиб каттарок, энгагида уч-тўрттагина соқол худди омонатга ёпиштириб қўйилгандай тикрайган, паҳлавон келбат, қабарик кўкракли баҳодирнинг ўзи шунга маҳтал турганди. Хонзоданинг гапини эшитиб, ишорани фармон деб тушунди-да, шартта йигирмага яқин навкарлари билан ёппа Тўйхўжа ўғлонга ташланди! Тезда Мангқишлоқ ҳокимининг қўлларини қайириб боғлашга киришдилар. Буни кутмаган Тўхтамиш ўғлон жон ҳолатда:

– Тўхтангизлар! Нима қияпсизлар? Нима қияпсиз лар?!

Қаёққа?.. Қаёққа?.. – деб бақирди ва навкарларга шердай отилди.. Кимдир уни каттиқ нарига итариб юборди, бошига муштми ёки бошқа нарсам, нимадир тегди.

Ўзини ўнглаган Тўхтамиш ўғлон шартта қиличини суғуриб: “Қўлларини маҳкам боғланг!..”, “Оғзига латта тикинг!..”, “Маҳкамроқ ушланг даюсни!..” – деб бўйруқлар бераётган Қозончи баҳодирга отилди! Баҳодир ҳам қараб турмади, чапдастлик билан Тўхтамиш ўғлоннинг қўлига бир урди ва ерга тушаётган қилични илиб олди.

– Буни асра, йигитча!.. Худа-беҳуда кўтараверма! Ҳали керак бўлади. Бошқа ерда ишлатасан!

Қозончи баҳодир шундай деди-да, хотиржам қилични Тўхтамиш ўғлонга ирғитди. Савашишга шайланаётган Алибек кўнғирот, Оқбуға баҳринларнинг буни кўришиб шиддатлари кесилди, қўллари қиличга чўзилганча саросимада тўхтаб қолишди. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав билан Маҳмудшоҳ Бухорийлар ҳам тараддудга тушдилар.

Нариқоқда Тўхтамиш ўғлон ўрамидаги бошқа йигитлар билан Қозончи баҳодир навкарлари ўртасида аллақачон

киличбозлик бошланган, бир тўп одам сур-сурда гоҳ саройнинг у четига, гоҳ бу четига бориб келарди. Тўс-тўполон авжга чикди, ит эгасига боқмас, кимдир муштлашар, кимдир ёкалашар, тишлашар, кўринишхона ичи бузилган ари уясини эслатарди.

Қозончи баҳодир навкарлари қўллари боғланган Тўйхўжа ўғлонни калин ўровга олишиб ҳеч кимни яқинлашишга қўймай ташқарига чиқа бошладилар.

– Кетдик, шаҳзодам! – шивирлади Алибек қўнгирот Тўхтамиш ўғлоннинг қўлтигидан оларкан. – Бу ерда қолмоқ хатарли! Тезроқ ташқарига чиқайлик! Падари бузрукворингизни қутқариш йўлларини ўйлайлик! Қутқарамиз, худо хоҳласа! Кетдик!..

Оқ Буға баҳрин ҳам уни қўллаб-қувватлади.

Шу пайт кимдир одамлар орасидан уриниб-суриниб ўтиб келди-да, уларга яқинлашди ва секин шивирлади:

– Тезроқ кетингиз! Тезроқ кетингиз бу ердан! Сиз кетмасангиз... бошингиз кетадур!

Тўхтамиш ўғлон зодагонлардан эканлиги аён нотаниш одамдан сўради:

– Ким бўладилар, нўён жаноблари?

– Идику бўламан, манғитлардан...

Идику ўттиз бешларга борган, жуссали, ўрта бўйли, деярли ярғокбош¹, дўнгманглай, кўринишидан ваҳимали, қисқ кўзларининг ўйнаб туришидан маккорлигини яшира оладиган ақлли, ҳушёр киши эди. У шундай деди-да, шитоб одамлар орасига кириб йўқолди.

Тўхтамиш ўғлон ва унинг шериклари алғов-далғовлар ичида Тўйхўжа ўғлон изидан ташқарига отилдилар.

¹ Ярғокбош – қал, сочи тўкилган.

ИККИНЧИ БОБ

I

Улуғ салтанатнинг шукуҳли пойтахти Самарқанди фирдавсмонанд кўчаларида ёлғиз кўк кийган одамларни учратиш мумкин эди.

Жаҳонгир Мирзони она шахри Кешда Дор ут-тиловат мавзеида дафн этишга отландилар. Кеш йўлида Самарқанддан беадад одам оқиб борарди. Орқароқда мамлакатнинг турли пучмоғларидан ошиққан саноғи йўқ нўёнлар, амирлар, беклар, сарой аъёнлари, оксоқол-у кадхудолардан¹ иборат мардум² олға силжирди. Олдинда эса, тобут солинган маофа³ билан изма-из дийдаи гирён маликалар, амирзодалар қадам ташлардилар...

Амир Темур Кешда салтанат буржининг ёруғ юлдузи, жаҳондорлик шаън-шавкати аломатлари манглайида аён битилган шахзода Жаҳонгир Мирзонинг пок руҳига атаб турфа хайр-у эҳсонлар килди, етим-есир, бева-бечораларга инъом-у садақалар улашди. Хайр-у эҳсонлар муаззам пойтахт Самарқандда Кешдагидан кўра ўн чандон ортиқроқ даражада адо этилди.

... Кажрафтор⁴ дунё!.. Энг суюкли ўғли Жаҳонгир Мирзо йигирмага кирганда дунёга қўл силтагандай кетди колди. Дунёси шулми? Энди нима бўлади? Бу азоб-уқубатларга у қандай чидайди-ю қандай чора топади? Ким унга мадад беради Оллохдан бошқа? Э, Оллох, ўзингга шукр, барига ўзинг мададкорсан, ёлғиз ўзинг, ўзинг...

Жудоликнинг аччиқ шарбатидан тотган, мотам либосига ўралган Амир Темурнинг фиғони чексиз эди. Огир мусибат тап тортмас, унинг қудратли қаддини букишга орзуманд эканини яширмасди.

¹ Кадхудо (форсча; кишлок оксоколи) – 1) кент бошлиғи, кишлок оксоколи. 2) эл-халқ ўртасида гап-сўзи ўтадиган кекса киши; маҳалла оксоколи.

² Мардум (форсча) – одам(лар), киши(лар).

³ Маофа (форсча; тахтиравон; замбил) – отга ўрнатиладиган, одам ўтирадиган, соябонли бир хил кажава.

⁴ Кажрафтор (форсча) – тескари юрувчи; маккор. Кажрафтор дунё – тескари, нотўғри иш қиладиган дунё (замона ёки тақдирдан шикоят қилиб айтиладиган ибора).

Мана, уч кундирки, Соҳибқирон, менга энди ҳеч нарса керак эмас, дунёси ҳам, салтанати ҳам, бас, дунёдан илик уздум, дея Боғи Чинорга кириб, кўкрагини ерга бериб ётади. Муҳаммад Чуроға додхоҳга, ёнига ҳеч кимни йўлатмас-ликларини қаттиқ тайинлади.

Учинчи куни кечаси бирдан Амир Темурнинг ўпкаси тўлиб кетди. Жаҳонгир Мирзо қайтиб келмайди! Бу аччиқ ҳақиқатни гўёки энди англаб етгандай, алам-у оташ ичида кўз ёшини тиёлмади. Оёқ томонда тиз чўкканча мудраб ўлтирган Сароймулкхонимга сездирмай, юзини ёстикқа қаттиқ босиб олди. Бахмал ёстик унинг ичидан отилиб чиқаётган ингроқ сасларини индамай ўз ичига ютар, кўз ёшларидан ёқасини ҳўл қиларди.

Кўзлари киртайган, афтодаҳоллик пардаси ичра, барибир, ботиний гўзаллиги кўриниб турган Сароймулкхоним кейинги пайтларда кам гапирадиган одат чиқарди. Ҳамиша кўзга ташланиб турадиган чап юзидаги қора холи ҳам рангсизлангандек туюлади. Маҳди улё мусибатдан изтироблар чекиб кўп гапирди, йиглади, энди сўзи ҳам, йиғиси ҳам тугади чоғи. Жаҳонгир Мирзо унинг туккани эмас эсада, бундан-да ортиқроқ бир жигарпорасига айланиб кетгани кучлироқ сезиларди.

У ҳар гал Амир Темур ётган хос хоналарига киради-ю, оҳиста чўккалаб аввал Соҳибқироннинг бошини уқалайди, кейин елкаларини... Беговта этмаслик учун бир оғиз ҳам сўз қотмайди. Фақат ичида: “Илоҳи, азиз бошлари омон бўлсун! Илоҳи, азиз бошлари омон бўлсун...” – деб кўяди. Бу сўзларни Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам баъзўр эшитади. Оёқларини укалаб бўлгач, қуйироқда мунғайибгина ўнг тиззасига иягини тираб, маъюс нигоҳини Соҳибқиронга тикканча ҳаёл уммонига шўнғийди. Кейин кўзларини юмиб, пичирлаганча “Ихлос” сурасини қайта-қайта кироат қила бошлайди... Буни бежирим ёқут лабларнинг нафис қимирлашларидангина билиш мумкин.

Ҳаммадан ҳам Амир Темурнинг бошдан оёқ кўкка ўралиб олган эгачиси Қутлуғ Туркон оқа қаттиқ хавотирда... Унинг фикрича, агар аҳвол ўнганмаса, мамлакат издан

чикиб кетиши ҳеч гап эмас. Жетадан¹ қайтиб келган тингчи хабарига кўра, Темурбекдан калтак еб Дашти Қипчокка қочган Одилшоҳ жалойир қўшин тўплаб, Ўтрор яқинидаги тоғларда йўлини йўқотиб, муштумини қисганча саргашта юрганмиш. Ул бадбахт вазиятдан хабар топса, Самарқандга от солишдан ҳам тоймайди. Қамариддиннинг эса Туронга эскидан иддаоси бор... Соҳибқирон кўп марта Жетага қўшин тортди, аммо бу уришқоқ амирнинг танобини тортиб қўя олмади. Шавкатли қўшиннинг қорасини кўрди дегунча, маккор Қамариддин ҳамма нарсасини ташлаб, уялмай жуфтакни ростлаб қочиб кетади, тоғларнинг бирон қавак-кандигида жон сақлайди. Бироздан кейин яна ўша уйинг куйгурнинг Андижон ёқлардаги босқини ҳақида хабар эшитилади, яна қўшин жўнатилади, яна... Хуллас аҳвол шу тарзда давом эта беради.

– Сулаймоншоҳ... – деди Амир Довуд дуғлатга² сабри чидамай Қутлуғ Туркон оқа бодом ковоқлари уюлиб. Улар Кўксаройнинг кўринишхонаси эшиги олдида турардилар. – Амир Соҳибқироннинг кўнгиллари жуда ҳам чўкиб кетибдур. Яратган ўз паноҳида асрасин, жуда ҳам шаштлари паст... Юпатай деб худонинг зорини қилдим, йўк, йўк, менга ҳеч нарса керакмас, деганлари деган. Мамлакат тартиби-ю давлат юмушларини ҳам унутдилар. Қараб ўлтирмангизларда! Ахир...

Шу пайт руҳлари сўник бир кайфиятда Умаршайх Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳлар етиб келишди. Қутлуғ Туркон оқа “айланайин” дея кўришиб пешоналаридан ўпди, Амир Довуд дуғлат уларни хийла бағридан қўйиб юбормади. Оғир мусибатдан, валинеъмат Соҳибқироннинг аҳволотидан қаттиқ изтироб чеккан амирзодаларнинг ияклари сўррайибгина қола қолган, улар худди уясидан тушиб кетган палапонларга ўхшардилар.

– Энди нима қиламиз, энажон?... Нима бўлади?... Валинеъмат Соҳибқирон... нега бундай... Ўзларини аясун-

¹ Жета (туркийча; карокчи) – Моварауннаҳр ҳукмдорлари XIV-XV асрларда Мўғулистонни шундай номлашган.

² Дуғлат – қадимий туркий қавмлардан бири.

лар-да... – йиғламсираб деди Умаршайх Мирзо онасига суйкалган кулундай Кутлуғ Туркон оқа кўкрагига аста бош кўйиб.

Юмалоқ юзли, хушсурат, кўзлари онаси Тўлин оқага тортган кўйкўз Умаршайх Мирзо ориятли йигит бўлиб вояга етди, айна пайтда тезоб, жиззакилиги бор, кўрсрок, баъзан дағалроқ феъллари ҳам йўқ эмас. Шунданмикин, сирдош дўстлари ҳам камроқ. Амир Сулаймоншоҳ, давраларда, сафарларда, маъракаларда ҳамиша амирзодани кўздан кочирмас, бирон нохуш ҳодиса иси чикса, олдини олишга тиришарди. У Жаҳоншоҳ ибн Жокуга ҳам ҳамиша амирзодадан хабар топиб, хушёр туришни ўтинган.

Умаршайх Мирзо оғаси Жаҳонгир Мирзога ўхшаб олисдаги бирор махбубани севиб қолгани йўқ, кечалари сулув ёр деб кўз юммай чикмади, унда йигитларга ўхшаш одатий ишқий саргузаштлар ҳам кечмаган. Оғаси вафотидан кейин, катта ўғил бўлиб қолган амирзода сипо тортиб, ҳамма нарсага ўзини бошқалардан кўра масъулроқ сеза бошлади. Амир Темур борасида, салтанат ёки Самарқанд, умуман, нима ҳақда сўз бормасин, унга тегиб кетар, барини ўзига олар, ўзини жавобгар ҳисобларди.

– Иншооллоҳ, тезда яхши бўлиб, тузалиб кетадилар, амирзодам!... – юпантиришга уринди Кутлуғ Туркон оқа.

–... Йў-ў-қ, қараб ўлтирмаймиз, онаси! Албатта қараб ўлтирмаймиз! – деди Амир Довуд дуғлат юзидаги билинар-билинемас қилич изларини силаб. – Ўзимнинг ҳам бошим қотган. Худди бурчакка қисилиб қолган макиёндай чорасизман... Эҳ, Жаҳонгир Мирзо! Жаҳонгир Мирзо! Соҳибқироннинг суянчиғи, умиди, тирағи эди-я!.. Қўлимдан келсаю, Темурбекнинг дардларини аритсам! Кошкийди! Бандасида не чора? Умид парвардигордан-да энди, онаси...

Чиндан ҳам, ичидаги сўзини ҳамиша яширмайдиган, гулдираб, босиқ оҳангда гапирадиган, чорпахилдан келган, бакувват дуғлат амирининг аҳволи ночор кўринарди. Амир кўзларида ғилтиллаган ёшини завжасидан яшириб ўлтирмади.

Кутлуғ Туркон оқа ўйланганча босиқ деди:

– Рост айтдингиз! Умид ёлғиз парвардигордан, албатта... Иншооллох, бунга асло шубхам йўқ, Оллохнинг ўзи мададкордир. Аммо бандаси ҳам жим турмаслиги керак-да. Пири муршид жаноблари... – Шавҳари нимадир демоқчи эди, аммо Темурбекнинг эгачиси бунга йўл бермади. – Пири муршид жаноблари Соҳибқирон ҳузурига кирсунлар. Юпатсунлар, насихат айласунлар, йўлга солсунлар! Не бўлса ҳам, Соҳибқироннинг бағирларини зах ердан узиб, қўлларидан етаклаб ёруққа олиб чиқсунлар, гўшанишинликдан халос этсунлар! Ётавериш жонидан ўтиб, ер кўкракларига ботиб ҳам кетгандир укажонимни! Бу аҳволда ўзлари ҳам оғриб қолмасунлар тагин...

Кутлуғ Туркон ока охирги сўзларини йиғламсираб гапирди.

– Англадим, онаси! Дилимдагини сўзладингиз. Хўп, хўп! Ҳозирок Суюрғатмишхон жанобларини топурман, амирларни йиғиб кенгаш қилурмиз. Пири муршид ҳазратларига, барчамизнинг илтижо-ю шижоатимизни ўзингизга олингиз-да, мамлакат султонини оёққа турғизингиз, деймиз!

– Худо хайрларингизни берсун! Оллоҳ ёрингиз бўлсун!

Кутлуғ Туркон оканинг катта-катта маъюс кўзларида умид учкунлари чакнади.

Амирзодалар, бизлар нима қилайлик, буюрингиз, тоғни кўпорингиз, десангиз, кўпорамиз, душманлар додини берингиз, десангиз, берамиз, дегандай илтижоли термилиб турардилар.

II

– Ассалому алайкум...

Мир Саййид Барака хос хонага кирганда, Амир Темурнинг ерга бағрини бериб, юзтубан ётганига кўзи тушди. Сароймулкхоним Соҳибқироннинг бошида, Хонзода хоним билан Улус ока оёқ томонда чўккалаб сукутда ўлтиришарди. Пири муршид кирганини кўришиб оҳиста ўринларидан кўз-голдилар-да, ортга чекиндилар ва эпкиндай сирғалиб ташқарига чиқдилар.

Амир Темур пири муршид ҳурматиға ўрнидан турмоқчи

эди, Мир Саййид Барака бунга йўл қўймади:

– Зинҳор безовталанмасунлар! Ижозат, ижозат!..

– Адо бўлгон одаммен, пирим... – деди Амир Темур ҳолсиз.

– Оллоҳнинг ўзига ҳамд-у санолар айтайлук.

Маншури осмоний, каломи субҳонийга юз бурайлук...

Мир Саййид Барака бошқа ҳеч нарса демади. Қуръонни кироатда ҳам, савтда ҳам тажвид¹ билан ёд олган пири муршид Соҳибкироннинг ёнига чўк тушди-да, кўзларини юмганча, овоз чиқариб, оҳиста тиловатга киришди. Қўллари тасбеҳ доналарини санашдан тўхтамасди. У одатда ҳар бир каломни дона-дона талаффуз қиларди. Ора-орада кўзларини очиб таважжух² ила: "Куф! Суф! " деб нафас қилар, қўлидаги тасбеҳини Соҳибкироннинг гоҳ чап, гоҳ ўнг елкасига уриб-уриб қўярди.

Пири муршиднинг тутуми Амир Темурга бир қадар кутилмаган ҳолдай туюлди. У ўзини яхши насихатлар, ётавермасдан давлат ишларини қўлга олиш зарурлиги тўғрисидаги хитобларни эшитишга шайлаганди, ҳатто нима деб жавоб беришнинг ҳам ташвишини чекмоқдайди. Аммо пири муршид ҳеч қандай насихатлардан оғиз очмади, хитоб ҳам этмади.

– Ауззу-у-у биллаҳина-ш-шайтонир ражи-и-и-и-йм, бисмиллаҳи-р-рахмонир раҳи-и-и-и-йм...

Ёсин.

Ва-л-Қуръани-л-ҳаким. Инна-а-а-ка ломина-л-мурса-лина а-ала сиротин мустақи-и-и-и-йм... ³ – оҳиста "Ёсин" сурасини ўқишга турди энди пири муршид. У Соҳибкиронга Қуръони мажиднинг қалби бўлган ушбу сура бағоят ёкишини биларди. Авваллари ҳам кўп бор ўкиб берган.

Хонада илоҳий каломлар парвоз қилиб юарди.

¹ Тажвид (арабча; кироат, оҳанг билан ўқиш) – Қуръон оятларини ўқишда нутк товушлари талаффузининг тўғрилигига эътибор бериш, Қуръонни кироат, алоҳида оҳанг билан ўқиш.

² Таважжух (арабча; бирор кишига мурожаат қилиш, юзланиш; бирор томонга юриш, жўнаб кетиш) – 1) хайрихоҳлик билан юзланиш, қараш; 2) диққат-эътибор; 3) худога ёлвориш. Бу ерда химояси, диққат-эътибори маъноларида келган.

³ Қуръони карим. Ёсин сураси, 1-4 оятлар. Мазмуни: Ёсин. Ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, Сиз Тўғри Йўл устидаги пайғамбарлардандурсиз...

Мир Саййид Бараканинг залварли аллаловчи овози
Амир Темурни элита бошлади, у беихтиёр кўзларини
юмди...

Рухий азобларни енгиллаштиргувчи, бемисл таскинлар
ила кўнгилни кўтаргувчи сеҳрли каломларни тинглар экан,
кандайдир жуда узоқларга кетиб қолгандай ҳис этди ўзини.
Ҳа, жуда ҳам узоқларда юрарди бу палла, юрардими ёки
шундай туюляптими?.. Тушими, ўнгими, хаёлми... Чунон
уринса-да, буни аниқлай олмади. Ҳар қалай, тобора ўзини
енгил сеза бошлади. Дилининг тубида тош бўлиб ётган
андух-у аламлар ҳам эриб, қайгадир чекинишга турдилар.

Бирдан мўъжиза юз берди: хонани тўлдирган Қуръон
каломлари томдан ҳам ўтиб осмон-фалакка ўрлай бошлади!
Ғаройиби шу эдики, уларнинг қанотида худди ўзини фариш-
талардай вазнсиз сезган Амир Темур ҳам учиб борарди!

Атрофда ям-яшил фазо, тип-тиник осмон ўз салтана-
тини намойиш қилар, юксак-юксакларда арши аълони ўз
бағрига олганлигидан жамоли нурафшон эканлигини яшир-
масди. Соҳибқирон назарида, бокий дунё билан фоний дунё
чегараси шу ерда ўз интиҳосига етиб бирлашиб кетгандай
туюлди. Орадан қанча вақт ўтди, бир кунми, юз йилми, минг
йил... – фарқига боролмади. У ломакондан¹ кўз узиб, тавал-
лолар ила юқори-юқориларга, минг-минг қуёшдан ҳам
кучлироқ шуълаланиб ётган арши аълога каради ва юзлари
куяр даражадаги тафтга чидай олмай қўлларини тўсганини
билмай қолди...

– Халлоки безаволга салламно!.. – беихтиёр шивирлади
ўз-ўзига Амир Темур...

Олис-олислардан пири муршиднинг ширали овози ва
саловотнинг сўнгги каломи қулоғига чалинди:

– ...Иннама-а-а амруҳу иза арада шайъан ан-якула лаҳу
кун-фаякун. Фа субҳаналлазий биадихи малакуту куллу
шайъин ва илайҳи туржаъун....² Омийн! Куф!.. Суф!.. Куф!
Суф!

¹ Ломакон (арабча) – маконсиз, жойсиз; бушлик).

² Ёсин сураси. 83-оят. Мазмуни: Бас, барча нарсанинг эгалиги ўз қўлида бўлган
пок зотдир. Ёлғиз Унгагина қайтарилувсизлар..

Пири муршид тасбеҳи билан беозоргина Амир Темур елкаларига уриб-уриб қўйди-да, мамнун деди:

– Ўзларига келиб қоладилар, ҳа... Иншооллоҳ, оёққа туриб кетадилар, Амир Соҳибқирон!

Амир Темур ўзида қандайдир шижоат сезди, кўкракни зах ерга бериб ётавериш дамлари тугаганлигини, азот ўрнидан туриб гўшанишинликдан чиқиш пайтлари етганлигини англади. Кеча энди тўнғич ўғилга айланган Умаршайх Мирзо ҳам кириб, кўзларида ёш тиз чўкиб, сўзларини илтижолар ила беади. Амир Сулаймоншоҳ ҳам, Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳам изтиробда юришибди. Амирзодаларнинг шахтлари қайтиб қолмаслиги керак, уларни авайлаш лозим...

Пири муршид рўбарўсидаги ғамга чулганган муриди¹ эмас, муҳибининг² сўлғин юзларига қараркан, ногаҳон ёприлган кайғу, ғам-андух, мусибат ҳар қандай кишини ҳам эгиб қўйиши мумкинлигини кўрди. Суянчи, сирдош дўсти, дунёда одамларни бахтли қилишга бел боғлаган валламатнинг шунчалар афтода бир ҳолга тушганидан Мир Саййид Бараканинг бағри увалди. У оҳиста Амир Темурнинг бошию елкаларини уқалашга турди. Пирнинг қўллари майин ва юмшоқ эди, ундан Соҳибқирон вужудига қандайдир сеҳрли қувват инмоқдайди. Амир Темур ҳаракат қилмоққа ўзида хошиш-у куч сеза бошлади.

Шу палла бирдан:

– “Ё пирим!” деб туриб кетсунлар энди, Амир Соҳибқирон! – таважжуҳ ила амр этди Мир Саййид Барака. – Бу бандасига ҳам, худога ҳам ёқмоғи аёндур! Алҳамдулиллаҳи раббил оламин!

Амир Темурнинг қўлтиғидан олмоққа шошиларкан, пири муршид бутун ғасоҳатини ишга солиб, деди:

– ...Оре, рост. Бунини дунёи бевафо дерлар. Ўткинчи дунёнинг роҳат-фароғати – ярқ этгон чакмоқнинг ўзи, кўрасиз-у, тутиб қололмайсиз... Унинг кирдикорларидан наҳотки беҳабар бўлсалар? Ситамкор фалакнинг нағмаларини наҳотки билмасалар? У кимга бир фароғат бахш

¹ Мурид (арабча) – издош, эргашувчи, шогирд.

² Муҳиб (арабча) – севувчи, дўст тутувчи; муҳлис.

этдики, ортидан ранж-у изтиробларини юбормади? Кимга муаттар бўйли гул бердики, гўзал барглари орасига захролуд тиканини яшириб қўймади? Оллоҳнинг қазосига ризо бўлмаган ким бор экан ўзи?..

Амир Темур бор вужуди кулоққа айланиб тингларди.

– Подшоҳларнинг улуғлиги ўзгалардан беш хислат билан ажралиб турадир, Амир Соҳибкирон. Фуқарога марҳамати-ю муруввати, мамлакат низомидаги адолати, мазлумни золимдан химоя эта олиш қудрати, донишмандлиги-ю зукколиги, ва ниҳоят, фурсатни ғанимат билиб, оқибатни англай олиш санъати... Оре, рост, халойиқни сийлаш, рисолатпаноҳ¹ авлодлари бўлгон саййидларни шарафлаш, амирларни чопон-у камарлар ила тақдирлаш, уламоларга иззат-у эҳтиром кўргизиш, бечоралар бошини адл-у эҳсон қўли билан силаш, раёни адолат-у омонлик йўлида рози этиш... Барчаси улуғлик рутбасига тақилгон безаклардур.

Ихлосни ҳеч қачон сусайтирмаслик лозим! Дам ғаниматдур! Вовайлоларким², мамлакат қаровсиз, чаман-боғ миришкор боғбон назарисиз қолиб турибдур. Машойихлар дермишларки, тарийқи инзиво – яъни жамиятдан чекиниш, хилватда ўлтириш подшоҳларга мутлоқ ярашмайдурғон ишдур. Фурсатни ғанимат билмак лозим, оқибатни англаб етмак зарур. Оллоҳнинг бандасига юклағон вазифасини адо этмаслик ҳам бир гуноҳи азимдур... Англадиларму? Шукр қилмак керак...

Мир Саййид Бараканинг. сўзлари салмоқли чиқди.

– Англадим, пирим... Ҳа, шукр қиламен, беадад шукр!..

Амир Темур чеккан оғир азоб-у уқубатлардан кейин Оллоҳнинг бемисл қудратига иймон келтириб турганда, шу лаҳзаларгача саботига путур етмаган пири муршиднинг ўзи энди негадир тўлиқиб кетди. Қандайдир бир ўкинчми, афсусми, алам томоғидан ғиппа бўғиб олди. Кўзларида қалқиб чиққан ёш тўкилмоққа мойиллик кўргизарди. Ўкрашига бир баҳя қолган Мир Саййид Барака ичидан отилай

¹ Рисолатпаноҳ – пайғамбар (муалл).

² Вовайло – афсус, аттанг, эвоҳ.

деган кучли изтиробни тўхтатиш умидида сир бой бермай Амир Темурни бағрига босди, тили эса “Оллоҳга шукр!”, “Оллоҳга шукр!” дан бўшамасди...

Шу палла узоқдан караган одам бир-бирига туташ икки елканинг ўқтин-ўқтин титраётганини илғарди.

Мир Саййид Барака ташрифидан сўнг, Амир Темур дил жароҳатига бироз малҳам топгандай бўлди. Дунёга эътиқоди яна кулф уриб, муборак назарини паришон мамлакат забтига қаратди.

Жаҳонгир Мирзо маросимлари билан қўл-оёғи боғланган Соҳибкирон, олам вазиятидан яхши хабардор эмасди. Танишиш асносида шу нарса маълум бўлдики, Жета томонларда Камариддин ҳали ҳам ёғийлик туғини баланд кўтариб, кўнглидаги бад ниятларидан қайтмаслигини тап тортмай, ошкора намойиш этиб юрибдур. Амир Сорибуға жалойир ёмон одамларнинг сўзига кириб тўғри йўлда кетаётиб, куппа-кундузда адашиб, нечундир қочмоққа юз тутибдур. Дашти Қипчоқда Ўрусхон кучайиб бораётган эмиш. Тингчилар хабарига кўра, у Жўжи улусини тағин қудратли давлатга айлантирмоқ ниятида экан.

Жўжи улуси Турон салтанатининг шимолдаги энг ашаддий душмани эканини ва ҳисоблашиш кераклигини Соҳибкирон дилдан ҳис этарди. Хоразм волийси Юсуф Сўфи эса қариндошлигини фаромуш айлаб, ахир улар қудалар-ку, гоҳ-гоҳда ҳамон Хевак-у Бухорога чопқун уюштириб турибди... Дунёдан эрта кетган валиахд Жаҳонгир Мирзо хоразмликлар куёви эди-ку! Куёвнинг иззати, куда-андачилик ҳурмати шунчаликми? Жилла қурса, гўрида тинч ётсин... Куёвни пайгамбарлар ҳам сийлаганлар ахир! Ақалли шундай мотам-у қайғуга чўмган кунларда ўзини тийиб турса, макбул эди. Ажабо, Хоразм ҳукмдори Хонзода хоним кўзига қандай қараркин? Ахир Туркистонзамин Хонзода хоним юртига айланди, малика эса Юсуф Сўфининг жигаргўшаси-ку, оғаси Оқ Сўфининг қизи! Жигаргўшасига қилич ўқталиш, хеш-ақраболар¹ устига от солиш мумкинму?..

¹ Ақрабо (арабча) – яқинлар, ёр-биродарлар, ёр-дўстлар, қариндошлар.

Бари инсон боласи тушуниши кийин саволлар экани аён.

Мана, яна Қамариддинга карши Жетага жўнаш лозим. Соҳибкирон шу пайтгача ул ножинсни бир ёкли килол-маганидан ўзининг олдида ўзи хижолат... Бас, бу сафар ўшал ҳўл балони албатта топади, ҳайикмай салтанатнинг тинчини ҳуда-беҳуда бузаверишдан зерикмаган бетавфикнинг муносиб жазосини бермасдан қайтмайди!.. Вассалом!

Амир Темур қатъий фикрга келди. Саодат кутисининг гавҳари, манглайида комронлик аломатлари яркираб турган Умаршайх Мирзо бошчилигида Амир Шоҳмалик, Муҳаммад Мирак ва Амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекларни, чамаси, бари йигирма ёшларда эди, – уларга Аббос баҳодир кипчокни ҳам қўшиб қўйди, – икки юз навкар кузатувида ўзидан илгарироқ жўнатишни макбул топди. Дарвоқе, Амир Мусо завжаси Орзумулк ока, Ока бегимни шавҳарининг энг биринчи хотинидан туғилган, онаси анча йиллар аввал оламдан ўтган, ўз боласидай бўлиб колган Муҳаммадбек учун келинликка сўраганди, Сароймулкхоним бу гапни Амир Темурга етказганди, ҳатто тўйни ҳам ўтказишмоқчи эди-ю, орага амирзода мотами тушиб қолди.

Жетага отланишдан олдин Амир Темур даставвал ҳарам аҳли билан кўришиб қўймоқни кўнглига тугди. Аммо учрашув яқинлашганда мунгсираган маликаларни қандай юпатишни ўйлаб қолди-ю фикридан қайтди. Шундай сўзларни тополмаса керак...

Айникса, Жаҳонгир Мирзо фирокида куйиб адоий тамом бўлган суюкли келини Хонзода хонимга нима дейди? Уни қандай юпатади?.. Шаҳрисабздан кейин ҳали кўрмади. Ўшанда Хонзода хонимнинг рангида ранг йўқ, нақ япроқларни сўлиб қовжираб колган гулга менгзарди. Тўғри, Боғи Чинорда ётган чоғида маликалар Сароймулкхоним етагида зиёратга келдилар, уларнинг ичида Хонзода хоним ҳам бор эди, аммо Соҳибкироннинг бировга қарашга ҳоли-ю хоҳиши бўлмади.

Гоҳо учрашганларида эса Соҳибкирон ҳам, Хонзода хоним ҳам ҳеч нарсa демайдилар, ҳеч ким ҳеч кимдан бирон

нима сўрамайди, Амир Темур келинига назар ташлайди-да, бошидан оҳиста кучиб бағрига босиб, манглайдан ўпиб қўяди, холос. Дунё яғонаси дегулик малика, камарсиймо ўзининг монанди йўқ гўзаллиги, нодир ақл-у фаросати ила тақдир томонидан шундай сийловга муносиб топилдими?.. Ҳаёт лаззати-ю яшаш завқини ҳали туюб, тотиб улгурмаган соҳибжамол келини ўн етти ёшида... тул қолиб ўлтирибди-я! Бу қандай адолатсизлик!..

Начора, тақдир иши шундоқ... Уни бошқариш қудратли султонларнинг ҳам қўлидан келмас экан. Шўрликкина Хонзода хонимни юпатгунча Соҳибкироннинг ўзи ҳам тасалли-ю таскинга муҳтож бўлиши аниқ. Бировдан ҳол сўрамоқдан ёмони йўқ. Сўраганда ҳам нимани сўрайдур? Сўрайдир-у ўзини беҳол қиладур, кўнгилларни эзадур, холос...

Амир Темур, яхшиси, маликаларнинг дардлари янги-ланмасин, бироз ўзларини ўнглаб олсинлар, худди шу нарса менинг ўзимга ҳам керак, деган хаёлга борди. Йўкса, афто-дахол маликаларга боқиб, кўнгли бўш, ўзини тутолмай йиғлаб юбориши мумкин, бу эркак кишига ярашадиган ишми...

Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деган ақида этагидан тутган Амир Темур юртга ёғий қадами етгани, вазият танглиги баҳонасида шошилинич Иссиқкўл томонларга жўнаб кетди.

УЧИНЧИ БОБ

I

Боғи Чинорга ҳам куз келди...

Боғнинг теварагидаги мағрур бўй чўзган тераклар барги саргая бошлаган, шовуллашлари ҳам негадир мунгли туюлади. Чорчаманлар орасидаги йўлакларга тўшалган хазон япроклари оёқлар остида шитирлайди. Боғбон ҳар куни кам деганда икки кучоқ-икки кучоқ сарғайган барглари ташка-рига олиб чикиб ташлайди.

Боғнинг ўртасидаги таги феруза лаппакчалар билан коп-

ланган, ҳамиша зилол сувга тўлиб турадиган,

Хонзода хоним ёктирадиган каттагина ҳовуз ҳам нечундир у кадарли файзли эмас. Бир-бирига тутшиб ранг-баранг мусамман¹ юлдуз ҳосил қилган гулбоғчаларда эртароқ хазон бўлган гуллар кўзга ташланади, куз фаслининг тараддуди уларга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлаган...

Авваллари боғнинг ўртасидан қараганда тўрт ошёнали қаср ёнида, Сароймулкхоним билан Хонзода хоним “ота-бола чинорлар” деб ардоқлашадиган икки азамат чинор ҳамиша савлат тўкиб турар, нигоҳларни қувнатарди. Бирок чап томондаги “бола-чинор” ни эрта қуриганидан кўчириб ташладилар. Ўнг томондаги алпдай бўй чўзган “ота-чинор” ҳам худди “ўғли” ни қўмсаб, ёлғизликдан ўксиниб қолгандек туюлади. Маликалар гоҳ-гоҳда боғ сайрига чиққанларида, чинорлар томонга қарамасликка тиришишар, барибир, яширинча кўз ташлашдан тийилишолмас, аммо бу ҳақда сўз қотишга ҳеч қайсиларининг юраги бетламасди.

Соҳибқироннинг Жета томонларга жўнашдан олдин ҳарам аҳлига учрашмай кетганини Сароймулкхоним ўзича ёғийнинг шитоб юртга бостириб келгани-ю вақтнинг тифиз эканига йўйди. Амир Темур, агар мамлакатнинг қай еридадир душман юртга бостириб кирибди, деса бунга асло чидолмаслигини, бошқа ҳамма юмушларни бир четга суриб қўйишини, иложини топса, ўша куниёқ йўлга чиқишини яхши биларди. Амир Темур жўнаб кетарди, малика эса ҳар гал кузатиб қолар экан, шу онданоқ ихлос билан жон-у жаҳони, суянчиғи, ёри ғамгузорининг дуосини қила бошлар, илоҳи, Соҳибқирон ҳазратларини ўз паноҳингда асра, унга шунчалар ташвиш орттираётган душманлар юзини тескари қил, деб худога ёлворарди. Бу то дийдорлашгунларигача давом этарди.

Мана, уларнинг айрилишганларига икки ой бўлмоқда, бу икки ой йилларга айланиб кетмасмикин, маҳди улё ана шундан кўрқади.

Амир Темурдан ҳамиша орзиқиб хабар кутадиган Сароймулкхоним бу гал интизорликдан ўзини анча олдириб

¹ Мусамман (арабча) – саккизлик.

қўйди. Кўзлар нигоронлигида ўн кун ўтди, йигирма кун ўтди...

Икки ярим ой деганда, Соҳибқироннинг чопари, елкадор Амир Сулаймоншоҳ бундай хабар етказди:

– Салтанат лашкари тоғ-у чўллар кезиб, ниҳоят Иссиқкўлдан узоқ бўлмаган катта дарага етиб борди, майдон танобини тортиб, маккор Камариддинга каманд ташлади, савашиб, уни жуфтакни ростлаб қочишга мажбур этди, элини талаб, асир олди. Амир Темур Кўрагон ҳазратлари душман изидан қолганлари йўқ. Албатта, Камариддинни қўлга киритамен, сўнг қайтамен, деган аҳдлари қатъийдур...

– Вой худоё, Амир Соҳибқироннинг сафарлари яна қанчага чўзиларкин, ғанимни қаерда тутаркинлар? – дили озорланди Сароймулкхонимнинг. – Бу, ўша ер юткур ҳўл балони йўқотаман деб бешинчи марта уринишлари! Ўша, Оллоҳ қаҳрига учрагур, тоқайгача қочиб юаркин? Чунки шу пайтгача кечган ҳамма жангларда маккор, ҳавосини олган экан, ҳамиша қочиб жон сақлаган...

Ҳовуз бўйидаги сўрининг бир четига омонатгина чўккан Амир Сулаймоншоҳ тезроқ мақсадга ўтишга шошиларди, у ҳали уйларига бориб, ота-онасини ҳам бир зиёрат қилиб зудлик билан қайтиши лозим.

– Маҳди улё жаноби олиялари! Тонг билан ортимга қайтмоқчиман. Амир Соҳибқирон, пойтахтдаги вазият ҳамда ҳарам аҳли ҳолидан хабар етказгил, деб буюрдилар...

Сароймулкхоним маъқул ишорасини қилди. Унинг ўзи ҳам шуни кўнглига туғиб қўйганди. Бу нарса Амир Темур ҳазратларини тинчлантириш учун ниҳоятда зарур эканини малика фаҳмларди, шу важдан барини чопарга батафсил айтиб берди. Чопар катта малика сўзларини қулоғига қуйиб олишга тиришди.

Бонуйи кубро эгачи Қутлуғ Туркон оқа жаноби олияларининг сихҳатлари тузук, Оллоҳга шукр. Ҳамиша ҳарам аҳли ҳолидан хабар олиб турибдилар.

Ўтганларни эсламоқ савоб, дейдилар. Муҳтарама жориялари Тўлин оқа билан Менгли бикалар Жаҳонгир Мирзодан аввалроқ оламдан ўтишган, бунини Соҳибқирон яхши

биладилар. Жойлари жаннатдан бўлсун, илоҳи... Кўзлари кийик Улус оқа соғ-саломат юрибди. Офатижон Дилшод оқа жуда одобли, Сароймулхоним ҳалигача унинг бирон марта тик караганини эслай олмайди, доим жилмайиб ерга тикилиб туради... (Аммо маҳди улё унинг хийлагина заҳар экани ҳақида ҳеч нарса демади).

Шаҳло кўз канизак Тағой Туркон оқа, ажабки, сал инжиқ бўлиб қолди, юзларида битта-яримта билинар-билинамас доғ ҳам борми-ей... Ҳа, аниқ, ул нозик адо вужудида бир гавҳар нишона кўргизган. Гарчи канизакнинг бекусур қадди ниҳолида ҳозирча бирон ўзгариш сезилмаса-да, шундоқлигига Сароймулхонимда асло шубҳа йўқ. Аммо бу ҳақда чопарга индамади. Буни маҳди улё ҳазратга ўзи айтади ва суюнчисини олади...

Алқисса, чопар ҳарам аҳлининг Оллоҳ паноҳида омон-эсон юрганликларини, барча нарса муҳайёлигини, фақат бир нарсада камлик сезаётганларини – Ҳазратларининг офтобдай дийдорларига зор-у интизорликларини, музаффарият ила сафардан тезроқ қайтишларини кутаётганларини Амир Соҳибқиронга етказсин...

Фарзандлари ичида энг аввал сўрайдиганлари Оқа бегим эканини Сароймулхоним яхши билади. Ўн еттини қоралаб қолган ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчок, кўҳликкина Оқа бегимнинг ҳам ҳуснига ҳусн қўшилиб бормоқда. Аслан чиройли мунгли кўзлари оғасининг вафотидан сўнг яна ҳам ичига тортиб кетди, бу кўзларни ғам-андух уммони дейиш мумкин эди.

Маъсума қизни ўйлаганда дарҳол Орзумулк оқа эсига тушади. Дугонаси яқинда яна эски сўзларини такрорлади:

– Мана, Жаҳонгир Мирзо маросимлари ўтди.

Момоқиз, тезроқ Оқа бегим билан Муҳаммадбекнинг тўйларини бошлайлик энди...

Сароймулхоним оҳиста бош эгди:

– Ўзингизга аён, шундай мусибатли кунларда тўй, хурсандчилик ҳақида оғиз очиш одобсизлик бўлғай, момоқиз. Бироз кутайлик.

– Тоғангиз ҳам шошилтиряптилар-да, кўзимнинг тиригида кўрай, дейдилар...

Маҳди улё бош тебратди-ю, ҳеч нарса демади.

Ҳаракатчан, шўх, шаддод, ерга урсанг осмонга сапчи эдиган Султон Бахт бегим бутунлай бошқа олам, бўй тортиб колди, ўзи дуркунгина эди, ҳозир ўсиб эгачисидан ўтиб кетай дейди.

Қизларнинг оналари анча муқаддам вафот этишган. Етти йилдирки, улар ҳамиша маҳди улё ёнидалар... Ўзининг қадди камолида ҳалигача фарзанд нишонасини сезмаган, аммо эртанги кундан умидини узмаган Сароймулкхоним ҳар иккисини ҳам бамисли ўз қизидай кўради. Улар маликаларнинг қизлари-да! Э, парвардигор, бировга фарзанд берасан-да, норасида гўдакни волидасидан жудо қиласан, бировни эса тирноқ йўлига қаратасан! Фарзандни тирноққа зорга буюрсанг бўлмайдими? Бири кам дунё деб шуни айт-салар керак-да...

Шуларни кўнглидан ўтказаркан, беихтиёр маҳди улёнинг кўзларига ёш келди, аммо чопар олдида хижолат тортишдан кўрқиб, хайриятки, ерга бир томчи ҳам туширмасликка ўзида куч тополди. Жангари Мироншоҳ Мирзо мударрисдан сабоқлар олиш, қиличбозлик, найзабозлик машқларини ўтказиш билан кун кечиради. Аткасининг¹ гапига қараганда, амирзода жуда чакқон-у чапдаст эмиш. Тунов куни буни маликанинг ўзи ҳам кўрди.

Боғи Чинорнинг каттагина майдончасида Мироншоҳ Мирзо Жаҳонгир Мирзо раҳматликнинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир иккиси қиличбозлик машқини бошлаб юбордилар. Амирзода эндиgina ўн бирга кадам қўйган болага сира ўхшамайди. Кўркув нималигини билмайди. Қилич тутишлари ҳам нақ катталарникидек. Атрофдан янграб турган мақтов овозлари остида амирзода рақибига бутун жон-жаҳди ила ташланарди, Ахий Жаббор баҳодир ўзини ёш шогирдига атай ютқазаетган моҳир устоздай тутар, гоҳ олға интилиб қўяр, кўпинча ортга чекинарди.

¹ **Атка (оталик)** – ҳали балоғатга етмаган шахзодаларга ҳомийлик қилиш учун, шахзодалар хавфсизлиги учун подшоҳ томонидан тайин этиладиган масъул бек.

– Е Али! – қилич сермади Мироншоҳ Мирзо,
устозидан ўрганган сирли сўзни мағрур такрорлар экан.
– Балли! – мактади Ахий Жаббор баҳодир. – Қилични
ўқталганда чап томонга эгиброқ сермангиз!

– Мана!

– Балли!

Жанг тугади. Енгилганлик белгиси сифатида, “ганим”
қўлини кўтариб, сўнг таъзимда қиличи учини ерга тиради.
Мироншоҳ Мирзо ниҳоят рақибини “енгганидан” кичқириб
юборди, унинг катта-катта кўзлари ғалаба нашидасидан
чақнаб кетди. Ахий Жаббор баҳодир қиличини тушириб:

– Енгилдим, амирзодам! Енгилдим!.. – деди ва қўлини
кўксига қўйди. Маҳди улё амирзоданинг чаққон ва абжир ҳа-
ракатларидан завқланди.

Муҳаммад Султон эса Сароймулкхоним ҳузурида, кун
сайин, балки соат сайин ўсмоқда, худога шукр, яқинда ярим
ёшга тўлади. Қиликлари чиқиб қолди, Соҳибқирон келсалар
кулиб беради. Иккинчи набира тўрт ойлик Пир Муҳаммад
Жаҳонгир ҳам Оллоҳнинг паноҳида соғ-саломат...

Ардоқли келинлари Хонзода хоним Сароймулкхоним
ёнида, бир қадам нари жилмайди. Аммо шўрлик маликанинг
на ётарида роҳат бор, на турарида... Пинҳона оҳ тортгани
тортган. Офат шамоли нозик қаддини хийла букиб қўйди,
қўникиши қийин кечаётир, аммо начора?.. Маҳди улё доим
уни юпатай деб уринади, кўп кунларни бандасининг тақдир-
га тан бермай иложи йўқ эканини англатишга кеткизади.
Соҳибқироннинг суюкли кизлари Оқа бегим, Султон Бахт
бегимлар кечаси ҳам, кундузи ҳам хонбикалари Хонзода
хоним ёнидадурлар, бир лаҳза ҳам ёлғиз қолдирганлари йўқ.
Буни уларга ҳурмати сарбаланд аммалари Қутлуғ Туркон
оқа тайинлаганлар.

Соҳибқироннинг ўзлари боҳабардурлар, Хоразмдан
Хонзода хонимнинг падари бузруквори Оқ Сўфи, онаси
Шакар бика, Ҳусайн Сўфининг қизи Иқбол бика билан
хукмдор Юсуф Сўфининг ожизаси Сиймин бикалар ташриф
буюришганди. Жаҳонгир Мирзонинг барча маросимларида
қатнашишди, афтодаҳол Хонзода хонимга қўшилишиб



фарёд чекишди, йиғлашди-сикташди, ёнишди-куйишди, ишқилиб, чўпдай озиб кетган, ёш боладай бўлиб қолган ожиз-у нотавон шўрлик маликани юпатишди, овутишди. Қудалар яқиндагина Хоразмга йўл олишди.

– Энди... Хонзода хоним жигаргўшамни сизга, сизни Оллоҳга тобшурдик, кудажон... Не қилайлик, яратганнинг ҳукми... – деди чиройли юзли гавдаликкина Шакар бика, кўзда ёш хайрлашаркан. Унинг яна нимадир демоқчилиги сезилди, аммо йиғи залваридан гапиролмади.

– Худониниг паноҳига...

Маҳди улё Шакар биканинг, энди Хонзода хонимнинг тақдири қандай кечади, деб сўрамоқчилигини сезди. У индамади, факат мунгсираб:

– Йўлингиз беҳатар бўлсун... – деб қўйди оҳиста...

Шу орада Сароймулкхоним Хонзода хонимни олиб Шаҳрисабзга бориб ҳам келди. Бир неча туяга ўрнатилган ранг-баранг маофалар маржондай тизилиб пойтахтдан йўлга чиқди. Маҳди улёнинг яшил маофаси жойлашган туяга осилган қўнғироқ ёқимли сас берарди... Гапнинг рости, маҳди улёнинг ўзи ҳам юраги сиқилиб ҳеч Самарқандга сиғмай қолди, суянган тоғлари Амир Темур ҳазратлари сафардалар, Жаҳонгир Мирзо эса... О, маҳди улё тукқан ўғлини ҳам бунчалар яхши кўрмаган бўлармиди. Ҳам ўзини, ҳам кечалари тўлғаниб ухламай чиқаётган Хонзода хонимни чалғитиш, келинининг оғир дардини енгиллатиш мақсадида, Кеш сафарини ўйлаб топди. Тўғри қилган экан. Хушманзара йўл, дарахтлар, вижир-вижир қушлар, даралар, чўкқилар, тип-тиниқ осмон ва ҳавода эмин-эркин юзиб юрган, шафақ нурларига чулғанганидан қирмизланган, аслида бедарду бевоғ оппоқ булутларни томоша айлаш чиндан ҳам мароқли эди.

Тахти Қорача довонида тўхтаганларида ажойиб манзарани томоша қилдилар. Шарқ томонда бўй чўзган улкан зирвали тоғлар, жанубда, шимолда, кунботишда ястаниб ётган водийлар, қишлоқлар, боғлар, сойлар, чўллар... кўзга ташланарди. Аммо буларнинг бари шаҳзода мусибатидан диллари зада маликаларга барибир татимади. Хонзода

хонимнинг эса, аксинча, эски яраси янгиланди. Масъуд ва бахтли кунларини эсига тушириб қўйди.

Бор-йўғи бир йил олдин Жаҳонгир Мирзо иккиси шу ердан ўтишаётиб, энг тепадаги ана бу қўшқда нафас ростлашга тўхташди. Шаҳзода дарҳол Ахий Жаббор баҳодирни ва йигитларини олиб пастдаги дарага тушиб кетди. Малика:

– Юр, томоша қиламиз! – деди Окқизга.

– Қандай яхши! – қувонди канизак.

Улар супанинг четига келиб атрофни кузата бошладилар. Мағрур тоғ чўққилари кўкка бош тираган, осмон типтиник, топ-тоза, бепоён... Қанот чиқарсанг-у, ўша кенгликларга парвоз қилсанг! Пастда эса ям-яшил дара ястаниб ётарди. Бирдан ўша ёқдан: “Олдини тўс!”, “Ана! Ана!”, “Чапга кетди!”, “Ушла! Ушла!” – деган овозлар эшитилди. Кўп ўтмади, шаҳзода бир оппоқ чиройли кийик боласини тутиб келиб маликасига тухфа этди. Хонзода хоним ўзини бахтиёр сизди.

Туткунликдан азоб тортаётган кийикча узок-узок мунг тўла чиройли кўзларини Хонзода хонимдан узмас, гўёки: “Мени қўйиб юбор... Кўрмаяпсанму, жоним азобда...” – дея ёлвора ётгандай эди. Маликанинг ичи ачиди, кийикчанинг пешонасидаги тангадеккина қора доғини суюб силаганча, кўзи қиймаса ҳам бўшатиб юборди. Сакраб-сакраб қочиб кетаётган кийикча ҳозиргидек кўз ўнгида. “Вой, қўлимдан чиқиб кетди!...” – деб баҳона қилди Жаҳонгир Мирзога... Эҳ, агар кийикни олиб колганида, ҳозир маликага овунчоқ бўларди! Шаҳзодасини эслатиб юарди. Энди шаҳзода ҳам йўқ, кийикча ҳам...

– Ана бу қўшқда ўтиргондик шаҳзодам иккимиз, маҳди улё жаноби олиялари... – деди ўқсиганча Хонзода хоним.

Сароймулкхоним маюсгина бошини тебратди. Кешда Жаҳонгир Мирзо қабрини зиёрат этганларида маликаларнинг ёниб турган ўксик кўнгиллари бироз таскин топди.

– Оҳ, Жаҳонгир Мирзо! ... Ўғлим! Ўн гулидан

бир гули очилмагон ўғлим!.. – нола чекарди соғона атрофида парвона Сароймулкхоним кўз ёшлари юзларидан окқанча.

– Ох, шахзодам, жоним шахзодам!.. Шахзодам!..

Мен каерда эдим? Сиз бетоблигингизда мен каерда эдим-а? Армонда колдириб кетдингиз!.. Эй воҳ!.. – ўртанганча пичирларди Хонзода хоним соғонанинг оёқ томонида кабр тошига ойдай юзларини босар экан.

Ўн беш кунни шу алпозда ўтказдилар.

Чопар Амир Соҳибқиронга мана шуларни етказса кифоя килур...

Суҳбат тугаганидан мамнун Амир Сулаймоншоҳнинг юзлари ёришди, таъзим бажо айлаб, Боғи Чинорни тарк этди.

П

Амир Темур чериги Мўғулистон томон сари илгарилаб борарди. Милодий 1376-йил куз фасли ўрталари. Йўл-йўлакай Соҳибқиронга Умаршайх Мирзо қўшинидан хабарлар етиб турарди.

Амирзода навкарлари Еттисувнинг Коратепа мавзеида Амир Камариддинга қарашли лашкарлардан бирига етиб олибдилар, душманни қочириб, ҳисобсиз ўлжа-ю ғаниматларни қўлга туширибдилар. Соҳибқирон мамнун бўлди, кейин уларни ўз ёнига чорлаб чопар юборди, чунки шундай вазиятда баҳамжиҳат ҳаракатни энг тўғри йўл деб ҳисоблади. Амир Камариддинни ер остиданми, осмон устиданми, ишқилиб, албатта топишади, тутишади, шундан кейингина Самаркандга қайтишади! Бошқа йўл йўқ. ! Вассалом!

Хумоюн ўрдунинг яшил саропардаси Чу дарёсининг лим-лим тўлиб оқадиган ирмоғи бўйида баландликда қад ростлади. У тўрт томондан яққол кўзга ташланиб турарди. Саропарда атрофида бесабр амирлар-у беклар, лашкар-бошилар у ёқдан-бу ёққа кезиб юришар, кенгашга ана чақиришади, мана чақиришади, деб интиқ кутардилар.

Ўтган куни Умаршайх Мирзо қўшини ҳам етиб келди. Ҳали-замон Мўғулистон ҳокими билан бўлажак жанг тартиби-ю русумига бағишланган машварат бошланади. Бу жанг қаттол Камариддин илдизини таг-тугидан қирқиб ташлаши керак!..

Атроф водий бағоят хушманзара, кунчикишга қараб ястаниб ётган, кишининг ики суядиган файзиёб майсазорлар дилларни эркалаб, ўзига меҳр тилайди. Шимоли-ғарб томонда олисларда яккам-дуккам арчалари борлигидан мағрур тоғлар нимқора-кўкиш тусда кўзга ташланади. Ундан тепарокда, ортда тоғларнинг баланд чўкқиларида оппоқ қорнинг чойшаби жилва қилади. “Кузнинг охирлари, хазонрезгиликка карамай бу жойлар шунчалар гўзал, – ўйланди Амир Темур. – Баҳорда жаннатга айланар эканда...”

Соҳибқирон, одатдагидек, илми нужум ва фолдан хабари бор Амир Сайфиддин некўзни хузурига чорлаб, қачон йўлга отланиш ҳақида кенгаш олмоқни кўнглига тугди. Кейин доим ёнида ҳамқадаму ҳамнафас юрадиган, кам айрилишган дўстининг шу кунларда сафарда эканлигини эслади.

Амир Сайфиддин некўз Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг каттиқ изтиробга тушди, барча ишдан илик ювиб ҳажга боришни ихтиёр этди, шундай сафар кўпдан орзуси эди. Соҳибқирон, қошида тиз чўкиб, ялиниб-ёлвориб турган амирни кўриб, ижозат бермасликнинг иложи йўқлигини англади. Фақат:

– Омон-эсон қайтсунлар, илоҳи! – деди. – Дарвоқе, Оллоҳ дилимизга солғон бир юмуш бор... Хуросон-у Эрон, Ироқ-у Шом ўлкаларидаги вазиятларга бир кўз ташлаб ўтсунлар, амир жаноблари!.. Воқеанавис, тингчи ва қуловузлар хабарлари турфа хил, бири боғдан келса, бошқаси тоғдан келур... Амир Сайфиддин некўз ёнига амир Ҳинду Қарқара қипчок билан ўн беш аскарни олди-да, ҳаж сафарига жўнаб кетди...

Соҳибқирон Амир Қамариддинга қарши жангга отланиш муддатини, ғойибона Амир Сайфиддин некўз маслаҳатларини эсда тутган ҳолда чоршанбаи муродбахшнинг тонгсахарига белгилашни ўйлаб қўйди.

Лашкарбошилар Умаршайх Мирзо, Аббос баҳодир қипчок, Муҳаммадбек ибн Мусо, Муҳаммад Мирак ва Амир Шохмалик, ўн беш кун илгари Самарқанддан қайтган Амир

Сулаймоншоҳлар ярим ой шаклида пойгакроқда тиз чўқдилар. Амир Темур ҳали сўзга огиз очиб улгурмаганди, кутилмаганда Самарқанддан шошилинч чопар келганини билдирдилар.

– Амир Соҳибкирон!

Ахий Жаббор баҳодир юкунганча саропардага кирди ва Амир Темур тўнининг пешини ўпиб кўзларига суртди, мамлакат тинчлигидан дарак бергач, деди: – Дашти Қипчоқдан хабар етди: Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг фарзанди Тўхтамиш ўғлон ҳузурингизга отланмишлар...

– Тўхтамиш ўғлон?.. – хайратда сўради Амир Темур. – Мангқишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли?..

– Ҳа, ҳа, ҳазрат, ўша Тўхтамиш ўғлон экан... – Ахий Жаббор баҳодир шошиб қолди. –... Ҳожитархондаги қурултойда Ўрусхон Тўйхўжа ўғлонни қатл этдирибди, Тўхтамиш ўғлон отасининг ўчини оламан деб уринибди, аммо енгилиб, сиздан паноҳ тилаб келаётган эмиш. Бу ҳақда чопар жўнатибди. Бетоб ётган Суюрғатмишхон жаноби олийлари ҳузурларига чорлатиб, бу хабарни тезда ҳазратимнинг шарафли қулоқларига етказишимни топширдилар!..

Амир Темур бу кутилмаган янгиликка даставвал унчалар эътибор бермади. Салтанат удумида шу каби паноҳ истаб, бош уриб келгувчиларни очиқ юз билан қарши олиш одати бор. Тўхтамиш ўғлон келаётган бўлса, келса келар, бундайлар бисёр, у ҳам ўшаларнинг бири-да...

Соҳибкирон ўзига ўзи шундай деди-ю ўйланиб қолди...

Шимол томонлар кўпдан нотинч, Жўжи улуси хони Ўрусхон бутун Олтин Ўрда шаън-шавкатини тиклаш нияти-далиги маълум, ҳатто ўтган куни тингчи ўша ёқлардан хоннинг Московияга ва Туронга боскин уюштирмоқчи экани ҳақида хабар ҳам етказди. Бошқа тарафда эса Анқо Тўра, Амир Қамариддин сингари бетавфиқлар тинчимайдилар.

Турон салтанатига, аслида, яхши таянч ва кўргонликка ярарлик бир қўл зарур-ку Дашти Қипчоқ томонда... Соҳибкирон шу ҳақда кўпдан бош қотириб юрарди, парвардигор чеварлигини аён этиб, ўзи етказиб турибди, шекилли...

Аммо Тўхтамиш ўғлон деганлари ким ўзи, дўстми, душманми?.. Ўша Чингизхон авлоди, Соҳибқирон истаган “қўл” бўлишга бўйни ёр берармикин? Эҳтимол, эҳтимол... Ноумид шайтон ахир. Бироқ бунга қаттиқ ишониш ҳам кийин. Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Қадам олишини обдан синаб кўриш лозим.

Шундай шубҳа-гумонларга ғарқ Соҳибқирон қандай йўл тутмоқ ҳақида ўйлаб боши котди. У меҳмонни деса, Самарқандга қайтиши керак. Қайтилса, албатта, бадбахт Қамариддин енгилгандан кейингина қайтиши даркор... Бу ҳақдаги қатъий қарордан қўшин хабардор, аскарлар аллақачон қурол-яроғларини тахт қилишган, ўқлар садокда, суворийлар эса отларнинг эгар-жабдуқларини кўздан кечиршиб, абзаллаб, айилларини тортишиб қўйишган, барчаси сафарга шай туришибди, фақат чоршанбаи муродбахшнинг тонгсахарини кутишмоқда.

“Бироқ... агар Иссиққўл томонларда тоғларнинг дараларидами ёки пана-пастқам жойлари-ю гор-порларидами писиб юргон Амир Қамариддинни топамиз деб, киш-қировли кунларда бу ерларда қолиб кетсак, – ўйланди яна Соҳибқирон. – Тўхтамиш ўғлон билан учрашув кейинга сурилиб кетиши аниқ, бу “кейин” қанчага чўзилишини ёлғиз Оллоҳнинг ўзи биладур. Наҳот, бу гал ҳам қайсар дуғлат амири жон сақлаб қоладур?..”

Амир Темур ниҳоят Тўхтамиш ўғлон билан учрашув салтанат учун Қамариддинни тутишдан кўра муҳимроқ эканини англади, бир жиҳати, Тўхтамиш ўғлоннинг Дашти Қипчоқда қарор топишига кўмак берса, Қамариддинга ўхшаган маккор бузғунчиларнинг оёғи ҳам ўз-ўзидан йитади-ку.

Машварат бошланмай ниҳоясига етди.

Хумоюн ўрдудан, Аббос баҳодир қипчоқ билан Муҳаммад Мирақлар тез-у жадал Хоразм томонга, зарур бўлса, ундан ҳам йироқ Ҳожитархон тарафларга Тўхтамиш ўғлонга ўтру¹ борсунлар, эъзоз-у икром ила қаршиласунлар, подшоҳзодага муносиб қандай эҳтиром лозим топилса, адо

¹ Ўтру – муқобил, қарши (томон), рўпара.

этсунлар ва юксак макомда Самарқандга олиб келсунлар, деган олий фармон берилди.

Соҳибқирон шу кунийёк от бошини шартта Самарқанд ёкка бурди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

I

Кейинги ярим йил ичида Сароймулкхонимнинг заъфаронликка чулганган қирмизи оқ юзларига нур югургандай бўлганини Хонзода хоним илк марта кўриб турибди. Бирон хушхабар бормикин, деб ўйлади малика. Маҳди улёнинг кўз қарашлари маъюс, ҳамиша ўзини намоийиш этишга ҳавасманд икки қора зулфи ҳам кулоқлар ортига яшириниб олган, чиройли оғзи қулфланиб қолгандай гоҳ-гоҳда бир гапириб кўярди, холос...

Боғи Нақши жаҳонда Жаҳонгир Мирзони эслаб, “мушкулкушод”¹ килдилар. Бонуйи кубро эгачи Қутлуғ Туркон оқа салтанатнинг барча аёлларини чорлашни буюрди. Ҳарам аҳлидан ташқари Амир Жоку барлоснинг завжаси Кайкубод Хутталонийнинг кизи Одилмулк оқа, Амир Мусонинг завжаси Орзумулк оқа ва хоказо нуфузли амирлар-у нўёнлар, ашраф²-у акобирлар³ хотинлари йиғилишди.

Издиҳомда, Хоразм маликаси маҳди улёдан, юзларингизга нур югурибди, хонимойим жаноби олиялари, нима гап, деб сўролмади, бунга имкон ҳам бўлмади. Сароймулкхонимдаги бу тағайюр сабабини кейин билди. Катта малика одатда шундай қувончли хабарларни, кўз тегмасин, дея дарров суюнчилашни ёқтирмасди.

Хонзода хонимга бу муждани кейинроқ канизак Оққиз етказди. Подшо келини бу палла Боғи Чинорда, энага эгачи Холдона биби йўргаклаётган Муҳаммад Султон бошида эди, у дўмбоққина чакалогининг қўл-оёқчаларига термилганда,

¹ *Мушкулкушод* (арабча+форсча) – кишининг мушқулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган дуо ва ирим-сиримлар ва уни ўтказиш йиғини.

² *Ашраф* (арабча) – энг шарафли, энг олийжаноб, энг улуг.

³ *Акобир* – (арабча; энг катталар) – юқори мартабали киши, катта одам.

хар гал суюкли ёридан қолган ёлғиз ёдгори юрагини орзиктирарди. Вужудининг бир бўлаги, ёш умрининг порлок қўшиғига айланган жигаргўшасини қўлига олар экан, мана шу, ушласанг синаман деган мурғаккина жон замонлар ўтиб паҳлавон келбатли йигитга айланишини ҳеч тасаввурига сиғдиролмасди. Дунёдан беҳабар гўдакнинг жимит бурунчасига бурнини теккизиб: “Суянчиғим, юпанчим, худо берган ёдгорим!..” дер, юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпар, эркалар, кейин қоникмай бағрига босганча унсиз юм-юм йиғларди.

Ҳозир ҳам кўз узмай чакалокни йўргаклаётган энага эгачи Холдона бибининг чакқон ҳаракатларини жим кузатиб турмоқда эди.

– Суюнчли хабар, маликам! Суюнчли хабар!..

Канизак отилиб кирди-ю маликасининг узун кўйлаги пешини ўпиб кўзларига суртди:

– Нима дединг, Ок? Суюнчли хабар, дедингму?..

Хонзода хоним киртайиб кетган шахло кўзларини ҳайратда канизакка тикди. Ажабо, шу қиз кеча-ю кундуз ёнида парвонадай чарх уриб юргани, канизаги, дугонаси, сирдоши, меҳрибони Оккизми ёки бошқами? Ўзгариб кетибди-я... Малика ҳеч эътибор бермаган экан-а... Бу ёғига қаралса, шахзоданинг аччиқ фироғи ҳаммани ҳам ўзи билан ўзини овора қилиб қўйди-ку. Биров бировдан ўпкалайдиган, биров бировга қарайдиган замон бўлдимиз ахир...

Хонзода хоним яхшироқ қаради: бир пайтлардаги ўйноқи кўзли, тикмачоккина, қорачадан келган суюмли Оккиздан асар ҳам йўқ, парвардигор гўёки оғир мусибатни малика эмас, балки унинг бошига солгандай... Озиб-тўзиб кетибди. Аммо ҳозир... қоронғида ҳароба ичидан чирок йилтиллаб кўрингандай, кўзларида қандайдир нур ёнарди:

– Суюнчли хабар, маликам!

– Айта қолсанг-чи! Чўзмай ўла қолинг!.. Шу бемаъни одатинг қолмади қолмади-да! – беозоргина ўпкalandи Хонзода хоним.

– Хўп, жоним маликам, хўп! Кеча чопарликка борган Ахий Жаббор баҳодир жаноблари Иссиққўл томонлардан



хушхабар, мужда келтирибдилар. Соҳибқирон ҳазратлари Самарқанд азимати этибдурлар! Пойтахтга кайтмоқда эканлар!

– А?.. Қишлигига карамай-я?

Бу хабар Хонзода хоним учун Оллоҳнинг бемисл, кутилмаган инояти эди.

Подшо келини ҳайратда энага эгачига каради.

Холдона бибининг кўзларида табассум ўйнади. Ҳатто оқ шоҳи йўргакларга ўралган гўдак ҳам буни эшитиб, кулиб кўйгандек бўлди.

Сарой аъёнларидан тортиб катта-кичик, бутун Самарқанд аҳли қувонч-у ташвиш аралаш жунбушга тушди. Соҳибқирон қадами яқинлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, уч ойдан бери сирқовланиб ётган амир ул-умаро Амир Жоку барлос ҳам оёққа туриб кетди. Етти йил аввал, ҳали Соҳибқирон салтанат тахтига минмаган паллалар, Қаршида қаронавслар¹ билан оғир жангда отдан йиқилиб бели қаттиқлат еганди. Кейинги пайтларда бели тез-тез оғрийдиган, бўксаси санчиб-санчиб кўядиган одат чиқарди. Яқинда ўша дарди кўзиб, амир ул-умарони тўшакка михлаб ташлади-ю умрида биринчи марта Соҳибқиронни сафарга чорасиз кузатиб қолди.

Пойтахт доруғаси Амир Довуд дуғлатни ҳамма депараларда² кўриш мумкин эди. Кўксаройга борар, ундан Боғи Накши жаҳонга ўтар, ора-орада Боғи Чинордаги маликалардан хабар олиш лозимлигини ҳам эсдан чиқармасди. Бутун куз ичи шаҳар шимолида янги барпо этилаётган хушманзара бокқа елиб-югурди, қутлуғ кунларгача орасталаш ташвишини чекди. Қўл бўшади дегунча, амир ул-умаро иккиси бирга маҳаллаларни кезишди, оқсоқоллар билан учрашишиб, кўчаларни тозалаш, деворларнинг унда-бунда тушиб кетган жойларини суваш, дарахтларнинг ортиқча шохларини кесиб ташлаш, кўприкларни тузатиш ва ҳоказолар ҳақида жўяли маслаҳатлар беришди.

¹ Қаронавс – Мовароуннахрда яшаган кўчманчи муғулларни шундай атардилар.

² Депара – атроф, теvarак.

– Шатранждаги пиёда каби бурчакка кисилиб, холимиз танг бўлиб юрмайлик тагин, сал орқа-олдингизга қарангизлар! Хушёр турингизлар! – дерди Амир Жоку барлос япаски бурнини силаб қўяркан.

– Амир Сохибкироннинг сафарлардан қайтганларида маҳаллаларни айланиб, бир-бир назардан ўтказиш одатларини яхши биласизлар, – уқтирарди Амир Довуд дуглат. – Гап эшитиб ўтирмайлик тагин?.. Агар забтига олсалар, макиёндай қочишга жой тополмай қоламиз-а, буни унутмайлик!..

II

Маҳди улё Сароймулкхоним Хонзода хонимни кўчириб кетгани Боғи Нақши жаҳонга ташриф буюрганда, киш офтоби найза бўйи кўтарилганди.

Хар қандай дардни ҳам вақт даволайди, деган ҳикматда катта маъно-мазмун жамланганлиги аччиқ ҳақиқат... Бошига тушган одамнинг буни тан олмай иложи йўқ.

Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг, Хоразм маликаси, ўн етти ёшли келинчак, дунёдан кўрганим шу экан, буни пешона дейдилар, энди бошқа бирон умидга зинҳор-зинҳор кўнгил боғлаш йўқ, деган қатъий қарорга келди. Бу палла шахзоданинг қирқи ўтиб, хоразмликлар юртга қайтган эдилар.

Яшашнинг қизиғи йўқолгандай туюларди маликага. Ҳаётнинг гуркираб туриши, тўқис-туғаллиги, гўзаллиги бари суюкли шахзодаси Жаҳонгир Мирзо туфайли экан. Нимага бокса, уни эслатади, ҳамма нарсадан шахзоданинг иси анкийди, ҳатто ҳаволарда унинг бўйи қолгандек... Кечалари шифтга қараб ётганда, бирдан саси эшитилгандай туюлади.

Мана ҳозир, шахзода ана бу нақшинкор эшикнинг бир қанотини очиб киради-да қўлидаги шамни бурчакка қўяди. Интиқлигини билдирмай ётган Хонзода хонимни қучоғига олиб эркалайди. Малика қўлларини ёрининг бўйнига солар экан, оҳистагина: “Соғиндингизму?..” – деб сўрайди.

Шахзода жавоб бериш ўрнига, маликанинг ўзи ҳамиша суядиган бир одатини қилади – ўнг сийнасига бошини қўйиб юрагининг уришини эшитмокчи бўлади:

“Юрагингиз шу ердаму?”

“Анови шумга қарангиз!.. Ҳали хануз юрагимнинг қайдалигини билмайдурлар!” – ўзини қув шахзодадан ўпкалаганга солади малика.

Нихоят, “узоқ изланиш” лардан сўнг чапдан юракни топиб кулок солади-да, маҳбубасининг гулдай юзларидан, кўзларидан, оппоқ томоғи-ю ғунча лабларидан тўйиб-тўйиб бўсалар ола бошлайди. Кейин бурчакдаги шамни уялтиришиб ҳар сафаргидек шўхликлари ошиб, юмалайдилар, юмалайдилар ва... ишкий ўйинларнинг сеҳрли комига отилганларини билмай қоладилар...

Йўк... Хонзода хонимга энди аниқ аён: қанчалар эшикка тикилмасин, шахзода кириб келмайди. Ҳеч қачон кириб келмайди, ҳеч қачон...

Малика нима қилишини билмасди, осмон узоқ, ер қаттиқ. Ёстикка бош қўйса қуйдиради. Момикдай юмшоқ ўрин ёнига тошдай ботади. Кўзини юмай деса юмилмайди. Ўзи Боғи Нақши жаҳондаги қасрда эса-да, хаёл қанотида Шахрисабз томон нурдай елади.

Шахрисабз унинг шахзодасига ўз бағридан жой берган маскан. Шахзодаси, жони-дили, суйгани ўша масканда, ёлғиз, суман япроғидек бадани қора ерга нисор бўлиб ётибди. Чидай олиш мумкинмикан?.. Маликанинг жойи ҳам ўша ерда, бас, шахзодасининг ёнида!.. Энди яшашнинг ҳам, дунёнинг ҳам қизиғи йўк, қизиғи йўк...

Қўққис туғилган бу фикр бутун борлигини кеча-ю кундуз қамраб олди. Аллақандай оғулар ҳақида сўраб-суриштиравериб шўрлик Окқизни ҳам чарчатди.

– Қандай заҳарлар, оғулар бўлади, Ок? Топиш мумкинму?.. – сўради бир куни яна.

Даставвал Окқиз эътибор бермади, худди оддий нарса ҳақида сўз кетаётгандай тутди ўзини. Улар умуман турли ходисалар борасида, чунончи, салтанат синоатларидан кўнгил сирларигача очилиб-сочишиб гаплашардилар.

Бирдан Оккизнинг хаёли тиниклашди-ю, юраги орқасига тортиб кетди!

– Захар... йўк, йўк... нега сўраябдилар?

“Вой худо! Қандай йўлга қадам қўймоқчилар-а! Оккиз, хушёр туришинг керак! Ҳар лахза малика аҳволидан бохабар бўлмоғинг лозим, таомларига қарашинг, асло ёлғиз қолдирмаслигинг даркор!...” – деди ўзига ўзи ичида канизак.

– Ўзим, шундай... Қизикамен-да...

– Уни асло сўрамангиз, сира отини атамангиз, маликам! Оғу нималигини билмайман... билмайман... Худо сақласун... Малика ортиқ гапирмади.

Хонзода хоним шаҳзода маросимлари ўтиб, азадорлик бурчлари адо этилгандан кейин ҳам канизаклари-ю хизматкорлари қуршовида Боғи Нақши жаҳонда яшарди. Подшо келини атрофи ҳамиша гавжум: кунда, кун ора Қутлуғ Туркон оқа, Сароймулкхоним, Улус оқа, Дилшод оқа, Орзумулк оқа, Одилмулк оқа, бошқа амирлар-у вазирларнинг хотинлари галма-гал ташриф буюришар, амирзода ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир бошчилигидаги хос кўрикчилар ҳамиша соқ ва сергак туришарди.

Кўп ўтмай улуғ эгачи Қутлуғ Туркон оқа, муборак бешик бекаси ёш келинчакни у ерда ёлғиз қолдириш ноўриндир, ҳар нарсага кўзи тушиб дарди янгиланаверади, алдаб-сулдаб ёнингизга олиб келингиз, дея Сароймулкхонимга кенгаш берди. Бу гапни мен айтмадим, ўзингиздан чиксин, мен билмаган бўлай – қўшиб қўйди яна эгачи, – Муҳаммад Султон Боғи Чинорда, ёнингизда, энага эгачи Холдона биби кўлида ўсиб вояга етмоқда, Хонзода хоним ҳам ўғилчаси ёнида юрсин, овунади ахир...

Холдона биби йигирма бешга кирган, юмалоқ юзли, сулувгина, кишининг икки суядиган хушбичим қад-қоматли жувон эди, ўнг юзининг бурнига яқин ерида мошдеккина чиройли қора холи бор, кўзлари ҳамиша жилмайишга мойил. Уни саройда энага эгачиликка Қутлуғ Туркон оқанинг ўзи танлаганди. Бонуйи кубро Соҳибқирон тахтга келмай туриб, энагаликка номзод кидириб Кумушкент киш-

лоғига борганда бу мулойимгина жувонни кўриб ёктириб қолди.

Холдона бибининг онаси ҳам Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Қозоғон саройида энағалик, доялик вазифаларини адо этган экан. Холдона биби Муҳаммад Султонга доялик қилди, жуда қўли енгил, деб таърифладилар. Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хоним чимилдиққа кирганларида, бош-қош бўлишган икки чечан янгадан бири, келин-куёв қовушганда улар тепасида фаришталар қувончдан чарх ураркан, деган ҳам мана шу Холдона биби эди.

Сароймулкхонимнинг кўнглида ҳам шунга ўхшаш фикр туғилганди. Хонзода хонимдай ёш нарсанинг ҳайҳотдай боғда бир ўзи яшаши мумкин эмас, яшаса ҳам қачонгача яшайди?.. Бироқ маҳди улё буни қандай айтиш чорасини тополмай юрди. Қолаверса, катталар бир нима демагунча, минг истиҳолада қандай йўл тутишни ҳам билмайсан киши. Азалик келиннинг кўнгли нозик, эпкиндаги гулнинг нафис баргидек титраб турибди, ҳар нарсани ҳам кўтаришга қурби келмас... Шундай паллада Қутлуғ Туркон оқа таклифи жуда жойига тушди. Сароймулкхоним дарҳол Сафарберган деган йигирма бешлардаги ҳушёр-у чаққон мулозимига маофа тайёрлатишни буюрди, эҳтиёти шарт кўч-кўрон учун аро-балар шайлашни ҳам тайинлаб қўйди.

– Келинжоним! – кўнгли ийиб кучоқ очди Хонзода хонимга маҳди улё. Улар бир ҳафта аввал учрашгандилар. – Эсонмисиз-омонмисиз?

Хонзода хоним қақраган шахло кўзларини Сароймулкхонимга тикди. Катта малика бу кўзларда лоқайдлик, сўниб битган ҳавас, чорасизликдан обод вайрона қалбни кўрди.

– Худога шукр, маҳди улё жаноби олиялари. – ерга тикилди Хонзода хоним. – Ўлтирибмиз-ку... Ўзингиз яхшимисиз...

– Жумла мўминлар қаторида юрибмиз, маликам.

– Амир Соҳибқирон ҳазратларининг пойтахтга қачон кадам қўйишларидан хабар борму?

– Иншооллох, бўлиб қолар. Балки, бугун-эрта...

– Оллоҳ ўз паноҳида асрасун. Амир Соҳибқирон валинеъматимиз ва меҳрибон онаизоримиз – сиз маҳди улё жаноби олияларидан бошқа ҳеч кимимиз йўқ энди...

– Нега ундоқ дейсиз, маликам?.. Вой!.. – Қошлари чиройли чимирилди катта хонимнинг. – Ундоқ демангиз! Сизни Амир Соҳибқирон, ўғлим ўрнида ўғлим, деганлар-а! Ўғлим ўрнида ўғлим!.. Ҳеч кимни бундоғ мартабага кўтарғонлари йўқ, маликам! Ундоқ демангиз! Жаҳонгир Мирзонинг йўқлигини билдирмаслигингиз керак... Энди шаҳзодам учун ҳам яшамоғингиз лозим!

Шундай дер экан, Сароймулкхоним тўлиқиб кетди, бироқ дарҳол ўзини ўнглаб олди-да, давом қилди:

– Ҳаммамиз ёнингиздамиз-ку. Вой, амирзода Муҳаммад Султонни кўрингиз! Худо кўчкордай ўғил ато этди. Зурриёт берди! Тирноққа зорлар қанча... – Маҳди улёнинг томоғига нимадир тикилди, у нозик қўлини титраган бежирим ёқут лабларига босди...

Хонзода хоним Сароймулкхонимдаги ўзгаришни менинг аҳволимга куйинишдан деб тушунди ва уни аяб деди: – Ҳафа бўлмангиз, хонимойим жаноби олиялари..

– Ҳа... Шаҳзода Муҳаммад Султон жуда аломатлар... Бўлар бола бошидан маълум, дейдилар-да. Вой, келинжон, мен сизга айтсам, Амир Соҳибқирон Муҳаммад Султонни валиаҳд деб атамоқчилар, шекилли! Ҳа, ҳа, валиаҳд! Сафардалиқ вақтларида, қувончли хабар етказиш ҳамда исмини кўйиб беришни сўраб чопар жўнатгандик. Амир Соҳибқирон: “Валиаҳдзода... ҳа-ҳа... валиаҳдзода туғилибди, валиаҳд...” деб юборибдилар.

Бир куни гап орасида ҳам шундай сўз ўтди-да... Тахтга даъвогар ўғиллар бор ахир. Аммо уларни валиаҳд дегилари йўқ, буни аниқ биламен! Муҳаммад Султон энди ярим ёшга кирди. – Сароймулкхоним мамнунлигини яширмади. – Отини “Муҳаммад Султон” деб атабдилар ўшанда. Эсингиздаму?

– Эсимда, эсимда...

– Ҳозирдан шўх, қарамасангиз, ўрмалаб кетиб қолади... Гоҳ-гоҳ кулиб қўяди. Иншооллоҳ, падари бузрукворининг

ўрнини босади, султон бўлиши аниқ, маликам.. Бари бежиз эмас. Ахир Муҳаммад Султон бир томони буюк бобомиз Чингизхонга уланади-да...

Хонзода хоним ялт этиб маҳди улёга каради. Кулим-сираган Сароймулкхонимнинг кўз қарашида, бизлар буюк зот авлодимиз ва бошқа буюк бир зот ихтиёридадурмиз, Оллоҳга шукр, деган маъно яшринганди.

– Айтғонингиз келсин, худодан тилаймен, отасининг ўрнини боссин, султон бўлиб юрсун...

Хонзода хоним маъюс бош эгди. “Илоё, кўз тегмасин, бемаҳал шохи синмасин... – ўйлади у. – Отасига ўхшасин, аммо умри ўхшамасин. Оллоҳдан тилағони шу. Жаҳонгир Мирзога, уларнинг покиза севгиларига кўз тегди, афсуски, асрай олмадилар... Ёмонларнинг кўзи тегди...”

Орага жимлик чўкди. Маҳди улё билан Билқиси Суғро¹ суҳбатлашаётган меҳмонхонадан қаср ҳовлисидаги ҳовуз кўриниб турар, унда сув йўқ, у ҳам қишнинг совуғида қақраб битган эди.

– Маликам... Сизни кўчириб кетгони келдим... – деди “ҳе” йўқ, “бе” йўқ, бирдан маҳди улё.

Сароймулкхоним, гапимга нима дер экан, дегандай маликага зимдан назар ташлади. Хонзода хоним тим қора ҳиллол қошлари чимирилганча ҳайратда тикилиб қолди: катта малика ҳазиллашяптиларму, жиддий гапиряптиларму?..

Сароймулкхоним, ҳеч нарсани сезмагандек давом этди:

– Ҳалиги... Ҳим-м... Биласиз-ку. Боғи Накши жаҳон қасрини таъмирлаш лозим эмишми... Амир Довуд дуғлат жаноблари шул ҳақда гапирибдилар-да. Маросимлар билан қаср анча оёқости бўлибди-да, десангиз... Шунга сизни олиб кетай девдим...

Хонзода хонимнинг таажжуби ортганча деди:

– Мен... қандай кетамен? Кета оламенму?... Шахзодам, ўзимизнинг боғимизни ёлғиз ташлаб-а? Ахир унинг руҳи бу ерда кезиб юрибдур...

¹Билқиси Суғро – Сулаймон пайғамбар хотини Билқис номидан олинган. “Суғро” – кичик. Кичик Билқис – кичик маликаларга бериладиган сифат (муалл).

– Йўк, йўк, ташлаб кетмайдилар, малика зинҳор ташлаб кетмайдилар! – Сароймулкхоним маликани тинчлантиришга шошилди. – Боғ сизларнинг боғингиздур. Фақат боққа парвариш даркор, оро бериш керак, қасрни таъмирламак лозим эмиш, холос. Шаҳзодам вақтидагидек файзиёб-у ораста ҳолига келиши зарур эмиш. Афтидан, фармон чиқибди, шекилли...

– Боғнинг аввалгидек файзиёб, кўркам бўлиши учун шаҳзодамнинг ўзлари керак-да... – хўрсинди Хонзода хоним. – Қасрни таъмир этмак соз юмушдир, хонимойим жаноби олиялари!.. Биз шу ерда бир чеккада яшайверамиз. Биздан бировга халал етмагай.

– Шак йўк, шак йўк. Аммо азиз жонингиз койишини зинҳор истамасмен... Алқисса, Боғи Чинор ҳам ўз уйингизку, маликам! Ёдингиздаму, ўша ердан келин қилиб туширгон эдик? Боғи Чинорда ҳамдам-у ҳамдард яшайлик. Олдимизда бўласиз. Муҳаммад Султон шаҳзодам ўша ердалар, агарда сиз ҳам борсангиз кўнглимиз тинч, бошимиз осмонга етарди. Шуни тилаймен, холос, келинжоним!..

Хонзода хоним ўйланиб колди. Холисанилло айтганда, малика кун ора Муҳаммад Султонни кўраман, деб Боғи Чинорга ошиқади, ўғилчасини суюб-ардоқлайди, эркалайди, яна бағри узилгандан узилиб Боғи Нақши жаҳонга қайтади. Эҳтимол, ўғлини деб кўчиб ўтар?..

Сароймулкхоним ичида, хайрият, сал оғдирдим, шекилли, малика хаёлга чўмдилар, яна бир ҳимо, ҳаракат лозимда, деб қўйди.

– Биласизми, маликам, улуғ эгачи бонуйи кубро Қутлуғ Туркон ока жаноби олиялари ҳам шуни тайинладилар. Ҳазратимнинг ўзлари айтгонлар, шекилли, буни... – гапнинг оқовасини мужмалроқ қилди Сароймулкхоним. – Ҳазратимнинг йўлларига ўша ердан бирга чиқғоймиз...

Шундан сўнг Хонзода хонимнинг бу таклифга кўнмай иложи қолмади.

Бир кундан кейин Хонзода хоним ўз мулозимлари-ю ка- низаклари билан Боғи Чинорга кўчиб ўтди.

БЕШИНЧИ БОБ

I

Чопар кеча Амир Темур қароргоҳидан қутлуғ хабар етказди: ҳазрат кишининг ўртаси эканига қарамай, Андижондан йўлга чиқибдилар.

Қутлуғ Туркон оқа дарҳол Амир Довуд дуғлатга маслаҳат солди:

– Амир Соҳибқиронни уйимизга таклиф этсак, нима дейсиз, Сулаймоншоҳ?..

– Айни муддао бўларди...

– Ўзингизга маълумдир, Соҳибқирон сафарлардан қайтғонларида доим бизнинг уйга тушадилар... – шавҳарининг сўзини кесди Қутлуғ Туркон оқа. – Балхдан подшолик мартабаларига эришғонларидан кейин ҳам даставвал бизнинг уйимизга ташриф буюргон эдилар-ку...

– Рост, онаси! Бироқ....

– Таклиф этмасак, кўнгилларига оладиларму, дейман...
– яна шавҳарини гапиришга қўймади Соҳибқирон эгачиси.

– Ҳа, ҳа... лекин...

– Бошқалар оғиз очмасдан таклиф қилингиз!

Илиб кетгувчилар кўп...

– Хўш, хўш...

Ўнг юзидаги билинар-билинемас қилич изини силар экан, Амир Довуд дуғлат завжасининг бошқа гапи қолмаганини кўриб, босиқ деди:

– Амир Соҳибқиронни уйимизда қаршиламоқ бизга Оллоҳнинг бемисл инояти бўлур эрди. Бироқ Ҳумоюн ўрдуда машваратда ҳазратнинг Боғи Баландга тушишлари ҳақида айтилди, бу ўзларидан чиққан фикр, шекилли. Боғнинг ишлари ҳам битиб қолди...

Хушxabар олиниши биланоқ, Суюрғатмишхон бетоблигига қарамай, дарҳол Соҳибқиронни қандай ва қаерда кутиб олиш ҳақида машварат ўтказди. Баъзилар, барча аҳли сарой ва аҳли ҳарам биргаликда Дизақда¹ қаршилаш лозим,

¹ Дизақ – Жиззахнинг қадимий аталиши (муалл).

деди. Узгалар эса аҳли ҳарамнинг боришига зарурат йўк, маликалар, хоним ва оғалар ҳориб-чарчаб қоладилар, яхшиси, пойтахти фирдавсмонандда кутганлари тузук, қабилида фикр билдирдилар.

Оқибатда Самарқанд ва Дизақ оралиғидаги хушманзара Қатвон мавзеида фақат сарой аъёнлари Соҳибкиронга пешвоз чиқсунлар, аҳли ҳарам эса жамулжам янги боғда – Боғи Баланднинг мухташам қасрида муборакбод этсунлар, деган қарорга келинди.

– Бошқа томондан, – деди яна Амир Довуд дуғлат, – тўғри англашимиз лозим, энди подшойи олам Амир Темур Кўрагон ҳазратлари бизнинг товук катагидай кулбамизга сиғмайдилар ҳам, онаси... Таъмирламоқчи эдик, вақт топилмади... У ер-бу ери тушиб кетган, қаралмаган уйда улуғ меҳмонларни кутмоқ ножоиздур...

– Вой, ахир... – деди, холос, Қутлуғ Туркон оқа шавҳарининг мантиқли гапларига бир нима дея олмай.

Амир Довуд дуғлатнинг “вақт топилмади” деган сўзларида жон бор эди. Сабаби, иккиси ҳам худонинг қурмоқ учун яратган бандаларидан саналардилар, гапнинг сираси, уларнинг умри қурилишлар ташвишида ўтарди ҳисоб. Амир Довуд дуғлат пойтахтни ободонлаштириш, мадраса-ю хонақоҳлар¹, ҳаммомлар, бозорлар бунёд этиш ишларига муккасидан шўнғиб кетганди. Шаҳардан чикаверишда Шаҳрисабз йўлидаги бозор аллақачон битган. Соҳибкирон кўриб мамнунлигини яширмади. Шу кунларда эса Боғи Баланддаги майда-чуйда ишларни битириш, Чорсу майдонидан Тошканд томонга тахти равон йўл солиш, шаҳар кўркидаги доғдай кўринган эски уйларни бузиш, икки томонга қават-қават савдо расталари тиклаш ишлари батамом унинг қўл-оёғини боғлаб ташлади. Энди Кўксаройдан пастрокда шу йўл бўйида катта тупроқли майдонда яна бир бозор қуриш фикри ҳам туғилди.

Қутлуғ Туркон оқа ўтган улуғларнинг қабрларини оро-талашни жуда ёқтирар, хос мулозимлари ва канизаклари кузатувида Чокардиза қабристонига тез-тез бориб Шайх Абу

¹ Хонақоҳ (форсча) – хилватхона, узлат; дарвишлар макони.

Мансур Мотуридий билан “Ал-Ҳидоя” соҳиби Шайх Бурхониддин Марғиноний мазорларини зиёрат этиб турарди. У икки табаррук сиймога атаб хонақоҳ куришни бошлаб юборди.

Ўтган йили Самарқанд якинидаги Хартанг кишлоғига йўли тушди ва Имом ал-Бухорий қабрини тавоф этди, буюк муҳаддис жамлаган “Саҳиҳи ал-Бухорий” Соҳибқирон эгачиси ардоқлаган китоблардан эди. Расулulloҳ ҳадисларини ўқиганда, муштипар аёл кўзларига беихтиёр ёш келиб кетар, хотам ан-набийнинг теран мазмунли ҳикматлари мағзини чакиб етишга уринар, уларнинг нечоғлик ҳаётий эканини кўриб ёқасини ушларди.

Ўша зиёрат чоғидаёқ унинг кўнглида муҳаддислар султонига атаб бир масжид куриш нияти япроқ ёзди. Умид улким, у ердаги қад кўтаражак масжидда шайхлар, дарвишлар жам бўлишиб малолсиз зикр-у самоъ қила олсунлар, улуғ имом руҳларига такбирлар туширсунлар...

Табиийки, шундай юмушлар билан банд эр-хотинларнинг ўз уйларига қарашга фурсат топилмасди.

– Ўксинмангиз! – деди Амир Довуд дуғлат. – Боғи Баланд қурилишида ўзим бош-қошдурмен. Ўша ер ҳам боғимиздур. Ўша ерда хеш-ақраболар-у ҳарам аҳли бақамти Амир Соҳибқирон истиқболига пешвоз чикғоймиз.

Қутлуғ Туркон оқа энди ҳеч нарсa демади.

Хушхабар қулоқларга етган кунёқ Суюрғатмишхон бошлиқ салтанат пешволари шайланиб Қатвон томонга жўнаб кетдилар. Пири муршид Мир Саййид Барақа Андхойдаги хеш-у ақраболарни кўриб келгани Соҳибқирондан ижозат сўрагани, балки қишни ҳам ўша ерда ўтказиб қайтса керак.

Соҳибқироннинг қайтиши хабари каттадан кичик барчани тараддудга солиб қўйди. Айниқса, буни ҳарам аҳли орасида яхши кузатиш мумкин эди.

Сароймулкхоним Соҳибқирон ташрифини эшитиб худди қаллиғини кутаётган ёш келинчақдай бутун вужудини ҳаяжон чулғади. Бўлажак висол онларини ўйлар экан, юраги қафасдаги қушдай потраб, соҳир сийнаси дам-бадам кўта-

рилиб тушар, кирмизи оқ юзларига қон тепар, чап юзидаги кичкина чиройли холи ортик қорайгандай туюларди. Ҳазил эмас, тўрт ойга яқинлашиб қолаётир, маҳди улё Соҳибқирони билан кўришмади, катта-катта кўзларига тикилмади, роҳатбахш қўллари ногирон оёғини укалаб қўймади...

Қандай либосларини кийсун? Соҳибқиронга қайси бири макбул эди?.. Соҳибқирон дебо деган, зарҳал ипак матодан тикилган, ичида ҳарир дебочаси ҳам бор авра тўн кийишини жуда ёқтирарди. Занданача¹ шунингдек, тўрқа² деб аталадиган катон³, кимхоб-у кундал⁴ каби машхур матолардан қўйлаклари бор. Волойи мовий, волойи аҳмар ипак кийимлари ҳам етарли. Қирмизи матодан енгсиз тикилган ҳашамли иксун қабо⁵, қайчи гулли қаболари анчагина. Хусусан, ёқасига нақш солинган яшил қабоси бирам чиройлики! Қасава⁶ ўрашини ҳам суярдилар... Айниқса, Соҳибқирон фикрича, чехрани сирли ёпиб тургувчи ҳарир пардага қўшилиб кетадиган хотунўдана деб аталадиган қизил дубулғанамо бош кийим катта хонимга жуда ҳам ярашар эмиш... Лекин кишнинг кўзи кўр-да. Чиройли кийим киясан-у, устидан барини ўзинг беркитиб тўн киймоққа мажбурсан...

Сароймулкхоним тезроқ Қутлуғ Туркон оқага учрашиб, барча хонимлар-у оғаларни Боғи Баландга йиғиб, ўша ерда қутлуғ дийдорлашув тадорикини кўриш лозим деган фикрга келди. Лекин аввал маликалар билан кенгашиб олгани Бўстонсаройга йўналди.

Икки йил бурун Кўксаройдан эллик кадамлар нарида дарахтзор ичида янги сарой бино қилинганди, унинг лойиҳасини Соҳибқироннинг ўзи чизиб берди. Бўстонсарой деб аталган тўрт ошёнали қаср асосан ҳарам аҳли учун мўлжалланган. Қасрнинг тўксон тўққиз деразаси бор, тепасида тўксон тўққиз фонус осифлик. Кечкурун баб-баравар ёнганда чироқлар чаманзори бемисл ҳусн очар, бамисли ўзидан

¹ **Занданача** (Бухоронинг Зандана кишлоғининг номидан олинган) – Бухоро яқинидаги Зандана кишлоғида пахтадан тўкилган мато (*муалл*).

² **Тўрқа** – пахтадан тайёрланадиган тўр кўринишидаги мато.

³ **Катон** – канопадан тўкилган мато.

⁴ **Кундал** – зар иплар билан тўкилган қимматбаҳо мато.

⁵ **Қабо** (*арабча*) – устки кийим, чакмон. Узун ва кенг устки кийим.

⁶ **Қасава** (*арабча*) – аёллар саллага ўхшатиб ўрайдиган рўмол.

нурлар таратаётган сирли кошона бутун шаҳарни ёритиб юбораётгандай туюларди.

Хос саройда Соҳибқирон маҳрамлари – хотинлари ва канизакларига атаб алоҳида-алоҳида бўлмалар безатилди. Иккинчи ошёнада ўртада эни ҳам, бўйи ҳам йигирма беш ғаз чикадиган тўйлар ва бошқа йиғинларга мослашган маҳобатли хона мавжуд. Бўстонсарой, ўз номига яраша чиндан ҳам моҳирўй-маҳлиқолар бўстони, Соҳибқироннинг суюб ташриф буюрадиган дилтортар гўшанишин маскани эди. У бу ерда ёруғ дунё лаззатларидан баҳра олар, истироҳат қиларди.

Катта хонимдаги руҳий ҳолатга ўхшаш манзара ўзга маликаларда ҳам юз бермоқдайди. Саҳройи офатижон Дилшод оқа ва кўзлари қийик бодомқовок Улус оқалар ҳам ҳар бири Соҳибқирон билан яқин-орада дийдорлашажаклари ҳақида ўйларга ботардилар.

Ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ канизак Тағой Туркон оқа каттиқ ҳаяжонда... Ҳар турли таомларга бошқоронғи эканини эшитган бошқа кундошлар канизакка: “Ҳай, ўзингизга қарангиз... Жудаям уриниб кетмангиз...” қабилда меҳрибончилик кўрсатсалар-да, орқаворатдан ғашлари келиб: “Бўйида бормиш... Аталадан суяк чиқмай ўл! Қаёқданам лўп этиб пайдо бўла қолди?..” деб ёзғиришар, Сароймулкхонимга билдиришмай пинҳона пичир-пичирларини тўхтатишмасди. Шарттаки Тоғай Туркон оқа эса гўё ҳеч нарсани сезмас: “Ажаб бўпти! Ҳамманг куйиб ўл!” дея ғойибона кундошларини узиб-узиб оларди.

Сафар айрилиқ жафосидан ўртанган Амир Темурни ростдан ҳам чалғитди, мусибат аламини бироз йироқлаштирди. Тўхтамиш ўғлоннинг паноҳ излаб келаётгани эса уни тетиклантириб юборди. Рост, парвардигор ҳамиша бандасининг ғамини ўзи ейди. Буни кўп бошидан кечирган. Муҳтарам падари бузруквори раҳматлик Амир Тарағай доим: “Худо бор, нима ғамим бор!..” деган сўзларни такрорлашни ёқтирарди. Тўғри экан. Худо бор, Соҳибқироннинг нима ғами бор?.. Аммо ҳаракатда – баракат, ҳам деганлар.

У Самарқанд тупроғига кадам қўяркан, даставвал Шоҳизинда ва Чокардиза қабристонини зиёрат қилди, сўнг йўлни янги боғ – Боғи Баландга бурди.

Шахарда қор йўк, йилтираган қуёш одамни илитмасди.

Боғи Баланд шаҳарнинг шимолида Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида, Чўпонота яқинида бунёд этилганди. Милодий 1374-йил, ёз кунларининг бирида Амир Темур Тошкандга бораётиб, Зарафшон дарёси бўйида тўхтади ва баланд ерга чиқиб шаҳар томонга суқланиб назар ташлади. Кўз ўнгида фавқулодда гузал ва дилга ёқар даражада чиройли манзара намоён бўлди.

Чап томонда ҳов анови Ургут йўлигача Кониғил ўтлоғи ястаниб ётибди, олис-олисларда Ургут тоғлари кўкка бўй чўзган. Офтобда ялтираб Панжакент томонлардан оқиб келаётган Зарафшон Самарқанддан ўтиб иккига ажралиб кетади. Ўнг томонда Чўпонота тоғи. Рўбарўда эса маҳобатли шаҳар яққол кўриниб турибди. Ногаҳон кўнглида ният туғилдики, бир боғ барпо этса...

– Шу ерда боғ барпо қилинсун! – фармон берди Соҳибқирон. – Баланддаги бу боғнинг тарҳини¹ қандай чизишни ҳам меъмор-у муҳандисларга ўзим айтиб берғоймен... Номи “Боғи Баланд” деб аталсун!..

Қалин девор билан ўралган боғнинг шимол томони Зарафшон бўлиб, соҳилга қаратиб қўйилган нақшиннигор эшик орқали тош зиналардан дарё бўйига тушиш мумкин. Зиналарнинг сони эллиқдан ошарди.

Боғнинг кўркига кўрк қўшган нарса, албатта, унинг ўртасида Табризнинг машҳур оқ мрамаридан қад ростлаган, йироқ-йироқлардан ҳам кўзга ташланадиган уч ошёналик, баланд, учинчи ошёнаси катта очиқ айвондан иборат қаср эди. Тарҳчи хочсимон шаклга эга қасрнинг зарҳал ва зангори кошинлар²-у турфа хил нақшлар билан безатилган кенг-мўл хоналари яраклаб туради, оёқ остига олти қиррали рангин ғиштлар “гилам” и тўшалган. Қаср атрофидаги узумзор,

¹ Тарх (арабча) – бу ерда; чизма лавҳа; лойиха, режа.

² Кошин (форсча; кафель) – чиннига ўхшатиб ишланган, нақшли ғишт плитка.

анжирзор ва олмазорлар эса, айникса, ёзда, бокка ажойиб файз-у тароват бағишлайди.

Киш кириб, кор ёғиб, ер музлади дегунча, Соҳибқирон одатда Боғи Чинор қасри ёнига қадаб қурилган бўйи ўттиз, эни йигирма беш газ келадиган даҳлизли меҳмонхонага борар, тўрдаги сандални бозиллатиб иситишга буюрар, кейин шоҳи кўрпага оёқларини киритиб, парқув¹ болишга ёнбошлаб оларди. Унинг наздида, қаҳратон қишда ўрик чўгли сандалга оёқ узатиб, мозий қиссаларидан тинглаб ўлтирмоқ дунё роҳатларидан биридир.

Меҳмонхона икки йил аввал, махсус қурилганди. Ёз паллалари эса сандал олиб қўйилар, ўрнини ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзилган катта хонтахта эгалларди. Меҳмонхона қабулхона вазифасини ҳам ўтарди.

Боғи Баландда ҳам шундай қилишларини буюрди, меҳмонхона лойиҳадаёқ ўз ифодасини топди. Бино худди Боғи Чинордагига ўхшатиб тикланди. Деворларини қасрники сингари ложувард зарҳаллар зийнатлади, хушманзара суратлар ва сирли кошинлар беади. Жанубий деворга мусаввир ям-яшил майсазорни – Кониғилнинг баҳорий манзарасини туширганди. Киши бамисоли гўзал ўтлокнинг четида ўлтиргандай, агар юрилса, бир-бир қадам босиб худонинг бу беҳиштдай гўшасини кезиб айланиб чиқиш мумкиндай таассурот коларди.

Қаср олдидаги гиламлар ёзилиб орасталанган майдон Соҳибқироннинг ҳаяжонга чулганган эгачи-сингиллари, хотинлари ва жориялари, ўғил-қизлари, жиянлари билан тўлган. Ҳаво этни жунжиктирар даражада салкин...

Шу палла жарчининг кучли овози борлиқни тўлдирди:

– Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари Боғи Баландга ташриф буюрмакда-а-ла-ар!..

Ниҳоят муъолишда Соҳибқироннинг бўз оти кўринди. Отнинг номи Хонўғлон бўлиб, учқурликда шамолни ҳам ортда қолдирадиган, тезликда чакинга сабоқ берадиган, охудан ҳам ўзгир, довруғи дoston бир от эди. Чопганда туёқларидан чакнаган ўтдан хас-хашаклар ёнар, пишқир-

¹ Парку(в) (форсча; оккуш пари, пати) – оккушнинг пари билан тўлдирилган.

ганда тумшуғидан ҳовурлар пуркарди. Хонўғлон сувдай текис йўрғалаб, ўйноқлаб келар, Амир Темур олтин эгар устида кўр тўкиб ўлтирарди.

Қора кулоқчинини бостириб кийганидан тор пешонаси қарийб йўқолиб кетган Муҳаммад Чуроға додхоҳ билан чамаси анчадан бери йўл юрганидан бироз халлослаган Амир Довуд дуғлат бедовнинг жиловидан тутишган, икки ёнда олтин узангиларга кўл қўйишганча одим отишаётган Жаҳоншоҳ ибн Жоку ҳамда Умаршайх Мирзолар шундай олий мартабага эришганларидан мамнун-у масрурликларини яширмасдилар. Соҳибқирон боғнинг остонасига оқ пояндоз солинган дарвозасидан бўз отда кириб келди ва отдан гиламга тушди.

– Марҳабо, марҳабо, Амир Соҳибқирон!

– Қадамларига ҳасанот, Амир Соҳибқирон!

– Оллоҳга шукр! Шукр... – қабилда овозлар янгради.

Барча ҳазратни тавоф қила бошлади.

Даставвал Қутлуғ Туркон ока Соҳибқиронга пешвоз чиқди. Бонуйи кубро эгачи Амир Темурнинг елкасидан олиб пешонасидан ўпиб қўйди. Эгачининг чеҳрасидан хурсанд-у хуррам эканлиги шундок билинар, кўнглидаги жуда кўп гапларини истаса ҳам ҳозир айтиб улгуролмаслигини, бунга вақт мусоид¹ этмаслигини англаб, ҳаммасини кейинга қолдирди, фақат кўзлари ёшланганча:

– Қадамларидан опангиз ўргилсун... – дея шивирлади.

Изма-из Ширинбика ока оғасининг елкасидан олиб сўрашгач, юзига фотиҳа тортди. Амир Муайяд арлот² оламдан ўтгандан кейин синглиси тул қолди, хайриятки, ёнида ўғли Мирзо Алибек бор. Дўнгпешона, босиқ Мирзо Алибек ақлли йигит бўлган. Унинг қорамтир юзи, чимирилгандай чеккалари кўтарилган қошлари, қисик кўзлари сержаҳл ва тажанг одамни эслатар, аммо ўзи жуда самимий оқ кўнгил йигит эди.

¹ Мусоид (арабча) – 1) ёрдам берувчи; 2) қулай (бу ерда шу маънода келган).

² Арлот – ўзбек уруғларидан бири. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарида арлот маъноси ҳақида қуйидаги мисралар бор: “Анинг маъноси отанинг севар ўғли темак бўлур. Арлат бир кишининг оти турур. Ани отаси кўп севар эрди. Анинг учун Арлат тедилар. Барча Арлат эли анинг насли турурлар”.

Навбат Сароймулкхонимга етди. Арғувоний тўн кийиб олган маҳди улё товусдай хиромон айлаб Соҳибқирон пойига эгилди ва довудий совут устига ташланган заррин тўн пешини ўпиб кўзларига суртди. Кейин Дилшод оқа, Улус оқа, Тағой Туркон оқалар, улар изидан исмат пардасидаги қизлари Оқа бегим билан Султон Бахт бегимлар тавофга шошилдилар. Кейин ўн икки ёшли Мироншоҳ Мирзо, жияни Мирзо Алибеклар ҳам изма-из юкуниб тавоф этдилар.

Келинлари, Жаҳонгир Мирзо хотинлари Хонзода хоним ва Бахт Малик оқа билан кўришганда Соҳибқирон ўзини зўрга тутиб турди. Ҳар икки келин ҳам шоҳона йўргакка ўралган олти ойлик гўдакларини кўтариб олгандилар. Буни уларга эгачи Қутлуғ Туркон оқа тайинлади.

Амир Темур Хонзода хонимнинг бошидан кучиб, манглайдан ўпди ва Муҳаммад Султонни кўлига олди. Хонзода хоним шундан кейин эгилиб тавофни бажо келтирди. Соҳибқирон Бахт Малик оқани имлади ва кўришгач, ундан Пир Муҳаммадни беришни сўради. У икки набирани икки кўлига кўтариб олганча, кўзларига ёш тўлиб осмонларга боқар, ҳеч нарса демас, ўзини шу топда ниҳоятда бахтиёр сезар, дил-дилида Оллоҳга шукроналар айтарди...

Кутилмаганда Муҳаммад Чуроға додхоҳ Амир Темурга яқинлашди ва фақат иккиси эшитадиган йўсинда оҳиста шивирлади:

– Жоним сизга қурбон Амир Соҳибқирон! Хевақдан чопар етди: Жетага кетғонингиздан хабар топиб Юсуф Сўфи Кот билан Хеваққа юриш қилибдир...

Соҳибқирон, юрагига нимадир ботган бўлса ҳам, сездирмади, фақат Хоразм томонларга бир қараб қўйди.

Атрофда барча фараҳли туйғуларга чулганган, опасингиллар ҳам, ҳарам аҳли ҳам, фарзандлар ҳам суянган тоғларининг ёнида ўзларини осмонда ҳис қилишар, ҳеч ким ҳеч нарса демас, сўзга ҳожат ҳам йўқ эди.

– Меҳмонхонага буюрсунлар Амир Соҳибқирон! – эҳтиром кўргизишди Амир Довуд дуғлат билан Қутлуғ Туркон оқа қўлларини кўксиларига қўйишиб. – Янги қасрга

ҳали ҳеч кимнинг оёғи етмаган. Биринчи бўлиб ўзлари табаррук айлаб берсунлар!

Бир четда турган машшоклар “Шодиёна” ни бошлаб юбордилар.

Амир Темур ҳурмат бажо айлаб Қутлуғ Туркон оқага деди: – Ўзингиз бошлангиз, Опажон! Изингиздан кирурмен.

Бонуйи кубро эгачи таъзим қилганча инисининг қўлтигидан олди ва “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!” деди, сўнг иккиси нақшинкор эшикли меҳмонхона остонасига ташланган бахмал поёндозга баробар кадам қўйдилар.

Барча улар ортидан меҳмонхонага йўналди.

II

Соҳибкирон сарой аъёнлари билан Қатвон мавзеида мулоқот этганидан бери, бир ҳафтадирки, Боғи Баландда яшайди.

Саксовул¹ чўғи солинган танчанинг² гуруллаган иссиғи кўрпага ўраниб олган Соҳибкироннинг ногирон оёғига хуш ёқар, бемисл оромдан бутун аъзои бадани яйрарди. Серманак, ўрта бўйли, озғиндан келган, калласи кичик, қисик кўзлари ҳамиша кулиб турадиган, патак соқол қиссахон Мавлоно Убайд мозий воқеалари, ҳокон-у шаҳаншоҳлар қисмати, замона зайлининг кирдикорларидан сўйлар, охирида ҳар гал “Валлоҳи аълам биссавоб!”³ дейишни унутмасди. Кунда, кун ора уларнинг гурунглари баъзан оқшомгача давом этарди.

Чошгоҳдан гупуллашиб ёға бошлаган қор, ажабки, пешин ҳам ўтди, ҳали тингани йўқ. Совуқ борлиқни забтига олган. Соҳибкирон куз ўрталари эди, Боғи Баландга борар экан, йўлларда чумоли уюмларининг кўплиги диққатини тортди: ҳа, бу йил киш каттиқ келар экан-да, деб қўйганди ўшанда. Рост чиқди.

¹ Саксовул – саҳрода ўсадиган бута ёки дарахт.

² Танча (сандал, оловдон) – маълум бир жойни иситиш учун мўлжалланган манқал. Киш совуғида танчага оёқ-қўлни тикиб исинилади.

³ Валлоҳу аъзам биссавоб – Аллоҳ тўғрисида билгувчирокдир.

Амир Темурнинг энг ёктирган фасли – баҳор эди. Гўё киш табиатнинг ўлими – баҳор эса ҳаётнинг янгидан бошланиши. Ҳамма нарса уйғонади, кўз олдинда мўъжизалар юз беради. Ғаройиби шу эдики, бандаси барига ўз-ўзидан кечадиган оддий ҳодисадай қарайди, парвардигорнинг мўъжизакорлигидан ҳайратга тушишни ҳам унутади.

Лекин нечоғли ҳайрон қоларлик! Соҳибқирон бунга тан беради! Ана бу қоп-қора оғочнинг нафис ва гўзал япрок чиқаришига боқингиз! Анови шафтоли қуриган эмас, ўша шип-шийдам ёғочга ўхшаган дарахт бағрида не-не анвойи гуллар, гунчалар яшриниб ётибди. Пардоз-андозга улгурмаган соҳибжамолдай жозибасиз кўринган замин парвардигорнинг қаромати ила кўзларни қувнатадиган ғаройиб ям-яшил либосга бурканади. Сойлар қошига ўсма тортади, далалар кўксига лола такади, адирлар яшил рўмолларини елкаларига ташлаб олади. Чўққиларнинг бошларидаги ок ҳарир чойшабга ўхшаш қорлар ҳам энди йироқлардан тип-тиник кўринади. Узумлар бўйнига шода-шода дурмаржонлар боғлашдан, гилослар шохларига дона-дона ёқутлар осишдан, ноклар ёмби олмосларни ҳаммага кўз-кўзлашдан умидворлар. Яшнаган олма дарахти эса ғарқ пишиб солланиб турган олтиндай сап-сарик меваларга қараб, наҳотки шуларнинг барчаси ўзимнинг бағримда ўсган бўлса, дея гўзалликдан лол-у ҳайрон термилади...

Олам тамом ўзгариб кетади!..

Жонсиз табиатга ана шундай қутқулар солган баҳор, инсонни юз чандон ортиқ завқ-у ҳиссиётларга кўмиб ташлайди. Буни Соҳибқирон ҳар сафар ўз бошидан кечиради. Назарида, ҳар бир киш фасли ўтган умрга сарҳисобдек вазифани адо этади. Ҳар бир баҳор эса янги орзуларга кучок очади, шахт-у шижоатлар бахш этади, ғайрат камарини инсон белига боғлайди...

Турон султони азалдан киш фаслини хушламас, қишда сафарларга чикмас, ялдо кечаларини одатда Самарқандда, гоҳ-гоҳда Занжирсаройда, Бухоро ёки Тошкандда ўтказарди. Фақат бир марта, бундан уч йил аввал, қишнинг қоқ ўртаси эканини била туриб, Жетага отланганлари Соҳибқироннинг

эсида. Амир Камариддиннинг таъзирини бериб қўйиш иштиёқи кучлилигидан шунга мажбур бўлганди. Самарқанддан чикиб, Қатвон мавзеига кадам босганларида жуда каттиқ совук тушди. Тупук ерга муз бўлиб тушарди. Шитоб пойтахтга кайтишни буюрганди ўшанда...

Бугун яна Мавлоно Убайдни хузурига чорлатди, унга кейинги вақтларда хос муншийлик¹ вазифаси ҳам юклатилганди. Соҳибқирон киссахоннинг чиройли хуснихатига эътибор қилди, у чиндан ҳам хаттотлардай кўркем ва бежирим ёзарди.

Саройда беш-олтита туркча, форсча, уйғурча ва арабча тилларда ёзадиган муншийлар хизмат қилар, Соҳибқирон топшириғига биноан улар, элчилар ташрифи, амирлар мулоқоти, вазирлар анжумани ва бошқа муҳим ҳодисалар тафсилотини “Вокеалар дафтари” га синчковлик билан ёзиб борардилар. Хос мунший сифатида ҳамиша Соҳибқирон ёнида ҳамроҳ Мавлоно Убайд жузвдонида² ҳар хил рисола-лар, дафтарлар, довод-у қалам ва олий навли султон қоғозидан ғамлаб юрарди.

Беш кун аввал худди шу ерда ўлтиришарди, мавлононинг Султон Санжари Мозий ҳақидаги ҳикоясини тингла-гач, Амир Темур бирдан хос муншийга айтганларини бундан буён қалин кўк дафтарга ёзиб боришни буюрди. Бу вокеалар тарихи кейинчалик улуғ салтанат солномасининг ибтидоси бўлиб қолишини Мавлоно Убайд ҳали билмасди албатта.

– Кўп йиллар аввал, ҳали мамлакат маснадида³ чикмай туриб, салтанат ойини, русуми ҳақида ҳаёлларга ботардим. Салтанатга албатта тузуклар лозим, мавлоно. Тажрибамдан ва мозий султон-у шаҳаншоҳ-у хоконлари сиёсатидан улги олиб кўрдимки, давлат агар дин-у ойин асосида бунёд этилмас экан, салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва низоми йўқолур. Бундай салтанат либоссиз кимсага ўхшарким, кўр-ғон одам юзини ўтиргай. Ёхуд кас-у нокас тап тортмай кириб

¹ Мунший (арабча; асосчи, яратувчи; қурувчи; муаллиф, тузувчи, ёзувчи) – саройда ёзув ишларини олиб борадиган котиб.

² Жуздон, жузгир, жузвдон (форсча) – қоғоз, хат-ҳужжатлар солиб қўйиладиган, чармдан, матодан ёки картондан ясалган жилд, халта ёки мукова.

³ Маснад (арабча) – юқори мартаба, ўрин, амал.

чикаверадуғон томсиз, эшиги йўқ чалдевор уйга менгзагай...

Шу йўсинда тузуклар иншоси бошланиб кетди. Қисқа кунлар ичида мавлоно кўк дафтарнинг бир неча саҳифасини тўлдиришга улгурди. У бундай доно фикр-у кенгашлар эшитиш ва қоғозга туширишни жуда интиқ кутадиган бўлиб қолди.

Қиссахон одатдагидек чарм жузвдонини кўтарганча Боғи Баланднинг зийнатдор меҳмонхонасига кириб келди. Мавлоно Убайд Соҳибқироннинг бугун нимадандир мамнун эканини сезди.

Салом-аликдан сўнг: – Кечаги битғонимизни ўқусунлар, мавлоно! – буюрди Амир Темур.

Қиссахон кўлини кўксига қўйиб: “Бош устига!” деди-да, кўк дафтарни олиб ўқий бошлади:

“... Мамлакатларни фатҳ айлагувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳига умид боғлаб, салтанат қуриш, давлат тутиш бобида ўзим қўллаган ишларни бир неча тузукка боғлаймен, у салтанатни бошқариш ҳақида дастуриламал бўлғувсидир. Токи фарзандларим, авлодларимнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юрутғайлар... Собит меҳр-у қарор-у меҳнат-машаққатлар билан тангрининг меҳрибончилиги, иноятии-юю расули акрам Муҳаммаднинг, – унга тангри марҳаматлари ва саломлари бўлғай, – толеи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди, ҳурматли саҳобаларига¹ муҳаббатим, дўстлигим оркали қўлга киритғон давлатим ва салтанатимни сақлагайлар. Бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда дастур сифатида истифода этғайлар, токи мендан уларга етадуғон давлат ва салтанат зарар-у таназзулларга юз бурмағай...”

– Ҳаллоқи безаволга салламно!... – деди тингларкан ўзига ўзи Амир Темур, кейин давом этди: – Мавлоно! Андхойдан пирим Мир Саййид Барака ҳазратлари мактуб

¹ Саҳоба (арабча) – Муҳаммад пайғамбар сафдошлари); уни бир марта бўлса ҳам кўрган кишилар.

юборибдурлар. Ажабким, худди Абу Наср ал-Форобий ат-Туркий жанобларидан маслаҳат олгондай битибдурлар... Муаллими соний рисоласини ўқуғонлари аёндир. Жуда ҳам бебаҳо мактуб... Албатта, дафтарга туширсунлар!.. Ёзсунлар!

Соҳибкирон пир мактубини олган заҳоти кўздан кечириб чиққан, уни тарих дафтарига кўчиришга топширса бас эди, аммо негадир ҳозир қиссахонга ўзи ўқиб бергиси келиб қолди:

“Ассалому алайкум, Темурбек жаноблари! – бошлади мактубни Соҳибкирон. – Мўғулистон сафарида соғ-саломат қайтгонларини эшитиб кичик бошим кўкларга етди... Иншооллоҳ, яқин айёмларда дийдор кўришгоймиз. Ҳозирча, сизга ушбу кенгашимни еткурмакка ошиқамен, зеро бу кўпдан кўнгил лавҳида асраб юргон мақсудим эрди.

Буюк зафарлар соҳиб ул-кироми Амир Темур Кўрагон жаноби олийларига, Оллоҳ ҳамиша уни ўз паноҳида асрасун. Билсунларким, унинг салтанат корхонаси Тангри таоло корхонасининг кичик бир нусхасидурким, унда турли мансабдаги ходим-у хизматкорлар (амале ва фаъле), ноиблар, эшик огалари, яъни ҳужжасоблар бордур. Жаноби олийлари ҳамиша ҳушёр турсунлар, эҳтиёткор бўлсунлар, токи вазир-у лашкарбошилар, мансабдорлар, корчалонлар, сипоҳсолорлардан¹ ҳеч бири ўз мартабалари чегарасидан чиқмасунлар. Доимо фармонингизни илҳақ қутсунлар... Ҳар тоифа ва ҳар қавмни ўз ҳурматларида тутунгизким, андин сўнггина салтанат низомга келгай, давлат интизомга киргай...

Ҳазрати Муҳаммад Мустафо авлодларининг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззат-иқромини жойига қўйсунлар. Уларга қанча кўп илтифот билдурсалар ҳам, уни зинҳор исроф деб ўйламасунлар, зеро қайси иш худо йўлида бўлса, асло исроф саналмайдур... Мазкур ўн икки тоифа бирлан салтанатга зийнат бериб, шулар воситасида давлат тахтини устувор этсунлар...”

Амир Темур ўқишдан тўхтади.

¹ Сипоҳсолор (форсча) – бош кўмондон; қўшин етакчиси, лашкарбоши.

– Ун икки тоифа... Қандай тоифалар хусусида сўз кетмакда? Бу сўзларнинг маъноси недур, хазрат? – қисик кўзларини Соҳибқиронга тикиб сўради мавлоно. Беихтиёр муаллими ас-соний Абу Наср Форобий айтган шаҳар (яъни юрт) раиси учун зарур ўн икки фазилат ёдига тушди, аммо у ҳақда сўз очмади.

Мавлоно Убайд бир вақтлар Соҳибқиронга муаллими ас-соний ҳақида сўзлаб, алломанинг “Фозил шаҳар кишилари қарашлари” рисоласидан ҳикоя қилган ва кейин уни Соҳибқирон сўровига кўра кутубхонадан келтириб берганди.

Соҳибқирон рисола катта қизиқиш билан ўқиб, фозил шаҳар раисига ўн икки фазилат зарурлиги тўғрисида билиб олди ва сеҳрли “ўн икки” иборасига меҳр қўйиб қолди. Ўн икки ой, ўн икки бурж, ўн икки фазилат... Шу сабабдан пири муршиднинг мактубда ўн икки тоифа ҳақида битганлари оҳанрабодай эътиборини ўзига тортди.

Соҳибқирон фикрича, салтанат бамисли бир уй, унинг учун бақувват устунлар, тўсинлар, катта чорчўплар¹, мустаҳкам синчлар, вассажуфтлар лозим, заминдай барқарор пойдевор керак. Салтанат ва раиятнинг турли табақалари ёки пири муршид таъкидлаган “тоифа” лар Амир Темур назарида худди ана шулардир. Тоифалар ҳақида Соҳибқироннинг ўз мулоҳазалари бор. Юртни мўғуллар босган пайтларда бу тоифалар – халқ-улуснинг теран томирлари кесилиб, топталиб забунликка юз бурди, илдизлар қуриб битди. Барини тикламоқ керак...

Амир Темур қиссахонга, ўн икки тоифа ҳақида ҳозир эшитгайлар, дегандай, мактубни ўқишда давом этди:

“... Амир Соҳибқирон! Оре, рост. Таъкид айлаш жсоиз-дурки, камина бандангиз зинҳор-базинҳор бировга, айниқса зукколар зуккоси деб ҳисобланадургон Сиздек муҳтарам зоти олийларига, худо алқагон инсони комилга ақл ўргатмакдан жуда-жуда йироқдурмен. Бироқ ожиз-у ночор фикрларим ила, асли қутлуг ёдингизда бор нарсаларни яна

¹ **Чорчўп** (форсча: – тўртта ёғоч, тахта) – иморатнинг тўрт девори пойдеворига қўйиладиган тўрт тагсинч.

бир эслатиб қўймак истагидан тийила олмайдурмен. Сидқидил узримни қабул айлагайсиз, деган умиддамен. Барчасини, зеро, туққан ерини обод қилмакка киришгон, жаҳонда халқларни бахтли этмакка бел боғлагон жаҳонгирга қайишгонлик, салтанатимизни қурч-у¹ бадавлат айламакка қуйинггонликдан деб ҳисобласунлар.

Алқисса. Даставвал саййидлар, уламо-ю фозилларни ёнларига чорласунлар. Улар ҳамиша саройга қадам ранжсида айлаб, мажлисларга безак бўлсунлар. Диний, ҳуқуқий, ақлий муаммоларни ўртага ташлаб фикрлар билдурсунлар. Ҳалол ва ҳаромга оид мушкул масалаларни улардан ўргансунлар.

Бир тоифа ақлли кенгаш соҳиблари, кўзи тишган ҳушёр-у зийрак арбоблар, олисни ўйлаб қадам қўйгувчи оғир-босиқ кишилардан иборатдур. Уларни хос мажлисларига киритсунлар, суҳбатларидан, баҳсларидан гула кўтариб, тажрибалар ҳосил қилсунлар...

Яна бир тоифа – амирлар, сарҳанг²-у сипоҳсолорлар, сипоҳлар. Уларга мажлисларидан жойни аямасунлар, мартабаларини юқорига кўтарсунлар. Ҳарб майдонларида рустамона саваш қурган шижоат аҳлини ҳамиша дўст тутсунлар.

Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, жасорат соҳибларини, марди майдонларни тилла-ю зар, фахрли ўтога, камар ва таркаш³ бирлан сийласунлар, эл кўзида мартабаларини эъзозласунлар, Ватан олдигаги хизматларини қадрига етсунлар. Сипоҳ ва раиятни шундоқ тутсунларки, кимса кимсадан устунлик қилиб, лузумсиз сўз демасунлар. Даражаларига қараб андоқ сақласунларки, ҳаддан ташқари бирон қадам қўя олмасунлар. Сипоҳийларнинг мартабаларини кўп кўтармасунларки, ҳовлиқиб кетгувсидир, кўп тушириб юбормасунларки, кўнгиллари чўккувсидур...

Яна бир тоифага етдик. Булар – мулоҳазакор вазирлар, чаққон бош котиблар, заҳматкаш девон мунишийларидурлар. Уларни тобе мамлакатлар кўзгуси деб билсунлар. Давлат

¹ Курч – зич, тўла. Бу ерда “мустваҳкам” сўзи ўрнида келган.

² Сарханг (форсча) – кичик лашкарбоши.

³ Таркаш (форсча) – ўқдон, тирдон, садок.

ҳазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солишларини, салтанат хазинасининг кириш-чиқимида тегишли масалаларни одилона юритишларини кўздан қочирмасунлар...

Ҳакимлар, табиблар, мунажжим-у муҳандисларни алоҳида тоифага киритдур. Улар, иншооллоҳ, салтанат корхонасига ривож берувчилардур. Ҳаким ва табибларни хасталарни даволашга, мунажжимларни қутли ва қутсиз кунларни аниқлашга, муҳандисларни эса олийшон иморатлар, боғ-у бўстонлар тарҳини чизишга ва барпо этишга сафарбар айласунлар...

Яна бир тоифа – муҳаддислар, пайгамбар ва унинг авлодлари ҳақида нақл-у ривоятлар келтирувчи муаррихлар ҳамда қиссахон-у ровийлардан¹ ташкил бўлғай. Набийла ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтмиш подшоларининг салтанатга қандай этишгонлари-ю қандай завола тоғони сабабларини улардан сўраб билиб олсунлар, дунёдаги воқеаларни эшитсунлар.

Бошқа бир тоифа – касб-у ҳунар соҳибларидурлар. Уларнинг ҳар бир синфидан давлатхоналарига вакил олсунлар ва ўрдадан жой ажратсунлар. Уларга сафарда ва ҳазарда² сипоҳлари учун лозим қурол-аслаҳа, жиба³-ю синар, тўра-қалқон, таркаш-у ўқ ҳозирлашни буюрсунлар...

Тагин бир тоифа – ҳар мамлакат-у кишварлардан келган сайёҳлар-у мусофирлар. Уларнинг бошларини сила-сунлар, чунки турли диёрлардан дараклар етказиб турғайлар. Тагин. Ҳар кишварда тужжорлар ила карвонбошилар тайинласунларки, турли мамлакат кишиларининг ҳолаҳволи, туриш-турмушлари, ҳукмдорларнинг ўз раиятига қандай муомала-ю муносабатда эканлари борасида сизга мунтазам хабар етказсунлар...

Алқисса... Салтанатларини мазкур тоифаларга қисмат этиб, қонун-қоидаларини шунга мослаб тузиб чиқсунлар. Ўн икки тоифани салтанатлари осмонининг ўн

¹ Ровий (арабча) – хикоя қилувчи, ривоят, нақл айтувчи, қисса айтувчи.

² Сафар ва ҳазар – ҳаракат ва турғунлик.

³ Жубба, жиба, жева – симдан тўкилган махсус ҳарбий кийим.

икки буржи ва давлатлари корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобласунлар...”

Воажаб! Пири муршиднинг теран мазмунли сўзларини ўкир экан, Соҳибкиронга бу мактубни худди ўзи ёзгандек туюлиб кетди. Мабодо шундай нома ёзиш зарурати тугилса, у ҳам айнан ўхшатиб битиши муқаррар эди! Салтанатнинг синчи¹ деб ҳисоблангувчи ана шундай тоифалар сурати Соҳибкирон кўнглида ҳам кўпдан бўй кўрсатиб келарди. Айрим фаслларни янада теранлаштириш, бойитиш мумкин-дир. Бу хусусда анча-мунча фикрлар ҳам йўқ эмас...

Чунончи, салтанат ишларида мураса-ю мадора, муруват ва сабр-тоқат зарурдир, кўп нарсани билса ҳам, ўзни билмаганга, кўриб кўрмаганга солмоқ шарт. Адолат-у инсоф юзасидан сипоҳ-у раиятни умид ва кўркув ўртасида сақламоқ... золимлардан мазлумлар ҳаққини олмоқ... жазога фақат гуноҳкорнинг ўзини мустаҳиқ этмоқ... ғийбатчи одамларга мажлис йўлини кесмоқ... раият аҳволидан огоҳ бўлмоқ, улугларини ога ўрнида, кичикларини фарзанд каторида кўрмоқ... жоиздур.

Пири муршид ўн иккинчи тоифа ҳақида жуда ўринли айтибдурлар. Филҳақ, ҳар бир кишвар аҳли аҳволидан бохабар бўлиб турмоқ учун диёнатли, одил қаламли кишилардан воқеанавислар – хабаргирлар белгиламоқ лозим. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қай бирларининг халққа жабр-зулмлари хабари етса, тез чора изламоқ инсофдандур. Ҳар жойда сипоҳийларни қўллаб-қувватламоқ шарт, чунки улар бокий мато бўлган жонларини фоний дунё моли деб сотадилар, ўзларини ҳалокат гирдобига отадилар.

Орага жимлик чўкди.

– Парвардигор пири муршидга фавқулодда илҳом селини ёғдирибдур, мавлоно... – ҳайратини яширмади Соҳибкирон.

Мавлоно Убайд юмушини битирди-да, дафтардан бош кўтарди ва ҳайратини бундай баён қилди:

¹ Синчи – отларни яхши биладиган одам. Бу ерда кўчма маънода мутахассис сўзи ўрнида келган.

– Ҳақ сўзни дедингиз, Амир Соҳибқирон! Тангри азиз айлаган зотдурлар пири муршидимиз, нақиблар¹ пешвоси!.. Ҳар каломдаги узок мулоҳаза-ю мушоҳадалардан пайдо бўлган теран мантиқ зийнатига боқингиз! Инсон заковатининг чеки-чегараси йўқлигини исбот айлабдурлар... Валлоҳи аълам биссавоб.

Пири муршид Мир Саййид Барака мактуби ҳар иккисининг ҳам ҳаёлини каттиқ банд қилди...

Соҳибқирон деразадан ташқарига қаради: улар суҳбатга каттиқ берилиб, гупуллаб ёғайтган қорнинг тиниб қолганини ҳам сезишмаган эканлар. Шу палла хонсолор² таом фурсати етганлигини билдириб дастурхон ёзишга ижозат сўради.

ОЛТИНЧИ БОБ

I

Орадан кўп ўтмай, Соҳибқирон муқаррама эгачи Қутлуғ Турқон оқа иккиси Хонзода хоним ва Муҳаммад Султонларни кўргани Боғи Чинорга йўналдилар. Бир неча кундан буён борлиқни забтига олган замҳарир совуқ хийлагина юмшаганиданми, ҳар нечук Соҳибқироннинг кайфияти яхши эди. Аммо кўнглининг бир четида сал хижиллик ҳам бор. Чунки, Тўхтамиш ўғлон томондан ҳануз дарак йўқ. Наҳотки юборган одамлари уни кидиришиб топиша олмаётган бўлса?.. Ёки Тўхтамиш ўғлон Самарқандга келмасмикин?..

Опа-укалар Боғи Чинорга кадам қўйганларида чошгоҳга яқинлашиб қолганди.

Амир Темур салтанат тахтига чиққанидан бери улар камроқ учрашишарди. Чунки Соҳибқироннинг кўпинча ихтиёри ўзида йўқ, вазиятга боқиб турарди. Улуғ амирнинг хос ҳаёти-ю салтанат ҳаёти орасидаги чегара йўқолиб, иккинчиси зўрлик билан биринчисининг улушини ҳам тасарруф этишни истарди.

¹ Нақиб (арабча) – саййидлар ва хўжалар учун юқори фахрий унвон.

² Хонсолор – подшоҳ дастурхонини безатувчи (муалл).

Амир Темур уларни кузатиб келган Мухаммад Чуроға додхоҳга буюрди:

– Мамат! Совға-саломларни меҳмонхонага олиб кира берсунлар!

– Бош устига, онҳазрат!

Мухаммад Чуроға додхоҳ дарҳол хизматга киришди.

Соҳибкирон ҳар гал Боғи Чинорга қадам қўйганда дабдурустдан меҳмонхонага кирмас, даставвал одати бўйича боғни сайр этиб чикарди. Буни ҳамма биларди. Ўша эсига тушди-ю бонуйи куброга қаради:

– Боғни бир айланиб чиқайлик, Опа...

Қутлуғ Туркон оқа: “Маъқул!” дегандай бош ирғади. У ҳам кўпинча Соҳибкирон сафардалиқ вақтларида Боғи Чинорга ташриф буюрар ва Сароймулкхоним билан бирга боғ кезишни ёқтирарди, анчадан бери айлангани йўқ. Унинг устига, укасининг ҳеч ким йўғида айтадиган гапи бор, шекилли. Опа-ука дийдорлашувлари ҳамиша муштокона ўтарди.

Улар қаср рўпарасидаги катта ҳовуз томон юрдилар. Амир Темур атрофга назар ташлади. Қишки боғ... Боғ эмас, курук, шип-шийдам дарахтлардан иборат бир маскан. Либоссиз оғочлар совукда жунжикишади. Қор-кировда қолган юпун кийинган одамнинг нақ ўзи. Ҳовузда феруза лаппакчалардан бошқа ҳеч вақо йўқ, унда-бунда қор қолдиқлари кўзга ташланади. Баҳор-у ёзларда мусамман юлдуз шаклини ҳосил қилиб нигоҳларни яйратадиган гулбоғчалар ҳам йўқ, ранг-баранг анор, шафтоли, нок, беҳилар бир-бирларига қисинганларича маъюсликка чўмган... Қасрнинг ўнг томонидаги ёлғиз чинор қакқайиб кўзга ташланади.

– Жаҳонгир Мирзо бу боғни бағоят хуш кўрарди, унга худди боғбондай қарарди. Боғнинг ҳам файзи кетди... – деди Амир Темур қалби тирналиб. – Ана, барча дарахтлар боғбонсиз, жимгина қайғуларга ботғонлар, нашъалари йўқ, ҳовуз ҳам гўё йиғидан кўзи қуриғондек...

– Ундай боғбон энди қайда? Во-ей, ёш кетди-да шахзодам! Ёш кетди. Бағримизни ўйиб кетди. Ўн гулидан бир гули ҳам очилмағон эрди...

Кутлуғ Туркон оқа уф тортди ва шоҳи дастрӯмолини кўзларига тутди. Анорзор ёнига борганларида Амир Темур тўхтади ва эгачига илтижоли кўзларини тикди: – Опа...

Эгачи назарида Амир Темур ҳозир Турон юртини мусаххар¹ этган, салтанат кутб ул-аъзами, мамлакат подшо-си эмас, балки шунчаки кўчанинг нариги томонидаги ҳовли-да яшайдиган бир ука, қондош жигардай туюлди. Аслида ҳам шундай, кимларгадир балки Соҳибқирондир, Абул-мансур Абулмузаффар Амир Темур Кўрагондур, лекин Кутлуғ Туркон оқа учун – у даставвал меҳрибон ини, ука, бир қориндан талашиб-тортишиб тушган жигарбанди... Соҳибқироннинг худди айб иш қилиб қўйиб, каттанинг олдида хижолат тортган боладай ёлвориш, эркаланиш оҳангида сўзлашидан эгачи кўнгли алланечук бўлиб кетди:

– Қулогим сизда, Амир Соҳибқирон! Сўзласунлар, жоним тасаддук!

– Маслаҳатгўйим ўзларидурлар, Оллохга шукр... – деди Амир Темур. – Дунёнинг юмушлари чигалдан чигал, учикети йўқ катта савдоларга отилгон эканмиз, опажон! Қарасангиз, гардуннинг кўзи юмук, адолат дийдаси ожиз-у нотавон... Бир нарсани англамайдурмен, не ёзуғим бор эрдик, парвардигор мени шундай меҳрибончиликлар билан сийлади? Ҳавойи нафсга банди бўлмасам, турли фитна-ю фасод, фисқ-у фужур аҳлидан йироқ юрсам, покиза рўзгор айласам, пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтгон-ларига риоя айлаб, кечиримлилик мақомини баланд тутсам, ёмонларнинг жазосини берсам, юртнинг тинчлигини ўйла-сам... Раоё ва бароёга² илгимдан келгунча яхшилик кўргиз-сам... Нечун энди арслондай дилбандимни, дунёга кўз очиб, ҳали яшашнинг маъно-мазмунини англаб етмагон, умр лаззатини тотиб улгурмагон покиза хилқатни бағримдан юлиб олди? Қайси гуноҳларим учун?.. Нечун энди бир нигори хурдан ҳам аъло, кўрк-у хуснда танҳо, япроқ ёзмаққа чоғланган гулдек нозик, нур мисоли маҳлиқои мукаррама қизим Хонзода хоним, ойдек кўнгли тугмадек тугилиб, ўн

¹ Мусаххар (арабча) – бўйсундирилган, мажбур қилинган, тобе.

² Раоё ва бароё – халк, эл, фуқаролар (муалл).

етти ёшида суянган тоғини, вафодор ёрини тупрокка қўйиши керак?.. Ахир улар жумла мўминлар катори умр кечиришлари мумкин эди-ку, Опажон?

Қутлуғ Туркон оқа қачондир Соҳибқирон иккиси ўрта-сида шундай суҳбат кечишини билар, вақти-соатини кутар ва ўзича шайланарди.

– Амир Соҳибқирон... Ҳўл-у қуруққа, оз-у кўпга бардош бера олгон одам ер-у осмоннинг шоҳидур, деган экан машо-йихлар... – юпатмокқа уринди эгачи Соҳибқироннинг елкаларини меҳрибонларча силаб. – Не чорамиз бор? Бу ҳодиса бандасининг ихтиёридан буткул четдадур. Охирида шодлик келгон ғам ғам эрмас... Бари Оллоҳнинг буюргони.

–... Бундан ўн беш йил муқаддам – давом этди Амир Темур гўё опасининг сўзларини эшитмагандек. – Али Жоникурбонийнинг рўшнолиги йўқ зах ертўласида, асфаласофилиннинг катагидай дўзахий бир ҳужрада бургаларга таланиб ётгонимда, яратганга илтижолар айладимки, мени шу зиндондан эсон-омон ёруғ дунёга чиқаргил, тилагимни ато этгил, салтанат тузишимда мададингни аямагил, фарзандларим умрига умр қўшгил, улар мендан кейин ҳам юртни ақл-у идрок, тафаккур ила бошқарсунлар, Туркистонзамин донғини дунёга таратсунлар, давр-у давронлар сурсунлар, деб...

Амир Темур жим қолди. Қутлуғ Туркон оқа Соҳибқироннинг изтиробли чеҳрасига тикилганча, босиқ деди:

– Парвардигор тилагонларини берди, мана ўша ер юткур зиндондан соғ-саломат чиқдилар. Ёдингиздаму, ўшанда икки ой бизнинг уйда яшагон эрдингиз. Мана, салтанат туздилар. Амир Соҳибқирон, буни бири кам дунё дейдилар-да...

– Бири кам дунё... дейсизму? Дунё... Ахир мен ўзимни ўша дунёнинг эгаси деб ҳисоблаб юрибмен-ку...

– Ҳа, бири кам дунё... Ўша сиз эгаллаб тургон дунёнинг бири кам, укажоним! Ҳар тўқисда бир айб экан. Қарангиз, бизнинг ёлғизгина ўғлимиз бор, Амир Сулаймоншоҳ. Гулдай қизимиз Шодимулк оқа эса ўн тўққиз ёшида дунёдан кўз юмди.... Кунимиз фарзанд тилаб худога ёлвориш билан

ўтди-я! Сароймулкхоним, ойдай келиним, бундай ақлли, гўзал ва оқила аёл зоти камдан кам дунёга келади. Ҳамма “махди улё” – улуғ бешик сохибаси, деб мактов сўзларини айтади. Аммо бечора келиним бир тирноққа зор, қани энди ўша бешикни тебратиш унга насиб этса!.. Иншооллоҳ, насиб этар ҳам. Парвардигори эгамнинг иродаси шундоқ эрса, бандаси не қилсун?..

Тўғри, Бибининг кечалари қандай изтироб чекиб чиқишларини Амир Темур яхши биларди. Ўзи ҳам зор-зор йиғлаган муштипар аёлни кўп марта юпатган, кўз ёшларини артиб қўйган...

Эгачининг мантиққа бой сўзлари Амир Темурга худди ёнган чўққа сув сепилгандай таъсир қилди. Бирдан бутун аъзои бадани сесканиб кетди! У шу палла чархи кажрафторнинг аччиқ ҳақиқатини – ҳамма нарсанинг ўткинчи эканини, муқаррар кун етгач, тож-у тахт ҳам, давр-у даврон ҳам, дўст-у ёрон, қавм-у қабила, мулк-у хонумон ҳам – барча-барчаси бирон бир наф етказа олмаслигини англаб етган эди!

– Халлоқи безаволга салламно!.. – деб юборди беихтиёр...

II

Улар боғнинг охирига қараб юрдилар. Энди Амир Темур гапирмас, хаёлга чўмиб ерга тикилганча оҳиста қадам ташларди.

– Бергувчи ҳам ўзи, олгувчи ҳам... – деди бирдан Қутлуг Туркон оқа. – Бир нарса берса, эвазига бошқа нарса оладир, Амир Соҳибкирон! Ўзлари билурлар, бобомиз Буркул баҳодир ҳазратлари тезроқ ўғил набира кўришни истағонлар, аммо Тарағай баҳодирга фарзанд насиб этавермағон. Туғилғонлари эса турмағон. Шундай паллада мен дунёга келибмен. Айтишларича, бобомизнинг кўнгиллари чўкиб кетибди... Ўғил набира кута-кута тоқати тоқ бобомиз, э бор худо-ё, агар жон керак эса, шу жонимни олу Тарағай баҳодирга бир ўғил бер, дегандай оламдан ўтибдилар. Шундан

олти ойдан сўнггина ўзлари, Темурбек, таваллуд топмиш-сиздур. Бобо эвазига набира туғилғондай... Шундоқ экан. Парвардигор ўзларига, Амир Соҳибкирон, қудратли салтанатни раво кўрди, жаҳон аҳли аро азизу мукаррам айлади, шараф бирлан сийлади, эвазига ардоқли нарсангизни олди. Ўзи берғонини олди, холос...

Амир Темур ялт этиб эгачига қаради:

– Яъни, Опажон... Яъни, менга салтанатни берди-ю... эвазига кўзимнинг оқ-у қораси бўлгон ўғлимни олди... шундоқми?

– Балки шундоқдир. Буни ёлғиз Оллоҳ биладур...

– Оҳ, агар Жаҳонгир Мирзо ўғлим қайтиб келғонида эрди, тож-у тахтини ҳам олсунлар эди мендан! Олсунлар эди!.. Рози эдим!!! – деб юборди ҳасратда Амир Темур.

Қутлуғ Туркон оқа Амир Темурнинг сўзларидан ҳайратга тушди:

– Ҳай-хай, жоним укажоним! Амир Соҳибкирон! Зинҳор ношукрчиликка бормасунлар... – Қутлуғ Туркон оқанинг бодом қовоқлари уюлди. – Тавба деб гапирмоқ керак, шукр айламоқ керак. Бундай сўзларни сира айтмасунлар-а, сира айтмасунлар! Сизга ярашмайдур. Эсингизда-му, Қуръони каримда: “Оллоҳдан унинг ўзи қилгон иши ҳақида сўралмайдур...” – дейилгон. Ҳамма нарса Ўзининг мулки, бизлар ожиз бандалармиз, холос. Худойимнинг қаҳри келиб бу кунимизни ҳам кўп кўрмасин тагин? Тавба деб гапирсунлар, шукр этсунлар!..

– Тавба қилдим, тавба қилдим!.. – деди Амир Темур маҳзун. Унинг кўзлари ярқ очилгандай ҳолатда эди. – Ношукрчилик зинҳор хаёлимда йўқ, асло! Худо сакласун! Бу сўзлар ич-этимни кемириб, ҳол-жонимга қўймайди. Айтиб юборибмен...

Қутлуғ Туркон оқа, тушундим дегандек, Соҳибкирон бошини эгиб суюб манглайдан ўпди, ўша асно кўзларидан бир томчи ёш ерга юмалади. Кейин яна укасининг елкаларини меҳр билан силай бошлади.

– Бандаси шундоқмиз-да: берғонда нега бердинг,

деб сўрамаймиз, аммо олғонда нега олдинг, деб даъво этамиз. Мана Мухаммад Султонни берди, от изини той босади, худо хоҳласа... Кайсидир бир китобда ўқуғон эрдим. Рост, бу дунёнинг бахтсизликлари ҳам, бахтиёрликлари ҳам бизга яратганнинг омонат инъомидур. У бир кун қайтиб олинур. Қўлимизда ушбу тухфани тутиб турғонимизда ундан маҳрум бўлишимизни ўйламаймиз. Лекин ақлли инсон бу инъомга эга бўлгон вақтдаёқ уни бир кун йўқотишини кўнглига туғиб қўядур... – Мавзуни ўзгартириш учун Қутлуғ Туркон оқа суюб укасининг елкасига уриб-уриб қўйди-да, давом этди: – Тағин бир гап бор, Амир Соҳибкирон. Шабистонингиз маҳрами сулув жориянгиз Тағой Туркон оқа ҳам, – худонинг марҳамати-да, – юкли бўлгон. Яқиндагина, иншооллоҳ, арслондай ўғил тухфа айлайдур...

Чиндан ҳам, бу қувончли ҳодиса эди. Амир

Темур изо тортиб, ёш йигитлардай кизарганча ерга тикилди. Уни бир лаҳза хаёл элтди...

Мўғулистондан қайтилган куни Боғи Баланд меҳмонхонасида Сароймулкхоним фурсат топиб, подшолик бўстонида бир гулнинг ғунча очаётгани хусусида пичирлаб Соҳибкирон кулоғига бир нималарнидир шипшитиб қўйди...

Маҳди улё ўзини бутун ҳарамга жавобгар сезганидан аёллар икир-чикир гапларидан юқорида бўлишга тиришар, кўп нарсани ичига ютар, кундошлик жихатидан ҳеч кимга сўз демас, баҳслашмас, бирон жанжал чиқса, дарҳол оналардай тинчителишга уринарди. Кундошлар ҳам унга рақиб сифатида қарашмас, ҳимоячиларидай кўришар, гапига кулоқ солардилар. Бу нарса Соҳибкиронга ёкарди. Амир Темур юраги ҳаприкиб, канизакка назар ташлади, аммо ҳеч қандай ўзгариш сезилмади... Шу ондаёқ шанба окшоми Бўстонсаройга, Тағой Туркон оқа ҳузурига боражагини ҳарам оғасига маълум килди.

Салгина тўлишиб яна ҳам гўзаллашиб кетган канизакнинг ҳазрат ташрифидан боши осмонга етди. Ҳали иккиқатлиги ошкор эмаса-да, оппоқ юзида битта-яримта жигарранг доғлар кўрина бошлаганди. Амир Темур уни эркалаб тизза-

сига ўтказар экан, қора шахло кўзларига қаради, қора шахло кўзлар ўтли нигоҳга чидолмай ерга тикилди...

Соҳибқирон чўнтагидан бир шода дур олиб, хаяжондан калби гурсуллаб уриб турган сулув дилдорнинг толма бўйнига такди. Ҳазратнинг кенг кўкрагига бош қўйган канизак бир томондан ҳарамда хотинлар ва жориялар орасида юкли бўлиб мартабаси ошганидан, иккинчи томондан, бу Амир Темур Кўрагон “юк” и эканидан бемисл ғурур туярди. Нозик бадан ҳарорати Соҳибқирон завқини жўштириб юборди... Жуда ҳам айтадиган гаплари кўп эди, аммо ёнгинадаги шоҳона жой, ҳозир сўз фурсати эмас, сафо дамларидур, дегандай ўзига имларди...

Кутлуғ Туркон оқа бирдан Соҳибқирон хаёлини бўлди:

– Темурбек, юрагингизга азоб бераётгон нарсани англаб, кўриб турибмен, ҳатто ўйлаб юрибмен. Балки сиздан кўра мен кўпроқ изтиробдадурмен... Шак йўк, сиз эркак кишисиз, бу сўзларни айтиш ўнгай эрмас.

– Шундокми, Опа...

–... Сиз, бечора келинимиз Хонзода хоним ҳақида, унинг тақдири қандай кечиши тўғрисида чексиз ғаму андуҳ денгизига ботгонсиз... Топдимму?

– Оҳ, Опа! Опажоним!.. – деди ҳайратда Амир Темур – Кўнглимдагини аниқ билдингиз. Топдингиз! Қандай топдингиз?.. Худди ана шу дард борлигимни чулгаб, мени қийноқларга отадир! Айтингиз-чи, энди унинг тақдири қандай кечадир?..

– Ёш нарса... ёлғиз ўтиши мумкин эрмас. Ёлғизлик ёлғиз худога ярашадир. – деб қўйди Кутлуғ Туркон оқа.

– У ҳолда... Наҳотки, менинг жон қизим кимларнингдир кўлига қараб сарғайиб, мустарликда қисинди ҳолида яшайдир? Учрашғонда нима дейишни, қандай юпатишни ҳам билмаймен... – Амир Темур қаср томонга қаради. – Қулогимга етдики, айримлар уни боши очик деб ўйлаб, оғиз солмоқчи ҳам эмишлар. Аммо мен ундайлар асло йўлама-сунлар, деб буюрдим.

– Боши очик қизи бор уйга, одам келаверади, таомил-да бу.



– Тўғри дедингиз. Уни тутиб туриш ҳам инсофдан эрмас. Ёш умрига завол бўлмоқ эса гуноҳи азимдур. Не қилмоқ керак? Кўнгли ярим қизимнинг ҳоли не кечадир энди?..

Боғни айланиб чиқишаётиб ҳовуз ёнида тўхтадилар. Шу ерда Амир Темур ўнг оёғига зирқираган ёқимсиз оғриқ кирганини сизди. Узоқ вақт тик туриб қолса ёки совуқ ўтса, оёғи дарров билинтиради.

Қутлуғ Туркон оқа ўйланганча феруза лаппакчаларга тикилди. Бироздан кейин укасини юпатиб босиқ деди:

– Азиз бошларида юрт ғами, мулк-у мамолик, раоё-ю бароё ташвиши бисёрдур, Темурбек. Маликам ҳали ёшлар, Муҳаммад Султон шахзода эса – гўдак... Уч-тўрт йил ўтмоғи аниқдур. Бу ҳақда кўп ўйланмасунлар! Бунини биз аёлларга қўйиб берсунлар. Худо бир йўлга бошқаргай, бунга шак-шубҳа йўқ. Ота-боболардан келаётган удумлар бор... Хонзода хонимни бағримиздан чиқармагаймиз, асло ўкситмагаймиз! Маликани бошқа ёққа узатсак, куппа-кундузи ўтга ташлаш бўларди. Укажоним, кўнгилларини тўқ тута берсунлар! Ҳа-а!..

Соҳибқирон ҳурмат бажо келтириб, меҳрибон эгачининг ўнг қўлини ўпиб кўзларига суртди.

– Оллоҳга шукрки, ўзингиз борсиз, Опажоним! Амир Тарағай авлодлари бахтига, илоҳи, худо умрингизни зиёда айласун!

Ўткир фахмли эгачи укасининг машъум кайфиятини ўзгартира олганидан мамнун бўлди, аммо ҳали бу кам деб ҳисоблади, уни оғир ўйлар гирдобидан олиб чиқиб кетиш учун суҳбат мавзусини тамоман ўзгартириш керак, деган фикрга келди:

– Амир Соҳибқирон! Кўпдан бери, кенгашингиз лозим бир юмуш мени қийнайтур.

– Нима экан у, сизни қийнаб келаётган юмуш?

– Ичкарида Хонзода хоним олдида бу ҳақда сўзлаш ўнғайсиздур. У мотамда ўлтирибдур, гап эса тўй ҳақида. – қарийб пичирлаб гапирарди. – Ока бегим бўй етиб қолди... Тўй ҳам бир ҳавас. Сароймулкхоним билан Орзумулк оқа

мени ҳол-жонимга қўймайдурларки, ўзларидан тўй ризолигини сўрасам... Атай Шаҳрисабздан келибдур. Муҳаммадбек ибн Мусога узатсак, бошларини ковуштириб қўйсак, дейишмакда. Амир Мусо жаноблари ҳам шундоқ дермишлар.

Амир Темур ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчок, кўхликкина, қора кўзлари ҳамиша мунгли боқадиган қизини жуда ҳам ардоқлар, ҳар куни ҳолидан хабар оларди. Оғаси вафот этгач, қаттиқ кайғуриб юборди, уриниб ҳам кетди. Энди сал рангига ранг кирмоқда.

Кўпдан буён бу гап айланиб юради ўзи. Қиз ўн саккиз ёшга кирди, Муҳаммадбек ҳам яхши йигит мақомидадур. Шу миш-миш чиққандан бери, гапнинг сираси, Амир Темур пинҳона бўлажак куёвни назардан қочирмай юради. Жетага отланишда Умаршайх Мирзо сардорлигида бир неча амирларни чапдаст навкарлар ҳамроҳлигида жўнатганда, ўшал сафга Муҳаммадбек ибн Мусони ҳам ўзи қўшиб қўйди.

Амир Темурнинг ўйга чўмганини кўрган Қутлуғ Туркон оқа:

– Тенгини топсанг, текинга бер, деган экан ота-боболар... – деди кулиб. – Тенги чиқиб турибди. Қандай йўл тутгайбиз?

– Ўзлари биладурлар, Опа... Нима десалар шу-да.

– Нима десам шулми?.. Нима десам-а?.. Лафз – лафз! Бўпти... – Қутлуғ Туркон оқа жилмайганча савол назари билан Амир Темурга тикилди. – Амир Соҳибқирон, ўзларига куёв муборак бўлсун!..

Соҳибқирон “Қуллуқ!” дегандай бош эгди.

Амир Темур кўнгли енгил тортганини сезди. Елкасидан тоғ ағдарилиб тушмаган эса-да, ҳар қалай ўрнидан силжиди. Атрофга қараркан, богни шип-шийдам, файзсиз эмас, тасавурида ям-яшил либосга ўралган ҳолда кўрди. Гўё киш эмас, баҳордек. Ҳаво ҳам унчалар совуқ эмас, аммо ҳали шундай туюлганди. Ҳовуз, яхшироқ назар солмаган эканми, суви йўқ, аммо феруза рангда ажабтовур чиройли товланиб турибди.

ЕТТИНЧИ БОБ

I

Соҳибқирон мотамда ўтирган келини Хоразм маликаси Хонзода хонимга атаб икки сандиқ совға-салом тайёрлатишни буюрди. Биринчи сандиққа тилла исирға-ю билак-узуклар, ёқут кўзли шоҳонаклар-у кумуш камарлар, зар тақинчоқлар-у маржонлар, олтин зебигардон-у тиллақошлар, қашқар балдоғи-ю ойбалдоқлар, кўзмунчоғ-у туморлар, Яман ақиқи, жавоҳир-у забаржад, лаъл-у ёқут, дурри Адан, гавҳар-у марваридлар солинсин. Иккинчисига, шойи либослар-у ғўзапўчоқ нусха ғижим рўмоллар, шол рўмоллар-у барқут¹ нимчалар, заррин чопонлар-у пушти авра тўнлар, чунки Хоразм маликаси кўпинча пушти рангли тўнлар киярди, пишиқ сахтиён² маҳси кавушлар, кимхоб-у турфа хил атласлар, катон-у занданача ва ҳоказо тоза матоларга тўлдирилсин. Тағин. Бошқа нақшиннигор сандиққа упаэликлар, пардоз-андоз буюмлари – мушк-у анбар, Бағдод сурмаси, Эрон атири, Ҳиндистон хиноси, Хўтан уфори, боққанда ҳуснга ҳусн кўшадиган зарҳал гардишли ойдай тиниқ кўзгулар, сурмадонлар, қошқаламлар, “олтин варақ” деб аталмиш хол ва қошга суриладиган асил қора бўёқлар солиб қўйилсин...

Подшо келини сандиқларга қараб қувониб кетди, шаҳло кўзлари нурланди. Сароймулкхоним билан Оққиз тухфаларни саралашда Хонзода хонимга кўмаклашдилар. Малика сандиқларнинг чиндан ҳам тоза ва ноёб нарсалар, тансик молларга тўлиб-тошганидан ҳайратда қолди. Ўткинчи дунё моли ўн етти яшар тул қолган кўнгли ярим келинчак хаёлини ўғирлашга қодир эди. Кўнгил доғларини совғалар ювади. Шундай бўлди. Соҳибқиронга ҳам шу керак аслида, мотамсара келини андак овунса, гардуни дун аёзида ушук еган кўнгли сал илиса бас...

¹ Баркут – духоба, бахмал.

² Сахтиён (форсча; ошланган эчки териси) – эчки ёки қўй терисини ўсимлик мойлари билан ошлаб тайёрланган юмшоқ чарм.

Меҳмонларни остонада қўлида заррин жиякли зангори бахмал кўрпачага ўроғлик Муҳаммад Султонни кўтариб олган Сароймулкхоним ва бироз ороланган, чунки шундай қилишга уни Оққиз ундади, аввалги ҳусни кам-кам ўзига қайтаётган Хонзода хоним қаршиладилар. Ажойиб бир ҳолат юз берди: бобо билан биринчи набира дийдорлашмакда эдилар!

– Келсунлар! Келсунлар!.. – эркалади Соҳибқирон бекасам заррин тўнча кийдирилган гўдакни қўлига оларкан. – Паҳлавонни кўрингиз, паҳлавонни!.. Паҳлавонни!..

Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейинги паллаларда чакалокқа интилмас, кўзикмасин деб суюшдан кўрқар, фақат кўнгли увалганча бағрига бир босиб кўяр эди, холос. Мана энди Муҳаммад Султон билан бемалол кўришади, эркалайди, бундан меҳри қонади. Бонуйи кубро, маҳди улё ва малика уни кузатиб туришарди.

Ёпинчиғни очиб, тўйган кўзидай ухлаб ётган гўдакка термилар экан, Соҳибқирон қалбини аллақандай туйғу чулғади... Жажжигина гўдак дунё ишларидан мутлоқ беҳабар, улуғ бобоси ташриф буюрганини хаёлига ҳам келтирмай уйкуга гарқ эди. Бирдан худди бобоси нафасидан мамнун бўлгандай ширингина кулиб қўйди... Унинг кулгуси шу қадар беғубор эдики, Соҳибқирон кўриб алланечук ҳолга тушди, узоқ йиллар бундай мўъжизани учратмаганди! Гўдакнинг беғубор кулгуси чиндан ҳам Оллоҳнинг мўъжизасидир! Халлоқи безаволга салламно!

Амир Темурнинг борлиғига нур югурди, кўнгли ёришгандан ёришиб кетди! Мана шу Муҳаммад Султон – ўғлининг ўғли... Ана, отасига ўхшайди, қошлари, лаблари, бурунчаси, манглайи – бари худди ўзи!.. “Бас, азиз ўғлининг номи ўчмайдур, изи йўқолмайдур! Валиаҳднинг дилбанди валиаҳддур!” – деган сўзлар кечди дабдуруст Амир Темур хаёлидан.

– Кўрдингизму, паҳлавонни!.. – ийиб деди Сароймулкхоним шу палла.

Амир Темур меҳр билан юзини оҳиста набирасининг момикдай юзларига босганча бир лаҳза жим қолди... Соқол санчилганидан безовталанган мурғаккина уйқу аралаш тамшанганча ингранди-да: “Роҳатимга халал бераётган ким у?..” – дегандай, бошини бир-икки қимирлатиб қўйди.

Қутлуғ Туркон оқа болани Соҳибқирон қўлидан олар экан, эркалаб бола тилидан сўзланди:

– Хуш кейибсиз, бовойон! Сизни йуда соғиндим... Мени қачон йангга обоясиз?.. Мен йангга тайёйман... Тайёйман! Фақат энагам йўйгагимни қуйуклаб қўйсайай бўйди...

Ҳамма хандон отиб кулиб юборди. “Оббо, уни қаранглар-а!”, “Жангга тайёр эмиш!..”, “Йўргагини курукласа бас эмиш...” – қабилида сўзлар эшитилди. Хонзода хонимга ҳам нашъа қилди, у овозсиз, оғзини беркитиб куларди. Садолар орасида яйраб кулаётган Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг йўғон овози ажралиб турарди.

– Хўп, хўп, паҳлавон! Жангга боясиз! Жангга боясиз... – чақалокқа ўхшатиб деди Амир Темур кўзларидаги ёшларни артар экан.

Сароймулкхоним эгачи узатган болани кўнгли ийганча бир ўпиб Хонзода хонимга тутди. Оққиз, бирор кўмак керак бўларми дея, ўша ерга шошилди. У гўдакни кўрай деб бўйнини чўзар, диркиллаган кўкраклари Хонзода хонимнинг елкасига тегиб-тегиб кетарди. Малика ўғилчасини бағрига босганча авайлаб ёпинчигини ёпди-да, нарироқда кутиб турган энага Холдона бибига берди.

Меҳмонлар башанг дастурхон ёзилган танча атрофига, шоҳи кўрпачаларга ўлтирдилар. Соҳибқирон жияклари барқут гулдор кўрпа остига оёқларини узатди. Ўт ҳарорати дарров зиркираб оғриётган ўнг оёғига, сўнг ўнг қўлига етиб борди.

– Мўғулистон томонларда қийналмадингизму, Темурбек? – сўради Қутлуғ Туркон оқа мийиғида табассум билан.

– Ёғийни кочирдик. Мақсудимиз уни тутмак, бирваракайига иддаоларидан қутулмак эрди.. – деди Амир Темур. – Аммо Қамариддин яна жон сақлаб қолди, худонинг айтғони бўлар экан-да.

Сароймулкхоним Соҳибқиронни кўпдан кийнаб келаётган ўша муртад Қамариддин ҳақидаги ёкимсиз гапларни тезроқ ўзгартиришни истарди.

– Амир Соҳибқирон, – мулоим жилмайди маҳди улё. – Мол-хирож олиш ҳақидаги тузуклардан фуқаро мамнун эрмиш. Тез-тез қулоғимизга чалинмакда. Раият хурсанд, ҳамманинг қўли дуода...

– Шундоғму? Рост, боскинчилар замонида кўп нарса издан чиқиб кетғонди. Раият оғир аҳволда, юрт пароканда, ҳар ёқда вайронагарчилик... Саъй-ҳаракатни ободончилик ва фуқаро фаровонлигига йўналтиришни ҳукмдорлик йўл-йўриқларининг фарзларидан ва жаҳондорлик суннатларидан деб билдик. Фуқародан мол-хирож, солиқ ундириш жуда ҳам чирсиллагон муаммо ҳисобланадур...

Ҳамма Соҳибқиронда бу ҳақда гапириш истаги борлигини сизди:

– Барини изга солмак лозим эди... – давом этди Амир Темур. – Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз¹ қурса ё бирон боғ қўқартирса, ёки хароб ётган ерни чаманга айлантирса, биринчи йили ундан ҳеч қандай солиқ олинмасун, дедик. Бу ўшанга ажр ҳисоблансун. Иккинчи йили фуқаронинг ҳимматига қарасунлар ва берғони бирлан қифоялансунлар. Учинчи йили тузукдагидек бўлсун... Бундан бошқа, ёзги, баҳорги ва кузги экин-тикинларнинг ҳосили раиятнинг ўзига раво қўрилсун. Лалмикор ерларда учдан бир, тўртдан бир қондасига қўра иш юритсунлар... Яна. Кориз, булок, дарё ва сойлар суви билан доимий суғориладиган экин ерларини ҳисобдан ўтказсунлар ва ундай ерлар ҳосилидан учдан икки ҳиссасини раиятга, қолган бир ҳиссасини салтанат ҳазинаси учун ажратсунлар... Яна. Раият етиштирғон ҳосилнинг бир харвор буғдойини беш мискол кумуш, бир харвор арпасини икки ярим мискол кумуш миқдорида баҳоласунлар... Яна. Буюрдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан мол-у жиҳот олинмасун. Ҳосил етилишига қараб учга бўлиб олсунлар. Солиқни яхшиликча сўрасунлар, қалтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўқишга

¹ Кориз – қудук, ер ости сувларини йиғиш учун ўтказилган ер ости канали.

колдирмасунлар, ҳеч кимни банд этиб, занжир солиб кишан-ламасунлар, балки огоҳлантириш, тушунтириш ва қўрқитиш йўли билан ундирсунлар...

Амир Темур, мол-хирож масаласида батафсил тўхта-ларкан, адолат тамойилларига риоя қилиниши зарурлиги, раиятни қашшоқлантириб қўймаслик кераклиги ҳақида гапирди. Акс ҳолда бундан салтанат хазинаси ночор аҳволга тушишини урғулади. Хазина камайса, сипоҳ тарқаб кетади. Сипоҳсиз салтанат салтанатми?..

– Аъло дедингиз! Сипоҳсиз ҳеч қандай салтанат мустаҳкам бўлолмайдир, Амир Соҳибкирон! Улус-халқнинг дуосини олибсиз. – маъқуллади Қутлуғ Туркон оқа.

– Сипоҳийларга янги улуфалар¹ тайинланибдимۇ? – сўради Сароймулкхоним.

– Ҳа, тайинланди. Оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариш шарти билан, маошини мингон отининг баҳоси қилиб белгиладук. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинсун. Сипоҳийлардан кимки майдонда астойдил қилич чопса, маошини оширсунлар, урушда хатоликка йўл қўйса, маошидан ўндан бирга камайтирсунлар. Қайси бир сипоҳий урушдан юз ўгириб қочса, уни илтифотимиздан маҳрум этсунлар. Агар мажбуран чекингон бўлса, узрини қабул қилсунлар. Бордii-ю, яралангондан кейин қочгон бўлса, унга таҳсин ўқиб, яралангонини эътиборга олсунлар. Чунки у ёв ҳамласи вақтида жароҳатлангондур, яраси унинг не ҳолга тушгонининг гувоҳидир. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасун. Зеро улар салтанат хизматида экан, боқий ҳаётларини омонат дунё моли учун аямайдургон фидойилардур...

– Кам бўлмасунлар, жоним сизга қурбон Амир Соҳибкирон! – ёйилиб кетди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Салтанат шукуҳи ҳам, инсоф-у адолат ҳам шунда намоёнدير!

Қутлуғ Туркон оқа мавзуни ўзгартириш учун, гарчи хабардор эса-да, ўсмоқчилаб сўради: – Ҳа-а... Жўжи улуси шаҳзодаси қошингизга келаётгон эмишму?..

¹ Улуфа (арабча) – маош.

– Ҳа, Мангкишлок ҳокими Тўйхўжа ўғлон фарзанди Тўхтамиш ўғлон шундок истак билдирибдур. – Соҳибкирон узун қўлларини кўрпа остидан чиқариб сандал устига қўйди. – Дашти Қипчок томондаги вазият мамлакатимиз учун бағоят муҳим... Жўжи улуси бизга дўст эрмас. Ва улар бизларни ёқтирмайдурлар, чунки юз эллик йилдан бери бу юртни Чингизхон авлодлари бошқардилар, эзгу одатларимизни топтадилар, мамлакатимизни хароб этдилар. Уларнинг фикрича, шундоғ давом эта бермаги шарт, улар давру даврон сурмаклари керак, биз эса хизматкорлик, югурдакликдан нари ўтмаслигимиз лозим эди. Энди эса Туроннинг ўзидан чиқғон, подшоликка дахли йўқ, қандайдир шуҳрат таратмағон бир бекнинг ўгли юрт бошига келибдур... Ана шу салтанат тизгинини ўзимиз қўлга киритғонимизга чидай олмайдурлар. Ҳа-а... Ундан кейин ҳеч ким, мана шу Темурбекнинг ишлари бир юришиб кетсун, Турон мамлакати гуллаб-яшнасун, деб бизга меҳрибончилик кўргизмайдур. Ҳеч қачон! Аксинча, иложининг борица халал етказадурлар, тўсқинликлар ўйлаб топадурлар. Юрт ичида тесқаричилар бор, бузғунчи унсурлар кўп. Уларни ўзларига оғдирадурлар. Бас... Шимолий чегараларни мустаҳкамлашимиз даркор, бизга дилдош-у қўлдошлар керак. Шу маънода кўнглимда Тўхтамиш ўғлонга умидлар боғлайдурмен, Опа! Қани, келсун-чи. Оллоҳ ноумид қўймасин, ишқилиб. Барчаси суннати Оллоҳдандур, албатта...

– Худо ёрингиз!.. Тилагимиз – юртимиз тинч бўлсун. Ҳам ўзларини эҳтиёт этсунлар, Темурбек!

– Оллоҳ ўз паноҳида асрасун!... – қўшилди Сарой-мулкхоним.

– Аммо синамаган отнинг сиртидан ўтма, деган нақл бор, Амир Соҳибкирон! Худо пошшо эгам, деганлар... – деб қўйди ўз-ўзига айтгандек Муҳаммад Чуроға додхох.

– Гапингда жон бор, синаш керак... – ғижинганини яширмади Амир Темур. – Мана яқинда хабар етдики, қариндошимиз Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи Котга, Хевакка яна чопкун уюштирибдур...

Сароймулкхоним хайратда Қутлуғ Туркон оқага кўз ташлади. Бу қарашда: “Ҳазрат Хоразм ҳақида гапириб юбордилар-ку! Сал сабр этмадилар-да... Бунга Хонзода хоним қандай қарайдир энди?.. Шўрлик келинимиз ўз дардида ўзи қоврилиб, азоблар тортиб юрибди-ку?.. Оғир ботмасмикин? “- деган маъно яшринган эди. Хонзода хоним эса хотиржам ерга қараб турарди.

Малика бунга ўрганиб қолган. Амакиси Юсуф Сўфининг қайнатаси валинеъматини Амир Темур Қўрагонга муносабатларини ўйлаганда ҳаммаша шўрлик маликаниннг қўнгли азобланади. Нега энди икки ҳукмдор бир-бирларига терс, ҳеч мураса отини тутмайдурлар? Ахир шунинг учун қудандачилик ришталари билан бир-бирларига боғландилар-ку!..

Оҳ, бу қандай қисмат эканки, суйганига тегиб бахтли бўлолмаса, икки салтанатни ҳеш-у ақрабога айлантиришда хизмат қилиши лозим бўйи ҳали роҳатини туюб улгурмай азага айланса!.. Амир Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо билан Хонзода хонимлар ақди никоҳини “салтанат ҳужжати” деб атагандилар, буни ҳамма ўз қулоғи билан эшитган. Самарқандга келганига уч йилдан ошадиги, бироқ “Ана, яна Юсуф Сўфи уруш бошлабдур!...”, “Тагин Хевакни қорат этибдур!..”, “Бухорони босибдур!...” қабилдаги пана-пасткамлардан отилган ҳар хил дашномлардан қулоғи бўшамайди, Хоразм ҳукмдорининг ҳам босқинлари тўхтамайди... Икки салтанат ўртасида тотувликни дил-дилдан истаган малика бунинг учун нималар лозимлигини ўйлаб ўйига етолмайди. Ҳаммасига айбдордай, ўз ёғига ўзи қоврилади...

– Назаримда, Хевак тарафларга чопқунлар қудамиз Юсуф Сўфининг иши эрмас... – сўзга аралашди Қутлуғ Туркон оқа оҳиста Сароймулкхоним ёнида кўрпа жиякларини ўйнаб, ерга қараб ўтирган Хонзода хонимга кўз кирини ташлаб қўяркан. – Наҳотки ҳурматли қудасига тик қарашга ботинса? Қариндошга қилич қўтариш оғир гуноҳ-ку, Темурбек? Худо кечирармикин?..

– Бонуйи кубро рост дедилар, Хоразм ҳукмдори ундай йўлга юролмайдур. – эгачини сезилар-сезилмас қўллаб-

кувватлади Сароймулкхоним. — Барчаси фитначилар кир-дикоридур...

Хонимлар шундай дер эканлар, Юсуф Сўфи хакидаги адолатни айтишдан кўра, кўпроқ малика Хонзода хонимга, биз ёнингиздамиз, Соҳибкирон қудаларидан ўпкалаб гапир-япдилар, холос, ахир яқин кишидан ўпка-гина қилинади-да, буни тўғри тушунингиз, дейишмоқчидай эдилар.

Амир Темур бирдан бошини эгиб ўлтирган Хонзода хонимга қаради, унинг руҳан эзилаётганини пайқаб, шу ҳақда сўз очганидан ичида койинди. Гапирган билан бирон нарсга ўзгариб қоладирму? Ҳаммаси маълум-ку. Энди вазиятни ўнгламоқ лозим... Аммо қариндошчилик, қудандачилик бошқа, давлат муносабатлари бошқа... Ўртадаги рангларнинг хилма-хил товланишларини фаҳмлаб олиш жуда қийин, ўзгартиришнинг-ку иложи йўқ, унинг устига пинҳон ҳам тутиб бўлмайди. Касални яширсанг иситмаси ошқора этади, дейдилар.

— Хонзода хоним, онақизим... Ўғлим ўрнида ўғлим... — деди Амир Темур. — Унинг кўнглини ҳамиша авайлаб келамен. У менинг дилбандимдур, жигарпорамдур, юрагимнинг бир парчаси... Тобақай тирик эканмен, қўлим унинг ёруғ манглайини силашдан, тилим бемисл ақл-у идрокини макташдан, кўзим кўрк-у ҳуснидан қувонишдан асло толмайдур! Озор чекдириб қўймасмен. Асло! Билсунларким, Хонзода хоним Амир Темур Кўрагон хонадони муртазойи муқаррама маликаларидандур ва шундай бўлиб қолгувсидир!..

— Оллоҳ умрингизни зиёда айласун, Соҳибкирон ҳазрати олийлари!.. Толеимизга дунё тургунча турунгиз, илоҳи!

Хонзода хоним шундай дегач, тавоф айлаб Соҳибкирон тўни пешини ўпди...

Амир Темур худди қизалоғини эркалаган отадай малика бошини оҳиста қучоклаб ўзига тортди. Бонуйи кубро, маҳди улё, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, ундан нарида Холдона биби ва Оққизлар Амир Темурнинг катта-катта кўзлари ёшга тўлганини, икки томчи ёш маликанинг кўк рўмолига томиб

тушганини кўрдилар. Валинеъматининг бағрига бош қўйган Хонзода хоним ҳам унсиз йиғларди. Эй, дунёи бевафо!..

Шу топда Амир Темурнинг ҳам, Хонзода хонимнинг ҳам кўнгилларида туғён урган армонларни, – малика учун суюкли ёридан айрилиш, Соҳибқирон учун ишонган тоғидан жудолик ҳасратларини таърифлашдан... – бу бағоят мушкул юмуш эканидан, ўзимизни тиямиз.

Бирдан қўлидаги гўдак нимадандир йиғлаб қолди. Хонзода хоним ўғилчаси томон талпинди.

– Қойинчангиз очдиму, шахзодам?.. – эркалади энага. – Қойинчангиз очдиму? Вой, қойинчаси очибди. Энагаси чучунди, чучунди...

Холдона биби “тушун” сўзини “чучун” деб чиройли талаффуз қилар, чучук тил билан гапириш унга қандайдир ярашарди. У мусичадай гувранганча шахзодани эмизгани кўшни бўлмага йўналди.

П

Меҳмонхонага жимлик чўкди.

– Оллоҳдан унинг қилғон ишлари ҳақида, нега шундай қилдинг, деб сўралмас экан, ҳали шу ҳақда сўйлағон эрдингиз, Опа. Ҳа-а... Халлоқи безаволга салламно! – деди жимликни бузиб Амир Темур. – Муҳаммад Султон, Оллоҳдан умидим бор, менинг суянчигим, валиаҳдим бўлур!..

– Валиаҳд! Валиаҳд! – қувониб кетди эгачи. – Худо хохласа, суянчиғингиз бўладур!.. Қандок суянчик, денг? Ўх-хў!.. Чинордай суянчиғингиз, ҳа!

– Яқиндагина шахзодам бўй чўзиб ёнингизга кириб қоладурлар, ҳазратим!.. – сўз олди Сароймулкхоним. – Иншоолло, келин қидиришга тушғоймиз...

– Келин қидиришни бошлайверингиз, маликам! – кулди Қутлуқ Туркон оқа. – Ҳаш-паш дегунча вақт ўтиб кетади, кейин шошилиб қолмангиз!

Енгил кулги кўтарилди.

Хонзода хонимнинг шўрлик қалби қандайдир ғурурдан ожизгина титради. Ростдан ҳам, унинг фикрича, – буни бировга айтгани йўқ, – Жаҳонгир Мирзо Соҳибқироннинг

шаръий никоҳдан туғилган фарзанди экани сабабли валиаҳд саналган, у тахт вориси ҳисобланарди. Муҳаммад Султон эса ўша валиаҳднинг ўғли...

– Қуллуқ, валинеъмат Соҳибқирон! Олий ҳимматлари учун қуллуқ!.. – таъзим қилди қўли кўксида Хонзода хоним.

– Ҳамиша ҳам тадбир тақдирга тўғри келавермас экан-да... – деди оҳиста Амир Темур, бу “вазиятни ўнглаш” нинг давоми эди. – Куд-андачилик ришталарини боғлашимиздан катта ниятларни дилга солгон эрдик... Бу дунёда бирлашмак улуғ ҳикматдир, бўлингонни бўри ер, дейдилар. Агар кудамиз Юсуф Сўфи билан сўзни бир жойга қўйсайдик, у оқилона кенгашларга юрсайди, бирлашиб юртимизни ёғийлардан асрай олардик-ку! Аллақачонлар Жетани ҳам бир ёқли қилмасму эрдик, Дашти Қипчоқ томонлар ҳам осойишта бўлмасму эрди?.. Юрт-эл, улус эмин-у омонликда кун кечирмасмиди?.. Мана ҳозир мен билмагон, синамагон чингизийлардан бирига умид боғлаб ўлтирибмен. Йироқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасмуди?.. Ёғийларни тинчитиш ўрнига, ўзимиздан чиққан балолар билан савашмоққа мажбурдурмен. Гоҳ Бухорога чопамен, гоҳ Хеваққа, гоҳ Андижонга... Қолбуки, Оллоҳ Қуръони каримни ўқимақдан ва фақир-у мискин ғамини емақдан ўзга ташвишни менга раво кўрмагон. Чорасизмен, ўзга иложим йўқ, тагин гуноҳ остонасида турибмен, ўзимникилар билан сўғишаман, тагин қўл ихтиёрсиз қилич қабзасига чопадур...

Амир Темур сандал устидаги қўлларини дам-бадам бирига ишқаркан, хаёлга чўмди.

Маҳди улё, Амир Соҳибқиронни чалғитишим керак, деди ўзича ва шикаста овозда сўради:

– Агар... оёқларини уқалаб қўйсам, майлими, ҳазратим?..

У ҳозир Соҳибқироннинг ўнг оёғи бир пайтлар санчилган найза асорати туфайли зиркираб оғриётганини сизди, ҳазрат оёқларини Сароймулкхонимнинг уқалаб қўйишини истарди-ю, аммо барчанинг олдида бундан ийманди, деб ўйлади ва ортиқ қистамади. Ростки, маҳди улё эсласа, фақат

хос хонада ёлғизликларидагина Сароймулкхоним ҳазратнинг ногирон оёқларини укалаб қўяркан.

– Йўқ, Биби... Қудамизда ҳам балки айб йўқдур... – Амир Темур яна ўз фикрини давом этдираркан, қўли беихтиёр иягига чўзилди. – Ҳамма гап унинг ёнига тўплангон соткин фитначи, иғвогарларда!.. Анови Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуд, Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясурийлар ҳукмдорнинг қўйинини пуч ёнғокка тўлдириб, бизга қарши гиж-гижлағони гиж-гижлағон! Уларнинг мақсади аён: юртни пароканда қилмак, кейин бир бўлагини айириб олиб даврон сурмак, холос!

Хонзода хоним Соҳибқирон чекаётган азоб-уқубатларни дилдан ҳис этарди. Шубҳасиз, Хоразм маликаси билади – ўн етти ёшли келинчакка қийин, бошига оғир савдо тушди – Жаҳонгир Мирзоси кетди... Аммо Хонзода хоним, ақл-у идрокининг теранлиги, фаҳм-у фаросатининг ўткирлигидан сездики, Амир Темурнинг дарди-ю ташвиши уникидан кўра залварлироқ экан!.. У бунини энди тушуниб етди...

Малика қайнатасини, – қайната эмас, йўқ! – отасини шунчалар авайлар ва эъзозлар эдики, унга тикон киришини ёки совуқ шамол эсишини ҳам раво кўрмасди. Дунёда унинг учун азиз уч одам бор, холос: Амир Темур, Сароймулкхоним ва волидаси Шакар бика... Кошкийди, қўлидан келса-ю, Амир Соҳибқирон дардларини енгиллатса!..

Бирдан унинг хаёлида мавзуни ўзгартириш лозим, деган фикр туғилди. Токи у ҳамма гапларни эсдан чиқарсин, Амир Темур кўнглига ёруғлик олиб кирсин.

Хонзода хоним Сароймулкхонимга ўғринча назар ташлади, маҳди улё ҳам шуни кутиб турганми, дарҳол сезилар-сезилмас “Ҳа!” дегандай бош ирғади. Амир Темур зимдан боқиб, улар ўртасида қандайдир сир яшринганини фаҳмлади.

Аслида эса бу Сароймулкхонимнинг “ҳийла”си эди.

Боғи Чинорга кўчиб ўтганидан кейин, малика кўп дамларини маҳди улё билан бирга ўтказарди. Кунлардан бир кун суҳбатлашиб ўлтиришганда ўз-ўзидан гап айланиб, Соҳибқироннинг ўғиллари, қизларига келиб қолди.

– Оллоҳнинг кўрсатғонига бир нарса демак мушкул, фақат тан олмак лозим. Жаҳонгир Мирзо мусибати салтанатга бало-офатдай ёприлиб тушди. Ҳаммамизни алам чулғабдур, қўллар ишдан совуғон, кўнгиллар ғаму андуҳдан зада. Жудоликнинг исканжаси барчамизни, бутун салтанатни чирмағон...

Сароймулкхоним уф тортди. Хонзода хоним бош экканча тингларди.

– Бонуйи кубро эгачи дедиларки, ҳаммаси пешонадан, фақат Соҳибқиронга қийин, ота-оналари вафотидан сўнг валиаҳд деб атағон жигарбандини тупрокка қўйиш унга энг оғир кулфат бўлди... Унинг устига фарзандлари ҳам унча кўп эмас. Бандаси эртанги кунни ўйламоғи фарздур.

Хонзода хоним маҳди улё сўзларини тушунолмаي ўлтирса-да, гоҳ-гоҳ “тўғри” дегандек қараб қўяр, Сароймулкхонимнинг нимадир демоқчи эканлигини, ийманиб, ниятини очик айтолмаётганини сезарди.

– Бир нарсани ўйлағон эрдим. Муҳтарама эгачимга кенгаш солдим, ул зот ниятимни жўяли топдилар. – Сароймулкхоним мақсадга ўтди. – Маликам, билурсиз, ҳазратим сизни бағоят ардоқлайдурлар, авайлайдурлар. Кўнглингизга бирон хиралик тушиб қолмаслигини ҳамиша уқтирадурлар...

– Оллоҳга шукр... Мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсун!

– Энди... Шаҳзодам маросимларини ўтказдик. Кун кетидан кунлар келмакда. Агар хўп десалар, бир кенгашим бор эди-да...

– Қулоғим сизда! – Ўнг қўлини кўксида таъзим қилди Хоразм маликаси.

– Амир Соҳибқирон ўғиллари Умаршайх Мирзо шиддатлари баланд, Мироншоҳ Мирзо ҳали ёшлар... Аммо қизлари бўй етиб қолди. Айникса, Оқа бегим. Унинг устига, унашилғон.

– Ох, Оқа бегим меҳрибон қайнсинглим!.. – ёришди бирдан Хонзода хонимнинг юзлари. – Ҳалим табиат, юмшоқ кўнгил, тортинчоқлигини айтсангиз! Ҳамиша маъюс ҳолда кўрамен, коп-кора мунчоқдек кўзлари ҳамиша мунгли.

Шахзодамга каттик қайғурди, юпатғонга кўнмайдир. Кечалари овоз чиқармай ёлғиз йиғлаб чиқаду...

– Шундок оғасидан, жигаридан айрилиб қолади-ю йиғламайдирму? Айникса, сингил ака учун ёмон куядир...

– Чора йўқ экан-да, эвоҳ! – Хонзода хоним бошка сўз қўшмади.

– Хабарингиз бор, Ока бегимни Муҳаммадбек ибн Мусога унашилғон...

– Биламен.

– Кўнглингизга малол келмаса, уларнинг тўйини қилсак, девдим.

– Вой, нега малол келсун? Нега ундоғ дейсиз?.. – астойдил ўпкаланди Хонзода хоним. – Жуда яхши ўйлабдурлар, маҳди улё жаноби олиялари! Қандай яхши! Бечора синглим ҳам сал қайғу-аламларни нарига куваду...

– Кам бўлмангиз, маликам. – Сароймулкхоним оҳиста тин олди. – Бирок....

– Нега тўхтаб қолдилар?

– Ҳм-м... Мотамдан ҳали узоқ кетғонимиз йўқ.. Тўй ҳақида фақат бир одамгина оғиз очиши мумкин. Лекин... биз айтсак, ул зот сизни аяб, ранжитиб қўймасмиканмиз, демасмиканлар? Ҳазратим сизни жуда авайлайдилар-да.

– Нега? Ундоғ демасалар керак... – Хонзода хонимнинг шахло кўзлари Сароймулкхонимга синчков тикилди. – Ҳм-м... Тўй ҳақида ким оғиз очиши мумкин экан?

– Тўй ҳақида оғиз очиши мумкин одам... бу фақат – сиз... маликам! Борди-ю, Ока бегим тўйини ҳазратимга сиз эслатсангиз, демоқчи эдим. Фақат сизга мумкин-да...

Нафсиламрини айтганда, Хонзода хоним бу ҳақда ҳеч ўйламаганди. Лекин мухтарама Орзумулк оқа уни йўқлаганида гап орасида ҳар гал ўғай ўғлини Ока бегимга унашиб қўйганларини кистириб ўтарди.

Дунё шунақа экан... Ўтган қайтиб келмаскан, қисматга бўйсунмай чора йўқ., деб ўйлади Хонзода хоним, подшо-ю гадони, асилзода-ю фақирни бир хил баҳога сотиб оладиган кудратли харидор – ўлим от солар экан, бандаси ҳеч каерга қочиб қутулолмайду... Энди Оллоҳдан умид улду...

шаҳзода рухларини бихишт-у ризвон уфорлари ила сийласун, мағфират чечаклари хуш бўйи ила обод этсун...

— ... Фақат мен айтишим мумкин... дедиларму?

— Шубҳасиз, маликам! Сизнинг сўзингиз, Амир

Соҳибкиронга оғир ботмайдир, аксинча, келиним кайнсинглисига меҳрибонлик кўргизаётир, дея кувонғайлар, химматингизга тагин қойил қолғайлар. Шу билан ўзингизни ҳам, Соҳибкиронни ҳам аягон бўлурсиз, бу фақат савобли юмушдир, маликам!

Хонзода хоним, индамасдан, розимен, дегандай бош эгди.

Хонимларнинг мусибатли воқеалардан кейин тўйлар ҳақида илк бор сўзлашишлари эди. Орадан бироз парда кўтарилгач, ҳар иккиси ҳам ўз кўнгилларида яширин ниятларини бир-бирларига айтиб бердилар. Сароймулкхоним Жаҳонгир Мирзо вафотидан олдин юз берган қизик воқеадан оғиз очди:

— Ҳазрат мулозими Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг сулув энага Холдона бибига майл-у рағбати бор эмиш. Бу ҳақда менга энаганинг ўзи ёрилиб қолди.

— Шундайму? Қарангиз-а... — хайратланди Хонзода хоним.

Сароймулкхоним табиатан доим ёрдамга муҳтож кишилар ҳолатини чикаришни истар, шундан савоб ишларга ўзини ургани урган эди. Ўз мулозим-у канизаклари орасида шундай тақдирга муносиб кишиларни дарров синчковлик билан илғаб олар ва тўйларини ўтказиб берарди. Боғи Чинор атрофидаги маҳаллаларда доим мана шундок тўйларга бошқош, етим-есир, бева-бечоралар ҳолидан ҳамиша хабардор...

Бир куни қирқларга қирган муштипар аёл Боғи Чинорга кириб келди: — Худо ато этган ёлғиз ўғлим бор, улуғ маликам. — деди ялинганча у. — Палакат босиб, маҳаллада номи чиққан зангин¹ одам қизига ишқи тушибди...

— Ишқи тушса ақлли йигит экан... — жилмайди Сароймулкхоним.

¹ Зангин (туркийча+форсча) – моддий бойликка эга бўлган, бой-бадавлат.

– Аклли, аклли... – “Аклли бўмай қолсин..” деб қўйди ичида ўзига ўзи. – Аммо маликам, бошимиз котган, қиз отасининг рўйхушлиги йўқ. Ўғлим эса озиб-тўзиб бораётир...

– Қиз-чи, қиз ҳам ёқтирадирму?

– Ҳа, буларни ҳамма “Тоҳир-Зухро” лар дейди.

Сароймулкхоним ҳалиги қизга совчиликка борди, ҳеч ким маҳди улё раъйини қайтаришга журъат этмади, тўй ҳам ўтди. Муштипар аёлнинг ҳали-ҳануз дуодан қўли бўшамайди.

– Ҳа, маликам, менга энаганинг ўзи ёрилиб қолди... Йигирма бирга кирган Холдона бибини уч йил аввал суйган йигитига узатибдилар. – эслаб кетди Сароймулкхоним. – Қиз тақдиридан жуда ҳам мамнун экан, чақалоқлари туғилибди, афсуски, беш ой яшабди, холос. Ўша йили фалокат босиб, куёви ҳам Хоразм юришида ҳалок бўлибди. Қайғуга чўмғон бебахт қиз, ўшандан буён, бошқа эр отини атамайман, деб келаркан. Муҳаммад Чуроға додхоҳ сулув энагани суюб қолибди. Кўнгил-да. Додхоҳнинг хотини бирнеча йил аввал оламдан ўтса-да, ҳали хануз уйланишни истамасмиш. Тўйларини қилдук.

– Қарангиз-а... – деди Хоразм маликаси.

– Мана, тўрт ой аввал ўғил ҳам кўришди...

Хонзода хонимнинг айтганлари ҳам маҳди улёникидан қолишмасди. Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси Ахий Жаббор баҳодир билан маликанинг канизаги Окқиз ўртасида шаффоф кўнгил пардаси бор. Улар бир-бирларига мойилдурлар... Шаҳзода баҳодирга энг яқин мулозимларидан бири сифатида қарар, унга ишонарди. Баҳодир ҳам ҳеч қачон панд берган эмас, ўзини аямай шаҳзода хизматини адо этарди. Хоразмда Қайсария карвонсаройидан кейинги муюлишда Зангорикўл бўйига боришаётган Хонзода хоним ва унинг дугоналарини “қарокчи” лардан “кутқарган” ҳам шу баҳодир экан...

Мотам кунларидан кейин, баҳодир Хоразм маликаси ҳузурига кириб, тиз чўкканча ўтинди:

– Оллоҳдан сизга сабр-тўзим тилаймен, малика жаноби олиялари! Улуғ шахзодам хизматкорларидурмен. Шундок қолурмен! Сизни худо ўз паноҳида асрасун! Ризолик берсалар, шахзодам ҳурматлари, ҳузурларида хизматимни давом этдирсам, дейман. Ўз ҳимояларига олишларини сўрайман. Қулингизни бошқа ёққа юбормасунлар, тагин...

– Ризомен... – беҳолгина жилмайди Хонзода хоним. “Тўғри, қолса – шахзода ҳурматлари, айни бир пайтда уни бу ерга боғлайдиган бошқа сабаб ҳам бор, бу – баҳодирнинг Оккизга муҳаббати...” – ҳаёлидан кечирди малика. У йиллар ўтиб қанзакликдан сирдош дугонага айланган Оккизнинг баҳодир номини эшитганда титраб кетишини яхши билади.

– Оқа бегим билан Муҳаммадбек ибн Мусо тўйларининг бошқаларга ҳам йўл очиб бермоғига шубҳа йўқ.. – Сароймулкхонимнинг сўзлари қатъий эди. – Раият-у фуқаро ҳам, ўзимиз ҳам мотам-у ғам тўрига ўралиб қолдик... Тезроқ чиқиб олайлик.

– Оллоҳнинг буюрғони шу экан-да. – деди, ҳолос, малика... – Жуда тўғри ўйлабдурлар.

Хонзода хоним Сароймулкхонимнинг уни қанчалар авайлашини такрор ҳис этди. Таклифни ҳам узоқдан айлантириб келиб айтдилар. Ҳа, одамни авайлаш – Оллоҳнинг иноятларидан бири, пайғамбаримиз суннатларидандир.

Ана шуларни эсларкан, Хонзода хоним ийманганча Соҳибқиронга юзланди:

– Эй меҳрибон падари бузрукворимиз! Бир нарса сўрасам майлиму?..

– Сўрангиз... Сўрангиз...

“Ҳайрият... – деди ичида Амир Темур. – Нима деса, вожиб бўлур. Қўнгли сал ёзилсин...”

– Ҳусн-у сийратда ва суратда ягона қайнсинглим Оқа бегимнинг тўйлари... қачон бўладур?..

Кутилмаган бу саволдан нафақат Амир Темур, балки Қутлуғ Туркон оқа ҳам, бошқалар ҳам ҳайратга тушдилар. Хоразм маликасининг ҳимматини қўрингиз! Ўзи азада ўлтирибди, шу нарса қайнсинглиси бахтига соя ташлаб турибди, тўй ахир баҳорга мўлжалланганди-да. Қолиб кетди.

Бу ҳақда оғиз очишга ҳеч ким ботинолмайди. Энди олий-жаноб малика ўз ҳасратларини қалбининг бир пучмоғига жойлаб сасини чиқармасликка тиришмакда ва қайнсинглиси тўйи ҳақида ўзи тараддудга тушмакда...

Сароймулкхоним ерга қараганча мийиғида сезилар-сезилмас жилмайиб ўлтирарди.

– Бўладур, қизим, албатта бўладур, яқинда бўладур!.. – жавоб қилди Соҳибқирон.

Амир Темур Хонзода хонимни энди кўриб тургандай, тикилиб қолди...

Уч ойдан кейин Оқа бегимни “ё-ё-ё” садолари остида Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар. Соҳибқирон суюкли қизига бир ҳафта тўй берди. Оққиз ва Ахий Жаббор баҳодир тўйлари унга уланиб кетди.

САККИЗИНЧИ БОБ

I

Аббос баҳодир билан Муҳаммад Мирақлар

Қизилкум саҳросини кеза-кеза ниҳоят бир кўҳна хароб қалъа ичидан Тўхтамиш ўғлонни топибдилар ва иззат-икромини жойига қўйиб Самарқандга келтирибдилар. Ҳумоюн ўрдудан, меҳмонлар бир ҳафта ҳордик олсунлар, деган фармойиш берилди.

Амир Темур йўлда эканлигидаёқ, Тўхтамиш ўғлон ҳақида сўраб-суриштирди. Ўшанда Аббос баҳодирларнинг Хоразмдан икки фарсах масофадаги Жўйи Қовундан юборган хабарларига қараганда, ҳали қочок подшоҳзодани топишолмаган экан.

Кўксаройнинг чиройли кўринишхонаси, ундаги маҳобатли тахт бугун ўзгача маъно касб этгандек эди, оқиллар назарида. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин бир неча ойлар тахт бўш турди, Соҳибқирон Кўксаройга қадам изи босмади. Ниҳоят, бугун улуғ амирнинг муборак нафаслари салтанатнинг олий кошонасига етиши тонг отиши сингари аниқ ва муқаррар бўлиб қолди.

Кўксарой дарвозаси олдида бутун аркони давлат вакиллари йиғилдилар. Аввалги йили Бухородаги Арслонхон минорасига ўхшатиб, дарвозанинг икки ёнида иккита маҳобатли баланд минора тикланди. Ўралган бекасам нақшли кўш минора шаҳарнинг барча бурчакларидан, узоқ-узоқлардан кўзга ташланар, Кўксарой салобатига салобат кўшарди. Минораларга осилган саккизтадан фонусни қоронғул ҳар куни кеч қирмай ёқиб тушарди.

Ўнгдаги минора ёнида Мир Саййид Барака, — уч ой аввал Андхойга кетган пири муршид кечагина Самарқандга қайтиб келганди, мамлакат хони Суюрғатмишхон, узун чўкки соколи кўксига тушиб қолган Амир Жоку барлос, вазири аъзам ва қозикалонлар, чапдаги минора тагида Амир Улжайту опардий, Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо, — у ушбу лавозимга бир йил олдин тайинланганди, — яқинда шайхулисломлик мансабини эгаллаган машҳур Шайх Бурҳониддин Марғинович авлодларидан, “Исомий” таҳаллусида пинҳона ғазаллар битадиган факих¹ Хожа Абдулмалик Самарқандий ва салтанатнинг бошқа аъёнлари жамулжам кутишмоқдайди. Бир четда машшоқлар оҳиста кўҳна наволардан чалиб турардилар.

Бир палла икки юз кадамлар олисликда — Соҳибқироннинг бўз оти Хонўғлон кўринди. Барча олийшон истикболга пешвоз юрди.

Хонўғлонни Амир Довуд дуғлат билан Муҳаммад Чурога додхоҳ етаклаб олишган, Умаршайх Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳлар рикоббоши мақомида келардилар.

Ўн беш кадамлар орқада Амир Оқ Буға найман², Амир Шохмалик, Муҳаммадбек ибн Мусо, Ахий Жаббор баҳодир ва яна кўп лашкарбошиларнинг қоралари кўзга ташланарди.

Кўксарой дарвозаси олдида барча Соҳибқиронга отдан тушишга кўмаклашишга шошилди. Оқ банот тўн кийган Амир Темур даставвал пири муршид олдида йўналди. Уларнинг илк бор омонлашувлари эди.

¹ **Факих** (арабча) — шариат ҳуқуқшуноси, қонуншунос.

² **Найманлар** — ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига қирган қабилла уюшмаси.

– Қадамларига хасанот, Амир Соҳибкирон! – қутлади Мир Саййид Барака.

– Хуш келибдурлар, Соҳибкирон хазратлари! – қўл ко-
вуштириб таъзим бажо айлади Суюрғатмишхон.

– Оллоҳга шукр, дийдорлашиш насиб этди! – қувончини
яширмади амир ул-умаро Амир Жоку барлос.

– Қадамларидан нақ бошимиз осмонга етди, Соҳибқи-
рон! Дунё тургунча турингиз! – тилак билдирди Амир Мусо.

– Оллоҳга шукр...

– Оллоҳга шукр...

– Еткурғонига шукр!..

Салтанат аъёнлари эгилиб-букилиб, юқоридагидек
шодлик ва шукроналик сўзларини нисор қилишдан чарча-
масдилар.

– Қуллук! Қуллук! – деб қўярди мамнун Амир Темур.

Барча ўзини хушнуд ва масъуд онлар оғушида сезарди.

Қўксаройнинг чиройли кўринишхонасига йўналдилар.

Иккинчи ошёнанинг ўнг томонида жойлашган кўри-
нишхона узунлиги эллик, эни йигирма қадамлар келадиган
шифти баланд барҳаво бир хона бўлиб, деворларига файзиёб
манзаралар чизилганди, ҳарир ипак пардалар тутилган ўн
иккита кенг деразаси Чорсу майдонига қараганидан ёруғ ва
чароғон эди.

Амир Темур одатича оксоқланганини билдирмасликка
тиришиб, шошилмай битта-битта қадам ташлаб, тўрдаги
тахтга бориб ўлтираркан, пири муршид билан Суюрғат-
мишхонни тахтнинг икки тарафида беш қадамлар нарида
қўйилган нақшинкор курсиларга таклиф этди. Салтанатнинг
қолган аъёнлари хона ўртасида ярим ёй шаклида давра
қурдилар.

– Илоҳи, парвардигорнинг ўзи ушбу қутлуғ хонадон-
нинг салтанат офтобини тонгла маҳшаргача завол чангали-
дан асрасун! Яратганнынг беадад лутфи, адоксиз карами ила
азиз бошларига нусрат¹ тожи инган Амир Соҳибкирон умр-
ларини бардавом айласун! Алҳамдулиллаҳи раббил
оламин!..

¹ Нусрат – ёрдам; ғалаба.

Пири муршид Мир Саййид Бараканинг залварли овозидан бирнеча ойдан бери бундай дуоларни эшитмаган кўришхона ичи бамисли янграб кетгандай бўлди.

Қўллар фотиҳага кўтарилди.

Пири муршид сўзларди:

– Эр боланинг етти ёшида тиши тушадур, ўн беш ёшида бўйи расида¹ бўладур, йигирма бешгача бўйи ўсадур, киркида акли камолга етадур. Расулуллоҳга ҳам пайғамбарлик қирк ёшда етмиш эди. Амир Соҳибқирон ҳам қирк ёшни қоралаб турибдилар...

– Муборак бўлсун!

– Кутлуғ бўлсун! – деган сўзлар ёғилди атрофдан.

Амир Темур, ўзининг бирон ҳаракати билан ўзгаларни безовта қилиб қўйган одамдай хижолат тортар, “Раҳмат! Раҳмат!” дерди.

– Амир Соҳибқироннинг қалби очун² ҳодисаларини ўзида акс этдиргувчи кўзгу, бамисли жоми жаҳоннамодурки, барча ўтғон ва бўлғувси воқеалар кўзга аён кўринадур. Унга назар ташлашга мушарраф эканимдан беҳад мамнундурмен! Алқисса, бу оташин қалб садоларига кулок тутайлик.

Амир Темур пири муршиднинг юмалокдан келган кипқизил юзлари ҳаяжондан яна ҳам қизара бошлаганини кўрди. Бироз сукут саклагач, аркони давлатни Мўғулистонга юриш тафсилотларидан бохабар айланиш ниятида сўзга оғиз очди:

– Ноўрин даъво қилгувчилар ва тухматчилар тилини кесмак учун қўп далил-у исботлар бордур... – деди Амир Темур. – Ажабо, денгизни ғалвир билан қуритмакчи, тоғни елпиғичда елпиб текисламакчи бўлибдурлар. Шер уясига бош суккан қўппак Қамариддиннинг худога айтғони бор экан, жаноблар, уни тутиб найзага илиб келишни қаттиқ ният этғондим. Бу сафар ҳам қутулиб қолди...

– Амир Соҳибқирон, вақти соати бордур!.. – деб қўйди қаттиқ дардга чалиниб яқингинада оёққа турган, анча озиб

¹ Расида (форсча) – жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган; етуқ, баркамол.

² Очун – дунё, жаҳон (муалл).

кетган Суюргатмишхон. — Худонинг буюргон куни ҳам келар...

Кўп ўтмай мулозимнинг:

— Авлоди Чингиз, шавкатли Тўйхўжа ўғлон дилбанди подшоода Тўхтамиш ўғлон жаноблари зиёратингизга мунтазирдурлар! — деган овози кўринишхонани тутди.

— Кирсун! — ижозат берди Соҳибқирон.

Ҳамма гўёки фавкулудда мўъжизани кутаётгандай бир алпозда беихтиёр кўринишхонанинг нақшинкор эшигига юз бурди...

Даставвал Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг Амир Темур-никидан чоғроқ жуссаси кўринди. Одатда, узоқдан келган меҳмонларни кутиб олиш унинг зиммасига юклатиларди.

Бироз фурсат ўтгач, йигирма ёшлардаги дуркун йигит кўринишхонага дадил кириб келди. Эгнига этаги ер супурган узун қора чакмонни елвагай ташлаганидан бўйи яна ҳам баландроқ, салобатлироқ кўринарди. У остонадан беш кадамча ўтиб тўхтади ва турган жойида тахт томонга қараб эгилиб таъзим бажо айлади.

Бу Тўхтамиш ўғлон эди.

Ортидан Аббос баҳодир кипчоқ, Алибек кўнғирот, Ўрунг Темур, Оқ Буға баҳрин ва Муҳаммад Мираклар пайдо бўлдилар. Улар, кўринишхона маҳобатиданми ёки рўбарўда эллик кадамча нарида ҳашаматли олтин тахтда қўр тўкиб ўлтирган Амир Темур салобатиданми, ўзини бироз йўқотиб қўйган Тўхтамиш ўғлон кулоғига ниманидир шивирладилар. Чамаси, улар Тўхтамиш ўғлонга ўзини қандай тутиш, Соҳибқирон хузурида нима дейиш ҳақида маслаҳатлар беришди. Меҳмон шу заҳотиёқ қад ростлади ва дадил олтин тахтга қараб юрди.

— Хўроздай йигит экан... — пичирлади Амир Довуд дуғлат ёнидаги амир ул-умарога.

— Фарзиндай қоматига қарангиз... — Чингизхон авлодидан кўз узмай деди Амир Жоку барлос.

— Қадамларига боқингиз! Бургутдай шиддатли!.. Туншундик... — сўз қўшди Амир Мусо ҳам.

– Доно йигитга ўхшайдур... – ўзига ўзи дегандек пичирлади шайхулисом.

Хожа Абдулмаликнинг саллали боши узоқдан караганда савоги пастга килинган нокка ўхшаб кетарди, юзи иягига қараб кичрайиб борган, учли иякда тўртта-бештагина узун сокол кўзга ташланарди. Ҳамиша қўлида чиройли гулдор тасбех, ҳатто дуога ҳам тасбехни қўймай қўл кўтарар, “хожаи коинот” сўзларини яхши кўрарди.

– Хон авлоди-да, палак тоза... палак... – қойил қолди Амир Улжайту опардий.

Амир Оқбуға найман қўлини тўлдириб кетмон соколи-ни силаб қўяркан, “Маъкул!” дегандай бош тебратиб қўйди.

Аммо Суюргатмишхон Тўхтамиш ўғлон ташрифидан хурсанд эмаслигини яширмади ҳам. У ўтирган жойида без-зовталаниб қимирлаб-қимирлаб қўярди.

Тўйхўжа ўғлон валади¹ ташриф буюрармиш, деган гап чиққанидан бери у оромидан айрилди. Рақиб келмоқдайди, рақиб! Қорасини ўчириб юрмайдими ўша Дашти Қипчоқ томонларда!.. Гарчи ўзи ҳам чингизийлардандир, лекин бугунги кунда уларга ишониш қийинлигини тан олади. Аммо буни у Амир Темур Кўрагон ҳазратларига қандай айтади? Амир Соҳибқирон содда одам, бирон кимса кўз ёшига чўмилиб ялинса, ёлворса, ишониб кетаверадилар.

Тахтнинг чап томонида ўлтирган Мир Саййид Барака меҳмонга боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир нохуш нарса сояси гимирлаб кириб олганини сизди. Нега шундай бўлганини тушунмади. Тасодифан Амир Темурга нигоҳ ташлаганди, Абулмансур-у Абулмузаффарнинг чехрасида қувонч ва мамнунлик аломатларини илғади-ю кўнглидан ҳар хил гумонларни нари қувди. “Амир Соҳибқирон одам танлашда асло адашмайдилар...” – кўнглидан ўтказди пири муршид ва хотиржамликка берилди.

Амир Темурга узоқдан келаётган Тўхтамиш ўғлоннинг такаббуруна қадамлари негадир ёкмади. Аммо буни билиб билмасликка олиши, нисбатан яхши муомала қилиши,

¹ Валад (арабча) – авлод.

иложини топиб, салтанат йўлида ундан фойдаланиши керак. Қани, кўрсин-чи...

Тўхтамиш ўғлон тахтга ўн кадамча қолганда: “Ассалому алайкум, жаноби олийлари!” деди, сўнг бориб тиз чўкди-да, Амир Темурнинг чеккаларига нақшиннигор зар босилган оқ банот тўни пешини уч марта ўпиб кўзларига суртди. Кейин ортга чекинди-ю тўхтади ва бош эгиб таъзим бажо келтирди:

– Отасизман, Амир Соҳибқирон ҳазратлари, отасизман... Отам оламдан ўтдилар. Отам ўрнида ота бўлингиз! Тутинган ўғлингиз бўлай! Ўғил бўлай деган орзудаман!..

Амир Темур бирдан ёка тутар даражада хайратда қолди. Одам ҳам одамга шунчалар менгзар экан-а!.. Вожаб! Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникидек залварли эмас, ингичкарок, бироз ёкимсизрок овозини демаса, у куйиб қўйгандай... Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Бўйи ҳам, келбати ҳам... Халлоки безаволга салламно!

Ҳали ўсмирлик нуқси сезилиб турган, дуркун, тиник юзли, ёркин кўзли Тўхтамиш ўғлоннинг илк сабза урган мўйлаби ҳам ўша улуғ шахзоданикидек... “Тутинган ўғлингиз бўлай, демакда. Ўғил қилиб олсам-чи... Ўғил! – пичирлади ичида Амир Темур. – Ўғлим, десам... Жуда ўхшайди... Ё раббий! Бир бандангни қандай синовларга отмакдасен?..”

Соҳибқирон кўнгли увалиб:

– Хуш келибсиз, ўғлим! Хуш келибсиз!.. – деб юборди беихтиёр...

Одатда, катталар ёшларни кўрганларида, танимаса ҳам, эркалаб: “Ўғлим!”, “Қизим!” дейишади. Лекин Амир Темурнинг илинж билан айтган ҳозирги сўзларида ўзгачарок маъно-мазмун яширинган эди. Буни ҳамма сезди. Айниқса, Амир Жоку барлос ўзгача ҳолга тушди, юраги увишиб, бир лаҳза аъзои баданига титроқ кирди. Соҳибқирон “ўғлим” деганда, чамаси, шахзода Жаҳонгир вафотидан сўнг бўмбўш бўлиб қолган бағри тўлгандай, ўғли ўрнига ростдан ҳам ўғли келгандай ҳис қилди ўзини... Ҳа, бу аниқ ва равшан эди!

Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди, қараса, Амир Темур Кўрагон ҳазратлари тахтдан тушиб у томон келмоқдалар! Яна “Ўғлим!” дейишлари бағоят кўнгилга ёқимли! Валинеъмати Тўйхўжа ўғлон катл этилиб, етимлик машаққатини тортиб, мустарликда юрган бир бечора хонзодани энди Темурбекдай шавкатли подшо ўзига фарзанд санамокда... “Ширин сўзларимга лаққа ишонибди!...” – деди ичида мамнун Тўхтамиш ўғлон. Шерикларининг маслаҳатига қулоқ солиб яхши қилибди. Подшоларга, ўғил бўлай десанг ёқар экансан...

Амир Темур беихтиёр қулочини ёзганча подшозодага яқинлашди ва Чингизхон авлодини бағрига олди. Сарой аъёнлари ҳайратда олқишлаганларини билмай қолдилар. Оқ банот тўнли Амир Темурнинг қора чакмонга ўралган, бўйи Соҳибкирондан биров паст Тўхтамиш ўғлонни қучоғига олганини кўриб кўзлари ичига тортиб кетган Суюрғатмишхоннинг кўнгли ёқимсиз ғашланди. Қордай оқ тўн билан мумдай қоп-қора чакмоннинг ёнма-ён туришини кўрингиз! Бамисли Амир Темур қўйнига қора илон кириб олгандай... Иложи топилганда-ю, хон шу захотиёк бориб, уларни ажратиб, Соҳибкиронга яхшилаб тушунтирар, Тўхтамиш ўғлонни эса рўй-хотирга бормай аччиқ-аччиқ сўзларни бетига айтиб, ҳайдашга фармон берарди!

Аммо Соҳибкирон ҳазратларининг кайфиятлари олий даражада эканида Суюрғатмишхоннинг бундай тутуми бошқача англашилиши мумкин. Хон Чингизхоннинг ўзга авлодига кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборга ҳасад қилаётир, ғайирликка юз бураётир демайдуларму? Албатта, дейдилар. Амир Темур бандасидаги мана шу ожизликни – ҳасад балосини асло кечиролмасди, Суюрғатмишхон буни яхши биларди. Шу сабабдан ўзини босишга уриниб, бирон нима дейишдан тилини тийди.

Барчанинг мақтов ва олқишлари остида Соҳибкирон меҳмонни тахт пойига етаклади ва ёнма-ён ўлтиришга таклиф этди. Унинг чингизий ўғлон ташрифидан мамнун эканлиги шундоққина билиниб турарди.

– Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлоннинг ҳузуримизга келиши салтанат парвози йўлидаги қутлуғ қадамдур, жаноблар! – деди аркони давлат-у сарой аъёнларига Соҳибқирон. – Уни ўгиллик рутбасига муносиб кўрдук, умид улким, бир фарзанди солиҳ мисоли сояи давлатимизда камол топғувсидур. Илоҳи, бизни подшоҳзоданинг азиз бошини силаш химматидан дариг тутмасун!..

– Илоҳи, омин! – дуога қўл очди Мир Саййид Барака.

– Омин! – тасбеҳли қўлини юзига тортди шайхулислом Хожа Абдулмалик Самаркандий.

Ўзгалар ҳам “Омин, омин!” дея дуога қўл кўтардилар.

“Чингизхон авлоди – хонлар авлоди, – хаёлидан кечирди Амир Темури, – улар бизларга нописандлик билан назар ташлайдилар. Одам ўрнида ҳисобламайдилар, буниси аён. Ҳа-а... Подшоҳзоданинг эъзоз-икромини шундай баландга кўтарайки, тушолмай қолсун. Кўмак берсам, қўлласам, иншооллох, ўғлимиздек бўлур. Юртнинг Дашти Қипчоқ томонлардаги сарҳадларига ҳам тинчлик инади. Сўғин, қарздор ҳам килиб қўйиш керак-да. Бу ҳам кишиларни боғлаб олишнинг боболардан қолган усули...”

Шу палла хаёлларга ғарқ Тўхтамиш ўғлонга кўзи тушганди, унинг ерга маъюс қараб туриши яна Жаҳонгир Мирзони ёдга туширди-ю вужуди енгилгина жимирлаб кетди.

– Мамат!

– Қулогим сизда, Соҳибқирон ҳазратлари! – қўй кўзларида ўт чақнади Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг.

Амир Темури мулозими кейинги пайтларда иложининг борица Соҳибқирондан йироқ кетмасликка, ҳамиша ёнида бўлишга тиришади. Қайғуга чўмган дамларда Соҳибқиронни юпатиш, чўккан кўнглини кўтариш йўлларини кидиради. У шундай йўлларни топишга моҳир эди ҳам. Одатда, киши бошига оғир кунлар тушганда ўтган умр, босилган қадамлар, яхшилиг-у ёмонлик, қувонч-у ташвишлар ҳақида беихтиёр хаёлларга берилади, ўзига паноҳ излайди. Худди шу нарсани Соҳибқирон ўз бошидан кечирмокда, барини ўзи кўриб турибди.

Ухшаш рухий укубатли паллаларнинг бирида Муҳаммад Чуроға додхоҳ Амир Темурга бундан йигирма беш йил муқаддам, ўша Шайх Шамсиддин Кулолнинг Шахрисабз чеккасидаги кенг-мўл чорбоғидан сўз очиб, кичиккина арик бўйида сув ўйнаб ўтирган сочлари майда-майда ўрилган кизни эслатди...

Мулозим мўлжални тўғри олганлигини шу заҳотиёк фаҳмлади: ғамнок Амир Темурга бамисли жон кирди, юлдуздай ярқ этиб, Боғи Эрам париларидай ғойиб бўлган офатижон қирқ кокил ойимча кўз олдида жамол кўргизди. Астағина “Воҳ!...” деди, аммо бу сўз қалбадаги надомат тафтини пасайтиролмади, шекилли, чуқур хўрсинди. Шахло кўзли, ажабтовур суюклик, юзлари ширмой нондай хушрўй бу киздан, ажабо, кейин бирон ном-нишон топилмади. Ё раббий! Бу қандай адолатсизлик! Суйған кимсангни куппа-кундузи йўқотиб ўтирсанг-а!

Орадан йиллар ўтиб кетди, аммо ўша юзлари ширмой нондай хушрўй кизнинг нурафшон сиймоси хануз Соҳибқирон кўнгил оинасини безаб турибди, ғойиб жамоли дил лавҳига оро бериб келмоқда...

– Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон, ўғлимизнинг ташрифини улуғлаб Боғи Нақши жаҳонда шоҳона базм тузилсун! Амир ул-умародан вазирларгача, амирлар-у нўёнлар, сардорлар ул жойга йиғилсунлар! Подшоҳзодага тенгкур амирзодаларни чорлангиз, танишсунлар, якинлашиб қўлдошлик, елкадошлик килсунлар! Зеро, умр пиллапоялари тикдур, ёлғиз ўтмак бағоят мушкул, шуни эсдан чиқармасунлар! Муғаннийлар¹ ўз чолғуларини созласунлар! Фароғат паллалари етди! Андоқ тўй-базм тузингизким, жаҳонда ғам оти йўқ бўлсун, базми жамшид доврўғи дунёларга ёйилсун!

– Дунёларга ёйилсун!

– Ёйилсун!

– Ёйилсун! – қабилида овозлар янгради кўринишхонада.

Мир Саййид Барака Соҳибқирон калбадаги кўтаринки рух мавжларини туйди-ю ўзи ҳам тўлқинланиб кетди.

¹ Муғанний (форсча) – ашулачи, созанда.

Чиндан ҳам хаётнинг аччиқ ҳақиқатини англаб, қазойи тафдирга тан бериб, муборак назарини олдинга, ёруғ кунларга қаратишга ўзида куч тополган одамгина бахтлидур, Оллоҳ суйган бандаси ўшадур. Ҳиммати баланд, шижоатли бундай инсонлар комилликнинг юксак чўққиларидан сира кўзини узмайди...

У Соҳибқиронга қўлловчи икки оғиз калом айтиш заруратини сезди ва беихтиёр жилмайиб турган Тўхтамиш ўғлонга бир қараб қўйди-да, деди:

– Амир Соҳибқирон! Оре, рост. Хорликда қолган бир кас паноҳ излаб остонангизга бош урса, ҳимматингизнинг сарбаланд кошонасидан жой бермак жанобларига одатдир. Оллоҳ таоло сизни шундай табиату сийрат ила сийлагон. Мустафо ҳазратлари ҳадисларида дейилмишки, чиндан ҳам, парвардигор олий ҳимматлилиг-у хуш табиатлиликка боғлиқ шижоатларни хоҳиш этади ва ушмундок инсонни дўст-у ҳабиб тутати. Алғараз, кимки бундан чекинса, кўргизилган иззат-у икромнинг қадрига етмаса, паст ҳимматлиликка юз бурса, у албатта охир-оқибатда хор бўлади. Кимки толенинг бундай бемисл марҳаматини англай олса, номи шараф-у шавкатларга бурканади. Алҳамдулиллаҳир раббил оламин!

Пири муршид фикрини ўзгачароқ, юмшоқроқ йўсинда ифодаламакчи эди, лекин камоли тўғрисиўз эканлигидан тили бошқа ибораларга айланмади. Суюрғатмишхон ичида суюнди, аммо чехрасига чиқармади. Амирлар бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар.

Нокулай бир вазият юзага келгандай эди.

– Ҳимматимиз, иншооллоҳ, яхши самаралар туҳфа этгай! – дарҳол деди Амир Темур ҳеч нарса сезмагандай. Ичида пири муршиднинг сўзларини маъқуллар экан, ҳушёр бўлиш, жуда ҳам ишониб кетавермаслик, кўнгилда озгина шубҳага ҳам ўрин қолдириш кераклигини англади. Мир Саййид Барака ҳазратлари сўзлари ана шунга ишорадир. Рост, мана шу чингизийзоданикига ўхшаш не-не эгилган бошларни силади, иссиқ-совуғидан хабар олди, ўзи емай едирди, киймай кийдирди. Оқибатда-чи, кўплари барибир

хиёнат йўлига кириб, Соҳибқирон кўзига чўп сукиб, қилич ўқталдилар...

“Қимсаки валинеъмат юзига тик қарагай ва неъмат ризосини унутгай, Оллоҳнинг қаҳрига учрагай!” деганди пири муршид бир куни. Ажабо, сен одамларга беғараз яхшилик қилурсен, эвазига фақат ёмонлик кўрурсен... Бир яхшилигингга ўн ёмонликни кута бер! Ҳа, ёмон – ёмон... Ҳатто пайғамбаримиз демишларки, ёмон одам унга яхшилик кўргизганга ёмонлик қайтармагунча бу дунёдан кетмас эмиш! Ношукр инсон табиатининг бир-бирига зид хусусиятлари шундок... Водариг! Бари дунёи бевафонинг тескари иши. Раҳматли Жаҳонгир Мирзо худди мана шундай юзи қора бебахт хиёнаткорларга жазо бериш керак, эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи – ит, деб бекорга ёзғирмасди. Бечора ўғли! Сиз ҳақ эдингиз, шахзодам, лекин давлат сиёсатининг талаблари ўзгача, ҳийла ишлатишга ҳам мажбур этади, йўллари эгри-бугри. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас... Ўшанда, афсус, шуни Жаҳонгир Мирзога яхши тушунтириш фурсати топилмади...

Мамнун Соҳибқирон Тўхтамиш ўғлонга юзланди:

– Узоқ йўлдан ҳориб, укубатлар тортиб келдилар, ўғлим... Мана, қиш охирлаб бормокда, оз муддатдан кейин йўллар қурийди. Марди майдонлик учун офтобли кундан яхшиси йўқ. Ҳеч қачон сел-у ёмғирда жангга кириш бошингизга тушмасун! – Амир Темур бундан ўн икки йил аввалги “лой жанги” ни эслади, Амир Ҳусайн билан Соҳибқирон кўшини ўшанда мағлублик аламини тоттишган, душмандан қочиб қутулишганди. Айниқса, ёғийнинг осмонни тутган: “Қочди! Қочди!..” – деган ғолибона ҳайкириқларини эслаганда ҳали-ҳали қизариб кетади. – Бироз истироҳат лозим! Зинҳор мусофирчилик азиятини чекмағайсиз! Мамат! Фармонимизни еткурғилким, хазинадан подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон ва унинг тобеларига тўққиз-тўққиз пешкаш қилинсун! Ҳадсиз-саноксиз сийм-у зар, зебу зевар, чодир-у ўтов, мол-у мато, ноғора-ю туғ, оту хачир,

аскар-у навкарларга ола боргоҳлар¹ ҳам қўшиб тортиқ этилсун!

– Бош устига, ҳазратим! – кўли кўксида юкунди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Атрофдан ҳамд-у санолар янгради:

– Ҳимматларига офарин!

– Илоҳи, давлатларига давлат қўшилгай!

– Бекиёс саховатларига тасанно!

Амир Темур бироз ўйлашиб турди-да, қўшимча қилди:

– От – йигитнинг йўлдоши, дейдилар. Машхур Хонўғлон отимни ҳам азиз ўғлимга бахшида айладим! Ўғлим азиз! Жонига ярасун! Тўхтамиш ўғлонга Хонўғлон йўлдош бўлсун! – Сўнг Тўхтамиш ўғлонга юзланди. – Ўғлим, бу отни асрангиз, кун келиб яраб қолади...

“Офарин!”, “Офарин!” деган сўзлар эшитилди.

Ҳадя-ю инъомлар, совға-саломлар, хушрўйлик, очик-чеҳраликларга карамай, подшоҳзода кўнглига аллақандай шубҳа-гумонлар соя ташлаб турарди. Амир Темур барибир унинг отаси ўрнини боса олмайди, донғи чиқмаган бир амирбачча. Чингизхон авлоди, келгусида Жўжи улуси тахтига минадиган – ҳа, у бунга катъий ишонади! – ўғлонга нечук ота бўлолсин? Майли, у ҳозирча ўзини садокатли ўғилдай тутсин...

Соҳибқироннинг учқур оти овозасини Тўхтамиш ўғлон ҳам эшитганди, ҳадялар ичида борлигини билиб, боши осмонга етгудай қувонди, Амир Темурнинг кўли очиклигига имон келтирди, гумонлар ҳам чекингандай туюлди. Сабаби, ашаддий от жинниси Тўхтамиш ўғлон мана шундай тулпорлар гадоси эди, от деса жонини ҳам берарди.

Подшоҳзоданинг тили ечилди:

– Бағоят миннатдорман, Соҳибқирон ҳазрати олийлари! – Тўхтамиш ўғлон ўрнидан турди-да, таъзим бажо айлади. Пири муршиднинг ҳали айтган сўзлари уни бироз сергаклантириб қўйди, лекин бу ҳақда жиддийроқ ўйлашга фурсат йўқ эди. Барини ичига ютди ва Соҳибқирон-у аъёнлар кўнглига ёқадиган ибораларни топишга тиришди: – Ками-

¹ Боргоҳ (форсча) – подшоҳ саройи, қабулхонаси; подшоҳ чодир.

нага бир умрга етажак ҳиммат айладингиз... Уғлим, деб бошимни кўқларга еткурдингиз! Билингизким, Чингизхон бобомизнинг бирон авлодидан ҳам бунчалар яхшиликни кўрмаганман! Отам қилмаган яхшиликни сиз қилдингиз, Амир Соҳибқирон! Отам ўрнида отамсиз, валинеъматимсиз!..

“Билингизким... “унинг энг ардоқлаган сўзлари сирасига кирар, гапирганда кўп ишлатарди. Ўғлоннинг ёрқин кўзлари ёшланди, яшириш учун беихтиёр тиз чўкиб, такрор Соҳибқирон тўни пешини уч бор ўпди ва кўзларига суртди. Кейин ёлворгандай деди: – Қаттол Ўрусхон отамни ўлдирди... Агар қўшин берсангиз, ўғлингизман... ёрдам кўрсатсангиз, Олтин Ўрда тахтини қўлга киритар эдик, Соҳибқирон ҳазрати олийлари... Тузингизни оклайман! Душманларни кийратардик... Соҳибқирон ҳазрати олийлари...

Тўхтамиш ўғлон қийналиб-қийналиб гапирди, аммо сўзларининг Амир Темурга қанчалар таъсир қилганини билолмади.

Шу пайт остонада кузатиб туришган Аббос баҳодир кипчок, Алибек қўнғирот, Ўрунг Темур, Оқ Буға баҳрин ва Муҳаммад Мираклар шитоб подшоҳзода қошига йўналдилар.

– Ўғил муборак бўлсун! – қутлади Соҳибқиронни пири муршид.

– Муборак бўлсун!

Амир Жоку барлос қутларкан, Соҳибқироннинг саховатига яна бир марта тан берди-ю, бироқ инъомлар қаторида Хонўғлондай учқур от борлигидан ичи ачиди. Кейин қадри ўтмасмикин, Соҳибқирон тулпорини қўмсаб қолмасмикин, деган фикр кечди унинг хаёлидан. У биларди, Хонўғлон Амир Темурни кўрди, дегунча кўзлари ёниб, гижинглаб, ер тепиниб, бошини турли тарафга силкитиб хурсандлигини ифода этарди.

...Ҳирот малиги Малик Ғиёсиддин давлатхоҳлик¹ маъносида қудратли Турон султони Амир Темурга ўзини

¹ Давлатхоҳ (арабча+форсча) – бахт-у омад тиловчи; хайрхоҳ.

якин олишга тиришиб, мулозамат юзасидан сара отлар, хачирлар-у тевалар, қумош-у¹ зардан иборат катта совғасалом юбормокни ният қилди. Унинг тепа-тўшдан кўриниб ётган уюр-уюр бўлиб у ёқдан-бу ёққа чопган тўқсон икки тўқай йилкиси бор эди.

Малик Ғиёсиддин бўй-бастларини кўз-кўзлаган, гижинглаган отларга қараб, йилкибошига буюрди:

– Яхши ният қилиб ташла камандингни! Токи бизга обрў олиб келсун!

– Оллоҳим, ўзинг қўлла! Қўлимни куруқ қўйма!.. Кур-е-ей!.. Ё саман сарига туш, ё олапоча тўрига туш, ё шапоқнинг зўрига туш! – хайкирди чапдаст йилкибоши гур-гур отлар ичига каманд ташларкан.

Толе Хонўғлонга кулиб бокди ва назаркарда от ҳадяларга кўрк бўлиб қўшилди.

Хушқомат, абжир, новчатоб, суксурдай бўз от Соҳибкирон дикқатини ўзига тортди. Манглайига осилган, кўзмунчоклар ила безалган жигарранг бахмал тумори қуйиб қўйгандай ўзига ярашарди. Амир Темур биринчи марта яқинлашганда, ундан сира бегонасирамади, аксинча, “бошибоши” қилиб Соҳибкирон томонга бурилиб бир қадам ташлади ҳам. “Одамдай ақлли, фақат тили йўқ, холос...” дерди Амир Темур Хонўғлон ҳақида.

Шу-шу, Хонўғлонни назардан қочирмади. Жуда кўп сафарларга шу отда йўлга чикқанди, музаффарият ила пойтахтга қайтар экан, ҳар гал отнинг олтин узангиси, тилла югани офтобда ялтираганча, ўзгача бир нағма билан, кишнаб, пишкириб ўйноклаб кириб келишини кузатар, ҳайратланарди. Хонўғлоннинг чиройли кишнаши, муносиб йўрғаси ҳаммага ёқар, болалар эса олдига тушиб олиб сурон солиб кўчани тўлдириб чопишгани чопишганди.

Энг муҳими, Амир Темур “сини бошқа” Хонўғлонсиз туролмасди. Хоҳ Самарқандда бўлсин, хоҳ сафарда у ҳаминша сайисхонага бориб тулпордан бир хабар олар, бунинг Хонўғлонга ёкишини отнинг тутумидан биларди. Амир Темур ҳашамли гулдор тўрвада ем еяётган тулпорнинг

¹ Қумош – кимматбаҳо мато (муалл).

манглайини, гўё ҳали замон афсонавий қанотлари ўсиб чиқадигандай товланган парқинини¹ силаб-сийпалар, узун бўйни, зўр ўмгани, ялтираган сағрисига шапатилаб уриб-уриб кўяр, “Бу дулдул-да, дулдул!” дея юз-кўзидан ўпиб эркаларди. Хонўғлон учун энг ширин лаҳзалардан бири – Соҳибқирон кўлидан кишмиш еб, қанд ялагани эди.

– Ох, ох, отаси қилмаган яхшиликни қилибдилар, Амир Соҳибқирон! – хайратини яширмасди Амир Улжайту опардий. – Ростдан ҳам ҳимматлари улуғ-да!..

Амир Довуд дуғлат, Амир Окбуға найман ва бошқа амирларнинг Соҳибқиронни “тутинган ўғил” билан мубо-ракбод этаётганларини кўрган Амир Жоку барлос ичида, Тўхтамиш ўғлоннинг шундай бебаҳо, насли тоза, зотдор от қадрига ета олишига негадир ишонмасди.

Тўхтамиш ўғлон бир томондан Аббос баҳодир кипчок ва Муҳаммад Мирак, иккинчи томондан Алибек

Кўнгирот, Ўрунг Темур ҳамда Ок Буға баҳринлар кур-шовида улуғ амир хузуридан чиққанларида Кўксарой ҳовлисида шундай манзарага кўзлари тушди.

Умаршайх Мирзо иниси ўн бир яшар, лекин ёшига қараганда дуркун Мироншоҳ Мирзо билан суҳбатлашиб туришарди. Нарироқда Жаҳоншоҳ ибн Жоку ва Амир Сулаймоншоҳлар сўзлашишмоқда, яна ҳам нарироқда Амир Шохмалик чамаси йигирма-йигирма бешлардаги дуркун Шайх Нуриддин баҳодирга ниманидир тушунтиришга уринар, Муҳаммадбек ибн Мусо бош тебратганча кулок соларкан, гапга қўшилмасди.

Ҳумоюн ўрдудан чиққан, базми жамшид бошлансун, деган фармоннинг нималигини яхши тушунган амирлар аста Боги Нақши жаҳон сари йўналдилар. Марказий Боғқўча бошида карнай-сурнай овозлари ҳам кулокка чалиниб қолди. Бундай ҳол Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг пойтахтда илк марта юз бермоқдайди.

– Соҳибқирон Амир Темур этакларини маҳкам тутингиз, подшоҳзодам! Бу Оллоҳнинг буюк илтифотидур... – шивирлади мамнун Алибек кўнгирот Тўхтамиш ўғлонни

¹ Парқин – отнинг қўлтиғи (афсонавий учар етда қанот ўрнашган жой) (муалл).

узангидан ушлаб отга миндирар экан. – Бахтимизни берди! Бахтимизни берди!

– Ҳа, Ҳазрат этакларини маҳкамрок, маҳкамрок тути-нгиз! – қўллаб-қувватлади Оқ Буға баҳрин бошқа узангидан қўлини олмай. – Омадимиз мана шунда!...

– Омадимиз шунда!.. – тасдиқлади қўсанамо Ўрунғ Темур ҳам.

– Ҳа-ҳа! Омадимиз шунда. Шунда-а-а... – маъноли деди Тўхтамиш ўғлон ва узоқ-узоқларга кўз тикди.

П

Боғи Нақши жаҳон уч кун давомида меҳмонлардан бўшамади. Ноз-неъматга тўлиб-тошган дастурхонлар ёзиғ-лигича турди, не-не бўрдоки қўйлар сўйилди, майи ноблар ариқ бўлиб окди. Кониғил ўланзорига ҳам чиқиб келдилар. Амирзодалар, амирлар ва нўёнлар, аркони давлат вакиллари подшоҳзода кўнглини олиш ниятида уни бир лаҳза ҳам холи қолдирмадилар, “Меҳмон – отангдай улуғ” мақоли мақомини баланд тутдилар.

Боғи Нақши жаҳонда кўпдан бери илк марта мусика садолари янгради, шод-у хуррамлик суронлари теварак атрофга баралла эшитилди. Барчаси, оғир мусибатдан сўнғ Турон мамлакатида ҳаётнинг яна ўз йўлига тушиб, қоим¹ маромини топганлигини кўрсатаётгандай, унинг мангулик ва дахлсиз эканини, шиддатли одимларини ҳеч нарса тўхта-толмаслигини, инсон фақат барига тан бериб яшаши лозим-лигини уқдираётгандай туюларди.

Кечаётган воқеаларнинг нимасидир Умаршайх Мирзога ёқмас, шундан кўнгли хира, душманни кўра-била туриб, дўстлардай қарши олинаётганидан ичида кимдандир қойи-нардди. Кўксаройдан чиққанларидан кейин ҳам, Боғи Нақши жаҳонда ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг феъл-атвори, такаб-бурлиги, тутуми тегиб кетдими, ғаш келганини яширол-масди.

¹ Қоим (арабча) – 1) турувчи, тик турувчи, тик; 2) бор, мавжуд; 3) қўчма маънода: барқарор, муким; мустаҳкам (асарда шу маънода келган).

Амирзода назарида Тўхтамиш ўғлон очилиб-сочилиб ўлтирмади, у нимадандир норизодай эди, калондимоглик ила атрофга боқиб: “Кимлар билан ўлтирибмен ўзи? Кимларга куним қолди?..” – деяётгандай, барча иззат-икромларга ҳам беписанд қараётгандай туюлди. “Чингизхон авлоди эмиш! Нима бўпти! Ана, тутни силкитсанг, Чингизхон авлоди тўкилади. Қанчаси сарсон-саргардон юрибди, хасдан хор... Итнинг қалласини тобokka солсанг юмалабдир!..” – хаёлидан кечирди амирзода.

– Амир Соҳибқироннинг бемисл ҳимматларидан кўнгиллари тўлмадими, дейман... Подшоҳзода ёзилиб ўлтирмадилар?.. – деди Умаршайх Мирзо атай овоз қўйиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга, ўзидан уч одам нарида ипак тўшакка омонатгина чўнкайган Тўхтамиш ўғлонга кўз қирида қараб қўяркан. Амирзоданинг чехрасида мазахга ўхшаш ифода котиб қолганди.

Ажабо, неча кундан бери улар бирга базми жамшид қилишмоқда, аммо подшоҳзоданинг бирон марта ҳам мамнун-у масрур бўлиб ўлтирганини пайқамасди-да. Бошини эгганча ўйлангани ўйланган, гапга кам аралашади. Жаҳоншоҳ ибн Жоку Дашти Қипчоқ ҳақида сўраганди, минғирлаб бир-икки сўз айтди, холос.

Барини синчковлик билан кузатиб турган Жаҳоншоҳ ибн Жоку сўзга шошилди: – Ҳориганлар-да, подшоҳзодам. Сихҳатлари ҳам нодуруст, шекилли...

– Шубҳасиз, йўл эзиб ташлаган... – вазиятни анда-валашга турди Амир Сулаймоншоҳ. – Кишининг жони оғриси, ҳеч нарса ёкмайди. Ҳеч нарса! Таомдан тановул айласунлар, подшоҳзодам! Майи нобдан келтур, эй косагул!

Унинг ёқимли дўриллоқ овози хонада ҳукмрон оҳангда жаранглади.

Пойгакроқда ўлтирган Муҳаммадбек ибн Мусо билан Муҳаммад Мирак шивир-шивир суҳбатларини тўхтатишиб, даврага кулоқ сола бошладилар. Чап қўли қилич дастасига таянган Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шоҳмаликка маънодор қаради, аммо ҳеч нарса демади. Ўтган кунлар давомида даврага оқсоқоллик қилган Аббос баҳодир қипчоқ олий

фармонга кўра, куловуз ва тингчиларнинг келтираётган нохуш хабарлари нечоғлик тўғри-нотўғрилигини тафтиш қилиш учун бугун Хоразмга жўнаб кетганди.

Тўхтамиш ўғлоннинг ўнг томонида ўлтирган Алибек кўнгирот Жўжи улусининг фаросати ўткир амирларидан ҳисобланарди. У гап нохуш томонларга бурилиб кетмасин дея ташвишлана бошлади. Подшоҳзодада ҳам отаси Тўйхўжа ўғлонга ўхшаб охирини ўйламай бир юмушга қўл уриб қўйиш, бемаврид сўз айтиб юбориш одатлари борлигини яхши биларди. Буларга тоқатсизликни ҳам қўшиш мумкин, ёш-да... У Тўхтамиш ўғлон қулоғига ниманидир шивирлади, кейин гуноҳкорона жилмайганча Умаршайх Мирзога ўзича изоҳ беришга шошилди:

– Подшоҳзодамизнинг мусибатлари янги, биласиз, амирзодам... Тоғдай таянчлари падари бузрукворлари Тўйхўжа ўғлон ҳазратлари яқингинада Ўрусхон қўлида шикаст топдилар. Жудолиқ аламини асло унутолмайдилар...

– Дард оғир келди... – қўшилди Амир Ок Буға баҳрин.

– Ҳа. Ҳеч кимнинг бошига солмасун... – деди Тўхтамиш ўғлоннинг шерикларидан амир Ўрунг Темур.

Алибек кўнгирот, ҳали айтдим-ку, дегандай подшоҳзодани оҳиста туртиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон секин бош кўтарди: – Маъзур тутсунлар, амирзодам! – Умаршайх Мирзога қараб иложининг борица жилмайишга тиришди Тўхтамиш ўғлон. – Бошимиз осмонда, кўнглимиз тоғдай баланд... Амир Соҳибқироннинг ҳимматлари жаноблари сиймосида намоён бўлиб турибди...

Подшоҳзода яна кўзларини ерга тикди, хаёлида эса турфа хил ўйлар гужғон ўйнарди. У Чингизхон авлоди, дунё салтанатини барпо этган жаҳонгир авлоди! Улар эгаллаган Турон замини ҳам асли Чингизхон забтида эди-ку! Улар кимлар ўзи? Хон авлоди эмаслар, шунчаки амирлар, ювуксиз ялангоёқлар, ювундихўрлар!.. Уларга азалдан фақат амирлашкарлик, сипоҳсолорлик мерос, холос, Чингизхон авлодига хизмат қилиш улар учун шараф. Бу билдирилаётган иззат-у икромлар, базми жамшидлар ҳам бари – уларнинг вазифаси, бу ҳашамлар, Тўхтамиш ўғлонни

мехмон килишлар подшоҳзодага эмас, кўпроқ уларга керак. Шундай йўсинда чингизийларга якинлашмоқчилар, суйка-либ юриб бу гадолар одам бўлиб олмоқчилар!

Аммо подшоҳзодага шунча илтифотлар кўргизган Амир Темур Кўрагоннинг ўзлари Боғи Нақши жаҳонга бир марта ҳам қадам ранжида қилмадилар-ку! Тўхтамиш ўғлонни одам ўрнида ҳисобламадилар, шекилли... Ул зот умуман чингизийларни писанд этмайдилар.

Мана, Суюрғатмишхонни кўғирчоқдай тахтга ўтказиб қўйибдилар-ку! Унинг қўлида “хон” деган сўздан бошқа ҳеч вако йўқ. Ландавур “хон” нинг ўзи ҳам ўйламай-нетмай чингизийларга номуносиб иш қилиб ўлтирибди.

Тўхтамиш ўғлон ҳеч қачон кимларнингдир қўлида кўғирчоқ бўлмайдур, балки ҳаммасини кўғирчоқдай ўйнатадур! Ҳали шундай ўйнатсинки!.. Фақат қўлига тахт жилови тегсин! Унгача уларга ялиниб туришга, дардини ичига ютишга мажбур, мажбур... Бошқа пайтларда-ку, Умаршайх Мирзодай калондимоғ амирзодаларга кучини кўрсатиб кўярди-я! Аммо ҳозир кучсиз, ожиз, қочиб юрган ночор бир подшоҳзода, на ёнида лашкар бордир, на таркашида ўқ... Амир Темур қошига паноҳ тилаб келишининг сабаби ҳам чорасизликдан, Соҳибкирон билан “ота-ўғил” бўлиш ҳавасидан эмасдир. Асло!

“Ота” – давлат эгаси, “ўғил” – унга бўйсунувчи ҳукмдор... Бу салтанатлар сиёсатидаги нозик нукталардан бири. Бундай қадам буюк Чингизхон авлоди шаънига тушган доғдир. Тўхтамиш ўғлон асло буни истамайди! Ҳозир унга куч керак, лашкар керак! Чўкаётган илонни ушлар эмиш. Нафас ростлаш учун лозим бўлса, ғанимга ялиниб-ёлвориш, пойини ўпиш даркор, сабр-токат этагини тутиш, чидаш лозим, чидаш!.. Ахир Амир Темурнинг ўзи ҳам бир пайтлар Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг олдига ана шундок юкунуб борган эди-ку! Кам бўлгани йўқ.

Умаршайх Мирзо подшоҳзода сўзларининг нечоғлик самимий эканини билиш ниятида Тўхтамиш ўғлон кўзларини кидирди, лекин фақат эгилган бошни кўрди, холос. Оқ Буга баҳрин Тўхтамиш ўғлон кулоғига ниманидир шивир-



ларди.

Шу пайт мулозим, Хумоюн ўрдудан чопар қадами етганидан хабар берди. Барча сергакланди. Амир Темурнинг энг яқин мулозими Муҳаммад Чуроға додхоҳ Боғи Нақши жаҳоннинг меҳмонлар хонасига тантановор кириб келди-да, сўзларига залвар жойлашга тиришиб, бундай деди:

– Хумоюн ўрдудан кутлуғ фармон етди! Подшоҳзода Тўхтамиш ўғлонга Ўтрор ва Саброн вилоятлари тақдим этилгай! Унга зафарнишон лашкар, аскарларга тағор ва укалко¹, отларга улуфа ажратилгай! Фармонда лашкарнинг мақбул соатда ўз вилоятига йўл олмоғи битилмишдур... Муборак бўлсун, подшоҳзодам!

Унинг йўғон овози хонани тўлдиргандай туюлди.

Меҳмонхонани қийқириклар тутди.

– Муборак бўлсун! – кутлади Амир Сулаймоншоҳ.

– Кутлуғ бўлсун! – қўшилди Жаҳоншоҳ ибн Жоку.

Умаршайх Мирзодан бошқа барча подшоҳзодани муборакбод этишга шошилди.

Алибек кўнғирот барқ мисоли олий фармоннинг ўз вақтида етиб келганидан қувониб қарсак чалиб юборди. Оқ Буға баҳрин ҳам, Ўрунг Темур ҳам, Муҳаммад Мирак ва бошқалар ҳам Тўхтамиш ўғлоннинг бахти очилгани, Оллоҳнинг бемисл илтифотига ноил бўлганидан мамнун сўзладилар.

Ҳалитдан бери ерга қараб ўтирган Тўхтамиш ўғлон бошини кўтарди. Умаршайх Мирзо аник кўрди: бу, бояги подшоҳзода эмас, мутлақо бошқа одам эди! Подшоҳзода мамнунлигини яширмас, тиниқ юзларига табассум ёйилган, ёрқин кўзлари аллақандай умиддан чакнаб ёнарди! Чиндан ҳам, Тўйхўжа ўғлон фарзанди худди ана шу фармонни кутиб турган экан! У тезроқ бобо юрти Дашти Қипчоққа қайтишни, отасининг қотили Ўрусхон билан яхшилаб ҳисоблашиб қўйишни истар, каттиқ алам ўчи бутун вужудини куйдириб, ёндириб кул қилмоққа шай эди. Шу вазданми, еган-ичгани ичига тушмас, шоҳона базми жамшид ҳам татимасди. Амир

¹ Тағор ва укалко – тағор – лашкар учун овқат; укалко – аскарларга бериладиган пул-инъом (муалл).

Темур Кўрагондан шитоб қўшин олса-ю, каттол-у баттол ёғийлари томон ўкдай елса!.. Бало-казодай бостириб борса, саваш курса, мўр-малахдай қирса, яна қирса!.. Ўрусхоннинг тахтини қўлга киритсин, бас, у ёғини ўзи билади...

Тўхтамиш ўғлон шарт ўрнидан туриб, таъзим қилганча Муҳаммад Чуроға додхоҳ қўлидан кутлуғ фармонни олди ва азизлаб кўзларига суртди.

Сўнг Умаршайх Мирзога қараб деди:

– Амирзодам, Амир Темур Кўрагон ҳазратларининг олий ҳимматлари шунчалар улуғ эканки, уларни мақтамок кундузни кундуз дегандек бир сўздир! Кўра-била туриб тоғнинг тоғлигидан, баланд эканлигидан шубҳаланиш мумкинму? Асло! Амир Соҳибкироннинг умрлари узун, давлатлари зиёда, саодатлари боқий бўлсун! Беадад яхшиликларини қайтариш учун ҳамиша бир жоним омода! Мендан қайтмаса, худодан қайтгай! Ҳазратга фарзанд, сизга оға-ини мақомида от суражакман Дашти Қипчок томонларда, амирзодам!..

Умаршайх Мирзо хиёл бош эгиб қўйди-ю жавоб қайтармади, унинг ёқимсиз ингичка овози ғашига тегди. Ажабо, шунча тухфа-ю инъомлар, сийловлар, Хонўғлондай дулдул, – гапнинг очиғи, амирзода ҳам бу отни жуда ёқтирарди, аммо бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга бир нима деган эмас, – дабдабали базми жамшидларга эътиборсиздай қараган подшоҳзода нега Ўтрор билан Сабронни тақдим этилиши, айникса зафарнишон қўшин берилиши ҳақидаги фармон ўқилганда беҳад хурсанд бўлиб кетди? Ўтрор-у Саброн ва қўшин ҳам юкоридагидек инъом-у ҳадяларга кирмайдирму? Унга нима керак эди ўзи? Тухфа-ю инъомлар зарурмиди ёки ёлғиз юрт-у қўшин, бошқача айтганда, куч-қудрат керакмиди?.. Бу ёғи амирзодага қоронғи қолди.

Кувончдан ўзини осмонда сезиб, темирни кизигида бос, ақидасини тутган Тўхтамиш ўғлон ҳали қиш эканлигига қарамай, олдинда баҳор турибди-ку, деган умидда Сабронга йўл олди.

ТУҚЎЗИНЧИ БОБ

I

Шохона безатилган Боғи Баланд меҳмонхонаси одатда-гидек шинам, осойишта... Самарқанд каттиқ совуқлари билан азалдан машхур эди. Қишининг ҳақи қолмаган бўлса ҳам ҳали сочбоғини йиғиштириб олишга улгурмаган – ташкарида қора совуқ изиллар, гоҳ-гоҳда қор учкунлаб қўяр, унда-бунда идраган қор парчалари кўзга ташланарди.

Ўрик чўғи солинган, бозиллаган танчага оёғини кири-тиб шоҳи кўрпага ўраниб ўлтирган Соҳибқирон деразага тикилганча узок ҳаёлларга чўмди...

Паноҳ истаб келган Тўхтамиш ўғлон сабаб худди Жаҳонгир Мирзони кўргандай бўлди. Худога шукр. Иккинчи томондан, уни кўпдан ташвишлантираётган нарсаси – мамлакат шимолидаги Жета ва Дашти Қипчокка боғлиқ муаммолар ҳал қилинган ҳисоб. Ҳа, Соҳибқирон, чамаси, бунинг чорасини топди, сопини ўзидан чиқарди... Бас, энди у ёқларга бориб ҳам юрмайди, ҳаммасини ўғли Тўхтамиш ўғлоннинг ўзи тинчитади, Жўжи улуси тахтини ҳам эгаллайди, Қамариддин, Анко Тўра сингари муртадлар ҳам ўз оёғидан йитадилар, икир-чикирларга тўла жанжалларга асло ўрин қолмайди, фақат Амир Соҳибқирон вақтида йўллаб, кенгашлар бериб, “ҳа-ҳа!” деб турса бас. Шундан кейин у мамлакат ободончилиги билан бемалол шуғуллана олади. Тўғри, кўнглида, Тўхтамиш ўғлон беоқибат чиқмас-микин, деган шубҳа ҳам яширинган, лекин унга қулоқ солишни истамайди... Танчага кўк дафтари қўйиб алланималарнидир ёзаётган хос мунший Мавлоно Убайд гоҳ ёнидаги жузвдонни титкилар, гоҳ рисоалардан бирини олиб варақлашга тушарди.

Соҳибқирон ўйлаб қараса, Самарқанд тарихидан унча-мунча бохабар экан, билмайман деса адолатдан бўлмас... Самарқанд эли пок мазҳаб, тамом сунний, расули акрам, ҳазрат рисолатпаноҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам замонларидан бери бу заминда машхури офоқ имомлар, дин пешволари кун кечирганлар. “Саҳиҳи Бухорий” соҳиби

Хожа Исмоил Бухорий, Шайх Абу Мансур, Шайх Бурҳониддин... Хожа қабрлари Хартангда, икки марғуб шайх хоки турбатлари шаҳардаги Чокардиза қабристонида.

Хайр-у саховат соҳибалари бўлган эгачи Қутлуғ Туркон оқа билан малика Сароймулкхоним бу табаррук жойларда хонақоҳлар қуришмоқда, қабрларини обод этишмоқда, барчасининг савоби чексиздир. Ҳаммасидан Соҳибқироннинг хабари бор, уларнинг шундай ниятларини маъқуллади, ҳатто ўзи қўллади ҳам. Қурилаётган иморатлар ҳазинадан эмас, ҳар кимнинг ўз ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилганди. Айниқса, амирзодалар ва маликалар, хонимлар ва оғалар бири-биридан улги олиб мамлакатнинг турли депараларида – кимдир мадраса, кимдир хонақоҳ, работ, кўприк, йўл ва ҳоказо, хуллас, кучи етганча – қуриш ёки таъмирлаш билан шуғулланишарди.

Холисанилло айтганда, бунёдкорликка ҳавас салтанатда урф даражасига кўтарилган, қутлуғ удумга айланганди. Ҳатто Амир Темурнинг ўзи ҳали юрт бошига келишдан хийла муқаддам амирлардан бири рутбасида юрган чоғидаёқ Қарши қалъаси деворини тиклатганини эслади. Чунки у “экаман-тикаман” деган халқнинг боласи-да. Ўшанда ҳам мана шундоқ қиш фасли эди.

– Валлоҳи аълам биссавоб... – бирдан ўртадаги жимликни бузди Мавлоно Убайд ҳамиша кулиб турадиган қисик кўзларини Соҳибқиронга тикиб. – Маъзур тутгайлар, Самарқанди фирдавсмонанд тарихидан сўраган эрдилар...

– Сўрагон эрдим...

– Камина дабдурустан жавоб тополмай хижолат тортгандим, Амир Соҳибқирон. Энди ижозат берсалар...

– Ижозат берилур! Самарқанд тарихидан тузукрок билимимиз йўқ-да... – тан олиб деди Соҳибқирон. – Кўп нарсани билгимиз келадуру. Сўйласунлар.

– Қўллуқ... Мўтабар шаҳримиз бешинчи иклимдандур. Шаҳарнинг бошидан кўп савдолар ўтган, Амир Соҳибқирон, сўзланса узоқ вақт лозим бўлур. Мухтасар¹ қилурман. Унинг аталиши ҳақида шундай ривоят юради. Самарқанд

¹ Мухтасар (арабча) – қисқа, лўнда, қалта.

“Самаркент” сўзининг арабча кўринишидур, Самар кишлоғи маъносини беради. Самар – турк хонларидан бировининг исми, бу кишлокни ул зот жуда қадим замонда барпо айлаган экан. “Тарихи Табарий” китобида ҳам битилибдурки, Самар отлиқ қудратли хон ушбу шаҳарнинг тамал тошини кўйибдур, энг аввал “қанд” деган турк аймағи бунда ўрнашибдур ва инчунин шаҳар “Самарқанд” аталибдур...

– “Тарихи Табарий” да шундоқ ёзилғонму?..

– Шундоқ ёзилган, Амир Соҳибқирон! Сўнг турк подшоси Афросиёб, яъни Алп Эр Тўнга пойтахти бўлган. Искандар Зулқарнайн шаҳарни қўлга киритгач, Сўғдиёна пойтахтига айлантирган, деворини тиклаган, рисоаларда “Девори қиёмат” номида машҳур. Жанубий девори “Девори кўндаланг” деб аталмиш... Шаҳар ташида, Навбоғда араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим бир ҳовуз қаздирибдур. Олти юз йиллар муқаддам шаҳримизда биринчи масжид бино этилган, Ҳазрати Хизр масжиди. Кўк мачит деб ҳам атарлар. Дейдиларки, кимки қирк душанбани бир-бирига улаштириб шу масжидда намоз ўкуса, Хизр алайҳиссаломни кўрар эрмиш. Чингизхон босқинида шаҳар харобага айланибдур, ўрнида култепалар қолибдур. Валлоҳи аълам биссаваб.

– Ҳов анови куни Боғи Нақши жаҳонга йўлим тушғонди, – деди ўйланиб Амир Темур. – Шимол ёқдаги баланд адирлар, демак, адир эмас эски Самарқанддан ёдгор тепалар экан-да?

– Шундоқ, ҳазратим! Ўша адирлар эски Самарқандимиздур. Яна. Мотурид кишлоғида Шайх Абу Мансур боғчасида бир дарахт ўсармиш, “лисон ул-асфур”, яъни “чумчук тили” отлиғ. Самарқанд ажойиботларидан бири дейдилар. Меваси чумчук тилига ўхшармиш, шифобахшлигидан кўп дорулар анинг бирлан тайёрланармиш... – Қиссахон тин олди. – Аслан, Самарқанд бағоят гўзал кент саналган. Мавлоно Истахрийнинг бундан тўрт юз йиллар муқаддам ёзган китобини мутолаа қилдим ва иқтибос ҳам айлаган эрдим... Фикри ожизимча, дейди у, Самарқанд Оллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридур...

– Сайёҳ-у муаррих Ал-Истахрийму? Қани, нималар битғон экан, билайлик-чи... – Амир Темур Мавлоно Убайдга тикилди.

Мамнун киссахон шитоблик билан жуздонидан бир саҳифа коғоз олди ва ўқий бошлади:

“... Самарқанд зикр этганимиз барча диёрлар-у масканларнинг энг аълосидур. Хушманзара шаҳар бағоят файзиёбдур. Якинида чанги кўкиб ётган чўллар, қуп-қурук қоя-тоши ялтираб турган тоғлар йўк. Сўғд дарёсининг икки қирғоғида кўм-кўк дарахтлар, марза-экинзорлар бисёрдур. Баланд адир қифтига чиқиб назар солгандим, кўзим ям-яшил боғларга кўмилган шаҳарга тушди. Маҳобати шундайки, кўкаламзорлар-у боғлар орасидан нақ саккиз кун йўл юрасан. Ҳамиша сувлари лиммо-лим ариқлар билан ўралган боғлар яшнаб ётадур. Боғлар шаҳардан тошиб ён қишлоқларга чиқиб кетгани жуда ғаройиб.. Ҳамма жойда боғлар, оқар сувли ариқлар... Боғлар кетидан боғлар...”

– Боғлар кетидан боғлар... эрканму? – бирдан ҳайратлангандек сўради Амир Темур. – Боғлар кетидан боғлар... денг?

Соҳибқирон азалдан боғларни яхши кўрар, қаерга борса албатта янги-янги гуллар уруғини топтирар, Самарқандга қайтганда боғларга эктиришни буюрарди. Боғи Чинор билан Боғи Нақши жаҳонда ана шундай гуллар ҳар йили баҳорда чаман-чотир очилиб турфа бўйлар таратади. Болалигида гулларга кўп ўралашганидан, онаизори Тегина Хотун: “Боғбон бўласен, шекилли, ўғлим!..” деб кўярди. Ҳа, у боғбонликка иштиёкмандлигини яширмасди, лекин тақдир унинг пешонасига “Туронзамин” деган боғ яратмокни битганлигини, албатта, билмасди.

– Ал-Истахрийнинг китобини каминага келтирсунлар, мавлоно. Аввал ҳам эшитғон эрдим, ўқимак даркор...

– Бош устига, Амир Соҳибқирон!

Мавлоно Убайд патак соқолини силаркан, Турон султонининг яна деразадан ташқарига узоқ тикилиб қолганини ва унда сўз айтиш ҳаваси уйғона ётганини пайқади.

Одатда, салтанат юмушлари, қўшни мамлакатлардаги вазият, қўшин каби ҳоказо муаммолар ҳақида гапиришдан олдин Соҳибкиронда шундай ҳолатлар юз беришини қиссахон кўп кузатган. Истахрийнинг сўзлари Амир Темур қалбининг каерларигадир тегиб кетганлиги аниқ эди.

– Боғлар кетидан боғлар... денг. Мавлоно Истахрий адолатли баҳони раво кўрибдур. Боғлар – Оллоҳнинг мўъжизаси... – деди у деразадан кўзини оларкан. – Чиндан-да, юртимиз Оллоҳ мамлакатларининг энг унумдор еридур. Рубъи маскуннинг¹ ҳам қоқ ўртасида жойлашғон, хатти устивога² яқиндур. Бас, Самарқандимиз дунёнинг энг обод ва кўркам шахрига айлангувсидур! Жаҳон шаҳарларини унинг атрофига маржондай тизиб кўйгумиздур ҳали! Пойтахт теварагида Самарқандга тумор янглиғ безак ва қувват бўлғулик шаҳарлар курғойбиз, Миср, Дамашк, Бағдод, Шероз, Султония деб атағойбиз, улар юлдузлар бўлсалар, Самарқанд куёшдек жамол кўргизадур! Самарқандда шундай боғлар барпо этайликки, қарагонлар ҳайратдан ёқа тутсунлар. Ҳар шаҳарда мухташам иморатлар, масжиди жомеълар қад кўтаргай... – Соҳибкирон ўйга чўмди. – Бизнинг қудратимизга шубҳа қилғонлар бунёд этгон биноларимизга боқсунлар! Яшнағон боғларимизга назар солсунлар!.

– Ё раббий! Шубҳалангувчилар ҳам борму, Амир Соҳибкирон?

Қиссахон шундай дер экан, кўк дафтарга тинимсиз нималарнидир ёзарди. Амир Темур кўпдан юрагида йиғилган гапларини айтишга пайт пойлаб юрган ва ниҳоят имкон топилиб, фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган кишидай фавқулодда завқ-у шижоат билан сўзни давом этдирди:

– Битта-яримта чиқмоғи равшандур, мавлоно. Инсон зотида қуфрони неъмат³ ила ношукрлик балосидан ёмонроқ иллат топилмас. Ўз саодатининг юзини тирнашдан тоймагон

¹ Рубъи маскун (арабча) – рубъи – тўртдан бир қорак; маскун – аҳоли жойлашган, одам яшайдиган) – Ер шари юзасининг одам яшайдиган қисми.

² Хатти устиво – экватор чизиғи (муалл).

³ Қуфрон (арабча) – кофирлик; қўрнамақлик. Қуфрони неъмат – неъмат қадрини билмаслик; қўрнамақлик.

бадбахтлар йўқ дейсизму? Узини билмай садокат-у ихлосдан дам урадиғонлар-чи? Кофир бор, фосиқ бор, ёмон бор, тубан бор, нокас-у нотавон бор... Ва улар қудратимизни кўриб, Амир Темурнинг кучи қиличида, деб боғимизга тош отғайлар, камситишдан ҳам тоймағайлар. Ҳа!.. Билсунларким, бизнинг қудратимиз қиличимизда эрмас! Шундай деганлар, давлат ишларининг ўндан тўққизини кенгашга юклағонимизни билмайдурларму? Билурлар, фақат ўзларини ғофилликка солурлар. Огоҳ бўлсунларким, бизнинг қудратимиз – Оллоҳ каломини кўнглимизга жойлағонимизда, кишига эзгулик тилағон хуш феълимизда, майли иморату хайр-у эҳсонни дил-дилдан эъзозлағонимизда! Киндик қони тўкилғон ерни азиз тутғонимизда! Ҳуббул Ватани минал иймон! Бизнинг қудратимиз – умр деган савдонинг меъморликдан иборат эрконини теран англағонимизда, тер тўкишни ардоқлағонимиз ва гўзалликка мафтун бўлғонимизда, зийнат-у равнақ мамлакатига ишонч-у иймонни безакдай тақиб кўйғонимизда!..

– Офарин, Ҳазратим! Офарин!.. Офарин!..

Кўп йиллар Амир Темурга ҳамнафас Мавлоно Убайд ҳозир уни биринчи марта кўриб тургандай хайрон қолди! Куюқ қошлар чимирилган, катта-катта кўзлар чакнаган, ана, кенг пешонада битта-ярим терлар ҳам кўринди. Қирчиллама ёшга кирган Соҳибқироннинг шижоати фавқулодда жунбушга келган, мисли йўқ қудрат ўзини намоён этмоққа шайланганди...

“Бунинг бари пири муршиднинг Андхойдан юборган муборак мактублари таъсиридур.”, – деб ўйлади қиссаҳон. Амир Темур ёнбошлаган жойидан туриб, бўлмада у ёқдан бу ёққа юрар, борлиғини фавқулодда бир ҳаяжон чулғаб ташлаганди...

Соҳибқироннинг фикри шиддатли эди; у тезроқ янги боғлар барпо қилишга киришиш лозим, деб ҳисоблади ва бу нозик юмушни Амир Сайфиддин неқўзга юклашга қарор берди. Боғларнинг тарҳини чизишда муҳандисларга Соҳибқироннинг ўзи бош-қош бўлади, қасрларнинг бўй-басти, чорчаманлар шакл-шамойили, дарахтларнинг ўтказилиши,

гуллар экилиши, йўлкалар солиниши йўсинлари, ҳатто дарвозалар нақшлари қанақа бўлишигача – барча-барчаси, албатта, ўзининг назоратида кечади.

Амир Темурнинг бўлмадан ташқарига чикиб турган ўктам овозини эшитган мулозим ичкарига мўралади:

– Маматни чорла! – буюрди Амир Темур нимадир эсига тушгандай.

Кўп ўтмай остонада Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўринди.

– Самарқанд атрофида боғлар шодасини барпо этгай-биз! Бизнинг боғларимиз ўзгача бўлгай! Семирамида боғларини биласенму? Ўша Бобилдаги осма боғлар улар олдида ип эшолмай қолсун!..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибкироннинг ёш боладай хурсандлигидан ҳайратда Мавлоно Убайдга қаради, кейин деди:

– Улуғ савоб иш, Оллоҳга ёқадурган иш, жоним сизга қурбон Амир Соҳибкирон!

– Амир Сайфиддин некўзга боғлар мутасаддилигини тобшурсак, не дейсен?.. У бундай юмушларда жуда зийрак, фаросати ўткир инсон. Ўзим боғлар ўрнини белгилаб берамен. Зудлик бирлан Амир Сайфиддин некўзни бу ёнга чорла!

– Айни муддаодур, лекин...

– Хўш?..

– Амир Сайфиддин некўз жаноблари... ҳаж сафаридалар-ку. Ўзим ҳам ҳузурингизга шошилмакда эдим...

– Э... Тагин ёдимдан кўтарилибдур... – деди хижолат Амир Темур. – Некўз жаноблари сафардалар! Назаримда, кетмагондай. Доим ёнимда юргондай. Ҳамиша қадри ўтадир...

Амир Сайфиддин некўз Соҳибкироннинг энг кадрдон, сидқ-у ихлос камарини белига қаттиқ боғлаган оқибатли дўстларидан ҳисобланарди. Сеистонда ўнг оёғига ўқ текканда Амир Жоку барлос билан шу дўсти унинг ёнида эдилар, улар бўлмаганда, эҳтимол, Соҳибкирон ўша ерда ёғий қўлига тушиб қолармиди. Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оқага уйланганда, шу дўсти куёвжўралик

килган. Мохонда Амир Ҳусайн иккиси асир тушиб, Алибек Арғуншоҳ туркман қўлида бургаси кўп бир коронғи хонада камалиб ётдилар. Бунни эшитган Тус ва Абивард шаҳарлари ҳукмдори Соҳибқироннинг эски дўсти Муҳаммадбек туркман иниси Алибекка дашномлар берди, уларни тезликда ҳибсдан чиқаришни тайинлаб, совға-ю ҳадялар юборди. Аммо Алибек мурувватсизлик кўрсатди – озод этди-ю орик от ва озғин туядан бошқа ҳеч нарса раво кўрмади.

Ўшанда Амир Ҳусайн билан хайр-хўшлашгач, хийла йўл босдилар ва Жайхунга етдилар. Офтоб тиккага келган, кун бағоят иссиқ, ер-у жаҳонни ковуриб ёндиради. Соҳибқирон эслай олмайди. Қайсидир бир китобда ўхшаш жазирама иссиқ таърифини ўқиганди. Ўшанда ёзилишича, ҳарорат шундай баланд эканки, дарё ичидаги балиқни, кон қаъридаги лаълни, устихон ичидаги илиқни куйдирар, қинда турган қилични мумдек эритар экан... Шу алпозда тўқайга чекиниб, қамишлар соясида бир ой жон сақладилар. Дарёдан шундоқ ўтишса, Қаршигача бир кунлик йўл, холос...

Бирок қутилмаганда кунботарда бир тўда душман қораси кўринди. Қолмоқ хатарли... Ҳамма Жайхунга юз бурди. Ўлжой Туркон оқа ҳам Соҳибқиронга эргашиб дарёга от солди! Ўшанда Ўлжой Туркон окани муҳофаза қилиб келган ҳам Амир Сайфиддин некўз эди...

Йиллар ўтиб қанча сувлар оқиб кетди, бу нозик дидли, чиройли юзли, ҳамиша сокол-мўйлаби бир текис қирқилган, хушбичим дўсти сажиясида¹ бирон нохуш ўзгариш рўй берганини пайкаган эмас.

– Амир Сайфиддин некўз жанобларини эслаганингиз бежиз эмас, шекилли... Худонинг ўзи кўнглингизга солибдида... – маъноли қаради Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Амир Темур таажжубланганча мулозимга қаради:

– Нечун ундай деётирсен?..

– Худо – пошшо эгам, деганлар, Амир Соҳибқирон... – давом этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Амир Сайфиддин

¹ Сажия (арабча) – туғма сифат, хусусият; хулқ, табиат. Бу ерда характер маъносидида келган.

некўз жаноблари Шероздан чопар йўллабдилар, Лўлахожа отлик.

– Халлоки безаволга салламно!.. Чопар дегин? – қувончу хайратда сўради Амир Темур. – Кўпдан кутар эрдим...

– Ўзи гунг-соқов экан... Ғўлдираб узук-юлук гапира олади, лекин гапни тушунади. Бирдан равон гапириб ҳам юборади. Қийинчилик билан айтган сўзларидан Амир Сайфиддин некўз элчиси эканини билдик. Мактуб ҳам кўлида...

Мухаммад Чуроға додхоҳ турли тоифадаги, бир карашда қаланғи-қасанғидай, аммо аслида зехни тоза оқил одамларнинг Соҳибкирон олдига тез-тез ташриф буюришларини яхши биларди ва доим ўзи бошлаб кирарди. Улар салтанатнинг олис-яқиндаги “қулоқ” лари эдилар.

Одатда, Соҳибкирон ҳузурида Мавлоно Убайд кўлида қалам-дафтар тутганча шай турар, ўзга эллар ҳақидаги турфа янгиликларни, мамлакатлар, тоғлар, дара-водий йўллари, боди-ю саҳро, сойлар-у дарёлар, кудук ва булоқлар, оби-ҳаво, марза-ю экинзорлар, чорва, боғ-роғ, мадраса-ю масжидлар, шароит, раоё ва бароё, улус ҳамда қўшни музофотлар борасидаги маълумотларни, жуғрофий рақамларни бир-бир ёзиб оларди. Кейин Соҳибкирон барини амир ул-умаро Амир Жоку барлос, Амир Сайфидин некўз, Амир Довуд дуғлат, вазири аъзам, шайхулислом, қозикалон ва яна лозим топилган умаро вакиллари йиғиб синчиклаб таҳлил этар, оқибатда сиёсий мақомлар, салтанатнинг ҳозирги аҳволи, ҳарбий юришлар йўсини, ҳар бир босилажак қадамнинг фойда-зиёни ҳақида машваратлар ўтказарди.

Шу сабабдан ҳам Мухаммад Чуроға додхоҳ Амир Сайфиддин некўз элчисининг гунг-соқов эканини табиий деб билди, чунки ўхшаш кишиларнинг аксарияти ё кар, ё кўр, гунг-соқов, мункуллаб қолган чол ёки гапи оғзидан тушиб кетадиган кампир, эс-вос қаландар, тасқара-ю таъвия дарвиш, яъни бировда ҳеч шубҳа уйғотмайдиган “бир қайнови ичида” одамлар киёфасида бўлар эдилар-да.

– Ие!.. Гунг-соқов чопарни энди кўришим. Кўп галати...

Соҳибкирон ҳайрон қолди-ю ортиқча эътибор бермади, унинг учун чопарни дўсти юборгани муҳим эди. Хийладан бери Амир Сайфиддин неқўздан хабар кутарди. Сеистон, Қандаҳор, Хуросон, Журжон, Мозандарон, Форс, Ирок, Шом, Ширвон... Бу мамлакатларда олам вазияти нечук даражада?.. У томонлардан Турон мамлакатига таҳдид ҳаракатлари йўқми? Баридан хабар олмоқ даркор. Шундай юмушлар билан шуғулланадиган хос идора хизмати бағоят суст, тинғчи, куловуз ва айғокчилар, хабаргирларни яхшироқ ишга солмоқ жоиз. Бусиз ҳеч қандай салтанат олға қадам босолмайди...

Соҳибкирон аста кўринишхона томон йўналди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ, тез чопарни олиб кир, дейдилар, деб кутиб турганди, бироқ мутлақо бошқа фармонни эшитиб танг қолди:

– Мубашшир баҳодирни буюр!

Мавлоно Убайд кўк дафтарга ёзаркан, бу жонининг роҳатини билмаган яримжон одамнинг шунчалар ўзини ўтга-чўкка уриши сабабларини ҳеч тушунолмасди. Бир ой ўтдими, икки ой, Аббос баҳодир кипчоқни Хоразмга дарвиш макомида куловузликка жўнатди. Амир Сайфиддин неқўз ҳаж сафарига кетган, яна кимдир қаёққадир юборилган... Вилоятларда пинҳона кезиб юрадиган вакиллар ҳар уч ойда келишиб Соҳибкиронга учрашиб кетадилар. Сарҳадларда қоровуллар ҳамиша уйғок, кун ора хабарлар етиб туради. Ора-орада хорижий мамлакатлардан ташриф буюрадиган элчиларни ҳам айтиб ўтиш керак. Барини “Вокеалар дафтари”га битиб боради.

Бошқа томондан, Ҳумоюн ўрду, эғачи-сингиллар, ҳарам, хонимлар ва оғалар, фарзандлар-у набиралар ташвиши... Исмат пардасидаги қизлари Оқа бегим билан Султон Бахт бегимларни тенгини топиб эгаларига узатиш керак. Яқинда Умаршайх Мирзони, раҳматли Амир Муайяд арлотнинг ўғли Мирзо Алибекни уйлаб қўйдилар, тул ўтирган синглиси Ширин биканинг кўнгли чўкиб қолмасин ахир. Аслида, фарзандлар ташвишини чекиш Соҳибкироннинг жони-дили. Айниқса, уларнинг тўйларини ўтказиш унга

бамисли хайитдек фараҳли. Қайси бирининг бўйи етиб қолди экан, деб кўз ташлаб, пойлаб юради. Ишқилиб, тиним йўк...

Хос мунший фикри ожизича, якин тўрт-беш қарн¹ ичида ҳеч бир турк ўғлони бундай шон-у шавкатга ва иззат-у икромга эришмаган... Ҳозирги мартабаларига ҳам бировнинг нафаси етмоғи гумон. Бевафо умрнинг гаштини суриб, маҳлиқолар даврасида офтобдай балқиб, беш кунлик ўтар дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку... Бундай ўз жонини ҳам бироз ўйласин ахир?.. Мавлоно Убайд буни Амир Соҳибқиронга ачиниб-куюнганидан дейди-да. Лозим фурсатда, у ўз мулоҳазаларини ҳазратга албатта айтишни кўнглига туғиб қўйди.

Додхоҳ билан Мубашшир баҳодир қирганларида хос мунший кўк дафтарга нималарнидир ёзар, Соҳибқирон оёқларининг чигилини ёзгани қўлларини орқасига қилиб кўринишхонада оҳиста кезиб юрарди, оҳиста келиб тахтга ўтирди. Мубашшир баҳодир деганимиз ўрта бўйли, чайир, кўзлари тийрак, қулоқлари катта-катта, аммо шалпангқулоқ дейилса, таъриф бироз ошиб кетадигандай ўттиз бешлардаги жасур йигит эди. Шу важдан қулоқчинни каттароғидан танлар, саллани қалинроқ ўрарди. Иягининг учидаги кичкина қора соқоли ва текис қирқилган мўйлаби бежирим кўри-нарди. Мубашшир баҳодир ҳам Муҳаммад Чуроға додхоҳ сингари Амир Тарағай хонадонида ўсган, Соҳибқироннинг ишонган баҳодирларидан ҳисобланади.

Мубашшир баҳодир шитоб келиб улуғ амирни тавоф этди. Шундан сўнг Амир Сайфиддин чопарини чақирсунлар, деган амр вожиб бўлди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ икки ясовул кузатувида пакана бўйли, бошига қора барра тақия кийган, эгнига енги узун қора пашмина ташлаган, кўзлари тигда очилгандай кичкина, юзларини малларанг соқол-мўйлов босган Лўла-хожа деган одамни бошлаб кирди. У совукда қунишиб қолганидан бошини ичига тортган типратиканга ўхшарди

¹ Қарн – аср. Алишер Навоий замонида, қарн ўттиз йил маъносида ҳам тушунилган. Бу ерда биринчи маънода (муалл.).

бир карашда. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кузатувида Лўла-хожа эгилиб-букилганча тўрда турган Соҳибқиронга таъзимга борди ва пойини ўлиб, сўнг ерга караганча енг ичидаги ўроғлиқ заррин қоғозни Амир Темурга узатди-да, оркага чекинди.

Улуғ амир мамнун мактубни Мавлоно Убайдга тутди:
– Ўқусунлар, мавлоно!

Бундай найча мактубларни очишга уста қиссахон дар-хол нома ипини ечди, муҳр Амир Сайфиддин неқўзники эди, Мавлоно Убайд уни яхши танийди, сўнг шошилмай ўқий бошлади:

“Ассаломуалайкум, етти иқлим Соҳибқирони, подшоҳ-лар-у султонлар жаҳонгири, иймон-у ишонч йўлининг қибла-си-ю қутб ул-кироми¹! Мусофирлик китобидан аччиқ сабоқлар олишда илгорлик кўрстаётган, ҳеч қачон ўзлари-дан бунчалар йироқ тушмаган, Туронзамин йўлида кўзлари нигорон содиқ қўлингиздурман...

Алқисса. Аввал бошдан дарвеш сиёғида кўчалар-у гузар-лар-у бозорларга назар солдим, гапларни қулоққа қўйдим. Сўнг эғнимдаги жандамни ўзгартириб, ўшал жой ҳукмдори саройига бордим ва ҳажга кетаётганимни айтиб, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон салтанати элчиси сифатида ҳар бирига иноқлик ва биродарлик борасиндаги муборак мактуб-ларини тобишурдум...

Хуросон заминидида куртлар сулоласидан Малик Ғиёсиддин комронлик курсисидида ўлтирмиш, Гургонда Тоға Темур-лилар сулоласи вакили Амир Вали, Кирмон ва Исфаҳон музофотларини ҳам қамровга олгон музаффарийлар суло-ласидан Шоҳ Шўжсоъ Шерозда салтанат тугини кўтар-мишлар, Сабзавор шаҳрида Хожжа Али Муайяд сарбадорий давлат идорасида банддурлар ва ҳеч бири, чамамда, кучли ҳукмдорлар сирасига кирмағай... Аммо бирлашсалар катта кучга айланурлар. Улар орасинда чигалликлар ҳам бисёрдур, фаҳмимча, иноқликка томон юришга рағйлари йўқдай. Бу ҳукмдорларнинг раоёга ва бароёга зулмлари чегара билмас

¹ Киром (арабча) – қарамли, саховатли, буюк (кишилар).

экан. Зулмни туг этибдурлар. Уларга балки ишонч бўлмагай...

Алқисса. Ферузқўх, Ардабил, Бўружард, Табриз, Султония, Хуррамобод, Кичик Лур, Домгон, Журжонга бордум. Хирот яқинидаги Фўшанж қалъаси аҳли йўлтўсарлар тоифасидан экан, мўмин-мусулмонларга тинчликни раво қўрмайдурлар. Карвонимиз улар тарафиндан хийла азиятлар чекди... Хуррамободда қароқчилар ин қуриб олишгон, юмушлари ёлғиз горату горат, ҳожиларга босқин-у озор беришдан иборатдур. Хўш... Ул муфсид¹ жамоалар илдинини қирқмак, балки, лозимдур...

Бошдан кечирганимларимни баён этиш имкони йўқдур, қогоз саҳифалари етмас. Барчасини хотира саҳфасига битмишман, иншоолло, дийдорлашганимизда нақл қилинур.

Аммо баъд... Чаҳоршанбаи муродбахш, илло, тонг-эрта карвонимиз Шероздан Маккаи мукаррамага йўлга чиққусидур.

Оллоҳ паноҳида жумла мўъмин-мусулмонлар қаторида тўрт мучаси соғ-саломат юрган аддои қўлингиз..."

Номада битилган жойлар Амир Темур кўз ўнгидан бир-бир ўтди. У ҳали бу жойларга боролгани йўқ. Бу ликиллок замонда дунёдан бохабар бўлган подшонинггина ошиғи олчидир. Бунга Соҳибқироннинг имони комил. Пири муршид ҳам ўз мактубида шу ҳақда ёзган эдилар. Бас, мамлакат ва раёият вазири қошидаги хабаргирлик шўъбасига Мубашшир баходир сардор этиб тайинланади... Кўпдан шу ҳақда ўйлаб юрганди, Амир Сайфиддин неқўз мактубидан кейин бу фикр яна ҳам қатъийлашди. Шўъба деб аталса ҳам, елкасидаги юки вазирликниқидан кам эмас, балки ортиқрокдир.

– Мубашшир баходир! Хуросон, Эрон ёқларда вазиятни қўрдинг. Чигал ва мужмал. Бас, тинғчи, кўз, қуловуз ва воқеанависларни бир-бир қўриб чиқасен, садоқатлиларини ажратасен, илғор айғоқчи саф тузасен. Харажатларни хазинадан олурсен. Токи жумла оламдан қўлингга хабарлар оқиб келсун, Жўжи улусидан, Чин-Мочиндан, Хуросондан,

¹ Муфсид – фасод, ғийбат, тухмат.

Мозандарондан, Ҳиндистондан... Ҳар жойда ишончи кишингни қўй! Салтанат қулоғи бўл!

Соҳибқироннинг гапларини эшитиб Муҳаммад Чуроға додхоҳ кулиб юборишига оз қолди. “Салтанат қулоғи бўл!” деганлари Мубашшир баҳодирнинг хушёрлигига ва... шалпангқулоқлигига ишора эмасму экан? Албатта, йўқ, чунки ҳазрат ҳазилни, айниқса ўринсиз ҳазилни асло ёқтирмайдилар. Бошқа томондан, у Соҳибқироннинг нима учун Амир Сайфиддин некўз элчисидан олдин Мубашшир баҳодирни чорлатгани сабабини энди тушунди. Айғоқчи саф идораси бошлиғига муҳим мактубдан бохабар бўл, демокчи эдилар Соҳибқирон...

– Амрингизга ҳар дам тайёрдурман, жаноби олийлари!
– бош эгди Мубашшир баҳодир... У ҳаяжоннинг зўридан қулоқларигача кизариб кетганди.

Амир Темур кўп жўяли маслаҳатлар берди. Соҳибқирон фикрича, тинғчи-қуловузлар ўзларининг жонларини гаровга қўйиб юрт эмин-у омонлиги, салтанат равнақи учун иш юритадилар. Чаканафуруш-у йирик тужжорлар, кураш тушиб юрган бадфеъл полвон-у майнавозликка моҳир бадах-лок дорбозлар, сохта мунажжим-у хушмуомала этикдўзлар, гап терувчи дарвишлар-у саёк кезган каландарлар, зарофатли¹ сайёҳлар-у латофатли маллоҳлар², мулозаматли мешкоблар-у фасохатли сартарошлар, ялмоғиздай фирибгар кампирлар-у гадойсифат мўйсафидлар.. Ҳеч кимнинг қўнглига шубҳа солмайдиган кишиларга суянмоқ даркор.

– Хумоюн ўрду эшиги ҳар қачон очикдур, сенга бизни олам вазиятидан огоҳ этиб туриш вазифаси тобшурилғай! – амр этди Соҳибқирон. Сўнг Амир Сайфиддин некўз нома-сини олиб, ўқиб, мағзини чакиб, мазмунини ақл-у идрок тарозисидан ўтказишни буюрди.

Лўлахожа бу пайт ясовуллар ёнида қўл ковуштирганча таъзимда қотиб қолгандай ерга тикилиб турарди. У ҳеч кимнинг юзига тик қарамасди. Амир Темур Муҳаммад Чуроға додхоҳга деди:

¹ Зарофат (арабча; зукколик) – ҳозиржавоблик, қочирим гапларга усталик.

² Маллоҳ – қайиқчи, кемачи (мугал).

– Чопар йўлда азиятлар тортибдур. Эгнига зар чопон ташлансун, совға-саломлар иноят этилсун! Ҳамроҳлари ҳам қатордан қолмасун! Дастурхон ёзингиз, қорнини тўқлангиз! Мубашшир баҳодир, улар аҳволидан огоҳ бўл!

– Бош устига!

Лўлахожа миннатдорчилик билдириш маъносида қўли кўксига таъзим қилди, кейин нимадир деб гўлдиради-да, Соҳибқирон чопони пешини ўпишга шошилди... Мубашшир баҳодир ҳам, ажабо, ниманидир сезибми жойида туролмай, ўз-ўзидан беихтиёр Амир Темур томон бора бошлади.

Мавлоно Убайд ёзиш билан банд, Муҳаммад Чуроға додхоҳ сеҳрлангандай жойидан жилмасди. Лўлахожа Соҳибқиронга уч қадамча қолганда, авзои ўзгариб узун енгидан нимадир чиқаришга уринди! Ялт этган нарсага кўзи тушди-ю Мубашшир баҳодирнинг авзои бадани жимирлаб кетди!

Лўлахожа енгига пичоқ яшириб олган, даставвал тавофга келган кишидай Соҳибқирон тўни пешини ўпмокчи, кейин эса шартта пичоқ урмокчи эди! Шу палла Соҳибқироннинг ғазабнок кўзларига кўзи тушди-ю негадир шиддати кесилди, пичоғини ҳам енгидан чиқаришга улгурмади. Лип этиб унинг ёнида ҳозир бўлган Мубашшир баҳодир соқовнинг қўлига қаттиқ тепди, пичоқ нарига учиб тушди!

Воқеа кўз очиб юмгунча рўй берди. Бу орада хос қўриқчилардан беш ясовул шитоб қўринишхонага кирди... Каловланган Лўлахожа орқасига гандираклаб кетди, караса, эшик тагида ясовулар, олдинда Мубашшир баҳодир қиличини суғурганча хезланиб келмокда... Тиғда кесилгандай кўзлари пакиллаб атрофга боқар, аммо ҳеч қаерда нажот қўринмасди. Нияти амалга ошганда ҳам, ошмаганда ҳам уни бирдай қисмат – даҳшатли ўлим кутарди, у бошиданок ўлимни бўйнига олиб қўйганди. Шернинг пешонасини қашламокчи бўлганни қандай қисмат кутишини яхши англаб етарди, албатта.

Мубашшир баҳодир шартта қиличини кўтариб урмокка шайланди!

– Тўхта! – буюрди Соҳибқирон бирдан. – Тўхта!.. Бу иддао кимники эканини билмак лозим!..

Бу орада Лўлахожа чекиниб, деворни орқасига пана қилиб олишга улгурди.

Шу ерда ҳеч ким ўйламаган, етти ухлаб, бировнинг тушига кирмаган ҳодиса юз бердики, бундан нафақат амирлар, ҳатто Амир Темурнинг ўзи ҳам ҳайрат бармоғини тишлаб қолди: соқов чопар Лўлахожа бирдан бийрон тил билан гапириб юборди!

– Мени танимадилар, шекилли, Амир Соҳибқирон ҳазратлари?.. Аҳ-а-а!.. Аҳ-а-а!.. Мен ўша сиз Кўксаройнинг тор катагига тикиб ташлаган... Зиндачашм опардийман!..

Бу сўзлар бамисли куппа-кундузи тиник осмонда сурон солган момақалдиروقдай жаранглади!

– Зиндачашм опардий?!.. – деди ҳайратда Амир Темур... – О, шайтони лаъин!.. Ортиқ менинг олдимга йўлатмангизлар, корасини кўзимга кўрсатмангизлар, демабмидим?!.. Ким йўлатди?..

– Зиндачашм опардий!? – кичқирди жон ҳолатда Мубашшир баҳодир. – Ия! Нахотки!.. Ахир ўлган эдинг-ку, ланъати?!..

– Зиндачашм?!.. Ҳали тирикмусен?! Хиёнатчи!!! Сотқин!!! – Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг қўли шитоб белидаги қиличига югурди!..

Ҳамма ҳанг-манг, Мавлоно Убайд ҳайрату қўрқувдан ўрнидан сапчиб турди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ “Лўлахожа” нинг нега кўзга тик карамаганига, “соқов” лигига энди тушунди, аммо танимагани, яхши диққат этмагани, хавфли душманни Соҳибқиронга юзма-юз қилиб қўйгани учун ўзидан ўзи қаттиқ ғазабда эди. “Типратикан” энди бошини чиқарганди: рўбарўда ўша пакана бўйли, кўзлари йўқ даражада қисик, малларанг соқоли офтобда қовжираган яккам-дуккам майсалардек дикрайган Шибирғон ҳоқими турарди!

– Ҳа-ҳа, ўшаман! Ҳали тирикман! Шайтонман!.. Шайтони лаъинман! Мени чириб-чуриб йўқ бўлиб кетди,

деб ўйладингизму, хазратим?.. Йў-ў-қ, мени ҳеч ким ўлдира олмайди! Менга ўлим йўқ! Хо-хо-хо!..

Телбаларча кулгусидан мағрур Зиндачашм опардий энди бошини кўтариб гапирар, чап қўлида ҳам пичоқ пайдо бўлганди. Унинг ҳозирги тутуми ўлар ҳўкиз болтадан тоймас, мақолини эслатарди.

– Мен ўша, бутун умр Хуросон салтанатини куришга интилган Шибирғон ҳокимиман! Неча марталар сизни ўлдиришга бел боғладим, Қаросмонда ўзим сизни панадан отиб ўлдириб, бир хумордан чикмокчи эдим, афсуски, ниятимга етолмадим. Ҳозир ҳам асфалософилинга жўнатишга келгандим. О... сизни ўлдириб ўлсам армоним бўлмасди, бўлмасди!..

П

Лўлахожа, “соқов” чопар, – чиндан ҳам бир пайтлардаги Шибирғон ҳокими, кўп гуноҳлари Амир Темур томонидан кечирилган Зиндачашм опардий эди. Қаросмон воқеасидан кейин, ҳамма унга қандай жазо бериларкин, ёки яна кечирилармикин, дея қизиқиб кутарди.

Қўл-оёғи боғланиб Кўксаройнинг тор хужрасига ташланган Зиндачашм опардийни даставвал умрбод хибсда сақланиши керак, дея тушундилар, чунки Шибирғон ҳокимига осилсун ёки ясоққа етказилсун, деган аниқ ҳукм чиқарилмаган эди. Амир Жоку барлос билан Амир Улжайту опардийларнинг даставвал бошлари қотди. Хийла кенгашдилар.

– Фармонни Амир Сохибкироннинг сажияларидан келиб чиқиб, меҳрибончилиг-у мурувватпешалик нуктаи назаридан берилган, деб англашимиз керак. – деди Амир Жоку барлос.

– Амир ул-умаро жаноблари! Зиндачашм опардийнинг беқарор феъл-атворини, кирдикорларини ҳам тарозига солиб кўрайлик... – Амир Улжайту опардий овозини пасайтирди. – Бир гап айтайми? Уни тирик қолдириш салтанат

учун хатарлидир. Агар Соҳибқироннинг бир кунмас бир кун тасодифан назарлари тушиб колса, жавобини ким беради?

Амир Жоку барлос ялт этиб унга каради:

– Рост дедилар, опардий жаноблари...

– Яхшиси, ими-жимида у дунёга жўнатиш керак... Балодан ҳазар... Бадбахтдан канча тез қутулсак, шунча яхши...

Амирлар қарори қатъийлашди. Амир ул-умарода ҳам шундай фикр туғилганди-ю, бироқ Зиндачашм опардийга яқинлигидан айтишга ийманиб турганди. Амир Улжайту опардий эса Амир Ҳусайн воқеасини эслади: у ҳам шундоқ бадният эди, Зиндачашм опардий ундан ҳам бадбин, дучандон¹ ёмон...

– Жазосини ҳибсхона мутасаддисининг ўзи бераверсин! Бу разилга қўл ҳам теккизмаймиз! – қатъий деди Амир Жоку барлос.

Қаттиққўллик билан ном чиқарган мутасадди, паҳлавон келбатли Салмон опардий икки кундан кейин: “Ҳукм кечаси ижро этилди”, дея хабар берди. Бу гап атрофга яшиндай тарқалди. Кўнгиллар тинчланди. Эшитганлар, нопок банда яраша жазосини олибди, деяр эдилар.

Аммо... Салмон опардийнинг жавобида фақат “кечаси” сўзигина ҳақиқатга мос келарди. Чиндан ҳам, бу иш кечаси, кок ярим тунда содир бўлди, фақат... Зиндачашм опардий ясоққа етказилмади, балки эл каттик уйкуга кетган вақтда, кечаси... пинҳона қочириб юборилди...

“Шибирғонда мендан кўрган яхшиликларинг эсингдан чиқдиму?.. Бир уруғданмиз ахир. Ҳаммасига, Зиндачашм опардийни ясоққа етказдим, дейсан, вассалом... – авварди Салмон опардийни Шибирғон ҳокими. – Фармонни олибок нимталаб ташладим, де! Қийнаб-қийнаб ўлдирдим, бошини узиб найзамга илиб қўйдим, де! Энди Зиндачашм опардий йўқ, ном ҳам топиб қўйдим, бу ердан чиқишим билан Лўлахожага айланаман!.. Шерозлик Лўлахожа!..”

¹ Дучандон (форсча) – икки барабар.

Зиндачашм опардий кўп зор-у таваллолар қилди. Салмон опардий охир-оқибат Шибирғон ҳокимининг иддао-лари олдида чорасиз қолди...

Милодий 1372-йил ёзида Зиндачашм опардий соқолини ўстириб, “Лўлахожа” бўлиб пана-пасткам йўллардан юриб Марвга етиб борди, у иложи борица Самарқанддан йирок-рокка, уни танимайдиган жойларга кетишга тиришарди. Ким сўраса, шерозлик хонавайрон амирнинг ўғлиман, дерди.

Йўлларда ўзининг ўлими ҳақида ҳар хил хабарлар эшитди. Машҳадда карвонсаройда мовароуннахрлик бир тужжорнинг ўз шерикларига шу ҳақда гапираётгани кулоғига чалинди. Эмишки, Соҳибқирон: “Ортиқ кўзимга кўрсатманглар!” деганидан кейин, Ҳумоюн ўрдудан чиқишибок, уни бошини тандан жудо қилишибди. Кесилган бошни Соҳибқиронга олиб боришибди. Соҳибқирон: “Қорасини кўзимга кўрсатманглар, демағонмидим?” – деб бошни тепиб юборганмиш!.. Буни эшитган Зиндачашм опардий мушти қисилганча аламли тиржайди.

Машҳаддан сўнг кеза-кеза Шерозда тўхтаган Зиндачашм опардий фақир киши панада, қабилида иш тутди, ўзини ҳеч кимга билдирмади. Тирикчилик деб, ҳар кўчага кириб чиқди, гўлаҳилик¹ косовини тутди, ҳаммоллик аробасини тортди, боғларга қаради, бозор супурди, пода бокди, тезак терди, карвонсаройлар қоровуллиги ҳам қолмади...

Ит ётиш, мирза туриш, деган ибора атай унинг учун тўкиб чиқарилгандай эди. Ҳатто бир марта, нега Кўксаройдан чиқдим, Салмон опардий қўлида ўла қолсам бўлмасмиди, барча азоб-у уқубатлардан қутулардим, дея афсус ҳам чекди. Унинг устига, ҳамма жойда катта-кичик Амир Темур салтанатининг нуфузи ортиб бораётгани ҳақида гапирар, ана Хоразмни олибди, мана Мўғулистонни забт этибди, дея ҳавосат қилардилар. Аста-аста буюк Хуросон давлатини тузиш орзуси ҳам ҳеч қачон рўёбга чикмайдиган, қўл етмас нарса эканини сеза бошлади. Барчаси сароб экан, унинг умрини совуриб адои тамом айлаган сароб...

Орадан тўрт йил ўтиб, бешинчи йил ҳам бошланди.

¹ Гўлаҳилик (гўлах (форсча) – гулхан; ҳаммомда ўт ёқувчилик.

Кунлардан бир кун ҳамма нарса жонига теккан Зиндачашм опардийнинг хаёлини мудҳиш фикр камради: “Амир Темурдан ўч олиш! Ноҳақ кетган Амир Кайхусрав ва бошқа дўстлар қасосини олиш!.. Қасос! Қасос! Қасос!..”

Зиндачашм опардийнинг кисик кўзларида ёқимсиз нур йилтиради. Амир Темурни ўлдириш ҳақидаги фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб олди ва қасос палағда ҳаётининг бош мақсадига айланди. Бу мушкул иш учун у албатта Самарқандга бориши керак... Соҳибқироннинг кўзларига қараб, бир-иккита гапини айтиб олиши ва ўз қўли билан... ўлдириши керак!!! Ўҳ-ҳў!.. Самарқандга... қандай боради? Кўксаройга қандай киради?.. У ўйлаб ўйига етолмасди, аммо ҳар гал Соҳибқиронни ўлдиргандан кейин юз беражак вазиятни ўйлаганда кўнгли яшнаб кетарди.

Ана шундай хаёллар огушига ғарқ Зиндачашм опардий шаҳар марказидаги улкан карвонсаройда фаррошлик қилиб кун кечириб юрарди.

Жавзо¹ бошлари эди, шом маҳали, иттифоқо, ҳужра-лардан бири олдидан ўтаётганда кутилмаганда шундай сўзларни эшитиб қолди:

“... Самарқанддан қачон чиққан эдик, Амир Сайфиддин жаноблари?..” – деб сўради кимдир.

“Ҳўш... эй Ҳинду Қарқара, кун сувдай оқар экан, ярим йилдан ошди...” – жавоб берди иккинчиси.

Ҳужрада, чамаси, суҳбат хийла аввал бошланганди. Зиндачашм опардийнинг кулоклари динг бўлди. “Ие! Самарқанд, дейдирму?.. Амир Сайфиддин?!.. Темурбекнинг қалин дўсти?.. Ҳинду Қарқара кипчок?.. Анови пакана, юзлари мўндидай қора кипчокми? Бу ерларда нима ишлари бор? Улар ҳам Соҳибқироннинг қаҳрига учрабдилар-да? Хайрият, сарсон-у саргардон юрган ёлғиз Зиндачашм эмас экан...” У супургини ушлаганча деворга қапишиб астойдил суҳбатга кулоқ сола бошлади.

“Энди, йўқ демайсиз, сизга бир юмуш бор, Ҳинду Қарқара кипчок жаноблари!”

¹ **Жавзо** (арабча) – Шамсия йил ҳисобида учинчи ой. 22-май – 21-июнь кунларига тўғри келади.

“Амрингизга тайёрман! Овозимиз биров баланд чикмоқда. Секинроқ гапирайлик, биров эшитмасин тагин? Ахир деворда ҳам...” – деди нимагадир ишора қилиб Ҳинду Қарқара қипчоқ.

“Бе-е... Ким эштади? Бегона юртдамиз-ку... Бизни ким ҳам танирди. Бир мактуб битдим...”

Шу палла, Зиндачашм опардий, аксига олиб, бирнеча одамнинг дарвоза томондан шошилмай гурунглашиб келаётганини пайқади-ю ноилоҳ девордан йироқлашиб, ер супуришга тутинди. Ниҳоят имиллаган одамлар ўтиб кетишди.

“... Сўзларимни укдингиз-а! Амир Соҳибқиронга ўз кўлингиз билан топшиурсиз. Бировга инонмангиз. Иншооллох, Самарқандда дийдорлашгаймиз...”

Зиндачашм опардий ҳайратга тушди, худонинг ўзи, ол қулим, ниятингга ет, бу ёғини энди ўзинг ўйла, деб йўл кўрсатаётгандай эди... Ҳа, Соҳибқиронга Амир Сайфиддин некўз мактубини Ҳинду Қарқара қипчоқ эмас... Зиндачашм опардий – “Лўлахожа” етказиши керак!..

Шибирғон ҳокими эртаси куни Ҳинду Қарқара қипчоқ билан қорама-қора Самарқандга жўнади...

– Ижозат берингиз, Амир Соҳибқирон! Буни тилка-порасини чиқарай, ит эмганни!.. – деди кўзи қонга тўлган Мубашшир баҳодир.

– Яқинлашма!!!.. Яқинлашма, деяпман!!! Хо-хо-хо!... – гезарганча бақирди Зиндачашм опардий. – Тилка-порамни чиқарармиш!.. Чиқарасан-а чиқарасан!.. Бир чикар!.. Чикарчи...

Мубашшир баҳодирда сабр-токат қолмади. Амир Темурдан ишора кутганча ҳам бўлмай, Зиндачашм опардийга яқинлаша бошлади. У томонда ясовуллар бўйрук кутиб сергак турардилар.

– Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун! – амр этди шу палла Соҳибқирон...

Зиндачашм опардий телбаларча хахоаб кулди:

– “Тирик ушлансун! Ўлдирилмасун!...” Хо-хо-хо!.. Мени тирик ушлармишлар! Аҳ-а-а!.. Кел! Кел... Ўламан

десанг, келавер! Келавер!!! – У ялтираган икки пичокни ўйнатиб атрофдагиларга таҳдид киларди.

Мубашшир баҳодир ясовулларга: “Тиғ ишлатилмасун! Ўраб олинсун!” – дея кичкирди ва... кутилмаганда қоплондай Зиндачашм опардийга ташланди! Лекин айна шу палла, балки бир лаҳза олдинроқ, Зиндачашм опардийнинг қаттиқ инграб юборгани эшитилди! У қўлида ялтираб турган пичокни шартта ўзининг чап кўксига санчган эди!.. Мубашшир баҳодир ерга кулаётган Зиндачашм опардийнинг жон бераётган танаси устига бориб тушди!

Бир мўйи ҳам титрамаган Амир Темур жойидан жилмай хотиржам кузатиб турарди. Воқеа худди тушдагидек рўй берди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Ясовуллар Зиндачашм опардий жасадини ташқарига олиб чиқа бошладилар.

– Шайтони лаъиннинг бунчалар ўзига пичоқ урар даражада мардлигини билмағон эканмен... – Истеҳзоли деди Амир Темур, хаёлидан эса: “Халлоки безаволга салламно!.. Қабохат бандаларига дуч этиб омон саклагонингга шукр!..” – деган сўзлар кечди.

У тахтдан тушиб, меҳмонхонага қараб юрди.

– Жуфтакни ростлаб қолди бадбахт!.. – Мубашшир баҳодир ғижинди. – Тирик тутғонимда... Эҳ! Фурсат қўлдан кетди!..

– Мансабга тайинланғонингдан кейин сени парвардигор синовдан ўтказди, шекилли... Ушбу бадкорни бизларга рўбарў қилмишдур. Ҳушёрлигингни намоён этдинг, баҳодир! Сен чинакам баҳодир экансен! Баракалла!.. – Амир Темур илиқ сўзларини аямади.

Бу воқеалардан бир неча йил кейин Хуросоннинг Говкуш мавзеида бўлган қаттиқ жангда Мубашшир чиндан баҳодирлик намоён этиб, Амир Темурни хайратга солган, “Сен чинакам баҳодир экансен!” сўзларини исбот этган эди. Жангда фавқулодда унинг оғзига ўқ тегиб, икки тиши томоғига тикилай деб қолди. Ғазабланган Мубашшир захмга эътибор бермай, ўша ўқ отган одамни топиб қилич солди ва ҳалок қилди. Шу жасорати учун Соҳибқирон баҳодирга

Говкуш мавзеини суюрғол қилиб берганди...

– Бахтимизга узок йиллар омон бўлингиз, валинеъмат Соҳибкирон!.. – Мубашшир баҳодирнинг кўнгли тўлиб кетди. – Бир жонимиз эмас, минг жонимиз йўлингизда фидодир!

– Фидодир, Ҳазрат Соҳибкирон!.. – сўзга қўшилди бир четда ҳайратда турган Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Соқол учини эзғилай бошлаган Соҳибкиронни кўрган Муҳаммад Чуроға додхоҳ хушёр тортди.

“Ажабо, кимсаларнинг ўзга иши йўкмикин, – деди ўзига ўзи Амир Темур. – Чакчак дарасида Амир Ҳусайн алдаб қўлга тушириб ўлдирмакчи эди... Қаросмонда Амир Мусо билан Зиндачашмлар шикорда фитна этагини тутдилар. Шайх Муҳаммад Баён сулдуз билан Одилшоҳ жалоийр Хўжандда жонимга қасд қилдилар... Амир Кайхусрав эса ҳамиша пайт пойлаб юарди. Мана, яна Зиндачашм мальўннинг кирдикори юзага чикди. Чиндан ҳам, “Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи – ит, деганида худо раҳмат қилгур Жаҳонгир Мирзо ҳақ экан...”

Соҳибкирон келиб яна ўрик чўғи солинган танчага оёқларини суқди.

– Мамат! – чақирди бироздан кейин – Қулоғим сизда!.. – шитоб келди Муҳаммад Чуроға додхоҳ, аммо Соҳибкирон кўзига тик қаролмасди. У аллақачон каттиқ дашном эшитишига ўзини чоғлаган, кўрқувдан титраб-қакшаб турарди.

– Бир нарсадан таажжубдамен... Дўстимиз Амир Сайфиддин некўзнинг мактубни келиб-келиб анови шайтондан юборғонига не дейсен? Қаросмондаги фитнани ҳам некўз айтиб келгон эди, эсингдами?..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ Соҳибкироннинг мутлақо бошка нарса сўраганидан бироз дадилланди: – Амир Соҳибкирон! Амир Сайфиддин некўз жаноблари бағоят оқил ва инсофли, садоқатли инсондурлар! Ул зотнинг шундай тутумларига асло ишонмайман! Бу ерда қандайдир сир бор.

– Қандай сир?.. Нималар деяпсен?.. Мактубни Амир Сайфиддин некўзнинг ўзи бермаса Зиндачашм қайдан олиши мумкин ахир? Балки, уларнинг аввалдан борди-

келдилари бўлгондир. Аммо ҳеч қачон бунинг шарпасини ҳам сезмагондим.

– Сир бор, Оллоҳ биладир, илло айтмайдир... – деди ишонч билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

– Амир Соҳибқирон! Ул зот ҳақида зинҳор ёмон ҳаёлларга бормангиз! – Мубашшир баҳодир сўзлашга журъат этди. – Ул зотнинг ҳеч айби йўқ... Фидойиликларини, ҳақиқий дўстингиз эканликларини кўп марта кўрганман. Бари найрангбоз Зиндачашм опардийнинг кирдикорларидур. Амир Сайфиддин некўз қайтганларидан кейин ҳамма нарса аён бўлади, бу офтобдай равшан!

– Ҳа, айтгандай, Амир Сайфиддин некўзнинг шериги Ҳинду Қарқара қипчоқ эди, Ҳазрат... – бирдан эслаб қолди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Ўзим кузатиб қўйгондим.

Амир Темур беихтиёр сокол учини эзғилашда давом этаркан, бунга унчалар эътибор қаратмади. Уни машъум ҳаёллар чулғаб олди. т Нохуш жимлик чўкди.

Ғаройиб синоатдан ханг-манг Мавлоно Убайд Амир Сайфиддин некўз номасини ўраётиб, пастда, қоғознинг энг четида майда ёзилган хатга кўзи тушди-ю ҳаприкиб кетди:

– Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқирон! Номанинг четида бундай ёзув ҳам бор экан! Майда ёзилганидан кўзим тушмабди, узр... Мана: “Ушбу нома Ҳинду Қарқара қипчоқдан бериб юборилди...”

Атрофдан: “Ие!..”, “Ҳинду Қарқаранинг ўзи қаерда?..”, “Нега ўзи олиб келмабди?..” “Зиндачашмга берибдимиз?..”, “Ана холос!..” қабилида сўзлар эшитилди. “Ёраб, бу қандай кун ўзи? Ўнгми, тушми?..” – дерди ичида ўзига ўзи Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Ҳамма ҳайратда Амир Темурга қаради.

– Ҳа-а... бу шайтон Ҳинду Қарқара қипчоқни ўлдириб номани қўйнига солгон. Бунга шубҳа йўқ. – деди Амир Темур. – Амир Сайфиддин некўз эса мутлоқ бундан беҳабардур. Мард ва жасур йигит эди Ҳинду. Увол кетди. Аттанг... – Соҳибқирон бирдан Муҳаммад Чуроға додхоҳга юзланди: – Мамат! Кўксаройда ҳибсхона бошлиғи ким?..

– Салмон опардий... – сўзини тугатолмади додхоҳ.

– ...Ашаддий душманни қочириб юборғон ланъати Салмон опардий қатл этилсун!!! Бола-чақалари кўчириб юборилсун, мол-мулки мусодара қилинсун!

– Фармонингиз бош устига!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ шундай деди-ю қотиб қолди: ҳибсхона бошлиғи Салмон опардий... яқиндагина ёмон дардга чалиниб оламдан ўтганди!

Буни эшитган Амир Темур соқолини қаттиқ тутамларкан, катта-катта кўзларида ғазаб ўти чакнади.

Ҳалигина, бу беш кунлик дунёда сал оёқни узатиб ҳам яшаш лозим-ку, деб ҳаёлидан кечирган Мавлоно Убайднинг ўз мулоҳазаларини Соҳибқиронга айтиш ҳақидаги қарори яна ҳам қатъийлашди.

Ўша куннинг эртасига Зиндачашм опардий ўлигини терисига сомон тикиб Самарқанд бозори дарвозасига осиб қўйдилар.

ЎНИНЧИ БОБ

I

Нохуш хабар Ҳожитархонга етиб келганда милодий 1376-йил куз ўрталари эди. Эшитиб, Жўжи улуси ҳукмдори Ўрусхоннинг фиғони фалакка чиқди: Тўхтамиш ўғлонга қарши лашкар тортиб борган чакмоқдай ўртанча ўғли Қутлуғ Буға Саброн ёнида даҳшатли жангда ажал ўкига учрабди!..

Хон шу ўғлига катта умидлар боғлаган, уни жуда ардоқлар, ўзига валиаҳд ҳисобларди. Амир Темур даргоҳига қочиб, Жўжи улуси шаънига кетмас қора доғ туширган валад Тўхтамиш ўғлонни бир ёкли қилишни шу ўғлига топширишни ўйлаганди. Тўхтамиш ўғлоннинг Ўтрор билан Саброн ҳокимлиги маснадига ўлтиргани ва бу шаҳарларни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари Ўрусхонни ғазаб отига миндирди.

– Темир оксоқ, – хон уни фақат шундай деб атарди, – чингизийларнинг орасига нифоқ солмоқчи, ўзини ўзига қайрамоқчи, бир-бирининг гўштини бир-бирига едирмоқчи.

Тўхтамиш ўғлон ҳам ҳадя-ю тансуқотларга, ёлғон ваъдаларга учиб, ўринсиз даъволар этагидан тутибди. Унинг бошлаб таъзирини бериш керак, думини тугиб қўйиш керак!

Сабронга қўшин юбориш ҳақида гап кетганда, ўртанча ўғли Қутлуғ Буға отилиб чиқиб, Тўхтамиш ўғлон билан ҳисоб-китобга мени жўнатынгиз, деб туриб олди. Хон маъқуллади, чунки ўзи ҳам шундай ниятда эди. Қутлуғ Буға ул ножинсни албатта енгиб қайтмоғи зарур! Бу зафар Қутлуғ Буға обрўсини оширган, валиаҳдлик мавқеини тахтга кўз тиккан оғаси олдида ҳам, улус олдида ҳам мустаҳкамлаган бўларди, албатта.

Қутлуғ Буға қўркмас, чапдаст йигит эди. Аёвсиз бошланган жангда айрим навкарларнинг ношуд-у сустлиги, қўшиннинг парокандалиги унинг сабр косасини тўлдирди. Чағдовулда¹ туриши ва жанг равишини кузатиши ҳамда бутун лашкарни бошқариши керак ҳолда, жаҳл устида ҳайкирганча майдонга тушиб кетганини билмай қолди. Ҳатто унинг ёнидаги отабегиси амир Идику ҳам ғафлатда хонзоданинг ноўрин қадамини сезмабди. Хуллас, Қутлуғ Буға бир пайт қараса, манглайда² юрибди! Ортга чекиниш мумкин эмас... У ўнгга ҳам, чапга ҳам қилич солар, душманни ер тишлатарди.

Олатасир муҳораба-тўполонда Тўхтамиш ўғлон лашкарининг манглаида сўғишаётган Оқ Буға баҳриннинг кўзи фавқулудда хонзодага тушди! У яхшироқ тикилди. Кўзи ўткир Оқ Буға баҳрин адашмаганди: ўша орқа-олдига қарамай саваш қураётган шоввоз Ўрусхоннинг ўртанча ўғли Қутлуғ Буға эди!

Оқ Буға баҳрин шитоб ёйига ўқ жойлаб душманни нишонга ола бошлади. У моҳир мерганлардан ҳисобланарди. Энди отаман, деганда хонзодани кўздан қочириб қўйди. Қутлуғ Буға навкарлар орасида бир кўриниб, бир ғойиб бўларди. Оқ Буға баҳрин пайт пойлашга тушди.

Ўрусхоннинг ўғли, албатта, кимдир уни нишонга олаётганини билмас, ўзини ўтга-чўққа урарди. Ниҳоят, мана,

¹ Чағдовул – лашкарнинг орқа қисми (муалл).

² Манглай – лашкарнинг олд қисми (муалл).

хонзода ёлғизланди, атрофида ҳеч ким йўқ... Оқ Буға баҳрин ёй тортди... Жон олар ўқ шувуллаб Қутлуғ Буға кўксига санчилди! Шу заҳотиёқ Жўжи улусининг валиаҳди отдан кулаб тушди ва тил тортмай жон берди.

Навкарлар бир неча лаҳза саросимага тушдилар. Лашкарбошининг бевақт ўлими уларнинг шижоатини кесиб қўйди.

Оқ Буға баҳрин тез ўрдугоҳга бориб Тўхтамиш ўғлонга бу хушхабарни етказишга ошиқди. У мамнун, от бошини буриб, камчи урмоққа қўлини кўтарган ҳам эдики, аллақай-дандир дайди бир ўқ икки курагининг ўртасига келиб санчилди! Салгина олдин Қутлуғ Буғанинг отдан учиб кетганидан қувонган Оқ Буға баҳриннинг ўзи ҳам ерга юзтубан кулади ва жон таслим қилди. Тўхтамиш ўғлон амирининг елкасида санчилган найза тикрайиб турарди.

Қутлуғ Буғанинг ўлими лашкарга оловни пуфлаб ўчирмоқчи бўлганларида баттар лангиллаб ёнгандай акс таъсир қилди: жўш-у хурушга тушиб ёғий қўшини устига офатдай ёприлди. Жазаваси чиққан навкарлар шиддатида Тўхтамиш ўғлон аскарлари юрагига кўркув-у ҳарос¹ кирди, оқибатда қўшин синчига дарз кетди. “Чингизхон авлоди” деган шарафли номдан бошқа бирон фазилати йўқ, ҳарбий салоҳиятда тажрибасиз Тўхтамиш ўғлон қўшинни ташлаб қочишга улгурди. Қутлуғ Буға навкарлари уни бемаҳалда юртни оралаб изғиган, қувилган кашқир ҳолига солдилар. Ўтрор ва Саброн, – Тўхтамиш ўғлон вилоятлари, – Жўжи аскарлари томонидан аёвсиз таланди, эркаклар қиличдан ўтказилди, кўп болалар ва аёллар, қизлар асирга тушди.

Жўжи улуси хони Ўрусхон бу тафсилотни эшитганида фавқулодда ғазабдан тили боғланиб қолди. Фақат пишиллаганча “Пуф!”, “Пуф! “ларди, холос.

– Амир Идику билан Қозончи баҳодирларни ер тагидан бўлса ҳам етказиб кел! – буюрди хон мулозимга дарғазаб.

– Нега Тўхтамиш ўғлонни кўлдан чиқариб юбординг?... – зуғумли сўради хон ҳали кўринишхонага кириб улгур-

¹ Харос – кўркув, таҳлика.

маган амир Идикуга қаттиқ тикилиб, унинг киприклари қошларига қўшилиб кетганди.

Амир Идику улуснинг забардаст, жасур амирларидан бири ҳисобланса ҳам, ҳозир хон олдида пачақ бир кимсани эслатарди.

– Тўхтамиш валадни тутганинг қани, деяпман?! – яна сўради хон Қутлуғ Буға отабегисидан. – Гапир! Гўштингни канорага иламан, даюс!

– Гафлатда қолдим, хоконим! Нас босди бизни!.. – деди йиғламсираб амир Идику. – Нас босди-и-и!..

– Қутлуғ Бугани асрай олмадинг, Тўхтамишни қўлдан чиқардинг! – давом этди қуйиб-пишиб хон. – Отнинг думига судратиб саргардон қиламан сен манғитти! Пешонангни итлар искаб ётади!!!..

Хон амир Идикудан жавоб кутмай Қозончи баҳодирга юзланди:

– Қани Тўхтамиш? Тутиб келаман, деб хўпам оғиз кўпиртиргандинг-ку, қани тутганинг? Душманни енгиб, саркардасини қочириб юборадурму? Менга ўша валад керак, ўша валад!.. Қани у?! Қани деяпман? Қутлуғ Буға ўғлимнинг аламини олар эдим!.. Пуф-ф!.. Юрагини тириклай суғуриб олиб ковуриб ер эдим! Юрагини ер эдим-м!.. Юрагини!!!..

– Олампахо! Ўшанинг пайидан бўлдум... Бўйнидан итдай боғлаб, хор қилиб қошингизда эмаклатмоқчи эдим. Роса тавбасига таянтирмоқчи эдим... – Қозончи баҳодир хоннинг этагини ўпганча ўзини оқларди. – Ивирсиниб мен галварс Қутлуғ Буғадан беҳабар қолибман...

– Тўхтамишнинг пайида бўлдум, дейсан... Пайида бўлсанг, қани Тўхтамиш?.. Гапир, итти боласи!..

– Изидан қувдим! У майдондан чиқиб қочди! Аммо оти учкур экан, Амир Темурнинг тулпори дейишади, улуғ хоқоним, сира етказмади. Отимни роса қамчиладим эса... Роса қамчиладим!..

– Пандавақилар! Оғзидан ошини олдирганлар! Галварслар! Сенларни сўқимга тортиш керак!..

Қозончи баҳодир бироз бошини эгиб турди-да, ялтоқланди:

– Олампаноҳим! Қурук келганим йўк... Ҳозирча Тўхтамиш ўғлон ўрнига бир нуфузли амирини қўлга туширдим...

– Нима дединг? Бир амирини қўлга туширдим, дедингми?... Пуф-ф!..

– Ҳа! Бўйнидан боғлаб ҳузурингизга олиб келдим!

Қисик кўзлари катта-катта очилган Ўруسخоннинг ғазабдан чимирилиб бир-бирига тутшиб кетган қошлари секингина ёзилди.

– Келтирилсун!

Қозончи баҳодир шу лаҳзадаёқ айикдай тайпанглаб бориб қўл-оёғи боғланган асирни бошлаб кирди. Бу жангда каттиқ яраланиб майдонда ҳолсиз ётиб қолган йирик гавдали, кўсанамо Ўрунг Темур эди.

– Ўрунг Темур?! Сенмисан?..

Ўрунг Темур оксоқланганча бориб хон оёғига йиқилди.

– Бир қошиқ қонимдан кечингиз, ҳоқоним!

– Нима бўлди?... Қўл-оёғини еч муни! – буюрди Ўруسخон.

– Гуноҳкор қулингизни афв этингиз, эй валинеъмат! Жоним қўлингизда... – тиз чўкди Ўрунг Темур.

– Сўзла!

– Мен... Бирга бўламан, деб Тўхтамиш ўғлон билан байъат қилган эдим... Воз кечолмадим...

– Ҳм-м!.. Байъат қилиб воз кечолмадим, дейсанму?

– Афв этингиз!.. – бошини экканча хон кўзларига каролмади Ўрунг Темур.

Сарой ичи сукунатга чўмди.

– Хўш, айт-чи, Темир оксоқ саройида нималарни кўрдинг? Сал мундай ҳукмдордай келбати борму ўзи ўша оксоқни? Жуда ҳаддидан ошадур? – сўради хон.

Ҳаяжони ҳали босилмаган Ўрунг Темур Самарқандда кечган воқеаларни қўшмай-чатмай хикоя қилди.

Ўруسخон лом-мим демай эшитиб ўтирди. Тинглаганлари хонни қаноатлантирдими, йўқми, Ўрунг Темур бунининг чехрасидан билолмади. Хон узоқ вақт бир нуктага тикилганча сўз қотмади. Ўрунг Темурнинг мантиқли гапларига ишонмаслик иложи йўқ эди.

Қаёқдандир саройга кириб колган бир қовоқари ташка-
рига чиқаман деб ғўнғиллаб ўзини ойнага урар, сукунатга
халал берарди.

– Байъатни бузмай, сўзингда турганинг, ростини айтга-
нинг учун гуноҳингдан ўтдим... – деди Ўрускон
кутилмаганда.

Амир Идику хоқоннинг ҳимматидан ҳайратда лол эди.

– Салтанатлари бардавом бўлсун!..

Тирик ўтирганига ҳали ҳам ишонмаган Ўрунг Темур
хон оёғини ўпа бошлади.

Бирдан уч марта қарсак чалинди. Мулозим кирди:

– Тез Тўқтақиёни бу ён чорла! – буюрди Ўрускон. У бир
қарорга келганди. – Тайинла! Кунча ўғлон, Темур Қутлуг
ўғлон, Соткин баҳодирларни ҳам ёнига олсун! Тезроқ жўна!

Мулозимнинг шитоб чиқиб кетишини кутган хон,
келганидан бери бурчакда манглайи дўнграйиб мум тишла-
гандай жим ўлтирган мулзам амир Идикуга юз бурди:

– Ҳой, манғит!

– Лаббай, хоқоним!

– Гуноҳингни қандай ювишни биласанму?

– Буюрингиз, хоқоним! Буюрингиз! – Амир Идику
жонланиб қолди. – Сувга кир десангиз, сувга кираман, ўтга
кир десангиз – ўтга...

Хон кўзларини қисганча: “Сенинг жасурлигинг ҳам
маълум, маккорлигинг ҳам...” дегандай манғит амирига
қаради:

– Сўзни бежаб ўлтирмайман. Ундок одатим йўқ. Тез
Темир оқсоқ саройига жўнайсан! Ўша оқсоққа яхшилаб
тушунтириб айтасан... Биз билан ҳазиллашмасун! Чингиз-
хон уруғимиз! Буни эсдан чиқармасун! Ёдида тутсун!
Улимни ўлдирган Тўхтамиш валадни яхшилиқча бизнинг
қудратли кўлимизга тобшурсун! Акс ҳолда савашиш жойи-
ни айтиб юборсун! Уқдингму?..

– Уқдим, хоқоним, уқдим! – бош эгиб жавоб қилди амир
Идику.

– Адолатли талаб, шавкатли хоқоним! – фурсатдан
фойдаланиб сўзга аралашди Қозончи баҳодир. – Ҳар қанча

талаб этсангиз ҳаклидурсиз! Ким бўлибдир Темир оксоқ сизни қудратингиз олдида? Ўх-хў!.. Агар рози эсангиз, амир Идику жанобларига қўшилиб бирга боришга тайёрман...

– Йўк, манғитти ўзи бу ишни эплай олади, сен шу ерда бўл, сенга юмуш бор... Пуф-ф!..

Вазиятни кузатиб турган Ўрунг Темур, барибир Амир Темур Тўхтамиш ўғлонни топширмайди, уни ўғлим деб сийлади-ку, деб юборишига оз қолди, аммо маслаҳат сўралмаган жойда беҳудага бурнингни тикма, деган ҳикмат эсига тушиб, сўзга қўшилишдан ўзини тийди.

Шу пайт Тўқтақиёнинг ҳокон этагини ўпишга тайёрлигини билдирдилар. Жуссаси отасига тортган, бўлалик, қирқларни қоралаган, сарикдан келган хонзода падари бузруквори Ўрусхонни тавоф этди ва қўл қовуштирганча ортга тисариларкан, деди:

– Фармонингизга мунтазирман, ҳоконим! Баҳодирлар ва ўғлонлар ташқарида туришибди...

Хоннинг ота бир она бошқа фарзандлари бир-бирларига унчалар меҳр-оқибати йўк, ичиқоралик билан қарайдиган, офтобнинг холис шуъласини ҳам ўзгасига раво кўрмайдиган бўлиб вояга етдилар. Ҳукмдор буни ҳар лаҳзада туяра, эртанги кунни ўйларкан, ич-ичидан эзиларди. Айниқса, Қутлуғ Буға ўлиmidан кейин ўзини нечундир ожиз сезди, маъшум хаёллар залвари яна ҳам ортди.

– Афсуски, Тўхтамиш қочиб кутилибди, мана бу ландовурлар лалайиб қўлдан чиқаришибди. Қутлуғ Буғанинг эса умри қисқа экан. Шу кўргулик ҳам бор экан менга... – оғир сўлиш олди Ўрусхон. – Жон улим! Тез қўшин тўпла, амирларни чақир! Буртос, Саройчик, Бошқирд ила Қримга одам жўнат! Тўхтамиш амирлари кўнглига ҳам қўл сол!.. Алибек кўнғирот... Мана, Ўрунг Темур шу ерда.

– Бош устига, ҳоконим! – деди Ўрунг Темур. – Хонзода ёнида бўлурман!..

– Мол-дунё деса ўзини томдан ташлайдигани бор, мол деса – мол бер, акча деса – акча... Ол, ҳазинадан! Сигноқ томонга юриш керак! Темир оксоқ ҳали бизнинг кимлигимизни, кучимизни билмайди чоғи. Ғашимизга тегиб, яна

Тўхтамишни югурдак қилиб лашкар билан юборади. Юбориши аниқ! Шай туриш керак. Тўхтамишни кўлга туширасанлар! Аммо: тирик етказасанлар! Ти-и-рик!!! Пуф-ф!.. Уқдингму?..

Тўқтакиё отасининг куйиб-ёнаётганини ҳам унчалик сезмаётгандай бепарво, хотиржам боқар, хаёлидан: “Нукул “Қутлуғ Буға!”, “Қутлуғ Буға!” дердингиз. Ой туғса ҳам унга, кун туғса ҳам унга... Ҳатто ҳов анов кунги қурултойда, оғаси бор, демай уни Жўжи улуси валиаҳди, деб ҳам юбордингиз! Бизга ҳам ишингиз тушар экан-ку! Энди Тўқтакиё керак бўлиб қолдимму?..” каби сўзлар ўтди.

Гап келганда отангни ҳам аяма, деган ақидага кўра, падари бузрукворини бир ўйиб олмоқчи эди, бу фикридан қайтди ва мутлақо бошқа нарсадан гап очди:

– Агар... Тўхтамиш ўғлонни тутсам...

Хон кўзларини катта-катта очиб Тўқтакиёга қаради:

– Хўш... тутсанг... Гапиравер! Ичингдагини чиқар!

– Агар Тўхтамиш ўғлонни тутиб келсам, – давом этди Тўқтакиё тап тортмай, – Менга Ҳожитархон вилоятини берасиз-да, ҳоконим!..

Нозик пайтда шундай қилиб ўз ҳақини ундириб олмаса, тўнғич ўғил, хонзода эса-да, сандироклаб юраверади, шекилли. На бир вилоятга ҳоким, на саройда обрўси бор...

Ўрусхон ўзининг куйиниб айтган гапларини ўғли лоқайд-у беғам эшитганидан ичида афсусланиб ўлтирганди, унинг бемаврид даъвосидан бадтар ранжиди. Шундок довлашишнинг ҳозир пайтимики, душман қиличини қайраб остонада турган бўлса!

– Мен нима дейман, қўбизим нима дейди, деган экан бир куйган банда... – алам билан деди Ўрусхон. – Қассобга мол қайғу, эчкига – жон... Хўп, хўп... Ҳожитархон сеникидир, сеники! Ола қол!.. Оббо, улим-е! Ахир бутун Жўжи улуси сизларники-ку, тентаквойлар!.. Мен нима қиламан, гўримга олиб кетаманму, бир-икки кунлик умрим борму йўқми...

Тўқтакиё хон сўзига эътибор бермади, Ҳожитархон вилояти жиловы ҳозироқ унинг қўлига теккандай қувониб

кетди. Хайр-маъзурни ҳам унутиб, фармонни адо этгани ташқарига чиқаркан, Кунча ўғлон, Темур Қутлуғ ўғлон, Соткин баҳодир ва бошқаларга тезликда одам юборишни ўйларди.

II

Тўхтамиш ўғлон иккинчи марта ҳам ёғийдан “калтак” еб боши эгилиб қолганида, Амир Темур олийжаноблик ва валламатлик одатига кўра, хатоларини унинг юзига солмай, аввалгидек сийлаб, кўнглини кўтарди. Яна кўшин бериб, Амир Улжайту опардий каби кадхудони кўшиб такрор Саброн томонга юборди. Тўхтамиш ўғлон аллақачон у ерда ҳокимиятни ўрнатиб, пойтахтга музаффарият муждасини етказмоғи лозим эди. Бироқ икки ойга яқинлашиб бормокда, ҳали бирон хабар йўқ...

Бу Амир Темурни ташвишга солмай қўймади.

Нихоят Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак қўлига Ҳу-моюн ўрдудан: “Шитоб подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон олдиға жўнасун, унга салтанат юмушларида жасоратли бўлишини, ҳамиша музаффариятни ўз насибасига айлантиришға жон-жаҳди ила интилиши лозимлигини уқдирсун!”, деган қутлуғ фармон топширилди.

Аслида, Муҳаммад Миракнинг ўзи аввалроқ Муҳаммад Чуроға додхоҳға, Амир Соҳибқирон макбул топсалар, камин Тўхтамиш ўғлондан хабар олиб келишға тайёрман, деган истакни билдириб қўйганди. Мардона отилиб чиққанларни Амир Темур ҳамиша қўллаб-қувватлар, улар шаънига илик сўзлар айтарди.

Тўладан келган, хушрўй, йигирма уч ёшға кирган ёвқур йигитға боққанда Соҳибқирон худди унинг отаси, эски кадрдони. раҳматли Шер Баҳромни кўргандек бўларди. Шер Баҳром анча-мунча хиёнатларға йўл қўйган эса-да, табиатан очик одам эканидан, Соҳибқирон уни кўкрагидан нари итармасди. Зурриёти ҳам унга ўхшайди, шекилли...

Муҳаммад Мирак дарҳол йўлга отланди. У ғаройиб сажияли, йўғон овозли, юзлари буғдойранг, сермўй, лаблари қалин, қошлари куюк, гўё хайратға тушиб бақрайиб қотиб

колгандай катта-катта кўзларини тез-тез пирипирашиб тура-
диган бир йигит эди. “Ичимдагини топ” хилидан, кўнглида
нима борлигини билиш кийин, давраларда ўлтирганда ҳам
гапга кам аралашар, доим ўзини ўз ўйи билан банддек
тутарди.

Чап қулоғи йўқ, айтишларича, чакалоқлигида мушук еб
қўйган экан... Бу ҳазилми, чинми, биров билмайди. Орқа-
воратдан “қулоқсиз” ҳам дейишарди. Меҳмондорчилик
жони-дили, таом гадоси, икки-уч кишининг насибасини бир
ўзи еб қўя оларди. Ўн тўрт ёшлигида гаров бойлашиб беш
кадоқ гуруч ошини пакқос туширганини, устига, шартга
кўра, тўртта тухумни ҳам хомлигича ютиб юборганини
ҳали-ҳали гапиришади.

Олтмишга яқин йигитни ортидан ияртирган Муҳаммад
Мирак чўли маликлар ошиб Сабронга етай деганда, Сирда-
рёнинг Арис суви деган чукур, эни тахминан юз кадам-
лардан ортик чиқадиган шўх ирмоғига дуч келди. Уни
тезоқар эканидан Довдирсой ҳам дейишарди. Яқин атрофда
кўприк йўқ экан. Бирон кечик топиш ниятида сувнинг оёғига
қараб юрдилар.

Бир пайт туронғи, йинғил-у қораварақлардан иборат
чакалакзор ўрмон олдида чикиб қолдилар. Аммо хануз
бирон кўприк ёки кечикдан нишон йўқ... Йўлни давом
этдирайликми, ёки дарёга от солиб ўтайликми, деб турган-
ларида, бирдан Муҳаммад Миракнинг чап қулоғига, – ўнги-
дан кўра ўша мушук еб кетган қулоғи яхши эшитарди, –
чакалакзор ичидан кимнингдир инграб ётган овози чалин-
гандай бўлди... Кўнгли алланечук безовта амир бировни
жўнатишга ҳам сабри чидамай дарахтлар ичига ўзини урди.
Йўлни қийшайиб қулаб тушган йўғон туронғи тўсиб ётарди.
Шу палла қандайдир от ҳам кучсизгина пишқириб қўйган-
дай туюлди унинг назарида.

Муҳаммад Мирак бориб қараса, дарахтлардан холи
кичик сайхонликда, хас-хашак устида... подшоҳзода Тўхта-
миш ўғлон яланғоч, хуши ўзида йўқ, қонга беланиб ётибди!
У кўзларига ишонмади, кейин подшоҳзодани таниб, аста
яқинлаша бошлади... Бундай ғаройиб тасодифга, излаб

юргани одами шундоқкина олдидан чиққанига ичида шукрлар қилди.

Ўнг қўлига теккан ўк захми, очлик, каттик ташналик Тўхтамиш ўғлонни батамом ҳолсизлантириб қўйганди. Нарироқда эса дарахт ёнида тилла қошли эгари кийшайган, кумуш югани ер ўпган Хонўғлон маъюс қараб турар, кўзида ёш ғилтиларди. Амир Темурнинг машҳур бедови! Ёпирай! Муҳаммад Мирак дунёга келиб ҳали отнинг йиғлаганини ҳеч кўрмаганди, ақлли жониворнинг оқибатидан ёқа тутғудай хайратга тушди.

– Подшоҳзодам! Нима бўлди?.. – ҳаприқиб сўради Хутталон ҳокими Тўхтамиш ўғлон устига эгиларкан.

Аббос баҳодирга ҳамроҳлик қилган Муҳаммад Мирак даставвал Қизилқум саҳросидаги кўҳна қалъада подшоҳзода билан илк марта танишди, то Самарқандга етгунча йўлда жуда қалинлашиб кетдилар. Боғи Нақши жаҳондаги базми жамшидда эса қадрдон дўстлардек ўтирдилар. Ўшанда унга Тўхтамиш ўғлоннинг нимасидир ёқиб қолди, чамаси, ўзини ўзгалар олдида такаббуруна тутиши, атрофдагиларга беписанд боқиши унга пором келди. Одам деган шундоғ бўлса-да!

Шер Баҳромнинг ўғли ҳам ўшанга ўхшашга интиларди, иложини топса кибр-у ҳавони от қилиб миниб олса, калон-димоғликнинг жиловидан маҳкам тутса... Жумла жаҳон пошнасининг остида ётса!.. Албатта, бунинг учун мустаҳкам замин лозим, у истаган такаббурлик тахтига чиқмоққа Хутталон каби ҳассанинг тагидеккина вилоят ҳокимлиги шарафи етарли эмас... Тўхтамиш ўғлоннинг йўли бошқа, у – Чингизхон авлоди! Унга яқин бўлиш фақат наф келтиради.

Подшоҳзода баъзур кўзларини очди. Ким у, гапираётган? Дўстми?.. Ғаним қувиб етдими? Душман босдимми?!.. Ғира-шира туман ичида қандайдир башара иржайди, у чамаси, қаттол ёв Қозончи баҳодир эди.

– А-а-а!.. Сенми... Қозончи иблис!.. Лаънати душман!!!!..

Тўхтамиш ўғлон апил-тапил қиличига қўл чўзмокчи эди, бемисл оғриқдан инграб юборди, тиниқ юзларини изтироб пардаси қоплади.

– Менман, мен!.. Муҳаммад Мирак! Душман эмас, подшоҳзодам! Бевовта бўлмангиз... Овқат еяётганимда “полвон” дегандингиз-ку зиёфатда... “Полвон!..”

– Полвон?.. Қанақа полвон?.. Йўқол!.. Ихм-мм-мм!..

– Менман, Хутталон ҳокими амир Муҳаммад Мирак! Дўст, дўст ёнингизда! Амир...

– А-а-а... амир жаноблари... Полво-о-он... Бундай демай-сизму... Қозончи деб ўйлабман...

– Йўқ, Қозончи эмасман, Амир Муҳаммад Миракман!..

– Муҳаммад Мира-а-к... Худога шукр. Ҳа-а... Чинакам дўст экансиз...

– Дўстман! – хаприкди Муҳаммад Мирак. – Дўстман!.. Ҳамиша ёнингиздаман!.. Менга суянаверингиз, подшоҳзодам! Содик қулингиздурман!

– Ҳа-а... Ҳамиша ёнимдасиз... Ёнимда-а-а... содик кулим...

Подшоҳзоданинг ортик сўз айтишга ҳоли қолмагани кўриниб турарди.

Мамнун Муҳаммад Мирак одоб вазифасини ўринлатди – йигитларни чорлади, дарҳол чодир урдилар ва подшоҳзодани кийинтиришиб, авайлаб кўтариб чодирга олиб кириб ётқиздилар. Қўлига малҳам қўйиб боғладилар ва шарбат-у хўрак билан сийладилар. Тамаддидан сўнг Тўхтамиш ўғлоннинг жони сал тинчиди. Шундан кейингина, бу ерларда нима қилиб юрибсиз, дегандек “полвон” га қаради.

– Сизни қоралаб келдим, подшоҳзодам! Амир Соҳибкирон, учинчи жанг нима бўлди, деб хавотир олиб изингиздан жўнатдилар. Аслида ўзим тиладим. Содик қулингизманда... Йўлим Сабронга тушмиш эди. Соҳибкирон амр этдиларки, жаноблари салтанат юмушларида жасоратли бўлурлар ва ҳамиша музаффариятни ўз насибаларига айлантиришга жон-жаҳд ила интилулар...

–... “Салтанат юмушларида жасоратли бўлурлар ва ҳамиша музаффариятни ўз насибаларига айлантиришга жон-жаҳд ила интилулар...” – такрорлади мазахнамо овозда Тўхтамиш ўғлон. Ёки Муҳаммад Миракка шундай туюлдими... – Падари бузрукворимизнинг меҳрибончиликлари-

дан бошимиз осмонда... Афсус, биз солих фарзанд бўлолмаётимиз... Эҳ!..

Кўзлари юмилиб бораётган Тўхтамиш ўғлон, ортик гаплашгим йўқ, дегандай жойга чўзилди, уни уйку элтарди. Муҳаммад Мирак, подшоҳзода озгина ором олсунлар, деди-да, хос навқарига Хонўғлонга сув-ем бер, деб тайинлагани ўрнидан кўзғолди.

“Тезроқ подшоҳзодам кучга кирсалар бас, – деб ўйлади Муҳаммад Мирак, – Самарқандга қайтгаймиз...”

У учинчи жанг тафсилотларини Тўхтамиш ўғлондан эшитиб, даҳшатга тушди.

Жанг шиддат билан бошланди, лашкар даставвал вазият измини кўлда тутиб, дадил майдон марказини эгаллади. Тўктакиё қўшинининг чўғи негадир озроқ кўринди, шунга қарамай биринчи кун устунлик ҳеч кимга насиб этмади.

Иккинчи кун ёғий қўшини кутилмаганда сусти ҳаракат қилди, улар худди чекинишни аввалдан мўлжаллаб қўйгандек ҳолатда эдилар. Душманнинг бундай тутумини тушуниб бўлмасди. Душман чекиниши – Тўхтамиш ўғлон зафари!..

Чиндан ҳам, кўп ўтмай майдон узра “Ёғий қочди!”, “Ёғий қочди!..” деган музаффар садолар янгради. Тўхтамиш ўғлон қувончдан ер-у кўкка сиғмай, тепаликдаги қароргоҳидан туриб: – Зафар ёрдир, йигитлар! Ёғий қочди! Қочди-и-и!!!! Ёғий изидан! Изидан бориб мажаклаб ташлаш керак!.. Ёғий изидан!!!! – дея қичкириб юборганини билмай қолди. Унинг ўтқир ингичка овози ҳаммага эшитилди.

Шу палланинг ўзида:

– Ёғий изида-а-ан!..

– Ёғий изида-а-ан!..

– Ёғий изида-а-ан!!! Қочди! Қочди!. Ёв қочди-и-и!.. – садолари ер-у кўкни тутиб кетди.

Амир Улжайту опардий жонҳолатда шитоб келди-да, айюҳаннос солган навқарларни кўзларида ўт чакнаб кузатаётган мамнун Тўхтамиш ўғлонга ёлвориб бундай деди:

– Подшоҳзодам! Чакки бўлди! Бу душманнинг хийласидур! Ёғий изидан бормак хатарлидур! Тез фармон қили-

нгиз, аскарлар ортга қайтсунлар! Эртани шу ерда кутмак лозимдур!.. Фармон лозим, подшоҳзодам! Фармон!!!!..

Бироқ майдон ҳадисини олган амирнинг илтижоларга тўла овози отлар дупур-дупури, ғолиб лашкар суронлари остида эшитилмай кетди. Чекинган Тўхтакиё қўшинини қувиб етишга шайланган зафарқарин лашкар, ортида чанг-тўзонларни муаллақ қолдириб, бир зумда кўзлардан йўқолди.

Тўхтамиш ўғлоннинг қувончи кўпга чўзилмади. Лашкар қайтишини хотиржам кутарди, Тармочук бирдан чап томонда, ҳов анови баланд қир ортида қандайдир қўшиннинг корасини илғадим, деб хабар берди. Ҳайратланган подшоҳзода қир тарафга қараган ҳамоно қулоқни ёргудай:

– Ҳай-йо! Ҳай-йо!!!!.. Бос! Бо-о-ос!!!!.. – садолари осмонни тутди.

– Бу қандай қўшин?.. – сўради Тўхтамиш ўғлон.

– Билмадим... – деди вужудига титроқ кирганидан бир нима дейишга ожиз Тармочук.

– Тўхтакиёники бўлса, уни қувиб кетдилар-ку?.. Ҳали замон енгиб қайтишади... – ўзини ўзи овуларди подшоҳзода.

Муртига ўпкалаб турганда, соқол чикди, деганларидай, энди ўнг томондан дара ичидан ҳам бир лашкарнинг ҳайкириқлар ила ёприлиб келаётганини кўриб қолдилар!

– Ҳай-йо! Ҳай-йо!!! Ҳай-йо-о-о!.. Бо-о-ос!..

Дара ичи шиддатли садолардан жарангларди.

Тўхтамиш ўғлоннинг қаттиқ кўркувдан аъзои баданига муз югурди! Даюс Тўқтакиё! Бари унинг хийласи экан! Амир Улжайту опардий билиб айтибди! Жангга ташланган қўшин сонининг камлиги, ҳаракат сузлиги, гўё енгилгандек қочишлар, бари – ёғийни маккорлик ила алдаб тузукқа тушириш, кейин пистирмадаги баранғор-у жавонғорни сўппайиб ёлғиз турган Тўхтамиш ўғлон устига ташлаб, асир олиш ва ғофил лашкарни ҳалқа ичида кириб ташлаш учун ўйлаб топилибди! Оҳ, кеч англади барини! Нега Амир Улжайту опардийнинг гапига кирмади, нега?.. Ростдан ҳам, ҳали ғўр ва думбулбачча экансан, эй Тўхтамиш ўғлон!..

Шу палла Тармочук узоқдан кимнингдир отини қуюндай елдириб якинлашаётганини илғади-ю бит кўзлари катта-катта очилиб кетди:

– Подшоҳзодам! Кўрдингизма?.. Унинг нияти ёмон, бу аниқ! Ортида бошқа навкарлар ҳам бор! Тезроқ қочиш керак! Қараб турамизма?... Қочмаймизма?.. Кетдик!

Кутилмаганда:

– Тўхта, нокас! Пир урган!!!! – деган хайкирик эшитилди. Подшоҳзода ошиққанча икки юз кадамлар нарида отига тинмай камчи солаётган суворийга қаради ва... уч ой аввалги иккинчи жангда уни қувиб етолмаган Қозончи баҳодирни таниди!

– Оёғингизга бош урайма, подшоҳзодам? Ёлвораман! Отга минингиз! Тез! Тез!.. – куйиб пишарди Тармочук...

“Энди афсусдан фойда йўқ, зудлик билан чора топмок керак!. – деб ўйлади Тўхтамиш ўғлон. – Чора – қочиб колмокликда! Қочмок – ҳали енгилиш дегани эмас!..”

Подшоҳзода икки қўшин ўртасида хасдек топталишини хис этди, беихтиёр отига минаркан, Хонўғлоннинг вазиятни дуруст англаганини пайқаб таажжубланди. Безовта тулпор “Ҳа!..” дейишга маҳтал ҳолда, дам-бадам кулоқларини қайчи қилиб йироқлардан елаётган отларга қараб пишқирай, ер тепиниб кўярди.

Хонўғлон аслида Самарқандни соғинган эди. Пойтахтда эҳтимол Амир Темурни ҳам кўрармиди, одатдагидек, суйканармиди, қўлидан кишмиш ҳам еярмиди... Самарқанд кўчаларидан малолсиз, сувдай текис йўргалаб ўтган пайтларида атрофда, йўл бўйларида одамлар унга хайрат билан қарашар, кичкириб сўзлашар, Хонўғлон тушунмаса-да, уларнинг чехраларидан мақтов ва олқиш айтаётганларини англади.

Якин ойларда шаҳарга йўл тушмади, фақат кир-адир, дала-сой, нотекис жойлардан ўтишга тўғри келди. Тош-шағаллар туёғига азоблар берди, аммо бировга билдирмади...

Мана энди соҳибининг иши юришмаганини, душманлар кирдикорини, оқибатда бу ердан тезроқ қочиш лозимлигини шуурсиз англаб етган Хонўғлон камчининг учи те-

гар-тегмас ўқдай елиб кетди!

“Оҳ, Хонўғлон! От эмас, бамисоли тўрт оёкли дев! – деди Тўхтамиш ўғлон ичида тулпордан ғурурланиб. – Паркинидан канотлари отилиб чикаман, дейди. Қуюндай елади, қуюн ҳам ортда қолади!..”

Йўллар танобини тортишга орзуманд тулпор тоғ-у дара-лар, чўл-у кишлоклар оша Самарқандга тезгина етади-гандай алпозда эди. Учкур куёндай еларкан, ҳар қадам отганда ер бағирлаб бутун гавдаси нақ узилгудай бўлиб чўзиларди. Тўхтамиш ўғлон кумуш юган тизгинини маҳкам ушлаб, тилла қошли эгарга ётиб олган, қулоғида шамол ғувуллаб ҳеч нарсани эшитишга қўймас, узокдан қараганда худди чавандози йўқ от чопиб бораётганга ўхшарди.

Тўхтамиш ўғлоннинг навкарлари ҳам майдонни ташлаб, отларини унинг изидан бурдилар, аммо ҳар канча чиранмасинлар, жуфтак ташлаб учаётган Хонўғлондан ортда қолиб кетдилар. Душман отликлари уларга етиб олай, етиб олай, дерди. Тўхтамиш ўғлон бирдан Тармочукнинг шерикларига жон ҳолатда: “Тарқал! Тарқ-а-а-ал!!!..” деб бақирганини эшитди. Навкарлар, ёвни чалғитиш учунми, шитоб ўнгга, чапга ёйилиб кета бошладилар.

Қизик манзара содир бўлди. Ортда бир тўда аскарлар “хай-ё хай” лаб отларига зўр бермокда. Ўртада ҳар томонга сочилган, сочилиб кетаётган отликлар. Олдинда эса ўқдай шувуллаб елаётган ягона бўз тулпор...

Амир Улжайту опардий ва бошқа ўн-ўн беш аскарлар ҳам Тўхтамиш ўғлон изидан Довдирсой ёкка қараб от қўйдилар. Шу палла душманнинг баранғоридан йигирма-ўттиз чоғли аскар ажраб чикди ва қиялаб подшоҳзода йўлини тўсмокка чоғланди. Жавонғордаги қўшин эса ялписига Тўхтамиш ўғлонни қувмокка турди.

Йироқдан яна Қозончи баҳодирнинг таҳдидли боло-хонадор сўзлари эшитилди. Бу орада Амир Улжайту опардий бошлиқ навкарлар уларга етиб савашишга кириш-дилар. Кучлар тенг эмасди.

Амир Улжайту опардий қаттиқ жанг қилди, бир неча душман аскарини ер тишлатди. У қилич урганда ёшлардай

хайқириб кўяр, олдидан келганни ҳам тинчитар, оркани ҳам кўздан кочирмасди. Қозончи баҳодир уни илғади-ю шартта шу томон бурилди. Отини қаттиқ елдирганидан эғнидаги серхашам жавшан¹ ширикляб борарди. Озгина даҳанаки жангдан кейин, найзабозликка ўтдилар, аммо бундан бир иш чикмади.

Навбат қиличбозликка етди. Ажабки, иккиси ҳам бу ҳунарда устозлардан саналарди. Амир Улжайту опардий пайт пойлаб, ракиб бошини мўлжаллаб қилич урар, Қозончи баҳодир усталик билан чап берар, нафасни ростлаб, душманнинг яқинда эканидан фойдаланиб силтаган қиличи заранг² қалқонга тегиб қайрилгудай бўларди. Қозончи баҳодирнинг шувуллаб келаётган қиличига Амир Улжайту опардий ўзининг кескир қиличини қалқон қилиб улгурди. Кейин қаттиқ зарбага шайланганди, аммо ракиби ортга чекиниб жон сақлаб қолди.

Қиличлар ҳар сафар бир-бирига урилганда зорлангандай ингроқ жаранг саси эшитиларди.

– Ўлгинг кепти, шекилли... Кел! Кел!.. Жонингдан умидингни узавер, болакай!.. – қилич соларди Амир Улжайту опардий.

– Кунинг битди, қари кузғун! Гуноҳинг ўз бўйнингда! Лошинг шу ерда чирийдур!.. Эмаса, отимни бошқа кўяман!.. – дағдағага ўтди Қозончи баҳодир.

Савашиш қизигандан қизиди.

Кутилмаганда Амир Улжайту опардийнинг қилич тутган кўли нечундир ҳолсизлангандай туюлди: ўн йилдан буён холис хизмат қилган зулфикор³ қиличи – уни Исфаҳондан олдирганди, – панд бериб, қабзасининг ёнидан чўрт узилиб тушди! Чорасиз амир апил-тапил елкасига боғланган чўкморини⁴ олишга уринди. Аммо олиб улгурмади: кўзи қонга тўлган Қозончи баҳодир ракибининг ёшини аяб, раҳм-шафкат этиб ўлтирмади: шартта қилич солиб,

¹ Жавшан (форс; совут, зирх) – совутнинг бир тури (муалл).

² Заранг – танаси қаттиқ дарахт.

³ Зулфикор (арабча) – Ҳазрат Али шамширининг номи.

⁴ Чўкмор – тўқмок шаклидаги қадимий уруш қуроли; гурзи, шашпар.

“Даюс!..” деб кичкирган кекса номдор амирнинг не-не жангларда эгилмаган мағрур бошини сапчадай узиб ташлади...

Қозончи баҳодир энди Тўхтамиш ўғлон изидан от қўйди. Унинг бу сафарги пойгачи тулпори чакки эмасди, жайдари отларнинг икки-уч қадамини бир босарди. Баҳодир дулдулига камчи урди, кеча ёғиб ўтган ёмғирдан юмшаган ер чопишни кийинлаштирса ҳам, жонивор Хонўғлоннинг изидан ўкдай елиб кетди.

Хонўғлоннинг олдида яна биринчи жангдагидек Довдирсой пайдо бўлди. Бу сафар худо асрагур тулпорнинг шиддати шу қадар тез эдики, агар тўхтайман деса ҳам, хийла жойга бориб секинлай оларди, холос. Бўз тулпор буни асло ўйламас, аксинча, суръатига суръат қўшарди! Олдинда сойни кўрди-ю Тўхтамиш ўғлоннинг кўзи кинидан чикиб кетаёзди! Лекин у отни тўхтатишдан мутлоқ ожиз эди!

Узоқдан караганда от устида шавкатли Чингизхон авлоди подшоҳзода Тўхтамиш ўғлон эмас, гўё оддий бир жонсиз буюм, балки лаш-луш тўлдирилган, оғзи бўшгина боғланган, шундан у-бу нарсаси йўлларда тўкилиб-сочилиб қолаётган эски коп елиб борарди.

Шу пайт подшоҳзода қулоғига: “Тўхта, Тўхтамиш!..” Энди думингни тугаман, қонингни ичаман, кочиб кутулиб бўпсан, аблах!..” - деган сўзлар чалинди. У овознинг хийла яқиндан келганига ажабланди. Қараса, Қозончи баҳодир билан ораси юз қадамча қолибди, холос!

Ортдаги душман нафасини сезган Хонўғлон чақиндай шувуллаб Довдирсойга сакради!.. Қозончи баҳодир жиловни тортиб отини баъзўр тўхтатганида, Хонўғлон кирғокдан олтмиш-етмиш қадамлар нарида лойка сув гирдобида наҳанг балиқдек тўлқинларга чап бериб сузиб борарди.

Узоқ ўйлаб ўтиришга фурсати йўқ баҳодир, мерганликда тенгсиз, осмондаги пашшанинг кўзидан уради, деб таърифлардилар, тезда камонга ўқ жойлаб Тўхтамиш ўғлоннинг нақ бошини мўлжалга олди. Ёй тортай деганда, бирдан олампаҳоқ Ўрусхоннинг Тўқтакиёга: “Тўхтамишни тирик етказасан!..” деб тайинлагани эсига тушди. Ҳа, уни ўлдириб қўймаслик керак, ўқ тегсин, аммо захри қотил бўлмасин.



Мерган дархол мўлжални ўзгартирди...

Чақиндай ўк подшоҳзоданинг ўнг билагига тегиб, тирсаги тепасида шапалокдай этини суягидан ажратиб қўйди. Тўхтамиш ўғлон эгарга ётиб қолди. Қўлдан оккан қон сувни кизартириб борарди. “Ханжарни киздириб босса қон тўхтарди... – инграркан ўйланди Тўхтамиш ўғлон. – Хайриятки, ўк қўлига тегди, сал чапрокка тегсами, тамом эди...”

Қозончи баҳодир отга қапишиб ётиб олган суворийнинг битта-битта юриб нариги ўк етмас қирғоқка чиқиб, чакалакзор ичига кириб бораётганига қараб турар, танасига номуносиб каттароқ боши хиёл олдинга эгилганди...

ЎН БИРИНЧИ БОБ

I

Зиндачашм опардийнинг машъум воқеаси бутун Самаркандда шов-шув бўлиб кетди. Маҳалла-қўйларда хийла вақтгача одамлар хаёлини ўғирлаган миш-миш вазифасини адо этди. Ҳамма бозорга киришда ҳам, чиқишда ҳам кўркинчали тулумга қараб ўтарди. Бозордан нарироқдаги пастқам ҳовлида жойлашган такяхонага кетишаётган Ахий Жаббор баҳодир бошлиқ йигитлар бир кўп одам уймалашиб турган дарвоза олдида тўхтаб қолдилар. У ерда чоллар, кампирлар, толиби илмлар, турли бозорчиларни учратиш мумкин эди.

– Ажаб кипти!

– Қилмишига яраша-да!..

– Буям кам!..

– Балога гирифтор бўпти!..

– Ажалингдан беш кун бурун ўлмай ўл!..

Одамлар шундай сўзлар билан Шибирғон ҳокимини айблашар, лаънатлашар, айна пайтда карашдан кўркишарди.

– Ана, Янал... ёмонликни ўзига тилаб олган нокас-да... касри ўзига урди! – деди Ахий Жаббор баҳодир ёнидаги йигитга. – Кимки бировга чоҳ қазиса, ўшанга ўзи тушадир.

– Бу пешонадан.... – деб қўйди барваста Яналтекин ўзи-

ни донишмандлардай тутиб. – Бадбахтнинг пешонасига шу ёзилган-да...

– Тўғри айтасан, пешонада ёзилгани бўлади. Ҳеч ким қисматдан қочиб қутулолмайди. Аммо парвардигор бандасига яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам ёзиб қўйган... – эътироз билдирди Ахий Жаббор баҳодир. – Бир куннинг ярми кундуздан, ярми тундан иборат ахир. Қайси бирисига интилиш эса бандасининг қўлидадир. Зиндачашм опардий факат ёмонига интилди...

– Ҳали бу ҳам оз гир урганга... – сўзга қўшилди Учқора. – Нодон экан-да, дастингдан кетай. Амир Жоку барлос жаноблари қайсар Зиндачашмни олиб келиш учун Шибиргонга борганларида ўзим ўша сафдайдим... Шоҳидман, гуноҳимни Амир Соҳибкирондан сўраб берингиз, деб роса амир ул-умарога ялинди, лаънати. Бошига коп ташлаб бўйнига қиличини осиб Амир Темур ҳазратларига сиғиниб келди. Ҳимматни кўрунги, худо қарғагани гуноҳи кечирилибгина қолмасдан, тўй ҳам қилдилар, туҳфа-ю тансуқотларга кўмиб ташладилар. Бадбахтнинг жуда обрўи ошиб кетди. Ана шундай яхшиликлардан кейин... онаси даладан топган Каросмонда ҳазратга ўк отишни мўлжаллаб ўлтирибди-ку!..

– Ол-а! Вой, отангни арвойи!.. Тўхта, нима учун энди бошига коп кийиб, қиличини бўйнига осиб оладир? – сўради Яналтекин.

– Шунгайм аклинг етмайдиму, гушна?.. – Учқора шеригига қараб жилмайди. – Бўйнига қилич осгани – агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, қилич қидириб юрманг, мана қилич, олинг-у, бошимни кесинг, деганидир. Бошига коп кийгани – менга кафан излаб юрманг, кафанга арзимаيمان, шу қопга солинг-у, кўмиб ташланг, дегани бўлади...

– Ох, ох!.. – ҳайратга тушиб деди самимий Яналтекин. – Жуда чуқур маъно яшринган экан-а!

– Ҳазир бўл¹, ўзингни ҳам бошингга коп тушиб қолмасин, дастингдан кетай!

¹ Ҳазир бўлмоқ (арабча, эҳтиёткор; хушёр) – эҳтиёт бўлмоқ.

– Ол-а! Доим совук гаплардан гапирасан-а, отангни арвойи! Нима, онанг кахратонда тукканми? – астойдил хафа бўлди Яналтекин. – Нафасингни сал иссиқ кил-е!

– Ҳа, ха... Бунда теран маъно бор, йигитлар! – тасдиқлади Ахий Жаббор баҳодир. – Ҳеч кимнинг бошига бундай кун тушмасин!

– Агар бошимга шундай кун тушса, ўзимни бир нима қилиб қўяман! – чиранди Учқора. Кейин ўзининг ёктирган хиргойисини бошлади:

*Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди...*

Ғало-ғовур ичида Ахий Жаббор баҳодирлар энди жилмокчи эдилар, хийла узоқда чамаси бозорга отланишган Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликларнинг қоралари кўзга ташланди. Улар ўзларини атрофларида ҳеч ким йўқдек бир алпозда тутганларича, бамайлихотир юриб келардилар. Шайх Нуриддин баҳодирга Ҳумоюн ўрдудан бозорлар муҳассиллигини¹ бошқариш вазифаси топширилган, амирлар бозордаги нарх-навони текширишга боришмакда, шекилли.

Жаҳонгир Мирзо ўнбошисининг кўп йиғинларда кузатишига кўра, бу шахт-у шиддати баланд мағрур аслзодалар салтанатда яхшигина нуфузга эга эдилар. Бироқ кўпинча бирга юриб, бир-бирига дўстдай туюлсалар ҳам, улар аслида бошқа-бошқа одамлар эканларини Ахий Жаббор баҳодир ич-ичидан сезарди.

Шайх Нуриддин баҳодир жуссалик, ўрта бўйли, юмалок юзли, сийрак қошли, хиёл ясси бурни ўзига ярашган, қисик кўзлари ҳамиша чакноқ, жасур ва серғайрат йигит бўлиб, бетакаллуф кулганда ингичка овози ҳамманикини босиб кетарди. Кийган чопони қорнида учма-уч турар, қадамни катта ташлаб юрса ҳам, кўполлиги билинмас, юрганда чап ёнидаги қиличи, эмин-эркин боғланганиданми, қадам билан бирга бориб келарди.

Ахий Жаббор баҳодир унинг отасини яхши танирди. Амир Сорибуға жалойир гоҳ Соҳибқирон ёнида, гоҳ эса унга

¹ Мухассил (арабча) – солиқ йиғувчи (муалл.).

карши душманлар сафида от суришлари, танг вазиятларда ташлаб кетаверишлари билан машхур эди. Умуман, жалойирлар бекарорликда ном чиқаргандилар. Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир, Баҳром жалойир, Одилшоҳ жалойир, Амир Сорибуға жалойир... эҳ-хе, улар кўп, – барчасининг ҳам хиёнаткорликлари борасида Ахий Жаббор баҳодир, лозим бўлса, кўп сўзлар айта олади.

Амир Соҳибқироннинг кечиримлилиги, кенгфеъллиги, меҳр-у муруввати йўлидан адашган кишилар такрор сиғиниб келсалар, асло кўкракларидан нари итаришга йўл бермасди, душманни ҳам дўстга айлантириш йўлида ўз ниятларидан қайтмасди. Ахий Жаббор баҳодир фикрича, Шайх Нуриддин баҳодир ана шундай дўстга айланган душманлардан бири... У ясси бурнини жийириб тикилганда, кўзларида: “Хўш, сиз дўстмисиз, душманмисиз?.. Кўнглингизда нима бор? Ҳаммасини кўриб турибман!...” – деган маъно яшрингандай эди. Амир Сорибуға жалойир ўғли отасининг тутумларидан хабардорлиги боис, ҳамиша Амир Темурга фидойи, хизматга иштиёкманд эканини бўрттиришга уринарди. Буни Ахий Жаббор баҳодир аниқ сезади.

Амирлар ўртасида, вақти келса, ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, шафқатсиз Шайх Нуриддин баҳодир ҳақида ҳар хил нақллар юрарди. Жетага юриш чоғида ўлжага тушган гўзал мўғул қизларидан бирини ёктириб қолиб, руҳининг пойдорлигига путур етиб, бутанинг ортига олиб ўтибди-ю нафсини қондиришга киришибди... Шу палла қайдандир етиб келган мўғул навқари унга ташланибди. Баҳодир чап қўлини гўзал қизнинг қуймичидан олмай ўнг қўлида қилич тутганча, ҳалиги навқар билан саваша бошлабди. Икки томонлама жанг авжга чиқибди... Соҳибқирон аскарлари бундан хабар топибдилар ва бир лаҳзада ҳалиги мўғулни орқасидан қилич уриб ўлдирибдилар. Жазавага тушган Шайх Нуриддин баҳодир атрофдагилардан изо тортмай ишини давом этдирар эмиш...

Ёйилиб кетган бу воқеа кўп ҳазил-мутуйибаларга сабаб бўларди. Айримлар, нуфузли амирлардан бирининг бунчалар фосиклигидан ирганиб гапирардилар, бошқалар буни

жасоратга, эркакликка, ботирликка йўярдилар. Оркаворатдан шу ҳақда сўз чикқанини эшитиб қолса, баҳодир гап эгасини, албатта, кидириб топиб орани очик қилишга тиришгани тиришган эди.

Амир Шохмалик эса Ахий Жаббор баҳодирга нимаси биландир ёқади, у хушбичим, ҳамиша ораста кийиниб юрадиган Амир Сайфиддин некўзга ўхшаброк кетади. Ўртачадан баландроқ бўйли, хуш тавозеъ, андишали, жасур, чаққон ва абжир бу йигит, жуда хушмуомала, одоб доирасидан чикмайди, уни футувват¹ соҳибларидан деб эшитган. Сиртдан караганда нозикроқ, аммо аслида чайир, хушёр, ёшига нисбатан кўзи пишган дейиш жоиз. Овозини кўтариб гапирмайди. Қорамтир юзлари чўзинчоқроқ, бурнининг сал каттароклиги ҳам ўзига муносиб. Кўзлари катта-катта, кошлари қуюқлигидан қовоклари қарийб йўқолиб кетгандай туюлади.

Ахий Жаббор баҳодир саломлашмоққа чоғланди. Лекин шу палла бозор ичидан ёприлиб чикқан бир кўп одамларнинг шовкин-сурони унинг хаёлини бўлди-ю ўша томонга каради. Олдинда ўн икки ёшлар чамасида бир бола кўйлаги белигача тушириб қўйилган ҳолда келар, ёнида эркаксабзига ўхшаган, манглайи тиришларга тўла бир одам кўлидаги хипчин билан дам-бадам шўрликнинг елкасини савалаб кўяр, ора-орада: “Ҳали яна ейсан!..” дер, боланинг эса кўзларидан ёшлар оқарди. Хипчиннинг каттиқ текканидан боланинг елкасида иккита қизил чизик бўртиб чикқанди. Уларга эргашган ўн бешга якин бекорчихўжалар ўзларини гўёки ҳеч нарса юз бермаётгандай тутишар, ҳеч ким болани ажратиб олиш ёки ҳалиги эркаксабзига ўхшаган бераҳм одамнинг танобини тортиб қўйиш ҳақида қайғурмасди. Фақат текин томошадан завқланишгандай, ҳар хипчин тушганда, “Ҳа!..”, “Ҳа!..” дейишарди, холос.

Ахий Жаббор баҳодир бироз ҳанг-манг бокиб турди. “Нега ёш болани уради?..”, “Ҳеч кими йўқ болани нега уради?..” – деди ўзига ўзи кейин! Болалигида Марғинонда

¹ Футувват (арабча; ёшлик, ўспиринлик; мардлик, ботирлик) – қўли очиклик, сахийлик, саховатлилик.

бир бойнинг уйида кароллик қилиб юрганида худди шундок ноҳадан калтак егани эсига тушди. Ўшанда уни ҳам хипчин билан савалашган, ҳеч кимнинг раҳми келмаганди. Болага тушаётган хипчиндан унинг елкаси ачишаётгандай бўлиб кетди. У яқинлашиб қолган амирларни ҳам, кўришиш зарурлигини ҳам унутди.

– Тўхтангиз!.. Бу қандай гап? Ёш болани урасиз?.. – жаҳли чиқди Ахий Жаббор баҳодирнинг, изма-из Учқора, Яналтекинлар ҳалиги одамга яқинлаша бошладилар. – Хипчинни бу ёкка берингиз! Синдириб ташлай, қани!.. Инсоф борму ўзи?

– Ёш болани топганини қаранг! Уришсанг биз билан уриш, дастингдан кетай! Қани, кел бу ёкка! – яниб деди Учқора.

– Уялмаганини! Уят-е! – қўшилди Яналтекин.

Атрофда шовкин тинмасди. Эркаксабзига ўхшаган одам вазоҳати хунук Ахий Жаббор баҳодирни асилзодалардан деб ўйлади-ю бироз саросимада тўхтади.

– Ҳовлиқмасинлар, бек... Бекорга калтак емаётир бу... Бекорга эмас... – тушунтиришга уринди у...

– Нима, киссабурми бу?.. Бозордан бирон нарса ўғирлабдими? Тутиб олдингизми? Уни урасиз...

– Йўқ... Унақа эмас. Мен сизга тушунтирай, бек. Бизлар читгарлармиз...

– Читгарлар?..

– Ҳа, читгарлармиз...

– Хўш... Читгар бўлсангиз нима? Бўлсангиз бўбсиз! Осмон узилиб ерга тушибдиму?

– Ол-а! Читгар эмиш! – деди Яналтекин.

Эркаксабзига ўхшаган одам босиқ тушунтира бошлади:

– Бизлар читгарлармиз... Дастгоҳимиз Чокардиза мазорига етмасдан бериқоқда чапдаги маҳаллада жойлашган. Ўзимизнинг расму русумимиз, қоидамизга кўра иш тутамиз. Ота-боболардан қолган-да. Касб низомимизда тўғри йўриқлар битиб қўйилган. Инсоф билан ҳалол ишлаш лозим. Дастгоҳнинг олдига, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, деб таҳорат олиб бормак керак. Ғирромлик қилишга ҳеч ким-



нинг ҳаққи йўқ. Бу бола шогирдим, билсангиз... Яхши бола, бироқ адашиб, низомни бузиб қўйди, юзимни ерга қаратди. Тандачилардан роса уялдим. Чит тўқиётиб тандасига тоза ип ўрнига яширинча каноп аралаштириб юборибди, эси йўқ. Арқоғига сифати паст, осон узилиб кетадиган ипдан қўшибди. Бу харидор ҳақиға хиёнат, читгарлар шаънига исноддир. Ҳеч мумкин эмас. Унда егани ҳаром-да.

Ахий Жаббор баҳодир ҳайрон қараб турарди.

–... Гуноҳкорлар бозор кун илкиси яланғочланиб хипчинда саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилади. Токи унга сабоқ бўлсин, ҳамма кўрсин. Одамлар бизнинг ҳалоллигимизни билсин. Одатимиз шунақа. Биз ор учун курашамиз. Бундан кейин бунақа иш қилмайди...

– Шунақами... – деди Ахий Жаббор баҳодир тарвузи қўлтиғидан тушиб, дам елкалари қаварган болага, дам хотиржам устага қарар экан.

– Шунақа дегин... Вой, дастингдан кетай... – чаккасини қашиб қўйди Учқора.

– Ол-а... отангни арвойи... – бошини чайқаб Учқорага тикилди Яналтекин.

Ҳалиги одам: “Яна ейсан!..” – дея шогирдига навбатдаги хипчинни урди ва текин томоша ишқибозларини эргаштириб нуфузли амирлар келаётган томонга қараб йўлида давом этди.

Нохуш воқеадан кейин Ахий Жаббор баҳодирнинг негадир амирлар билан учрашиш истаги ҳам йўқолди ва Учқорага буйруқ берди:

– Тез такяхонага кетдик!.. Тез!..

– Устаникига! – деди Яналтекин.

– Такяхонага, дастингдан кетай, такяхонага!.. – оғзининг таноби қочиб сўзланди Учқора...

Улар бозор ичига ўзларини урдилар.

Одамлар тўпланиб улфатчилик қилиб турадиган такяхонада турли табакадаги кишиларни – амирлар-у баҳодирлар, аҳли тижорат вакиллари, баъзан давлат одамларини ҳам учратиш мумкин. Такяхона кўкнорихоналик вазифасини ўтарди, айримлар наъки тортиш, кўкнори ичиш, таряк¹ тотиш, ҳатто қора дори ейиш умидида ташриф буюрарди.

Гоҳ-гоҳда “шайъанлилло”ни айтиб ридой муҳаммадийга бурканган, бошига қулоҳи аҳмадий кийган, елкасига кашкул илган белларига анвойи латталар боғлаган қалан-дарлар ҳам жўш-у хуруш ила кириб келишар, бир четда уларнинг ҳам ўз жойлари бор эди.

Одамлар бу ерда ўзларини эркин сезишар, ҳар ким ўз даврасида нақ подшо мартабасига минарди. Кўпинча, такяхоналарни хорижликлар очарди. Аммо бу ургутлик бир бадавлат одамга қарашли бўлиб, унинг Уста Шунқор деган гумаштаси² бошқарарди. Самаркандда бундай жойлар анчагина бор эса-да, энг машҳури Ахий Жаббор баҳодирлар йўналган мана шу такяхона ҳисобланар, номини айтиб ўтиришмас, қискагина: “Устанинг такяхонаси” деб аташар, гаштак ҳақида гап кетса: “Устаникига борайлик!..” – деб кўйишарди.

Исмига яраша барваста, паҳлавон сифат, қайғу-ғамдан кейинрок туғилган, жуда ҳам хушчақчақ, каттагина бурнининг учи ҳамиша қизариб юрадиган Уста Шунқор, келбатига қараганда қадам олиши чакқон одам эди. Такяхона ҳовлиси ёз вақтларида жаннатга айланарди, айникса, ҳовлидан оқиб ўтган каттагина арик бутун атрофга фэйз-у кўрк бағишларди. Қиш вақтларида ҳамма бўйи йигирма, эни ўн беш қадам чиқадиған каттагина хонага кириб олар, ўнта сўри доим банд бўлар, атроф ғало-ғовурга тўлиб кетарди.

Ахий Жаббор баҳодир шериклари билан такяхонага кирганда, хонада биронта ҳам бўш сўри йўклигини кўрди.

– Ассалому алайкум, уста!.. – деди баҳодир.

¹ Таряк – қора дори.

² Гумашта (форсча) – ваколатли шахс; хизматкор.

– Ва алайкум ассалом, баҳодир!

Уста Шунқор одатдагидек хушчакчак тарзда меҳмонларни қарши олди.

– Ўнг бурчакдаги сўрига ўтаверингизлар, баҳодир жаноблари!.. Тишимни қавагида саклаган жойим...

Авваллари тез-тез кириб турадиган Ахий Жаббор баҳодир Оққизга уйлангандан бери бу ерга қадам изи босмади. Чунки, унинг бор роҳат-фароғати Боғи Чинордан янги келин-куёвларга теккан, унинг учун маликалардан ортиқроқ Оққизи яшайдиган мўъжазгина хонада... Аммо Учқора, Яналтекин ва бошқа сипоҳлари: “Муборак, муборак! Қачон бизни ўтиришга чақирасиз?..” – деб ҳол-жонига қўйишмади. Унинг устига, ўзи ҳам валламатлиги тутиб кетиб: “Бир зиёфат биздан!” – деб ваъда бериб юборган экан.

Ҳар сафар бу ерга келганда, сарбадорлар замонидаги Нозим Меҳмет қахвахонаси эсига тушиб юраги орзикиб кўяди. (Нозим Меҳметнинг қахвахонаси нариги кўчада жойлашган эди, у кўча ҳозир бузилиб кетган). Кейин хотиралар бирин-кетин жонланади. Доим чиройли гапиришга одатланган содда Абу Бакр Калавий, толиби илм Мавлонозода, мард ва жасур камонмерган Хўрдак Бухорий, Тун салтанати, Шаҳриёр, Калтатой, бошқа сарбадорлар... Ва, албатта, ёш умри ҳазон бўлган Жаҳон бика... Қандай замонлар эди! Энди бари ўтди, ўтди...

Йигитлар бурчакка йўналдилар.

Икки сўри нарида уч киши ўлтирарди. Йўғон овозли чап кўзи сал ғилайроқ чилим калла ориқ бир одам гап бермоқда, у қишин-ёзин бир хил – доим учта чопонни устма-уст кийиб юрарди. Ёнидаги пакана хўппасемиз киши дам-бадам унга нимадир дейди-да, суҳбатдошининг елкасига енгилгина уриб, ингичка овозда кулиб кўяди. Учинчиси гапга аралашмайди.

Ахий Жаббор баҳодир орқа ўгириб ўлтирган одамни ҳисобга олмаганда қолганларини авваллари ҳам бу ерда кўп кўрган. Зарофат эгаларидан Ориқ билан Пакана, давраларда ҳамиша қизиқ гаплар айтиб атрофдагиларни кулдиришар, янгиликлардан бохабар этиб туришарди.

—... Тан олмай илож йўқ, Амир Соҳибқирон хотам-тойликни ўринлатиб қўйди, тириклик кўзини нурлан-тиришга тиришди, бошини силади.... — деди орик одам йўғон овозда.

Баходир гап Зиндачашм опардий ҳақида эканини фахм-лади. Гапирган киши унинг исмини назарда тутаётганди. Чамаси, хийладан бери шу ҳақда мунозара борарди.

— Тириклик кўзи нобино бўлди... Саёқ юрган таёқ ер.. Тўхтатайлик бу гапларни! Тағин бизга касофати тегиб юрмасин, ака! — қўл силтади ингичка овозли пакана одам...

— Гапинг тўғри, ука... — тасдиқлади Ориқ. — Қўй уни. Лекин бошқа нарсадан ташвишдаман...

— Нимадан экан, ака?

— Олтин Ўрда хони билан алоқа ёмон. Уруш чиқади-ёв. Уруш ёмон нарса-да. Ишқилиб, баттолнинг юзини тесқари қилсун...

— Рост айтасиз, ака... — тасдиқлади Ориқнинг сўзини Пакана. — Эшитдимки, Қамариддин дуғлат Андижонга бостириб кирган эмиш...

— Оббо, лаънати-ей! Яна-я?

— Хоразм волийси Бухорога қўшин тортибди. Маҳмуд-шоҳ Бухорий дарвозани ланг очиб берибди.

— Маҳмудшоҳ Бухорий кетворган ўйинчи эди. — кулди Ориқ. — Амир Кайхусравнинг ўғли Султон Маҳмуднинг тўйида роса ўйнаган. Ўзим гувоҳман...

— Ҳа-а... Ўйинчилар кўп, ўйинчилар... — маънодор бош чайкаб қўйди Пакана.

— Думини тутиш керак даюсларни! Тушундик!.. — гапга аралашди орқа ўгириб ўлтирган одам.

Уларнинг нариги ёнидаги сўрида эса беш-олти киши дунё билан ишлари йўқ, берилиб нард ўйнашарди.

Чап томондаги кунжақда энг охирги сўрида Наддофлар¹ маҳалласида яшайдиган, Самарқандда таникли, ёши саксон-ларни қоралаган аммо ҳали тетик, бакувват Эсон бува улфатларини йиғиб гаштак қиларди. Улфатларнинг бири зоминлик, иккинчиси ургутлик машхур нашавандлардан

¹ Наддоф — пахта титувчи.

бўлиб, тез-тез Эсон бувани кўргани келишарди. Учовлари дам-бадам чилим тортишиб, кўкнори ичишар, шакаргуфторликни авжига чиқариб, чархи кажрафторнинг шевалари ҳақида мириқиб суҳбатлашишар, ўзларини дунёнинг нактагига етгандай сезардилар.

Мана ҳозир ҳам улфати чор Эсон бувалар жамулжам ўлтиришган экан. Эсон бува сархонага тамаки-ю наша солиб наяки тортишга турди, чилим хўриллай бошлади. Ҳар тортганда: “Ўҳ-хў! Ўҳ-хў!...” деб йўталар, ўзи яхши кўрган, аммо маъносини ҳеч ким, балки ўзи ҳам тушунмайдиган, тушунишга уринмайдиган “Қуршо-о! Қуршо-о-о!...” деган аллақандай сирли сўзлар оғзидан чикиб кетарди. Одамлар бунга кўникиб кетишганди.

Эсон бува ёнидаги Ахий Жаббор баҳодирларга орқа ўгириб зоминлик улфатга чилимни узатди. У обдан сархонани хўриллатиб бир-икки тортгач, уругутликка тутди. Чилим давра айлана бошлади.

– До-од, поёнсиз дунё!.. Торга тор-у кенгга – кенг дунё! – деб юборди навбатдаги наякини тортиб Эсон бува. – Оллоҳ қудратига имон келтирай десанг – баланд тоғларга бор! Ўҳ-хў-ў!.. Ўҳ-хў-ў!.. Туби йўк денгизларга бор, такадай сакраб, учкур тойдай ўйноқлаб оқадиган шошқин сойларга бор... Қуршо-о! Қуршо-о-о!..

Ахий Жаббор баҳодирлар дастурхонида ҳам егуликлар пайдо бўлди, кейин бўйи беш қаричча, қорнига чиройли гул солинган қулоқли кўзада бўза келди. Учқора апил-тапил хизматга киришди. “Хушбод ва нушбод” дея бир коса-бир коса бўзадан отилди. Димоғлар исий бошлади.

Ахий Жаббор баҳодир кунжақдаги бангиларга қараб тураркан, нимадир эсига тушиб қолдими, шерикларига деди:

– Бир куни Эсон бува кўкнорининг ҳали пишмаган кўм-кўк кўсакларидан бир нечасини косанинг устига ёпилган даструмолга туғиб ивитибди, кейин даструмолни яхшилаб туғиб обдан эзиб ширасини чинни косага тўлдириб қуйибди... Жигарранг қаҳрабодай тип-тиник кўкнорига термилиб хаёлларга чўмиш – дунёнинг энг бебаҳо лаззатларидан бири экан-да... Кўкнорини ичишдан эмас, балки ичгандаги завқ-

шавк, энг мухими, ҳали бу фараҳбахш онларнинг олдин-далиги хаёли гашти маст қилади уларни...

– Ох, ох!.. – деб юборди чап томонда ўтирганлардан бири.

– Алқисса, Эсон бува чинни косани дастурхонга қўйиб кўзларини юмганча, ана шу косадаги кўкнорини ичсам, нечоғлик роҳатланаман, дея хаёлларга ботибди. Шу палла бирдан катта семурғ қуш учиб келиб, Эсон бувага : “Оёқларимдан ушла!..” – дегандай ишора қилибди. Ақлли қушда. Эсон бува апил-тапил қушнинг оёқларидан ушлабди. Семурғ кўтарилай деганда, “Ҳай, мен ҳам бораман!” дея, каёқдандир зоминлик улфати келиб қолибди ва Эсон бува оёғидан тутибди. Семурғ улкан қанотларини ёзиб осмони фалакда учиб кетаверибди, кетаверибди, ниҳоят бир жойга қўнибди. Қарашса, хумда тилла қайнаб ётган эмиш!..

– Қаердайкин, биз ҳам борардик... – гап кистирди кимдир ўнг ёқдан.

– Мени ҳам олиб кетингизлар!.. – қўшилди яна биров.

Гап кизиби, такяхонада ҳамма Ахий Жаббор баҳодирга қулоқ сола бошлади. Бундай ҳазил-у тегажоқликларга ўрганиб қолган, баҳодирни аввалдан танийдиган Эсон бува уларга қулиб қараб турарди.

–... Эсон бува улфати билан тиллага ташланибдилар, чўнтакларнинг бари тиллага тўлибди! – давом этди баҳодир. – Семурғ яна парвоз қилибди. Нақ кўк токига етганда Эсон бува зоминлик улфати:

“Хумни қара катталигини! Бунақасини ҳеч кўрмагандим!.. Во-о-о!.. Худо берди-да!” – дебди мамнун.

“Жудаям катта эмасди... – дебди зоминлик улфат. – Йўғ-е! Катта эмас... Оддий хумлардан-да.”

“Катта эмасди, дейсанми? Э-э-э... Жуда катта!..”

“Хум кичкинагина эди! Кичкина! Ўзимиздаям бундақалари кўп! – бўш келмабди зоминлик улфат. – Қўй-е! Ҳатто оғзига қўл ҳам сиғмасди... Роса қийналдим-ку, тилла қўлимга илинмай...”

Баҳс кизигандан кизибди. Эсон буванинг фиғони фалакка чикиб:

“Ҳай!.. Ие!.. Одамни бундай бўлма-да!.. Хит киб ташлайсан-а кишини! – дебди. – Хумнинг катталигини кўриб туриб йўқ дейсан-а! Мен сенга айтяпман-ку, хум тандирдай эди, деб!.. Ҳа, тандирда-а-ай эди! Ўзинг кўрдинг-ку! Катталиги нақ мана бундай келарди!..” – Эсон бува жаҳл ичида кулочини катта ёзиб, семурғнинг оёғини қўйворибди! Иккиси ҳаш-паш дегунча осмон-фалакдан ерга шувуллаб тушиб кетишибди!.. Жон ҳолатда кўзини очган Эсон бува ўзини ўнглаб караса, олдидаги коса қийшайиб ётганмиш, ичидаги қаҳрабодай кўкнори ерга тўкилиб адои тамом бўлибди! Хаёлда туртиб юборган экан...

Кучли қаҳқаҳа кўтарилди! Сурон ичида Орик билан Пакананинг йўғон-у ингичка овозлари алоҳида ажралиб турарди. Эсон буванинг ўзи ҳам, зоминлик билан ургутлик ҳам яйрашиб кулдилар.

Шу палла Ахий Жаббор баҳодирларга орка ўгириб ўлтирган киши ялт этиб қаради. Баҳодир ханг-манг бўлди: у – Амир Мусо эди! Ўнбоши аввал эшитганди: қаршилиқ амир ўзининг жўралари Амир Кайхусрав, Зиндачашм опардий ва бошқаларни йиғиб вақти-вақтида шакаргуфторликда чилим тортишиб тураркан. Чамаси, қадимдан ўрганганидан, пойтахтга келган пайтларида албатта бу ерга кириб ўтарди. Амир Мусо ўғлига Соҳибқирон қизини олиб бергандан кейин хотиржам шундай гаштакларга ружу қўйган, шекилли.

Ахий Жаббор баҳодир ўзини кўрмаганга солди, дастурхонга эгилиб у-бу еган бўлди.

Шу палла нард ўйнаётганлар тепасида турганлардан бири сўз очди:

– Ундан аввал ҳам қизиқ ҳодиса юз берибди. Бир куни Эсон бува жўралари даврасида кўкнорини эзиб косага қуйиб, ўшандай ширин хаёллар оғушида ўтирган эканлар. Нимадандир қочган бир мушук елиб хонага кирибди. Улар “Ҳай! Ҳай!..” деб ҳайдай бошлабдилар. Ўзини қаёққа уришни билмаган мушук қочиб кетаётиб бир оёғи косага тушиб қолибди-ку! Жўраларнинг бошлари котибди:

“Ие! Энди нима қиламиз? Кўкнори ҳалолми, ҳаромми? Ичиш мумкинми?..” – дебди Эсон бува. Илгари бунақаси ҳеч

учрамаган экан.

“Кўкнорини энди ичиш керакмас!..” – дебди бошқаси.

“Имом домладан сўраш керак, имом домладан!..”
маслахат берибди учинчиси.

Имом домлага одам жўнатибдилар.

Имом домла: “Тез ўша мушукни топинглар ва косага тушган оёғини... кесиб ташланглар! Ҳаром бўлди! “– деган хукм чиқарибди...

Тагин гуруллаган кулгу овозлари эшитилди.

Кулгулар таъсириданми, Ориқ билан Пакана бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар, ҳазил-мутойиба бошланиб кетди.

– Сен паканасан, мен ориқман, ука... – сўз бошлади Ориқ.

– Паканаман, ака...

– Худо бизларни шундай яратган-да, буни қара! Бари худодан. – деди Ориқ.. – Худди сенга ўхшаган пакана-ю менга ўхшаган ориқ одам бор экан...

– Шунаками... Оббо сиз-ей! – мийиғида кулди Пакана. – Сен-у мен, деяверинг-да, сўзни бежамай!

– Топдинг – сен-у мен! Шу десанг, мен ориқ доим сен паканани ўйлайман, шу укамнинг кўнгли чўкмасин, дейман-да. Бўйинг пастмасми...

– Ҳа... Паканаман, бўйим паст... Одамлар сўрайди-да, сен пакана қандай катта бўлдинг, вояга етдинг, дейди. Сизни кўрсатиб, шунинг кетидан одам бўлдим, дейман...

Қийкирик овозлари атрофни тутди. Ориқ дарҳол жавоб ҳозирлади:

– Менинг кетимдан одам бўлганинг тўғри. Энди биров сўраса, тортинма, мени шу одам қилган, деб дадил айтавер!..

Одамлар: “Ҳа, Ориқ улоқни олиб кетди, олиб кетди!..” – дейишарди. Кулгудан барчанинг кўзлари ёшга тўлди. Баъзилар юмалаб қолдилар.

– Зўр боғбонлигингизни яхши биламан, ака. – янгисини бошлади Пакана.

– Ҳа, номи чиққан боғбонман-да.

– Жуда моҳир боғбонсиз. Музофотга донғингиз ёйилган.

– Донғим ёйилган.

– Яхши боғбонсиз-у, аммо суриштирсам, боғингиздаги ҳамма мевали дарахтларни нуқул бировларга эктирар экансиз, ака... – чимдиб олганидан мамнун деди Пакана. – Мен барини ўзим экаман.

– Шунақами? Ўзинг экдингми? Мева қилдими?

– Худо хоҳласа, келаси йил, ака...

Орик илжайди:

– Майли, ўксинма. Келаси йил қилади, деб қараб ўтирасанми? Унгача бизникини еб тура қол, ука!..

Кулгидан такахона нақ портлаб кетай деди Курашга тўймаган Пакана зарифларнинг чорасиз пайтларда қўллайдиган усулига ўтди: ҳажв тиғини рақибининг нуқсига қаратди.

– Зўр созандалигингиз оламга машҳур, ака! – кулгиларни босишга уриниб қичқирди Пакана...

– Зўр созандаман-да, ука.

– Бу уйда чолғу асбоблари қўп, қўзингиз яхши илғамайди, шекилли... – чандиб олди Пакана. – Қўлингизга менинг асбобим тушиб қолганди, ўзимники деб маҳкам ушлаб олиб ҳеч қўйиб юбормайсиз-а, ака...

Яна гуруллаган кулги кўтарилди. “Қих!” Қих” деган Пакананинг ингичка овози ҳамманикининг ичида яккол эшитиларди.

– Гапинг тўғри, қаерданам сенинг асбобинг қўлимга тушибди, ўзим ҳам билмайман... – бироз ўйланди Орик. – Айтдим-а, негадир чоғроқ деб... Кўзимнинг ғилайлиги бор, яхши илғамайди-да... Бу уйда чолғу асбоблари чиндан қўп экан, ўнгдаям, чапдаям асбоблар қалашиб ётибди дегин. Камонни қидиряпман-да. Менга айт-чи: униси камонми, буниси камонми?..

Кучли қаҳқаҳадан эндигина шифтга қўнган мусича кўрқиб учиб кетди. Орикнинг закийлик билан берган нозик жавоби барчани қойил қолдирди. Пакананинг бўйи яна ҳам пасайгандай кўринди. Амир Мусо кулгидан ёшланган кўзларини артарди. Аския яна давом этиши мумкин эди-ку, аммо

нард ўйнаётганлар ичида ихтилоф пайдо бўлиб, ҳамма нарсанинг белига тепди. Баҳс авжга чиқиб борарди.

–... Бекор айтибсан! Нардни биласанми ўзинг? Тўпикнинг гули мана бунақайди! – деди биринчиси овозини кўтариб.

– Сен билиб гапир!.. – сўзини кесди гунгурсдай одам биринчисига. – Унақамас, мана бунақа! Кўзми у? Ёки пўстакнинг йиртиғими? Накши чиройлик, гули тепада, тепадан тушиб келганди, деяпман-ку сенга?

– Кўрганни эшитган енгибди!.. Тавба! Сен бундай гапирма-да! Гули пастда эди! Шундоқкина пастда...

– Вей, мен сенга тепада эди, деяпман!..

– Пастда дедимми, пастда!

– Тепада, деяпман-ку сенга, каллаварам!.. Итимни чиқарма! Эси жойидами буни...

– Пастда!.. Мен пастда деяпман! Галварсни қаранг! Ха-ха!..

– Нима, жиннимисан?!

– Ўзинг жинни!..

Гунгурсдай одам тоқати тоқ деди:

– Астағфурилло!.. Астағфурилло... Амир Темур Кўрагон боши билан қасам ичаманки, тўпикларнинг накши чиройлик, тепада, тепадан тушиб келганди!.. – деб юборди кизик устида!

Буни эшитиб Ахий Жаббор баҳодирнинг юзига қон тепди! Шартта ўрнидан турди-да, “хе” йўқ, “бе” йўқ, бориб ҳалиги гунгурсдай одамнинг соқол аралаш юзига тарсаки тортиб юборди!

– Эй ножинс, кирчи хотиннинг ўғли! – бакирди Ахий Жаббор баҳодир. – Оғзингга қараб гапир! Ажалингдан беш кун бурун ўлмоқчимисан?..

Сўридаги одамлар ҳайратда донг қотиб қолдилар. Ҳамма: “Нима гап?..” дегандай шу томонга қаради.

– Ие! Ие!.. – дер эди гунгурсдай одам ҳанг-манг юзларини силаб, Ахий Жаббор баҳодир орқасидаги хезланиб турган Учқора ва Яналтекинларга қараб қўяркан. – Мен... нима-а дедим?..

Ҳамманинг диққати уларга тортилди.

– Эй, кирчи хотиннинг ўғли, бадкирдорнинг валади! –
фигони чиккан Ахий Жаббор баходир гунгурснинг ёқасидан
тутиб силтай бошлади. – Бефаросатлигингни қара, сен бу
шаккоклигинг билан худди Мусо алайҳиссаломни Одам
отадан аввал қўйгандек бўлдинг! Яхё алайҳиссаломни сў-
йиб, Закариёни дарахтга қўшиб арралагандек иш тутдинг!
Ҳазрат Амир Темур Кўрагон номларини тилга олиш сендай
бир кўски¹ девонага муносибми?.. Оллоҳ таоло сизларни
оталарнинг номи билан қасам ичишдан қайтарадир, деган-
лар пайғамбаримиз. Қандай журъат этдингки, сен, телба,
Ҳазратнинг муборак бошларини ўртага қўйиб қасам ичасан?
Сен кимсан ўзи? Каллангни сапчадай узиб қўлингга тутка-
зиб қўяйми?.. Нотавон кўнгилга қўтир жомашов²! Сен ҳатто
табаррук изларини ўпишга ҳам нолойиксан, билдингму? Ул
зот шундай олиймақомдадурларки, сен-у бизнинг лафзимиз-
га асло муҳтож эмаслар! У Мағриб-у Машрик жиловини
тутган Искандар Зулқарнайн, Кайхусравдек, Ҳорун ар-
Рашиддек улуғвордир, Бухтаннасуру Шаддоддан кўра
хайбатлироқдир!..

Атрофдан: “Ҳой, уришманглар!..”, “Мурсага келинг-
лар!..”, “Айб бўлади!..” деган овозлар эшитилди.

– Тавба қилдим, бек! Тавба қилдим! Тавба қилдим!
Ўйинни ҳам йиғиштирман мана...

Гунгурсдай одам шундай дер экан, Ахий Жаббор бахо-
дирнинг чангакдай қўлидан ёқасини бўшатишга уринарди.
Амир Мусо мийиғида жилмайганча қараб турарди.

Одамлар ўртага тушиб уларни ажратиб қўйдилар.

*“Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди...”*

– минғирлади ўз севган қўшиғини Учқора.

Яналтекин эса “Ол-а!..” – дегандай бош чайқарди.

Ахий Жаббор баходирнинг ҳаяжони ҳали босилма-
ганди. Улфатларнинг истироҳати бузилиб, ўтиришдан ҳам
файз кетганлиги сезилди. Улар такяхонани тарк этдилар.

¹ Кўски – кийилавериб, жулдури чиккан, жулдур кийим кийган киши.

² Жомашов (форсча) – кир ювадиган идиш, тоғора.

УН ИККИНЧИ БОБ

I

Олтин Ўрда хони Ўрусхоннинг элчиси амир Идику Самарқандга ташриф буюрганда Амир Темур Бухорода эди.

– Бухорога борғоймиз, Кўка... – деди амир Идику афсуслангандек Кўкаманга. – Хон ҳазратлари тез қайт, деб амр этсалар ҳам, Амир Темур жаноби олийларини зиёрат қилиб кетмай иложимиз йўқ...

Кўкаман ичида қувонди, чунки Бухорони кўрмаганди, баҳонада энди машҳур шаҳарга ҳам боради. Амир Идику шу заҳотиёқ йўлга тушишга буйруқ берди.

Соҳибкирон Бухорони жуда эъзозлар, унда қурилаётган мадраса-ю хонақоҳларни зиёрат айлаш, фуқаро-ю мискин ҳолидан хабар олиш учун тез-тез бу ерга қадам ранжида қиларди. Ахир онаизори мухтарама Тегина Хотун туғилган шаҳар-да! Дил тортиб туради. Маҳди улё Сароймулкхоним таваллуд топган Занжирсарой томонлардаги поёнсиз яйлов-ўтлоқларнинг баҳорда ям-яшил майсаларга бурканиши жуда чиройли, қишларда эса бу кенгликларда турли илвасинларни¹ ўраб, қамраб шикор уюштириш бағоят ёқимли. Соҳибкирон Ўрусхоннинг элчиси амир Идику ташрифини эшитиб мамнун бўлди. Жўжи улусининг нуфузли амири элчи мақомида келаётган экан, бу унинг назарида яхшилик аломатидир.

Манғитлардан чиққан номдор амир Идику ҳақида баъзи маълумотлар Соҳибкиронга маълум эди. У ҳақда тинғчиларидан кўп ва ҳар хил гаплар эшитганидан, ҳаёлида Амир Идикунинг сиймоси шундай шаклланди: бу ниҳоятда маккор, устомон, жасур, осмондан ташлаб юборсанг оёғи билан тушадиган, тегирмондан тирик чиқадиган, зийрак ва ақлли одам... У ўзини Тўхтамиш ўғлонга яқин олади, лекин Тўхтамиш ўғлон бошида булутлар айланса, бошқа жойга интилиб қолади, аммо устомонлигидан буни подшоҳзодага билдирмайди. У Ўрусхонга суйкалишдан тортинмайди, лозим вақтда юз ўгириб ҳам кетаверади... Хоннинг ўғиллари

¹ Илвасин – овланадиган ёввойи паррандаларнинг умумий номи (муалл).

Қутлуғ Бугага, Тўктақияга, Темур Малик ўғлонларга ҳам бирдай жонкуяр кўрсатади ўзини. Агар бошқа бир хукмдор жаҳон майдонига кирса, унга ҳам талпиниб бораверади. Кўчкорларни бир-бирига гиж-гижлаб уриштириб, томошасидан завкланишни касб этган фосиклардан бири. Табиийки, у Амир Темурга ҳам шундай муносабатда бўлади, деб кутиш мумкин.

Амир Темур амир Идикуни Бухоронинг шимолидаги хушманзара чорбоғлардан бирида қабул қилди.

Чорбоғнинг атрофида ўн икки минг қилич осган аскар соқчиликда турарди. Тузукда белгилангани бўйича, каердалигидан қатъий назар, Соҳибқирон тўхтаган ерда, – у Кўксаройми, Боғи Баланд, Қаросмонми, Тошканд, – барчасида шунча аскар ўнг ва сўл тарафларда посбонликни адо этардилар. Ҳар куни кечаси минг норғул навкар соқчиликда банд, ҳар юз қиличли одамлар устидан бир юзбоши нозирлик қиларди. Келган-кетган одамлар махфий сўзлар, яъни ўронлардан фойдаланар эдилар.

Элчи ва унинг ҳамроҳлари чошгоҳ палласида чорбоққа яқинлашдилар.

– Оллоҳ улуғ, Амир Темур Кўрагон унинг ердаги соясидур! – деб қичқирди дарвоза тагида амир Идикунинг одамларидан бири.

– Амир Темур Кўрагон Оллоҳнинг ердаги соясидур!.. – деган жавоб келди дарвоза ортидан.

– Олтин Ўрда хокони Ўрусхон элчиси амир Идику жаноблари киришга ижозат сўрайдилар!

Мубашшир баҳодир билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ элчини чорбоғ дарвозасида кутиб олдилар-да, Соҳибқирон турган қаср томон йўналдилар.

Қаср эшигида ясовуллар Ўрусхон элчисига белидаги қилич ва шамширини топширишини сўрадилар.

Аслида сипохийлар, амирлар, мингбоши, юзбоши, ўнбошилар девонхонага, базм-мажлисларга кулоқчинсиз, этиксиз, сармузасиз¹, бўрк ёқа чакмонсиз киришлари

¹ Сармуза – кавушнинг бир хили (муалл).

мумкин эмас. Ёнларида албатта бўкда¹ ва қилич тақсунлар... Лекин Зиндачашм опардий воқеасидан кейин салтанатда саройга, Амир Соҳибқирон ҳузурига кирганлар – бошқа мамлакатданми, шу ерданми фарқи йўқ, – тигдан ҳоли бўлишлари лозимлиги катъий белгилаб қўйилди. Амир Идикунинг бундан хабари бор эди, у эғнидан пашминасини ечди-да, кўринишхонага кирди, юкунганча заррин тахтда ўлтирган Амир Темурни зиёрат этди ва Жўжи улуси ҳокони номасини топширди.

– Оллоҳ мартабаларини бундан ҳам улуғ этсун! – таъзим бажо келтирди эгилиб-букилиб амир Идику.

Амир Темур гарчи Жўжи улуси амири билан аввал учрашмаган эса-да, ажабки, уни қаердадир кўргандай эди. Амир Идикунинг тутуми унга жуда таниш туюлди.

Соҳибқироннинг икки мулозими ўртасида ўлтирар экан, амир Идику ичида ҳасади оловланиб, тахтда савлат тўккан Турон султониға тикилди. У Амир Темур билан учрашишни кўпдан кўнглиға туғиб юарди. Амир Темур шаҳрисабзлик оддий амирнинг ўғли, у на авлоди Чингиз, на авлоди Искандар, ёлғиз ўзининг теран ақли-идроки, кучиға суяниб, мамлакат маснадиға чиқди, чиғатойлардан ҳукм-фармоликни олди, она юртини Чингиз элидан тозалади, энди Турон унинг кўл остида... Ҳеч қаерда тарихда шундай ҳол учрайдурмики, авомуннос улуснинг ичидан, раоё-бароё орасидан шундай ҳукмдор чиксин... Бу ғаройиб ҳодиса!

“Мен ҳам ўшанга ўхшаган, раоё-бароё орасидан чикканман, Жўжи улусида таникли амир Болтачокнинг ўғлиман... На авлоди Чингиз, на авлоди Искандар... – деб ўйлади амир Идику. – Мен ҳам Амир Темурга ўхшаб Жўжийлардан тахтни тортиб олмоғим керак! Аммо қандай қилиб?.. Амир Мамоқ ҳам ана шундай иддаоларини яширмайди. Энди Тўхтамиш ўғлон ўртаға чиқди. Хожитархондаги қурултойда тўс-тўполонда Тўхтамиш ўғлонға қочишда ўзим ёрдам бергандим. Керакмиди ўшанда меҳрибонлик кўрғизиш?.. Энди билсам, ўзимға рақиб орттирибман. Афсус...”

¹ Бўкда – дудам (муалл).

Узоқ мулоҳазалардан сўнг манғит амири шундай фикрга келди: у душманнинг ташида эмас, ичида бўлмоғи лозим, ўзини Ўрусхон доирасига урмоғи керак! Шунинг учун ҳам у Қутлуғ Буга отабегиси мансабини тилаб олганди. Ахир отаси амир Болтачок ҳам Жўжи улусининг бешинчи хоқони Жонибекхоннинг отабегиси эди-да. Унинг садоқати афсонага айланиб кетганди.

Жонибекхон ўлдирилганда, душманлари нуфузли амир Болтачокка бундай дейишибди:

– Агар Жонибекхондан юз ўгириб, бизга кўшилсанг, иззат-икромда юрасан, мол-у мулк оласан, юртни бошқарасан!

Амир Идикунинг отаси истехзоли илжайибди:

– Агар қўл-оёғимни боғламаганларингда эди, бошқача жавоб берардим. Жонибекхон ўлди... Аммо мен, фақат Олтин Ўрда хоқонининг навкариман! Сенларни хоқон ўрнида кўргунча бу кўзларим кўр бўлсин, дейман! Фармон қил, шу лахзадаёқ бошимни кессунлар! Аммо бир илтимос: подшоҳим бошини бошимга қўй, жасадини жасадим устига жойла, токи ундан кейин ўлсам ҳам, ерга олдинроқ кирайин!

Болтачокнинг илтимосини бажо айлабдилар...

Бу воқеа Жўжи улусида, Туронда машхур эди. Соҳибқирон элчининг ўша жасур Болтачок ўғли эканини ҳам яхши биларди.

Амир Темур Ўрусхон мактубини Муҳаммад Чуроға додхоҳга узатди. Даромадсиз бошланган қисқагина нома беписандлик намунасига ҳам ўхшаб кетарди, унда такаллуфларсиз беш-ўн қаторгина сўзлар битилганди:

“Мақсуд буким, Тўхтамиш менинг суянган тоғим, чақнаган юлдуздек ўғлимни ўлдирди... Бас, у менинг душманимдир! Ўғлимнинг хуни унинг бўйнинда... Уни менга тобиш-рилсун! Акс ҳолда уруш ерини айтиб юборилсун..”

Амир Темурнинг кўнгли увишди: Ўрусхон ҳам ўғлидан айрилибди!

– Ўғли неча ёшдайди?.. – сўради Соҳибқирон беихтиёр.

– Йигирма ёшда, Амир Соҳибқирон... – кутилмаган саволдан шошиб қолди Амир Идику. – Яхши ўғли бор эди...

“Унинг отабегиси бўламан...” – демокчи эди, негадир тили айланмади.

“Йигирма ёшда. Йигирма ёшда... Жаҳонгир Мирзога тенг экан. Худо сабр берсун...” – деб қўйди ичида Соҳибқирон ва Муҳаммад Чуроға додхоҳга юзланди:

– Вазири аъзамға айт, назорат этсун... Мавлоно Убайд бир нома битсунки, мурувватлилик қоида-русуми ва салтанат арбоблари одатларида бирор давлатдан паноҳ истагон кишини душман қўлига тобшуриш зинҳор раво қўрилмайдур. Тўхтамиш ўғлон бизга сиғиниб келиб турур. У бизга меҳмондур, меҳмон дахлсиздур. Уни ҳеч кимға бермасбиз! Аммо уруш десангиз, тайёр турубтурбиз!..

– Маъзур тутадилар, Амир Соҳибқирон! – ўрнидан кўзголиб қўл қовуштираркан деди Амир Идику. – Чопар мақомида шундай ташвишли номани етказғонимдан хижолатдаман. Зинҳор буни истамас эрдим. Пошшолик ҳукми... Менга юклаб қўйдилар. Ниятим бошқачароқ эди ўзи.

Амир Идику, Соҳибқирон бирон нима дермикин, деб оғиз пойлади, шунда ўз-ўзидан гап-гапга уланиб кетарди.

Амир Темур сўзга оғиз очмоқчи эди... Бирдан у нима учун Ўрусхон элчисини қаердадир кўргандай бўлаверганини, тутуми танишлигини эслади-ю тўхтаб қолди. Ё раббий! Амир Идику ўз сажияси, рафти-ангори билан... Амир Мусога ўхшаб кетарди! Агар Амир Мусонинг кўзлари ирғиб чиққандай эканини, Амир Идикуникининг эса қисиклигини демаса, Ўрусхон элчиси айни қаршилиқ амирнинг нақ ўзи! Бўй-бастлари ҳам, дўнгманглайликлари ҳам бир-бирларига жуда ўхшарди. Аммо битта фарқи – Амир Мусо соддароқ, гўлроқ, амир Идику эса маккор, сувнинг бўйига олиб бориб суғормай келадиганлар хилидан.

Кўринишхонага жимлик чўкди. Шу палла чап томонда деразадан олисларда қандайдир отнинг, чамаси, қулунини излаб зорланиб кишнагани эшитилди. Амир Темурнинг юраги орзикди, Хонўғлон оти эсига тушиб, негадир ўша от ёнига боргиси келиб кетди...

Ортиқ сўзга ҳожат йўқ эди. Амир Идику ҳали замон таъзим бажо айлаб қайтмоқ онлари яқинлашаётганини

сезди. Ҳолбуки, у Соҳибқирон суҳбатини олмоқ, шу баҳонада қудратли амир ишончига кирмоқ, унга якин бўлмоқ орзусида юрарди. Аммо элчиликнинг ўз русуми, чегаралари бор, ундан чиқиш мумкин эмас.

Амир Идику чорасиз қолди. Унинг Сарой-Беркага Амир Темур жавоб номаси билан қайтиши замонанинг икки қудратли подшоси ўртасида уруш бошланганини билди-рарди.

Қукаман хожасининг қисик кўзлари қисилиб, манглайи яна ҳам дўнграйиб кетгандай кўринганига бокди-ю, яхши кайфиятда чиқмаганини фахмлади, билинар-билиномас, қалин тук билан қопланган жигарранг холли бурнини жийириб қўйди.

П

Орадан бир неча ой ўтди. Ўрусхоннинг Жўжи улуси лашкарини бошлаб Сигноққа келиб тушгани хабари Амир Темур қулоғига етганда, Соҳибқироннинг катта қўшини аллақачон Ўтрорга кириб улгурганди. Сигноқдан Ўтроргача йигирма тўрт йиғоч¹ йўл чиқарди.

Биринчи куниеқ ҳаво булутланиб ёмғир ёғишга турди, кечаси қорга айланди. Қаттиқ совуқ тушиб, ерлар музлади. Тунд об-ҳаво юракларни сиқар, лашкарларнинг юришга хоҳиши ҳам, мажоли ҳам йўқдай эди. Ҳеч ким жанг бошлашга журъат этмасди. Икки қўшин бир-бирига рўбарў саф тортганча уч ой ўтиб кетди.

Ниҳоят, ҳут ўрталарида Ҳумоюн ўрдудан Мубашшир баҳодир бошчилигидаги беш юз кишига якин жангари, жасур амирларни қўшиб душманга қарши илғор қилиш ва шабихун² уришга фармон берилди. Амир Темур омад ҳамиша қутлуғ яловларга йўлдош эканлигидан, бахт-саодат ёрлигидан асло шубҳаланмасди. Тунда шиддатли кечган жангда Соҳибқирон лашкарига зафар ёр бўлди, душман қўшини парокандаликка юз бурди.

¹ **Йиғоч, ёғоч** – узунлик ўлчов бирлиги: 1) айрим манбаларда бир ёғоч сал кам олти километр масофа тенг; 2) айрим манбаларда бир ёғоч саккиз-ун километр масофа (муалл).

² **Шабихун** (форсча) – тунда тўсатдан қилинган ҳужум (муалл).

Тонг ёришиб келарди. Мубашшир баходир Жўжи улуси шаҳзодаси Темур Малик ўғлонни аниқ мўлжалга олиб отганди, ўк оёқдан ўтиб отга санчилди!..

Соҳибкирон отни совутмай Тўхтамиш ўғлон ғажарчилигида¹ Ўрусхонни таъкиб қилишда давом этди. Ўн беш кун деганда Жайрон Қамиш мавзеига етдилар. Шу ерда бироз нафас ростлашга тўхташди. Соҳибкирон Тўхтамиш ўғлон билан чодирда ўлтиришар, кейинги босилажак қадамлар ҳақида кенгашишарди. Эртадан кечиктирмай душман тарафга от солмак лозим, деган фикр киёмига етди. Кутилмаганда мулозим кирди:

– Амир Соҳибкирон! Ўрусхон дунёдан ўтибди, ўрнига катта ўғли Тўхтакиё тахтга ўлтирган эмиш!

Буни эшитган Соҳибкирон энди савашда маъни қолмаганини англади.

– Ўғлим! – деди Тўхтамиш ўғлонга. – Сизга Дашти Қипчоқ подшоҳлигини тобшурдук, зеро сизга тенг келадиган куч энди бу ерда йўқ!

Тўхтамиш ўғлон Соҳибкирон қўлини ўпганча таъзим қилди. У ашаддий душмани бартараф этилганидан, ниҳоят Дашти Қипчоқ тахти қўлга кирганидан бемисл бахтиёр эди.

Амир Темур фатҳ-у нусрат, эъзоз-у икром ила Самарқандга қайтди. Бу тарих етти юз етмиш саккиз илон йили бошида, милодий 1377-йил март ойида юз берди.

Бирок...

Тўхтамиш ўғлон вилоятни қўлида тутиб туролмади. Отаси ўлимидан кўп ўтмай вафот этган Тўхтакиёдан кейин кенжа ўғил Темур Малик ўғлон Жўжи улуси тахтини эгаллади. У оёғидан ўтиб отга санчилган ўк захмини ҳам, аламини ҳам ҳали эсдан чиқармаганди. Катта лашкар тўплаб Тўхтамиш ўғлон устига Ўтрорга юриш қилди. Амир Темурнинг тутинган ўғли қолган-кутган аскарлари билан тўртинчи бор валинеъмати хузурига қочиб жон сақлади...

Турон султони Боғи Баландда қаср олдидаги хаворанг шийпонда ўлтирар, кўк дафтарга туширилган саҳифаларни Мавлоно Убайдга ўқитар экан, фикр-у мушоҳадаларни бир-

¹ Ғажарчи – йўлбошловчи (муалл.).

бир кўнглидан ўтказар, айрим жойларига ўзгартиришлар киритар, гоҳ-гоҳ суҳбатни ёнида жим тинглаб ўлтирган Муҳаммад Чуроға додхоҳга нималарнидир тушунтирар, аммо ҳаёлининг бир четидан Тўхтамиш ўғлон кетмасди.

Табиатга куз нукси урган, айна пишиқчилик авжида...

Нариоқда нақшинкор хонтахта устиди сипоҳлари терилган ҳолда шатранж тахтаси кўринарди, афтидан, Соҳибкирон одатдагидек номи чиққан шатранжчилардан бири Муҳаммад Чуроға додхоҳга қарши дона сурмоқ ниятида эди. У шатранж ва овни жуда ҳам ёқтирарди. Ҳар иккиси ҳам дунё ташвишларини бироз унутишда, ҳам ҳарб-у майдон санъатини ёдда саклашда аҳамиятли эди. Фурсат етди дегунча, Ибн Акил, Зайн ал-Яздий сингари замонанинг моҳир шатранжчиларини йиғиб “жанглар” ўтказарди.

Барча шатранжчилар ҳадисчи ва фикҳчи аллома Хожа Али Шатранжий олдида қўл ковуштириб туришарди. У ўйнаганда чуқур ўйланиб ўлтирмас, бунга эҳтиёж сезмас, каттик берилганидан ўзи ҳам гўё тахтадаги сипоҳларнинг бирига айланиб кетар, шартта-шартта юрар, бир вақтнинг ўзида беш-олти рақибга қарши дона сура оларди. Қувваи хофизаси зўрлигидан тахтага карамаса ҳам рақиб доналарининг аҳволи, вазият манзараси унга аён эди.

Алломанинг Зайн ал-Яздий билан ўйнаганда битта пиёдасини бериб қўйиши, Ибн Акилга эса битта от қўйиб, устига “миниб” олиши (яъни енгиши), ҳатто филини ўрмонга “бўшатиб” юбориши (яъни филсиз ўйнаши) ҳамманинг оғзида афсона эди. Хожа Али Шатранжийнинг тушига Ҳазрат Али кирибдилар, амирал мўминийн унга бир халтада шатранж тутказибдилар, дейишади. Шундан Хожани енгиш жуда қийин эмиш.

Амир Темур ва Хожа Али Шатранжийлар катта шатранж ўйнардилар. Шундай ўйинлар вақтида майдон атрофида жуда кўп тўпланган одамлар алломанинг узоқ-узоқ ўйга чўмганларининг шохиди бўлишар, Соҳибкирон шижоатига тасаннолар айтардилар.

Нихоят Амир Темур ва Муҳаммад Чуроға додхоҳ шатранж ўйинига ўлтирдилар. Соҳибкирон шох олдидаги пиё-

дани олға сурди...

Соҳибқирон бу гал Тўхтамиш ўғлонни ҳузурига кири-тишга шошилмади, илк марта Тўхтамиш ўғлонни ўғил тутиб, унга умидлар боғлаётгани нечоғлик тўғри-нотўғри эканлиги ҳақида ўйланиб қолди. Бунинг сабаби нимада? Подшоҳзоданинг такрор қочиб келганими? Ҳа, дарвоқе, бунга Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг ўйин бошланишидан аввал айтиб берган мана бу ҳикояси ҳам туртки бўлди, шекилли.

Тўхтамиш ўғлон Сигноқ томонлардан қайтганидан кейин бир неча кун ўтса ҳам, негадир ҳеч ким ундан хабар олмади. Гўё уни унутиб юборишганди. Одатда, Амир Темур дарҳол ҳузурига чорлар, ҳол-аҳволни суриштириб, чўккан кўнглини кўтарар, ҳеч нарсани юзига солмай яна қўшин бошида сафарга жўнатарди. Аммо бу гал тўрт кун ўтди, ҳали ҳеч кимдан дарак йўқ. Тўғри, Муҳаммад Мирак дарҳол келиб кўрди, аммо ундан не наф?..

Подшоҳзоданинг юраги сиқилди. Энди Соҳибқирон ёрдам килмасмикинлар? Тўхтамиш ўғлондан кўнгиллари совудимикин?.. Уч марта қўллаб-қувватладилар, аммо не чораки, омад юз ўгирди. Энди бу ёғи нима бўлади?..

Кеча Муҳаммад Чуроға додхоҳни кўриб қолди-ю, бутун номаи аъмолини¹ тўкиб солди, зинҳор чўчитиш учун айтмаётганини, бу ҳолатда ўзини бир нима қилиб қўйиши мумкинлигини таъкидлади. Йиғламсираб, агар Соҳибқирон ҳузурларига чорласалар, оёғига йикилиб узрлар сўрашини урғулаб гапирди... Чиндан ҳам унинг аҳволи ночор эди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ “Худо пошшо эгам...”дан бошқа ҳеч нарса демади...

Икки кун ўтгач, бирдан Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари Боғи Нақши жаҳонга меҳмонга таклиф этишди, кўнғил сўраб, Жўжи улуси хони билан савашини тафсилотлари ҳақида саволлар ёғдиришди. Гурунг кизий бошлади.

Подшоҳзода мартабасидан паст тушгиси келмай, ўзини гўё ҳеч нарса юз бермагандай тутишга тиришди ва хотиржам

¹ Номаи аъмол (арабча; амаллар, ишлар номаси, дафтари) – гўё икки фаришта ҳар бир кишининг савобли ишларини ва гуноҳзарини ёзиб борадиган дафтар.

деди:

– Жанг жуда оғир кечди... Душманнинг кўшини ўн чандон кўп эди. Ундан кейин номардларча ҳийла ишлатди, даставвал камгина кўшин билан жангга кириб бироз фурсат ўтгач, кочиб колди, биз эса тутамиз деб, кетидан кувдик, окибатда пистирмага тушиб, лашкар қирғинга учради...

Ҳеч ким индамади. Подшоҳзода оҳиста гапини давом этдирди: :

– Ростини айтсам, лашкаримнинг душманникидан кўра чўғи пастлиги аниқ билинди-да... Сал камрок берилган экан. Агар навкарларим икки минг эмас, ўн минг бўлгандами, душманни бемалол янчиб ташлардим...

Тўхтамиш ўғлоннинг сўзларини тишини тишига қўйиб эшитиб ўлтирган Умаршайх Мирзо энди ўзини тутолмай колди.

Умаршайх Мирзо асли подшоҳзодани биринчи кўрган-данок ёктирмаганди. Унинг кўнглига, такаббур ва калон-димоғ, устомон подшоҳзода Турон салтанатига ҳеч ҳам суд килмайдир, факат зиён келтирадир, деган фикр муқим жойлашиб олди. Тўхтамиш ўғлоннинг кейинги қадамлари, жанг майдонидан қочишлар тобора амирзода фикрининг тўғри чиқаётганини кўрсатарди. У шундай одамга осонгина ишониб караганидан падари бузрукворига ачинар, айтай деса андиша қўймас, подшоҳзодага эса пинҳона нафрати тобора ортиб борарди.

– Сизга кўшин... камрок берилгон эрканму, подшоҳзодам?... – заҳархандалик билан чўзиброк сўради Умаршайх Мирзо... У ғазабдан қисилган қўйники сингари кўзларини Тўхтамиш ўғлонга тикди.

Амир Сулаймоншоҳ ялт этиб Жаҳоншоҳ ибн Жокуга қаради, у доим шундай бир машмаша чикмасин, деб чўчирди. Подшоҳзода ва амирзода ўртасидаги азалий сирка вақти-вақтида бижғиб турарди, буни ҳамма биларди. Шайх Нуриддин баҳодир Амир Шохмалик билан беихтиёр кўз уриш-тирдилар, Муҳаммад Мирак йўқ чап кулоғини силар экан, “Ана, бошланди!.. Бу ёғи қандай бўларкин?..” – дегандай Муҳаммадбек ибн Мусога бакрайган кўзларини тикди...

Чамаси, улар икки қўчкорнинг бир-бирига калла ташлашлари томошасига ишқибоз эдилар.

Тўхтамиш ўғлон ўзини эшитмаганга солди ва ёрқин кўзларини амирзодага қадаганча талмовсирагандай сўради:

– Нимани... камроқ, дедилар, амирзода жаноблари? Эшитолмай қолдим...

Ҳамма подшоҳзоданинг амирзода ғашига тегиш учун атай ўсмоқчилаётганини сизди. Амир Шоҳмалик подшоҳзода тутумига афсуслангандай қаради, Муҳаммад Мирак эса, аксинча, ичида: “Бопла, азамат!...” – деб қўйди.

– У ҳолда... кулоқларини очиб қўймак керак эркан... – деб юборди ногаҳон Умаршайх Мирзо! Амирзоданинг чап қўли қилич дастасига таянганди.

Тўхтамиш ўғлоннинг тиниқ юзлари ғазабдан лов-лов ёнди:

– Шундоғму?.. – баъзўр жилмайди Тўхтамиш ўғлон, кейин бирдан жиддий тусга кирди: – Бизнинг кулоғимизни очиб қўядурғон... ҳали онасининг қорнида ётибдур!..

Умаршайх Мирзога тиг теккандай бўлди! Подшоҳзоданинг гаплари унга ботиб кетди, юмалоқ юзларига қон тепди. Бағоят ғазабланганидан шарт ўрнидан ирғиб турди-да, қиличини суғурганини билмай қолди!

– Мана, мен очиб қўямен! Очишни ўргатиб қўямен сен товукмижоз лапашангга!.. Билиб оласен! Ҳа-ха-а!..! – деб бақирди бирдан.

– Ҳақорат қилмангиз!!! – Тишларини ғижирлатиб ўшқирди Тўхтамиш ўғлон, у аллақачон қўлида қилич тутган, жангга тайёр эди. – Ҳақорат қилмангиз, деяпмен!!!

– Ноинсоф! – деди яна Умаршайх Мирзо, унинг жиззакчилиги тутиб кетди. – Отилмағон сопқон ҳам бошга тегадур, ҳам кетга!.. Ҳа!.. Неча марталаб сен учун қўшинлар сафланди. Барида ҳам маъракаи майдондан тирраки эчкидай шата-лоқ отиб қочиб қолдинг! Уят борму?.. Тагин қўшин кам, деб нолийсен! Номуси йўқ, инсофсиз! Қўрқоқ!..

– Бу гапларни кимга сўйлаётирсиз, хей амирзода! Ўйлаб гапирингиз! Билингизким, мен подшоҳзодаман, Чингизхон уруғи! Бунга эсингиздан чиқармангиз!.. Эсингиздан чиқарма-

нгиз!!! Индамаса, гапираверасизму?..

– Подшоҳзодалигинг бир дирҳам¹, билдингму? Бу ҳам қисма-а-аг!.. – Умаршайх Мирзо ўзини худди донишмандлардай тутиб, яхши кўрган сўзларини чертиб-чертиб гапирди. – Сенинг ландовурлигинг туфайли Амир Улжайту опардий, Шодравон найман каби шерюраклар, афсуски, нобуд бўлдилар. Тўртта навкарни бошқара олмагон сендай подшоҳзодани кара-ю! Таъзирингни ейсан энди, нодон! Чик ташкарига!

– Пешонасида шундок ёзилгон! Менда не айб? Менда не айб?.. – ўзини оқларди Тўхтамиш ўғлон. – Ие!.. Ҳали мен нодонму?.. Хо-хо-хо!.. Нодонлигимни бир кўрсатиб кўяр эканман-да!.. Чикайми?.. Чиксам, чиқавераман, кочадиган йўк!!!

Унинг аламли овози чинкириб эшитилди.

Кўчқорчалар бир-бирига хезлана бошладилар. Ҳар иккисининг ҳам қўлида қилич ўйноқларди. Аввал Умаршайх Мирзо қиличи ярақлади, кейин Тўхтамиш ўғлон намоиш-корона қиличини кўтариб ҳавода ўйнатди.

– Ҳай-хай! – кичкирди ҳайратда Амир Сулаймоншоҳ. – Тўхтангизлар!

– Айб бўладир! – аралашди Жаҳоншоҳ ибн Жоку. – Айб бўладир!..

– Маъзур тутингиз! Сизларга асло ярашмайдур, амирзодам! – уялтиришга уринди Амир Шохмалик. – Асло ярашмайдур...

Мухаммад Чуроға додхоҳнинг йўғон овози барчани сергаклантирди.

– Тўхтангиз!!! Жаҳл келганда ақл кетадур! Шайтонга ҳай берингизлар! Подшоҳзода жаноблари! Сизни танимай турибман!.. Ло ҳавла вала қуввата! Амирзодам, бу гапнинг Амир Соҳибкирон қулоқларига етиши мумкинлигини биласизму? Ҳеч оқибатини ўйлайсизму?.. Жаноби амирлар! Уларни тез ажратингиз! Ёки ҳаммамиз уларни уриштириб томошасини кўрдилар, деган маломатга қолиб ўлтирайлик-

¹ Дирҳам (юнонча; drachme – қумуш пул ва оғирлик ўлчов бирлиги) – VII асрдан XIV асргача Осиёдаги мусулмон мамлакатларда муомалада бўлган танга.

му? Худо пошшо эгам, деганлар!..

Шайх Нуриддин баҳодир шитоб Умаршайх Мирзо олдини тўсди, Муҳаммад Мирак Тўхтамиш ўғлонга ўзини қалқон қилди. Қолганлар ҳам ҳай-ҳайлашиб ўртага тушдилар ва амирзода билан подшоҳзодани ажратиб қўйдилар. Зиёфат ҳам заҳарга айланди.

– Билиб қўй... Ҳисоб китобим бор ҳали сенда!

Ҳали якка-ёлғиз учрашажакмиз, подшоҳзодам! Эсингдан асло чиқарма! – зуғум билан деди алами ичида Умаршайх Мирзо.

Шундай дер экан, амирзода пайт топиб бу ҳақда Соҳибқиронга ёрилишни кўнглига тугди.

Тўхтамиш ўғлон бир ҳўмрайиб қаради-ю индамади...

Шатранж тахтасида жанг қизиб борарди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ узоқ ўйланиб, тўртта пиёдасини бир-бирига боғлаб, қалқон килиб майдон ўртасидан ёриб ўтишга интилган оқлар фарзинига мустаҳкам тўсиқ қўйди. Соҳибқирон, ҳали-ҳануз “қантариқ” да ётган отини ўйинга ташларкан, кўзини шатранждан олмас, аммо хаёлини Тўхтамиш ўғлон ҳақидаги қарама-қарши фикрлар банд этганди.

Боғи Нақши жаҳондаги нохуш ҳодиса Амир Темур ўйларини тағин чигаллаштирди. Демак, Тўхтамиш ўғлонни тенгқурлари унча хушламайдилар... Бунга, албатта, унинг тутуми сабабчи. Лекин Дашти Қипчок томонларни тинчитмак керак, бу нарса салтанат учун бағоят зарур. Шу маънода, ҳўш, Тўхтамиш ўғлонга умид боғлаётгани тўғриму, йўқми?..

Мушкул жойи шундаки, Соҳибқирон Тўхтамиш ўғлон ҳақидаги ўйларини бировга айтолмайди, айтишга уялади ҳам. Ахир сарой аъёнлари олдида уни ўғлимга ўхшайди, ўғлим деб, кўкларга кўтариб, мартабасини осмон-фалакка чиқарган ўзи-ку! Жўжи улуси, Дашти Қипчок томонлар ташвишини бартараф этиш мақсадида Тўхтамиш ўғлонни ўзининг одамига айлантирмоқчи эди. Лекин узоқдаги қуйруққа ишониб қолган, шекилли. Не-не уринишлар, саъй-ҳаракатлар, лашкарлар, мол-мулклар, умидлар, илинжлар, ниятлар бамисли кумга сепилган сувдек зое кетди...

Умаршайх Мирзонинг торинганича бор. Наҳотки унда

ҳарбий салоҳият йўк, лашкар бошқариш лаёқатига эга эмас?... Чингизхон авлоди-ку ахир! Наҳотки, у кўлидан ҳеч иш келмайдурғон подшоҳзодалардан бўлса? Амир Темур мол-у мулк, саъй-ҳаракатларга эмас, кадрига куюнадир, кадрига! Умидларига, орзуларига ачинадир. Унинг тутинган ўғли маъракаи майдондан факат қочишни ўрганиб олган, деган дашномлардан изо тартадир, холос!

Ёки... Тўхтамиш ўғлон хизматларидан воз кечиб қўя қолсинму? Эҳтимол, ҳеч рўёбга чиқмайдурғон ишга уриниб ётғондир? Осмондаги юлдузни ердан туриб урмоқчи бўлаётғондир?... Шундоғ бўлса, Амир Соҳибкирон, ўзларига ҳазор уят, ҳазор уят! “Аттанг!” дея манглайга бир урсунлар-да, эс-хушни ўнглаб олсунлар! Умид узиб, подшоҳзодани ёнларидан ҳайдаб юборсунлар!..

Шундай ёкимсиз ўйларга ғарқ, танг аҳволда турганда Ўрунг Темурнинг унинг қошига отлангани ҳақида даракни эшитди. Бу орада фарзини бурчакка қисилиб, йўллари беркилиб, ўровга тушиб қолди, эҳтиёт чорасини қилмаса, ўйинни бой бериши мумкин. Вазиятдан чиқиш чорасини изларкан, кутилмаган мужда Соҳибкирон ҳаёлларини тумта-рақай этиб юборди:

– Амир Соҳибкирон!.. Амир Соҳибкирон!.. Хушхабар... – деди мулозим билан дарвозадан ҳаллослаб кирган Ахий Жаббор баҳодир ўзини Амир Темур пойига отаркан.

Орқама-орқа Амир Жоку барлос, Амир Довуд дуғлат ва девон котиби Давлатшоҳ баҳши уйғурлар ҳам ташриф буюрдилар. Ҳаворанг шийпон атрофи аста-секин одамга тўла бошлади.

“Илоё, хушхабаридан айирмасун!..” – деб қўйди ичида Амир Темур... Жаҳонгир Мирзонинг ўнбошиси ҳаяжоннинг зўридан гапира олмасди. Барча қандайдир саросимада унга қаради.

– Ўзингни бос, баҳодир! Ўрнингдан тур! – тинчлан-тирди Амир Темур. – Сўйла, не хушхабар экан?

Ахий Жаббор баҳодир Амир Темурни фавқулодда меҳр билан эъзозлар, агар жонингни бер, деса шу лаҳза беришга тайёр эди. Шундай азиз инсонга бебаҳо мужда олиб

келаётганидан ўзини осмонда сезарди. Кўзлари ёшланган баҳодир таъзимда орқасига тисарилди:

– Суюнчи тилайман! Суюнчи тилайман, Амир Соҳибкирон!.. Пошшолик осмонида бир ёруғ юлдуз чарақлаб жамол кўргизмиш! Муборак юзлик фарзанд ғайб пардасидан ошкор бўлмиш! Салтанат сандигидаги дур-у гавҳарларга яна бир дурри бебаҳо қўшилмиш! Муҳтарама Билкиси замон Тағой Туркон оқа ҳазрати олийларига бир ўғил тухфа этмишлар!..

Бу чиндан ҳам ажойиб мужда эди!

Кувонч устига кувонч деганларидай, шу пайт

Тошканддан қайтган Муҳаммадбек ибн Мусо Чингизхон босқинида вайронага айланган кўҳна Банокат Соҳибкирон фармонида кўра қайта тиклангани, Сирдарё бўйида гўзал шаҳар қад кўтаргани ҳақида хушхабар етказди.

– Ўғил муборак, Амир Соҳибкирон!

– Шаҳар кутлуғ бўлғай!

– Шавкатларига шавкат қўшилибдур!..

– Илоё, узоқ умр кўрсун, ҳазратим!..

– Офарин! Офарин!

Ҳаворанг шийпондан ана шундай кутлов овозлари бутун боққа таралар, барча Соҳибкиронни гоҳ ўғил, гоҳ эса янги шаҳар билан кутларди.

Халлоки безаволга салламно! Ҳаммаси яхшилик аломатидур!

– Худо ўғил ато этибдур, Жаҳонгир Мирзо ўрнига ўғил!

Оллоҳга шукр!.. – пичирлади ичида Соҳибкирон кўз-ларига ёш келиб. Бир томчи ёш сирғалиб қора соқолидан ерга тушди...

Иттифоқо, шатранж тахтасига боққанди, мужмал-у мубҳам¹ йўллар ногаҳон равшан тортиб кетганини кўрди! Рақиб сипохлари майдон ўртасини эгаллаганди, нафас олишга имкон йўқ, унинг устига фарзини ўровга тушган бир ҳолатда... Соҳибкирон кутилмаганда вазиятни буткул ўзгартириб юборадиган йўл топди: “от” га миниб олган шиддатли руҳи билан коралар шоҳига хужум қилди!

¹ Мубҳам (арабча) – яширин; ноаник: шубҳали; чигал.

– Бонуйи Кубро Кутлуғ Туркон оқа эгачи жаноби олиялари, Амир Соҳибқирон шарафли ўғил исмини қўйиб берсунлар, деб ўтиндилар... – деди Ахий Жаббор баҳодир шу палла.

Амир Темур ҳам худди шу ҳақда ўйлай бошлаганди. Аслида, бу кўпдан унинг хаёлини банд этиб келарди.

Муҳаммад Чуроға додхоҳ икки-уч юришдан сўнг ўзининг шоҳи мот бўлишини аён кўрди: у рақиб фарзинини қўлга туширишга киришиб кетиб, химояни эсдан чиқариб қўйибди. Бироз ўйлангач, ютқизганини тан олмай иложи қолмади.

– Жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон!

Соҳибқирон шатранж тахтасига мамнун назар ташладида, хитоб қилди: – Боқингиз! Эгри-бугри йўлларга сира қадам босмайдургон рух шоҳни мағлуб этмиш! Шоҳни мағлуб этгон адолатпарвар рух! Ҳа, адолат ҳамиша енгадир! – Кейин шатранж тахтасидан кўз узиб, Мавлоно Убайдга ўғирилди. – Бас, ўғлимизнинг исми Шоҳрух бўлсун! Ҳамиша рухдек тўғри йўлдан юргувчи подшоҳ! Тарих дафтарига битиб қўйингизким, Шоҳрух Мирзо хижрий¹ 779-йил рабиуссонийнинг² ўн тўртида³ дунёга келмишдир!.. Янги шаҳар ҳам амирзода шарафига “Шоҳрухия” деб аталсун!

Ҳамманинг тилида “Шоҳрух Мирзо”, “Шоҳрухия” сўзлари янгради.

– Суюнчисини ол, баҳодир!

Соҳибқирон ёнидан ақча тўла халтача чиқариб Ахий Жаббор баҳодирга ташлади. Ҳаяжонланган Ахий Жаббор халтачани ила олмай тушириб юборди. Динорларнинг бир қисми шийпон атрофига ташланган гиламга сочилиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир уларни теришга тушди...

Қутловлар тугамай, боғнинг дарвозасида Ўрунг Темур кўринди.

Тўхтамиш ўғлон биринчи марта Соҳибқиронга ташриф

¹ Хижрий йил ҳисоби – Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадан Мадинага қочиши билан боғлиқ сана, яъни 622-йилнинг 16-июли – жума кунидан бошланган йил ҳисоби.

² Рабиуссоний (арабча: иккинчи баҳор; баҳорнинг сўнги) – қамария йил ҳисобида 29 кундан иборат тўртинчи ой.

³ Хижрий 779-йил рабиуссонийнинг ўн тўрти – 1377-йил 20-август (муалл.).

буюрганида унинг ҳамроҳлари ичида ўзининг кўркмаслиги билан донг таратган амир Ўрунг Темур ҳам бор эди. Беомон жанг майдонида Қозончи баҳодир уни йиқилиб отнинг тагида қолганидан фойдаланиб асир олди ва Ўрусхон ҳузурига келтирди. Ўшанда Ўрусхон унинг гуноҳидан ўтганди.

Ўрунг Темур Сигнокда сабр-тоқат этагидан тутиб оғирликка чидаб яшади, аммо Самарқанд хаёлидан чикмай, кўнгли пинҳона Соҳибқирон томонга талпинарди. Ниҳоят қочишга фурсат топди. Тўхтамиш ўғлондан кейин кўп ўтмай у ҳам салтанат остонасига бош урди.

Кайфи чоғ Соҳибқироннинг кўнгли яна ҳам ёришиб кетди. Бу йирик гавдали, кўсанамо, садоқатли, тўғрисўз амирни илк марта кўргандаёқ унинг ҳалол одам эканлигига амин бўлганди. Қани, ундан душман томондаги вазиятни яхшироқ билсин-чи, шунга қараб фикр қилсин-чи, худо бир йўлга бошқарар...

– Ҳозир Жўжи улуси Темур Маликхон тасарруфидадур. – деди Соҳибқирон одатий ҳол-аҳвол сўралгандан кейин. – Хоннинг кайфияти нечук?..

Ўрунг Темур даставвал шундай қутлуғ соатда қадами етганига шукрлар айлаб, Соҳибқиронни қутлади, сўнг асосий мақсадга ўтди:..

– Тўхтамиш ўғлон енгилиб қочиб келгандан сўнг Темур Маликхон кибр-у ҳавога берилиб ўзини жуда қўйиб юборди... – Ўрунг Темур жилмайишга уринди. – Хоқоннинг кенжаси-да. Дунё билан иши йўқ... Каттиқ айш-ишрат ила машгул. Кеча-ю кундузи шароб базмида ўтадир. Чошгоҳгача ухлаб ётадур, дунёни босган сув агар хон ётган ерга киришига оз қолган бўлса ҳам, биров уйкусини бузишга журъат этолмайдир. Салтанат ишлари ўлда-жўлда. Юрт-у эл ундан батамом умидини узиб қўйган. Жўжи улусида, Тўхтамиш ўғлон ундан юз чандон яхшироқ, Тўхтамиш ўғлон тахтга минсун, дерлар, Тўхтамиш ўғлонни тиларлар...

Амир Темур эшитиб ўйга чўмди. Чиндан ҳам, қайси ҳукмдор салтанат низомига риоя қилмаса, ёлғиз ўз жони ҳузурини ўйласа, мамлакат биносига дарз етмоғи аёндир.

Соҳибкирон шу палла давлати қўлидан кетган ҳоли афтода подшоҳлардан бири ҳақидаги нақлини эслади. “Салтанатингиз завол топишига сабаб нимадур?” – сўраб-дилар кейин подшоҳдан. “Ҳар куни окшомда шароблар ичардим, – дебди подшо. – Дарё-дарё май оқарди. Тунда айш-у ишрат этагидан маҳкам тутардим, ҳурилиқолар билан базм айлаб чикардим. Куннинг биринчи ярмини, табиийки, ҳориб-чарчаб маст уйқуда ўтказардим. Окибатда салтанат бекарорликка юз бурди, давлатим либоси чок-чокидан сўкилиб кетди...”

Амир Темур Темур Маликхон давлатидаги вазиятни билди-ю толе ундан юз ўтирганини фаҳмлади. Тўхтамиш ўғлоннинг бахтиёр соатлари энди келибди! Бас, фикр қатъийлашди: Соҳибкироннинг ўзи Дашти Қипчоққа отланмайди, балки ўғли боради! Подшоҳзода энди Жўжи улуси тахтига минадир! Тўрт марта жангда енгилган эса-да, бешинчисида албатта салтанат тожини бошига киядир! Бу офтоб чиқиши янглиг мукаррар нарса! Чунки Темур Маликхоннинг тез кунда давлати қўлидан кетган подшоҳ ҳолига тушмоғига шубҳа йўқ! Унинг аҳволи шундан далолат бериб турибди.

Ҳумоюн ўрдудан, черик йиғилсун, Тўхтамиш ўғлон иззат-у икромларга муносиб кўрилсун, Амир Довуд дуғлат бошлиқ амир Ўрунг Темур, Муҳаммадбек ибн Мусо, Ғиёсиддин тархон¹, Муҳаммад Миракларни кўп лашкар билан Сигноққа юборилсун, Тўхтамиш ўғлонни тахтга ўтказиб қайтсунлар, деган олий фармон эълон этилди. Соҳибкирон бу сафар Тўхтамиш ўғлоннинг Оқ Ўрда тахтига минишига асло шубҳа қилмасди, чунки Дашти Қипчоқда ҳозир унга тенглаша оладиган куч йўқлиги равшан бўлиб колганди.

Шоҳрух Мирзо таваллуди шарофати билан узоқ вақт Ҳумоюн ўрду остонасидан мамлакатнинг турли пучмоғларидан қутлаб келгувчилар қадами узилмади...

¹ Тархон, дархон (мўғулча: темирчи; озод киши) – солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган.

УН УЧИНЧИ БОБ

I

Гарчи Тўхтамиш ўғлон ишлари бир караганда олдинга силжигандай кўринса ҳам, Соҳибқирон назарида ҳали оламга жар солгудай даражада эмасди. Юрт дориломонлик палласига кирди, энди мамлакат ободончилиги билан шуғулланишга фурсат етди. Юртни фарзандлар обод этмоги лозим, ишни Кешдан бошлаши керак. Кўпдан шундай паллаларни кутар эди Соҳибқирон.

Бирок салкам олти ой аввал Хоразм томонларга вазиятни ўрганиш учун пинҳон жўнатилган Аббос баҳодир кипчок нохуш хабарлар келтирди. У Хоразмдан кайтганидан сўнг каттиқ оғриб қолди, аммо Соҳибқирон талаб қилганида, оёққа туриб Кўксаройда ҳозир бўлди: – Бизни қандай хабарлар бирлан сийлайдурсен? – сўради Амир Темур.

– Кейинги икки йил ичида Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи Бухорога ва Котга бир неча марта қўшин ташлаб, ғоратга юз бурибдур, Амир Соҳибқирон! – жавоб берди Аббос баҳодир кипчок, таъзим бажо келтириб. – Қўлига нима илинса олиб кетибдур. Хоразм ҳукмдорида ҳали ҳам аввалгидек ёғийлик кайфияти ҳукмрондир, ҳатто бу нарсга бадтар кучайгандек ҳам туюладур.

– Ҳа, қудамиз Юсуф Сўфи ёнидаги фитначилар асло тинчимаётирлар. Бари ўшаларнинг кирдикори... – деди оҳиста Амир Темур ва ортиқ чидаш мумкин эмаслигини, дарҳол расмийат юзасидан бир элчи юбориш лозимлигини аңглади. Элчи нуфузли кишилардан танланмоғи керак.

Унинг фикри Давлатшоҳ бахши уйғурда тўхтади. Шу куни Умаршайх Мирзо Жаҳонгир Мирзонинг бева қолган хотини Бахт Малик оқага уйланмоқда эди.

– Эски удумларимиз бор, ака ҳарамии унинг вафотидан кейин укага раво кўрилса макбулдир, – кенгаш берди Қутлуғ Туркон оқа Соҳибқиронга. – Чунки набирамиз Пир Муҳаммад Жаҳонгир вояга етмоқда, валиаҳднинг ўғли ахир... Наҳотки етим бўлиб энди кимсанинг қўлига қараб қоладир?..

Тўйда Соҳибқирон Давлатшоҳ баҳши уйғурни ёнига чорлатди ва Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфи билан нималар ҳақида гаплашишни уктирди, қудага қимматбаҳо тухфалар инъом этишни тайинлади. Милодий 1377-йил охирида Давлатшоҳ баҳши уйғур Хоразмга жўнаб кетди.

Саратоннинг¹ ўрталарида Амир Темур қурбон ҳайитига Кешга боришни ўйлаб қўйганди, Сароймулкхоним, Хонзода хонимларни ўзи билан бирга олиб кетди. Икки яшар Муҳаммад Султон Холдона биби қўлида маофада эди.

Амир Темур Шайх Шамсиддин Кулол, Тарағай баҳодир ҳамда Жаҳонгир Мирзо мозорларини зиёрат этишни дилга тукканди. Ўтганларнинг пок руҳларига қурбонликлар қилиниб жонликлар сўйилди, худойиларда дуо-ю тиловатлар янгради. Шаҳрисабз аҳли оқиб келди.

Соҳибқирон мискин-у бечораларга хайр-у эҳсонлар кўргизди, ҳайитликлар тарқатди, фуқаро-ю мустаҳиқларга ҳадя-ю садақалар улашишда ягона бўлди. Шаҳрисабз ҳокими Амир Мусо ҳамиша Соҳибқирон ёнида юрди. У Шайх Шамсиддин Кулол ҳовлисига қўшни уйда яшарди. Ҳоким ўз уйига таклиф этганда, Соҳибқирон негадир рўйхушлик кўрсатмади.

Маликалар Жаҳонгир Мирзо қабри томон йўналдилар. Макбарага яқинлашганларида Хонзода хоним эҳтиром ила маҳди улёни олдинга ўтказди.

— Зиёратни ўзлари бошлаб берсунлар, хонимойим ҳазрати олиялари!

Сароймулкхоним Хоразм маликасининг соғона бошига ёлғиз кириш одати борлигини яхши биларди, уни қистамади. Кейин Хонзода хонимга навбат етди. Малика бу гал ёлғиз эмас, Муҳаммад Султонни етаклаганча соғонага яқинлашди. Қуръон туширгач, қабрнинг совуқ тошларига гунчадек лабларини босди, нозик қўллари билан соғонани силаб чикди, у-бу ғуборлардан тозалади.

У Самарқандда эканида кўнглига туккан ниятини амалга оширди: икки йилдан бери кўз қорачиғидай асраган,

¹ Саратон (арабча; қисқичбақа) – ўн икки буржнинг бири. Шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи (22-июнь – 21-июль даврига тўғри келади).

Жаҳонгир Мирзонинг доимо юрак устида такиб юрадиган уч бурчак қора бахмал туморини йиғлай-йиғлай икки ёшли ўғилчасининг бўйнига осиб қўйди.

– Рухлари асло безовта бўлмасун, шахзодам! Бахмал туморингиз энди ўғлингизда! – йиғламсиради Хонзода хоним. – Юрагининг тепасида асраб юрсун, илоҳи! Сизнинг қолгон умрингизни ҳам унга берсун!

Кейин ўғлини кўтариб олди-да, суюб бурнига бурнини теккизиб:

– Асло бўйнингдан туширмагайсен, гиргиттоним! – деди оҳиста. Кўзлари фавқулодда порлоқ Муҳаммад Султон онасининг ёшларга чўмилган юзларига хайрон қараб турарди.

Шу ерда ҳали хануз учрамаган бир ҳол юз берди. Малика ҳар гал тиловат тушириб, соғонани тавоф қилиб, йиғлаб-йиғлаб чиқиб кетаверарди. Бу сафар нечундир биринчи марта бошини кўтариб тепага қаради...

Шифтда Муҳаммад Мустафо ҳадисларидан бири ёзиб қўйилган экан: *“Ал-оқил-у яътаמיד-у ала амалиҳи, Вал-жоҳил-у яътаמיד-у ала амалиҳи¹...”* Хонзода хоним унинг маъносини тушунди, тушунди-ю бутун аъзои бадани жи-мирлаб кетди! Рост, ҳой-у ҳаваслар қайдадир қолдилар, уларга ишониб яшамоқ нодонлик экан, ақлли бўлмоқ керак, ақлли!...

Шўрпешона малика ёрининг соғонасини қучоқлаб, унсиз-унсиз йиғлади. Йиғларкан, не-не армонлари унинг атрофида мунгсираб турганини ҳис этди. Муҳаммад Султон эса ҳеч нарсадан беҳабар мақбара ичида тетапоя ўйнаб юрарди...

Шарқда ўтмиш подшолари орасида хориждан келган сайёҳ, дарвеш ёки қаландар бўлиб, билдирмай ўз юртини пинҳона кезиб юриш, ҳамма нарсани кузатиш, раёнинг турмушини ўз кўзи билан кўришга интилиш, гуноҳкорлар топилса, уларни жазолаш одати машҳурдир. Ҳорун ар-

¹ Ал-оқил-у яътаמיד-у ала амалиҳи, Вал-жоҳил-у яътаמיד-у ала амалиҳи (арабча)– ақлли одам ўзининг куч-қувватига ишониб яшайди, нодон – ҳой-у ҳавасларга суяниб яшайди.

Рашид, Султон Маҳмуд Ғазнавийлар доим шундоқ йўл тутар эканлар. Буларнинг баридан яхши хабардор бўлган Амир Темур ҳам Самарқандда ёнига ҳеч кимни олмай пинҳона йилда бир марта бозорларни айланар, нарх-навони кузатар, одамларга қарар, карвонсаройларни кезар, такяхоналарга кириб гапларга кулоқ соларди... Кейин эртасига кимнингдир боши кетарди, бошқаси эса зиндонга ташланарди. Буни ҳатто Сароймулкхоним ҳам, Муҳаммад Чуроға додхоҳ ҳам билмасдилар.

Соҳибкирон Шаҳрисабзда мозорлар зиёратидан кейин кийимларини ўзгартирди, дарвиш кийёфасида, бошида тит-питиси чиққан учбурчакли кулоҳ, эгнига уриниброқ қолган жанда ташлаб, елкасига садақа учун мис кўза ортиб, ҳеч кимга билдирмай, бозор-у маҳалла-гузарларни айланиб чиқди. Уни бундай алпозда кўрганлар, сира Амир Темур демасди.

У ҳозир бутун Турон, наинки Турон, балки жаҳон юки зиммасига тушиб турган жаҳонгир эмас, ҳар қандай ташвишлардан холи бир дарвиш, кўнглида Оллоҳга илтижодан бошқа ғами йўқ бир банда, кифтида гарддек ҳам юки йўқ кимса...

У Симхона, Чакар, Дегрез, Кўкнорихона, Кунчиқар, Ҳазрати Имом ва бошқа маҳаллаларга борди. Ҳамма “дарвиш” га ҳайратда қарар, чурвақа болакайлар ортидан эргашишиб: “Дарвиш бобо! Жон дарвиш бобо!.. Таёғингизни беринг! Таёғингизни беринг!..” – деб унинг ортидан қолишмас, гоҳ-гоҳда:

Анави бовани-я,
Кўзи олани-я.
Хом ошқовоқ,
Елпиш товоқ!

– қабилида қўшиқ ҳам айтиб қўйишарди.

Ҳазрати Имом маҳалласига борганда болакайларга қараб, болалигини эслаб кетди. Бола бўлиш қандай яхши-я!

Кошки эди, ҳозир ана шу болаларга қўшилиб кетишнинг иложи топилса!

Ўша пайтлар ҳов анови эски масжиднинг орка томонидаги кенг майдонда жами болалар йиғилишиб “подшовазир” ўйнашарди. Темурбек подшо бўларди, бошқа болалар эса доно вазир-у жасур амир вазифасини адо этишарди. Ёғоч-у камишдан “одам” ясардилар. Подшо унга ҳар хил иш буюрарди. “Одам” ёрликка кулок солмай, “гуноҳ” қилгач, подшо томонидан: “Боши кесилсун! Токи бундан кейин жаҳон аҳлидин бирон кимса ўзбошимчаликка юз бурмағай, шаҳаншоҳ ҳукмидан чикмағай!” – дея фармон бериларди. Шундан сўнг ҳалиги “одам” нинг бошини кесардилар...

Кеш шаҳри бурунларданок уламои исломнинг ардоқли масканларидан эди. Бундан беш юз йиллар аввал машҳур муҳаддислар – Абу Муҳаммад аш-Кашший, Абдурахмон ад-Дорамий, Муҳаммад ал-Бухорийлар бу ерда яшаганларини Соҳибқирон яхши биларди. У маҳалларда атроф олам – ҳатто Машҳад-у Нишопурлардан ҳам кишилар бу ерга оқиб келардилар. Муҳаддисларнинг сабоклари ҳамиша гавжум кечарди. Шу важдан ҳам Кешни “Қуббат ул-илм вал адаб” – илм ва адаб қуббаси, деб улуғлардилар. Баҳор вақти шаҳар атрофи кўм-кўк тусга киради, Шаҳрисабз деган ном ҳам шундан.

Ҳазрати Имом деб аталадиган зоти бобаракот Абу Муҳаммад аш-Кашший қабри атрофида бинолар қурилмоғи жоиз, масжид тикланмоғи зарур. “Дор ус-сиёдат” деб номланадиган бу маскан Амир Темурнинг ўз ҳазирасига¹ айланмоғи лозим. Жаҳонгир Мирзони шу ерга дафн этдилар, сўнг маҳобатли мақбара қад кўтарди. Нарирокда Соҳибқирон ўзи учун бир дахма тиклатмоғи керак... Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмаган, бўлолмайди ҳам. Кун етиб, Оллоҳ ҳузурига қайтса, то рўзи маҳшаргача² она шаҳри бағрида тинчгина ётсун...

“Дарвиш” ҳассасини дўқиллатиб кезиб юраркан, шаҳарнинг шимоли-шарқидagi бош майдонда, аслзодалар маҳал-

¹ Ҳазира – хилхона (муалл).

² Рўзи маҳшар – қиёмат куни.

ласи ёнида бир лаҳза тўхтаб қолди. У она шахри Шахрисабз-ни яхши кўрар, дунёдаги энг доврукли шаҳарлардан бири бўлиши керак, деб ҳисобларди. Қараса, ҳали унга анча бор экан. Шаҳарларнинг кўрки – унинг муҳташам бино-ю иморатларида. Бундай иморатлар эса ҳозирча Шахрисабзда йўқ. Соҳибқирон кўнглида бир орзу яшайди. Даставвал энг маҳобатли сарой айнан шу жойда бунёд этилиши керак. Амир Темур барини ўйлаб қўйган. У беихтиёр ҳаёлларга берилди...

Курилажак сарой жуда улуғвор, гўзал буржлари маҳобатли бўлади, баландлиги юз газдан ошади. Унда гумбазли девонхона, турли бўлмалар, ҳарам жойлашади. Деворлари, беҳисоб хоналари мутаносиб ислимий¹ гирихлар², нақшларни ўзида акс этдирган сиркор парчинлар билан қопланади.

Ранг-баранг кошин-ғиштлар безаган гумбаз ичи ва ташқи айлана манзараси афсундай кўзларни қувнатади. Ҳар бурчакдаги куфий³ хатларга тўла силлиқ ғишт ва феруза парчинлардан зийнатланган миноралар худди йўғон маҳобатли кўк белбоққа ўхшаб кетиши лозим. Фақат куфий эмас, сулс⁴ ёзувлари ҳам ишлатилади, ранглар ўзаро уйғунлашиб, жилвалар ичра инжа ёғдулар таратади. Улкан қаср ой ёруғида ажабтовур жилоланиб оқариб кўринади, ярақлаши атроф борликни ёритади, номи шундан “Оксарой” деб аталади...

Сарой тепасида бунёд этиладиган ҳовуз доим лиммолим тўлиб туради. Кўргошин қувурларда Тахти Қорача довонидан олиб келинадиган сув ҳовуздан ошиб шаршара бўлиб пастга тушади ва ҳовлидаги ранг-баранг хонбалиқлар сузиб юрадиган нақшинкор кошинлар билан қопланган ҳовузчаларга қуйилади...

Амир Темур ширин энтикди. У шу кунларда негадир маъюс эди, Тўхтамиш ўғлондан ҳалигача хабар йўқ, бу гал омади чопдимикин, шундан яна кўнгли нотинч... Хоразмга элчи юборди-ю, натижаси қандайлиги номаълум...

¹ Ислими(й) (форсча; иланг-биланг ўсимликка ўхшаш нақш) – ганч, ёғоч, олтин. кумушга уйиб, чизиб ёки бўрттириб ишланадиган, қадимги нақш тури.

² Гирих (форсча) – ҳунаремандчиликда кенг ишлатиладиган мураккаб нақш.

³ Куфий – хаттотлик услуби.

⁴ Сулс, хатти сулс — хаттотлик услуби.

Соҳибқирон ҳаёлларни нари қувиб, атрофга назар ташлади. Ажабо, Шаҳрисабз чеккасидаги пирлари Шайх Шамсиддин Кулолнинг чорбогига келиб қолибди. Бирдан бундан йигирма беш йиллар чамаси нарида ўтган воқеалар эсига тушди. Юраги бир орзиқди. Ўшанда ҳам шундоқ авжи саратон палласийди, чорбоғ ҳам ўша, шайхнинг уйига дарахтлар-у гуллар орасидан кириб бориладди, йўлак бошида ҳовлидан берирокда кичиккина ариқ оқиб ўтарди. Ариққа иккита энсиз ёғоч ташлаб қўйилганди. Ва унда... қирқ кокил ойимча сув ўйнаб ўлтирарди...

Ҳа, бари ўтди кетди, энди улар йўқ...

Боғ ҳамон ўшандай гўзалмикин, гуллар очилиб-сочилиб ётибдимикин?.. Киши ҳамиша болалигига қайтишни истайди, хотираларини титкилашга иштиёқманд...

Соҳибқирон ихтиёрсиз йўлакка бурилди. Оҳиста қадам ташлар экан, шу палла йўлакнинг бошида етти ухлаб тушига ҳам кирмаган ҳодиса кутаётганини мутлақо билмасди.

Уни инсон ақли бовар қилмайдиган фавқулодда мўъжиза кутарди!

Йигирма беш йиллар мукаддам қўлида тол хипчин тутиб ўтган ўн беш ёшли йигит энди ҳассага суянган қирқ икки ёшли “дарвиш» бўлиб борарди. У фарқ пишган меваларга, олтиндай олмалар, нок-нашватиларга қарар, боғ ўша-ўша, аввалгидан ўзгармагандай эди.

Бундан ажабланган Соҳибқирон бепарво йўлак бошидаги ариққа яқинлашди-ю қотиб қолди! Кўприкнинг ёнида қизил бахмал дўппи кийган, узунгина сочлари майда ўрилган ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги бир қиз лим-лим тўлиб оқаётган ариққа қараб сув ўйнаб ўлтирарди. Қиз эгилганда уч-тўртта чилвир сочи сирғалиб сувга тушар, ҳар сафар ҳафсала билан уларни орқасига ташларди. Кўзлари шахло, суюклук, юзлари ширмой нондай хушрўй бу ойимча қиз Амир Темурга тенги йўқ дурри якто, офатижонлардан ҳам аъло кўринди!

Ойимчанинг жозибасиданми ёки кун иссиғида салқин сувга қўл ювиб бироз роҳатланмакчи бўлдимиз, ҳар қалай, кўприк устида чўнқайди-да, муздек сувга қўлини солди...

Қирқ кокил ойимча шу пайт жилмайганча дарвишга боқди, унинг самимий табассуми ўзига шундай ярашдики, Амир Темур ҳайратга тушди. Ойимча қизнинг чиройли кўзларида қандайдир фавкулудда бир сеҳр, нур жилваланиб турарди. Амир Темурнинг юраги орзикиб кетди, бутун вужудига ғаройиб титроқ кирди!..

Халлоқи безаволга салламно! ...Бу – ўша қиз, йигирма беш йиллар аввал кўрган, ўзига зор-у мубтало айлаган фаришта! Ўша қиз... Йўқ,... у эмас, аммо нақ ўшанинг ўзи! Фақат унда дўпписи кўк эди, энди эса қизилидан кийиб олибди. Яна худди шу ерда... Ўша қиз, аниқ ўша! Орадан гўё шунча вақт ўтмагандек... Бировга айтса, ишонмайди. Ё раббий! Ё раббий! Бу ўнгми, туш?.. Туш, шекилли. Мана ҳозир уйғониб кетади-ю, бирдан бари ғойиб бўлади. Йўқ, тушимас, ўнги!.. Нималар юз бермакда ўзи? Барига ўзинг кодирсан, эй парвардигор!.. Ҳамма нарса ёлғиз ўзингнинг измингда, нима қилсанг, ўзинг қиласен! Бунга асло шак йўқ!..

Чунон уринса ҳам, Амир Темур бу ғаройиб синоатни ўйлаб ўйига етолмади.

– Исмингиз нима экан, ойим қиз?.. – сўради энтикиб Амир Темур, эътиборсизлик қилиб аввал кўрган қизнинг исмини сўрамагани эсига тушиб.

Одатда, дарвиш-у қаландарлардан кўркиб чўчимас-дилар, уларга худонинг беозор бандалари деб қараларди. Қирқ кокил ойимча исмим дарвишга нима учун керак бўлибди, деб ҳам ўтирмади, аввалгидан-да жозибалироқ жон офати табассуми ила деди:

– Туман оқа...

“Туман оқа ... – ширин ютинди Соҳибқирон... Қизнинг овози жуда майин эди, мойдай ёқиб кетди, кўнгил лавҳига маҳкамроқ муҳрлаш учунми, беихтиёр исмини такрорлади: – Туман оқажон... Кимнинг қизи, қаерданлигини ҳам билиб олишим керак...”

Амир Темур бу қизни илгари кўрмаганди, фавкулудда ҳаяжонга тушганидан ёш ошиқлардай тили боғланиб қолди. Шу палла қизнинг ўзи жонга оро кирди:

– Шахрисабз ҳокими Амир Мусо жанобларининг ожизасимен... Онамлар Орзумулк оқа Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир дилбандидурлар... – худди ўргатиб қўйгандай деди чарсиллаб.

“Ие!.. Амир Мусо ожизасимен, дейдирму?.. Орзумулк оқа кизи?... Вожаб!..” Унинг бадтар ҳайрати ортди. Соҳибкирон азали тақдир хоҳиши шундоқлигини дарҳол фаҳм этди. Йўқ эса, худо Амир Темур тилини боғлаб қўйиб, унинг сўрамоқчи бўлган нарсасини Туман оқа дилига жойлармиди!..

Ногаҳон бир воқеа Соҳибкироннинг эсига тушди. Бундан ўн уч-ўн тўрт йил муқаддам Қарши қалъаси учун Амир Мусо қўшинига қарши саваш қурдилар. Бешафқат жангда инояти илоҳий шарофати сабаб албатта, Амир Темур икки юз қирқ уч кишидангина иборат чериги билан Амир Мусонинг ўн икки минг кишилиқ қўшинини енгиб тўзитиб юборди, шаҳар ҳисорини эгаллаб, аёлларини асир қилди... Талотўпда кўшлар тумтарақай қочмоққа юз бурдилар. Иттифоқо, Амир Мусонинг ҳарами, Боязид жалойирнинг кизи Орзумулк оқа, қанизакларини Ошиқ деган навқар қўриқлаб борарди. Соҳибкирон ёлғиз улар ортидан от қўяркан, навқарга қичқирди:

“Сенинг гуноҳингни кечдим! Хотинлар орасидан чиқ!..”

Ошиқ дарҳол тўдадан ажралиб, бошқа ёққа кетиш ўрнига, беписанд орқасига ўгирилди. Темурбекка кўзи тушгач, кўркмай ёйини унга тўғрилаб мўлжалга ола бошлади.

“Оббо!.. Мабодо бу навқар отса-ю, ўқ тегса, кейин Соҳибкирон бир хотин тамаида ўққа учди дейдилар-да...” – деб ўйлади Амир Темур ўзи олдида ўзи хижолат. Бу эр киши шаънига ярашадурғон иш эрмас... Нима қилиш керак? Тўхтасинму? Ортга қайтсинму?.. Қайтса, кўркди, дейди. Соҳибкирон учун бундай тавқи ланъатдан оғири йўқ.

Шу пайт қаёқдандир Давлатшоҳ бахши уйғур етиб келди ва қалқон тортиб, Ошиқ ортидан от қўйди. Ошиқ саросимада шоша-пиша Соҳибкиронга қараб ўқ отди ва, хайриятки, бу ишда беҳунарлиги яққол билинди: мўлжалга

теккизолмади. Давлатшоҳ баҳши уйғур “Хай-йо!..” деганча уларни қувиб кетди, аммо ҳарчанд чиранса ҳам етолмай ор-тига қайтди.

Халлоқи безаволга салламно! Унинг чеварлиги шундан аён бўлдики, у пайтда Орзумулк оқа мана шу фарзанди саодатманд Туман оқага юкли эди, шу туфайли таадди¹ қўли уларга тегмади, шекилли!

Соҳибқирон Туман оқани ҳарам соҳибасига айлан-тиришни кўнглига тугди. Тамом! У шу малак сиймони ўз ақди никоҳига киритади! Малак сиймо ҳарамининг беағи бўлади!

Чиндан ҳам, азалда ул давлатманд малакнинг ақди Соҳибқирон толеига боғланган экан-да! Амир Темур Оллоҳ-нинг иноятидан ҳайратда ҳанг-манг эди...

Қўлларини сувга солган ойимча киз Соҳибқирон кўн-гида кечаётган ҳаёллардан мутлоқ беҳабар бу ғаройиб жулдиrhoқи дарвишга ҳамон табассум ила қараб турарди.

Амир Темур худди бошқа одамга айланиб қолгандай бўлди. Ўтганларнинг руҳларини ёд этиб хайр-у садақалар қилганиданми ёки неча йиллар кутган армони ушалиб, қирк кокил ойимчасини “топиш” насиб этганиданми, ҳар қалай дунё кенгайиб кетгандай туюлди назарида...

II

Сарой хонимлари бу янгиликни эшитганларида ҳар кимда турли фикрлар уйғонди. Ҳурилиқо канизақлар кўнгилларига аллақандай ғашлик ва ҳасад оралаб кирди, оромлари бузилгани сезилди. Сароймулкхоним барчасини киши билмас кузатиб борарди. У Дилшод оқада катта ўзга-ришни пайқади. Саҳройи офатижоннинг куюнчаклиги ичида, шунданми камсукум, гапга ҳадеб аралашавермас, коп-қора чиройли кўзлари кўпинча ерда бўларди. Аммо гапирса қакиб оларди.

– Ҳазратим... янги ғунчага қўл узотибдиларму, хони-мойим?... – ердан кўзини узмай ийманибгина сўради Дилшод

¹ Таадди – тажовуз, зулм (муқаддас).

оқа. – Ким экан, ул бахти чопғон?..

Уч йил олдин Соҳибқироннинг саҳройи офатижон билан тўйлари ўтганда, Дилшод оқа кенжа малика ҳисобланарди. У ўзидан олдингиларни иложсиз тан олар, аммо кейин келаётганларга бефарқ эмасди.

– Ҳа... – деди маҳди улё. – Туман оқа тоғамиз Амир Мусо жаноблари зурриётлари, дугонам Орзумулк оқа қизлари. Бошига чиндан ҳам бахт қуши қўниб, олий назарга мушарраф бўлибди.

– Шунақа, денг?.. Тоғангизнинг қизлариму ҳали?.. – ажаблангандай сўради Дилшод оқа. – Оқа бегим қайн-синглиси? Хабаримиз йўқ экан... Омадини берсун!

Дилшод оқанинг кўнглидан, хонимойим Соҳибқиронга ўз жиянларини топибдилар-да, деган фикр ўтди. Бу Сарой-мулкхоним назаридан қочмади.

– Ҳа, тоғамизнинг қизлари. Оқа бегим куёви эса тоғамизнинг биринчи хотинларидан кўрган ўғли. Бу ёғини сўрасангиз, ўзим ҳам янгиликни сиз билан бирга эшитиб турибдурмен... Маликам! Ҳазрати Соҳибқироннинг учқур чавандоз эканларини хўп биламиз-ку... Учқур чавандозга янги майдонлар керак. Тойчоқ чопамеи, деса ким уни тутиб тура оладур? Ҳарам боғи янги гулғунчалар билан безалиб турмоғи лозимлигини англамайдурмусиз? Ундан кейин... – Маҳди улё кулимсиб, маъноли давом этди. – Янги гунчада, янги очилган гулнинг бебаҳо бўйи, таровати бўлади, аввал очилган гуллар эса муаттар ҳидни қарзга олиб юрадилар...

Дилшод оқанинг юзига қизиллик югурди ва жилмайганча бош эгди:

– Узримни қабул айлангиз, хонимойим ҳазрати олиялари! Густохлик¹ қилдум. Не ҳаддим бор эрдик, ўзларини бундай саволга тутдим...

Амир Камариддин қизи кўнглида озгина ўксиклик борлигини Сароймулкхоним яхши биларди. Дилшод оқанинг ҳарамга қадам қўйганидан бери уч йил ўтди, аммо ҳамон фарзанддан дарак йўқ. Ўша кунларда анови канизак

¹ Густох (форсча; беадаб; дадил, кўркмас) – одобсиз, беандиша. Густохлик – одобсизлик, андишасизлик.

“лўп” этиб суҳсурдай ўғил туғиб берса бўладими! Еш малика шундан кейин кўп эзилиб юрди. Энди эса, устига янги кундош келаётир. “Ноумид шайтон, дейдилар. Худо бериб қолар...” деб юпантирди саҳройи офатижонни бу савдоларни ўзи бошидан кечирган Сароймулкхоним.

Бирдан Боғи Чинорда Наврўз кунлари сумалак сайли ўтказгани маҳди улёнинг эсига тушди. Барча маликалар, Соҳибкирон қизлари ва келинлари йиғилишиб келдилар. Боғ ўртасидаги тубига зангор лаппакчалар қопланган ҳовуздан чап томонда гулбоғчаларга яқин ерда дошқозон осилди. Кун ҳам ажойиб, ҳаводаги аллақандай ёкимли илиқлик қайноқ ёз даракчисидай туюларди. Опа-сингиллар Оқа бегим ва Султон Бахт бегимларнинг сочларига боғланган чиройли толкучук баргак уларни бошқалар ичида ажратиб турарди.

Ўн иккига кирган Мироншоҳ Мирзо икки ёшли амирзодалар Муҳаммад Султон билан Пир Муҳаммад Жаҳонгирларни етаклаганча, ҳовуз атрофида шовқин солиб юрибди. Шоҳрух Мирзо эса энага қўлида йўргакда...

Ўчоқ бошида кайвонилардай¹ ўтирган Кутлуғ Туркон оқа қўлидаги узун капкирни дошқозонга солиб сумалак таги куймасин учун ташланган майда тошларни шалдиратиб кавлаб-кавлаб қўярди. Бонуйи кубро маликалар-у келинчаклар, ёш-ялангларни ўз оғзига қаратганча, расулуллоҳ билан чорёрлар² қиссалари, Биби Сешанба ривоятлари-ю Биби Ойша разияллаҳу анҳу фазилатларидан ҳикоялар сўйларди.

Айниқса, Ҳазрат Али ва Биби Фотима³ тўйлари қиссаси ҳаммани ўзига ром этди. Биби Фотимани узатиб бораётганларидаги ёр-ёрлар жаранглаганда маликаларнинг кўнгиллари ийиб беихтиёр кўзлари ёшланди.

Улус оқа, Дилшод оқа ва Тағой Туркон оқалар ўчоқ олдида ўтга қарашар экан, кулоқлари бонуйи куброда эди. Омонатгина чўккалаган Бахт Малик оқа ва бошқа кани-

¹ **Кайвон(и)** (*форсча*) – ёши улуг, кўпни кўрган, кўп нарсани биладиган; уддабурон аёл ёки эркак.

² **Чорёрлар** (*форсча*; *тўрт дўст*) – Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки 4 халифа.

³ **Фотима-и Зухра** (тахминан 605/606-632/633) – Муҳаммад (с.а.в.)нинг кенжа қизи. Фотима гузал бўлгани учун номига Зухра исми ҳам қўшиб айтилади.

заклар нарирокда тахланган, нақ ўн сумалакка етарли ўтинлардан танлаб-танлаб ўчоқка ташлашади. Сароймулкхоним, Орзумулк оқа, Хонзода хонимлар рўбарўда туриб қасрни томоша қилишади.

Хоразм маликасининг ҳам Боғи Чинорга кўпдан бери биринчи ташриф буюриши. Улар ўнг томонда тарвақайлаб ўсиб кетган “ота-чинор” га боқишиб, чапдаги энди йўқ иккинчи “бола-чинор” ни эслашар, аммо ҳеч нарса дейишмасди.

Ҳовуз олдида ипак тўшаклар ташланган, парқув ёстиклар қўйилган дастурхон ёзилган сўри... Дастурхон нознеъматларга тўла, айниқса, Кониғил ёқлардан, Ургут тарафлардан, адирлардан терилган исмалок, жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз ва бошқа кўклардан пиширилган сомсалар ҳиди анқиб, диққатни ўзига тортар, иштаҳаларни баттар ошиарди.

Хонзода хоним ийманиб, пинҳона гаплари кўп икки сирдош дугонани ёлғиз қолдираркан:

– Бонуйи кубро жаноби олиялари ёр-ёрларини эшитмак истаймен. Маъзур тутғойсиз... – деди ва ўчоқ бошига шошилди.

Қорамағиздан келган Орзумулк оқа ёши ўтган сари сипо тортиб, сулувлашадиган аёллар сирасидан эди. У ҳамон диркиллаган, сийналари тирсиллаган, қадди-қомати расо дўндик қизларни эслатарди.

– Тобора ёшариб кетяпсиз, момоқиз! – мақтади дугонасини Сароймулкхоним.

– Ишрат замонида Амир Соҳибқирон ўзларини... – гап бошлади Орзумулк оқа. Сароймулкхоним шартаки дугонасининг нима демоқчилигини дарров фаҳмлади-ю, тўхтатмоққа уринди:

– Вой, нималар деяпсиз, афтингиз қурмасун, момоқиз бўлмай ўлинг! Қўйингиз бу гапларни!

Орзумулк оқа чекинадиганлардан эмасди:

– Момоқиз, иккимизнинг сиримиз бир-ку. Амир Соҳибқирон маҳрами бўлмоқ – худонинг улуғ марҳамати. Сиз Ҳазрат шабистонининг пориллаган шами, шами эмас,

офтоби эрурсиз! Ҳаммага ҳам насиб этавермайди, ҳа! Энди, кизик-да... Бунинг айби йўк, Оллоҳ ҳар нарсани жуфти билан яратғон. Қовушиш ҳаммада бор, момоқиз.

Орзумулк оқа мийиғида қулиб қўйди, кейин мавзуга йўл очиш учун давом этди:

– Мен сизга айтсам... Амир Қозоғон жанобларини ҳар куни тўртта канизак укаларкан. Олампаҳо биттасини танлар эканлар. У ёғига тонгача базм... Тармаширинхон гўзал кизларни боғдаги тип-тиниқ сувли ҳовузда чўмилириб томоша қиларкан. Ёкиб қолганига олма отиб чақиртириб оларкан. Кейин...

– Вой дугонажоним-ей! Шуларни ҳам биласиз-а!.. – ёйилиб бораётган Орзумулк оқанинг гапини кесди Сароймулкхоним.

Икки дугона ҳеч ким йўғида кўришганларида шундай кўнгил изҳорлари бўлиб турарди. Унчалар ҳам андиша-пандиша деб ўтирмайдиган шартаки Орзумулк оқа чиройли кўзларини ўйнатиб, Амир Мусодан нолир, сира ухлатмайди, канизакка йўлласам ҳам, “Ўзинг яхшисан!..” – деб охири эритади, қабилида мақтанарди. Кейин Султон Маҳмуд Ғазнавий, Султон Санжари Мозий, Чингизхон, Чигатойхон, Кепакхон, Амир Қозоғон ва бошқалар ҳарамидаги турфа хил ишқий хангомалардан сўз юритади. Уларни атайлаб йигиб юрадимиз ёки бошқалардан эшитганлари эсида қоладимиз, Сароймулкхоним буни билмасди, эшитаркан: “Ёмонсиз-а, момоқиз, ёмонсиз” дер, қистовга дош беролмай, баъзан сирларидан ёрилиб қоларди.

Дугонаси ўз мақсадига етмагунча тинчимасди ҳам. Аммо малика, айтганлари Орзумулк оқанинг хангомалари қаторига қўшилиб бошқа ерларда ҳам жаранглашини билар, шу сабабдан ҳушёр турар, меъёрни эсдан чиқармасди. Улар ўттиз олти ёшда эдилар, бу фаслда, албатта, дилкаш суҳбатга кизик мавзулар топиш унчалар қийин иш эмас.

– Амир Соҳибқирондан сўйлангиз, момоқиз!

– Амир Соҳибқирон... бизларга жуда меҳрибонлар...

– Хўш... қўш ҳайдашлари қалай?.. – чиройли кўзларини айёрона қисиб тегажоглик билан сўради бирдан Орзумулк

ока.

– Вой, ўлай! Анови момоқизни уялмағонини!.. “Қўш...” эмиш-а! Вой, афтингиз қурмасун сизни!.. Доим шундай қиласиз!..

Маҳди улё шундай деса ҳам, бундай гаплар унга-да ёқиши сезиларди, дугонаси буни биларди.

– Қўшни... чукур... ҳайдайдиларму? А?.. – тегажоғ-лигини қўймасди Орзумулк оқа чиройли кўзларини ўйнатиб.

– Ие!.. Вой, ўлмасам...

Сароймулкхоним чиройли қўли билан оғзини беркитди. У “қўш” нинг нималигини бир лаҳза тасаввур этди-ю, ёш қизлардай қизариб кетди.

Орзумулк оқа эндигина дугонасидан тундаги ханго-малар-у фароғатли лаҳзаларнинг ипидан игнасигача бирма-бир сўрашга, кейин ўзи ҳам анчагина йиғиб қўйган, дилни аллалайдиган нозик воқеалардан айтиб Сароймулкхоним-нинг оғзини очириб қўйишга шайланиб турувди, кутилмаган можаро қаймоқ боғлаб келаётган ширин суҳбатнинг белига тепди.

Сароймулкхоним боғ этакроғида эғнига пушти тўн ташлаган Дилшод оқа билан кўк абришим¹ либосдаги Тағой Туркон оқаларнинг бир-бирларига тиклашиб турганларига кўзи тушди.

– Тағин кундошлар орасида ғалва чиқди, шекилли, момоқиз... Тез борайлик! – деди маҳди улё.

Орзумулк оқанинг чиройли чехрасида ранжиш аломат-лари кўринди. “Яйраб суҳбатлашишга ҳам қўйишмайди-я!.. Бир-бирининг гўрига ғишт ташиб чарчашмайди-я, ҳе, қўшмозор бўлгурлар!” – оғринди ичида у.

Икки дугона ўша томонга ошиқдилар.

–... Энди битта туғиб бердим, деб бошимизга чиқиб олмоқчимусен?... – дерди Дилшод оқа титраб-қақшаб, овози сал кўтарилиб кетаётганини ҳам сезмай. – Чиқиб бўлсан! Сени чиқариб кўядирган лакма йўк, кўнглингни тўқ қил! Ҳадеб битта туғиб бердим, деб...

– Ҳа, туғдим-да! Туғиб бердим!.. Ажаб қилдим! Хўб

¹ Абришим (форсча; ипак) – ипак газлама, шойи.

килдим!.. – тап тортмай тик караганча тарсиллатарди Тағой Туркон оқа. – Яна туғамен!.. Куйиб ўласен!..

– Беҳаё! Уятсиз! Ҳазрат Соҳибкирон маликаларига тап тортмай гапиришини!.. Канизаклигингни унутма!

– Канизак эмасмен! Сендан суюклирок дилдорларимен, билдингму?

– Вой!.. Шунақа де?.. Бети йўк, каланғи-қасанғи бўлмай ўл!

– Қаланғи-қасанғи эмасмен! Нуфузли маҳалла оқсоқолининг қизимен! Жа-а-а оқсуяклардан экансен, нега туғмайсен? – фиғони фалакка чиқди Тағой Туркон оканинг. – Аламми? Алам килса, сенам туғиб бер! Туғиб бер-чи қани!..

Бу гап Дилшод оканинг жон-жонидан ўтиб кетди. Худди лўқиллаган ярасига тиғ теккандай ҳис этди-ю шартта Тағой Туркон оканинг сочиға ёпишди! Канизакнинг қўли эса малика ёқасига чўзилди!..

– Хай-хай!.. Бу нима қилик? Айб эмасму? – ҳаяжонланганча деди етиб келган Сароймулкхоним. – Хайриятки, атрофда эшитадурғон одам йўк, ҳамма ўчоқ бошида. Овозингизни чиқармангиз! Ҳазрат кулоқларига бу гап етса, уят бўлади-я!

Сароймулкхонимнинг секин, шивирлашдан баландрок босиқ овози дарров малика-ю канизакни ўз қилмишларидан изо тортиб, ерга карашга мажбур этди.

– Уят бўлади-я! Қўйинглар!.. – гапга қўшилди Орзумулк оқа ҳам.

Аламлари ортган Дилшод оқа билан Тағой Туркон оқа бамисоли тўлиб, тегсанг тўкиламан, деб турган косаларга менгзардилар. Канизак чидамади, бошини маҳди улё тўни пешига буркаганча, ўксиб йиғлаб юборди.

– Хонимойим ҳазрати олиялари! Ахир менда не айб? Ўтирсам ўпокман, турсам сўпок... Доим шунақа. Гапиришгани гапиришган.. Нима қилай ахир, нима қилай? Худо фарзанд ато этса менда не айб? Тўғри юрсанг ҳам эгрига чиқаверасан...

– Ким бўпти ўзи?.. Ҳаммани оёк учида кўрсатади. Гердайиб юрганини кўрингиз! Худо бизга ҳам бериб қолар

ахир... Бериб қолар...

Дилшод оқанинг охирги сўзлари йиғига қўшилиб кетди. У маҳди улё кўксига бош қўйганча чексиз изтиробларини ичига ютиб, унсиз-унсиз йиғлади...

Сароймулкхоним: “Ие! Ие! Айб бўлади!..”, “Биров билмасун...”, “Йиғламангиз!..” – дея нечоғлик кундошларини юпатишга уринса ҳам, сўзлари кумга сепилган сувдек бесамар кетишини яхши тушуниб турарди.

Амир Темур маъсуд туйғулар оғушида Шаҳрисабздан Самарқандга қайтганида Сигноқдан чопар келган экан. Тўхтамиш ўғлон ўз валинеъматига ёзган бахтиёрлик ҳисларига йўғрилган мактубида, аёлоҳазратга фатҳ муждасини етказиб, қутлаб, ҳар лаҳза олисда тоғдек устувор турган Амир Соҳибкироннинг мадади кўнглига улуг шижоатлар жойлагани, Темур Маликхонга юзлашиб бир ҳамладаёқ асфаласофилинга жўнатгани, ғолиблик камарини белига мардонавор боғлагани ва музаффарият ила Сигноқ тахтини эгаллаганини маълум қилганди.

Бу муждадан Амир Темурнинг чехрасига нур югурди, бағоят хурсандлиги ортиб, “Хайрият!.. Шу кунларга ҳам етдик...” дея Оллоҳга шукроналар келтирди. Энди унинг ўғли “Тўхтамиш ўғлон” эмас, балки “Тўхтамишхон” деган юксак номга эгадир! Бир лаҳза кўз олдида шимолий сарҳадлари қўрғонланган, хавф-у хатарлардан холи, дориломон Туронзамин намоён бўлди... Энди юрт дориломонликка юз тутмоғи шубҳасиздир.

Соҳибкирон бир неча кеча-ю кундузни Боғи Чинорда айш-ишрат ва фароғатда ўтказди. Вазири аъзамга, хуррам айём шарофати билан, зиндондаги маҳбусларни озод қилиш ҳақида фармон тайёрлашни топширди. Тўхтамишхоннинг чопари Тармочукқа катта илтифотлар кўрсатиб, эгар-у от, заррин хилъат¹-у мурассаъ² камар тухфа айлаб, иззат-у икромда Сигноққа кузатиб қўйишларини буюрди. Иттифоқо, шу вазифа Амир Муҳаммад Мирак зиммасига тушди.

¹ Хилъат (арабча; тухфа, инъом қилинган уст кийим) – одатда инъом қилинган тўн.

² Мурассаъ (арабча) – кимматбаҳо тошлар билан безалган.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, сунбуланинг¹ ўрталарида Кониғилда янграган карнай-сурнай садолари Соҳибкирон Амир Темур Кўрагон билан Шаҳрисабз ҳоқими Амир Мусонинг кизи Туман оқалар тўйлари бошланганини элга овоза қилди. Эндигина Маккаи мунавварадан қайтган ҳожи Амир Сайфиддин некўз тўйбоши этиб тайинланган эди.

Арқони давлат вакиллари, Самарқанднинг казо-казолари, вилоятлар ҳокимлари, атроф қишлоқлар, маҳаллалар кадхудолари, турк-у тожик, араб-у ажам² барча-барчаси Турон подшосини шарафлаш учун Оқ уй тикланган Кониғилга ошиқдилар.

Қирк қулокли дошқозонлар бир ҳафта ўчоқ бошидан тушмади, етти кеча-кундуз савт-у наволар тинмади, машҳур муғаннийлар хизматда бўлдилар. Дор, олов пуркаш, афсунгарлик, кўз боғлаш, чинни ўйин, ёғоч от ўйинлари барчани ўзига чорлайди, хўроз ва қўчқорлар жанги эса жуда мароқли... Бир томонда икки доирачи билан найчи хизматда, учта ёш бола эса рақсга тушишмоқда. Доирачилардан бири ҳазил қўшиқ айтарди. Болалар қўшиқ оҳангига мос муқом қилиб ҳаммани қулдиришарди.

Бошқа томонда – чўкки қалпокли забардаст доирачи, ҳўкиз никобини кийиб, териға ўранган бақалок, уларнинг ёнида бошиға гулдор мўғулча қалпоқ кўнқайтирган шолвордаги киши – барибир бўлиб атрофларига одамларни йиғиб масҳара ва муқаллид³ санъатини намойиш этишарди.

Ҳов нарироқда Кониғил ичкарисида эса пойга, кўпқари, қовоқ ўйин, тирандозлик, кураш, зўргарлик, чавгон томошалари авжда. Чор атрофда сурон қўпган. Ҳар ёқдан қийқириклар, ҳайрат садолари эшитилади. Хос-у ом⁴ катта-ю кичик ҳамма ўзини эркин сезар, дастурхонлар мўл-кўл эди.

Еттинчи кун, окшом пайти, тўй томошасига иштиёқманд

¹ Сунбула (арабча: бошоқ) – Ўн икки буржнинг бири. Шамсия йил ҳисобида олтинчи ойнинг номи. 22-август-21 сентябрь даврига тўғри келади.

² Ажам (арабча) – араб халқи ва мамлакатларидан бошқаси (хусусан, форслар, эронликлар).

³ Муқаллид (арабча) – ўзбек анъанавий театрининг жанр тақлидчи.

⁴ Хос-у ом – барча.

порлок юлдузлар кўк токида аллакачон тўпланишиб кўзлари нигорон кутишарди. Маликалар ва канизақлар оппоқ ҳарир либосдаги Туман оқа ўлтирган, олтин юганли туяга ўрнатилган маофа атрофида “ёр-ёр ўлан” лар билан Оқ уйдаги гўшангага қараб юрдилар. Олтин юган ой нурида яраклаб борарди. Сайхонликда катта гулхан ловуллаб ёниб, чехраларни ёритарди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан-о,

Киройи қиз, ёр-ёр...

Упа-элик кераксиз-о,

Чиройли қиз, ёр-ёр... — янграрди ўлан садолари Конибил узра...

Ёр-у кўкда бу палла фақат икки ой ҳукмронлик қилардилар, холос. Кўкда – ой, Ёрда – ҳурилиқо келинчак...

Ёр-ёр садолари яқинлашгани сари куёвнавқарлар қуршовидаги эғнига зар ёқаси шуъла таратиб турган оқ авра чопон ташлаган жигарсўхта куёвнинг юраги гурс-гурс ура бошлади!

Ниҳоят маофа яқинлашди...

Соҳибқироннинг ярим йил аввал кўрган тушида ғаройиб ҳодиса юз берганди – осмондан ой тушиб унинг қўйнига кирганди! Туши ўнгидан келганидан боши осмонда Амир Темур суюкли ойимчасини маофадан кучоклаб даст кўтариб олди ва “ёр-ёр”лар, қий-чув-у қийкириқлар остида гулхан атрофини уч бор айлангач, гўшанга томон йўналди...

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

I

Ҳали тўй авжида эканидаёқ элчиликка юборилган Давлатшоҳ бахши уйғур билан ўн кишидан иборат ҳамроҳларининг Хоразмга борганлари-ю Юсуф Сўфи томонидан зиндонга ташланганлари ҳақида хабар қулоқларга етиб улгурганди. Аммо бунини Амир Темурга билдирмадилар.

Тўй ўтгандан кейин Амир Сайфиддин некуз билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ қандай йўл тутиш, вазиятни



Соҳибкиронга қандай тушунтириш ҳақида ўзаро кенгаш курдилар.

– Ҳазратга бу гапни ким айта олади? – сўради Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўй кўзлари жавдираб. Унинг овози одатдагидан ингичка тортиброк чикқандай туюлди Амир Сайфиддин некўзга. – Хоразмдан яхши муждалар кутилмоқдайди, Юсуф Сўфи албатта инсоф этагидан тутади, адоват-низолар орадан кўтарилиб кетади, деб юргандилар Соҳибкирон. Охири бахайр бўлсин, деб тургандик...

– Аслида-ку, хусуматларни сулҳ-у сафога алмаштириш вақти аллақачон етган... Киши англамаса қийин экан-да... – афсусланганини яширмади Амир Сайфиддин некўз. – Хўш... Ким айта олади?

– Бонуйи кубро улуг эгачидан сўралса-чи? – сўз қўшди Муҳаммад Чуроға додхоҳ бироз ўйланиб.

– Давлат ишлари бағоят зил-замбилдур, аёл кишига оғирлик килур. – Амир Сайфиддин некўзга таклиф унчалар ёкмагани сезилди. – Бу вазифа пири муршид Мир Саййид Барака ҳазратлари насибаси, назаримда. Хў-ўш...

– Ахир қариндошинг муҳолифат этагини тутмоғи лозимму? – куйинганча деди пири муршидга Амир Темур нохуш хабарни эшитар экан. – Ёки тақдирда ёзилғони шундоғму? Кимники ферузбахт-у саодатманд айлади, у жаҳон ичра тахт соҳиби бўлди. Кимники хор-у ғамнок килди, унга хос-у омга баб-баравар сочилган офтобнинг нури ҳам тегмади!

– Амир Соҳибкирон! Бандасининг тутумларига ажабланмағайсиз... – таскин бергандай давом этди Мир Саййид Барака. – Азим тоғлар ҳаракатга тушса йўлини тўсгувчи кумтепалар қандоғ чора топғай? Оллоҳ шохид, ўз сажиянгизга муносиб кечиримлилик этокини тутиб келмакдасиз... Кенгашим шулдурки, Юсуф Сўфига яна бир мактуб битилсун. Қариндошимиз-да, ҳамиша инсоф сари кадам ташлар, деган умид дилимизни илтиб турадир. Эҳтимол, англашилмовчилик юз берғондир... Ахир бегуноҳ қонлар тўкилмоғи жоизму?.. Алҳамду лиллахир раббил оламин!

“Маъкул дедилар!”, “Айни муддао!” кабилида пири муршидни кўллаб-қувватлашди Амир Сайфиддин некўз билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Ғазаб отига минаётган Соҳибқирон бу сўзлардан кейин хаёлга чўмди. “Балки, ростдан ҳам, Юсуф Сўфи вазиятни нотўғри тушунгондур, ўз хатосини кейин англаб етгондур. Балки жahl устида шундай кадам ташлагондур...” – деб ўйлади у ва Мавлоно Ubaidни чорлатиб, яхши мактуб ёздирди.

Шу кунёқ Ахий Жаббор баҳодирни Хоразмга элчи қилиб жўнатди.

Бу сафар энди Соҳибқироннинг кўнгли тўқ эди, Юсуф Сўфи мактубни олгач, албатта адолат сасига кулоқ осадди, инсоф йўлига юз буриб Давлатшоҳ бахши уйғурни зиндондан чиқаради ва омон-эсон юртга қайтаради...

Ахий Жаббор баҳодир ўз йигитлари билан Хоразмга етиб борганда, мезоннинг охирлари эди.

– Даставвал Гурганждан чиқаверишдаги машҳур Шайх Нажмиддин Кубро макбарасини зиёрат қилгаймиз, сўнг аср намозини шайхнинг ҳамиша гавжум хонақоҳига кириб адо этгаймиз! – уқтирди Ахий Жаббор баҳодир шерикларига.

– Ҳаво совибди, дастингдан кетай. – сўзланди Учқора.

– Наврўздан сўнг киш бўлмас, мезондан сўнг ёз, дейдилар машойихлар.. – жавоб берди Ахий Жаббор баҳодир. – Олдинда киш турибди ахир.

– Яналнинг қунишиб турганини кўрингиз, баҳодир жаноблари. Совукка йўқ-да...

– Вей, Янал ҳеч қачон қунишмайди, жони қаттиқ, билдингму, отангни арвойи! – астойдил жahl чикди йўл азобидан ҳориб-чарчаган Яналтекиннинг.

– Ҳай-ҳай, секин!.. Ҳазиллашдим, ҳазиллашдим, дастингдан кетай... – қутилишга уринди Учқора. – Нима, гапириб ҳам бўлмайдими?.. Ҳеч нарса ёқмайди-я!

– Кераксиз баҳсларни тўхтатингиз! – кесиб қўйди баҳодир.

Ахий Жаббор баҳодир пойтахт Гурганжга кўп бор сафар қилган. Қутлуғ Темур минораси ёнгинасида жойлаш-

ган Қайсария карвонсаройи шаҳарга алоҳида кўрк-у салобат бахш этиб туради. Бу ер билан Султон Такаш макбараси орасида карвонсарой ва бозор жойлашган. Подшо саройига боришда карвонсарой чапда қолади, бозор ўнгда...

Олти йил аввал бозор кичикроқ эди, энди кенгайиб, дарвозаси ҳам ўзгарибди – жез дарвоза ўрнига нақшиннигор гужум дарвоза ўрнатилибди... Зангори кўлга отланишган Хоразм маликаларини “кароқчи” лардан қутқарганлари ҳов анови муюлишдан кейин юз берган эди-да.

Ахий Жаббор баҳодир ўша кунларни эсларкан, мийиғида кулиб қўйди.

Ҳукмдор Юсуф Сўфи Ахий Жаббор баҳодирни келганларининг еттинчи куни – пайшанбада қабул қилди. Одатда, шу куни элчилар қабулга кирар эканлар.

Элчилар кўп эди. Ҳеч ким ҳеч ким билан гаплашмас, барча ҳукмдор жаноби олийлари ҳузурига чорлашларини кутарди. Ахий Жаббор баҳодир бирдан тўртта одам нарида яшрингандай ўзини орқароққа тортиб, ерга қараб ўтирган Тармочукка кўзи тушди-ю анграйиб қолди! У кейинги пайтларда Тармочукнинг Тўхтамишхон қиличини чопиб юрганлигини яхши биларди.

“Бу бетайин кимларнинг қиличини чопмади-я! – ичида ғижинди Ахий Жаббор баҳодир. – Лекин қандай эҳтиёж туғилдики, Амир Темур Кўрагонга тутинган ўғил Тўхтамишхоннинг элчиси Соҳибқирон билан уруш хавосидаги Хоразм волийси Юсуф Сўфи қошига келади?.. Яқингинада Самарқандга борганди. Нимага бу ерда ивирсиб юрибди?..”

Шу палла Тармочукни ичкарига чорладилар. Ахий Жаббор баҳодир, кўринишхонадан чиққач, албатта Тармочукка учрашишни ўйлаб қўйди. Ундан сўрайдиган нарсалари бор.

Амир Темур элчисига бешинчи бўлиб навбат етди. Сарой кўринишхонаси узунлиги ўттиз газ, эни йигирма газ чиқадиған, баланд шифтли деворлари инжа нақшлардан ораста кенг хона эди. Меҳроб олдида заррин тахтда Юсуф Сўфи мағрур ўтирибди. Ўнг томонда уламо-ю фузало, чап

томонда амир ул-умаро, бекларбеги¹ ва нуёнлар саф тортишган.

Ахий Жаббор баҳодир улар орасида бекларбеги Хожа Шайхзода, шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандийларни кўрганига хайрон қолмади. Аммо эски танишларини бу ерда учратаман, деб асло ўйламаганди. Сафда ўзларини Амир Темурдан азият чеккан деб ҳисоблаган, шундан бирикки йилдан бери шу ерлик бўлиб қолган Маҳмудшоҳ Бухорий, Абу Исҳоқ Ясурий, Султон Маҳмуд ибн Кайхусравлар аёён-у акобирлар қаторида қад ростлаб турардилар.

Уни, айникса, бу ерда Султон Маҳмуд ибн Кайхусравни учратгани ажаблантирди. Ажабо, унга нима бор Хоразмда? Баланд бўйли, шокосакўз, шошилиб тупук сочиб гапирадиган, бир гапни икки марта такрорлайдиган бу нокас бешолти йил аввал Алуфа тавочига ҳам ҳамроҳлик қилди. Ўшанда ҳам кимлар биландир учрашиб, пичирлашиб юрди.

Ахий Жаббор баҳодир юкунуб бориб ҳукмдорга таъзим этди ва Соҳибқирон мактубини узатди. Юсуф Сўфи мактубни шу заҳотиёқ ёнидаги мулозимга берди ва “Ўқи!” ишорасини қилди. Юзи япалоқдан келган ҳукмдор сал озганданми ёноқ суяклари бўртиб чиққан, соқолига битта-ярим ок ҳам оралаган...

Амир Темур Кўрагоннинг мактубида даромаддан кейин шундай сўзлар битилганди:

“... Подшоҳлардин раво эрмаским, хабарчи элчини банд қилгайлар. Сабабки, уларда гуноҳ бўлмас, зеро холис кишилардур. Подшоҳлик русумида бундоқ одат йўқдур. Бас, лозимдурки, элчи Давлатшоҳ баҳши уйғурни бизга йиборгайсиз, ортиқ бундай ишларга қўл урмагайсиз, токи пушаймон бўлмагайсиз...”

Кўринишхонадаги жимликни фақат Юсуф Сўфининг тиш ғижирлатишлари бузиб турарди, холос.

Ҳеч ким чурк этмасди.

— Подшоҳлик русумини бизга ўргатибдилар-да... — бироз жимликдан кейин деди нафратини яширмай Юсуф

¹ Бекларбеги — юкори маъмурий унвон ва лавозим; вилоят ва катта шаҳарларнинг ҳокими.

Сўфи. – Элчини юборайликму?.. Бундай ишларга қўл урмай-ликму?.. Пушаймон бўламизму?.. Оксок подшонинг меҳрибончилигини кўрингиз! Хо-хо-хо!.. Бир насиҳат айлай дебдилар-да...

– Насиҳатлари керакмас!

– Меҳрибончиликларини ўзларига раво кўрсунлар!

– Хо-хо-хо!.. Ана, Темир оксокнинг марҳамати!

– Шохимиз насиҳатга муҳтож эмаслар!..

Атрофдан ана шундай сўзлар ёғилар, Ахий Жаббор баҳодир ўзини игна устида ўлтиргандай сезарди. Кўтарилган сурон тинмади, ҳар ким нимадир деб ўз норизолигини, таажжубини ошкор айлади.

Ғазаби қайнаган Юсуф Сўфи уч бор карсак урди. Эшикдан аввал мулозим, кейин икки ясовул кириб келдилар.

– Тездан Тўй Буға ўғрини чорла! Уни тўхтата оладиган куч йўк! Буюрғилки, Бухоро томонларга от солсун! Вилоятни ғорат этсун, турк-у тожикнинг мол-мулк, тева-ларини суриб қайтсун!..

Ахий Жаббор баҳодир котиб қолди! Наҳотки ҳукмдор бундай тутумнинг оқибати ёмонлигини идрок этмаса! Қариндошнинг юзига оёқ қўйиш Оллоҳга ҳам, бандасига ёқмаслигини англамаса! Мадҳиябоз хушомадгўйлар сўзига кулоқ осса!.. Амир Темур элчиси Тўй Буға ўғрини ўтакетган шафқатсиз каллакесар деб эшитганди.

– Мана бу элчини эса... – Ахий Жаббор баҳодирни кўрсатиб деди бирдан Юсуф Сўфи. – Шерикларининг ёнига, зиндоннинг энг чуқур катагига ташла! Каналарга таланиб ётсун! Бундан кейин дағдағали мактублар кўтариб юрмайдурғон бўлади!..

Ахий Жаббор баҳодир Хоразм волийсининг охири ўйланмай қилинган фармонидан ханг-манг эди. У бирон нарса деб ҳам улгурмади. Икки ясовул унинг қўлларини қайириб диканглатиб олиб чиқиб кета бошлади. Ахий Жаббор баҳодирнинг кўзи, иттифоқо, Султон Маҳмуд ибн Кайхусравга тушди: у мийиғида кулиб қараб турарди.

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав ҳукмдорга юзланди:

– Ҳимматларига офарин! Ҳимматларига офарин! Шав-

катли подшоҳнинг тутуми шундоқ бўладир! Кўнглимизда худди шуни тилаган эрдик. Бу бадбахтнинг тўғри жазосини бердингиз!

– Темурланг нимасига чиранадир?.. – гапга пишанг берди бошида битта ҳам сочи йўқ тақирбошга айланган Маҳмудшоҳ Бухорий. – Ўзи яримжон, бир оёғи чўлок, бир қўли ишламайди... Ҳе-хе-хе... Агар жанг қилсам борми, ўзим бир бурчакка тикиб ташлардим. Ваҳмаси зўр, холос. Ундан асло ҳайқмаслигимиз керак, подшо ҳазратлари!

Абу Исҳоқ Ясурий ҳам нимадир деб минғирлади, аммо гапини ҳеч ким тушунмади.

– Нима десам... – сўзга қўшилди барваста келбат бекларбеги Хожа Шайхзода. – Тўхтамишхоннинг элчи юборгани кутлуғ қадамдир. Чунки Амир Темурдай подшо билан ёлғиз савашиш мумкин эмас, бизга шериклар керак. Тўхтамишхоннинг бизни қўллаши, албатта, қўлимизни узун, белимизни бақувват қилгусидур.

Бошқалар гапга кулоқ солиб туришар, аллақандай истиҳолада сўзга қўшилишмасди.

Юсуф Сўфи тишларини бир гижирлатиб қўйди, бу хукмдорнинг сўзга оғиз очишидан далолат эди. Барча унга юз бурди:

– Бир ой аввал Тўхтамишхон жанобларига совға-саломлар билан элчи юборган эрдим қутлаб... – деди Юсуф Сўфи. – Ва унга, таваккал худо, деб ашаддий душманимиз оқсоқ Темурга қарши бирга курашишни таклиф этгандим. Албатта, у тутинган ўғил, лекин ўғиллар... айникса, тутингани отага энг биринчи душмандир. Буни билишимиз керак. Ҳе-хе-хе... Ахир “ота” соҳиби давлат, ўғил эса қарам ҳисобланадур. Шайхулислом жаноблари не дейдилар бунга?

“Офарин!”, “Мантикнинг теранлигини кўрингиз!”, “Ақл-у идрокларига ҳасанот!” сингари мактовлар эшитилди.

– Подшоҳим... – сўзга чоғланди шу пайтгача жим ўтирган корсондай салла ўраган шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий. Унинг енглари хуржундай осилиб турарди.

Шайхулисломнинг аждодлари асли самарқандлик эдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида бешинчи бобоси

шайхулисломлик мартабасини эгаллаганди, падари бузрук-вори такводор Жалолиддин ас-Самарқандий эса буюк сўфий мақомида, Шайх Нажмиддин Кубро зовиясида шайхлик қиларди. Машхур араб сайёҳи Ибн Баттута милодий 1338-йилда Хоразмга келганида айнан шу шайх уйида меҳмон бўлганди.

– Подшоҳим... – Киромиддин ас-Самарқандий бироз сукутга берилди. У “Амир Темурни ота тутиб, унга вафо қилмагон одамга ишониш мумкинмикин?... Ҳар нечук, ҳушёрлик жоиздур...” – демоқчи эди, лекин негадир фикридан қайтди ва кўлини кўксига қўйиб деди: – Биздан кўра ўзлари йирокни авлороқ кўрадурлар, биз ақли қосирлар¹ илғамаган ерларни фаҳм-у идроклари ила осонроқ илғаб оладурлар. Ақл-у идрокинғизга тан бермай илож йўқ, ҳукмдор хазратлари!..

Киромиддин ас-Самарқандий ортиқ бирон сўз демади.

Даврада салтанатнинг бош меъмори қисик кўзли, бургутбурун Уста Матпано ўлтирар, мабодо сўраб қолишса, нима дейиш кераклигини ўйлар, шайланарди. “Илоҳи, ўртада уруш бўлмасун!” – демоқчи эди у. Аммо унга ҳеч ким ҳеч нарсa демади.

– Тўхтамишхон ҳозир Сарой мамлакатига борди, амир Мамоқ элини мусаххар қилди, Жўжи улуси барчаси унга муте... – Ҳукмдорнинг мамнунлиги кўриниб турарди. – У энди Мангкишлоқ ҳоқими Тўйхўжа ўғлон фарзанди эмас, балки бир пайтлар Ўзбекхон тасарруф этган Олтин Ўрда хони! Ўзининг ақл-у идроки, ботирлиги билан Ўрусконни тахтдан ағдарган валлакат! Кейин улуғ Чингизхон авлоди Тўхтамишхон қандайдир даштдан чиққан номсиз амирнинг ўғли мартабасига муҳтож эмас! Олтин Ўрданинг хони бировнинг етовида юрар эмишму?... Ҳеч жаҳонда шундок бўлганму?... Асло! Асло!

Юсуф Сўфининг гаплари мантиқли эди, бу ҳаммани ўйлантириб қўйди.

– Подшоҳим! – Яна мурожаат этди Султон Маҳмуд ибн

¹ **Қосир** (арабча) – чек(чегара)ланувчи; камчиликли, қиска, қалта; қучсиз, ожиз. Бу ерда ожиз маъносида келган.

Кайхусрав таъзим бажо айлаб. — Подшоҳим!.. Узингиз биласиз, падари бузрукворимиз Амир Кайхусрав Хутталоний Кўрагоний худо раҳмати Ҳусайн Сўфи жаноби олийлари билан эскидан садоқатли дўст-у кадрдон эдилар, дўст-у кадрдон эдилар. Улар бизга ибратдир... Тўхтамишхон жаноблари билан “борди-келди” мизни яхшилашимиз даркор! Эҳтимол, доимий бир кўлингиз, кўл эмас, кулингиз унинг ҳузурида юрсун, дердим, ҳузурида юрсун, дердим... Лозим топсангиз, каминани ўша юмушга жўнатингиз, у ерда кўз-кулогингиз бўлайин, ҳамма нарсадан хабарлар етказиб турайин, жон-у имонимни бериб хизматингизга бел боғлайин, бел боғлайин!.. Тўхтамишхонга ахир Туронзаминга от солса ғажарчи ҳам керак. Бунга каминадан зўри йўк. Амир Темур падари бузрукворимиз Амир Кайхусрав Кўрагон Хутталоний хизматидан роса фойдаланиб тахтга минди, фойдаланиб тахтга минди. Кейин уни қатл этдирди, қатл этдирди... Ҳа-а! Ҳаммаси эсимда...

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав жануб ёкдаги деразага тикилганча негадир Юсуф Сўфига ўхшатиб тишларини ғижирлатиб кўйди.

Хоразм волийси “Маъкул!” дегандай билинар-билинемас бош ирғади.

П

Тарих 780-ҳижрий кўй йили¹, шаввол² ойи кун Хут буржига етганда Амир Темур зафарқарин кўшинни бошлаб, кайдасан Хоразм, деб йўлга чиқишга мажбур бўлди.

Хоразм ҳукмдорининг кажбахслиги, сўзида турмаслиги, кераксиз тутумлари, элчиларга ўтказган ўринсиз зуғумлари, Кот, Хива ва Бухоро вилоятларига чопқунлар уюштиргани, мусулмонларнинг молларига тама кўзи-ла қарагани Соҳибқиронни бағоят ғазаблантирди.

— Юмушимиз фақат Хоразм бўлиб қолдим-у энди, жа-

¹ 780-ҳижрий кўй йили — милодий 1379-йил.

² Шаввол (арабча; унча катга, куп бўлмаган) — камария йил ҳисобининг 29 кундан иборат ўнинчи ойи (март-апрел ойларига тўғри келади).

ноблар?.. Яхши гапга бокмаса, ок ниятда боргон элчиларимизни таомилга қарши зиндонга солса... – деди машваратда Амир Темури. – Қандай йўл тутмак керак?..

Ҳамма нима дейишни билмай жим ўтирарди.

– Хоразм хусусинда давлат ишларининг тўққиз улуши ҳам кенгашига берилғонига гувоҳдурбиз... – сўз олди пири муршид Мир Саййид Барака. – Энди фақат бир улуш қолди, холос, қиличга суяниш... Афсус... Кимки оқил сўзингизга қулоқ солмаса, гуноҳи унинг бўйнига тушгай...

Машварат кўпга чўзилмади. Ҳамма нарсаси равшан эди.

– – Чоршанбаи муродбахш қуни йўлга отланилсун! – дея амр этди қатъий Соҳибқирон. – Подшоҳлик бўстонининг гули, жаҳон амирзодаси Умаршайх Мирзо, Амир Жоку барлос, Амир Сайфиддин неқўз ва бошқа номдор амирлар-у баҳодирлардан танлаб жанг ўрамини киритилсун!..

Фармон қазодай кескин жаранглади.

Жавзо охирларида ададсиз қўшин Хоразм қалъасининг баланд дарвозасига етиб келди, атрофдаги йўлларга қоровуллар қўйилди. У ёқдан-бу ёққа гуррас-гуррас юрган лашкар кеча-ю кундуз сурон солар, ваҳима қучаяр, олам зилзилада қолгандай титрарди.

Юсуф Сўфи пойтахт остонасидаги улкан лашкарни қўриб турар, қўшин бутун шаҳарни қўшаб олганидан юрагини тобора қўрқув-ҳарос ҳисси қамрар, умидга жилла бўлсин жой қолдирмасди. У Амир Темури шундоқ қатта қўшин бошлаб келади, деб асло ўйламаганиди.

Баридан ҳам, душманнинг қалъа қаршисида қатта иморат тиклашга киришганлари ошиб тушди. Очиқдан очиқ ҳисор қўришмоқда! Тингчилар, Турон султони бу қасрни ўз хоссаи шарифи учун қўрдира ётганини айтишди. Эшигининг тагида душман қўппа-қўндузи, хотиржам ўзига сарой қўра бошлади!.. Бу билан Амир Темури икки қўёни урмоқчи. Аввало, мен Чигатой улуси ворисимен, бу жойлар меники, хоҳласам уй қўрамен, хоҳламасам йўқ, демоқчи; сониян, Турон султони Хоразм волийси Юсуф Сўфини мутлоқ назарига илманини қўрсатиб қўймоқчи!

Юсуф Сўфини ғазаб исканжага олди. У бетиним тиш-

ларини гижирлатарди.

Шошилинч машварат чакирилди.

– Нима десам... – сўз бошлади бекларбеги Хожа Шайхзода. – Нима дейишга ҳам ҳайронман... Шоҳим! Бир қошиқ конимдан кечсунлар, аммо бу беаёв қўшинга ҳеч нарса бас келолмас-ов... Чора – сулҳ тузмакда, дейишга журъат этаман...

– Жангга! Жангга! Сулҳ тузмаймиз!.. Ўлсак – ўламиз, қолсак – қоламиз! – хезланди ғазабланган Маҳмудшоҳ Бухорий.

Хожа Шайхзодага бу сўзлар ёқинқирамади, аммо унга эътироз билдиришга ботинолмади.

Хаёлларга чўмган Юсуф Сўфи индамасди. Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий гапга аралашди:

– Подшо ҳазратлари! Бу тўфонга рўбарў бўлмакдан худо асрасун! Кўнгилни чўктирмангиз! Қадим паҳлавон подшоҳларнинг ғаройиб тутумлари бор...

Шайхулислом ниманидир демоққа чоғланди-ю негадир ўзини тийди. Шу палла Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав дадил сўз олди:

– Шайхулислом жанобларини тушундим, шоҳим!

Фикримча, рост дедилар! Қадим паҳлавон подшоҳлар тутумини қилайлик! Хоразмнинг паҳлавон подшоҳи эрурсиз ахир. Эски тажрибаларни ҳам унутмаслик керак. Мен сизга айтсам, ҳеч тап тортмай Амир Темурнинг ўзини жангга чакирингиз! Ҳа-ха, ёлғиз ўзини жангга чакирингиз!

Ҳамма ялт этиб ҳукмдорга қаради. Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав бундан руҳланиб кетди:

– Рост! Рост! Уни албатта жангга чакирингиз! Бу мардоналик, жасорат аломати бўлур! У яримжон, бир оёғи чўлок, ногирон, юганда ҳам оқсаб зўрға юради. Ўнг қўли майиб, ишга ярамайди... Яримжон одам-да, яхши биламан! Қандай жангга чиқади?.. Йў-ў-ў-ўк! Чиқолмайди! Ахир қилични ўнг қўлда тутиш боболардан бизга мерос-ку! Аввало, у жуда ориятли одам, шармандалиқдан қўрқади. Борди-ю отилиб чиқса ҳам, сиз ўз шижоатингиз билан бешубҳа уни енгасиз, енгиб чикасиз!.. Янчиб ташлайсиз!

Унинг нима-а-а жони бо-о-ор!..

Таклиф оҳанрабодай барчанинг диққатини ўзига тортди. Маҳмудшоҳ Бухорий ичида: “Лекин Амир Темур икки қўлда ҳам барабар қиличбозлик қила оладиган паҳлавон-ку!.. Тенг келармикин? Султон Маҳмуд нима қилмоқда ўзи?..” – деб қўйди. Айтиб юбормоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ ўзини тийиб қолди. Ҳаммага қарши бормоқ ғирт аҳмоқликнинг ўзи эканини у биларди.

Шайхулисломнинг кўнглидан: “Балки адолатли йўл шулдур... Икки ҳукмдордан бешак-шубҳа, биттаси ғолиб чиқади. Юрт, элу халқ омон қолади-ку!.. “- кабилида сўзлар кечди.

– Камина ҳам сулҳ тарафдоридурман! – бирдан ўз фикрини ўзгартириб деди шайхулислом бекларбегини қўллаб-қувватлаб. – Олампаноҳнинг ҳимматларини кўрсатадур бу!

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав сўзламоқчи эди, оғзини очганча қолди, улгурмади:

– Подшойи олам! – сўзга аралашди бош меъмор Уста Матпано. – Шайхулислом жаноблари сўзлари бағоят ўринлидур... Сулҳ тузилса, энг одил қадам қўйилғон бўлур!

Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав сабрсизларча қичқирди:

– Йўк, йўк! Сулҳ ҳақида сўз очилмасун!!! Сира очилмасун! Ожизлик аломатидир бу! Шаҳаншоҳимизни чўчи эди, демокчимисизлар? А-а? ..

– Подшойим ҳеч кимдан қўрқмайдилар! – ёнаётган ўтга ёғ қуйиб деди Маҳмудшоҳ Бухорий. – Тўғри айтдилар! Шунгайм ўйланиб ўтирасизму, подшоҳим! Бир шармандаси чиқсун ҳамманинг олдида! Оҳ, сиздан товукдай писиб кочганини, ялиниб-ёлворганини бир кўрсам эди, армоним қолмасди! Кўрсам эди!.. Аммо унинг юраги бетламайди, чиқмайди! Чикиш учун юрак керак! Эҳ-ҳе!..

Маҳмудшоҳ Бухорий бўркини олиб, терлаган тепакал бошини ҳузур қилиб артди.

– Агар олампаноҳ маъқул топсалар, ўзим бораман ўша оқсоқ билан савашга! Ўзим осонгина уни гумдон қиламан, гумдон қиламан! – гердайганча мақтанди Султон Маҳмуд

ибн Кайхусрав, қарсак чалгандай, мамнун кафтларини бирига уриб. – Ким бўпти у? Мучали сичкон-ку!.. Сичкондай қочиранман, чийиллатиб!.. Чий-чий қилиб қочарди-да ўзиям, қочса! Хе-хе-хе!

– Уники сичкон бўлса, сизники йўлбарс, подшойим! – орага гап қистирди Маҳмудшоҳ Бухорий.

Бошқалар ҳам кўпдан қўл етмас нарсасига энди эришган одамдай мамнун Хоразм волийсига тикилдилар. Ҳамма бу таклифга ҳазрати олийлари қандай қарар эканлар, деб жонхалак эди.

Чошгоҳга бормай Амир Темурга Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфининг қисқа мактубини тутқаздилар:

“... Биз икки кишини деб, қачонгача мусулмонлар азоб чекадурлар, икки одам деб бир жаҳон хароб бўладур? Бас, Ҳаққа таваккал қилиб, эл олдидида ялғуз иккимиз майдонга тушиб урушқайбиз!.. Кўрайлик-чи, тақдир кимга жабр-у кимга меҳр инъом айлагай, кимни сарбаланд-у, кимни хор этгай...”

Амир Темур мактубни ўқиб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Бу кулгуга аччиқ заҳархандали оҳанг қоришиб кетганини ҳамма сизди. Амир Жоку барлос ичида: “Аттанг!..” деб қўйди. Амир Сайфиддин некўз кўп кузатган, бундай ҳол Соҳибкиронда камдан кам юз берарди. Атрофдаги бекларнинг барчаси Соҳибкиронга таажжубда қарадилар.

– Тангридан ушбун тилар эрдим, жаноблар!

Халлоқи безаволга салламноки, тилагимга еткурди! Жангларга кирмағонимга хийла вақт кечди. Соғиниб қолдим. Қудамиз бизнинг ташвишимизни чекиб, жанглар русумини унутмаслигимизни истаб, ҳиммат кўргизиб, майдонга чорлабдур... Бағоят мамнунмен! – Амир Темурнинг катта-катта кўзлари чарақлаб ёнарди. – Хоразм ҳукмдори Турон султонини ёлғиз жангга чорламакчи эканлар! Ўзим ҳам шундай орзуда эрдим, бироқ қариндошлик эҳтироми юзасидин андишага борур эрдим, холос. Тездан уруш анжомимни еткурингиз!..

Соҳибқирон шиддат билан отга минди ва ҳисор томон юра бошлади. Ҳанг-манг бўлган беклар йўлни тўсишга уриниб: “Амир Соҳибқирон! Бу феълингиздан қайтингиз!”, “Тўхтангиз!..” “Маслаҳат бермасбиз!..” қабилада ёлвордилар, аммо улуг амир ҳеч бирига кулоқ солмасди.

Умаршайх Мирзо илтижоли кўзларини Амир Жоку барлосга тикди, у эса ўз навбатида Амир Сайфиддин некўзга каради, хушёр Амир Сулаймоншоҳ ҳаммасини кузатиб турарди. Амир Жоку барлос жойидан жилмади, чунки бундай ҳолларда Соҳибқиронни йўлдан қайтаришга уриниш бефойдалигини яхши биларди. Амирзода билан икки амир беихтиёр Соҳибқирон отининг жиловидан тутишиб, йўлга туриб олдилар.

– Ҳазрат Соҳибқирон! Шафкат айласунлар! – зори тавалло қилди Амир Сайфиддин некўз... – Бу қандай гап ахир? Фалокат оёқ остида, дейдилар. Бизни гуноҳларга ботирмасунлар! Катта гуноҳнинг тагида қолғоймиз! У дунёю бу дунёмиз куйиб кетади-ку ахир! Оллоҳга шукр, ҳали ўлғонимиз йўқ! Ёнингиздамиз. Қуллари тирик туриб, ҳазратнинг урушмоклари раво эрмасдур!.. Келсун, ким бўлса, савашга тайёрдурмуз!

Амир Сайфиддин некўз Амир Темурнинг чап қўли билан ҳам бемалол қиличбозлик қила олишини билар, бироқ барибир ўнг қўли ногиронлигидан ташвишланарди.

– Бизларни хижолатдан қаро ерга киритмасунлар эй валинеъмат Соҳибқирон! – ялинди Умаршайх Мирзо... – Ёлборамен! Мени жўнатсунлар! Ахир мен бормен-ку! Мен!..

Амир Сулаймоншоҳ ҳам узангига қаттиқ ёпишди:

– Мен чиқаман, Амир Соҳибқирон! Мен! Нега қараб турар эканман!..

Атрофдан: “Биз бормиз!”, “Биз бормиз!..” “Савашамиз!”, “Тайёрдурмиз!”, “Мен чиқаман!” – дейишарди бошқа амирлар ҳам илтижолар ила Соҳибқирон отини ўраб олишаркан.

Амир Темурнинг кўзларида фавкулодда қаҳр-у ғазаб учқунлари чакнади. Унинг чехрасида ҳалиги мамнунликдан асар ҳам кўринмасди.

– Четланингиз!!! Турон султони Амир Темур Кўрагон-ни шарманда-ю шармисор килмакчимусенлар?!.. Майдонга тушмакка журъат этмади, жангдан қочди, кўрқди, писди, деган тавқи ланъатни унинг бўйнига илмакчимусенлар?!.. Бундоқ бўлгандан кўра майдонда мардона ўлмак афзалдур! Бас! Қочингиз йўлдан!.. Четланингиз!.. Четланингиз, деяпмен!!!

Амир Темур отига қаттиқ қамчи урди! Қанча қаттиқ тутмасин, отнинг жилови Амир Сайфиддин некузнинг кўлидан силтаниб чиқиб кетди! Атрофни қамраган Турон кўшини, амирлар-у баҳодирлар, навкарлар барча юракни ҳовучлаб Соҳибкиронни кузатиб туришарди. Чунки кўзи пишган, жанглар ҳадисини олган саркардалар ҳам шундоқ – худди эртақлардагидай икки подшоҳнинг куппа-кундузи лашкарлар кўз ўнгида саваш қурганларини кўрмаган эдилар.

Бир зумда хандакқа етган Амир Темур ҳисор томонга қараб қичқирди. Унинг ўқтам овози борликни жаранглатиб юборгандай бўлди:

– Юсуф Сўфига айтингиз: биз унинг сўзини ерда қолдирмай маъракаи майдонга чикдук! Унинг шавкат соҳиб-би эканини билурбиз! Бас! Ваъдага вафо, деган гап бор, қалъадан чиқиб маъракаи майдонга тушсун! Кўрайлик, толе кимнинг манглайини силар экан!

Атрофга сукунат чўқди. Саф тортган Хоразм ва Турон аскарлари нафас ҳам олмай вазиятнинг қандай тугашини кутардилар. Осмон тип-тиниқ, вақт чошгоҳдан ўтган...

Аммо ҳисордан ҳеч ким чиқмади. Соҳибкирон, оти бир жойда тўхтамасдан бесабр ер тепиниб у ёқдан-бу ёққа юрганидан, дам-бадам жиловни тортиб-тортиб кўярди. Атрофдан ҳеч қандай сас эшитилмас, хандақ ёнлари, теварак майдон сув сепилгандай жимжит эди.

Хануз Юсуф Сўфидан жавоб келмасди. Бироз фурсат кечди.

Амир Темур юқоридаги даъватини яна такрорлади. Бу сафар унинг овози негадир салобатлироқ жаранг берди.

Хоразм волийси барини ҳисордан кўриб турарди. У таваккалчиликка бориб, Амир Темур зинҳор майдонга

чикмайди, деган ўйда ўзининг ноўрин гурурга берилиб, эҳтиётсизликка йўл қўйганини фаҳмлади. Баҳодирона кулланган Соҳибқироннинг майдонга дадил кириб келиши, ҳайбати ҳукмдорнинг кўнглига каттик кўрқув солди, ичида ўз тутумидан пушаймон еди. Аммо энди кеч эди. Уни бу жангга гиж-гижлаганлар эса лом-мим дея олмасдилар.

Амир Темурнинг:

– Ҳар кимки сўзига вафо қилмас, тирик юргондан кўра ўлғони яхшироқдур! – деган сўзлари Юсуф Сўфи қулоғига етди шу палла...

Соҳибқирон, курашга тушиб талабгор чиқмаган полвондай мағрур майдонни яна бир неча бор айланди, сўнг кийкириқлар остида ғолибона қўшин ёнига қайтди. Барча амирлардан тортиб навкарларгача Соҳибқироннинг журъату жасоратидан ҳайратда қолдилар. Фавқулодда ғурур уларнинг юракларини тўлиқтириб юборди. Сурон қўпди:

– Соҳибқиронимиз омон бўлсунлар!

– Баҳодирликларига офарин!

– Офарин! Ур-ҳо-о!..

– Аҳсанта¹! Аҳсанта!..

– Дунё тургунча турсунлар! Ур-ҳо-о-о!..

Кўнгиллари яшнаган беклар ҳайратда, кўрқмай майдонга чиққан Амир Темур узангисига лаб қўйишар, доводий совут пешини тавоф айлаб ўпишар, фахр-у ифтихор туйғуларини аён этишарди.

Атрофдан ёғилаётган, кулокларни тешгудай олқиш садолари ҳисор девори оша Юсуф Сўфига ҳам баралла эшитиларди.

Шу пайт мамлакатнинг жанубидан – Термиздан “омонлик-сомонлик” қа эрта пишган илк қовундан юборганларини маълум қилдилар. Юртда йилнинг энг биринчи пишган мевасини Турон султони Амир Темур Кўрагонга илиниш одат тусига кирганди, подшо қаерда бўлса шу ерга элтишар, энг аввал Соҳибқирон татиб кўрарди. Хоразмда ҳали қовун пишмаганди. Амир Темур қувониб кетди:

– Бу яхшиликкадур. Юсуф Сўфи бизга ўтру ўлтирибдур.

¹ Аҳсанта (арабча) – таҳсин, офарин (муалл.).

Уринсиз муҳолифатни қўяйлик, қариндош эканлигимизни унутмайлик. Биринчи қовунни қудамиз бирлан тано-вул айлайлик... – деди. – Қовунни олтун табаққа солиб қудамизга юборилсун!

Хоразм волийси тутумидан қўнгли зада Амир Сайфиддин некўз эътироз билдиришга журъат этди:

– Бир қошиқ қонимдан кечгайлар, Амир Соҳибқирон. Олтун табақ ҳожат эрмас, шекилли. Хў-ў-ўш... Ёғоч табақда берсак кифоядур, балки...

Соҳибқирон қовоқларини уйди:

– Йўк... У ҳолда ҳимматимиз қусурли бўлиб қоладур. Юсуф Сўфи ҳукмдор эмас, энг аввало, худо берғон қудамиздур, некўз жаноблари! Буни унутмасунлар!

– Узр сўрайман, Амир Соҳибқирон! – бош эгди Амир Сайфиддин некўз.

“Юсуф Сўфи бундан кейин бизга дўстдай қарамоғи аниқдур! Худо инсофидан айирмасун... – ҳаёлидан кечирди Амир Темур. – Ёғийлиг-у адоват унс-у улфатга¹ айлансун, орага ширинлик кирсун, деб қовун йўлладим... Дарҳол таъзим-у ҳурмат мақомида узр сўрайдур ва қариндошларча кучоқ очиб келадур!”

Амир Сулаймоншоҳ қовунни Соҳибқирон айтгандай хандақ бошига элтиб қўйди-да, ҳисор томонга қараб қичқирди. Унинг бўйдоқларникидек дўриллоқ овози хийла салобатли эшитилди:

– Амир Соҳибқирон ҳазратлари биринчи қовунни илиниб қудаларига юбордила-а-а-ар!.. Юсуф Сўфи жаноби олийлари насибаларини олсунла-а-ар!

Узилган ипни улаш, қариндошчиликни тиклашнинг яхши имкони туғилганидан барча мамнун эди.

Хоразм ҳукмдори бу пайт алам ичида қоврилиб ётар, боши қотган, жангга қўрқиб чиқмай шарманда бўлганидан, душмани шуҳратига шуҳрат қўшганидан ўзидан ўзи қаттиқ ғазабда эди. Шундай ҳолатда шайтон киши ҳушини ўғирлаб, ақлини терс ишлатиб қўяди.

¹ Унс-у улфат – яқинлик, чин дўстлик маъносига ибора (муалл).

Ажабо, асалдай ширин қовун худди заҳарлангандай ҳукмдор қаҳрини бадтар аланга олдирди. Назарида, Амир Темур унинг устидан кулаётганга ўхшаб кетди. Кулганда ҳам, роса масҳара-ю мазах қилиб кулмоқда! Қовун эмас, гўё ит олдига сўнғак ташлагандай туюлди Юсуф Сўфига... Гўё, мана бу қовунни егин-у, сасингни чиқарма, дарров бўйин эгиб қалъангдан чик, дейилаётгандай эди.

Юсуф Сўфининг сабр косаси тўлди: тоқай у, Хоразм эли оқсоқ Темурдан азоб чекадур, ҳарос-у кўркувда титраб қандайдур? Хавф-у ҳадикда кун кечирадур?..

– Биз оқсоқ Темурнинг илтифотига муҳтож эмасмиз! – деб юборди бирдан Юсуф Сўфи ғазаб билан тишларини ғижирлатиб. – Қовунни хандаққа отингиз! Олтун табакни дарвозабонларга ташлангиз!.. Муҳтожлигимиз йўқ!.. Билмаганлар билиб қўйсун: мени Хоразм волийси дейдилар, улуг подшолар авлодидурман! Бекларбеги Хожа Шайхзода жаноблари! Дарвоза очилсун! Номдор мардлардан иборат Хоразм лашкарини жангга бошлангиз! Ёғийга омон йўқ!.. Омин, Оллоҳу акбар!..

Шайхулислом Киромиддин ас-Самарқандий: “Ҳай! Ҳай!..” – деганча сўзи оғзида қолди.

“Сулҳдан яхши йўл йўқ-ку...” – дея пичирлади ўзига ўзи Уста Матпано.

“Аттанг... Ярашмоқлик фурсати қўлдан кетди, яхши фурсат эди-я!..” – афсусланди Хожа Шайхзода ичида. У аламдан бирон нарса деб юбормаслик учун тишини тишига қаттиқ босди, орага кириб қолган қалин лаблари қонаб кетди.

Ҳар томонда: “Ёғийга омон йўқ!”, “Ур-ҳо! Ур-ҳо!..”, “Омин, Оллоҳу акбар!..” сингари хитоблар янгради.

...Амирзода Умаршайх қўшини Хожа Шайхзода лашкарига рўбарў чиқди. Қирғин-у қатли ордан олам қоронғи бўлди.

Шаҳар қамали уч ярим ой давом этди. Хоразм қўшини матонат кўрсатиб жанг қилди, уч ой давомида душманни сира қалъага яқинлаштирмади. Юсуф Сўфи мамнун эди.

Бироқ тўртинчи ойга ўтганда қўшиннинг шиддатлари

сусаяётгани сезила бошлади. Егулик-озикнинг чўғи камайди, сув танқислиги пайдо бўлди, ташналик эса ғанимдан ҳам бадтар, тилсиз ёв эди...

Катта манжаникдан отилган тошлар салтанатнинг кўрғон буржида жойлашган қасрини кўпоришга турди. Чанг-тўзон ичида нақшиннигор дарвоза кулагандан кейин, барча Амир Темур кўшинининг козонажак зафарига имон келтирди.

Юсуф Сўфи аҳволни кўриб, рухан эзиларди. Оқибатда бедаво дард унинг ёқасидан тутди, ададсиз ғаму андуҳда жон омонатини ўз эгасига топширди.

Соҳибкирон бу хабарни эшитиб изтиробда қолди. Ҳар нечук, куда-қариндош эдилар... Инсон қисмати ҳақида ўйлар экан, ҳаёлидан шундай ўйлар кечди:

“Эй инсон, худонинг бечора бандаси! Сен ўзингни биласенму? Сен вужуд қафасида бир сониялик нафасдурсен. Умринг чоҳи адам сари бир қадам, холос. Кечадан кундузга, кундуздан кечага ета олишингга асло ишонч йўқ бўлган ҳолда, нечун ўз вужудингни хирс-у ҳузурларга чирмайсен, қалбинг тубини гардуннинг турфа ҳой-у ҳаваслари ила тўлдирасен?.. Нечун юрагингда қувонч ила меҳрга жой оз?..”

Бу гаплар, барчага, жумладан Юсуф Сўфига ҳам, ўзига ҳам, башариятга ҳам тегишли эканини Соҳибкирон юракдан ҳис қилди.

Зафарқарин кўшин шаҳарга ёприлиб кирди. Ҳисор деворининг кўп жойларидан раҳналар очилди. Гуруллаб яшнаган Гурганж харобага айланди, кўп одамлар нобуд бўлди, асир олинди, талон-торожда ҳадсиз мол-у манол ғолиблар қўлига тушди.

Хумоюн ўрдудан олинган дастлабки фармонга кўра, бир неча ойдан бери Хоразм зиндонида ётган Давлатшоҳ бахши уйғур, Ахий Жаббор баҳодирлар ва уларнинг шериклари ҳибсдан озод этилдилар.

– Амир Сайфиддин некўз билан Умаршайх Мирзоларга шаҳар донишмандлари, меъморлари, ҳунарманд ва касб-кор усталарини биронтасининг ҳам бурнини қонатмай Самарқанд-у Шаҳрисабзга кўчириш вазифаси тобшурулсун! –

буюрди Амир Темур. – Шахрисабзда мустаҳкам калъа солинғай ва дунёда ягона ҳашаматли Оксарой иморати бунёд этилғай!..

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

I

Ушбу воқеалардан йигирма уч йил муқаддам Амир Темур Шахрисабзда Бобо Али Шоҳ деган авлиё зиёратига борганда, авлиё унга: “Тангри таоло буюрганки, агар кўкда икки худо бўлса жаҳоннинг иши бузилур! “– деганди. Кейин Қуръони каримдан фол очганда, “Инна жаалнока халифатан фил арз!”, яъни: “Сизларни Ер юзида халифа қилдук” оят чикди. Йигирма тўққиз ёшли амирлашкар ўшанда ҳайратидан ёқа ушлаган, шижоати ортиб, кўнглидаги мақсадлар йўлида интилишлари қатъийлашган эди.

Соҳибқироннинг фикрича, дунё учун бир подшо кифоядур, шунда эл, улус, раоё ва бароё хотиржам яшайди, чунки бир-бирига дахл этгувчи подшолар йўқ, турфа иддаолар йўллари берк, урушнинг дасти қирқилади, қон тўкилмайди, олам бузилмайди, адолат устунлари устувор қолади.

– Хуросон, Эрон, Мозандарон ва бошқа мамлакатларда ҳар музофотда бир кас бош кўтариб подшоҳлик мақомини олган экан... – деди Амир Сайфиддин некўз ҳаж сафаридан қайтганда. – Ҳар бир кент-у шаҳар фитналар уясига айланган, юртлар бесаранжомлик ва жанжаллар тўрига чулганган. Айни пайтда Эрон-у Хуросон тарафлардан юртимизга таҳдидлар хавфи ҳам бордур. Бунинг, албатта, олдини олиш лозим...

Дўстининг сўзлари Амир Темурнинг ёдида эди. Унинг устига, Соҳибқирон ҳали Самарқандда турганида Ҳирот малиги қароқчилар уясига айланган итоатсиз Фўшанж қалъасини тинчитишни сўраб, чопар юборганди. Дарҳол Хуросон томонларга отланиш керак, деб ўйлади у, бироқ шу ондаёқ Турон мамлакати тўла мусаххар бўлмаганлиги сабаб-

ли ҳали бунинг фурсати етмаганини идрок этди. Бас, жаҳон-гирлик орзуси энди уни дадил қадам ташлашга ундамоқда...

Хуросон тарафларга от суришдан аввал, Соҳибқирон ўн тўрт ёшли амирзода Мироншоҳ Мирзони Хуросонга жўнатишни мақбул топди.

– Музофотда амирзодани ноибликка номзод қилдук. – амр этди Соҳибқирон Кўксаройдаги машваратда. – Амир Сайфиддин некўз, Амир Шоҳмалик, Амир Оқ Буға найман, Мубашшир баҳодир ва бошқа кўп номдор амирлар-у баҳодирлар амирзода мулозаматига бел боғласунлар. То бизнинг кадамимиз етгунча, вазиятни теран билсунлар!

– Фармонингиз бош устига! Бағоят мақбул қарордир! – маъқуллади Амир Сайфиддин некўз.

Амирзода Мироншоҳ Мирзо кишни Балхда ўтказди.

Тарих милодий 1381-йил баҳорида, табиат ям-яшил либосга ўранган, анвойи гуллар очилган бир фаслда Соҳибқирон Хуросон томонга йўлга чикди. Товук йили эди, бу лашкар орасида бироз мутойибага йўл очди:

“Ҳазрат Соҳибқирон шердай душманларини кувишга борадилар!...”

“Шердай босиб борадилар, улар товукдай писиб кочиб қоладилар!...”

“Бу йил – душманларга қочадиган йил!...”

Бундай сўзлар фақат навкарларга эмас, лашкар-бошиларга ҳам хуш ёкарди.

Лашкаргоҳга айланган Қарши чўли чодир-у байроқлар, оқ уйлар-у боргоҳлар, олачук-у¹ шомиеналардан² обод бўлиб кетди. Ҳар ёнда лашкар-у сипоҳ гуррас-гуррас кезиб юрар, йўлга чиқиш ҳақидаги олий фармонни интиқлик билан кутарди.

Ниҳоят чўл осмонида бурғулар³ овози янгради ва беҳисоб кўшин йўлга чикди. Омуя⁴ сувиға етганда кечувдан олдин кўшин озгина нафас ростлашга тўхтади.

Кун исиб кетди.

¹ Олачук – харбий палатка, чодир.

² Шомиена – харбий чодир.

³ Бурғу – қарнай ёки сурнай шаклидаги қадимий қолғу асбоби (муалл).

⁴ Омуя – Амударёни ўрта асрларда шундай деб ҳам атадилар (муалл).

Дарё бўйлаб гўзал манзара кўзга ташланарди. Томоқлари ташналикдан какраган ададсиз навкарлар дарёдан калконларда сув олиб ичардилар. Сон-саноксиз отлар худди онасининг елинини туртиб-туртиб эмган кулундай, она дарёга тумшуқларини ботириб чанковини кондиришарди.

Кўшин уч кундан кейин Андхойга етиб келди. Андхой пири муршид Мир Саййид Баракага Хумоюн ўрдудан суюрғол қилиб берилганди. Қайси юртга борса, энг аввал азиз-авлиёлар зиёратига киришадиган Соҳибқирон, пири муршиднинг кенгашини эсда тутиб, Андхойда номи чикқан Бобо Сангув деган авлиё ҳузурига йўналди.

Замона авлиёларидан саналган, дунёдан Холики аъзам-га муҳаббатдан ўзга илинжи йўқ Бобо Сангув етмишларни қоралаган нуроний бир мўйсафид эди.

У шаҳар четида, ташландиқ боғ этагидаги вайрона янглиғ кулбада гўшанишинликда ҳаёт кечирарди. Парвардигорнинг ўзига така қилган авлиё азбаройи ишқининг оташноқлигидан тез-тез жазава ҳолатига тушар, шавқ ила айтилаётган такбирлар садоси гоҳ-гоҳда кўчага ҳам эшитилиб турарди. Соҳибқирон оҳиста кулбага яқинлашар экан, шундай сўзлар қулоғига чалинди:

– Ёлғиз ўзинггагина сиғинурман, ҳеч нарсани шерик тутмасман!..

Бобо Сангув соч-соқоллари ўсган ўртача жуссали одам бўлиб, унинг бутун шижоати ёшига номуносиб чарақлаган катта-катта кўзларида мужассам эди. У Соҳибқиронга бамисли вужудини тешиб юборадиган алпозда кўзларини қадади:

– Баракалло!.. Сидқ-у ихлослари пок қалбларида мужас-самдур! Аён! Аён... Ота-онам сизга фидо бўлсун! Бир қатим зиёрат этгонларига қуллуқ!..

Амир Темур бу сўзлардан қалбида меҳр туйди. У авлиёнинг қўлини ўпди, этақларини кўзларига суртди.

Шу палла кутилмаган воқеа юз берди. Бобо Сангув кулбага кирди-да, янги сўйилган қўй тушини олиб чиқиб, Соҳибқиронга узатди. Бу гўшт қайдан келди, ким сўйди,

каби иштибохлардан¹ таажжубга тушган Амир Темур бе-
ихтиёр тушга кўл чўзди ва буни яхшилик аломати деб билди.
Авлиёнинг тутуми қандайдир сирли эди.

– Хуросонким, ер юзининг тўши эрур, тангри сизга
инъом этгувсидур!.. Иншооллох, Хуросон қўлингиздадур! –
каромат қилди авлиё.

Бобо Сангув Соҳибқиронни кўпдан кўп дуолар билан
сийлади.

Амир Темур кўчага чиққанда авлиёнинг таважжух ила:
“Ёлғиз ўзинггагина сиғинурман, ҳеч нарсани шерик тутмас-
ман!..” – деган сўзларини эшитди.

Амир Темурнинг ҳукмдор сифатида Хуросон томон-
ларга илк марта чиқиши эди, илк қадамнинг бундай қутлуғ
келиши уни бағоят руҳлантириб юборди.

Ногаҳонда Ҳирот яқинидаги йўлтўсарлар ва қароқчилар
маконига айланган Фўшанж қалъасида ўзбошимча бир
жамоанинг муҳолифат кўргизиб хуруж қилгани, оқибатини
ўйламай қадам босгани, қилични қинидан чиқаргани ҳақида
хабар етди. Ҳирот малигининг бу ҳақдаги илтимоси Соҳиб-
қироннинг ёдида турарди. Ҳатто Амир Сайфиддин некўз
ҳам Хуросондан ёзган мактубида шу қалъадан сўз очганди.

Зафарқарин кўшинга Ҳирот сари юришга фармон бе-
рилди. Ҳамма, Фўшанж қалъасига ҳужум бўлади, деб
турганда, кўшин Ҳиротни шимол ёқдан четлаб ўтиб, Амир
Темурнинг пири Зайниддин Абу Бакр Тайободий қишлоғи
томон бурилди.

Хуросоннинг саромади замона шайхларидан, пок
этиқодли мавлоно, улуғ шайхулислом Зайниддин Абу Бакр
Тайободий умр бўйи Ҳерируд водийсидаги Тайобод қишло-
ғида муқим яшаётган зоти бобаракот эди. Номи Эрон-у
Туронда маълум-у машҳур шайх манглайини танғиб, эрта-ю
кеч ўзининг боғидан чиқмай меҳнат қилар, узоқ-яқиндан
ташриф буюрадиган меҳмонларнинг оёғи узилмасди.

Темурбекнинг азалдан азиз-авлиёларга ихлоси баланд
эди, қаерга борса қадамжоларга иззат-у икром кўрсатиб
зиёрат қилар, тавоф этарди. Йигирма уч ёшдалигида

¹ Иштибох (арабча) – шубҳа, гумон, шак.

Тайободлик донгдор шайхнинг ҳам этагини тутиб, муридлик хирқасини эгнига илди.

Ўшандан бери пир ва мурид ўртасида мактублар қатнови тингани йўқ. Закий қалбли шайх Зайниддин кешлик Темурбекни илк кўргандаёқ, фавкулудда шуур билан унинг манглайи порлоқ эканлигини англади... Қўлини Темурбекнинг кенг пешонасига қўйиб, узок хаёлга чўмди. Манглайига нималар ёзилганлигини пайпаслаб билиб олмоқчи эдими...

Темурбекнинг яхши эсида, ўшанда бошини пирнинг қўли эмас, балки бағоят маҳобатли оғир бир юк босгандай туюлди...

“Ҳа, фурсат келиб, ҳимматли бу ёш амирзода, – деб ўйлади шайх Темурбекнинг манглайидан қўлини олмай, унинг одоби-ю тутумини, босиқ феълли эканини мамнун кузатар экан, – иншооллоҳ, худонинг ердаги сояси бўлгай, салтанат соҳиби, дин-у дунё кутбига айлангай, ҳамиша расулуллоҳ амалларини адо айлагай, расулуллоҳ фарзандлари Биби Фотиманинг авлодлари – саййидларга юксак иззат-икром кўргизгай, ҳамма жойда адолат русумини устувор этгай...”

Шайх қўлини Амир Темур манглайидан олмас, унинг ботиний кудратини, ниятларининг покизалигини, юрагининг сезгирлигини қалбан ҳис қилар эди.

Машхури офок шайх муридига ёзган мактубларида, нафи тегиб колар деб, давлатни бошқариш хусусида бебаҳо кенгашлар берарди.

“Абулмансур Темурбек, салтанат ишларида тўрт нарасага риоя қилсунлар, – деб ёзганди пири комил ўз мактубларидан бирида. – Биринчиси – ўзлари бирлан кенгашсунлар; иккинчиси – ўзгалар бирлан машварату маслаҳат айласунлар; учинчиси – ҳушёрлиг-у мулоҳазакорлик, тадбиркорлик бирлан қатъий қарорга келсунлар; ва ниҳоят, тўртинчиси – ҳамиша эҳтиёткор бўлсунлар. Мазкур важҳдин, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорликни икки ёнларидаги икки устун деб билсунлар, токи оқибатда

пушаймонга юз бурмагайлар... Тагин дилга тугиб қўйсунларки, салтанат ишларининг бир улуши сабр-у тоқат, яна бир улуши эса ўзни билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солмак ила адо этилур... Вассалом!..”

Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий айтган пурмаъно сўзларнинг салтанат ишларида катта нафи тегди. Соҳибкирон давлат ишларининг бир эмас, икки эмас, тўққиз улушини кенгашга, фақат бир улушинигина қиличга қолдирди. Ҳар қандай душманга юзлашганда ҳам ишни кенгашдан, кечиришдан, олийҳимматлиликдан, уни дўстга айлантиришдан, куда-кудағай, дўст-қариндошликдан бошлайди. Чораси топилмаган ҳолдагина қиличга суянади, холос...

Агар Соҳибкирон бир киши бўлиб, минг кишига, балки туманга иш буюрар экан, бу ўша оқил кенгашлар ҳосиласидир. Амир Темур фикрича, соҳиби шижоат, азми қатъий, тадбиркор, мард, уддабурон ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кимсалардан аълороқдир.

Соҳибкирон ҳар қадамда пири комилнинг тажрибалар қаймоғига айланган кенгашлари ниҳоятда тўғри ва адолатли эканлигига имон келтирарди. Тарих милодий 1361-йилда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрга бостириб кирганида, Хўжанд сарҳадидан мамлакатнинг номдор амирларига ёрликлар жўнатиб, шитоб ҳузурига етиб келишларини талаб қилди.

Амирлар шошиб қолдилар. Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир билан Кеш ҳокими Ҳожи Барлослар душманга юзма-юз келишдан кўркиб Хуросон томонга қочдилар. Темурбек ҳам иккилана бошлади ва маслаҳат сўраб пири комилга мактуб йўллади. Шайх ўз жавоб мактубида бундай ёзибдилар: “... Ҳазрат Алидан сўрабдурлар: “Агар осмон – камон, ер – камон ипи, бало-казолар – ўқ, инсонлар ул ўқ-ёйларга нишон бўлса, отгувчи – Оллоҳ эса бандаси қаерга қочмоғи керак?..” деб. Тангрининг қошига қочсунлар, деб жавоб берибдур халифа жаноблари. Бас, ўзлари ҳам Туғлуқ Темурхон ҳузурига қочсунлар! Ва қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олсунлар!”

Шундан кейин Соҳибкирон юраги қувватланиб, дадил Мўғулистон хони ҳузурига боришга ўзида шижоат сизди ва адашмади...

Турон қўшини Ҳерируд водийсини манзил қилди.

Шайх Тайободий етмиш бешлардан ошган ўрта бўйли қалладор одам эди, калин оппоқ соқоли селкиллаб кўкрагига тушиб турарди. Бошидаги кичкина кўк салла, эгнидаги ок ридо ўзига жуда ҳам ярашганди. Ғайратли шайхнинг нуроний чехрасига боққан кишининг кўнгли ёришарди.

Шайх Тайободий Амир Темурни бағрига босар экан, узок қўйиб юбормади, катта-катта кўзларига лим-лим тўлган севинч ёшлари эрталабки офтобда ялтирарди.

— ... Алқисса. Оллоҳга шукрки, ўзи етказди, дийдорлашиб турибдурбиз, Амир Соҳибкирон! — ишқом тагидаги чорпояга бошларкан, деди мамнун пири комил. — Ахир амирларнинг олийжаноби фақирнинг оstonасида, фақирнинг ёмони амирнинг оstonасида турар эмиш... Олийжаноб ким-у, ёмон ким?..

— Мулозаматлари учун қуллук, пирим!

Фотиҳага қўл очдилар.

Соҳибкирон Турон мамлакати мусаххар этилганлиги ҳақида сўзлади, Хуросон музофотларига отланганини айтиб, пири комилдан фатво тилади.

— Ҳа... Ҳа... Турон-у Эрон ҳали ҳеч кимнинг ақду никоҳига кирмаган икки бўй етган санамдек гўзалдур... — қулимсиради шайх. — Уларни мусаххар айламак учун адолатли сиёсат лозимдур. Алқисса... бу бешак-шубҳа, жаҳонгирлик ибтидоси бўлур!..

Шайх аллақандай таважжухда қўйнига қўл солиб ридонинг ички чўнтагидан нимадир олди. Бу катта қизил ёкут кўзли чиройли олтин узук эди, унга “Рости-ю русти”¹ сўзлари ўйиб ёзилганди.

— Ташрифингизни фаҳм этдим... — пири комил жилмайди. — Бир туш кўрдумки, нақ Дажла соҳилида эмиш-миз. Дажлалиги аниқ, ҳозиргидек кўз ўнгимда... Айқирган сув бўйида қулиб қарадингиз. Сув — йўл, қулишингиз —

¹ Рости-ю русти — куч адолатда.

келишингиз... Алкисса... Иигирма беш ёшингизда дийдор-дашганимизда бир узук бердим, дуолар айлаб, бошингизга кулоҳ кийдирдим, белингизга камар боғладим. Энди ўша эски узукни янгиладим, номи чиккан машхур заргарга ясаттирдум. Ўзларига тухфамиз деб...

Олтин узук Соҳибқирон қўлига қуйиб қўйгандай мос тушди.

– Рости-ю русти... Ҳа... Куч адолатда... – шивирлади Амир Темур аллақандай таважжухда узукдан кўз узмай оҳиста силар экан. Ақиқдай ёкут кўзи яраклаб ёнган узук кун нурида хилма-хил товланиб кўринарди. – Куч адолатда!.. Адолатда...

– Ташрифингиздан бир кун муқаддам Куръонни минг марта хатм этиб бўлғондим. Худо дилимга солгани бежиз эмас. Илалабад адолат этагини тутсунлар! – деди шайх худди муриди кўнглидагини сезгандек. – Куч адолатда! Аммо адолатни ушлаб турмак осон эрмас... Афсуски, осон эрмас! Тан олмак жоиздурки, адолат ҳам аслида нисбий нарсa. Бу узук ҳамиша қўлингизда юрсун. Агар адолатдан чекинсангиз, кўзи хира тортиб қоладур...

– Бағоят миннатдормен, пирим! Қуллук! Қуллук!..

Соҳибқирон узукка тикиларкан, ҳаёлидан, шайх ҳазратлари ҳазиллашаяптиларми ёки чин гапиряптиларми, деган сўзлар ўтарди.

Шайх бир зум ўйланди-да:

– ...Ҳазиллашмакчи эрсам, бошқа гап топилгай эрди... – деди бирдан! – Дилингизга иштибоҳлар кирмасун, деб ташвишланаман...

– Узр сўрайдурмен, пирим!.. – Амир Темур шайх тўни пешини ўпиб кўзига суртар экан, унинг кўнглида кечган гап пирига аён бўлганидан ҳайратда эди. – Шаккоклигимни кечирсунлар, пирим!.. Гуноҳкор бир бандамен!..

– Илоҳи, имонимизга путур етмасун... Имон Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи васалламга тегишлидур. Имон бамисли бир шаҳардурким, унинг ташқарисидагилар: “Ло илоҳа илло Оллоҳ” дейдилар. Ичидагилар эса: “Илло Оллоҳу ло илоҳа”, деб такбир туширадурлар. Аҳли шаҳар

“Ло илоҳа илло Оллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ” деган калимаи таййибани ўқурлар...

– Ло илоҳа илло Оллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ! – тақрорлади Амир Темур...

– Гуноҳнинг даъвоси тавбадур, Амир Соҳибқирон. Тавба қилайлук...

– Ҳамиша тилим тавбададур, пирим!..

Шайх бир неча ракаат намоз ўқиди, Амир Темур ҳам унга қўшилди.

– Агар биз шайхлик мартабасини маҳкам тутганимизда ўзгаларга мурид қолмас эрди... – Шайх жойнамоздан турмасдан, ўтган гапларни ёдидан чиқаргандай давом этди. Бу билан, кечирдим, демокчи эди. – Оллоҳга шукрки, ниятимиз беадад мурид орттириб оламга мақтанмоқдан мутлоқ йироқдур!.. Ниятимиз мўмин-мусулмонларни зулму зуғумдан ҳимоя қилмақдин иборатдур, холос. У дунёдан ҳам, бу дунёдан ҳам умидимиз бордур, иншооллоҳ. Ушбулар важҳидин, биз соҳиби салтанатлар, подшоҳлар ила дийдорлашувимиз, уларнинг қаҳр-у ғазаб ила лутф-у марҳамат қоришиқ қалбларини кашф айламагимиз лозимдур. Ана шунда мўмин-мусулмонлар ҳифз-у ҳимояда бўлурлар. Ана шунда биз ҳам ислом талабларини адо этган ҳисобланурмиз...

Улуғвор сўзлар Амир Темур кўнглига гурур ҳиссини бағишлади. У шайх ҳазратларини яхши билади, ул зот сўфийликни қаттиқ ушлаган донишманди замонадурлар. Сўфийлар дунё ташвишларидан ёлғиз ўзларинигина халос айламайдурлар, бу халослик дунёни куткармоқлари учун даркор...

Орага бир неча лаҳзалик жимлик чўкди.

– Ажабки, шайхларнинг раоё ва бароё ташвишлари туфайли подшоҳларга арзи ҳол қилганлари жуда кам учрайдур, Амир Соҳибқирон! – давом этди пири комил. – Аммо бизнинг йўриғимиз бошқа. Ҳирот малиги Ғиёсиддин Курт шаҳар ҳимояси учун янги девор тиклатиб, қалъани ўратди. Ҳирот халқи кўп машаққатларга дучор бўлди. Кўнглимиз тилинди. Дарҳол Малик Ғиёсиддин Куртга бундай мактуб йўлладим: “Англагилким, ҳеч қандай девор

Оллоҳнинг бало-офатидан қутултира олмайдир! Кўнглингдаги ҳавойи ғурурдан юз ўгиргил! Бас, элга ортиқ азоб бермагил!” Жавоб жанобингизни ғазаб отига миндурди! Малик бундай дебди: “Имомларнинг салтанат юмушларига аралаштишларига асло ҳожат йўқдур...” Бағоят ғазабим кўзиди! Тунда ой ёруғида мазористонга бориб Оллоҳга ёлвордимки, Малик Ғиёсиддин Куртни тахтдан мосуво қилгил, Амир Темур Кўрагонга ато айлагил, деб! Алқисса... Пайғамбарлар иши – мўъжиза, авлиёлар иши – каромат...

Шайх Тайободий ойдин кечаларда тез-тез қабристонга борар, унга шу ерда Оллоҳ билан мулоқот қилиш осондай туюларди. Атрофда ётган не-не одамлар орасида, уларнинг гувоҳлигида Бируборга муножот қилиш шайхга бемисл саодат эди.

– Умрингизга умр берсун, илоҳи, пирим! Ҳамиша хизматингиздадурмен!..

– Амир Соҳибқирон! Огоҳ бўлсунлар: Ҳиротни забт этганларида, буюрингизким, шаҳар бузилишига йўл қўймасунлар! Авомунносга азоб бермасунлар!..

– Пирим! – сўради Амир Темур. – Нега Малик Ғиёсиддинга ҳам шундай насиҳат этмадилар?

– Насиҳат этдим, этдим!.. Қулоқ солмайдур. Аҳволи энди оғир кечгай... – Шайхулислом бироз тўхтади. – Оллоҳ сизнинг шамингизни ёндурди. Ўзларига ҳам насиҳатим: Ҳирот аҳлини зинҳор изтироблар чекишга қўймасунлар! Акс ҳолда худо кўрсатмасун, маликнинг ҳолига тушиб қолурлар...

Амир Темур индамай бош эгди. У пири комилнинг сўзларини қаттиқ кўнглига тугди.

Соҳибқирон Ҳирот малигини аввал баҳордаги қурултойга чорлатганини эслади. Зоҳирида бағоят миннатдорлик билдирган малик Ҳумоюн ўрду элчисига ўтиниби: “Агар Амир Сайфиддин неқўз келсалар, ул зот ёнида остона ўпишга етиб борғумдур”, дебди. Соҳибқирон ҳар бир одамнинг ичидагини кўриб турса ҳам, сабр-тоқат қилар, зора у инсофга келса, деб умидвор бўларди.

Ушанда Амир Сайфиддин некўз Ҳиротга бориш ҳақида буйруқ олди. Малик: “Пешкашларим ҳали бут эмас...”, “Сихҳатимни яхшилаб олайин...”, “Яқинда йўлга чиққаймиз...” кабилидаги баҳоналар килиб элчини қўйиб юбормади. Аммо шаҳарни шитоб девор билан ўратаётгани, ичини ола мушук таталаётгани Амир Сайфиддин некўз назаридан қочмади. У ўшанда билдирмай Ҳиротдан чиқиб кетган, Соҳибқиронни Ҳирот малигининг афъоли¹ ва кирдикорларидан огоҳ этганди.

“Ўзи асли гумроҳлардан эрқандур... – ҳаёлидан кечирди Амир Темур. – Улуғ шайхулисомдай зотни ранжитғон эрқанда, бас, дуоибадга қолмоғи аниқдур. Бир йилдан бери бизларга ҳам мулозамат йўқ...”

Метиндай Фўшанж қалъаси олингандан сўнг, Ҳиротга юз бурган Соҳибқирон шаҳар дарвозаларининг худди юзга ёпилгандай тақа-тақ берклигидан ҳайрон қолмади. Малик Гиёсиддиннинг чиндан ҳам қалъасига бино қўйиб ўзини қўл етмас, осмони фалакда фаҳмлаётгани аён бўлди.

П

Чоршанба куни чақинқадам черик бурғулар чалиб Ҳиротга яқинлаша бошлади. Ҳайбатли қўшин тездаёқ ясол² тортиб қалъанинг яқиндагина тикланган баланд деворлари рўпарасида бўй кўрсатди. Ўша куни жанг бўлмади. Амир Темур тўртбурчакнусха шаҳарнинг йигирма минг кадамча чиқадиған атрофини айланиб, кирар-чиқар жойларни кўз остига олди, нозик нуқталарни белгилаб чиқди. Кечкурунги машваратда Мироншоҳ Мирзо, Амир Сайфиддин некўз, Амир Окбуға найман, Мубашшир баҳодир ва Амир Муайяд арлотнинг ўғли Мирзо Алибекларга кўп нарсаларни уқтирди.

Тонг отар-отмас: “Тўш-тўшдан жангга кирилсун! Қалъа деворига чиқилсун!” – деган фармон берилди. Мубашшир

¹ Афъол – феъл-характерлар.

² Ясол (туркийча; сафга тиш) – қўшиннинг ҳарбий сафар ҳамда жанг майдонида эгаллаган жанговар тартиби.

баҳодир фавжи чап томондан, Мироншоҳ Мирзо кўшини ўнг томондан ҳужумга шайланди. Амир Окбуға найман навкарлари айланиб кунботар томонга ўтдилар, жануб тараф Мирзо Алибек чекига тушди. Амир Сайфиддин некўз фавжи рўпарадан жангга киришди. Қалъа девори тепасида кулай жойлашишган Малик Ғиёсиддиннинг уришқоқ ва жангари аскарлари эса сира ён беришни истамасдилар.

Уруш оҳанглари ортиқ авжга минди.

Шоҳчодирдан жангни кузатиб ўлтирган Соҳибқиронга Самарканддан чопар борлигини маълум қилдилар. Маҳди улёнинг хос мулозими Сароймулкхонимдан мактуб тутказди. Амир Темур бир лаҳза суюкли хонимнинг гўзал чехрасини кўз олдига келтирди ва аллақандай титрокли туйғу билан мактубни очди:

“... Баландпарвоз шоҳбозимиз, тоғлардан ҳам ортиқ суянчимиз, кўнглимизнинг султони, дийдамизнинг оқ нури, умримизнинг сурури Ҳазрат Соҳибқирон жаноби олийларига кўзлари йўлларида нигорон маликаи муҳтарамаларидан деб билсунлар. — қабилда бошланган эди мактуб. — “... Мен сизлардан бу учун ажр-мукофот сўрамаймен, фақат қариндошчиликдаги дўстлик-яқинлигингизни талаб этамен...” — деган ояти кариманинг теран мазмунини дилларига жо айлаган аҳли ҳарам раънолари сизга ўз дуои саломларини йўллайдурлар... Бонуйи кубро Қутлуғ Туркон оқа эгачимга бироз дайди дард эпкини тегиб, азиз бошларида бир муддат оғриқ турди... Хонзода хонимнинг ёлғиз юпанчлари шаҳзода Муҳаммад Султон... Шаҳзодам беш ёшга қадам қўйдилар, Оллоҳ умрларини берсун, андоқ ақлидурларким, қараб ихтиёрсиз яқо тутгаймен, ҳам кўнглимга ҳарослар тушадур... Пир Муҳаммад Мирзо Туман оқа кўз қирида Боғи Биҳиштни суронга кўмиб юрибдур... Султон Бахт бегимни кўрганда, илоҳи, тенгини топиб узататургон кунларга етказсун, деб яратганга илтижолар айлаймен. Каминангиз Шохрух Мирзо бўйларига қараб куним ўтадур. Тагин... Ҳазратим, айтмогимни Қутлуғ Туркон оқа эгачимиз ҳам

¹ Куръони карим. Шўро сураси, 23-оят.

тайин этмушлар, исмат пардасидаги оғизамиз Оқа бегим, бонуйи некужамол вуҷудлари чаманида озроқ малалати¹ зоҳир эрмиш. Аммо кўзи ўткир ҳозик табиблар доим назорат этиб турурлар. Қутлуг сафарларида ҳамроҳ бўлиб юргон муҳтарама малика саҳройи оташафзо Дилшод оқага соғинчли саломимизни еткургайсиз, Оллоҳ паноҳида тўрт мучалари соғ юрсунлар.

Тиллари санода, қўллари дуода аддои чўрингиз Биби..."

Мактубни ўқиб Амир Темурнинг юраги сиқилди. Ҳа, ўзи ўйлагандек, Самарқандда анча-мунча ташвишлар бор. Оқа бегим ҳам, ёш нарса, негадир касалга чалиниб туради. Шу туфайли куёви Муҳаммадбек ибн Мусони Ҳирот сафарига қўша олмади. Набираси Султон Ҳусайн Мирзо Амир Мусо хонадонида Орзумулк оқа қўлида тарбияланади... Барча-барчаси Соҳибқиронни қаттиқ ўйлантиради.

Ҳирот фатҳ этилгандан сўнг фурсат ўтказмай пойтахтга қайтмоғи керак. Тезроқ қайтмоғи керак. Ёш келинчак Туман оқа ҳам тез-тез кўз олдидан ўтадиган бўлиб қолди кейинги кунларда. Соғинибди, шекилли...

Амир Темур чодирда ўтиролмади, сабри чидamay чиқиб кетди ва қалъага қараб юрди. Гўёки шу ҳаракатлари туфайли савашини тезроқ тугар эди унинг назарида. Қалъа теварагида юраркан, тўхтаб жон олиб жон бераётган навкарларни руҳлантирар, тасаннолар айтар, Ҳазратнинг ёнларида эканлигидан кўнгли кўтарилган баҳодирлар сурон солишиб жидд-у жаҳд билан ёғийга ташланардилар. Қалъа тепасидан тош ва ўк ёмғирдай ёғиларди. Икки ўк ногаҳонда Соҳибқироннинг қалқонига қарсиллаб урилди. Амир Темур парво қилмай олға борарди.

Бироздан кейин отининг олдинги ўнг оёғига ўк тегиб, оқсокланиб қолди. Дарров отни алмаштирдилар.

Итирқин жанг гирдобида негадир бирдан Хонўғлон отини эслади. Хонўғлон! Қуюндай чопарди, унинг акли-фаросати, номини ҳайвон демаса, одамникидан кам эмас, зийраклигидан ҳеч қачон ўзига ўк теккизмас, шувуллаган

¹ Малалат – дард, касаллик (муалл).

ўкка чап бериб ўтарди. Гоҳ-гоҳ Кўксарой ёнидаги сайисхонага борганда юраги орзиқиб кўяди. Хонўғлон от эмас, дўст эди. Айнан мана шу Хирот яйловларида шаталок отиб юрган қулун эканидан ёдига тушди...

Амирзода Мироншоҳ Мирзо баҳодирлари аллақачон қалъа деворининг тепасида юришарди. Ахий Жаббор баҳодир, унинг ёнида Яналтекин билан Учқоралар аёвсиз жанг қилардилар. Учқора рўпарадаги душманга қараб, мазахлаб: “Кела қол, дастгинангдан кетай, кела қол! Ўзи кўзим учиб турувди!...” – дер, қилич урар, сал вақт мусоид этди дегунча, мингирлаб ўзининг суюмли кўшиғини бошларди.

Бирдан Ахий Жаббор баҳодир навкарларга карата қувонганидан:

– Баҳодирлар! Қарангиз, Амир Соҳибқирон!.. Амир Соҳибқирон ёнимиздалар! Амир Соҳибқирон ёнимизда-а-ала-ар!.. Баҳодирлар, дадил бўлингиз! Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон баҳшида! – дея қаттиқ қичқирди. Унинг овози яқин-йироққа, қалъа ичида ўлар-тириларига қарамай савашишаётган ёғий аскарларига ҳам етиб борди.

– Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон баҳшида!

– Амир Соҳибқиронга жонимиз фидо!

– Амир Соҳибқирон! Амир Соҳибқирон! – деган овозлар янгради навкарлар орасидан. Сурон кўтарилди.

Майдонда чарх уриб юрган ўн беш ёшли амирзода Мироншоҳ Мирзо падари бузрукворига ёлбориб деди:

– Валинеъмат Соҳибқирон! Сабр-у тоқат иззатгоҳида шохчодирда турсалар!.. Шохчодирга қайтсала-а-ар!..

Амирзоданинг овози суронлар ичига сингиб кетди. Амир Темур эшитди, аммо жавоб бериб улгурмади, шиддатли тулпори қалъа атрофи бўйлаб ўқдай елар, изидан элликка яқин хос навкар от қўйганди.

Амир Сайфиддин некўз баҳодирлари қалқонларини пана қилиб узун шотилардан ўрмалаб кўркмай юқорига чиқишар, онда-сонда ўк текканлар ерга кулаб тушарди. Мубашшир баҳодир фавжи Соҳибқирон маслаҳатига кўра шаҳарга оқиб кирадиган тезоқар анҳордан ичкарига йўл топди...

Қамал ҳамма томонни камраганидан, мудофаачилар кўшинининг кучи қирқилиб, тарқаб кетган, шаҳар катта-лигидан бир-биридан хабар олиш мушкулликлар туғдирарди. Кўчаларда девордан ошиб ўтган, анҳордан битта-яримта кириб олган Турон навкарлари пайдо бўла бошлади. Аҳволни кўрган Малик Ғиёсиддин ҳарами билан жон сақлаб ичкари ҳисорга беркинди.

Шаҳар Соҳибқирон кўшинлари кўлига ўтгандай эди.

Намози асрда жанг суронлари эшитилмай қолди.

Ҳирот навкарларидан икки минг асирни тутиб Амир Темурнинг шохчодири рўпарасида майдонга келтирдилар. Асирлар ичида мардона ўлимга тик қараганлар ҳам, кўзларидан ёш оққан, аччиқ қисматдан қочиб кетолмаган бечоралар ҳам кўп эди. Амирлар-у баҳодирлар ичида ҳеч ким ҳалигина тош ва ўқ отган, кўп навкарларни ер тишлатган бу қаттол душман кишилари битта ҳам қўймай тиғдан ўтказилишига асло шубҳа қилмасди. Аммо пири комил Шайх Тайободийнинг насиҳати Амир Темурнинг эсида турарди.

Соҳибқирон ўйга ботди. Атрофга жимлик чўкди... Гоҳ-гоҳда узоқдаги отларнинг пишқиришларигина сукунатни бузади.

Соҳибқирон асирларга нигоҳ ташлади. Турли ёшдаги одамлар, ёши бор, кексаси ҳам... Булар бегуноҳ одамлар... Гуноҳкорларигина жазоланишлари керак! Фақат гуноҳга йўл қўйганлари! Лекин... Агар уларга тегилмаса, у ҳолда ширин жонларини аямай сўғишган аскарлар, нега ёвуз душман омон қолади, деб норози бўлишлари аник. “Қатл этилсун!”, қабилида фармон берилса, бу ёқда улуғ шайхул-исломнинг: “Навкарларингиз Ҳирот аҳлига азоб бермасунлар!..” – деган насиҳатлари турибди. Унинг устига, бандаларга жонни худо берган, нега у олиши керак?.. Олса, худонинг ўзи олсун! Мана шу охириги фикрнинг асил ҳақиқат эканлигини Соҳибқирон дил-дилидан сезади...

Шу палла пири комилнинг: “Адолат ҳам аслида нисбий нарсаси... Адолатни ушлаб турмак осон эрмас!” деган сўзларини эслади. Адолатни ушламак осон эрмас... Нечоғлик доно сўзлар экан-а! Ажабо, агар асирлар жазоланса, бу



навкарлар назарида адолатли бўлади, агар жазо берилмаса – асирлар учун адолат тантанасига айланади. Қандай йўл тутмоқ керак? Биров учун адолатли туюлган нарсa бошқа учун адолатсизликнинг ўзгинаси экан-да... Ҳамма учун бирдай ардокли, тан олинадиган ягона адолат қаерда?.. Қаерда ўша адолат?..

Икки ўт ўртасида қолган Амир Темур бирдан котибга ўгрилиб бундай хат ёзишни буюрди:

“... Гофил қолмасунларким, шаҳар элидин кимки, ташқарига чиқмай ўз уйида ўлтурса, жони-хонумони омонда бўлғай! Ва ҳар кишиким, чиқиб Амир Темур қўшинига тие кўтарса барини ўзидан кўргай!..”

Одамлар асирларга жазо берилишини кутаётганда, унга ҳеч дахли йўқ бундай хатнинг ёзилишига ажабландилар. Лекин алоқадор эканлиги кейин билинди.

Соҳибқирон асирларга баланд овозда деди:

– Барча асирларнинг гуноҳларидан ўтдук!.. Ҳар бирингиз мана бу хатдан бутун шаҳар халқига тарқатиб чиққойсиз! Элга кўрсатқойсиз! Англатингизким, тўғри йўлни топиб олсунлар!..

Ҳали замон ўзларини ўлимга маҳкум, деб ҳисоблаган асирлар Соҳибқироннинг бундай ҳимматидан хурсандчиликлари ортиб, кўнгиллари ёришиб, осмонни бошига кўтаргудек ҳайқира бошладилар:

– Амир Соҳибқирон салтанатларини ўз паноҳида асрасун!

– Худо ўз паноҳида асрасун, илоҳи!

– Соҳибқирон! Соҳибқирон!..

Майдон узра ана шундай дуолар янграрди.

Амир Темур қўлидаги узукка секин қараб қўйди: олтин узук яраклаб турарди.

Асирлар, энди асир эмас озод қушлар, Оллоҳга ҳамд-у санолар айтиб, шаҳар оралаб, учраганни огоҳ этиб, уйма-уй кириб чиқдилар.

Хатни топширар эканлар, Амир Темур Кўрагон ҳазрат-

лари уларнинг гуноҳларини кечирганлари ва шаҳар элига ҳимматларидан ошиб-тошиб гапиришарди. Кўчаларда ваҳима ичида гангираб юрган одамлар ҳам хатни ўқишгач, шукр қилишиб, барчаси хотиржам ортиқ кўчага чиқмасликни кўнгилга туғиб уй-уйларига равона бўлардилар.

Ичкари ҳисорга беркинган киркларга борган барваста келбатли, табиатан кўрқоқ ва ҳадик-гумонларга кўнгли очик Малик Ғиёсиддин бало-офатнинг бошига ёприлганини каттиқ ҳис этди. У бундай оқибатни асло кутмаганди. Шайх Тайободий сўзларига парвосиз караганига, улуғ зотни ранжитганига ичида афсуслар чекди. Ҳа, шайхулисломнинг дуоибадига қолди!.. Бу кундай равшан У ўзини мағрур одам санарди, аммо бу ғурур шароит билан ҳисоблашишга, вазиятни чамалаб қадам ташлашга ҳамиша ҳалал берарди. Одатда, ғурур ўнг томонга бошласа, соҳиби ғурур жасоратлар майдонида жавлон уради, чап томонга юрилса телбалик саҳросига элтади. Ҳамма гап қайси тарафга қараб қадам ташлашда...

Ҳирот малиги дарҳол шаҳар элини ҳисорни ҳимоя қилишга чақириб маҳаллаларга одамлар жўната бошлади. Аммо ҳисорга биронта ҳам одам келмаганидан таажжубланди. Кўчаларда ҳам ҳеч ким йўқ эмиш.

Шу пайт унга Амир Темурнинг шаҳарда одамлар қўлида юрган хатини тутқаздилар. Эҳ, ғаним одамларни ўзига оғдиришда топқирлик кўргизибди! Малик Ғиёсиддин кеч қолибди. Унинг дунёси қоронғи бўлди. Ҳайҳот, душманга сиғиниб, бош эгиб боришдан бошқа йўл йўқ эди унинг олдида!

Малик олтмишларга кирган онаси малика Султон Хотунга буюргандай деди:

– Муҳтарама волидам! Аҳволимиз тангдур... Кўриб турибсиз. Мен жилсам, ҳисор қўлдан кетгусидур. Сиз Амир Темур Кўрагон хузурига борингиз! Қудангиз ахир. Катта ўғлим Пир Муҳаммадни ёнингизга олингиз, Соҳибқироннинг куёви... Бошқа чора йўқ!

Малика Султон Хотун ажабсиниб: “Ўйлаб гапиряпсизму?” – дегандай ўғлига қаради.

– Бошқа чора кўрмайдурман! – такрорлади малик онасига тик қараб.

– Нималар деяпсиз, подшойим?.. – эътироз билдирди хайратда Султон Хотун чиройли шахло кўзларини катта-катта очиб. – Мен Амир Темур ҳузурига борар эмишманму? Аёл бошим билан-а?..

– Малика ҳазрати олиялари, ҳозир бахслашиб ўтиришнинг вақти эмас! Қудангиз ахир... Ҳа, айтгандай, Пир Муҳаммад келинимиз Севинч Қутлуг оқани ҳам бирга олсун. У Темурбек синглиси Ширинбиканинг қизи-ку! Жиянлари. Ахир уч йил аввал Соҳибкирон таклифига кўниб куда бўлганмиз. Ўзлари ўртада бегоналик, ётликни хеш-акраболикка айлантиришни истаган эрдилар. Эсларига солингиз...

– Ахир... мен... қандай...

– Нега тушунмайсиз, онажон? Жойимдан жилсам, Ҳисор қўлдан кетадур, деяпман-ку? Шунини истайсизми? Борсангиз, қудангизнинг олдига борасиз-да...

Мўғул хони Тоғай Темурхоннинг қизи, ёшлигида кўрку латофат соҳибаси экани кўриниб турган Султон Хотун бошиданок ўғлининг тутумига қарши эди, қудалар билан ортиқча довлашиш зинҳор керак эмаслигини, яхши алоқа боғлаши лозимлигини айтганди. Ўғли қайсарлик қилди. Энди бўлса юртга бостириб кирган подшо ҳузурига бориш маликанинг зиммасига тушиб турибди. Қандай боради? Мусулмончиликка ярашадурғон ишми бу?..

Малика Султон Хотун ўғлининг бу қадар қўрқоқ ва журъатсизлигини билмаган экан. Кўнгли оғриди. Аммо маликнинг аянчли аҳволига, чекаётган изтиробларига қараб онаизор чидаб туролмади. Ўғлига дашномлар бериб, отабоболар шуҳратини эслатиб, қалбида жасорат ва журъат уйғотишга уринишнинг бенафлигига имон келтирди. Андишани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, дарҳол набираси-ю келинини чорлаб, хос навкарлар кузатувида Амир Темур чодирига йўл олди.

Олий қароргоҳда, уларни чиндан ҳам қариндош сифатида очиқ чехралик билан қаршиладилар. Малика бундай

муомалани асло кутмаганди. Соҳибқирон барчага шафкат кўргизиб, турфа тухфалар билан сийлади; Султон Хотунга бир шода марварид инъом этди, куёви маликзода Пир Муҳаммад белига олтин камар боғлади. Севинч Қутлуғ оқанинг манглайидан суюб ўпиб қўйди. Унинг кулоғида Пурқудрат тоға ҳадя қилган тилла балдоқ ялтиради. Малика Дилшод оқа кудалар атрофида парвона эди.

– Малик Ғиёсиддинга айтингиз... – деди Соҳибқирон Султон Хотунга. – Унга хусуматимиз йўқ. Ҳисордан чиқиб хузуримизга келсун. Келмаса ўртада уруш чиқар, кўп одамнинг қони тўкилур, мусулмоларнинг аҳли аёли, хонумони хароб бўлур... Ва барчасининг ёзуқ-гуноҳи анинг бўйнига тушгай!

– Қуллук Амир Соҳибқирон ҳазратлари! Ҳузурларига юбораман! Албатта, юбораман!.. Ҳимматларига қуллук!.. – қўли кўксида аста чекинаркан, малика Султон Хотуннинг чиройли кўзлари беихтиёр ёшланди.

Малик Ғиёсиддин ичида зир титраса ҳам, иложсиз Амир Темур хузурига, Ҳиротнинг хушманзара масканларидан бири Боғи Зоғонга йўл олди.

– Қилмишимдан тамом пушаймонман, Амир

Соҳибқирон! – деди малик йиғлаганча узр-у зорини қилиб. Ичида: “Омон қолсам, бўлди... Омон қолсам бўлди...” дерди. – Айрим нокаслар нодуруст кенгашлар бериб йўлдан урдилар, бошимни айлантирдилар ғанимлар...

Амир Темур гапиришни лозим кўрмадими, ҳеч нарса демади. Малик гуноҳидан кечиб, хосса хилъатлар-у олтин камарлар билан сарафроз айлади ва шаҳарга қайтишга ижозат берди. Чиқишдан олдин Малик Ғиёсиддин ўзини ерга отиб, қайта-қайта Соҳибқирон оёгини ўпди.

Бирдан Амир Темур хаёлига сирли “Гулшани хазойин” сандиғи шу Ҳиротда эмасмикин, деган гумон келди. Аммо шу заҳотнинг ўзидаёқ бу фикрнинг ғози йўқдай туюлди...

Бомдод намозидан кейин шаҳарнинг саййид ва қозилари, фузало-ю машойихлари, аён-у ақобирлари йиғилишиб Турон султони мулозаматига етишдилар. Кўп

навозишлар¹ ила зийнатланган издиҳом шомгача давом этди.

Соҳибқироннинг кўлидаги узук ярақлаб турарди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

I

Амир Темурнинг кичик қизи Султон Бахт бегим шунчаки кизларга ўхшамас, серғайрат, бироз эркакшодарок бўлиб ўсди, сал қайсарлиги ҳам йўқ эмасди. Болалигидаги ерга урсанг осмонга сапчиши ҳали ҳам гоҳ-гоҳда кўриниб қолади.

Шаддод киз от минар, қилич чопар, лозим эса савашишларда қатнашарди. Бу маънода у раҳматли онаси Ўлжой Туркон оқадан ҳам ўтиб кетди. Табиийки, тўй ҳақида, куёвга узатиш борасида гап кўзғолса, ҳуркак охудай дарров ўзини нари оларди.

Соҳибқирон қизини тергамасди. Асли фарзандга ташна Улуғ амир болаларини авайлашни, ардоқлашни яхши кўрар, уларнинг кўнглини оғритиб қўйишдан чўчирди. Унинг ёлғизгина қизи қолди энди...

Вовайлоларки, Хуросондан қайтганидан сўнг, кўп ўтмай Соҳибқирон бошига қайғули қора кунлар тушди.

Катта қизи ҳалим табиат, камгап, юмшоқ кўнгил, тортинчоқ, поклик энагаси эмизган Оқа бегимни – уни асил номи Тағайшоҳ хоним эди, – аммо Соҳибқирон суюкли қизини, чамаси, эркалаб, шундай атарди – Муҳаммадбек ибн Мусога узатдилар, худо Султон Ҳусайн Мирзо деган ўғил ато этди. Улар бахтли эдилар. Бироқ умр бевафолик қилди – Оқа бегим раббоний қазо ҳукми билан шифосиз дардга чалиниб, мизожни заифлашди, сарвдай нозик адо қадди ниҳоли ногаҳонда букилиб фано тупроғига юз бурди.

Турмиш оғадан туғилган икки фарзанд Жаҳонгир Мирзо ҳам, Оқа бегим ҳам, ажабо, бири йигирмада, иккинчиси йигирма учда, шундай ёш туришиб дунёдан кўз юмди-

¹ Навозиш (форсча) – эркалаш; ҳушмуомалалик.

лар. Жаҳонгир Мирзо мусибатидан куйиб-ёнган Оқа бегимнинг курук суяги колди. Энди эса ўзи ўлими билан ўзгаларни коқ суякка айлантириб кетди...

Соҳибкиронни шундай изтироб чулғадики, уни юпатиш мушкул эди. Тунда кўкка боқса, у ҳам корага бурканган, ой юзини йиртган, Зухро сочларини юлган, осмон кўк кийиб олган...

Илоҳий қазога рози бўлмай илож қанча?..

Оқа бегим Амир Темур юрагига яна бир битмас чандик солди.

Кейинги воқеалар ҳам Соҳибкирон юрагини тобора тошга айлантириб борарди. Улуғ амир одатича, сафарга чиқиш олдидан қайси хотинини танлаш мақсадида куръа ташлатар, кимга чиқса, ўшани ўзига ҳамроҳ этарди. Маликалар бундай дамларни безовта бир ҳаяжонда кутардилар. Ҳатто яширинча фол очтирганлар ҳам учрарди.

Бу гал куръа Дилшод оқа чекига тушган, саҳройи офатижон ҳамманинг кўзини куйдириб Амир Темур ёнида сафарга жўнади. Эронда Туршиз қалъаси қамали бошланган пайтда Дилшод оқада мараз¹ пайдо бўлди, уни шитоб Самаркандга юбордилар. Бирок муолажалар нафи тегмади, саҳройи оташафзо малика бандаликини бажо келтирди. “Ўзига катта баҳо бериб юборди. Кўз тегди, кўз тегди...” – деди маликалардан бири. Бошқасининг фикрича эса, у ҳарамда “кичик малика” тахтини Туман оқага бўшатиб берганидан сўнг, каттиқ изтиробларга тушганидан ўйлай-вериб, ич-этини еб кўйганмиш, шу уни адои тамом этганмиш...

Олдинда эса Соҳибкиронни яна ҳам мудҳишроқ, етти ухлаб тушига кирмаган ҳодиса кутарди. Оқида эгачи, беминнат маслаҳатгўй, бонуйи кубро, улуғ хотун Қутлуғ Туркон оқа кўккисдан дунёдан кўз юмди!..

Амир Темур бошига нақ бало-қазо ёприлди! Кечагина Оқа бегим мусибатида дунёдан дилни совутмак, кўнгилни чўктирмак бандасига номуносибдир, гам-андухдан асло наф йўқдур, агар шундай давом қилсалар, олам чок-чокидан

¹Мараз – касаллик (муалл.).

сўкилгай, дея Соҳибкиронга далдалар берган эгачининг ўзи энди бу дунёдан умид узиб кетди...

Негадир бир ой аввал Қутлуғ Туркон оқа атай Кўкса-ройга қадам ранжида айлаб, ўзидан ўзи келини Хонзода хоним йигирма тўртга кирганини, лом-мим демай, оғринмай етти йил ёлғиз ўтирганини айтиб, Соҳибкиронга ёрилиб қолди.

– Бир пайт Хонзода хоним ҳақида сўз кетғонда, буни биз аёлларга топширингиз, дегандим... Ёдингиздаму?.. Энди фурсат етди, – деди эгачи. – Маҳди улё келинимиз Сарой-мулкхоним билан узоқ кенгашдик...Бағоят зукко аёлдур. Амир Соҳибкирон! Маъкул десалар, Хонзода хонимни ота-боболар удумини тутиб Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб қўйсак... Халқимизда ака оламдан ўтса, унинг аҳли аёли ташвиши ука зиммасига тушади, деган одат бор. Амирзодам балоғат пиллапоясини босиб ўтдилар, ўн етти ёшга кирдилар.

Амир Темур ҳеч қандай эътироз билдирмай катта-катта кўзларини эгачига тикди. Уларда ризолик аломатлари намоён эди. Соҳибкироннинг ўзи ҳам бу ҳақда кўпдан ўйлар, ўйлаб ўйига етмасди. Эгачининг таклифи унга маъкул кўринди. “Қизим эмас, ўғлим, деб атагоним, суйган келиним Хонзода хоним, хайрият, даргоҳимдан кетмайди, яна ўз бағримда бўлади, мустарлик кўрмайди...”

– Муҳтарама эгачим! Қуллук! Қуллук! Худо умрингизни зиёда этсун! – деди у.

Қутлуғ Туркон оқа кўзлари ёшланди.

– Опажон, кўнглим енгил тортди. Энди... ўзингиз айтдингизки, Мозандарондан бир бебок¹ жамоа чиқиб мусулмонларни бесаранжом-у беҳонумон қилмақдалар экан, деб... Сеистон ҳам нотинч, ундан Мозандаронга ўтиб бузғунчиларни бартараф айлаб келишимни уқтирдингиз... Сиз...

– Йўқ, инижоним... – кутилмаганда сўзни кесишга журъат этди Қутлуғ Туркон оқа. – Аввал тўйни ўтказайлик, кейин борингиз...

¹ Бебок (форсча) – кўркмас, жасур; кўпол, дағал.

Амир Темур эгачига қаради: илтижоларга тўла катта-катта чиройли кўзлар унга умидвор тикилиб турарди. Бонуйи кубро ҳеч қачон “инижоним” сўзини бунчалар синик ва ёлвориш оҳангида айтмаганди. Эгачи негадир маюс эди.

Энди эсласа, бонуйи кубро жудолик онларининг яқинлигини, фурсат ганиматлигини, Хоразм маликаси муаммосини бир ёқли қилмай бу дунёдан кўз юмолмаслигини сезгандай тутган экан ўзини.

Хонзода хоним билан Мироншоҳ Мирзо тўйлари Кони-гилда ўтди. Бахти барқарор бўлгур Мироншоҳ Мирзога Хуросон мамлакати волийлиги топширилганди, келин-куёвлар дабдаба-ю асъасалар ила Ҳиротга жўнашлари керак.

Келинлик либосидаги Хонзода хоним етти яшар Муҳаммад Султонни бағрига босаркан, ҳеч кимга билдирмай ич-ичида мунграб, ўксиб, бағри ўйилиб йиғлади, ўғлининг юз-кўзларидан тўймай ўпди, негадир ўзини умрбод хайрлашаётгандай ҳис этди. Ёри жони олам шахзодаси Жаҳонгир Мирзодан ёлғиз ёдгори энди Самарқандда қолади...

“Не чорам бор, Оллоҳнинг ҳоҳиши экан, фақат ёдингизни ўзимга ҳамроҳ тутиб, бу дунёдан ёлғиз ўтишга тайёр эдим, шахзодам! – Муҳаммад Султонни бағрига босганча, хаёлан Жаҳонгир Мирзога таважжуҳ айлаб дерди шўрлик Хонзода хоним. – Ким биландир яна ёстикқа бош қўйиш ниятим ҳам, истагим ҳам йўқ... Йўқ. ! Аммо хоҳламасам-да, узатилмакдамен... Мендан сўрамасалар ҳам, Амир Соҳибқирон ҳазратларини ўйлаб, ичимда бунга розилик билдирдим. Ҳиротга қуруқ вужудим борадир, холос, бироқ қалбим, руҳим сўнгги нафасимгача ёнингиздадур, шахзодам!”

Етти яшар Муҳаммад Султон қандай воқеа юз бераётганини англаб-англамай хайрон, отасиникидай чакнаган кўзларини бир кунда бегонага айланиб қолган онасига тикканча индамай қараб турарди.

Амир Темурга буни айтганларида юрак-бағри эзилди. Дарвоза олдидаги шоҳона катта сўрида меҳмонларни кузатиб ўлтираркан, ҳар қанча тиришса ҳам кўзларидан томган

битта-яримта ёшни тўхтатолмасди. Соҳибқирон Жаҳонгир Мирзо ва Хонзода хонимни ўйлаб чексиз аламдан йиғлар, Хонзода хонимни Мироншоҳ Мирзо ёнида кўриб қувончдан ёш тўкар, алам-у қувонч ёшлари бир-бирига қоришиб кетаётганини асло сезмасди...

Бир йил ўтиб Хоразм маликаси Соҳибқиронга Халил Султон отлик набира хадя килди...

Бу кейин.

Ўшанда Қутлуғ Туркон окани Шоҳизинда қабристониди Кусам ибн Аббос мазорига якин ерда дафн этдилар. Бонуйи кубро ўн йиллар аввал ёш кетган қизи Шодимулк оқага атаб макбара қурдирган эди. Ўзининг васиятига кўра қизи ёнига қўйдилар.

Муқаррар кун етгач, бандасини ҳеч нарса асрай олмас экан – бунда мол-у мансаб ҳам ожиз, қавм-у қариндош ҳам, тож-у тахт ҳам... Соҳибқирон қутилмаган бу фожиага ортик чидолмасам керак, деб ўзидан кўрқарди.

Чиндан ҳам Соҳибқирон табиатида хиёл ўзгаришлар кўрина бошлади. Жудоликлар, ишонган кишилар хиёлати, оламнинг беқарорлиги дунёдан кўнглини совутишга ундар, равшан дилига-ю муборак хотирига ваҳшат-у нафратлар йўл изларди. Уни ҳорғинлик қамраб, оромсизлик ўз заботига олди, изтироблар борлигини чирмаб ташлади. Умидсизлик дунёни кўзига қоронғи қилиб қўйди.

Қабристондан мархуманинг Кўксарой тарафдаги ҳовли-сига қайтишаркан, пири муршид Мир Саййид Барака ва шайхулислам Хожа Абдулмалик дилтанг Амир Темурни, унинг ёнида мунгайган Амир Довуд дуғлатни юпатишга тиришардилар.

Аркони давлат, сарой аъёнлари, вазирлар, амирлар, беклар, Самарқанднинг казо-казолари, олис-яқиндан келган нуроний оксоқоллар, каххудолар ва калонтарлар қўл қовуштиришиб Арк кўчасининг бир томонида қатор тизилишган. Келганлар фотиҳа ўқиб чиқишгач, кетишмас, балки аста-аста кўча бўйида саф тортганларга бориб қўшилишарди.

– Амир Соҳибқирон! – деди пири муршид. – Ўзингизни

эҳтиёт этингиз...

– Ҳазрат Соҳибқирон! – кўшилди шайхулислом Хожа Абдулмалик. – Қайғурмангиз, уриниб кетмангиз. Хожан коинот амридур...

– Дунё ишларига ҳам эътимодим йўқдур, пирим, ҳар нарсадан кўнглум совуғон... – сўзланди ҳолсиз Соҳибқирон.

– Мискин-у фақир, авомуннос минг изтиробда сизга умид кўзини тикмишдур, Амир Соҳибқирон! Ғам уммониға чўкмак эмас, раоёнинг ғамини чекмак дардингизга энг аъло шифо бўлур! Ҳа, ҳа, ғам уммониға чўкмак эмас, раоё ғамини чекмак, Амир Соҳибқирон! Алҳамду лиллоҳир раббил оламин!

– Бағоят ҳақ гапни сўзладилар Мир Саййид Барака жаноблари! – кўллаб-қувватлади шайхулислом кўлидаги гулдор тасбеҳни оҳиста ўғираркан. – Раоё ғамини чекмак ҳамиша вазифангиздур!

– Қазо ўқиға қалқон йўқ, чора чорасизликда, Амир Соҳибқирон жаноблари! Ахир фоний дунёда кимки хеш-у акраболаридан кейин қоларкан, айрилиқ азобларини мардона ўз зиммасига олмоғи лозим, бу Одаматодан бизларга меросдур!..

Пири муршид шундай дер экан, давлат ишларидан илик тортиб, кўкракни захға бериб ётиб олишға тайёр турган муриди-ю муҳибига каттиқ ичи ачир, унга фақат яхши сўзлар-у насиҳатлар айтишдан ўзга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини билиб руҳан эзиларди.

Амир Темур уламолар сўзи шунчаки далда учун айтилмаганини, балки улар заминиди ҳеч қаёққа силжитиб бўлмас аччиқ ҳақиқат ётганини англади. Чиндан ҳам, чора – чорасизликда... У беихтиёр юзлари изтиробдан бўғриқиб кетган Амир Довуд дуғлатга қаради:

– Сабр этсунлар, амир жаноблари! Сабр берсун. Сабр берсун... – поччасининг кўнглини кўтарди ўз дардини унутиб Соҳибқирон ва ёнида турган кўзлари қизарган жияни Амир Сулаймоншоҳни оҳиста бағриға босди.

Дардлар эскирмай, Соҳибқирон синглиси Ширинбика ҳам жон омонатини эгасига топширди...

Ғамларга чулғаниб, букилиб қолишлар эр кишига, айникса Соҳибқирондай ягонаи замонга сира ярашмаслигини, дунёнинг ишлари эса тўхтамаслигини англаб етган Амир Темур яна салтанат ишларига майл кўргизди. Қалашиб ётган минг бир ташвиш Соҳибқирон йўлида кўндаланг эди.

Уч кундан кейин Амир Темур отини ўз ҳолига қўйганча мулозимлар кузатувида Кўксаройга борар экан, кўча-қўйни тўлдирган фақир-у мискин, раоё қўл қовуштириб, ундан кўнгил сўрарди. Амир Темур хиёл бош тебратиб борарди. Уни хаёллар ўз домига тортди.

Шундоқ экан... Соҳибқирон Оллоҳга шукрлар қилсун, зинҳор нолимасун. Шунчалар қилганига шукр десун. Жаҳонгир Мирзо ўғли валиаҳд Муҳаммад Султон етти ёшга кирди, Пир Муҳаммад Жаҳонгир, иккинчи набира ҳам... Эртани ўйламак керак, эртани...

Пайшанба куни оқшом, ҳали кечки салқин тушмаганди, Боғи Чинорда Сароймулкхоним билан ўлтиришаркан, Соҳибқирон маҳди улёга деди:

– Оллоҳ бизни қаттиқ синовлардан ўтказди, Биби. Бу дунё синов дунёси экан. Бу дунёнинг синови ҳам осон эмас...

– Кўнглингизни чўқтирмангиз, ҳазратим! Марҳумларнинг жойлари жаннатда бўлсун, қолғонларнинг умрини тилайлик...

Амир Темур маъюс бош тебратиб қўйди:

– Биби, демак... ўзимнинг ҳам гуноҳларим кўп... Қандай гуноҳларим бор, эй парвардигор? Ҳа-а... гуноҳкор бандадурмен. Биламен, гуноҳларим кўп... Бари ўшаларнинг жазоси... Бандангни ўзинг кечир, Оллоҳим! На илож, Биби! Ожиздурмен, кўрдингизму, ожиздурмен...

Сароймулкхоним Соҳибқиронни юпатишга уринди:

– Бошимиздаги соябонимиздурлар, Ҳазратим...

Ундоқ демасунлар! Асло ожиз эмасдурлар! Ҳазратимнинг ожизликлари ўзгаларнинг баҳодирлигидан юз чандон ортиқдур! Минг чандон ортиқдур!..

Сароймулкхоним бирпас Амир Темурнинг ўнг елкасига юзларини қўйиб суянганча жим қолди. Кейин Соҳибқирон сўзга оғиз очиб улгурмай, уни мавзудан чалғитмоқчи бўлди-

да, деди: – Келсунлар, оёқларини бир укалаб қўйай... Ҳм-м... Ҳазрат, Султон Бахт бегим кизимиз вояга етибдур, қарасам... Хотирларидан қўтарилдим, дейман. Аввалроқ ҳам айтгондим. Эсимга солсунлар, деб тайинлагондилар ўзлари. Тенгини топиб узатсак, девдим. Амир Жоку барлос жаноблари ҳам шу ҳақда бир нима деб юргондилар, шекилли...

Ялт этиб катта хонимга қараган Соҳибкироннинг жонланиб, кайфияти ўзгаргани сезилди:

– Ҳа, ҳа, Биби! Деган эди. Деган эди... Султон Бахт бегим кизимнинг тўйини ўтказмак керак.

Шу пайт Холдона биби етти яшар Муҳаммад Султонни етаклаб кирди. Соҳибкирон ясантириб қўйилган валиаҳд набирасини кучиб багрига босди. Манглайдан суюб-суюб ўпди. “Бошинг тошдан бўлсун, илоҳи!.. – дея пичирлади ичида... – Бошинг тошдан бўлсун! Шаҳзоданинг кўрмаган умрини ҳам сенга берсун!...”

Кўзлари чараклаган суҳсурдай бола қоплаб қўйилгандай Жаҳонгир Мирзонинг нақ ўзи эди! Жаҳон шаҳзодаси билан дунё маликасининг покиза зурриёти чиндан ҳам султон бўлгудай шахт-у шижоатли, шўҳ, тиниб-тинчимас, кунлар келиб кадамидан ўтлар чакнаши ҳозирданок билиниб турарди. Унга бокиб буюк юрт келажаги ҳақида ширин хаёлларга берилар экан, соҳир туйғулар Соҳибкироннинг шикаста кўнглини майин аллалаб эркалаб ўтди.

Бобо ва набирани жим кузатаркан, Сароймулк-хонимнинг ийиб кўзлари ёшга тўлди.

Орадан бир йил ўтгандан кейингина Кониғилда тўй тортиб, ёши йигирма тўртларга борган Султон Бахт бегимни Соҳибкироннинг эски дўстларидан амир Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка узатдилар. Қизнинг рўзгор қилмакка ҳеч раъйи йўқ эди, розилигини олиш чўзилиб кетди.

Амир Муҳаммад Мирак Хутталон вилояти ҳокими эсада, кўп вақти бошқа ерларда Соҳибкирон юришларида ўтар, Самарқандда бўларди.

Тўйдан кейин Боғи Баланд қасрида яшашаётган келин-куёвлар тарих милодий 1385-йил бошида пойтахтдан Хутталон, қайдасан, йўлга чиқдилар.

Хутталон ҳокими Амир Муҳаммад Миракнинг саройи вилоят маркази Хулбук шаҳрида жойлашганди. Вилоятнинг энг катта шаҳри Мунк ҳисобланса-да, лекин Хутталон амирларининг қароргоҳи одатда Хулбукда жойлашарди.

Йигирма-ўттиз йиллар аввал бу мухташам иморатда Туронзаминнинг номдор зодагонларидан Амир Кайхусрав ва унинг иниси Амир Кайкубодлар яшардилар. Муҳаммад Миракнинг отаси Шер Баҳром машҳур амирнинг хеш-у ақраболаридан эди.

Муҳаммад Мирак билан Султон Бахт бегим тўйларидан кейин Соҳибқирон кўнгли бироз таскин топди, чунки кизи муаммоси кўпдан бошини оғритарди. Ахир ёш нарсанинг ўқсиб қолиши ҳамма нарсадан ҳам оғирроқ. Соҳибқирон бунга тоқат қилолмади.

Келин-куёвлар тўйи Хулбукда бир ҳафтага чўзилди.

Амир Кайхусравни Амир Ҳусайннинг хунталаб навқарлари у дунёга равона этганларидан кейин, Соҳибқирон: “Бу жой Амир Шер Баҳром жойи эди, бас, унинг ўғли Муҳаммад Мирак ҳоким бўлсун!” – дея фармон чикарди. Шу тарика Шер Баҳромнинг ўн тўққиз ёшли ўғли Хутталон ҳокими мартабасига минди.

Ўша воқеалардан, чамаси, ўн йиллар ўтгандан кейин бир куни Боғи Баландда суҳбатлашиб ўлтирардилар, Амир Сайфиддин некўз ҳам бор эди, гап айланиб фарзандларга такалди-ю Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Султон Маҳмудхон ибн Суюрғатмишхон, Амир Сулаймоншоҳ, Мирзо Алибек, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Мубашшир баҳодир, Муҳаммадбек ибн Мусо ва Муҳаммад Мираклар ҳақида сўз кетди.

Соҳибқирон келгусида салтанат ташвишларини азот кўтарадиган амирзодаларнинг ҳар бири ҳақида тўлқинланиб гапирди. Амир Жоку барлос сўз орасида Шер Баҳромни эслаб ўтди. Кейин кутилмаганда бундай деди:

– Агар бир қошиқ қонимдан кечсалар, бир нарса таклиф этмоқчи эдим...

– Десунлар, эй амир ул-умаро! – Соҳибқирон шундай деркан, гарчи ҳозир лавозими ўзгарган эса-да, салтанатда мард ва садоқатли Амир Жоку барлоснинг нуфузи ҳамиша баландлигини таъкидламоқчи эди. – Буюрсунлар!..

– Парвардигор ҳар бир махлуқни ўз жуфти билан яратган. Гапни мухтасар қиламан. Муҳаммад Мирак ва кизимиз Султон Бахт бегим бошларини қовуштириб қўйсақ... Шер Баҳромнинг руҳи ҳам шод бўлур эрди. Совчиликни каминага тобшурсалар.

Бу таклифни эшитган Амир Темур даставвал куёвини эмас, балки дўсти Шер Баҳромни кўз олдига келтирди. Шер Баҳром унга гўё: “Биздан ҳимматингизни дариғ тутмангиз, Амир Соҳибқирон! Муҳаммад Мирак ҳам ўз фарзандингизда...” деяётгандай туюлиб кетди. Унинг устига Амир Жоку барлос илтижо айлаб турибди.

Соҳибқирон розилик берди.

Афсуски, совчилик Амир Жоку барлосга насиб этмади. Кейинги пайтларда Амир Жоку барлос кўп сирқовланар, ёши ўтган сари сафарларга ҳам гоҳ-гоҳда боролмай қоларди. Соҳибқирон унга Кобулистон вилоятини топширган, ўша атрофга кўз-қулоқ бўлиб туриш вазифасини юклаганди. Ёзга чиқар-чиқмас амир ул-умаро уч кун касалланиб кўрпатўшак қилиб ётди-ю бандаликни бажо келтирди. Соҳибқирон Жаҳоншоҳ ибн Жокуга отасининг чеки – Кобулистон вилояти ҳокимлигини топширди.

Муҳаммад Мирак асли Соҳибқирон кизини ёқтирмасди. Унча-мунчага бўйин эгавермайдиган қиз билан бир ёстиққа бош қўйиш мушуқлигини яхши биларди. Лекин подшога яқинлашиш истаги бундан устун келди, эрта бир кун қачондир у шу Хутталондай чекка бир вилоятда ўтиравермаса керак ахир. Ҳатто отаси Шер Баҳром Амир Ҳусайнга яқин бўламан, деб Хутталондан чиқиб кетди, ўзини ўтгачўкка урди, гоҳ уни ташлаб Амир Темурга ёндошди, унинг ишончини қозонди. Соҳибқирон Шер Баҳромни яхши кўрарди. Кейин яна Амир Ҳусайнга юз бурди. Икки кемани тутмоқчи эди, охир оқибатда адоват денгизиде фарқ бўлди. Отасининг бир гапи доим эсида: “Ўғлим, – деганди Шер

Баҳром. — Ҳар бир амир ичида ўзини пошшо чоғлайдир! Пошшоликнинг завқи бошқа... Пошшолик бамисли куёш: яқинлашсанг куйдириб юборади, узоқлашсанг совқотмоғинг аниқдур...”

Келин-куёвлар тўйдан кейин икки ой давомида фароғатда яшадилар, меҳмондорчилик, сайр-у саёҳатдан бўшамадилар. Аста-аста Муҳаммад Миракнинг мизожида хийла ўзгаришлар сезила бошлади. Лекин писмиқ амир барини яширишга уринарди.

Соҳибқироннинг кизи даставвал тўй завқи-шавқидан боши айланиб қолдими, кўп нарсаларга эътибор бермади. Назарида, ўша паллалар куёви жуда меҳрибон, муомалалари ҳам мулоим эди. Ёки тўйнинг ҳали йироқ кетмаган файз-у шукуҳи, нашъу наъмоси сабабчимиди бунга... Нохуш жойи, аёл зотига муккасидан кетганлардан экан, баъзан кундузлари ҳам қайлиғига иддао қилиб келарди.

— Маликам... соғиниб кетдим... — бақрайган кўзларини қисганча тап тортмай дерди Муҳаммад Мирак...

— Нар и туринг-э!.. — рўйхушлик бермасди малика оғриниб.

— Сиз меникисиз... Отангиздан сотиб олганман, ҳа-ҳа!.. — ўз мақсадига эришмагунча қўймасди уялмаган бетавфик эр.

Кун ора аҳвол шу...

Султон Бахт бегим ҳали куёвининг сийрату сажиясини тузук англаб етиб улгурмай, Соҳибқироннинг Эронга уч йиллик юриши бошланди. Ҳумоюн ўрдудан барча вилоятларга тарқатилган сафарбарлик фармони Хулбукка ҳам етиб келди.

Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ўз қўшинини жам этиб, Ҳирот яқинидаги катта лашкароғҳга жўнади. Ўзи билан негадир янги келинчак Султон Бахт бегимни олиб кетмади, балки кундоши ҳинд аёли Мадхубонуни ортидан ияртирди. Кундоши яхши аёл, ғайирлиги йўқ... Дарвоқе, бепарда гапларни ёқтирадиган Муҳаммад Мирак бу бечора аёлни минг азобга солар, “Ҳе, оғзингга фалон!..” деб сўқар ҳам эмиш. Ёш келинчак буни канизаклардан эшитди.

Даставвал, четлаб ўтганлари учун маликанинг жаҳли чиқди. Кейин ўйлаб-ўйлаб, куёви янги келинчак баланд-чакир йўлларда уриниб-нетмасин, дея уни аяган, деган хулосага келди. Кейин ўзини овутадиган яна бир сабаб ҳам топди. Ахир падари бузруквори Амир Соҳибқирон ҳам сафарларга ҳамма завжалари, канизакларини олиб кетмайдилар-ку. Гох Туман оқани, гох Дилшод оқани эргаштирадилар, аммо ҳеч қачон маҳди улё Сароймулкхонимни Боғи Чинордан жилдирмайдилар. Хонимойим доим Самарқанди фирдавсмонандда қоладилар, кутиб олишларда эса ҳамма маликаларни бошлаб ҳазрат истикболларига пешвоз чиқади-лар. Султон Бахт бегим ҳам ўшандай мақомда-да!

Бир йилга бориб-бормай куёвлиги эътиборга олиними ёки Хутталон вилояти ҳам муҳим мавзелиги назарда тутилиб муҳофаза ташвиши чекилдими, ҳар қалай, Эрондан Муҳаммад Мирак қўшинига ортга қайтиш ҳақида ёрлик берилди. Навкарлар орасида: “Ҳар ким ҳам Соҳибқирон куёви бўлсин экан, жангни ҳам эплаган эплайди, қайната-сига ялиниб-ёлворганми, мени қайтариб юборингиз, деб...” кабилида майда-чуйда гаплар, висир-висирлар ёйилиб кетди.

Султон Бахт бегим бундан беҳабар канизаклари қуршо-вида ҳам падари бузрукворини тавоф айлагани, ҳам куёвини зиёрат қилгани Эрон тарафга йўлга чиқди. Бунга маҳди улё Сароймулкхонимнинг Самарқанддан жўнатган чопари сабаб бўлди.

– Бибихоним ҳазрати олиялари Наврўз айёмига Амир Соҳибқирон ҳузурига отланмакдалар, – кўли кўксида деди чопар. – Соҳибқирон эъзозли маликалар, оға ва бегимларни Кўкча денгиз¹ соҳилига етиб келсунлар, деб буюрибдурлар. Маликаларнинг кўришмағонларига ҳам бир йилдан ошиб-дур. Амир Соҳибқирон келини Хонзода хонимнинг шижоат ила Султониядан йўлга чиқғонларини билдиргил, ҳамда шахзода Муҳаммад Султон, амирзодалар Шохрух Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо ва Халил Султон баҳодирларни олиб бораётғонимни айтгил, камоли эҳтиром ила суюкли Султон

¹ Кўкча денгиз – Севан кўли

кизимни ҳам шу сафарга чорлагонимни етказгил, деб уқтирдилар... Хуросон-у Мозандарондан барча темурий маликалар ўша ерда тўпланармишлар...

Султон Бахт бегим кувониб кетди. Ох, кандай яхши! Барча билан дийдорлашади, дил ёзишиб гаплашади, дардлашади...

Бирок маликага бориш насиб этмади. У канизаклари ва хизматкорлари билан эндигина Термизга етганди, куёви Муҳаммад Миракнинг Эрон жангларида қайтиб келаётгани ҳақидаги хабарни эшитди.

Султон Бахт бегимнинг ҳафсаласи пир бўлди. Улар Термизда учрашдилар. Султон Бахт бегим, Сароймулк-хоним, Туман оқа ва бошқа маликаларнинг зафарёр Соҳибқиронни Самарқанддан анча узоқларда, Дизак ёки Тошкандда кутиб олганларига ҳавас қиларди.

Кутилмаганда Муҳаммад Мирак сулув келинчагини кўриб кувониш ўрнига, бакрайган кўзларини пирпиратиб:

– Қаён отландилар шу кетишда?.. Ким сизга шундай қилгил, деди ўзи?.. – деб ўшқириб берди. – Нега Хулбукда тинчгина ўлтирмайсиз?

– Мен... истикболларига чиқаётган эрдим...

– Ким сизни чиқ, деди?

Малика нокулай вазиятга тушганидан хижолат ерга қаради.

– Ўзбошимчаликни жуда ёктирасиз! Ҳа, қуш уясида кўрганини қилур!

– Ие! Бу нима деганингиз?.. Қуш уясининг нима дахли бор? Кутиб олишнинг нимаси ёмон экан?

– Э, валаклашиб ўтиришга вақтим борми! – сўзни кесди куёв бетақаллуфларча. Сўнг бепарво йироқроқда тўхтаган навкарларга буюрди: – Тайёрланингизлар! Жўнаймиз!

– Кутиб олишнинг нимаси ёмон экан? – такрорлади яна иззат-нафси лат еган Султон Бахт бегим. – Ана, Сароймулк-хоним жаноби олиялари ҳам ҳамиша Амир Соҳибқиронни кутишга нақ Тошкандга борадилар-ку...

– Э... э... уларга ярашадур! Аммо мен Соҳибқирон-масман, сиз жаноби олиялари эмассиз!.. Ҳали бунга бир неча

ковун пишиғи бор!

Малика аччиқдан лабларини бурди-ю ортиқ индамади.

Сафарда нимадандир кўнгли хуфтон бўлганми, ҳар нечук, Мухаммад Мирак бобиллаб, маликага ортиқ оғиз очиргани қўймади.

Палағда бир кайфиятда Хутталонга қайтдилар. Бу нарса Султон Бахт бегимни қаттиқ таажжубга солди.

Бир куни ярим тунда Мухаммад Мирак уйқу ичида алахсирай бошлади:

– Қоч! Қоч!.. Қоч! Ана! Ана... Ҳм-м! Ҳм-м!.. Ҳе, модарингни! Ушла! Ушла... Султон Маҳмуд! Тўхтамишхон қани?..

Келинчак кўркиб кетди. Қараса, куёви жикқа терга тушибди. Сал тинчлангандан кейин унинг бир маромдаги хурраги эшитилди.

Шу палла ҳовлида бедор юрган қоровулнинг аста томоқ кириб қўйгани кулоққа чалинди. Маликанинг уйқуси ўчди. Бурчакдаги шам хонани хирагина ёритиб турарди. У куёвининг тутумига таажжубланди, чунки авваллари ҳеч бундай ҳолни кузатмаганди. Тўғри, унда гоҳ-гоҳ ғамгинлик, бадғумонлик, нимадандир хавфсираш аломатлари, айрим ғайритабиий ҳаракатлар сезиларди. Малика барини ўткинчи ҳолатларга йўярди.

Алламаҳалда куёв оғзидан алмойи-алжойи сўзлар чиқиб, яна алахсирай бошлади:

– Ҳа, ҳа, сенми?.. Сенми?.. Ким? Искандар Зулқарнайн?.. Хо-хо-хо! Мен Искандар Зулқарнайн! Мен!.. Сен?! Мен!!! Сенми?.. Сен-а?!.. Сен-а?!..

Мухаммад Мирак сапчиб ўрнидан туриб кетди ва жойнинг бир четида чўчиб омонатгина ўтирган Султон Бахт бегимга ташланди:

– Сен-а?!.. Сен-а?!.. Мен Искандар Зулқарнайн!

Мен!.. Сен-а?!.. Сени... Султон Бахт бегим қараса, куёви билибми-билмайми, унинг томоғига ёпишиб бўғмоққа уринмоқда! Балки уни Искандар Зулқарнайн деб ўйлаётгандир? Нима, куёви восвос касалига учрадим, телба бўлдими, молихулиёликданмики, ўз қайлиғини ҳам танимас

даражага етибди?..

Малика даставвал бақирай деди, лекин шу ондаёқ тункечада бундай қилишнинг яхши эмаслигини идрок этди ва томоғини Муҳаммад Мирак қўлларида кийинчилик билан бўшатишга уринди. У жасур қиз эди, авваллари савашишларда қатнашгани, бироз эркакшодалиги ҳам қўл келди. Фавқулодда ғазаб унга куч-қувват берди, бақрайган кўзлари ортикча чақчайиб кетган, йиртқичга айланган Муҳаммад Миракни қаттиқ силтаб жойга итариб юборди. Куёви боши ёстиққа тегди-ю яна хуррак ота бошлади.

Малика эрталаб суриштирганда, Хутталон ҳокими ҳеч нарсани эслолмаслигини, кечаси уйкудаги ҳаракатларини билмаслигини айтди, воқеани эшитиб ҳатто ҳайратга тушди.

Султон Бахт бегим авваллари бунга ишониб юрди-ю барибир куёвининг шайтон йўлига кирганлигини фаҳмлай бошлади. Бунга бир воқеа қаттиқ туртки бўлди.

Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас, малика бирдан Хутталонга Тўхтамишхон чопар жўнатганини эшитиб қолди. Чопар Муҳаммад Мирак мактубига жавоб олиб келган экан... “Кошкийди, унда нима ёзилғонини билсам! Мактубни қўлга туширишим керак!.. — ҳаёлидан кечирди малика қандайдир нохуш нарсани сезиб. — Албатта, қўлга туширишим керак!..”

Мактубда Олтин Ўрда хони салтанат ишлари яхши кетаётгани, бу томони Табриз, у ёғи Московия унинг қўл остига ўтгани ҳақида фахр билан ёзаркан, шундай давом этганди:

“... Сиздан бағоят миннатдорман. Соҳибқиронга мухолифлигингиз айна муддао бўлибдур, чунки бундай ҳукмдорга қарши барча бирлашмай туриб кураш олиб бормак мушкул. Шижоатлар бир жойга қўйилмоғи керак. Худо хоҳласа, Турон салтанати сизнинг насибангиздур. Фақат озгина фурсат бор. Тез кунларда, кишиларимиз тарафидан Тўхтамишхон Хоразмга катта юриш қилур, деган ёлгон хабар тарқатилур. Амир Темур, шубҳасиз, бутун диққатини Хоразмга қаратгай ва ўша ёққа жўнагай... Мамлакат холи қолгай. Фурсат етгани шулдур. Жанобларидан лозимдурки,

шиддат кўргизсунлар, тарафдорларни йигсунлар, Бухоро ва Самарқандга чопқун солсунлар, тахтни қўлга киритсунлар... Амир Темур Хоразмдан қайтгунча, бизлар Туронзаминни забт этгаймиз... Дийдорлашув – Самарқанди фирдавсмонандда, Кўксаройда...”

Муҳаммад Мирак мактубни ўқиб, қувонганидан кўзлари ёшга тўлди. Лекин шу онда кўнглидан: “Тўхтамишхон айёрлик қилмаяптимикин? Тахтни қўлга киритгандан кейин... тортиб олмасмикин? Муҳаммад Мирак яна Хутталонда ҳокимлигича қолиб кетмасмикин?.. Ҳатто ўз акангга, укангга ишониш қийин бир замонда бу гапларга суяниш мумкинмикин?..” кабилида иштибоҳлар кечди. Қайта-қайта мактубни ўқишга киришди, ҳар ўқиганда шубҳа-гумонлар кам-кам ортга чекинади.

Дарров иниси ва сирдоши Абулфатҳни ёнига чорлади. Озгиндан келган ундан олти ёш кичик укаси, ўзича ҳеч нарсага дадил қадам босолмайдиган, журъатсиз, кўркок бир йигит эди. Акаси нима деса, шуни маъқуллар, ҳеч қачон эътироз билдирмасди.

Улар амирнинг уйида меҳмонхонада ўлтиришарди. Иттифоқо, Султон Бахт бегим меҳмонхона ёнидан ўтаётганди, ичкаридан чикиб турган гангир-гунгир овозлар эътиборини тортди. Меҳмонхона эшиги зич ёпилганидан сўзларни тушуниб бўлмасди. Фақат ора-орада “Тўхтамишхон...”, “чопар”, “Самарқанд” деган сўзларнигина англади, ҳолос.

– Олтин Ўрда ҳоқони Тўхтамишхон бирлан қалин дўстман, дўстман! Мактуб юборганини кўрдингму? Ҳаммага ҳам ёзмайди... – ўзини осмонда сезиб мақтанарди Муҳаммад Мирак.

Шу палла меҳмонхона эшиги шамолдан сал очилиб қолди, шекилли, Султон Бахт бегим энди гапларни аниқ эшита бошлади. Хутталон ҳокими Абулфатҳга Тўхтамишхон мактубида акс этган режаларни очилиб-сочилиб гапириб берди. Барибир кўнгли тўлмади, мактубни ўқий бошлади. Охирида ғурурланганча:

– Соҳибкирон салтанатини ўзим эгаллайман! – деб юбор-



ди!

“Нима-а-а?! Ўл, жинни!.. Бефаросат!..” – куюнди ичида Султон Бахт бегим...

– Сенга айтайми, дунёнинг роҳати нимада?.. О, сен билмайсан... – деди бирдан Муҳаммад Мирак.

Абулфатҳ бу гапларни юраги така-пука бўлиб эшитар, умуман оғасининг фосик одамлигини кўриб турса ҳам, ҳеч нарса демас, ундан қўрқарди.

– Хукмронлик қилишда! Орзуим хукмдор бўлиш! – дерди Хутталон ҳокими. – Яна... Моҳичеҳралар жони дилим! Моҳичеҳралар!.. Уларни товукдай босишдан кўра ҳам, қийнаш, қийнаш мен учун роҳатдир! Роҳат! Ох! Яхши зиёфат бўлса... Қўй ёғида ош, қазӣ-қарта, жигардан кабоб, каклик қовурдоқ... пўст думба сомса... Шароб ила май... Тўйиб есанг, ичсанг! Хо-хо-хо! Кейин сархуш-у сармаст жононни қучоққа олсанг, қийнасанг, гулдай эзсанг, азобласанг, яна қийнасанг! Айникса, Амир Соҳибқирон қизини! Ахир Соҳибқироннинг жигарини қийнапман-ку! Қийнаш... қийнаш... Яйрайман-да! Завқ-шавқларга тўламан! Жоним кирадир! Жононни қийнасам жоним кирадир!.. Жонон – жон! Жонон – жон! Хо-хо-хо! Биласанми, қийнаганимдан сўнг иштиёғим беҳад ортадур, бе-е-еҳад ортадур! Шер бўб кетамен-е! Ох!..

Муҳаммад Мирақнинг ёниб турган бақрайган кўзлари тез-тез пириллар, бемисл завқ-шавқни ифода этарди.

Абулфатҳ индамай эшитарди.

Султон Бахт бегим “Вой ўлай!.. Бетавфик!..” дея юзларини тўсиб, уялганча меҳмонхонадан йироқлашди. У куёвининг шайтон йўлига кирганига аниқ ишонди. Ўша-ўша, маликанинг ташвишлари кўпайди.

– Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, амирим... – деди бир куни Султон Бахт бегим мулоим оҳангда куёвининг жаҳлини чиқариб юбормаслик ниятида. – Нима учун тушингизда ҳамиша кимдандир қочиб юрасиз?.. Майдонларда от чоптирасизми-ей... Ҳамма нарсадан ҳадиксирайсиз, тавба...

– Ҳадиксирайсиз?.. Йўқ, йўқ...

– Кеча кечаси уйқунгизда яна алланималарнидир айтиб чиқдингиз. Авваллари ҳам кўп марта шундай бўлган. Сизга гапирмагонмен. – Куёвига қийик кўзларини тикди Султон Бахт бегим.

– Нималарни айтиб чиқибман?.. – йўқ кулоғининг ўрнини силаркан ғижиниброк сўради Муҳаммад Мирак.

– “Осмон тушиб кетса қайга қочаман?..”, “Ер ютса нима қиламан?..”. Гоҳ-гоҳ Амир Соҳибқирон номларини ҳам гапириб қўясиз, “Подшо бўламан! Подшо бўламан!..” дейсиз. Қаерга подшо бўлмоқчисиз?..

Муҳаммад Мирак худди уят жойи очилиб колгандай кўзлари чакчайди:

– Тафтиш этишни қайдан ўргандилар, маликам?.. Ёки онангиз сизни шунга тукқанмилар? Узатаётган вақтларида Соҳибқирон: “Тафтиш эсингдан чиқмасун!”, деб кулоғингизга қуйиб қўйганмилар? Завжамисиз? Тафтишчимисиз? А?.. Яна нималарни тайинлаганлар? Қайга борганимни, босган қадамимни санаб юришни ҳам айтганмилар? Қанча қадам босдим, нафас олдим, нима қилдим, нима қўйдим... Шундайму?.. Гапирсинлар-чи, маликам?

Хутталон ҳокими бетоқатликдан кўзининг бурун томон бурчаклари қаттиқ ачишиб кетганини сезди ва беҳузур тебрана бошлади. Қараши одамларникига эмас, йиртқичларникини эслатарди. Чуқурлашгандай туюлган кўзлари тез-тез пирпирар, қошларини дам-бадам қўли билан юкори кўтаришга уринарди. Бари молихулиё касаллиги белгиларига ўхшарди. Султон Бахт бегим бир пайт буларни Бу Али Сино китобида ўқиганини эслади. Бундай кишилар кўпинча кўрқоклик, бадгумонликка бериладилар, бадфеъллик этагидан тутадилар, одамдан қочадилар, ўринсиз хавфсирайдилар, ўзларини гоҳ подшо, гоҳ шайтон, гоҳ ҳайвон деб ҳаёл қиладилар...

Султон Бахт бегим шавҳарини танимай қолди. Наҳотки, куёви шундай касалликка чалинган? Унда шўрлик Султон Бахт бегимни худо уриб қўйибди-да!

Куёвининг ёмон хотинларга ўхшаб шаллақилигини илк марта кўриб турган келинчак тонг қотди:

– Вой, тавба!.. Танимай коляпман сизни... Нималар деяпсиз, амирим? Бу асло сизга ярашадургон иш эмас! Дунёда йўк гапларни гапирасиз-а! Кошки, буларнинг ўндан бири тушимга киргон бўлса!..

– Ҳа, тушингизга кирсинму? Кирсинму?.. А?.. Ҳали шуни истар экансиз-да, а?..

– Вой... мен...

Келинчакка оғиз очирмаган куёв зуғум билан деди:

– Остонамга кадам қўйганингиздан бери оромим йўк, ишингиз фақат тергашдан иборат... Тергаш, тергаш!.. Отингизни Султон Бахт бегим эмас, “Султон Тергаш бегим” деб аташ керак ўзи, маликам! Англаймиз... ахир биз ҳам тоғдан тушган эмасмиз, фаҳмимиз етадур, олғон нафасимизгача Ҳумоюн ўрдуга бориб турибдур... Ёки Амир Соҳибқирон сизни менга жосусликка берганмилар?..

Кейинги гап Султон Бахт бегимга ботиб кетди. Шу ергача тишини тишига қўйиб келган малика энди чидолмай колди. Унга алам қилгани – куёвининг ҳеч бўлмаган ишни рўкач айлаши, айникса, Соҳибқирон шаънига теккизиб гапирishi, “жосус...” деб кесатиши эди. Ҳар иккиси ҳам кизик устида эр-хотинлар ўртасидаги авайлаб сакланадиган нозик парданинг аста-аста очилиб бораётганини сезмасдилар.

– Ие! Жосус?.. Вой! Сиз кимдурсизки, жосусга арзийдургон!.. Ўзларини катта баҳолаб юбордилар-ку! – аламдан қах-қах урди Султон Бахт бегим. – Худо урди!.. Яхшиликка ёмонлик экан-да?.. Қандай яхшиликлар кўргиздилар сизга Амир Соҳибқирон хазратлари! Сизгина эмас, эшитгонмен, мухтарам падари бузрукворингизга ҳам. Андишанинг отини кўрқок демангиз, амирим!..

– Нима-нима?.. Яхшиликлар кўргизди?.. Қанақа яхшиликлар?.. Хо-хо-хо!.. Яхшиликлар эмиш! Савашларда жонингни жабборга бериб, ўзгни ўтга-чўққа урасан, ўлартириларингга қарамай от сурасан, аммо шараф бошқаларда!.. Курултойда отинг ҳам чикмайдур!.. Ҳамиша шундоқ: биз қилич тутиб, конимиз тўкилур, лўкмани ўзгалар ер, кийим кияр... Мана, Эрон юришида ўзимни аямай не балоларга урмадим. Аланжўқ қалъасини қамал этдим! Ўҳ-

хў!.. Қандай қалъа! Шаддоди Однинг ўзи бино қилган, ҳа!.. Қалъага нақбалар¹ солиб, сувини сўриб олиб тўрт ёндан от солиб мусаххар айладим! Қалъа доруғасини қўлини кишанлаб Ҳумоюн ўрдуга келтурдим. Йў-ў-ў-ўқ!.. Соҳибқирони комкор буларга қарамадилар! На машваратда номимиз чиқди, на бирон ерни суюрғолга бердилар бизга... Мени қўллаб-қувватласалар, куёвлариман-ку ахир! Бегонага кетармиди? Шуми куёвга ҳурмат? Куёвни пайғамбар ҳам сийлаганлар-ку! Э-э-э!.. Адолат, адолат, дейдилар. Адолат! Қани адолат?.. Адолат осмонда!..

– Хутталондай катта вилоят ҳокимисиз-ку ахир! Бунга нима дейсиз? Бошқаси ҳам бўлар...

Муҳаммад Мирак телбаларча хахолади:

– Вилоят ҳокими эмишман!.. Вилоят ҳокими! Хутталон қадим-қадимдан менинг ота-боболарим юрти. Отангизнинг зиғирча ҳам ҳаққи йўқ!.. Ва у киши, айтиб қўйингиз, менинг ҳимматим, деб оғиз кўпиртирмасунлар! Соҳибқирон куёви эмишман!... Мен, билсангиз, уйланаман, деб кўзим учиб турмағонди асли!.. Ҳеч ким олмағон ожизасини ялиниб-ёлвориб узатдилар!.. Ҳа-ха!.. Отангизнинг ўзлари бердилар! Ўтмас матосини бизга ўтказдилар...

Малика фавқулодда вужудини чулғаган қаҳр-у ғазабдан телбаланди, қўлида қиличи йўқлигидан қаттиқ афсус чекди, акс ҳолда шартта урмоғи муқаррар эди! Унинг назарида, шунча гапни эшитиб, “ўтмас мато” бўлиб жим ўтириши энди мумкин эмас, у нимадир қилиши шарт!

Султон Бахт бегимнинг кўзларида ўт чакнади:

– Нима-нима?.. Вой, бебурд! Вой, бетамиз!.. – деб юборганини билмай қолди малика. – Юзсизликни қаранг-а! Уят ҳам йўқ... Бет йўқ!.. Вой, ўл!.. Эркак бўлмай ўл!..

Муҳаммад Мирак қараса, малика Султон Бахт бегим ғазабдан қийик кўзлари қисилган, юзларига ол ранг югурган, чеҳрасида худди жаҳли чиққан ёш сулув қизчанинг гўзал ифодаси кўринди. Куёвнинг бирдан меҳри товланиб кетди, гўзал маликага тикилганча чакчайган кўзлари ҳирсдан ёна бошлади... Шарм-у ҳаёсиз амир эркаклигини кўрсатиб

¹Нақба – лаҳм (муалл).

кўймоқчидай шартта маликани кучоклади ва типирчилатиб хона ўртасидаги устунга маҳкам боғлади... Сўнг бир челак сув келтириб бошидан куйиб юборди! Унинг тутумлари соғ одамникига ўхшамасди.

Маликанинг пуштиранг ҳарир кўйлаги ҳўлликдан чиппа баданига ёпишди, унинг анордай сийнаси, хушбичим сонлари алоҳида-алоҳида ажралиб куёвнинг кўзларини ўйната бошлади. Узоқдан томоша қилиб турган Муҳаммад Мирак, гўё биров олдин орада ҳеч қандай аччиқ-тирсик гаплар ўтмагандек, “Маликам... Маликам... Қандай гўзал-сиз, ўзимнинг маликам!..” дея шивирлади, аллақандай хирс исканжасида устунга яқинлашди-да, оёқлари билан ер тепинаётган маликанинг пуштиранг кўйлагини ёқасидан ушлаб икки томонга тортиб парчалаб ташлади! Бу унинг энг ёқтирган қилиғи эди. Кейин алламбалоларни шивирлаганча, куёвининг ғайритабиий ҳаракатларидан ҳайратда, лом-мим демай тошдай қотган маликанинг ярим очилиб қолган, бундан бекиёс гўзаллик касб этган соҳир сийнасига очофатларча ёпишди...

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

I

Уч йиллик Эрон юришидан қайтар экан, Соҳибкироннинг кўнгли ғаш эди. Тинғчиларнинг хабарларига қараганда, унинг шарқдаги душманлари Қамариддин, Анқо Тўралар ҳамон қиличларини қинига солган эмаслар. Ўша ёқлар ҳали-ҳануз нотинч ва таҳликали... Устига устак, ёш ҳукмдор Сулаймон Сўфи атрофига йиғилиб олишган Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Маҳмудшоҳ Бухорий кабилар тинимсиз уни йўлдан уриб, Амир Темурга қарши қайраш-ла оворалар...

Ўтрор яқинидаги Чукалак мавзеида юз берган жангда Соҳибкирон кўшини пароканда бўлибди... “Ўғли” Тўхтамишхоннинг иддаолари ҳам кучайиб бораётир. Хоразмга босқин уюштиргач, Тўхтамишхон Хоразм волийси иккиси бузгунчилик ҳой-ю ҳавасларини бирлаштириб бир-бирлари

кўнглига йўл топган эмишлар. Бухорони босибдилар, Занжирсаройга ўт кўйиб кетибдилар.

Кўксаройда ўтган машваратда аркони давлат вакиллари ташкари Чукалак жанги иштирокчилари ҳам катнашдилар. Соҳибқирон барчасини тафтиш учун чорлатганди. Даставвал Эрон юриши ҳақида сўз кетди.

Амир Темур Самарқандга қайтар экан, Калот йўлида Абу Муслим Марвазий мазорига¹ тушди ва зиёрат қилди. Соҳибқирон уммавийлар² халифалигига қарши курашган, Турон юртининг қарамликдан чиқишини истаган, йигирма саккиз ёшда қатл этилган асли Исфаҳондан чиққан қул бўлган Абу Муслимни мард ва шижоат соҳиби экани учун яхши кўрарди. У ҳақда “Абумуслимнома” қиссасидан кўп нарса билиб олгани ёдида.

Арзинжон ва Арзирум ҳукмдори Тахуртан Соҳибқирон ҳукуматига қуллук қилиб, итоат камарини белига маҳкам боғлади. Гуржистон подшоси Бағрат мусулмон бўлди. Ироқи Араб, Форс, Шероз ва Исфаҳон шаҳарлари салтанат қабзаи ҳукмига олинди.

Шулар ҳақида гапираркан, Соҳибқирон хаёлга чўмди-ю?

Шерозда Хожа Ҳофиз лақабли шоир билан мулоқотини эслади. Ҳа, у Шерозга борганида бу шоирни топиб ҳузурига келтиришларини буюрди.

Хожа Ҳофиз машҳур шоир эди. Соҳибқироннинг улут пойтахтида ана шундай шоирлар истикомат қилишлари керак, туркигўй, форсигўй, арабий шоирлар! Ҳиротда, ўзи ёш, аммо ҳозирдаёқ малик ул-калом дейишга арзигулик туркигўй бир шоирни айтиб қолдилар, аниқроғи, шайхул-ислом Хожа Абдулмалик қувониб деди:

– Ҳазрат Соҳибқирон, бир шоирнинг туркий ғазали дилимга қаттиқ ўрнашмишдур. Бу ғазални кўча-кўйда айтиб юришибди. Содда ва гўзал ифода этилмушдурки, руҳингиз ором оладур. Ўзи ёш, балки йигирмаларда, аммо худо берган соҳиби истеъдод экан, асли Шошдан эмиш, ҳозир Ҳирот

¹ Абу Муслим Марвазий (тахминан: 727-755) – Хуросон ва Мовароуннаҳрда уммавийлар сулоласига қарши ҳаракат раҳбари.

² Уммавийлар – Яқин ва Ўрта Шарқ, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган араб халифалари сулоласи (661-750).

ёнидаги Дехи Канор кишлоғида яшармиш. Хайрият, ўз тилимизда шундай байтлар пайдо бўлмакдадур. Бари сизнинг шарофатингиз, Амир Соҳибқирон...

Соҳибқирон шайхулисломнинг ўзи ҳам пинҳона ғазаллар тўкиб туришини, “Исомий” деган тахаллусдан фойдаланишини эшитганди.

– Ҳўш... Байтни айтсунлар-чи...

– Узримни қабул айлангиз, чўзиб юбордим... Байти мундок:

*“Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масал борким: “Чароғ туби қоронғи”...*

Амир Темур шайхулисломга таажжубда қаради:

– Фақат бир байтму?..

– Бир қошиқ конимдан кечсунлар... – деди шайхулислом ва ғазални бошидан ўқиб бошлади:

*Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масал борким: “Чароғ туби қоронғу...”*

*Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: “Оққан ариққа оқар су”.*

*Юзингни тутгум ортуқ ой-у кундин,
“Кишининг кўзидур, оре, тарозу”.*

*Кўзинг қонимдин ийманмас, ажабтур,
Ки “Кўрқар, қайдаким қон кўрса ҳинду”.*

*Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: “Тилагонни тилагу”...*

Диққат билан тинглаган Амир Темур мамнун бош тебратди ва охиста деди:

– Лутфий... Тахаллусни яхши танлабдур, бу шоирга лутф этмак жоиз. Каломи маънилик... Чароғ туби қоронғи...

Оккан арикка окар сув... Ундан бохабар бўлсунлар, шайхулисом жаноблари! У бамисли бир ниҳол, унга парвариш лозимдур, у миллат-у улус шарафидур! Унутмангизким, ҳар бир истеъдод соҳиби, Оллоҳ томонидан сийланадурғон сиймодур ва бу айрича салоҳият унга бежиз берилмағондур. Қадрига етмак керак!

Табиатан илм-у маърифатга мойил Амир Темур Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Жалолиддин Румий, Хусрав Дехлавий ғазалларини мутолаа қилишни ёқтирарди. Икки йил бўлди, шундай кунлардан бирида Соҳибқирон Ҳофиз Шерозий девонини ўқир экан, ғаройиб байтга кўзи тушди.

Байтга такрор синчиклаб қаради. Ҳа, адашгани йўқ, шоирнинг ўзгалар ҳисобига саҳийлиги жуда ҳам меъёридан ортиб кетибди! Саҳийлик ҳам эви билан-да... Соҳибқирон, худди шоир унинг икки буюк шаҳрини бугун-эрта тортиб оладигандай ғазабланди ва қўли иягига чўзилди.

У Самарқандни оламнинг маркази қилишга бел боғлаган, меҳрибон-у мушфик онаизори Тегина Хотун туғилган Бухорои шарифни ислом динининг қувватига айлантиришга аҳд айлаган. Самарқанд – салтанат пойтахти, Бухоро – волидаи муҳтарамасининг она шаҳри. Бу қандай кўргулик-дурки, машаққатлар чекиб обод этган икки шаҳарини зиғирча андишага бормай бир гўзалнинг қаро холига бериб юборибдурлар?..

Шоирни туш маҳали шохчодирга олиб келдилар. Рўпарада етмишлардаги, бир пайтларги мағрур қаддини фоний дунёнинг азоб-уқубатлари букиб қўйган озғингина одам турарди.

У Ҳофиз Шерозий эди; эғнига наमतдан тикилган фақирона ҳирқа ташлаган, ҳассага таянган дарвиш либосидаги бу мўйсафид номи чиққан “Ринди Шероз” га сира ўхшамасди. Амир Темур оламшумул соҳир ғазалларни шу бечораҳол нимжон, мункайган одам ёзганига ишонинқирамай қаради. “Халлоқи безаволга салламно!..” – деди ичида.

Бироздан кейин Соҳибқирон бирдан ғазал ўқий бошлади:

*“Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндӯяш бахшам Самарқанд-у Бухороро¹”.*

Бу байтни сен иншо этгонмусен, эй банда?.. Менинг шахарларимга тил теккизишга қандай журъат этдинг? Албатта, сиз шоирлар худо билан гаплашиб турасизлар, илҳомни яратгандан оласизлар, сизларни тушуниш ҳам қийин...

Ҳофиз Шерозий кўлини кўксига кўйиб:

– Ҳа, каминаи камтарин битгонмен, Соҳибқирон ҳазратлари, гуноҳкор бандадурмен... – деди-да, бош эгди. У жаҳонгирнинг ғазабидан кўркади. Кўнглидан, “Ўксинма, эй Ҳофиз, ҳатто подшолар ҳам байтингни айтиб юрадурлар...” – қабилида фикр ўтди.

– Бир гўзалнинг каро холига икки улуғ шахримни бериб юборибдурсен?.. – сўради Амир Темур. – Саховатда Ҳотаи Тойни ҳам ортда қолдириб кетибсен-ку?..

Шоир назар ташлаб, Соҳибқироннинг жиддий қараб турганини кўрди. Кўнглига бир фикр келди. Шу заҳотиёк ичида машҳур байтни бундай тузатди:

*“Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндӯяш бахшам як сарқанд-у ду хурморо”².*

Ҳофиз Шерозий, байтимни ғанимлар ўзгартириб юборибдурлар, аслида мана бундай эди, деб янги таҳрирни ўқимокка чоғланди-ю, аммо Соҳибқироннинг унчалар ҳазилни ёқтирмаслигини эшитганидан, салобати босиб айтишга ботинолмади. Таъзим қилди-да, ювилавериб ранги ўчган хирқасини очиб, яланғоч қоқ кўкрагини кўрсатди:

– Амир Соҳибқирон! Рост дедилар! Ҳотаи Тойни ҳам ортда қолдириб кетибсен, деб мактағонлари учун қуллук! Ундан ҳам ўтиб кетдим! Ахир машҳур Ҳотаи Той ҳеч қачон яланғоч юрмағон... Каминага боқсунлар! Қўли очик-

¹ Агар кўнглимни ололса шерозлик турк жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанд-у Бухорони.

² Агар кўнглимни ололса шерозлик турк жонони,
Қаро холига бахш этгум як сарқанд-у ду хурмони.

лигимдан, сахийлигимдан ҳамма нарсани бериб юбораверганимдан шу қадар фақир бўлиб қолдимки, мана, ҳатто кийғони яктагим ҳам йўқ!..

Амир Темур сезилар-сезилмас мийиғида жилмайиб кўйди. У донишманднинг ҳозиржавоблигига тан берди ва жазосини қарамга алмаштириб, Муҳаммад Чуроға додхоҳга юпун шоирни сарполар билан сийлашни буюрди...

– Булбулигўё шоирнинг девонини Кўксарой кутубхонаси учун олдиришни унутма! – уқтирди яна.

Соҳибқирон ўшандан кейинги воқеаларни эслашни асло истамасди. Кошкийди, эсламасликнинг иложи топилса!..

Кўксаройга жимлик чўкканди. Барчанинг кўзи хаёлга ботиб деразадан узоқларга тикилиб турган Соҳибқиронда эди.

– Бу юришнинг изтироб чекадиган жойи бор... – деди ниҳоят Амир Темур. – Изтироб чекадиган жойи Исфаҳон воқеасидир, жаноблар, у ерда ноҳаддан қон тўкилди, шаҳар қиёмати сағир бўлди...

Соҳибқироннинг хаёлга берилганини машварат аҳли ўзича мана шу машъум воқеага йўйди.

Ўшанда, Ҳамадон шаҳридан Соҳибқирон лашкари Исфаҳонга йўналди. Одатда, Амир Темур қаерга бормасин, ҳеч қачон шаҳарга қўшин киритмас, балки шаҳар ташқарисига қўнар, даставвал кенгаш йўлини тутиб, элчи жўнатар, муаммони қон тўкмасдан ҳал қилиш чораларини изларди. Соҳибқироннинг фармонида шундай сўзлар жой олган эди:

“... Турон салтанати тан олинсун ва бир йиллик хирож товон тўлансун... Шаҳар, бас, Турон салтанати ҳимоясида бўлур!.. Кимдаким ушмундоқ кенгашга қулоқ солмай, итоатдан бош тортса, гожлик этиб бўйсунмаса, мухолифат кўргизса, вилоятини талон-тороғ қилсунлар; кимки вазиятни англаб етиб, муроса-ю мадора йўлини тутса, азиз тутиб ўзлари билан бирга олиб юрсунлар, вилоятига заррача зарар-заҳмат еткурмасунлар...”

Исфаҳон улуғлари кенгашга қулоқ осиб, Зайнилобид-

дин ибн Шужоънинг тағойиси, шаҳар доруғаси Сайид Музаффар Коший бошчилигида жамулжам Соҳибқирон қошига келдилар. Уларнинг ичида акобирлар, саййидлар, уламо, шайхулисом, қозикалон, муҳрдор, ясовуллар бор эди.

– Шаҳар аҳли “Тақа баҳоси”, яъни омонлик пулини тўлашга розилик билдирадур, Амир Соҳибқирон! Аҳди-паймонимиз мустаҳкам! – таъзим ила қўл қовуштирди шаҳар доруғаси.

Соҳибқирон мамнун бўлди, шаҳар улуғлари кўп сийловларга муносиб топилиб, подшоҳона лутф-у қарамдан сарафроз этилдилар. Барча мамнун эди.

– Бир тилагимиз бордур. Ярмокни¹ йигиш учун муҳассиллар зарурдир, – дея ўтинди шаҳар доруғаси. – Хонадонларга жойлаштирсак...

Ўтинч қабул қилинди. Олий фармонга кўра, ажратилган уч минг забардаст навкар уйма-уй маҳаллаларда мол йиғмакка тарқалди...

Ҳамма бало кечаси бошланди. Чорсу маҳалласида қок ярим кечада қаёқдандир етиб келган баланд бўйли, овози кучли Али Кўчапо деган бир киши ўз атрофига одамларни йиғиб, очиқдан очиқ Соҳибқироннинг турли маҳаллаларда ғафлат уйқусида ётган навкарларини жойида пинҳона ўлдиришга чақирди.

– Қатли ом! Қатли ом! – деб сўзини тугатди Али Кўчапо.

Кўпчилик ул беокибат жоҳилни қўллаб гапира бошладди. Одамлар ўртасида ғало-ғовур кучайди.

Шошилини етиб келган шаҳар доруғаси Сайид Музаффар Коший ва шаҳарнинг бошқа улуғлари уни инсофга чорлаб, бузғунчиликни тўхтатишни буюрди:

– Бундоқ гаплардан тийил! Оғзингни ёп! Қайси маҳалладансан ўзи?..

Доруғанинг сўзлари Али Кўчапога бамисли ўчираман деб пуфлаганда лангиллаган оловдай таъсир қилар, у овозини яна ҳам баландроқ кўтариб шовқин соларди:

– Нега Темурлангга бош эгар эканмиз? Яна бир йиллик

¹Ярмок – тоғон, компенсация (мўлдат).

товон тўлаш керак эмиш... Иўк, асло! Қарангиз! Душманнинг уч минг аскари қўлимизда, ғарқ уйкуга банд. Худонинг ўзи қўлламоқда! Уч минг аскар-а! Уларни ўлдирсак, бас! Турон қўшини пароканда бўлади! Кейин у ўз юртига қайтиб кетади! Ҳа, ҳа, қайтиб кетади! Қатли ом, ёронлар! Қатли ом!..

Сайид Музаффар Коший унинг сўзларини кесишга уринди:

– Ҳай-хай!.. Бадбахтнинг овозини ўчиринг, эй мусулмонлар! Ким у, ҳеч ким танимайдиган бир бетайин бузғунчи-ку! Қўзингизни очинг! Уни шайтон йўлдан оздирган! Қўрмаяпсизму? Шайтоний нафснинг фириби, васвасасига алданган у! Бошимизни балога тикиб, ҳаммани хонавайрон қиладур!.. Телба-ку бу! Амир Темур қўшинига бас келиш қийин!.. Сулҳ тузилгани аъло иш бўлди! Шайтонга ҳай беринг, ҳой мусулмонлар!.. Эй навкарлар, тутинг буни! Боплаб бурнини ерга ишқала! Бир таъзирини есин!

– Бошимизга бало олиб келган биз эмас, мана шулар! – деб юборди бирдан Али Қўчапо шаҳар улуғларини кўрсатаркан, ўзини оломон ичига уриб. – Бизни авом ҳисоблаб, тақдиримизни ўзларича ҳал қилмоқчи бўлганлар шулар! Мана шулар ҳаммани хонавайрон қилади, ҳа! Сулҳ, дейди. Бошдан оёқ сарполар кийишиб, ҳаммамизни сотиб келишди! Ҳайданг, бу сотқинларни! Ҳайданг буларни!.. Изини куритинг!..

Туз ташласа сачрайдиган доғ ёғни эслатувчи чирсиллаб турган халойиқ гувуллаб доруға ва унинг шериклари томонга ўтирилди!

– Ҳали шунақами! Доруғани ур! Доруғани!.. – деб кичқирди кимдир. – Бизларни сотган шу!.. Сотқинларни ур!

– Нимага бизларни сотади?..

– Доруғани ур!..

– Ур!.. Жон жойига ур!.. Ур, баччағарни!.. – кичкира бошлади бошқалар ҳам.

Шу заҳотиёқ бир барзанги чикиб Сайид Музаффар Кошийнинг ёкасидан тутди, “хай-хай!..” деганига қарамай, гарданига мушт туширди. Биров тўғри келган жойига тепди,

иккинчиси унга кўшилди... Кейин бошқалар ёпирилишди. Бирпасда оломон орасида қолган бошдан оёқ қонга беланган доруға зарбаларга дош беролмай жон таслим қилди. Бошқа шаҳар улуғлари қочиб қолишдан ўзга чора топмадилар.

Фавқулодда ғазаб бирпасда вазиятни яхши англаб-англамаган исфаҳонликларни ваҳший оломонга айлантирди қўйди. Ногоранинг тантанали садолари остида, маҳаллаларни оралаб, уйларга киришиб, Турон одамларини излаб топишиб битта ҳам қолдирмай қўйдек бўғизлаб ташладилар, найзаларга илиб, нимта-нимталаб, хор-зор қилиб ўлдирдилар. Тасодифан шу кеча юмуш билан банд бир неча муҳассилгина қочиб қутилди. Бир кечада черикдан уч минг киши зое бўлди...

Воқеани қўрқа-писа Соҳибқиронга билдирганларида, Амир Темурнинг ғазаб томирлари кўзғолиб, бутун борлигини зирқирата бошлади. Авваллари ҳеч қачон шундай аҳволга тушган эмас. Тили калимага келмас, аламига чора тополмасди. Тахтда ўтиролмай шохчодирдан ташқарига чиқиб кетди ва соқолини тутамлаганча Исфаҳон томонга тикилиб узок туриб қолди...

Сўнг амирлар-у баҳодирларни чорлатди. Ҳамма йиғилди, ҳамманинг боши эгилган. Соҳибқирон ҳеч нарса демади, чунки бундай ҳолларда сўз айтиш, ҳол сўраш аламни бадтар чуқурлаштириш билан баробарлигини биларди, факат одамларнинг кўзларига қаради. Қутилмаган фожиа одамзоднинг кўзида ҳамиша бўладиган сўнги шафкат учқунларини ҳам сўндириб улгурганди. Амирлар-у баҳодирларнинг нигоҳлари: “Қасос! Қасос!” дер, аёвсиз ўч олиш ҳисси билан ёнарди...

Амир Темур аҳдни бузганларни жуда ёмон олар, аҳдни синдирган кишини эр санамасди. Доим: “Қимки ўз аҳдини бузса, факат ўз зиёнига бузгай, дейилмишди каломуллода...” – деб таъкидлаб юрарди.

Қандай йўл тутмоқ керак? Уч минг бегуноҳнинг қони қимнинг гарданига тушади энди? Бебок-у бебошларга қандай жазо лозим? Яна кечиримлилиқ йўлини тутсинму? Кўра-била туриб шундай ноинсофларни кечирса, уни худо

кечирармикин, бегуноҳлар руҳи уни тинч кўярмикин? Бунга амирлар-у беклар, раоё нима дейдир? Кани адолат, адолат йўлини тутмадингиз, бузгунчилар жазосини бермадингиз, ҳамиша куч адолатда эди-ку, Амир Соҳибқирон, демай-диларму?

Исфаҳонликларнинг тунда маккорларча муҳассилларни ўлдиришларидан ҳам кўра, уларнинг окшомда аҳди паймонга бош уриб, офтоб чикиб улгурмай поймол қилишлари, ваъдага вафосизликлари, фирибгарликлари – бир томондан, шундай нотайинларнинг сўзларига чиппа-чин ишониб қолгани бошқа томондан Соҳибқирон дилини қиймалар, изтиробларга солар, қаҳрини боз-боз оловлантирарди.

Ногаҳон қадимий накл эсига тушди-ю, Амир Темур истехзо аралаш жилмайиб қўйди. Ҳорун ар-Рашидга бир донишманд шундай деган экан: “Қайси фуқароки, подшоҳнинг сийлов-марҳаматини кўрса, раҳм-шафқатидан баҳраманд бўлса, шуни била туриб, душманлик аён этаверса, – у чиндан-да шайтоннинг нақ ўзидир. Қайси подшоки, ана шундай шайтоннинг кирдикорларини кўриб, қаҳр ғазаб отига минса-ю, бироқ шижоатсизлик мақомига юз буриб, бепарволик қилса – у ростдан ҳам эшак ва ҳўкиз саноғидадир”.

“Рост, шайтоннинг жазосини бермаган подшо, шубҳасиз, эшак ва ҳўкиз саноғидадир!” – деди ўзига-ўзи қатъий Амир Темур. У ана шу саноққа тушиб қолишни асло истамасди.

– Керак эрса, кўнглимизга чўккан доғи ҳасрат изларини оламшумул қиличимизнинг суви билан ювмакка бел боғлай-дурбиз! Зарур бўлса, қиличимизнинг шуъласини душманимизнинг қизил қони билан бўяйдурбиз!.. Яхшилиқни билмагон кўрнамаклар! – деди қаттиқ ғазабланган Амир Темур. – Бас, жаҳон халқига маълум бўлсинким, одамлар ўзларининг қилмишлари учун азоб тортадилар. Қазо янглиғ раъй тақозоси шундоқ: шайтон жазосини олмоғи даркордур! Шаҳарнинг тасхирига¹ юрилсун! Бузгунчилар бошларидан жудо қилинсун! Шайху уламолар уйлари сақлансун!

¹Тасхир – забт этиш (муалл).

Шериклари ва сафдошлари хор-зор ўлдирилганларидан дарғазаб, тишини тишига қўйиб кутиб турган амирлар-у баҳодирлар шу заҳотиёқ шаҳарга от солдилар. Черик бир лаҳзада оломонга айланди. Чап томонда иниси шу тунда исфаҳонликлар томонидан ўлдирилган, бундан қаттиқ алам чеккан Мубашшир баҳодир қилич ўйнатиб борарди. Ўнг томонда ғазаб отига минган бешафқат Худойдод Ҳусайний черик бошида эди...

Қиёмат койим қўпгандек, ер-у осмонни чанг-тўзон тутди. Одамларнинг оҳ-воҳи, дод-фиғони қулоқларни батанг қилди.

Бу пайт қатли омни Соҳибқироннинг ўзи ҳам тўхтата олмасди. Тунда кочишни ўйлаган бир жамоат киши жон сақлаб пана жойга яшринибди. Иттифоқо, кечаси қор ёққан экан, қорда қолган излардан бориб топишиб барини қатлга тортибдилар. Кўчаларда каллалар сапчадек узиларди. Улар ичида оқибатини ўйламаган Али Кўчапо ва шерикларининг ҳам каллалари бор эди. Ҳар ёқда узилган каллалар, каллалар... Баридан минора яшаш қийин иш бўлмай қолди...

Икки навкар ўзаро шундай сўзлашарди:

– Бу нечук аҳвол, ҳей гушна? – дерди биринчиси. – Қонлар дарё-дарё оқди, эл-юрт хонавайрон... Ўзимиз ҳам не-не каллаларни уздик. Наҳотки Амир Соҳибқирон бу хангомалардан огоҳ эрмас?..

– Э, каллаварам, – уни тинчлантирди иккинчиси, – билмайсанму, подшоҳлик жиҳати шуни талаб этади-да. Сиёсатсиз эл тузалмайди. Мамлакат забти учун шу керак. Қаҳр-у ғазабни ҳам Амир Соҳибқирон ўйлаб топмаган, бу ҳам бир худонинг қудрати. Донишмандлар деганлар-ку: “Мулкни барқарор айлай десанг, тигни беқарор қилғил...” деб!

Сурон ичида уларнинг гапини ўзлари ҳам зўрға эшитардилар.

Кейин фожиа қандай юз берганини батафсил тушунтирганларида Соҳибқирон сесканиб кетди...

– Мусулмонлар бошини кесишларини буюрмагондим-ку, Мамат!.. – Соҳибқирон баланд овозда қичқирди

Муҳаммад Чуроға додхоҳга. Бузгунчилардан битта ҳам колдирилмасин, боши олинсун, дегандим! Бузгунчи шайтонлар жазолансун, катл этилсун, бадбахтлар кўриб қўйиши учун ўша ўлганлар бошидан ҳавосатга бир минора ясалсин, дегандим, холос!..

Аммо ғишт қолипдан кўчганди.

Соҳибкиронни алам ҳисси забтига олди: “Э, аттанг!.. Ахир ўлганларнинг ичида канчадан канча бегуноҳлар, билмасдан аралашиб колган ғофил бандалар ҳам учрайди-ку. Оллоҳ ўзинг кечиргил, уларнинг гуноҳлари менинг бўйнимда!.. Ҳа, қурукка қўшилиб ҳўл ҳам ёнди, бўлар иш бўлди, бўёғи синди... Ҳайхот, гуноҳкорни жазоласанг, ўзинг ҳам шерик бўлиб қоласан...”

II

Бу ҳодиса то Самарқандга қайтгунча ҳам Соҳибкирон ҳаёлидан кетмади, унинг қош-қовоғи очилмади. Муҳаммад Чуроға додхоҳ эса у ҳақда иложининг борица сўз очмасликка тиришди. Аммо ўша даҳшатли воқеалар ҳозиргидек унинг кўз олдида турарди. У бир нарсадан таажжубга тушди: кимдир ўлганларни санаб чикканмиш, етмиш минг калла эмиш... Бу гап тарқалиб кетди. Ёпирай!

Муҳаммад Чуроға додхоҳ шундоқ тўполон, ит эгасига боқмас ур-йикитда кимнингдир тоқат қилиб каллаларни эринмай санаб чикқанига асло ишонмайди! Ҳеч кимга буюрилгани ҳам йўқ эди бундай юмуш... Шаҳарнинг ўзида шунча одам йўқ-ку! Агар Исфохонга Ҳамадонни кўшса бақадриҳол шунча одам чиқиши мумкиндир. Лекин кўпнинг огзига элак тутиб бўлмайди. Санаганлар ваҳима қилиб, ўз “хизмат” лари баҳосини ошириб юборибдилар, шекилли... Афсуски, яхши назорат қилмадим, бепарво қарадим, деб ўз-ўзини ичида қойиди додхоҳ. Замонлар ўтиб, бу бепарволик, кишиларда нотўғри тасаввурлар туғилишига олиб келиши мумкинлигини у ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Кўксаройда ҳали ҳам жимлик ҳукм суларди. Барча сукутга кетган Соҳибкирондан сўз кутар, у эса шу палла худди ичи гапга тўлиб кетган-у, нимадан бошлашни билмай

кийналиб турган одамга ўхшарди. Амир Сайфиддин некўз буни пайкади, Амир Темур рухиятини теранроқ тушунганидан азият чекиб турган дўстига кўмакка шошилди:

– Маъзур тутадилар, Амир Соҳибқирон... Юрт тинчлиги учун ҳамиша қаттиққўллик лозимдур. Табиб ҳам аввал жонни оғритиб жароҳатни тозалайдур, сўнг даволайдур. Бу ёшга ҳам, қарига ҳам аён. – журъат этиб сукунатни бузди Амир Сайфиддин некўз. – Хўш... Агар Оллоҳнинг ўзи қўллаб, тақдир ҳукми ақл-у идрок билан бирикса, хўп-хўп, қиличга қўшилса, эл ҳолига вой, деяверинг! Салтанатни ақл-идрок билан бошқариш лозим, гоҳида қилич билан ҳам бошқаришга тўғри келади. Бари худодан...

Соҳибқирон уйқудан уйғонгандай хушёр тортди:

– Рост дедилар, некўз жаноблари, тақдир ҳукми ўшанда, афсуски, қиличга қўшилди... – вазмин оҳангда сўз бошлади у. – Куръони каримда дейилмишки, Оллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўяр, деб... Буни Оллоҳнинг ўзи истадими? Ҳазрат Жабборнинг хоҳиширодасидан ул шаҳар хароб бўлмоғи керакмиди? Шаҳар аҳлининг бирон гуноҳ-ёзуғи бор эдими?.. Билмакка ожиздурмен. Бу ёлғиз

Ўзига аён. Не чорадурки, тушунмағон авбошлар¹ туфайли ноҳақ қон тўкилди. Аввал уч минг мусулмоннинг қони, кейин эса ўн чандон...

Соҳибқирон ўзини оклашга ҳаракат қилмас, ҳақиқатга юз ўғирмай гапирарди. “Инсофли одам-да, Амир Соҳибқирон... Фалокатдан дили озурда...” – ўйлади ичида пири муршид ва фожиани эшитиб унинг ҳам кўнгли оғриган эди. Қўллаш маъносида сўз оларкан, катта-катта кўзларини Амир Темурга тикди:

– Амир Соҳибқирон! Масални билурсизки, авом халқнинг бир кунлик шарр-у шўри, хараж-у маражидан² подшоҳларнинг бир йиллик жабр-зулми яхшироқ, деган... Адолатли жазо ҳам аслида савобдур. Не чора борки, барига йўлдан адашғон мусулмонларнинг ўзлари сабабчи бўлсалар?.. –

¹ Авбош (форсча) – безори, ўзбошимча.

² Шарр-у шўр, хараж-у мараж – ёмонлик, бошбошдоклик, бузғунчилик.

чертиб-чертиб деди Мир Саййид Барака. – Исфаҳонлик гажирлар иши бамисли саҳродаги саробга ўхшабдур, ташна одам уни сув деб ўйлайди-ю олдига келгач, ҳеч нарса топмайдур... Ғофил авомнинг билиб-билмай қилган шарр-у шўри шу-да...

– Уларнинг пешонасига битилган, Амир Соҳибқирон, таассуфки, бартараф этмакка бандаси ожиздур. Барчаси замона ҳолидан ғафлатда қолган мардумнинг иши. Хожаи коинот хоҳиши... – сўзга қўшилди Хожа Абдулмалик шайхулисом.

Амир Темур унинг учли иягидаги тўртта-бешта соқолини силаган гулдор тасбеҳ тутган қўли хиёл титраётганини кўрди.

Барча жим, айтилган сўзлар мағзини чақишга уринарди.

Амир Темур бу ҳақда қанча сўз кетса, шунча бағри ўйилишини, қўлини киёк кийгандай жони кийналишини идрок этарди. Бироқ Исфаҳон воқеасини машварат аҳлига билдирмаслик ҳам мумкин эмасди. Соҳибқирон салтанатида пинҳона ишларга ўрин йўқ, барчаси кенгашда ошкор этиладур...

У тезроқ мавзуни ўзгартириш керак, деган қарорга келди.

– Муҳтарам машварат аҳли! Ўзимизда ҳам Исфаҳондан машъумроқ ҳодиса юз берди...

Ҳамма сергакланди.

– Вожаб! – давом этди Амир Темур. – Бизнинг черигимизда қай маҳал кўрилғонки, аскаримиз душманга орқа ўгириб, отининг эгари қийшайиб қочсун? Ким сизга буни ўргатди? Ел қанотида тура олмагон чибиндек кўркиб қочдингизму?.. Энди бунга не дейин? Ахир қаерга қадам қўйсак, ул ернинг пасткамида эмас, ўркачида ўлтириш толеимиз эди-ку? Борғон еримиздан фатҳ-у нусрат ила қайтмак ҳамиша насибамиз бўлғон-ку!.. Чиндан ҳам, туркларнинг ҳафсалалари кўзларидек танг-у тордур. Қачон бу машъум одатни аритасен?... Қачон?... Эй парвардигор!

Умаршайх Мирзо бошлиқ Чукалак жанги иштирокчилари машварат аҳлидан этакроқда ўлтиришар, кўплар

шундай аччиқ гапларни эшитиб тургандан кўра ўша жангда ўлибгина кета колмаганларидан афсус чекардилар.

Соҳибқироннинг Эронда эканидан фойдаланиб Тўхтамишхон Сигноққа кўшин жўнатди. Умаршайх Мирзо шитоб Самарқандга чопар елдирди, ўзи эса Ўтрор ёкка отланди. Амир Сулаймоншоҳ ва Аббос баҳодирлар ҳам Самарқанд черигини жамлаб йўлга чиқдилар. Тошкандда уларга Амир Халил кўшилди.

Икки черик Ўтрордан беш йиғоч нарида кунчиқар томонда Чукалак деган ерда учрашдилар. Ясоллар тортилиб, баранғор ва жавонғор сафлари тузилди.

Жанг бошланиб кетди.

Умаршайх Мирзо тез, шартаки эмасми, сабри чидамай баҳодирлиги тутиб ўзини ёғийнинг гулига урди! Шиддатидан сафни ёриб ўтди, ўтишга-ку ўтди, аммо ўз черигидан узилиб колганини сезмади. Сардоридан айрилган черик эса ваҳимага тушди ва тездаёқ боши олинган танадек шижоати кесилди.

Кочишни ҳаммадан олдин, душман ҳавосатидан қаттиқ кўркиб кетган, жанг тизгини кўлдан чиқди, енгилдик, деб ўйлаган Амир Халил бошлаб берди. Буни кўрган аскарлар орқа-олдига қарамай тирақайлаб ҳар қаёққа тарқалиб кетдилар. Аввалроқ Аббос баҳодирга ўк тегиб захмлик бўлганди, шундан жон омонатини эгасига топширди. Боши қотган Амир Сулаймоншоҳ эса нимадир килишдан ожиз эди. У ҳам кўпчилик нима бўлса шу-да, деб ёвга орқа ўгириб қочишдан бошқа йўл тополмади.

Куппа-кундузи танг аҳволга тушиб ўтирганидан Умаршайх Мирзонинг жиззакилиги тутиб кетди. Лапашанг, ландовур, деб койинаркан, ўзини ўзи ғажиб кўйгиси келарди. Ахир ёш бўлмади, Пир Муҳаммад, Рустам ва Искандар деган ўғиллари бор. Лекин майдонда савашиш санъатини ҳам билиш керак экан. Жанг русуми, кўшин ҳолати, майдонни бошқариш жуда муҳим. Тўғри, эрка амирзоданинг мардоналиги, шаддодлиги бор, бироқ ўсмирлигида аткаси ҳарбий машқларни ўргатганида, ўйинларга берилиб, теранроқ ёндашишга вақт топмаган кўринади. Мана, ўшанинг кас-

ри тегди. Аттанг!..

Энди Соҳибқироннинг суянган ўғли, зафарқарин лашкар соҳиби Умаршайх Мирзо саҳродаги ёлғиз йинғилдай шомирзаи қоккуруқ бўлиб ўлтирибди... Ҳали валинеъмат Соҳибқирон кўзига қандай қараркин?..

Алами бисёр ортган амирзода пана-пастқам йўллардан юриб ит азобида Андижонга етиб олди. Қоронғи тушишини кутиб, ҳеч кимга кўринмай ўрдасига киришга улгурди. Вазият дарҳол черик йиғишни тақозо этарди. Бирок Анко Тўранинг Жета ёқдан катта лашкар билан Сайрам ва Тошкандни босиб, мусулмонларнинг хонумонини куйдираётгани ҳақида хабар етди. Чидаб туrolмади. Дарҳол Ўзганд черигини Хўжанд томонга бурди...

– Барчангизни изза қилмак лозим!.. – дарғазаб деди Соҳибқирон. – Аммо қизармоққа ҳам юз керак. Чехраларингизда ўлим ҳамиятини асрагудек шахт-у шижоатингиз қаёқда қолди? Номардларча қочғонларингиз дунёга ёйилди-ку! Қандай бош кўтариб юрасизлар энди? Кўтариб юришга арзийдурғон бошми ўзи? Мард Аббос баҳодирни қарангиз! Ана буни баҳодирлик дейдилар!

Соҳибқирон Аббос баҳодир кипчоқ билан фахрланганини яширмади. Қандай садоқатли йигит эди баҳодир! Сал кам йигирма йиллик қадрдони, дўсти!.. Самарқанд сарбадорлари орасида тинғчи бўлиб юрганининг ўзи бир дoston, Бухорода Темурбек ва Амир Ҳусайн баҳслашганларида, Арслонхон минорасидан Соҳибқирон сўзини икки қилмай, ҳеч ўйланмай ўзини пастга отгани бир дoston. Ана шу шижоати учун у баҳодирлик унвонига эришганди. Ҳамма ҳайратга тушган, Амир Ҳусайн эса ичида тан берганди ўшанда...

Ҳали Темурбекнинг қайсар амирлар бошини бирик-тираман, деб юрган пайтлари эди. Бир неча ой вазиятнинг мужмаллигидан Балхга яқин Дарайи Арсаф деган мавзе тарафларда қолиб кетдилар. Мўғуллардан хабар келтириш учун Аббос баҳодирни Тошканд томонга юборди.

Чинозга борганларида, мўғулларнинг эл оралаб, юртни талаб юрганларини кўрдилар. Шитоб қайтиб, Темурбекка хабар бериш лозим эди. Дарайи Арсафга йўл Шаҳрисабздан

ўтарди. Уйи якинида оға-ини, кариндош-уруғлари кутиб олишди. “Уйингга тушиб ўт, болаларингни кўриб, дийдорлашиб кет!..” деганларида, Аббос баҳодир хожасига ихлосини маҳкам тутиб: “Амир Соҳибқирондай зот уйидан йирокда бўла туриб, унинг навкари уйига кириши муносиб иш эрмас...” – деди ва уйига кирмай Дарайи Арсафга йўналди.

– Чекинғондан, қочғондан кўра ўлмакни афзал билибдур Аббос баҳодир! Қай юз билан борамен, Соҳибқироннинг кўзига кўринмағоним маъқул, деган-да. Афсус, ёш кетди...

Амир Темур хийла куйиниб гапирди, кейин барча амирларни чўби ясоққа етказишни буюрди. Умаршайх Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳлар дарҳол келиб Амир Темурга бош эгдилар:

– Валинеъмат Соҳибқирон!.. Чукалак жангида қўшинимизнинг пароканда бўлишида каминанинг катта айби бордур! Бу ҳам қисмат... – Умаршайх Мирзо қўл қовуштирди. – Душманга алданиб қолдук. Амирларим бамисли шердай савашдилар, бироқ мен... Жазони даставвал мен олмоғим жоиздур. Чўби ясоққа мен муносибдурмен! Амирларимга эмас, фақат каминани жазоласунлар, деб талаб этамен!

– Амирзодамнинг сира айблари йўқ, Соҳибқирон ҳазратлари! – эътироз билдирди Амир Сулаймоншоҳ. – Чукалак воқеасига сабаб бус-бутун каминанинг ландавурлигидур. Лақиллаб ёғийнинг дабдурустан шабихун урганини сезмадик... Каминани жазоласунлар, шунда адолат қарор топғусидур... Ўтинаман!.. Фақат мен айбдорман!..

– Кулоқ солмасунлар, валинеъмат Соҳибқирон ҳазратлари!... – ўтинди яна Умаршайх Мирзо бош экканча.

– Мени жазоласунлар, Амир Соҳибқирон ҳазратлари!.. – такрорлади Амир Сулаймоншоҳ.

Икки амирзода ҳар бири айбни ўзига тилаб, тиз чўкканча ерга қарашган, машварат аҳли уларга хайрат билан боқарди.

Амир Темур амирзодалар тутумидан кўкраги кўтарилгандай бўлди, бу инсоф намунаси эди. Аммо бунга ҳеч кимга

сездирмади, ковоғини уйганча қараб тура берди. Ҳар иккиси ҳам “кўпга келган тўй” дан четда қолмадилар, чўби ясоқнинг нималигини умрларида илк марта татиб кўрдилар.

Маъракада кўрқоқлик намоён этиб қочишни бошлаб берган Амир Халилнинг эса соқолини қириб, юзига упа-элик суриб, рўмол ўратиб шаҳар айлантирдилар. Ўтган-кетганлар, шўрлик амирнинг ҳоли ҳеч кимнинг бошига тушмасинда, кейин қандай бош кўтариб юраркин, деб қўйишарди.

Бир кундан кейин Амир Халил ҳақида нохуш хабар тарқалди. Шўрпешона амир кечкурун уйига қайтгач, хотинлари-ю болаларидан уялиб гўшанишин¹ ётиб олибди. Ҳеч кимни ёнига йўлатмабди.

Эрталаб ҳовлининг этагидаги отхонага кирганларида мудҳиш ҳодиса устидан чикибдилар: Амир Халил кечаси ўзини катта харига осиб қўйибди...

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

I

Дашти Қипчоқда “шимолий сарҳадларни тинчитдим, сопини ўзидан чиқардим”, деб юрган Амир Темур даставвал “ўғли” нинг қора ниятларини англамагандай иш тутди. Нафсиламрини айтганда, кўнглида Тўхтамишхонга қанча ишонч бўлса, шунча гумонлар-да бор эди, аммо катта умид боғлаганини ҳам яширмайди. Бир қараганда, бу умидлар рўёбга чиқаётгандек ҳам туюларди. Тўхтамишхон ўтган йиллар ичида мунтазам равишда элчилар, чопарлар, туҳфаяю тансукотлар юбориб, ҳар хил ёлгон маълумотлар бериб қиблагоҳига садоқат кўргизиб турар, буларнинг бари Соҳибкиронни хотиржамликка ундарди. Ҳар нечук “ўғил” лик бурчи адо этилаётир...

Бу орада Тўхтамишхон Олтин Ўрдани яна бирлаштириш, уни Ўзбекхон замонидаги сингари қудратли давлатга айлантириш қайғусини чекди. Калка дарёси бўйида Олтин Ўрданинг асосий даъвогарларидан бири – амир Мамоқ

¹ Гўшанишинлик – тарки дунё килиб, одамлардан узоқ яшаш.

енгилиб, Кафага қочди ва ўша ерда ўлдирилди. Бошка ну-
фузли амир амир Идику эса ўз иддаоларини бировга
билдирмади.

Янги хон мамлакат ҳудудини кенгайтириш мақсадида,
Қофкоз ва Озарбайжон ерларига қўшин ташлади, Табризни
босиб олди. Сўнг шимолга, тарқоқ рус князликлари ерларига
кўз тикди, у пайтлар чоккина бўлган Московия шаҳрини
талон-торож этди, ўт кўйди... Тўхтамишхоннинг давлати
ортгандан ортиб, шавкатига шавкат қўшилиб борди, бемисл
қудратга эга ҳукмдор ҳавойи ҳаёлларга берилиб, пинҳона
Турон салтанатига гайир кўз билан қарай бошлади.

Соҳибқирон бу ишлардан бохабар эди. Тўхтамиш-
хоннинг кучайиб боришини худди Турон салтанати қудрати
ошаётгандек ҳисоблар, аммо гоҳ-гоҳда кун келиб барчаси
ўзига бир бало бўлиб қайтмасмикин, дея ўйланиб қолса-да,
бунга ишонинқирамайроқ қарарди. Турон султонидай
қудратли ҳукмдор билан баҳс бойлашишга Тўхтамишхон-
нинг юраги бетламаса керак ахир...

Тўхтамишхон даставвал Соҳибқирон ҳузурига келгани-
да, кейинроқ Оқ Ўрдани қўлга киритганида Жўжи улуси-
нинг оқил ва зукко амирлари Алибек қўнғирот, Оқ Буға
баҳрин, Ўрунг Темур қабилар унинг ёнида ҳозир-у нозир
эдилар. Улар ёш ғайратли подшоҳзодадан ҳамиша хабар
олишар, вақти-вақтида маслаҳатлар ҳам бериб турардилар.

Подшоҳзодада ўзига ортикча бино қўйиш ҳолларини
пайкаган Алибек қўнғирот бир куни бундай деди:

– Ҳоқоним! Амир Соҳибқирон сизга кўп яхшиликлар
қилди, эзгулик этагин тутиб, хор-зорлигингизда мангла-
йингизни силади. Валинеъматнинг туз-у тарбият ҳаққини
унутмаслик ҳам фарз, ҳам қарздор. Олий зот муруввати ва
унга сидкидил ихлос туфайли давлатингиз байроқлари ҳил-
пираб балқисдан асло тинмагай, олам аҳлининг таҳсинлари
сиз томон йўллангай...

– Замон аҳли ўзгарувчандир, олам вазияти ҳамиша
беқарор... Худо кўрсатмасин, агар бошингизга, ҳоқоним,
фалокат тушса, фақат Соҳибқирон ҳазратларига суяни-
шингиз мумкин. – сўз қўшди Оқ Буға баҳрин.

– Ҳаргиз кўнгли бузуклар сўзига кулок солмангиз! Ул зотни валинеъмат бузруквор сифатида макомларини юксак тутингиз!.. – кенгаш берди Ўрунг Темур.

Кўп ўтмай Оқ Буға баҳрин жангда ҳалок бўлди. Ўрунг Темур ҳам ҳақ раҳматига борди.

Шу пайтлар Тўхтамишхон атрофини манқутийлар қавмига мансуб беокибат ва ёвуз кишилар ўраб олдилар. Улар хон хизматига йўл топиб нойиблик мансабига эришдилар. Бешафқат Қозончи баҳодир катта нуфузга эга бўлди. Айни палла Соҳибкироннинг эски муҳолифлари Маҳмудшоҳ Бухорий, Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, Абу Исҳок Ясурий, Камариддин, Анқо Тўралар ҳам Тўхтамишхон саройида “кунда-шунда” эдилар. Хон билан уларни Амир Темурга нафрату алам бирлаштириб турарди. Тўхматга учраган Алибек кўнғирот эса саройдан четлаштирилиб, сўзи кесмайдиган бўлиб қолганди.

Олтин Ўрда кўшини Табриздан ғолибона қайтган паллалар... Бутун мамлакатда шодиёна ҳукмрон... Ҳожитархондаги ҳашаматли ҳоким саройида улкан зафар шарафига зиёфат берилди. Унда улуснинг энг нуфузли нўён ва амирлари йиғилди.

Сарой ўша-ўша эди хон назарида. Йигирма деразали кўринишхона. Ҳали ҳам кунботишдаги деворда буғунинг сершоҳ калла суяги осиглик. Тўрда олтин тахт...

Қизик экан-да. Тўхтамишхон шундан ҳайратда. Ажабо, бор-йўғи ўн йил аввал худди шу ерда ўтган қурултойда отаси, Мангкишлоқ ҳокими Тўйхўжа ўғлон Московияга юришнинг ҳожати йўқ деб, Ўрусхонга қарши чиққан ва шу туфайли қатл этилганди. Энди эса Тўхтамишхоннинг ўзи Московиянинг кулини кўкка совуриб қайтди. Олтин Ўрданинг довуғи-ку оламга ёйилди, аммо окибатда Тўхтамишхон худди отасининг тутумига қарши боргандай бўлди... Олтин Ўрда хони бу ҳақда эсламасликка тиришади.

Ўттизларни қоралаганига қарамай илк сабза урган мўйлаби ҳали ҳануз сақланган, бироз тўлишган Тўхтамишхон олтин тахтда мамнун савлат тўкиб ўтирарди. У йирокдан кучга тўлган, йигитлик мақомига эришган, ғайрати жўшган

бир ҳолда кўринарди. Лекин яқиндан қараган одам унинг ғижимланган юзларида кеча ҳарамда янги дурри носуфта билан қилган айш-у ишрат ҳорғинлиги изларини илғарди. Московиядан олиб келинган ўн икки ёшли ўрис гўзали уни ўзига ром қилди. Хон олтинранг сочли, чарос кўзли диркиллаб турган дурри якто хуриликнинг чаман-боғини бир неча марта сайр айлади...

– Буюк хоконим! Ўрусхон килолмаган ишни сиз ўринлатдингиз – ўрисларнинг энг катта шаҳри Московияни мусаххар этдингиз! Катта шаҳарини мусаххар этдингиз! Ўрусхон бунини бир умр орзу этиб ўтди-ку! – мактов сўзларини аямади Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав, гарчи ўзи у шаҳарни кўрмаган эса-да.. – Жаҳон кудратингиз олдида бош эгди, бош эгди!..

– Жаҳон қойил қолди, хоконим! – ялтоқланди Маҳмудшоҳ Бухорий. – Салтанатингиз доврўғи жумла жаҳонга кетди!..

– Ҳа, ҳа, жумла жаҳонга кетди!.. Ундан ҳам ўтиб кетди!.. – деб қўшилишди бошқалар ҳам.

Қаҳқаҳа овозлари янгради.

– Самарқандга ҳам етиб борсайди!.. – жўрттага оловга мой куйгандай гап кистирди орага Амир Қамариддин. У кейинги пайтларда Мўғулистон хонлигидан айрилиб, кучкуввати қирқилиб ноилож Тўхтамишхон ҳузурига паноҳ тилаб келганди.

– Етиб борадур!.. – қўллаб-қувватлади уни гунгурсдай Анқо Тўра. – Етиб борадур! Борганда ҳам, нақ оксоқнинг ўзига! Ҳа!!!!. Тўғри гапирдимми, Қозончи баҳодир жаноблари?..

Тўхтамишхоннинг улуғ беги Қозончи баҳодир мамнун мўғулистонлик амирларга боқди: улар диққатни ўзларининг ашаддий душманлари Амир Темурга қаратмоқчилар. Қозончи баҳодирнинг дилида ҳам шу гап аслида, лекин Тўхтамишхонга бунини қандай айтишни ўйлаб қийналиб юрарди. Бир марта Амир Темурга мактуб жўнатаётиб, синашга Соҳибкирон ҳақида сал поядор гап қилганди, хон унга олайиброқ қаради... Тўхтамишхон Амир Темурнинг тутин-

ган ўғли, отангга қарши чиқкин, дейиш осон, аммо бунга буюк ҳокон қандай қараркин?..

Баҳодирнинг ўзига қолса-ку, бу жуда қийин иш эмас. Мана ўзи: ҳали Ўрускон замони эди, отаси унга бир нарсани илтимос этганди, нечундир эътибор бермади. Умидвор ота иккинчи марта ўз истагини билдирди, тагин натижа бўлмади. Иззат-нафси лат еган ота энди ўғлидан озгина ўпкагинага оғиз очганди, Қозончи баҳодирнинг жаҳли чиқди:

– Отам мени тинч қўядими, йўқми! Неча йиллардан буён, менга у бер, бу бер, дегани деган! Жонимга тегди-ку!..

Дарғазаб шафқатсиз ўғил падаркушликдан тап тортмай, шу ондаёқ жаллодга буюрди:

– Отам қартайиб, анча қийналиб қолди, бориб бошини танидан жудо қилиб кел!

Бу воқеа улусда ёйилиб кетган, биров ишонар, биров эса ишонмас, қаттиқ нафратланар, одам боласи шунчалар ҳам ўз отасига бешафқат-у бераҳм бўладими, деб ёқа тутар, аммо ҳодиса кўз ўнгиларида юз берганидан тан олмай иложлари йўқ эди.

Қозончи баҳодир доим ўзини хушёр тутарди. Замонлар ўзгариб, лиқиллаб қолган Жўжи улусининг тож-тахти ҳали Тўхтамишхонга насиб этмай туриб, омад унга юз бураётганини фаҳмлагач, Темур Маликхондан юз ўгирди. Бир пайтлар Довдирсойдан от солиб ўтаётганда, билагидан ярадор қилган Тўйхўжа ўғлини энди ардоқлаб, мойиллик кўргиза бошлади. Қийинчилик билан алоқа боғлагач, Тўхтамишхонни вақти-вақтида Олтин Ўрдадаги аҳволдан огоҳ этиб турди.

Сўнгги жангда, нозик вазиятда Қозончи баҳодир Темур Маликхонни чув тушириб, ўз бўлуғини олиб Тўхтамишхон тарафга ўтди. Шундан кейин жангда тарози посангисининг Тўхтамишхон томони босиб кетди.

– Садоқатингни асло эсдан чиқармайман, баҳодир! Бу қадамнинг Олтин Ўрда тақдирини ҳал қилишдаги аҳамияти бебаҳодир! – деди Тўхтамишхон мамнун.

Қозончи баҳодирнинг хизмати муносиб тақдирланди: у ҳоконнинг ишончли одамига айланди.

– Ҳозир дунёда буюк хоконимизнинг шаън-шавкатига етадигани йўқ! – деди Қозончи баҳодир. – Ахир ҳокон Тўхтамишхон улуғ Чингизхон тахтида ўлтурибдурлар! Ҳа-ха, Соҳибкирони муаззам Чингизхон тахтида! Энди анови оксоқ Темурга, бир оддий бекнинг ўғлига элчи йўллаб, эгилиб-букилиб, итнинг кейинги оёғи бўлиб ялиниб-ёлбориб юришимиз эшитган кулоққа уят, уят! У ялинсин, у инъомлар қилсин! Чингизхонга менгзайдиган буюк хоконимиз бир амирнинг чўлоқ ўғлига бош эгадурму?.. Буюк хоконим! Биз элчи эмас, лашкар юборишимиз шарт! Ҳа, ҳа, лашкар! Лашкарнинг ҳам зўрини!.. Энг зўрини!..

Таклиф барчага маъқул тушди, шекилли, ҳамма томондан қўллаб-қувватловчи садолар янгради:

– Катта лашкар юбориш керак!

– Элчи керакмас!..

– Лашкар! Лашкар!

– Тез! Тез!..

– Энг зўрини!..

– Эртагаёқ йўлга чиксун!..

– Мени юборингиз, хоконим! – Бу Амир Қамариддиннинг овози эди. – Барини pistaпўчоқдай чакиб ташлайман! Ҳисоб-китобим бор, ҳа!..

– Бориш керак! Бориш керак!.. – ҳаприқди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав.

Маҳмудшоҳ Бухорий ҳайқирикларни эшитар экан, сувсар телпагини ечиб терлаган тепакал бошини артиб роҳатланарди.

Фикрлар бир жойдан чикқанга ўхшарди.

Кўзлар буюк ҳокон Тўхтамишхонга кадалди...

Шу ерга келганда хоннинг сал ланжлиги ёзилгандай бўлди. “Ҳа... Гапираверинглар, гапираверинглар.. – истехзо билан пичирлади ичида Тўхтамишхон. – Барингни дардинг маълум... Ҳамманг Амир Темурдан мушт егансан. Жойи ачишиб турибди. Энди мендан истифода этиб, ундан ўчингни олмоқчисанлар, ўлаксаҳўрлар! Иккита бургутни уриштириб, сен кузгунлар, ўзингга ем топмоқчисанлар. Ҳаммангни яхши биламан, ҳаммангни...”

– Менга ишонингиз!.. Ишонингиз!.. – хаприкканча ёлворди Амир Қамариддин. – Мени юборингиз, хокони-и-им!

– Менга ишонингиз, валинеъмат! – ортда қолмади Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав ҳам.

Московияга ўт қўйишга буюрганда ва, айникса, ёғоч иморатлар ғасирлаб ёнганда лангиллаган оловнинг кўкка голибона ўрлаганига мағрур боқаркан, Тўхтамишхон илк бор ўзини бағоят қудратли сезди. Кейин Озарбайжонга боскин уюштирди, кўлини Табризга чўзди, бутун Дашти Қипчок эса оёғи остида... Тўғри, энди қиблагоҳи билан ҳисоб-китоб вақти етди. Ортик қарамсифат бўлиб юрмаслиги лозим. Бой мамлакат бўлган Туронзамин Чигатойхон улусига қарарди, у ердан чингизийлар изи супуриб ташланди, Хуросон-у Мозандарон Хулокухон тасарруфида эди, у ердан ҳам чингизийлар қадами қирқилди... Тўхтамишхон буюк ҳокон Чингизхон салтанатини тиклайди, Мўғулистон-у Дашти Қипчок, Турон-у Хуросон томонларни ҳам ўз ҳукми қабзасига киритади. Аммо бунинг учун у энг катта тўсикни олиб ташлаши керак! Бу – Амир Темур Соҳибқирон...

Ана ўшанда йирик савдо йўллари Тўхтамишхоннинг мулкига айланади. Ахир сир эмас, милодий 1335-йилда элхонийлар салтанати парчаланганидан сўнг Осиёни фаранг мамлакатларига боғлайдиган савдо йўллари Чингизхон авлодлари қўлидан чиқиб кетди. У йўللардан олинадиган бож ҳамиша давлат хазинасини бойитарди.

Бундай йўллар иккита эди; бири – Қора ва Қулзум денгизлари соҳиллари бўйлаб, иккинчиси, Шом, Онадўли, Қофқоз, Форс, Самарқанд ва Тошқанд шаҳарларини қамраб ўтарди. Ҳозир бу йўлларнинг катта қисми Амир Темур қўлидадир. Бойиса, унинг хазинаси бойимокда. Ахир азалдан Амир Темур аجدодлари ҳамиша салтанатда амирлашқарлик вазифасини адо этиб келганлар, ундан нарига ўтмаганлар. Қандоқ қилиб Чингизхон авлоди Тўхтамишхон унинг хизматкори бўлади? Йў-ўқ, у адолатни ўз ўрнига қўйиши, ўз ҳаққи-хуқуқини таниб олиши керак. Буюк Чингизхоннинг руҳи ҳам буни кечирмайди.

Олтин Ўрда хони Хоразм расман Соҳибқирон салтанати

доирасига кирса ҳам, бироқ киши билмас мухолифатга юз бурганидан хабар топганди. Даставвал Хоразм ҳукмдорига қарши синашга кичиккина қўшин юборди. Самарқанд томондан ҳеч қандай сас-садо эшитилмади, чунки бу палла Соҳибқирон Эрон юришида банд эди.

– Қозончи баҳодир! – буюрди бирдан Тўхтамишхон ҳаёлларини нари қувиб. Ҳамма сергак тортди. – Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав ғажарчилигида катта қўшин билан Турон ичкарасига қараб юрилсун!

Хоқон шаънига олқишлар янгради.

– Ишончингизни оклайман, худо хоҳласа, хоқоним! – таъзим бажо этди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав.

Қўшин Бухорони ғорат қилди. Вилоятнинг элу халки ҳар қаён қочиб жон сақлади. Шу палла Амир Темурнинг Эрондан қайтаётгани ҳақида чақиндай хабар тарқалди. Тўхтамишхон ўз қўшинига тезлик билан Занжирсаройни забт этиб, ўт қўйиб кулини қўкка совуришга, шундан кейингина ортга қайтишга фармон юборди.

– Занжирсаройни Амир Темур бағоят ёқтирадур, жуда ёқтирадур... Баҳодир жаноблари, мен сизга айтсам, бу ерга қишлашга тез-тез келиб турадур, ҳа... – деди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав Занжирсаройга яқинлашганларида. – Лекин қаранг, ўзиям сўлим жойлар-да... Кошки айланиб чиксанг...

– Фурсат йўқ, Султон Маҳмуд жаноблари –

ғаши келди Қозончи баҳодирнинг. – У гапларни қўйинг. Вазифамиз бошқа... Соҳибқироннинг мана бу атроф яйловда шикор солишини мен ҳам яхши биламан. Тезроқ фармонни адо этайлик. Занжирсаройдан битта ҳам ғишт қолмасун! Бари ёндирилсун!

– Занжирсарой ёндирилсун! – кичкириб юборди Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав. – Битта ҳам ғишт қолмасун!

“Ёндирилсун!” “Ёндирилсун!” – деган садолар янгради атрофда.

Култепаларни шамол тўзғитиб ўйнаганини кўрганда, Амир Кайхусравнинг ўғли кўнглида худди бутун Соҳибқирон салтанатини ёндириб кул қилиб ташлагандай фароғатга чўмди...

Шу кунларда Ҳожитархондан кутлуғ хабар келди: Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав Мўғулистонга ҳоким этиб тайинланибди. Фармон кўлига етган янги ҳоким дарҳол Мўғулистонга отланди ва ҳокимиятни бошқариш ишларига киришиб кетди.

Кўп ўтмай, хон чопари бундай фармон етказди: Мўғулистон ҳокими ўз лашкари билан шай бўлиб турсин, буюк ҳокон тез кунларда йўлга чиқадилар, Сигноқда тўпланган катта кўшин билан Туронга бостириб борадилар. Тошканд томондан Тўхтамишхон, у томондан амир Муҳаммад Мирак юртни забтга оладилар ва Самарқандни ишғол этадилар...

Ҳалигача Тўхтамишхон Турон юртига кўшинлар юборарди, холос. Бу қудратли Олтин Ўрда хонининг икки дарё орасига биринчи марта от солиши бўлади.

II

Тарих милодий 1388-йил баҳори.

Олисадаги Ургут тоғларининг ёнбағирлари кўм-кўк майсаларга бурканиб улгурган... Боғи Биҳиштнинг меҳмон-хонасидан ажойиб кўнгилтортар манзара шундоқкина кўзга ташланар, уни Амир Темур томоша қилишни яхши кўрарди. Соҳибқирон мулозимга хос котиб Мавлоно Убайдни пешиндан кейинга чорлашни буюрди. Пири комил Шайх Тайободий ҳазратларидан бир ажойиб мактуб олган, ҳали хануз ўшанинг завқ-шавқида юрибди. Унда тарих дафтарига тушириладиган оқил кенгашлар битилганди.

Мавлоно Убайд кейинги пайтларда Кўксаройда салтанатнинг илк куниданок очилган муҳташам кутубхонада Абу Наср ал-Форобий ат-Туркийнинг бир рисоласидан тўхфа учун нусха кўчириш билан кун ўтказарди.

Соҳибқироннинг Боғи Биҳиштда Ургут тоғларининг чиройли манзараларидан бошқа ёқтирадиган жиҳати ҳам бор. Бу – сўлим боғ маликаси Туман оқа... У Туман оқани бағоят севади! Не-не йиллар йўқотиб қўйиб, ногаҳонда худо қайтариб берган маликаси! Бошқа маликаларни ҳам севиб ардоқлайди албатта. Аммо Туман оқанинг йўриғи бошқа...

Муҳаммад алайҳиссалом ҳовли-хаёти ҳақидаги бир ри-

солада, агар Соҳибқирон ёдида бўлса, “Тафсири Табарий” эди, шекилли, айнан расулуллоҳ ҳазратларининг оилавий турмуши, аҳли аёли билан муносабатлари таърифланганди. Рисола Ферузқўҳдаги жангда қалъа беги буюмлари қаторида ўлжага олинганди. Ўшанда жуда кўп китоблар кейин Кўксарой кутубхонаси жовонларини тўлдирди.

Пайғамбаримиз Биби Оиша разияллаҳу анҳуга бошқа хотинларидан кўра кўпроқ меҳр қўйгандилар. Аммо доим навбатни эсдан чиқармай, адолатни каттиқ тутишга тиришардилар. Ушбу рисолада расулуллоҳнинг самимий дил изҳори шундай битилмишди: “Ё. Оллоҳим, иктидорим бори-ча хотинларим ўртасида адолат қилурмен. Аммо сенинг қўлингдаги, ихтиёримдан четдаги нарсага мени гирифтор айламагил, яъни (очиқ айтилса) ҳаммаларини бир хил сева олмаймен, мени афв этгил, чунки дили-нафсим ўз қўлимда эрмас...”

Бу сўзларни эслаганда Соҳибқирон ҳамиша пайғамбарнинг инсоф-у адолатига қойил қолади.

Хонсолор нонушта тайёрлади. Чеккалари зар ҳошияли дастурхон ташланган хонтахтанинг усти ноз-неъматлар билан тўла. Асал-у мураббо, анжиркоқи-ю майиз дегандек...

Иссиқ тахмон патирдан кейин меҳмонхонани тандирдан янги узилган кўк сомса ҳиди тутиб кетди. Пуштиранг қўйлак устидан кўк бахмал нимча кийган, узун сочларини одатдагидек қирқ кокил қилиб ўриб орқасига ташлаган – чунки бу Соҳибқиронга жуда ёқарди – Туман оқа Амир Темурнинг чап томонида ўлтирар, гоҳ нон синдириб, сомса узатиб, хожасига илтифот кўргизар, гоҳ узум ёки ўрик шарбатидан қуйиб берарди.

Амир Темур Туман оқага зимдан бокди. Кўзлари шахло, суюклик, юзлари ширмой нондай кип-қизил, ўша ўн йил илгари қандай бўлса шундай... Бироқ энди малика камолига етиб хуснига хусн қўшилиб, сулувлиги ортиб, оламнинг дурри яктосига айланган, дилтортар бир балойи офатижон эди, қарашлари Соҳибқиронни энтиктириб қўярди. У суюк-лисини оғушига тортганида роҳат-фароғатларга чўмар, дунёнинг бор лаззати унинг оғушида мужассам эканлигига

иймон келтирар, Оллоҳнинг кўргизган лутф-у карамига шукроналар айтарди. Ишрат замонини ато этганингга шукр!.. Ох, хонтахта атрофида хотиржам, сўлим дилдорингга термулиб тўймай, янги келин-куёвлардай кимтиниб ўлтиришдан ортик завк-у сурур топилиши мумкинмикин?..

Ердан кўз узмаган Туман оқа Соҳибқирон назарини сезиб турарди. Шундай ҳолларда у ҳам ўнғайсиз аҳволга тушади, ҳам бемисл бахтиёрлик туйғуларига йўғрилади. Ҳар икки ҳолда ҳам ўзини қўйгани жой тополмай қолади. Чунки севгани, ардоқлагани унга меҳр билан қарамоқда! Ҳа, ҳа, мана йиллар ўтиб билдики, у Соҳибқиронни жонидан ортик севар экан! Севар экан! Шунинг учун малика ҳамиша Соҳибқироннинг дуои жонини қилади. Ҳар доим саккиз қават ипак кўрпали жой солиғлик хобхонасига¹ у ҳам Сароймулкхонимдан улги олиб, Соҳибқирон сиймосини чиздирди. Унда Амир Темур худди ҳозиргидек жилмайиб маликасига қараган, “Ёнингиздамен!” дегандай меҳр-ла боккан...

Ўтган куни Ҳумоюн ўрдудан хос мулозим хушхабар етказди:

– Эртага Амир Соҳибқирон ҳазратлари Боғи Биҳиштга ташриф буюрадилар!

Туман оқанинг юраги ҳаприкиб, нозик вужудига ширин титроқ югурди. Ўзи ҳам шуни кутиб турарди. Хобхонага кирди-да, жойга чиқиб ўтирди ва девордаги Соҳибқирон суратига тикилди. Кейин турли кийимларини кийиб кўрди, тақинчокларини тақиб чиқди... Хаёлида эртаги висол айёми, ширин эркалашлар, қайноқ оғушлар сурури бир-бир жонланди. Шу лаҳза негадир тўй кечасида юз берган воқеани эслашни истаб қолди. Туман оқа нафсини ҳазратга бахшида этган кечани эслаганда доимо ёқимли туйғуларга чулғанади...

Соҳибқиронга тушганида эси йўқ, ҳеч нарсани ўйламайдиган бир киз эди-да Туман оқа... Дуркунлигидан худди бўй етган кизларга ўхшарди. Аммо қурчоқ ўйнашни қўймасди. Қўғирчоклари кўп, катта, кичик, кора, кизил,

¹ Хобхона – ётоқхона.

олакуррок... Ҳатто тўй кечаси ҳам ёнида суюмли олакуррок кўғирчоғи “хамрох” эди. Ҳали эсласа, кулади.

Ушанда янгалар шоҳона жойга киритиб қўйдилар. Соҳибқироннинг ҳаяжонлангани сезиларди. Ёнида ҳурили-коси, меҳригёси, суюклиси ётарди. Куёв энтикканча уни бағрига тортди ва юз-кўзларидан, нозик дудокларидан муччилар олиб, силаб-сийпалаб эркалай бошлади. Ҳар ўпганда: “Худо берганим!..”, “Худо қайтиб берганим!..” – дея шивирларди ютокиб. Туман оқа баҳор гулидай тоза, тонг насимидай майин, наво янглиғ хушбар эди... Гулгун қизнинг дами тошни эритарди. У қаршилиқ қилмас, иштиёқ ҳам кўргизмас, бефарқ, келин-куёвлик мана шундай ўпиш-эркалашлардан, навозишлардангина иборат бўлса керак, деб ўйларди.

Кўп ўтмай қизнинг вужудида унга мутлако нотаниш, кўнгилини аллалайдиган ёқимли туйғулар уйғона бошлади. Ишқдан сармаст Соҳибқироннинг эркалашлари хуш ёққанидан, нозик кўллари оҳиста куёвтуранинг бўйнига ташлаганини билмай қолди. Бирдан унга нимадир қаттиқ урилди-ми, бағри ўйилди-ми, ҳар қалай кўзларида ўт чақнаб кетди! Жони халкумига келганидан ихраб юборганини билади, у ёғи эсида йўқ... Ҳушидан мосуво Туман оқа ўликдай жонсиз ётарди.

Куёвтура янгаларни чақирди, ўзи ювиниш, таҳорат олиш учун ҳовлига йўналди. Янга Холдона биби: “Ўзим айланай, қоқиндиқ!..”, “Чучундим, Оллоҳнинг суйгани экансиз, гиргиттон! “- дея келинчак юзига оз-оз совуқ сув сепи бошлади.

Анча вақтдан кейин келинчакнинг ҳуши ўзига келди, аммо кимирлай деса мажол йўқ, уриб-эзиб ташлангандай зил-замбил эди.

– Маликам! Ширин маликам!.. – дерди янга келинчакнинг оқариб кетган юзларини оҳиста шапатилар экан. – Гўзал маликам!..

Овоз келинчак қулоқларига элас-элас чалинарди.

Туман оқа кўзларини баъзўр очди.

– Менга... нима бўлди?.. – унинг ҳолсиз сўраган бирин-

чи саволи шу эди.

– Келинчак бўлдингиз, жоним гиргитгон сизга! Ширин келинчак! Чучундингизми? Ҳарам маликаси бўлдингиз-да, қоқиндик! Малаклар фалакларда таҳсинлар ўқидилар!.. – деди Туман оқанинг қўллари ва оёқларини майин уқаларкан Холдона биби. Кейин ўзига ўзи дегандек, қўшиб қўйди. – Ҳа, ростдан ҳам киз боланинг умри бир лаҳзалик-да...

Барини эсласа ҳали ҳозир уялиб кетади.

– Узум шарбатидан берайми, ўрик шарбатидан, хазратим?.. – шикаста овозда сўради Туман оқа Соҳибқиронга жилмайиб боқаркан. Маликага ҳозир ҳамма нарса ярашарди: шикаста овоз ҳам, сеҳрли савол ҳам, ерга қараб ўлтириш ҳам, жилмайиш ҳам, ноз-у навозиш ҳам...

– Меҳр шарбатидан берингиз! Меҳр шарбатидан!.. – деди Амир Темур дўндик маликадан интиқ кўзларини узмай. Туман оқа шамани тушунди, тушунди-ю юзига қон тепиб қизариб кетди, аллақандай туйғу Туман оқани ич-ичдан яшнатиб юборди.

Амир Темур кўринишдан жиддий одам эди, аммо хилватда маликалар билан дийдорлашганда тамоман бошқа одамга айланарди, меҳрибон, хушчақчақ ва ҳазилкаш, суюқликларига тегажоглик қилишни ёқтирар, ширин сўзлар айтар, бундан кўнгли фароғатларга чўмарди. Зоҳирда эса ҳеч ким ҳамиша қоғоғи солиқдай юрадиган Соҳибқиронни шундай хушчақчақ одам сифатида тасаввур эта олмас, у факат қилич тутишдан бошқани билмайдиган қаҳрли саркарда бўлиб туюларди.

Ерга қараган Туман оқа ўз ҳаддида туриб, таннозларча қарашма қилиб деди:

– Ҳазратимнинг ўзлари ҳарб-у жанглар, мусаххар майдонларни дийдоримиздан ортиқрок кўрдилар-ку... Ҳм-м...

Қачонлардир ўқиган бир рисолада тахминан шундай сўзлар қайд этилгани ҳозиргидек Соҳибқироннинг эсида. Заифалар ўн ёшдан йигирма ёшгача амният ва умид соҳибаларидурлар; йигирмадан то ўттизгача толибларнинг ороми дили ва роғибларнинг¹ лаззати жони, ўттиздан қирқгача

¹ Роғиб (арабча) – рағбат қилувчи, хоҳиш, майл билдирувчи, мойил.

мол-у фарзанд эгаси, кирқдан элликкача нанг-у номус ва ризки солус¹ бандидадурлар; элликдан олтмишга борганда уларни қора меҳнат, қаттиқ офат қутади, улар бамисли ҳазон етган гулшан, ўти ўчган гулхан, кўзи кўмилган чашма, харобага айланган қулбага менгзарлар...

Бас, Туман оқа, кирқ қокил ойимча, йигирма икки ёшда... Соҳибқироннинг ороми дили-ю лаззати жонидур. У жўшиб кетди, ҳозироқ маликани хобхонага олиб кириб кетмоқчи бўлди. Тунда ишрат замонида қамон тобда, ўқ ҳам ҳаданг эди, отилган ўқлар бари мўлжалга тегди... Аммо Соҳибқирон ҳозир ўзини тийди. Уларнинг висол онлари ана шундай интиқлик билан кечарди.

Соҳибқирон суҳбат мавзуини ўзгартирди:

– Пир Муҳаммад Жаҳонгир набирамиз қалай?

– Оллоҳга шукр! Ўн икки ёшга қадам қўйдилар амирзодам.

– Муҳаммад Султон Мирзо, Пир Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо... Суюкли ўғлимдан ёдгор улар. Ёнларида Шохрух Мирзо ҳам бор... – маънос тортди Соҳибқирон. – Умидим қатта... Оқа бегимнинг ўғли Султон Ҳусайндан ҳам.

– Ҳазратим! Амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга Форс пошшосининг кизини сўратдирғон эрдингиз... – эслатди Туман оқа. – Келиннинг сепи бирлан келғонига уч йилдан ўтди... Ёдингиздан чиқиб қолмадим-у тагин?

– Рост, Форс ҳукмдори Шох Шужоънинг кизига оғиз очқон эрдим...

Туман оқа улар тўйини ўтказиш ҳақида ўйлайди. Хонимойим Сароймулкхонимнинг ризолигини олиб ҳам қўйган. Ҳозир жуда айтмоқ фурсати эди, чунки ҳазратнинг қайфлари чоғ, қулфи диллари очилган, истироҳат онлари, салтанат юмушларини ҳам биров эсларидан чиқарганлар...

Малика оғиз очмоққа чоғланди, аммо шу заҳотиёқ фурсатни бой берганини англади. Мулозим кириб, Хутталон вилоятдан Соҳибқироннинг қизлари мухтарама Султон Бахт бегим ташриф буюрганларини билдирди.

“Тагин куёвидан шикоятмикин?..” – ҳаёлидан кечирди

¹ Солус (форсча) – тилёғламалик, хийла (муалл).

Соҳибқирон. Аввалги сафар, оиланинг ўзига яраша сирасори, ташвишлари борлигини айтиб, маслаҳатлар бериб кизининг кўнглини тинчитганди. Ёшликда шундай ҳоллар учраб туради-да. Агар яна ўша машмаша бўлса, Соҳибқирон кизига такрор насиҳатлар қилади, ётиғи билан тушунтиради ва уйига қайтишга ундайди, вассалом.

Туман оқа ижозат сўраб, меҳмон истикболига ошиқди ва бироздан кейин бегойимни бошлаб кирди.

– Ассалому алайкум, валинеъмат Соҳибқирон!

– Ва алайкум ассалом...

Узун қора барқут авра тўн Султон Бахт бегимга бирам ярашган эдики, ҳушбичимлигини яна ҳам бўрттириб юборганди. У чакқон келиб падари бузруквори чопони пешига лаб босиб, кўзларига суртди-да: “Давлатлари зиёда бўлсун, илоҳи!..” деб қўйди пичирлаб.

Соҳибқирон кизининг манглайдан ўпди.

– Қадамингга ҳасанот, қизалогим! Қани, бу томонимга ўлтир-чи! – жой кўрсатди Амир Темур. – Соғиниб ҳам қолгондим сени...

Соҳибқирон рўбарўга чўк тушган Султон Бахт бегимга назар ташлади. Қизининг юз-кўзларида катта безовталиқ излари аниқ сезилиб турарди. Ҳозир кўзлари ёшланади-да, арзини айтади, деб ўйлади у ва беихтиёр юпатишга керакли сўзларни қидира бошлади.

Нафсиламрини айтганда, шу қизининг ташвиши аримади, ўзи кеч уй қилди, тўйдан кўп ўтмаёқ оила нотинчликка юз бурди. Султон Бахт бегим ҳозиргача турмушидан икки марта нолиб келди...

Фарзанднинг, айниқса, ожизанинг пешонасини худонинг ўзи ёрлақасин экан. Ёрлақамаса, бари бекор. “Нима учун норизосен?..” – деб сўраганларида, қизи сабабини айтмас эмиш, фақат йиғлаб: “У ерда яшолмаймен...” дермиш, холос. Ҳатто кейинги сафар қайтаётганида: “Хонимойим, агар аҳволимдан хабар олмасангизлар, мендан умидларингизни узингиз!..” – деб очиқ гапирганмиш маҳди улё Сароймулкхонимга. Гап куёвда, шекилли. Нима бўляпти ўзи?..

Аммо бегойимнинг бу гал ташвиши мутлақо бошқача эди:

– Мухтарам падари бузрукворимиз! – деди у жиддий. – Ошиқиб келганимнинг сабаби кўнгилсизрок... Куёвингиз Хутталон ҳокими қандайдир нохуш юмушларга бош қўшмакда чоғи. Ёмон йўлларга кириб қолди. Хаёлида бузғунчилик ниятлари борга ўхшайдир. Бор, бор... Нияти бузук, аник бу...

– Нияти бузук?.. – сўради Амир Темури хайрон. – Қандай нияти бузук? Ахир куёвим-ку!..

– Ҳа, куёвингиз...

Султон Бахт бегим шу топда шавҳарининг барча кирдикорларини очиб-очиб ташлагиси келди, фитнага ружу қўйганини, ёмон одамлар билан бирлашиб қолганини, қайнатам демай пурқудрат Соҳибкирон шаънига таъналар билдирганини, инсон сифатида фосиқ бир банда эканини, тутумлари зинҳор одам боласиникига ўхшамаслигини, ўзининг азоб-у изтиробда ўз ёғига ўзи қоврилиб яшаётганини, соябони – отаси номига доғ тегмаслиги учунгина чидаб юрганини, ададсиз аламларини – бари-барини бир-бир тўкиб солай деди-ю падари бузрукворини аяб гапирмади. Буларсиз ҳам Соҳибкироннинг ташвишлари бошидан ошиб-тошиб ётибди. Куюнчак қиз барини яхши тушунарди.

– Ҳа, валинеъмат Соҳибкирон, куёвингиз нияти бузук! Уйкусида гапирадурғон одат чиқарғон. Уйкусида шундай гапларни айтиб чиқадики, илонлар пўст ташлайди. Қайсарлик, телбалик аломатлари аён... Ўйламай гапирди. Яқинда Тўхтамишхон чопар юборғонини эшитиб қолдим. Мактуб олиб келганмиш. Олтин Ўрда хони мактубни ўзларига юборишлари лозим эди-ку, Амир Соҳибкирон? Нечун чумчукнинг қанотидай чекка вилоят ҳокимини танлайди?.. Унга нимани ёзади? Ким у?.. Бирон фитна йўқмикин? Қўрмакенки, эй падари бузруквор, салтанатга қарши фитна чиқармасунлар тагин, деб. Шунга ошиқдим-да...

Амир Темури: “Биламен...” – дегандек бош тебратди ва хаёлидан: “Тафтиш этмак жоиз, нахотки?.. Шер Баҳромнинг ўғли-я?.. Отаси ҳам сал шунақарок эди. Тутинган ўғли

Тўхтамишхон ҳам. Бундог кишилар бамисли ширинликка ёпишган пашшадай... Ширинликни еб бўлгач, дастурхон эгасини чакадурлар...” – кабилида сўзлар ўтди. Аммо меҳрибон кизига ҳеч нарсa демади, фақат пешонасидан ўпиб, бошини силаб-силаб бирнеча лаҳза бағрига босиб турди.

Яқинда Мубашшир баҳодирнинг тинғчилари Тўхтамишхоннинг Хоразмга босқин уюштираётгани ҳақида хабар етказдилар. Энди ўз “ўғли” га қарши боради, шекилли... Нафсиламрини айтганда, Сулаймон Сўфи раҳнамолигида Хоразм яна фитначилар маконига айланиб қолди. Тўрт марта Хоразмга юрилди, тўрт марта! Тинчликка эришмоқ учун уруш қилмоқ керак экан, ё раббий!

Бас, марҳаматнинг, кечиримлилиқнинг ҳам чегараси бор. Худо раҳмати Амир Жоку барлос жаноблари: “Малҳам наф бермаса ярага тиғ урмак жоиз, бўлмаса бутун вужудга касри тегади.” – дерди. Малҳамларнинг нафсизлиги-ку аник. Суюкли қизининг гаплари рост. Ўша фитначилар ичида Муҳаммад Мирак йўқмикин?..

Султон Бахт бегим кетишга изн сўради. Соҳибқирон ўрнидан турди: – Келиб яхши қилибсен. Ҳушёр бўл, қизалоғим. Келиб тургин.

– Худонинг ўзи асрасун сизни... – таъзим бажо

қилди бегойим. У: “Айтиб келишим шарт эмас эди, барини падари бузрукворимнинг ўзлари мендан ҳам яхши билишларига шубҳам йўқ, аммо... кўриб, гапирмай қандай чидаб тура оламен...” – деди ичида.

Туман оқа уни кузатиб чикди.

УН ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

I

Бандасига азалдан ношукрлик, куфрони неъматлик хос. Ох, беакл инсон ўзига ўзи шундай ёмонликларни тилаб оладики, душман душманига раво кўрмайди. Форсадаги музаффарий Шоҳ Шужоъ авлодлари шунга бир мисол, аммо уларнинг ирганч кирдикорлари ҳақида ҳозир Соҳибқироннинг асло эслагиси йўқ...

Рост, Туман окенинг айтганича бор, уч йил аввал Балхда турганда Шоҳ Шужоъ қизини набираси амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгирга сўратиб Алуфа тавочини Шерозга юборганди. Айри соқолли, чап кўзи ожиз тавочи сафардан қайтиши билан тафтиш қилинди ва қатл этилди. Совчининг сафар асносида ўзига бино қўйиб, ҳаддан зиёд дабдабага берилгани, одобсизлик каби ножўя ҳаракатлари ҳақида Соҳибқиронга маълумот етган экан. Тўғри чикибди. Одамлар ичида: “Алуфа тавочи кўзига қараб юрмабди-да...” – дея афсусланганлар ҳам, “Бир кўз билан қараш қийин-да ахир!..” – кабилида кесатганлар ҳам топилди. Ўшанда пири муршид Мир Саййид Барака Соҳибқиронга шундай деганди:

– Амир Соҳибқирон! Подшоҳлар қошида ҳар киши одоб-у эъзозни шиор этсун, ўз ҳаддини билсун. Суяксиз тилни маънисиз каломдан, оч кўзни хиёнатдан, кўнглини нифоқ-у низодан йироқ тутсун, ўзига бино қўйишдан тийилсун, ноўрин ғурурдан йироқ қочсун. Ўшанда ўтар дунёнинг иззати, охиратнинг бахайрлиги меърожи¹ уники бўлур!..

Амир Темур бош тебратиб пири муршиднинг сўзларини маъқуллаганди.

Меҳрибон қизи Султон Бахт бегим кетгач, Соҳибқирон ўрнидан турди-да, ўйга чўмганча у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Хаёли нотинч эди.

“Ҳа, замона одамлари мизожида хиёнат, ёвузлик, вафосизлик иллатлари азалдан жойлашиб олган... – деди ўзига ўзи. – Мана, куёви Муҳаммад Мирак тутумлари ҳеч бир

¹ **Меърож** (арабча) – осмонга, арш-аълога, худонинг олдига чиқиш (Муҳаммад пайғамбарнинг Қуддусдаги Иксо масжидидан осмонга кўтарилиши).

ақлга сиғмайди. Тўхтамишхон ҳам бундан мустасно эмас... Улар ўзаро тил топишмакда, шекилли... Бу аник!”

Тўхтамишхоннинг ножўя кадамлари илк марта Амир Темур кўнглига оғир ботди. Ҳали у захри морни чўнтагида олиб юрибдиму? Наҳотки, Тўхтамишхон туз кадрили билмас нокаслардан бўлса? Чингизхон авлоди-я?.. “Кўрнамак!” – деб юборишига оз қолди, шайтонга ҳай бериб, ўзини тийди.

Гапнинг сирасини айтганда, салтанатлар сиёсатида бундай ўғринча йўл – элчи юбормай, орани очик қилмай, ғафлатда қўйиб қўшин тортиш ўзини ҳурмат этадиган ҳукмдорга муносиб иш эмас. Кўксаройда аркони давлат олдида: “Сиз отамсиз, валинеъматимсиз, отам қилмаган яхшилиқни қилдингиз!..” деб, Соҳибқирон тўни пешини ўпиб уч марта кўзларига суртган, ўзини ўғил деб атаганди. Ўшанда Тўхтамиш ўғлоннинг Жаҳонгир Мирзоникига ўхшаш ёрқин кўзлари севинч ёшларига тўлганди. Ё подшоҳзода фитнага алданиб қолганмикин?.. Аввал тафтиш қилмак керак, бу бузғунчиларнинг кирдикорларидур балки. Бегуноҳнинг қонини тўкиш ҳеч қачон кечирилмайди.

Соҳибқирон шундай иккиланиб турганда, “ўғли” ҳақидаги фикрини қатъийлаштиришга ундаган бир воқеа эсига тушди. Бир йил аввал милодий 1387-йилда Амир Темур қўшини Озарбайжонда Бардаъа музофотида эди, Тўхтамишхоннинг шуни била туриб, атай Дарбанд йўлидан келиб, Кура дарёси соҳилига черик ташлагани ҳақида хабар етди. Ҳумоюн ўрдудан: “Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкар билан сувнинг нариги ёғига ўтсун!” – деган фармон содир бўлди.

– Чор атроф таҳқиқ этилсун!¹ – тайинлади Амир Темур. – Тўхтамишхон кишиларини кўрсангиз, қилични қиндан чиқармангиз, ўқни ёйдан айирмангиз. Ҳар қалай, ўғлимиз... кўрайлик... Биламен, Тўхтамишхон Ҳулокухон улусини тиклаш ниқоби остида бу музофотга босқинлар қилаётир. Биз эгаллагон савдо йўлларини тортиб олмакчи. Эронга уч йиллик юришимизнинг сабаби ҳам Тўхтамишхонни бу ерларга киритмаслик аслида...

¹ Таҳқиқ этиш – текшириб қўриш (муалл.).

Лашкар жунаб кетгандан сўнг Соҳибқиронни яна қандайдир гумонлар чулғади, кўнгли тинчимамай, жаҳон амирзодаси Мироншоҳ Мирзо ва Амир Сайфиддин некўзларни ҳам бир жамоат киши кузатувида улар ортидан жунапти.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкари Кура сувидан ўтиб илгари силжирди. Олисдаги силлиқ қобирғалари тўлкинланиб кўзга ташланадиган хушбичим адир ёқдан гоҳ-гоҳда сурон садолари эшитилиб қоларди. Тингчи черик Тўхтамишхонга тегишли эканини аниқлаб қайтди. Олдинда, ана, уч ўқ отим ерда от солмоққа шай ёғий қўшинининг бўй-басти ҳам кўринди...

Олий ёрликка кўра, Жаҳоншоҳ ибн Жоку лашкарга жангга киришмай ортга қайтишни буюрди. Душман буни ўзича тушуниб, улар савашишдан қўриқиб қочдилар, деб ҳаёл қилди ва майдонда жавлон уриб ўқлар ота бошлади. Урушмоқ ҳукми берилмагани учун навкарлар от чопмоққа жой танглигидан ўзларини, ким чангалзорга, ким сувга урарди. Қирқдан ортиқ навкар талаф¹ бўлди.

Асло қочмоқ одатлари йўқ Соҳибқирон баҳодирлари бундай кўргилиқдан хижолат, бир-бирларига қарай олмасдилар. Йўлда Мироншоҳ Мирзо қўшинига кўзлари тушиб беҳад қувониб кетдилар.

– Амирзодам! – мурожаат қилди Жаҳоншоҳ ибн Жоку ер ёрилса ерга кириб кетгудай уялиб. – Амир Соҳибқирон... Тўхтамишхон кишиларига қилич кўтармангиз, деб буюрғондилар...

– Маъзур тутғойсиз, амир жаноблари! – деди ғазабини баъзўр босиб Мироншоҳ Мирзо. – Лекин ғаним найза ўқталиб турса, олдида шаталок отиб қочиб қол, демағонлар, шекилли?..

– Қочмаймиз! Душманни қийратамиз!

– Қийратамиз! – хезланишга турди навкарлар ҳам.

Жаҳоншоҳ ибн Жоку бу аччиқ таънага қандай жавоб беришни билмасди. Амир Сайфиддин некўз индамай ерга қараб турарди.

¹ Талаф (арабча) – ўлмоқ, йўқ бўлмоқ (муалл).

Шу палла душманнинг олисдан от солдириб келаётгани аниқ кўзга чалинди. Мироншоҳ Мирзо ҳайқирди:

– Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида! Ёғий устига!

– Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида! Оллоҳу акбар!!!

– Ёғий устига!

– Ёғий устига!..

Мансур черик қайрилиб аллақандай шижоатда Мироншоҳ Мирзо лашкарига қўшилди ва Тўхтамишхон аскарлари томонга юз бурди.

Сурон авжга чикди.

Ёғийни Дарбанднинг тор еригача қувиб борган Мироншоҳ Мирзо кўп кишиларни асир олиб шомда Соҳибқирон ҳузурига қайтди.

Амир Темур бегуноҳ асирларни асло ўлдиртмас, барининг худо олдида жавоби бор, дер эди. Душман навқари бизга қарши қилич кўтарган эса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади. Шундай кишилардан биронтаси жанг вақтида қўлга тушса, хизмат ихтиёр этса, уни вафодор одам санаб, мартабасини ошириб, азиз тутсунлар, деб уқтирарди Соҳибқирон ҳамиша.

Соҳибқирон бандилар гуноҳидан ўтди. Ким билсин, балки бундан Тўхтамишхоннинг хабари йўқдир, бу орани бузмокни ният қилган нотавонлар ишидур. У асирларга кетишга ижозат берар экан, бундай деди:

– Бир нарсани сизларга айтишни истаймен. Тўхтамишхон билан орамизда ота ва ўғил ҳаққи бордурки, уни унутмак макбул эрмас... Нима сабабдан уйқуда ётгон фитнафасодни уйғотишимиз керак? Расулуллоҳ: “Фитна ухлаб ётгон кишига ўхшар, токи уни уйғотмасалар турмас... Уни уйғотгон кишига Оллоҳнинг лаънатлари бўлсун!” деганлар. Унга айтингизлар, бу йўлдан қайтсун, парвардигорнинг ланъатидан қўрқсун. Бурунги аҳдимиздан ва мувофиқат йўлидан четга чиқмасун. Бориб анга сўзимизни етказғойсиз...

Тақдирнинг бу қадар илтифотидан шод-хурсанд асир-

лар баб-баравар тиз чўкиб таъзим этдилар ва Соҳибқирон сўзларини хонга етказишга ошиқишганча йўлга отландилар.

Тўхтамишхоннинг сўнгги ҳаракатлари ҳам билмасдан қадам босиб қўйган одамга асло ўхшамасди. Айниқса, Соҳибқирон ёқтирадиган, қайин отаси Қозон Султонхон бино қилган Занжирсаройга ўт қўйиб кетганларидан кейин, у аниқ ишонди: тан олиш керак, Тўхтамишхон душманга айланибди! Афсуски, душманга айланибди...

Бу душман, Малик Гиёсиддин, Амир Қамариддин ёки Анқо Тўра эмас... Ўкинадиган жойи шулки, бу душманни Амир Темур ўз бағрида ўстирди, ош-нон берди, обрўй берди, одам қилди. Хонлик тахтига миндирди. Энди димоғига салтанат ҳиди уриб қолди, шекилли... Агар Жаҳонгир Мирзога Тўхтамишхоннинг ношукрликларини кўриш насиб этганда, шаҳзода қуйиб-ёниб кетса керак эди. Падари бузрукворининг ишонувчанлиги, кечиримлилигидан яна дили оғрирди, “Эшакнинг боласи эшак бўлади, итнинг боласи – ит...” деганда тағин ҳақ чиқарди, албатта... Энди Умаршайх Мирзо ҳам оғасига ўхшаб шундай деб юрибди.

Соҳибқирон чуқур энтикди. У оҳиста бориб жойига ўтирди. Хонтахтада ноз-неъмат тўлиб ётган эса-да, кўнгли ҳеч нарса тиламасди. Ҳамон Дашти Қипчоқ муаммоси, бироқ энди аввалгидан даҳшатлироқ мақомда унинг олдида яна кўндаланг турибди. Не-не саъй-ҳаракатлар, самарсиз интилишлар, беҳуда шижоатлар, лузумсиз изтироблар, орзу-ҳаваслар барчаси бекорга кетди. Энди ишни бошидан бошламоқ керак. Бу дунёда ҳеч кимга, ҳатто ўзингга ҳам ишонишинг мушкулга ўхшайдир, фақат Оллоҳга ишониш керак, фақат Оллоҳнинг ўзига!..

II

Мавлоно Убайд келганида, эғнига заррин авра тўн ташлаган Амир Темур ва кўк либосдаги малика Туман оқанинг боғда айланиб юрганларига кўзи тушди. Маликага боғ парваришини қандай назорат қилиш ҳақида кенгашлар бераркан, Соҳибқирон мамнун дерди:

– Форсда ажойиб анвойи гул уруғини топишларини буюрдим. “Хатми Эрон” дейишаркан, япроклари хилма-хил чиройли товланаркан. Хеч гулга ўхшамас бўйи бор. Мана бу ерга экарбиз. Йил бўйи очилиб ётади.

Малика ўнг қўлини латиф ва сеҳрли кўкрагига қўйганча кулок солар, гоҳ-гоҳда “Маъкул!” дегандай бош тебратиб кўярди.

Соҳибкирон Мавлоно Убайдни кўрди-ю, меҳмонхона томон йўналди.

– Мавлоно! – хос муншийга юзланди хонанинг қибла томонидаги тахтга ўлтирган Соҳибкирон. Унинг ўнг оёғи сезилар-сезилмас зиркираб оғрир, хонтахта атрофида ўлтирса оғрик кучаярди, шу сабабдан боғлардаги меҳмонхоналарда ҳам тахтлар қилдирилганди. Бундан ташқари, бу ерларда элчилар, чопарлар кутиб олинар, машваратлар ҳам ўтказилиб туриларди.

– Кулоғим сизда, Амир Соҳибкирон!

Мавлоно Убайдга Соҳибкироннинг кайфияти унчалар яхши эмасдай туюлди, унинг ҳаракатларида бироз сустлик бордай эди.

– Хуросон-у Сеистон, Форсу Мозандарон, Султония, Озарбайжон, Гуржистон мамлакатларини кезиб кайтдим. – ўйланиб деди Соҳибкирон. – Афсуски, барча ерда саййид-у уламолар, машойихларнинг кадамжоларига дуруст эътибор йўқдур. Забт этилгон мамлакатларнинг саййидлари, шайхлари, олимлари, фузалоси, дарвишлари, хилватда ўлтургон зоҳидларининг аҳволи ночор, уларни суюрғол, вазифа ва маошлар билан сийламак жоиздур. Фақир-у мискинларга нафақа лозим, мударрис ва шайхларга вазифалар берилмоғи даркор...

– Бағоят ўринли сўзладилар, бу кони савобдур, Амир Соҳибкирон! Ҳимматингизга офарин-у офарин! – қўллаб-қувватлади Мавлоно Убайд. – Валлоҳи аълам биссавоб!

– Пири комил Шайх Тайободий ҳазратларидан мактуб етди... – деди Амир Темур. – Бағоят ғаройиб! Аввал қайд этгон тузуқимизни ўқисунлар-чи, мавлоно!

Мавлоно Убайд “Аъло иш бўлибди!”, “Аъло бўлибди!..”

деганча, жузвдонидан авайлаб кўк дафтарни олди, сўнг керакли саҳифани очиб ўқишга тутинди:

“Авлиёлар, дин пешволарининг мазорлари ва мақбаларига вақфдан маблағ ажратсунлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъмин қилсунлар. Даставвал Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара ҳарамайн вақфига маблағ хориж қилсунлар. Ва бу маблағ ҳар янги ой кўрингонда соҳибларига етказиб турилсун. Кейин. Амир ал-мўминин мард кишилар подшоси Али ибн Абу Толибнинг, унга Оллоҳнинг карами ва марҳамати бўлсун, муқаддас қабрларини яхши сақлаш учун Нажаф ва Хуллани вақф этиб берсунлар. Кейин. Имом Ҳусайннинг¹, Оллоҳ ундан рози бўлсун, нурга чўмилган муқаддас мазори; яна авлиёлар улуғи шайх Абдулқодир Жилонийнинг² табаррук равзаси³; яна Имоми Аъзам⁴ Абу Ҳанифанинг, унга Оллоҳнинг раҳматлари бўлсун, мақбалараси; яна, Бағдодда нурга чўмган ўзга машойхлар, дин пешволари ва ақобирларидан ҳар бирининг мазорлари учун, баҳоли қудрат Карбало, Бағдод ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ҳамда бошқа ерлар вақфидан маблағ-у ақчалар ажратсунлар... Кейин. Эрон ва Турондаги табаррук шайхларнинг мазорлари-ю турбатлари учун ҳар бирига алоҳида, номма-ном назр-у вақфлар белгиласунлар...”

– Макбул... Халлоки безаволга салламно!

Бундан буён бу қутлуг юмушлар салтанат тасарруфи доирасига кирадур!

– Куллук! – пири комил мактубини қоғозга туширишга шайланаркан, деди хос котиб.

– Энди ушбу каломларни ёзиб олсунлар, – буюрди Соҳибкирон. – “Ҳар бир мамлакат фатҳидан сўнг, у ернинг гадоларини тўплаб, кундалик емиш-ичмишларини муҳайё

¹ Имом Ҳусайн – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг набираси. халифа Алининг ўғли.

² Абдуқодир Жилоний (1077-1166) – форс илоҳиётчиси, мутасаввуф.

³ Равза (арабча) – 1) қабр (бу ерда шу маънода келган); 2) боғ.

⁴ Имоми Аъзам – Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (699-767) – ханафийлик мазҳаби асосчиси.

айлаб, барчасини тамғаласунлар ва бирон вазифа тайин этсунлар, токи бошқа гадолик қилмасунлар. Гадоликдан воз кечмасалар, уларни узоқ мамлакатларга сотиб юборсунлар ёки ҳайдасунлар. Андоки, гадо зоти мамлакатимдан йўқолсун...”

Сўз тугар-тугамас, мулозим Муҳаммад Чуроға додхоҳ келганини билдирди. Айни муддао, ўзи уни чақиртирмоқчи бўлиб турувди.

– Кирсун!

Бироздан кейин остонада эгнига юпқароқ чакмон ташлаган додхоҳ кўринди. У, одатда, фақат чақиртирилсагина ташриф буюрарди. Демак, жиддий янгилик бор...

– Табриздан нохуш хабар етди, Амир Соҳибқирон... – Муҳаммад Чуроға додхоҳ, гапираверайми, йўқми, дегандай тўхтаб қолди.

– Қандай хабар экан?

Соҳибқирон юзида ҳеч қандай ўзгариш асари билинмади.

–... Шаҳарда қурғокчилик ва очликдан юз минг нуфус одам нобуд бўлибди.

– Юз минг?.. – сўради Амир Темур.

– Шундоқ! Юз минг!.. Тағин хабар етдиким, Тўхтамиш-хоннинг Занжирсаройга ўт қўйган аскарлари ҳозир Хоразмда меҳмонда эмиш...

– Хоразмда меҳмонда... эмиш?.. – чимирилди Соҳибқироннинг қуюқ қошлари.

– Шундоқ... Султон Маҳмуд ибн Кайхусрав Мўғулистонга ҳоким бўлибдир. Ҳожибек Жониқурбоний Тусда такрор исёнга бош урибдур. Амирзода Мироншоҳ Мирзо Тусга юриш қилибдурлар. Шаҳар ишғол этилибди, Ҳожибек қочиб жон сақлабди. Шаҳар аҳли жазоланибди, кўчалар ўликка тўлибди, айрим исёнчиларни минорадан ерга ташлабдилар. Ҳожибек яна қўшин тўплаш ҳаракатида эмиш...

Соҳибқирон ичида ўз-ўзига деди: “Демак, вазият ростдан ҳам шундоқ экан-да! Кечаги икки хуфия ҳам – уларни фақат Амир Темур танийди, кўчада улар дарвиш-у дайди кампир, холос, бир-бирларидан зинҳор беҳабардурлар, –

худди шундай маълумот берганди...”

– Тагин жазолар, минорадан ташлашлар, боскинлар... Ёраб, бандасига бошқа юмуш йўқму? – Соҳибкироннинг кўнгли сиқилди. – Бани башарнинг кирдикорлари шундок... Табриз аҳли ҳам, Тус аҳли ҳам худонинг ғазабига учрабдида.

Амир Темур бошининг орқасида оғрик турганини сезди, тахтдан узоқлашмай у ёқдан-бу ёққа юраркан:

– Тўхта... – тикилди бирдан Муҳаммад Чуроға додхоҳга. – Ҳожибек Жониқурбоний, дедингму? Алибек Жониқурбоний хешларидан? Ҳеч инсофга юз буришмас экан-да! Бошимизга ит кунини солиб бурга босган зах ертўлада саклади, бировнинг химматини бизга кўп кўрди бу Алибек... Майли, дедик, чидадик. Неча-неча бор алдаб кетғонига карамай, ундан кўнгил узмадик. Набираси Хон Султон огани шахзода Муҳаммад Султонга қалинлик¹ қилдик. Ўзимиз айтдик. Инсофга келарму деб. Келмади. Баски, Андижонда боши кесилди. Малик Ғиёсиддин билан ўғли Амир Ғурий ҳам хиёнатлардан фориғ бўла олмадилар.

– Шунинг учун балога учрадилар. Икки ой аввал эди, Самарканд арки орқасида намозшом пайти Шайх Нуриддин баҳодир уларни қатлга етказди... – аниқлик киритди додхоҳ.

– Қанча вақт сабр-тоқат этагидан тутилди... Наф бўлмади. Амир Ғурий паҳлавон, кўркмас йигит эди, бир юртни гуллашиб кўярди... – афсусланди Соҳибкирон. – Энди куёвимиз Пир Муҳаммадни ҳам Ҳиротда фитна-ю фасодни бошига салладай ўраб олғон, дейишмакда. Амирзода Мироншоҳ Мирзо бир йилдан бери бу бузғунчининг фатвосини берсунлар, деб ижозат сўрағони сўрағон. Бермадук... Ижозат кута-кута охир ўзи Хуросон волийси фармони билан яқинда Пир Муҳаммаднинг бошини танидан жудо қилибди. Афсус, афсус... Бандаларингни инсофдан дариг тутма, ё раббий!

Мавлоно Убайд ҳаяжонланган Соҳибкиронни чалғитиш мақсадида оҳиста деди:

– Ҳазрат, пирларининг мактублари ҳақида сўзлағон эр-

¹ Қалинлик қилмоқ – унаштирмоқ (муалл.).

дилар...

Амир Темур ялт этиб хос муншийга каради:

– Ҳа, ҳа! Сўзлагон эрдим... – Соҳибқирон тахтга ўлтираркан, оҳиста чўнтагидан найчадай ўралган қоғоз чиқарди. – Ажабки, бу мактуб инсон зотининг кирдикорлари ҳақида асли... Кўк дафтарга туширингиз! Сен ҳам эшит, Мамат!

Меҳмонхонада Амир Темурнинг кориларникига ўхшаган ўктам овози жаранглади. У доимо пирнинг мактубларини овоз чиқариб ўқишни яхши кўрарди. Шайх Тайободий ўз мактубида баландпарвоз, юксак руҳда битилган даромаддан сўнг бундай ёзганди:

“... Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқ-у фасод кучайиб кетаркан, асил подшо адолат ўрнатиб, фисқ-у фасодни, зулмни ўз уясида йўқотиш учун ана шундай мамлакатга ҳужум бошламоғи керак. Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юрт устига тинчлик ўрнатиш ниятида босқин қилиши лозим... У ўзини ҳамиша олам аҳли учун жавобгар деб ҳисобласун.

Жаҳонгирликда тўрт нарсани ёдда сақласунлар: Биринчиси – қайси мамлакатни забт этмоқчи эрсалар, тадбир ва кенгаш билан иш тутсунлар. Иккинчиси – ҳар қадамни кўп ўйлаб, сергак ва ҳушёр, эҳтиёткор иш юритсунлар. Учинчиси – бошқаришга салтанат учун етарли асил зотли, тегли-тахтли, ишжоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофларига йигсунлар. Балки, уч юз киши бўлар... Улар бирлик иттифоқлари мустаҳкам, ўзларини гуё бир тандек туйсунлар... Тўртинчиси – бугунги ишни эртага қолдирмасунлар. Бори ишни чора-ю тадбир бирлан битирсунлар, асло қиличга йўл бермасунлар!

Билсунларким, замон тақозосига кўра, подшолар уч хил тоифага кирадурлар: даставвал, бутунлай лутф-у марҳаматлар кўрсатгувчилар; кейин, бутунлай қаҳр-у ғазаб намоён этгувчилар; ва охири, бу фазилатларнинг ўрта даражасини танлагувчилар. Бас, учинчи йўл ўзлариникидур, сиёсатингизда лутф-у марҳаматлар бўлсун, вақтида қаҳр-у ғазаблар ҳам...

Баъд... Худонинг мулкида фақат адолат юзасидан иш юритсунлар, магарамким, демишлар: “Мамлакат куфр билан туриши мумкин, аммо зулм, адолатсизлик бор ерда туролмайдир...” Қабих хатти-ҳаракат, ёмон ишлардан худо мулкани тозаласунлар. Зулмнинг ном-нишонини қолдирмасунлар.... Золимнинг дунёда узоқ ҳаёт кечиришини яхшилигидан, деб билмасунлар. Золим ва фосиқларнинг узоқ яшашига сабаб шуки, ўзларидаги бор ёмонликларни юзага чиқариб тугатмагунларича худо уларга муҳлат беради, холос. Гоҳида бегуноҳ, яхши, тўғри ва тақводор кишилар ҳам ёмонларнинг шум қилмишларидан бало-офатларга учраюрлар. Чунончи, тўқайга тушган ўтнинг, ҳўл-у қуруққа қарамай, барчасини бирдай ёндиришига назар солсунлар...

Кофирлар, золимлар, фисқ-у фасодчилар қанча кўп зулм-хиёнатга бош урсалар, ноз-неъматлари шунча кўпаяркан, деб ўйламасунлар. Бунинг вазҳини ақли қосиримиз дерки, яъни: “Ноз-неъматлар бергувчи Оллоҳнинг иноятини кўриб, улар шояд фисқ-у фасоддан қайтгойлар, имонинсофга келгойлар, шукрга юз бургойлар...” Оллоҳга шукр айтмасалар, Тангрининг даргоҳига қайтмасалар, худо ва унинг расули неъматлари ҳаққини унутсалар, охир-оқибат парвардигорнинг қаттиқ қаҳр-у ғазабига дучор бўлгайлар!..

Аммо баъд: ушмундоқ фикр-у мушоҳада гуллари муборак шуурингиз ва идрокингиз чаманида бешак мавжуд эрконлигига зинҳор шубҳа қилмайдурбиз. Жанобингизнинг вазифаси яна бир карра эслатиб ўтмакдан иборатдир, холос...”

Меҳмонхонага жимлик чўкди. Соҳибқирон билан додхоҳ мактубдаги теран мазмун, донишмандона фикр, маънолар мағзини чақишга уринардилар. Нечоғлик адолатли, қиличдек кескир, ҳаётдек аччиқ ҳақиқат яшринганди уларда!..

Муборак мактубни кўк дафтарга туширмоқ лозимлигидан Мавлоно Ubайд кетишга ижозат сўради.

Соҳибқирон тахтдан тушди-да, одатича яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўқкабош Муҳаммад Чуроға додхоҳ

Холдона бибига уйлангандан бери рангига ранг кириб, оила фароғатидан баҳраманд бўлаётгани дарҳол билинди. Аввалги хотини вафотидан кейин узок вақт уйланишни ўйламади, марҳумани қаттиқ севарди.

У Амир Темур нимадир демокчи эканини фаҳмлади, чунки унга “Қол!” дегандай индамади. Додхоҳ бугун муҳасил Шайх Нуриддин баҳодир иккиси бозорларни айланишлари керак. Ундан кейин Холдона бибини олиб Қумушкентга боришлари зарур. Бир неча кундан бери судралиб келаётган иш...

Амир Темур юришда давом этаркан, додхоҳни унутиб юборгандай эди. У ниҳоят дераза ёнида тўхтаб, меҳмонхонадан кўриниб турган олисдаги Ургут тоғларининг оқшом пардасига ўралиб рангини йўкота бошлаган ям-яшил ёнбағирларига тикилди. Пири комил ушбу сўзларни худди Соҳибқирон кўнглидагини билгандай ёзганлари бағоят ҳайратланарли эди: “... Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фиск-у фасод кучайиб кетаркан, асил подшо адолат ўрнатиб, фиск-у фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга хужум бошлаши керак... Чинакам жаҳонгир подшоҳ ундай юртга кўшин тортсун.

Подшоҳларнинг учинчи тоифасини танлаш ҳақидаги фикрлари жуда мақбул! Соҳибқирон ҳам шундоқ бўлишга интилади. Бағоят ҳақ гапни ёзибдилар пири комил Шайх Тайободий!..”

“Амир Соҳибқироннинг мақсади ҳам, ўзим гувоҳман, мамлакатларга юриш эмас, балки зулмга қарши саъй-ҳаракат кўргизмак, Туронзаминни ихота¹ айламак, босқинчилардан муҳофаза этмакдур, – деб ўйлади Муҳаммад Чуроға додхоҳ, пирнинг жаҳонгир подшоҳ ҳақидаги теран сўзлари мағзини чақишга тиришиб. – Соҳибқироннинг мақсади жаҳонда одамларни бахтли қилмак, адоват-у кудурат илдизини батамом қуритмакдан иборат... Тоқим эллар, раоё ва бароё бир-бирига ёр-у рафиқ бўлсунлар. Жаҳонгирлик шунинг учун керак. Аммо буни одамлар тушунармикин, жаҳон аҳли англармикин?..”

¹ Ихота айламак (ихота (арабча) – химоя қилмоқ, муҳофаза қилмоқ.

– Не учун одамларнинг бир-бирларини кўрғони кўзлари йўқ, топғонлари хиёнат-у ёлғон, холос?.. – деди Амир Темур бирдан жимликни бузиб Муҳаммад Чуроға додхоҳга эмас, ўзига ўзи дегандек. – Тобакай мусулмонлар мунофиқлардан азият чекадилар? Нега? Нега?.. Кимгаки яхшилик қилдим, ундан факат ёмонлик қайтди! О, бу одам зоти!.. Тўғри, худо ёмонларнинг жазосини беради, аммо қачон?.. Барини ўйлаганда, одамзодга шундай нафратинг кўзғоладики, бу нафрат кўнглингнинг пучмоғида яшринган бир чимдим меҳрни ҳам ситиб чиқариб юборади. О, парвардигор! Наҳотки, одамлар эс-ҳушини ўзига келтирмак, инсофга чакирмак учун факат катл, жазо, дор, бадарғалар керак?.. Хоразм мисолидай, ишни тўғри ҳал этмак учун эгри қиличга суянмак даркор? Жохил-у ақли қосир англамаса, уни кўркинч пардасида тутиш мумкин бўлмаса, қиличга қўл чўзишдан ўзга йўл қолмаса!.. Кенгашнинг тўққиз эмас, тўқсон тўққиз улуши ҳам бундайларга қор қилмаса!.. Водариг!.. Бунинг чораси не ахир?

Соҳибқиронни каттиқ ҳаяжон чулғаганди. Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўпдан бери уни бундай ҳолатга тушганини эслай олмайди.

– Жоним сизга қурбон, Амир Соҳибқирон! Одамларни энди кўриб турибсизми? – юпатгандек сўз қўшишга журъат этди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Замона найрангларида олам остин-устун эканини билмасмудингиз?..

– Биламен, биламен... Билмагонимда яхшироқ эрди, Мамат... Шундай пайтларда Қуръони қаримдаги пурмаъно оятлардан кўнглимга таскинлар топамен, ҳайратларга тушамен... – давом этди Амир Темур. – Халлоки безаволга салламно! Барчасини Ўзи айтиб қўйибдур! “Ҳадид” сурасида пайғамбарлар орқали фоний дунёга аниқ хужжат-мўъжизалар юборилгонлиги, бандаларга адолатнинг барқарорлиги учун Китоб, Мезон-тарози ва Темир туширилгонлиги битилгон. Бани башар интизоми ва кишилар осойишталиги учун китоб (билим), мезон тарозиси (адолат) билан бирга темир (қурол)га ҳам эҳтиёж туғилиши зикр этилгон. Араб тилидаги “ҳадид” сўзи бизнинг тилимизда “темир” эканига диққат

қил. Суралинг номи “китоб”, “тарози” эмас, айнан “темир” деб номланганига эътибор бер. Оллоҳим бандаларни шундай огохлантиради. Ҳа, китоб ва адолат тарозиси қаторида, афсуски, темирга ҳам ҳолат бордур. Улар ҳаммаша ёнма-ён. Тоқайгача бу давом этадур, тоқайгача?..

– Рост, рост... – сўз қўшди бошқа дераза олдида келиб, Ургут тоғларига назар ташлаган Муҳаммад Чуроға додхоҳ. Тоғлар қоронғилиқда энди аниқ кўринмасди. – Темирга ҳам эҳтиёж бўлиб турибди.

Додхоҳ, фақат Исфаҳонда эмас, Сеистондаги, Сабзавордаги воқеалар ҳам темирга эҳтиёждан юз бердим, деб сўрамоқчи эди, Соҳибқирон худди шуни сезгандай деди:

– Бас, давлат ишларининг тўққиз улуши кенгашга, яъни китобга, адолат тарозисига суяниб иш юритишга, иложи топилмагон тақдирдагина бир улуши темир (қилич)га қолдирилиши лозим. Қашқирларнинг панжасини қисқа қилмак, золимларнинг қўлини мазлумлардан калта этмак жоиз. Мумкин эрмаским, бирон зўргир, зўравон қайсидир заифнинг бурнини қонатсин. Жаҳонгирлик шунинг учун керак!

– Шундай, Амир Соҳибқирон! Рост айтдингиз....

– Биласенму, Мамат, пайғамбаримиз тўрт ёшдалик пайтларида кунлардан бир кун қўй боқиб юрғон эканлар. Бирдан оқ либосларга ўралгон икки одам осмондан тушиб, уни ерга ётқизиб кўксини ёрибдилар, юрагини чиқариб тилибдилар. Ундан қора қонни оқизиб ташлаб, бир жом кавсар суви билан ювиб чайқабдилар. “Мана, сендаги шайтон насибаси кетди, энди сенга шайтон йўл тополмайдур!”, дебдилар ва қайтадан бола кўксини аввалгидек тикиб қўйибдилар...

Қорайган тоғлардан кўз узмаган Амир Темур хаёлларга чўмганча индамай қолди.

– Шундоқ... – маънос деди ниҳоят. – Шундоқ... Ҳар инсоннинг юрагида қора қони бор. Жумладан, менда ҳам... Аммо ҳамма ҳам пайғамбар эмаски, фаришталар унинг кўксини ёриб, юрагидан қора қонини оқизиб ташласа-ю, кавсар сувида покласа! Шайтон насибасини йўқотиб, васвасаларга қулоқ солмайдурғон даражага еткизса!.. Мен эсам

ҳамма катори инсонмен, холос, хом сут эмган бандалардан биримен... Начора!..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ забардаст-у пурвикор Соҳибкиронни шундай ожиз ҳолда кўриб алланечук бўлиб кетди. Юраги ачишиб кўзларига ёш келди. Оҳ, салтанат юки! Салтанат юки! Турон салтанати юки!.. Осмон каби залварли, тоғлар сингари оғир юк бу! Ҳамма елка ҳам сени кўтаришга кодир эмас!..

Додхоҳ даструмолчасини олиб кўзларини арта бошлади.

Ҳеч канча фурсат ўтмади.

– Мамат! – ёнига чорлади бирдан Соҳибкирон худди уйқудан уйғонгандек. – Тезда фармон тайёрлансун! Черик жамлансун! Чоршанбаи муродбахшда Хоразмга йўлга чиқилсун!..

Муҳаммад Чуроға додхоҳ кўрди: бир неча лаҳза аввал ночор-у нотавон туюлган Соҳибкирондан асар ҳам қолмаганди! Кўз олдида яна ўша ўзи билган шиддатли, кўркмас ва қатъият соҳиби Амир Темур турарди!

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

I

Тўхтамишхон катта қўшин билан Саброндан ўн фарсах шимолдаги пастқам сайхонликда ўрда тикди. Ёз фасли ҳали тугамаган эса-да, табиатга кузнинг нуқси урган, онда-сонда майсаларнинг сарғая бошлаганини илғаш мумкин эди.

У Хоразмдан хушхабар кутарди. Олтин Ўрда хони Хоразмга бостириб бормокда, деган ёлғон хабар тарқатилгандан кейин, ҳокон ўзи душманни чалғитиб Сигнок томонга отланган, энг номи чиққан лашкарбошилардан бири Элийғмиш ўғлонни катта қўшин бошида Ҳожитархонданок Хоразмга жўнатганди. У ерда Хоразмнинг ёш волийси Сулаймон Сўфининг лашкарига қўшилиб қудратли кучга айланади.

Олтин Ўрда хонининг мўлжали аниқ ва қатъий эди. Ун-

га кўра, Хоразм кўшини, бунга асло шубҳа йўқ, жангда ғолиб чиқади, Амир Темур лашкарини кунпаякун айлаб қувиб юборади. Балки... Соҳибкироннинг ўзи ҳам асирга тушади! Нега тушмас экан? Албатта, тушади! Тўхтамишхон қаттиқ тайинлади: Соҳибкирон факат тирик ушлансун, деди. Мабодо қочиб қолса, Амир Темур пароканда навкарлари билан ҳориб-чарчаб бориб Самарқандга яшринади. Ҳали нафас ростлашга ҳам улгурмай турганда, Элийғмиш ўғлон ва Сулаймон Сўфилар – Хоразмдан, жангари амир Муҳаммад Мирак Хутталондан Мовароуннахрни забтга оладилар. Тўхтамишхоннинг Саброн ёқдан от солиши эса ҳамма нарсани ҳал қилади: улар Самарқандни эгаллайдилар. Бу орада Анқо Тўра, Амир Қамариддин ва Султон Маҳмуд ибн Кайхусравларга чопар йўллаб, Амир Темур салтанатини ер юзидан супуриб ташлашдек қутлуг юмушдан бебаҳра қолмасликларини, балки ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини ҳам уктириб қўяди...

Бу кунларнинг яқинлигига Тўхтамишхон қаттиқ ишонади, ҳеч қандай гумонларга ўрин йўқ.

Бироқ кутилмаган иккита нохуш ҳодиса Тўхтамишхонга бу ниятларнинг замини бўш эканлигига ишоратдай туюлди.

Ўн кунлардан кейин ҳашаматли ўрдада, ҳоқон ҳузурида башанг зиёфат бошланиб кетди. Ўрданинг баланд чанг-ғароғига осиб қўйилган қўнғирок шамолда тебраниб, ёқимли сас таратиб турарди.

Дастурхон атрофида Қозончи баҳодир, Бек Ёруқ ўғлон, Исабек ўғлон, Сотқин баҳодир, амир Идику ва бошқа амирлар жам эдилар. Буюк ҳоқоннинг кайфияти бошқаларга ҳам таъсир қилган, барча апоқ-чапоқ чақчақлашиб ўлтирардилар.

Тўхтамишхон пуркуч мамлакат кўшини, Олтин Ўрда келажаги, Турон салтанати, Миср, Польша, Литва ҳукмдорлари билан муносабатлар ҳақида сўз юритди. Куни кеча Польша ҳукмдори Буюк Литва князи қудратли Ягайлодан самимий мактуб олганини ёйилиб гапирди. Буюк қирол ўз мактубида Амир Темур ва Московияга қарши урушларда

бирга бўлишини, Жўжи улусини тиклашда кўмагини асло аямаслигини ёзибди...

– Амирлар ва нўёнлар! – май таъсиридан титраброк чикди ёркин кўзлари ширакайфликдан қисила бошлаган Тўхтамишхоннинг ингичкадан келган овози.

Кулгулар тўхтаб, кўзлар ҳоконга кадалди.

– Билингизким... Олтин Ўрда давлати буюк ҳокон Чингизхон тузган улкан мамлакатнинг вориси эрур... Чингизийлар бир-бирларининг гўштларини еб, калтабинликка йўл қўйиб, афсуски, шу аҳволга тушдилар. Бир пайтлар Чигатойхон, Хулокухонлар, элхонийлар давлати Турон-заминда, Хуросон ва Мозандаронда, Ироқ ва Эронда давр-у даврон сурмишлар эрди. Энди қаерда ул салтанатлар?... Ёлғиз Олтин Ўрда давлати қолди, холос. Дунё кўлдан кетди... Бас, Чингизхон салтанатини тикламоқ керак! Тикламоқ керак!.. Дашти Қипчоқда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросон, Эрон томонларда ҳам Чингизхон ясоси амалда бўлсун!..

– Онҳазратим! Чингизхон ясоси¹ амалда бўлғай! Амалда бўлғай! – деб юборди амир Идику ҳаммадан олдин.

Амир Идику ўз вақтида Қутлуғ Буғанинг отабегиси эди, Ўрусхоннинг Тўхтамиш ўғлонни талаб қилиб ёзган мактубини ҳам Амир Темур ҳузурига у еткизганди. Демак, Тўйхўжа ўғлон фарзандига душман ҳисобланади. Лекин у Ҳожитархондаги курултойда, тўс-тўполон пайтида, бу ердан тез кетингиз, сиз кетмасангиз, бошингиз кетади, деб Тўхтамиш ўғлонни огоҳлантирди, шу туфайли Тўйхўжа ўғли ўшанда қочиб жон сақлади.

Амир Идикунинг шундай одати бор эди, бир кун қайтар ахир, деган умидда кимларгадир яхшилик қилиб қўяр, узоқни ўйлаб қадам босарди. Чиндан ҳам, бу “яхшилик” қайтди, Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтига мингач, жасур, қўркмас, маккор-у ҳушёр амирни ўз ўрдасига таклиф этди. Амир Идику фавқулодда кенгашлари, теран мулоҳаза юритиш-

¹ Чингизхон ясоси (мўғулча; “жасок” – конун, қарор, жазо) – Чингизхон томонидан 1206-йилда қабул қилинган қонунлар мажмуи.

лари туфайли хоннинг ишонган кишиларидан бирига айланди.

– Жаҳонни олғаймиз, олампаҳо! – Амир Идикудан ортда қолганига бироз ғаш келди-ю овозини баланд қўйиб кичкирди Қозончи баҳодир.

Бошқалар ҳам дарров уларга жўр бўлдилар.

Амир Идикунинг тобора нуфузи ортиб бораётгани Қозончи баҳодирга ёқмасди. Чунки ҳокон сўнгги вақтларда қўпроқ маҳмадона манғитнинг сўзларига кулок солаётир, ундан кенгашлар олаётир. Мана, ҳозир ҳам баҳодир каловланиб бир нарса дегунча, манғит ҳоконнинг сўзини ҳаммадан олдин илиб кетди. Баҳодирнинг уч-тўрттагина омонатдай соқоли тикрайиб турган энгаги титраб қўйди, муштуми қисилди...

– Бу йўлда энг катта тўсиқ бор. Тўсиқ... Бу – “киблагохимиз” Амир Темур... – “киблагохимиз” сўзига заҳархандали ургу бериб деди Тўхтамишхон. – Ул зотни бир тарафлик этмагунча, ниятимизга етмак мушкул.. Шул сабабдан Туронзаминга отландик. Билингизким, агар ҳозир Темурбек ҳолдан тойиб Хоразмдан енгилиб қайтгандай қулай бир фурсатда, толе қулиб бокқанда, Элийғмиш ўғлон билан Сулаймон Сўфи, амир Муҳаммад Мирақлар барчамиз Туронзаминни қўлга киритмасак, кейин ҳеч қачон бу юмушни адо эта олмайдурмиз! Омад қўлдан кетадур. Омад қўлдан кета-а-адур! Билингизким...

Тўхтамишхон сармаст эди.

– Ундок демасунлар, ҳоконим! Ҳоконим!..

– Туронзаминни қўлга киритгаймиз!

– Омад ёр бўлсун, олампаҳо!

– Сизга тенг куч йўқ оламда, онҳазрат!..

Ширакайф амирлар-у нўёнлар ана шундай наъра чекардилар.

Дастурхондаги катта баркаш яхши пиширилган каллапача, туёқларга тўла эди. Қўй туёғини ғажир экан, амир Идику хаёлидан шундай ўйлар кечарди: “Онҳазрат ўттиздан ўтсалар ҳам ҳали ёшлар... У ердан қўл узатиб осмондаги ойни оламан, деб юрибдир. Яхшилиқлар кўргизган Амир

Темур Кўрагонга ёмонликлар килмокчи, беллашмокчи. Чингизхон салтанатини тикламокчи... Аммо тиклаш мумкинмикан? Чиғатойхондай хонга бу насиб этмади, Хулокухонга насиб этмади, Ўзбекхон-у Ўрусхонлар ҳам ноумид колдилар. Ҳай... Бадбахт Қозончи баҳодир мени хонга ёмонлагани ёмонлаган. Баджаҳл ва шафкатсиз Тўхтамишхондан ҳар нарсани кутиш мумкин. Эски аламлари бирдан эсига тушса, бир лаҳзада ўлимга буюради... Маслаҳатчи-ю вазир, жавонғор қўшин саркардаси бўлсам-да, хушёр ва зийрак юришим керак. Балки, пайтини топиб қочиб кетсамми..."

– Ҳоконимиз филдурлар! – кичкирди бирдан, басавлатдай кўринадиган хомсемиз, товоқ юзли Соткин баҳодир. – Амир Темурнинг йили эса сичқон экан! Хо-хо-хо! Сичқон филга тенг келганму? А?.. Сичқон филга тенг келганму? Сичқон-а?

– Сичқонлардан мингтаси ҳам бизнинг фил олдидан ўтаверсин! Сичқон эмиш!..

Бу гап ҳаммага ёқиб тушди. “Сичқон”, “Сичқон..” деган сўзлар жаранги қоришган хурсандчилик, кулгу овозлари ўрдани тутди.

Қийкириклар ҳали анча давом этиши мумкин эди-ю бироқ бунга ҳокон ҳалал берди, май таъсиридан қисилган кўзларини худди кимнидир кидираётгандай ҳаммага бир-бир тикиб чиқди ва Соткин баҳодирда тўхтади.

– Нима-нима?!.. Нима-а-а... дединг?! Сичқон дедингму?... Ким сичқон?!..

Соткин баҳодир, гапим ҳоконнинг жаҳлини чиқарди, шекилли, деб ўйлади-ю қаттиқ кўрқув босиб, кайфи ҳам тарқаб кетди. Сўзлай деб, оғиз очди-ю гапиролмади. Тўхтамишхон ғазабланса, оқибати ёмон бўлишини ҳамма биларди. Шундай зиёфатларнинг бирида Ўрусхоннинг ўғли Қўйричок ўғлон хонни ранжитиб қўйиб бошидан айрилганди.

– Ким... сичқон?! Ким, деяпман сенга-а-а?! – такрорлади онҳазрат.

Амир Идику қараб туролмади, яхшилик қилгиси келди-

ю, Соткин баҳодирнинг жонига оро кирди:

– Ҳоконим!.. Кулингиз Соткин баҳодир жаноби олийларини филдай қудратли, паҳлавон, деб мақтаняпти!.. Душманингиз Амир Темурни эса сизнинг олдингизда сичқондай ожиз-у нотавондир, деяпти!..

– Ҳа, ҳа, ҳоконим, шундай дедим!.. – жон кирди Соткин баҳодирга ҳам. – Шундай дедим!..

Яна ортда қолган Қозончи баҳодир улоқни илиб кетмоқчи бўлди:

– Улуғ ҳоконим! Амир Темурнинг сичқонлиги аёндур! Ҳозир у Хоразмда мушт еб, аллақачон сичқондай чийиллаб Самарқандига қочиб қолди!.. Хо-хо-хо!..

Даврада ёлғиз баҳодирнинг кулгусигина эшитилди. Бошқалар дарҳол: “Қочди!”, “Сичқондай қочди!..”, “Сичқон экан!.. Сичқон!..” – деб кичкира бошладилар.

– А-а-а!.. – илжайишга уринди Тўхтамишхон. – Сичқон эканму?..

Шу палла Хоразмдан шошилинич чопар етганини маълум қилдилар. Онҳазратнинг чехраси бирдан ўзгарди. Буни ҳамма сизди. Ҳокон кўпдан уни кутарди. У мамнун чопарга киришга ижозат берди. Чопар Тўхтамишхон пойини ўпиб ортга чекинди-да, йигламсинди:

– По-по-по-под-шойи олам...

Чопар ҳаяжонданми ёки ҳокон ҳайбатиданми, негадир каттик дудукланарди. Даврага сукунат чўкди.

– Сўйла! Нега соқовдай турибсан, галварс!.. – сабр-сизлик билан қичқирди Тўхтамишхон.

– Бир ко-ко-ко-шиқ ко-ко-ко-нимдан кечасиз, улуғ хо-ко-ко-ко-о-ним... М-м-м-мовароун-н-наҳр по-по-по-под-шоси Амир Темур Гурганж с-с-сса-а-а-ройини бузиб... ў-ўрнига а-а-а-ар-па эктирди. Элни ҳайдаб Сам-м-м-марқандга олиб ке-ке-кетди...

– Нима-а-а-а?! Нима-а-а-а... дединг?..

Тўхтамишхоннинг сармаст кўзларида ғазаб учқунлари чакнади. Назарида, осмон остин-устин бўлди. Шартта ўрнидан туриб чопарга яқинлашди ва маҳкам унинг ёқасидан тутди:

– Нималар деяпсен, шайтон?! Бу ёлгон гапни каердан олдинг? Қаердан олдинг, сўтак?!.. Душман чопаримисан, ёлгон гапни айтиб бизни лақиллатасан?!

– Терингни шилдираман, даюс! Элийғмиш ўғлон кани? Қани, деяпман?.. Қани-и-и-и?!..

Чопарнинг жонида жон колмади. Томоғи бўтилганидан овози хириллаб чиқди:

–... Элийғмиш ў-ў-ў-ўғлон... Сулаймон Сў-ў-ў-ўфи жаноби о-о-олийлари йўлда... по-по-по-под-шойи олам...

– Олиб чикиб тўрт нимта килдирингиз бу ҳезалакни!!! Тўрт нимта-а-а-а!!!!.. – бакирди аламига чидай олмай Тўхтамишхон. Унинг овози яна ҳам ингичка тортиб кетди. – Сўтаклар!.. Пандавақилар!.. Анқовлар!..

Амирлар-у нўёнлар кутилмаган хабардан донг котдилар. Ҳамма саросимага тушди.

Амир Идику Элийғмиш ўғлон тутумини тушунди. Унинг чопарни олдинроқ жўнатгани бежиз эмас. Хоқон жаноби олийларини машъум хабардан оғоҳ этиб, “совутиб” олмаса бўлмасди, йўқ эса ўзи олампаноҳнинг қаттиқ ғазабига учрарди. Манғитнинг фикрича, чиндан ҳам, бу хабарни Элийғмиш ўғлоннинг ўзидан эшитса, хоқон уни ғажиб ташласа керак эди.

Элийғмиш ўғлон билан Сулаймон Сўфи келганларида Тўхтамишхон ғазабидан тушиб, тақдирга тан бериб ўлтирарди. Хоқоннинг пойини ўпиб, тавоф этганидан сўнг, Элийғмиш ўғлон ерга караганча, Хоразмдаги жанглар тафсилотидан ҳикоя қилди...

Жанг қаттиқ кечди, Элийғмиш ўғлон ҳали умрида бунга ўхшаш савашни кўрмаган. Амир Темур қўшини ёмғир томчиларидан ҳам кўпроқ, саҳродаги қумни санаш мумкин, аммо бу лашкарни ҳисоблаш мушкул, улар ўлар-тириларига қарамай бамисли чигирткадай ёприладилар. Хоразм чериги барининг додини берди, албатта, ғанимнинг кўп навқари ер тишлаб қолди. Аммо кўп – кўп экан. Чекинишдан бошқа чора топилмади...

Йигирма беш-ўттиз ёшлардаги, ўрта бўйли хушбичим Сулаймон Сўфи, хонга тик қараб, Элийғмиш ўғлон сўзла-

рини тасдиклаб қўярди. Тўхтамишхон гоҳ Хоразм волийсига тикилар, гоҳ Элийғмиш ўғлон нигоҳини тутишга уринарди. “Икковинг ҳам одам эмас экансанлар!..” – демокчи эди-ю, бундан ҳеч наф йўклигини билиб, индамади.

Тўхтамишхон ақлли йигит эди, Хоразм юришининг барбод бўлгани унга қаттиқ ботди, ич-ичида салтанат умид боғлаган бир ипнинг узилганлигини ва унинг касри ҳали узоқ сезилиб туришини англади. Агар агар қачонлардир Олтин Ўрдага завол етса, ўша Хоразм юришидан бошланганлиги чин ҳақиқатга айланади. Буни эсингда тут, эй Тўхтамишхон!

Воқеа эса аслида бошқачароқ кечганди. Амир Темур қўшини Хоразмдан бир тош бериорқда эканида, кимдир ёғий тарафдан қочиб ўтди ва Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи мамлакатдорликдан воз кечди, душман хавосатидан қўрқиб Элийғмиш ўғлон билан қочди, кўп аъёнлар жонни хонумондан афзал қўрдилар, ҳамма нарсани ташлаб бош олиб кетдилар, деб хабар берди. Соҳибкирон дарҳол улар ортидан Умаршайх Мирзо лашкарини жўнатди ва жаҳд ила Қумкент йўлидан юриб муҳолифга қувиб етишни буюрди. Аммо чунон уринишмасин, Хоразм ҳукмдорига ҳам, Олтин Ўрда лашкарбошисига ҳам ета олмадилар.

Турон босқини олдидан буюк ҳокон Тўхтамишхонни ташвишга солиб қўйган нохуш ҳодисаларнинг биринчиси шу эди. Гўё бир қаноти қайрилиб синди, балки қирқилиб тушди. Қирқилган қанотни патлар билан безамокқа фурсат ҳам йўқ, пат ҳам. Бари тўзғиб кетди...

Ростдан ҳам, ўзинг учун ўл етим, деган мақол жуда топиб айтилган. Ўзинг учун ўзинг ўлишинг керак. Буюк ҳокон эсанг-да, ўзинг бош қотиришинг лозим, энг катта қора меҳнат жабрини аввало ўзинг тортишинг керак. Агар қўшини бир пода десанг, чўпон ўзингсан, уюр бўлса – отбоқар... Олтин Ўрда салтанати учун ҳоконнинг ўзидан бошқа қуядиган одам йўқ. Ҳеч ким қуймайди, ўзинг қуясан, ўзинг ёнасан... Ишонган одамларинг ишончингни оқламайди, бир юмушни эплаб урдасидан чиқолмайди, бари лапашанг, лакалов... Эй воҳ! Ҳокон дарҳол Тармочукни чорлатиб, уни

амир Муҳаммад Миракка юборди, энди асосий умид ундан эди. Муҳаммад Мирак лашкарни шайлаб, Амир Темур Хоразмда эканидан фойдаланиб, шитоб Самарканд устига от суриши зарурлигини уктирди. Ўзи ҳам пайтни ўтказмай катта қўшин билан Самарканд томонга йўлга чиқди.

Кўп ўтмай рўй берган, ҳеч ким кутмаган иккинчи ҳодиса ҳоконни чиндан ҳам ўйлантириб қўйди.

Довдирсойга яқинлашар экан, Тўхтамишхонни беихтиёр ҳаёллар чулғади. Ўн йиллар аввал худди шу ерларда илк жангларини ўтказди, Ўрускон навкарларидан калтак еб, қочиб жон сақлади. Ҳов анови, чап томондаги баланд кир ортидан, ўнг томондаги мана бу дара ичидан пистирмадаги қўшинлар бирин-кетин отилиб чиқиб, уни танг аҳволга солиб қўйишди. Мана, шу йўрғалаб бораётган тулпор Хонўғлон бўлмаганда, Тўхтамишхон ёғийнинг қўлига тушиши аниқ эди. Амир Темур отни бераётиб: “Асрагил, вақтида кунингга яраб қолади...” – деганди, билиб айтган экан, ростдан ҳам кунига яради. Ўқдай учиб, туёгидан душман кўзига тупрок сочиб, олиб қочиб дарёдан ўтиб кетди ўшанда!

Ҳоконнинг кўнглидаги хижиллик, касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади, деганларидай, дарҳол унинг чехрасига соя ташлади. Бутун вужудини мажмағил бир кайфият қамради, юришни истамас, бир жойда туришни хоҳламас, боши бўм-бўшдек, қўллари шалвираган, оёқлари дармонсиз... Ёркин кўзлар ҳам хиралашган. Вожаб, бу қадар ҳолсиз, ожиз бўлмаса! Аклли от дарров унинг ҳолатини сезди, ундаги маъюслик отга ҳам ўтди. Хонўғлон қуйруғини жийирганча, шиддатга чорловчи эмас, суст, балки уйкуга мойил килувчи сувдай майин йўрғаларди, гўёки шу томонга боришни истамаётгандай...

“Бундай кайфият қўшинга ўтмасин, ишкилиб, агар қўшинга ҳам ўтса ҳаммаси тугайди... – ўйлади Тўхтамишхон бирдан ўзини қўлга олиб. – Ҳеч ким сезмаслиги керак!...”

Шу палла узоқ-узоқларда биланглаб оқаётган Довдирсойга кўзи тушди-ю кўнглида ғаройиб фикр туғилди. “Бир пайтлар душманни ҳам қойил қолдириб, етказмай бу сойдан от солиб икки марта қочиб ўтгандим, – деди ўзига ўзи далда

бергандек Тўхтамишхон. – Энди қочиб эмас, босиб бора-ётирман! Энди яна Довдирсойга отимни бураман, шижоатнинг нақ ўзини кўрсатаман, шошқин сойдан елдай ўтишим бутун черигимни рухлантирмоғи аён! Амирлар-у нўёнлар ҳам ҳокон изидан сойни кечиб ўтадилар...”

Яшиндай бу фикр ҳокон кўнглидан хираликларни нари қувди. У дарҳол ёнидаги Қозончи баҳодирга тайинлади:

– Билингизким, Довдирсойга от соламан!.. Нариги қирғокда туриб барчангизнинг сойдан қандай ўтишингизни кузатаман! Мендан кейин ўтгайсиз!.. Англадингму?..

Бундай фармонни кутмаган баҳодир, дарров куз кириб сойнинг хийла совиб қолган сувини эслаб жунжикиб олди ва бир қишлоқ нарида кўприк борлигини, ўша ердан ўтиш макбул-у қулайлигини билдириш ниятида оғиз жуфтлади:

– Ҳоконим... шу...

– Оғзингни ёп!!! – ғазабдан чакнади ҳоконнинг кўзлари... – Ланж маслаҳатларингдан чарчадим!

Бу, яна бир сўз айтсанг, жонингдан умидингни узаверасан, дегани эди. Қозончи баҳодир буни аниқ тушунди, тушунди-ю бугдойранг юзи докадай оқариб кетди. “Ҳоконнинг сўзлари ҳамиша муҳокама учун эмас, ижро этиш учун айтилишини унутма, эй нодон!” – деди у ўзига ўзи.

– Тавба қилдим, ҳоконим, тавба қилдим! – ёлворди отдан ўзини ерга ташлаб ҳокон узангисини ўпаркан Қозончи баҳодир. У миқти гавдали, кабарик кўкракли, пахлавон келбат эмас, балки кичик пачок бир одамни эслатарди. – Гуноҳкор қулингизни кечиринг, ҳоконим!.. Бирмас, юз тавба, минг тавба қилдим!.. Ҳоконимиздан сўнг. Довдирсойга от солиб ўтамиз! Ўзим бошлайман! Довдирсойга от соламиз!..

Тўхтамишхон ҳеч нараса демади ва отга камчи босди! Хонўғлонни елдириб учар экан, Қозончи баҳодирнинг хангманг бўлган амирлар-у нўёнларга кичкириб нималардир деяётгани қулоғига элас-элас эшитилди.

П

Жуфтак ташлаб ирғишлаб бораётган Хонўғлон сағрисига камчи тушиб турса ҳам, негадир жон-жахди билан чопмасди. У дунёни кезиб чикди. Ҳожитархон, Сарой Берка, Московия, Кафа ва Табриз кўчаларидан ғолибона ўтди. Лекин ҳеч бир жой, ҳаттоки Сарой Беркадаги узун баланд отхона ҳам Кўксарой ёнидаги сайисхонага ўхшамасди.

Айникса, Амир Темур сайисхонага келганида, жонивор бўйнини гажжак қилиб суйкалар, тумшуғини тираб ҳидлаб-ҳидлаб оларди. Соҳибкирон унинг пешонасини силаб, ялтираган сағрисига суюб уриб-уриб кўярди. Ниҳоят, қўлини қўйнига солган Соҳибкироннинг ҳаракати тулпорнинг назаридан қочмасди: чунки у ҳозир ё кишмиш ейди, ё қанд ялайди...

Кўксарой олдида катта кўчада Тўхтамиш ўғлоннинг Сабронга илк марта жўнаётган куни эди. Унга тилла корсон эгар уриб, кумуш юган солдилар, ёлларини ювиб-тарадилар. Гижинглаган тулпор катта сафар олдида турганини фаҳмлади. Бироқ унга Соҳибкирон эмас, нотаниш ёш йигит минганида даставвал ҳеч нарса тушунмади. Уни Соҳибкирондан бошқа ҳеч ким минмас эди!

Бедов қандайдир даҳшатни сезди... чамаси, уни ўғирлаб кетишмоқда! Ер тепиниб қўйди-ю ён-верига қаради... Кўп суворийлар у томонда ҳам, бу томонда ҳам йўлга тушмоққа шай, сабрсиз пишқириб, сўлиқ чайнаётган отларини гижинглатишган ҳолда ниманидир кутишарди. Нарироқда эса қўл ковуштиришган аъёнларни кўриб қолди, уларнинг олдида... Амир Темур турарди!

Хонўғлон кўзларини пирпиратиб юмди ва яна очди: ҳа, Соҳибкироннинг ўзи эди! Демак, бу ишлардан Амир Темурнинг хабари бор!.. Уни кимгадир Соҳибкироннинг ўзи бериб юбормоқда! Энди уни Амир Темур минмайди, энди қанд-кишмиш емайди, сафарларга бормайди, жангларга кирмайди! Ўшанда Хонўғлоннинг кўзларига ёш тўлганини ҳеч ким кўрмади.

Бирдан ўнг сағрисига қарсиллаб камчи тушди! Хонўғлон бир сесканди. Амир Темур ҳеч қачон камчи урмасди.

Агар қаттиқ чопиш керак бўлса, икки марта юганни силтаб тортса кифоя қиларди; бир марта тортиб қўйса, бас, юриш кераклиги англашиларди. Ундан ташқари, узанги ҳимоси ҳам шуни билдиради. Отнинг ўзи ҳамиша вазиятни сезиб оларди. Ёв қуваётган эса душман отларининг кишнашларидан, ҳаракатларидан дарҳол вазият танглигини туяв ва ўзи ҳам турган жойида тоқатсиз “Тезроқ кетайлик!” – дегандай ер тепинишга тушарди. Хонўғлон қувсанг, етасан; қочсанг, қутуласан, деган дулдуллар сирасига кирарди.

Хонўғлоннинг онаси Бўзтарлон бўйни ингичка, нозик, серёл, қуймичи кенг чиройли оқ бия эди. У яйловларни тўлдириб чопар, чопганда сувдай оқиб кетарди. Хонўғлондаги шундай ҳислат албатта онасидан ўтган. Уюрдаги айғирлар ичида Бўзтарлон Октойга бошқачароқ қарарди. Бегона айғирлар иддао билан унга суйкалишса, у бошини кўтариб Октойни кидирар, қаердалигини аниқлагач, хираларни доғда қўйиб, ўша ёққа қараб қочарди.

Октой ўмрови кенг, қобирғалари йирик, бўйни узун, сағриси катта от бўлиб, зотдорлиги шундоққина кўриниб турарди. Уюрда юрар экан, узоқларга қараб, атрофни кузатиб чиқар, биронта баднийт айғир ёки бўри йўқми, дегандай қулоқларини чимириб қўярди. Бияларга назар ташлаганда, кўзи даставвал хушбичим Бўзтарлонга тушар, иттифоқо, шу палла бия ҳам бўйнини эгиб қулоқларини чимирганча айғирни кузатиб турган бўларди.

Кунлардан бир кун бегона қизил жийрон айғир уюрга ёриб кириб, ҳеч нарсага парво қилмай кўзлари ёнганча, қуймичи кенг, суйкумли Бўзтарлонга сакрашга урина бошлади. Афтидан, шундай суйкалишлар қизил жийроннинг ёқтирган юмушларидан эди. Сулув бия тутқич бермай нарига қочди, аммо жийрон қувишини қўймасди. Ниҳоят, у етиб олди ва икки оёғини даст кўтариб Бўзтарлон устига сакради! Аммо бия қочиб қолди, жийроннинг бақувват оёқлари нақ санчилгудай ерга тушди.

Бўзтарлон зорланиб: “Октойим, қайдасан?..” дегандай зорланиб кишнаб юборди! Яйловнинг ичкарисида ўтлаб юрган, қандайдир ғафлатда бегона отнинг уюрга тумшук

сукканини сезмаган Октой ноладай янграган кишнашни эшитиб, шарт бошини кўтарди. Қараса, ёт бир айғир безбетларча Бўзтарлонни қувиб юрибди!.. Октойнинг таҳдидли кишнаши яйловни тутди. Бўзтарлон Октой томонга қараб қочди. Қизил жийрон бияга етиб олай-етиб олай, дерди.

Туёғидан ўт чакнаб учиб келган Октой қасофати жийронни яғрини билан уриб четга суриб ташлади!..

Юқоридан қараган одам шундай манзарани кўрарди: яйловнинг чеккасида уюр, ундан анча узоқда икки от қаттиқ уришаётибди, бир ёлғиз ок от нарироқда турибди...

Ўмровлари кенг, кучли қизил жийрон бегона уюрга бош суқишдан ҳайикмагани бежизмаслигини кўрсатиб қўймоқчидай эди. Орқа оёқларида туриб душманини тиккамачасига тепмоққа, ғарчча тишлаб гажиб ташламоққа уринди. Ғазаби қўзиганда, отнинг тишлари қиличдан ҳам ўткир бўлиб кетади. Бироқ Октой анойилардан эмасди, у жийроннинг сағрисида тишлашга ҳаракат қилди, аммо жийрон ўзини чакқон четга олишга улгурди ва... қайрилди-ю Октойнинг думғазасига ташланди! Октой бир ҳинграб қўйди-да, рақибининг тумшуғига чап бериб, ёли аралаш чайир бўйнидан ғарчча тишлади-ю хийла нарига отиб юборди! Бўйни қарс этиб мертилган қизил жийрон минг машаққатда ўзини ўнглаб, қарши хужумга шайланаётган эди, Октой бир неча марта қарсиллатиб тепиб ташлади! Қаттиқ зарбалардан шиддати кесилган жийрон бошини тутолмай, чалқанчасига гурсуллаб ерга қулади!

Бўзтарлон барини жим кузатарди. Октойнинг мардона жангидан ҳайратланган сулув бия қора терга тушган Октойга яқинлашди ва “Миннатдорман...” дегандай ўмгани аралаш ёлига оҳиста бошини қўйди...

Яйлов ўртасида эса ўзга уюрлардан “роҳат излаган” қизил жийрон айғирнинг лоши қарға-қузғунларга ем бўлди...

Этақда кичкина сой оқадиган, қўпинча айғир-у биялар айланишни ёқтирадиган пастқам хушманзара сойлик бор эди. Октой авваллари бир неча марта Бўзтарлонни ўша сойликка ияртириб бормоқчи бўлди, аммо яқинлашганда бия “ноз” қилиб қочиб қоларди. Октой негадир ҳозир ўша

ёкка кета бошлади, ортига қарамади ҳам. Энди у Бўзтарлоннинг келишига аниқ ишонарди. Жонивор адашмади, сулув бия беихтиёр бошини эганча унинг ортидан эргашди. Бироздан кейин Оқтой билан Бўзтарлон сойлик ичига кириб кўринмай кетишди. Уюрнинг бошқа отлари ҳам бирин-бирин улар изидан ўша ёкка йўналдилар...

Йилнинг охирида Бўзтарлон бир ярғок қулун туғиб берди. Ширинтой қулун тириккина кўринар, оёқда тебранмасдан турар, ўмовининг кенглиги, қобиргаларининг йириклиги, бўйнининг узунлиги, сағрисининг катталиги нақ Оқтойнинг ўзи эди.

Қуббатуёқ қулун Малик Ғиёсиддиннинг кўзи пишган йилқичиси назаридан қочмади, ундан ажойиб дулдул от чиқишига дарров ақли етди ва алоҳида ажратиб, олти ой сағрисига кун туширмай, офтоб тегизмай ертўлада қоронғида боқди, кейин таблада сақлади. Ҳар куни кечаси икки коса сомон аралаш арпа едиришни унутмади. Бир мўнди туя айрони, ичганларича сув, тартиби билан беда бериб турди. Вақти-вақти билан намақобда чўмилтирди, доғланган зиғир ёғига ишқор солиб бутун танасини артиб чиқди...

Куёндай учқур бўлсин деб қуён сутини, эчкидай сакрасин, деб эчки сутини, олғир бўлсин деб бўри сутини, айёр бўлсин деб тулки сутини, чидамли бўлсин деб туя сутини ичирди. Ертўладан чиққач, дастлаб текис йўлда, кейин шудгорда, охирида эса тошлоқда юришга ўргатди. Ёллари, ирим қилиб, гўзал қизларга силатди.

Авжи кучга тўлган, ғўнонлик пайтига етган, зўр ўмган, буюри келишган от ёллари қулоқларидан ошиб, сағрилари тошиб, гижинглаб, қараганларнинг кўзларини қувнатадиган бўлди.

Бу ғўнон Хонўғлон эди.

Тарих милодий 1372-сичқон йилида, авжи баҳор гуркираган палла Амир Темур Қарши чўлида ов солди. Шикор ўрамининг этаги нақ Амударёга бориб такаларди. Соҳибкирон овни ёқтирарди, аммо асосий мақсад, қуён-у илвасин-у кийик отиш эмас, балки келгуси жанглار русуми-

ни аниқлаш, машини олиш, “савк-ул жайш¹” ва “таъбият-ул жайш²” йўллари синовдан ўтказишдан иборат бўларди.

Хирот малиги Гиёсиддин Соҳибқироннинг шу ерга яқин жойда шикорда эканидан хабар топгач, Ҳожи Вазир деган номдор лашкарбошисини жуда кўп қумош-у отлар, хачир-у тевалардан иборат маҳобатли туҳфа-инъомлар билан унинг ҳузурига юборди. Пешкашлар орасида бўз от ажралиб турарди. Сарой аъёнлари назар ташлаб: “Отмисан от экан-да!.. “- деб қўйишарди ҳавасда. Ҳожи Вазир таъзим бажо айлаб Амир Темурга бундай деди:

– Соҳибқирон ҳазратлари! Бу отни Хонўғлон дейдилар, у чиндан ҳам хонлар минадиган худо берган тулпордир. Малик Гиёсиддин жаноби олийлари ўзларининг энг зотдор учкур тулпорларини инъом этдилар!..

Амир Темур тулпорни кўриб, дарҳол кўнгли унга мойиллигини сизди. Тулпор чиндан ҳам кишининг икки суядиган от эди, Турон султони ёктириб қолди. Малик Гиёсиддинга нома битиб, Ҳожи Вазирни турфа хил пешкашлар билан сийлаб жўнатди.

Амир Темур Хонўғлоннинг биринчи соҳиби бўлди. Самарқандда синчилар тулпорни илк марта абзаллаб, тилла қошли эгар урдилар, ўн саккиз куббали чигатой пуштан³, таги ипак, нуқрали пишиқ айил тортдилар, қумуш юган тақдилар. Икки ёнида икки тилла узанги яракларди...

– Ҳозир улуғ хоконимиз Довдирсойга от соладила-а-а-ар!.. – Қозончи баҳодирнинг қичкирганини эшитди Хонўғлон. – Амирлар-у нўёнлар! Кейин навбат бизларга-а-а-а!..

Даставвал Довдирсойни илғаб, Самарқандга элтадиган йўлни таниган Хонўғлон тезроқ юришга ошиқди, аммо юганни тортиб бунга имкон бермадилар. Энди эса сағрисига қамчи тушиб турса ҳам, негадир унинг қаттиқ чопгиси йўқ... Ақлли жониворнинг назарида ҳозир Тўхтамишхон Самарқанд томонга қочиб кетаётган эмас. Чунки қочса, ортидан

¹ Савк-ул жайш (арабча) – стратегия (муалл).

² Таъбият-ул жайш (арабча) – тактика (муалл).

³ Пуштан – қоринбоғ.

кимдир, кимлардир кувиши керак. Ҳеч ким куваётгани йўқ, балки одатдагидек катта қўшин савашга отланган. Демак, жанг килиш учун бостириб боришмоқда!

Чиндан ҳам, отда факат забон йўқ, лекин ақл, фаҳм-фаросат, сезгирлик, зийраклик, орият кучли бўлади, дейишади. Хонўғлон ана шунга фавкулодда ажабтовур мисол эди.

Тўхтамишхон тулпорнинг шахди ҳар кунгидан ҳам бугун пастлигини сезди. Аммо айб отда эмас, балки ўзида эканини англади. Жажли чиқиб, аламини кимдан олишни билмай отга устма-уст қамчи урди! Хонўғлон ўқдек елиб кетди! Манзилгача ҳокон қўли қамчини ўз ҳолига қўймади.

Шу ерда ғаройиб ходиса рўй берди! Қаттиқ елаётган тулпор тобора шиддатини ошириш, Довдирсойга келиб сакраш ўрнига, сойга яқинлашганда... шартта чапга бурилди, ҳокон эгардан “пўрт” этиб учиб кетай деди, худо бир саклади! Ҳеч ким буни кутмаганди. Амирлар-у нўёнлар: “От кўркди, ҳоконим!.. От кўркди! Ҳайвон-да... Ҳайвонлигига борди!..” деб хонни юпатишга шошилдилар.

Ҳокон иккинчи марта уринди, аммо яна юкоридаги ҳол такрорланди. Вазиятни тушуниш мушкул эди, тил-забонсиз махлук негадир қайсарлик қилиб, ўзи авваллари бемалол кечиб ўтиб юрган сойга ҳеч сакрагиси келмасди. Ҳолбуки, ҳокон шу тулпорда Довдирсойдан ҳам катта не-не айқирган дарёларни кечиб ўтмаган...

Тўхтамишхон изо тортди, амирлар-у нўёнлар, қўшин олдида ўзини бағоят нокулай сезди. Унинг ғазаб ўти алангalandи, ёрқин кўзлари қахрдан қисилди, агар иложини топсайди, ана бу тоғни шартта кўтариб, мана шу бадбахт қайсар махлуқнинг устига ташларди!..

Улуғ ҳокон тулпорнинг бош-кўзи аралаш аччиқ қамчи солганини билмай қолди! Қамчининг учи чаён чакқандай Хонўғлоннинг чап кўзига тегди ва ўт чакнатиб юборди! Оғриқ жондан ўтган жонивор қаттиқ кишнаганча юкорига сапчиди! Буни кутмаган, эгарда бамайлихотир ўлтирган Тўхтамишхон отдан қулаб тушди!..

– Жувозга қўшиш керак!.. Даъюсни!.. – белини ололмай инграниб деди ҳокон ётган жойида. – Жувозга қўшиш ке-

рак!.. И-и-их!..

Ҳамма: “Ҳай-хай!”, “И-я!”, “И-я!”, “Вой, лаънати от-е!” – дея гирдикапалак ўша томонга югурди ва ҳокон атрофини куршаб олди...

Тулпор билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Хонўғлон енгил тортгандай бир кишнаб осмонга сакради-да, сой бўйлаб Самарканд томонга бурилди ва елдай бирпасда кўзлардан ғойиб бўлди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

I

Саҳар пайти Султон Бахт бегим учинчи ошёнада жойлашган хобхона деразасидан пастга қараганди, сарой олдидаги бўйи юз, эни эллик қадамлар чиқадиган, Хулбукда энг катта саналадиган майдонда бир кўп навкарларнинг уйма-лашиб юрганларини кўрди. Маликанинг юраги шув этди!

Амир Соҳибкирон Хоразм юришида эдилар, даставвал куёви кўшинини чақиртирмадилар, фақат қайнағаси Абулфатҳгина ўша ёкка жўнади. Энди зарурат туғилибди-да, ана, навкарлар зўр бериб сафарга тайёрланишмоқда. Кўмакка боришади, шекилли...

Соҳибкирон лашкари танг аҳволга тушиб қолдимикин? Малика ҳамиша ана шундан кўрқади, қачон сафарга чиқсалар, бошқаларни билмайди-ку, аммо ўзи то падари бузруквори қайтмагунларигача, юрагини ҳовучлаб кун ўтказади. Холисанилло айтганда, Хоразм ёқдан чопар келганини эшитгани йўқ. Тўғри, йигирма кун олдин Самарқанддан Ҳиндистонга йўлга чиққан Амир Шоҳмалик йўл-йўлақай тушиб ўтди, холос. Жанг ёки кўшин жўнатиш ҳақида ҳеч қандай сўз эшитмади.

Аммо уч кун аввал яна Тўхтамишхон элчисининг Хулбукда пайдо бўлгани маликани ташвишга солиб қўйди. Биткўз Тармочук бошиданоқ Султон Бахт бегимга ёкмаганди. Бу ҳақда ўз вақтида куёвига ҳам айтган: “У сизга ҳеч

качон дўстлик килмайди, кўзи ёмон...” деганди. Аммо куёви сўзини олдим, йўқми, бу ёғини билмайди.

Муҳаммад Мирак ўша элчи атрофида парвона, биринчи куни меҳмонхонадан чиқмай нималарнидир гаплашдилар. Эртасига сахарда қаёққадир ғойиб бўлдилар, кеч қайтдилар... Гаплашмоқчи эди, куёвини холи тополмай, пайт пойлаб тинкалари куриди. Тагин меҳмонхона гирдида бировга сездирмай ўралашиб юрди. Барибир бундан ҳеч нарсга чиқмади, эшик зич ёпилганди.

Малика яна деразадан қаради: навкарлар сафи тобора куюклашиб борарди. Кўрди-ю бирдан юраги қандайдир нохуш нарсани сезди. Шошилиб пастга туша бошлади. Биринчи ошёнадаги меҳмонхона бурчагига яқинлашганди, у томондаги эшикдан Муҳаммад Мирак ва Тармочукларнинг ўзаро гаплашиб чиқаётганларини илғади.

“Йўқ... Аскар йигаЙлик... Аввал Бухорони босгаЙмиз... Самарқандни кейин...” – деди Муҳаммад Мирак.

“Тўғри, аммо улуғ ҳокон Тўхтамишхон, Амир Темур Хоразмдалигидан фойдаланиб аввал Самарқандга юришингизни буюрганлар... Фурсат жуда кам...” – ҳаприкди Тармочук..

“Эртага отлангаЙмиз...Эртага...”

“Қараб тураЙмиз, амираЙ?... Вактни бой бериб кўЙмаЙмиз?... – деди яна норизо оҳангда Тармочук. – Тезрок жўнамаЙмиз? Улуғ ҳоконни Самарқандни эгаллаб, Дизақда кутиб олмаЙмиз?... Кейин давр-у даврон сурмаЙмиз?...”

“Қўшин йиғиш керак... Қўшин...”

Улар ташқарига йўналишар эканлар, панадаги маликани пайқамадилар.

Султон Бахт бегим турган жойида қотиб қолди! “Демак, булар Амир Соҳибкиронга кўмак бермоқчи эмас... унга қарши тиг кўтаришмоқчи! Самарқандга отланишмоқчи, пойтахтни эгаллашмоқчи! Тўхтамишхон ҳам юртга бостириб келар экан, ўғил тутинган эди-я!.. Ўғил бўлмай ўл!...” – юраги бадтар сикилди бегоЙимнинг.

Нима қилиш керак? Тездан падари бузрукворига бу но-

хуш хабарни етказиш лозим. Аммо бу айтмоққа осон... Чопар юборганда ҳам, Хоразмга етгунча фурсат кетади. Кошкийди, кушга айланса-ю ҳозирок учиб бориб падари бузрукворига бу машъум хабарни етказса!..

Ҳа, бари ўзи ўйлагандай чикди – куёви Муҳаммад Мирак душманлик йўлига кирибди! Фитнага бош қўшиб, ғанимларни атрофига йиғиб, ўзининг кайин отасига қарши бош кўтармоқчи! Чиндан ҳам, у нокас-у бетайиндир, акли жойида эмас, йўқ эса Соҳибкирондай пурқудрат подшога қарши чиқармиди!..

Шу палла куёви маликанинг кўзига жинидан ҳам бадтар ёмон кўриниб кетди. Дарҳол канизаклари ва хизматкорларини чақиртирди. Энди бу ерда бир лаҳза ҳам қололмайди! Хутталонни бутунлай тарк этади! Падари бузруквори ҳам барини билгач, нега келдинг, оилангни буздинг, демайдилар...

Агар Муҳаммад Миракнинг қўшини эртага йўлга чиқса, улар шу бугуноқ жўнашлари керак. Шунда Самарқандга олдинроқ етишади ва маликанинг ўзи ҳам, канизаклари ҳам қилич тутишиб пойтахт ҳимоячиларига қўшилишади. Албатта, қўшилишади! Бир жанг қилсунларки!..

Маликанинг кўнгли орзиқди, ўзининг соғурилган гулдай умрига, бенаф-у беҳуда ўтган ёшлигининг бебаҳо йилларига ачиниб кетди. Оҳ, ўша йилларни қайтаришнинг иложи топилсайди!.. Подшонинг қизи чўрилардан ҳам хор, нақ жаҳаннамда кун кечирди-я! Э, аттанг!.. Пешонаси шундай экан-да...

Султон Бахт бегимнинг Оллоҳ ва ўзи орасидагина маълум бир сири бор эди, унинг кўнглида пинҳона муҳаббат яшарди. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаган, биров билмайди. Хуш тавозе, андишали, жасур, кўзлари катта-катта, қошлари қуюқ Амир Шоҳмалик кўпдан унга ёқарди...

Издихомларда, йиғинларда ёқтирганининг бошқа амир ва амирзодалар ичида мағрур юрганини кўриб ичида қувониб қўярди. Узоқ-узоқ кўз узмай тикилган пайтлари кўп бўлган. Ҳатто Амир Шоҳмалик усталик билан бу дайди нигоҳларни тутиб ҳам олган. Буни Султон Бахт бегим аник

сезган ва, тахминича, амирнинг юраги ҳам титроқлардан холи эмас. Аммо бу муҳаббат тилга кўчмаган, фақат кўнгилнинг туб-тубида яшринган чорасиз туйғулар силсиласи эди, холос ...

Яқинда Ҳиндистонга бораётган Амир Шоҳмаликнинг Хулбукка тушиб ўтиши яна маликанинг эски туйғуларини уйғотиб юборди. Айниқса, сирли муҳаббатнинг бир пайтлар учкур қанот боғлаб осмон-фалакларга кўтара олиш қудрати, сеҳри билан Хулбукдаги ҳозирги хор-у абгор ҳаёти, инсонийлик қадрининг топталиши ўз-ўзидан муқоясага¹ келди-ю, маликани чексиз афсус-надомат ҳисси қамради. Фақат Амир Шоҳмалик сафари Соҳибқирон топшириғига кўра юз бердими ёки маликани деб Хулбукка кириб ўтдими, буни билолмади.

Эҳ, Амир Шоҳмалик сўлиб хазон бўлган маликага назар ташлаб, устидан кулиб кетгандир?.. Йўқ, зинҳор кулмаган, балки юраги қон бўлиб, йиғлаб-йиғлаб кетган, малика бунга аниқ ишонади.

Султон Бахт бегим хос одамларига ими-жимида йўл тадорикини кўришни буюрди. Бу орада майдонда тўпланган навқарлар сони беш мингга қоралаб қолди. Пешиндан кейин ҳамма қаёққадир, чамаси, лашқаргоҳ қилиб белгиланган Хулбукнинг жанубидаги кенг далага кетди, майдон бўшаб қолди. Бу яратганнинг буюк инояти эди, малика ана шу фурсатдан фойдаланиб ҳозирок бу зиндондан ҳам бадтар шаҳардан омон-эсон чиқиб олиши лозим...

Кўп ўтмай Султон Бахт бегим ўз қанисаклари-ю хос одамларини олиб Самарқандга жўнади.

Амир Шоҳмалик, гарчи Ҳиндистонга бораётиман, деса ҳам, аслида Хулбукка Хутгалондаги вазиятни ва ҳоким Муҳаммад Мирак сажия-тутумларини яхшироқ билиш учун ташриф буюрганди. Кўнглида, имкон топилса, Султон Бахт бегимни кўриш истаги ҳам йўқ эмасди.

Амир Темур, одатда, маълум ҳукм чиқариш ёки кимгадир жазо беришдан олдин албатта тафтиш ўтказар, турли

¹ **Муқояса** (арабча) – таққослаш; баҳолаш, қиёс қилиш, солиштириш, қўйиштириш; қиёс.

йўллар билан текширтирар, шундан кейингина бир қарорга тўхтарди. Амир Шохмалик Хулбукдан чиқиб, Ҳиндистонга эмас, балки тўғри Хоразмга Соҳибқирон ҳузурига жўнади ва Котдан беш йиғоч шимолга етганда ҳазрат дийдорига мушарраф бўлди.

Соҳибқирон Амир Шохмаликнинг сўзларини эшитиб, ҳаёлга ботди. Ҳа, Муҳаммад Мирак баланд мартабага чиқариб қўйилган, у ҳам ҳоким, ҳам куёв мақомидади. Уни тарбият этиб, иноятлар қилди.

– Ортиқча марҳаматлар ҳам одамзодни бузади, жоним сизга қурбон Амир Соҳибқирон! – деди Муҳаммад Чуроға додхоҳ. – Асалнинг ози ширин.

– Ғафлат босган инсон йўлдан тойибди, бахти ундан қайтибди. Шармандалиқдан орланмай, муҳолифат яловини кўтарибди. – афсусланди Амир Темур. – Мамат, анча йил аввал, Тўхтамиш ўғлоннинг биринчи келган пайтидаёқ бу амир ҳақида ғалати фикрларни айтғондинг. Аммо қулоқ солмағондим. Ҳатто кейинроқ чуқурроқ ўйлаб ўтирмай, унри куёв ҳам қилибмен. Аттанг... Ҳазор аттанг...

Шу палла мулозим кирди:

– Ҳазратим, нохуш хабар: амир Муҳаммад Миракнинг иниси Абулфатҳ фитна қўзғаб, бир неча одамларни ўзига оғдириб, черикдан қочиб кетибди ва чўл ичида ғойиб бўлибди!

Соҳибқирон куёвининг кичик биродарини атайлаб, гаров эмас-ку, ҳар қалай, Хутталон ҳокимининг жиловини тутиб туриш мақсадида черикка олдирганди. Унинг қочиб қолиши ҳам Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак ҳақидаги гумонларни тасдиқлагандай туюлди.

– Тутиб келинсун! – буюрди Амир Темур.

Чоғроқ лашкарни ияртган Ахий Жаббор баҳодир қочок изидан тушди. Унча узоқ қидиришга ҳожат туғилмади. Бир кун аввал ғойиб бўлган Абулфатҳ эндигина Кот қалъасидан ўтиб биёбонга кирган, бутун одамлари билан саксовулга ўхшаш кораварак деган буталар соясини топиб, қиличларини бошига қўйиб ухлаб ётишган экан. Қаттиқ чарчанидан Ахий Жаббор баҳодирнинг борганини ҳам билиш-

мади...

Қўшин Котдан энди жилган ҳам эдики, Абулфатҳга Хутталондан Муҳаммад Мирак мактубини тутқазишди. Хутталон ҳокими мактубда Амир Темурга муҳолифат изҳор қилганини, бу қарори қатъий эканини, энди ортига қайтмаслигини, шунинг учун ҳокон Тўхтамишхон Мовароуннаҳрга бостириб келаётганини ва инисига зудлик билан Самарқандга қараб юришни тайинлаганди.

Ахий Жаббор баҳодирнинг томоғи қичиб йўталганидан уйғониб кетган Абулфатҳ дарҳол қиличига талпинди, аммо унинг аллақачон баҳодир қўлида ўйнаб турганини кўрди.

– Ўзингни бос, ифлос!.. Чавақлаб ташлайман, номард!.. Ичагингни бошингга салла қиб қўяман, нас босган! – деди ғазабдан Ахий Жаббор баҳодир. – Амир Соҳибкироннинг ҳиммат-у эҳсонларига бунчалар кўрнамакликнинг сабаби недур? Куфрони неъмат қилганинг, ярамас тутуминг одам зотига ҳеч муносибму?..

– М-м-менда айб йўқ!.. – кўркувдан титраб-қақшади Абулфатҳ. – Оғам Мирак... душман бўлибди, киши юбориб эди... Жонимни сақлаб кетаётирман, холос ...

– Амир Муҳаммад Мирак салтанатга ёғий бўлибдими?.. – ҳайратда сўради Ахий Жаббор баҳодир.

– Ш-ш-шу-ндай... – тасдиқлади Абулфатҳ, кейин сўрамасалар ҳам бидирлашга турди. – Тўхтамишхон Мовароуннаҳрни босиб олмоқчи экан. Ҳокон оғамга чопар жўнатибдилар...

– Нима-нима?!.. Э, оғзингга тош! Сўзлари ғалат, ипириски валад! – Ахий Жаббор баҳодир баъзўр ғазабини босди. – Барингни уруғинг битта сен пасткашларни!.. Сен ғаламисларни терингга сомон тикиб бозор дарвозасига осиб қўйиш керак! Зиндачашм деган биттанг бир ой осилиб ётди! Ҳамма тупуриб ўтди!..

Ахий Жаббор баҳодир бошқа ҳеч нарсга демади, Абулфатҳ ва унинг шерикларини қўлларини орқасига боғлаб отларга миндирдилар. Умаршайх Мирзонинг Бухородалиги унга маълум эди, Соҳибкирон ёнига боргандан кўра, Бухоро унга яқинроқ туюлди-ю Умаршайх Мирзо ёнига йўл олди.

Амирзода аҳволни билиб, ғазабдан кўйкўзларида ўт чакнади, жиззакилиги тутиб, оғзидан ёзиб бўлмайдиган сўз чиқиб кетди. Амир Сулаймоншоҳ ҳам “Нокас!..” деди-да, тап тортмай чапаничасига болохонадор қилиб сўқди. Муҳаммад Миракнинг Тўхтамишхон билан сирли алоқасини, хиёнатини эшитишиб, амирзодаларнинг бадтар ғазаблари ортди. Умаршайх Мирзо сал ўзини босиб, Ахий Жаббор баходирга юзланди:

– Фурсат ўтмасун! Бу нонқўрларни Амир Соҳибқирон хузуруларига элтингиз! Жазосини ўзлари берсунлар! Ўзимиз ҳам Самарқандга жўнаймиз, деб турғондик. У ерда Амир Окбуға найман бошлиқ қўшин бор. Эшитдимки, Муҳаммад Мирак катта қўшин билан пойтахтга йўналаётган эмиш. Иншоолло, ҳисоб-китоб ўша ерда бўлур!.. Подшоҳзаданинг мана шундай сотқинфёллигини, пайт келиб кутурган кўппакдай ўз эгасини қопишини билардим-а!.. Ит тўйса, энг аввал эгасига ташланади-да! Билардим!.. Ҳеч валинеъмат Соҳибқиронга айтолмадим. Айтишим керак эди. Айтишим керак эди! Афсус!..

Амир Сулаймоншоҳ маъкуллаб бош тебратди.

Ахий Жаббор баходир шу куниёқ Абулфатҳни олиб Хоразмга жўнаб кетди.

П

Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак, боргунимча, албатта, ҳоқон Тўхтамишхоннинг ҳам пойи қадами Самарқандга етади, деган умидда қўл остидаги лашкарни шитоб пойтахт томонга бурди. Йўлда Самарқанддан қайтаётган чопарини учратди. Чопарнинг хабари Хутталон ҳокимини ҳанг-манг қилиб қўйди.

– Самарқанд эли ғафлатда, амирим, осойишталик ҳукм сурмоқда... – деди чопар. – Тўхтамишхон босқини ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмаган, хабарлари йўқ. Аксинча бугун-эрта Амир Темур Кўрагоннинг Хоразмдан музаффарона қайтишларини кутишмоқда экан. Амир Окбуға найман бошлиқ тиш-тирногигача қуролланган лашкар шаҳар қалъа-

сини мустаҳкам тутиб турибди...

Наҳотки, ҳокон ўзлари айтган фикрларидан қайтган бўлсалар? Наҳотки, Самарқанд фатҳи нияти ниятлигича қолса? Наҳотки, Туронзамин тахти Муҳаммад Миракка насиб этмаса?..

Хутталон ҳокими боши берк, охири тубсиз жар кўчага кирган одамга ўхшарди. Ҳайратга тушгандай бакрайган катта-катта кўзлари тез-тез пириллашга турди, гўё тушиб кетаётгандай қошларини қўли билан силаб юқорига кўтариб кўяр, ғазабдан тили каломга келмасди.

Самарқандга юриш энди бефойда – бир сиқимгина аскар нима ҳам қила оларди? Абулфатҳдан ҳали дарак йўқ, энди уни кутиш ҳам маънисиз... Шитоб Термиз, Ҳисор, Хутталон ёқларга йўл олсун, ҳар қалай Амир Темурнинг дасти етмайдиган жойлар. Ўша ерларни ғорат этсин, аскар тўпласин, бунгача Тўхтамишхон ҳазратлари ҳам етиб келадилар. Ана ўшанда Самарқандга ўзгача мақомда боради...

Муҳаммад Мирак шарт ортга қайтди, ҳолбуки марғуб фирдавсмонанд Самарқандгача ярим кунлик йўл қолганди, холос. Термизга қараб йўналаркан, Муҳаммад Мирак шаҳарни осонликча қўлга киритаман, деб ўйлаганди. Аммо кўчабандлар билан тўлиб-тошган, дарвозалари зич ёпилган шаҳар ҳимоячилари битта ҳам душманни яқинларига йўлатмадилар.

Хутталон ҳокими Самарқанд ва Термиз аламини Ҳисордан чиқариб, авомуннос элни талади, уйма-уй кириб ҳисорликларнинг кўп молларини олиб, хонумонларини совурди. Тонгсаҳардан жарчи барчани салтанатнинг Ҳисордаги машҳур зарродхонаси¹ олдига – кенг майдонга чорлади. Қилич-у қалқон, совуту жавшан, дубулға ва бошқа ҳарбий кийимларга тўла омбор ҳаммага баробар очиб қўйилди:

– Келинглари! Келаверинглари! Омбор очи-и-иқ!

– Ҳамма қурол-аслаҳадан олсун! Шайлансун! – деган сўзлар янгради.

Муҳаммад Мирак йирик зарродхонани созуриб, Соҳиб-

¹ **Зарродхона** – совуту зирхлар, қурол-аслаҳалар сақланадиган жой, ҳарбий омбор (муалл).

кирон салтанатининг куч-кудратига шикаст етказа ётганидан мамнун эди, ўзи саховат кўргизиб, бу ерда тўпланган етим-есир, палид, турли бебош бозорчопонийларга¹ жайба улашди, мол-у манол берди, оту тўнлар ҳадя қилди.

– Ҳали Самарқандни олурмиз, Самарқандни!.. – деб кўярди одамларга куруллардан тутказаркан.

– Самарқандни олурмиз!

– Самарқандни олурмиз!

– Олурмиз! – кичкирарди курулланган одамлар ўзини пурқудрат сезиб.

Муҳаммад Мирак зирх-у совутга ўралган кишиларга қараб, кўнглида ғурур туйиб, мамнун-у масрур турганида, бирдан кимдир келиб оломонга қараб бақирди:

– Умаршайх Мирзонинг катта кўшини яқинлашиб келмоқда-а-а! Яқинлашиб келмоқда-а-а-а!.. Кўшни қишлоқдан ўтди-и-и-и!..

– Умаршайх Мирзо келмоқда-а-а-а!.. – кичкирди яна кимдир.

Барча кутилмаган хабардан саросимага тушди. Хутталон ҳокимидан ҳам аввалроқ атрофда уймалашиб юрган сурон кўтараётган, ҳали машқ-у майдон нималигини билмаган омонат черикнинг руҳи тушиб кетди. Одамларни кўркув хисси чулғаб олди, хай-хайларга ҳам қарамай ҳамма ҳар ёкка қочишга турди. Айримлар кўлидаги курулларини ҳам ташлаб кета бошлади. Тўс-тўпалонда ит эгасига боқмасди.

Муҳаммад Миракнинг ўзи сичқон ини минг танга бўлиб, чорасиз Хутталонга қараб жўнади...

Умаршайх Мирзо бир нарсага доим тан бериб келади: худойи таоло валинеъмат Соҳибкиронни азиз ва мукаррам қилиб яратган, кимки унга нисбатан бадхаёлликка борса, муҳолифатга юз бурса, охир-оқибатда хор, нест-у нобуд бўлади. Амирзода шундай ҳолларни кўп марта ўз кўзи билан кўрди. Эҳ-хе...

Тоғларни жимжилоғида суриб юборишни осон деб билган, осмон тушиб кетса елкамда тутиб қоламан, деган калондимоғлар ҳамон учраб туради. Бундай ношукрлар

¹ Бозорчопонийлар – бу ерда: қаланғи-қасанғилар маъносига (мувазз).

кандай кадам босаётганларини, кимга қўл кўтараётганларини, афсуски, яхши тушуниб етишмайди.

Ростдан ҳам, амирзода назарида, худо қаттиқ адаштирган бандалардан бири Муҳаммад Миракдир. Агар у фаҳм-фаросатини, ақлини ишлатганида бошқалардан кўра Соҳибқиронга энг яқин одам рутбасига эришарди – чунки куёв! – мухолифатчи эмас, балки ўзи шундайларнинг изини куритиши лозим амир мартабасига эришарди...

Ўйлаган сари қони қайнаган амирзода худди ўлжа кетидан елган оч йўлбарсдай ўзбошимча амирни қувишда давом этди. Ҳисордан Хулбукка қараб жуфтакни ростлаган Муҳаммад Мирак Вахш дарёсининг кўздан четроқдаги Тошкўприк кечигидан осонликча ўтиб олди. Бу ерларни яхши билишмаган Умаршайх Мирзо ва Амир Сулаймоншоҳлар нобоп ердан дарёга от солишиб, фурсатни қўлдан бой бердилар.

Орқа-олдига қарамай отига камчи урар экан, Муҳаммад Мирак Хулбукка оз қолганда, шаҳарга кириш фикридан қайтди, Акс ҳолда амирзода унга тез етиб олиши мумкин. У, яхшиси, йўлни буриб, ортадагиларни чалғитиб, Ҳисордаги Дарвоз мавзеси ҳокими Шох Жалолиддин ҳузурига йўл олади, чунки озгина ош-қатиклиги бор. Шундай танг паллада кўмак бермаса, қачон беради? Тоғларда жон сақлаш ҳам осонроқ, чунки тоғнинг ўзи сенинг садоқатли дўстингга, химоячингга айланади...

Кутилмаганда Шох Жалолиддин бахти қайтган Муҳаммад Мирак юзига худди бегона одамдай қалъа эшигини қарсиллатиб ёпди! Бу ҳам етмагандай, касофати тегишидан кўрқиб, аскарларига Хутталон ҳокимини тездан бу ердан қувиб юборишларини буюрди. Тоғлар ҳам, афсуски, иш бермади.

Хору абгор Муҳаммад Миракни учинчи фалокат кутиб турарди: хос навкарлар-у ғуломлари ҳамроҳлик ва ҳамрозлик ҳаққини унутиб, сездирмасдан бир-бир юз ўгириб кета бошладилар. Ёнида уч-тўрттагина мулозимлари қолди, холос.

Танг вазиятдан кўнгли сиқилган Тармочук, гарчи унга

Тўхтамишхон, ўша ерда бирга бўласан, Самарқандда топишгаймиз, деб тайинласа ҳам, тезроқ қайтиш ҳаракатига тушди.

– Мен... хоконим ёнларидан бир кадам ҳам жилмаслигим керак, амирим. Менсиз хоконим кийналиб қомайми? Бу менга қаттиқ айб бўмайми?.. Аллақачон жўнашим керак эди ўзи...

– Кетмасангиз-ку, яхшийди-я... – деди мўлтираб Хутталон ҳокими.

– Йўк.... Бу ерларда узоқ қолиб кетдим ўзи... Шунданма, кеча хокон Тўхтамишхон тушимга кирибдилар, менга бир оғиз ҳам гапирмадилар... – деди Тармочук кўзларига ёш олиб.

Тармочук жўнаб кетганда Муҳаммад Миракнинг гўё бир ёни ўприлиб тушди, чунки катта таянчидан айрилган эди.

Умаршайх Мирзо Хисор тоғига етганда, кутилмаганда изни йўқотиб қўйди. Кейин ўйлана-ўйлана, бир муддат Хутталонга қайтишга қарор қилди ва Муҳаммад Миракнинг хушманзара Дарайи Қипчоқсарой мавзеидаги данғиллама кўшига тушди. Бир неча кун фароғатда ўтди, аммо кулоқлар Муҳаммад Миракни излаб ҳар томонга кетган чапдаст йигитларда бўлди. Уларнинг ичида, роҳат-у ҳузурда ўлтиришни ўзига номуносиб билган, вақтни ўтказмай тўнгмўйин Хутталон ҳокимини қўлга туширишни кўнглига туккан Амир Сулаймоншоҳ ҳам бор эди.

Ўн кунлар чамаси ўтса ҳамки, бирон бир ердан: “Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак тутилди!..” ёки: “Қўлга олинди!..” – деган хабар келмади.

Амир Сулаймоншоҳ Хутталон довонидан ошиб ўтиши биланок бир булокқа дуч келди. Одам қадами етмаган файзиёб бокира жойлар экан. Атроф борлиқ жуда фусункор, жаннат пучмоғини эслатади. Амирзода дунёда, – яна Турон юртида! – шунақа кўркем жойлар борлигини кўриб ҳайрон қолди. Пастдаги дара томондан турфа хил кушларнинг ёқимли хонишлари эшитилади. Яна ҳам пастроқда билангалаган шошқин сой офтобда ялтираб кўринади.

– Муздай сувдан тотиб, ўтириб бироз хордиқ чикаришга

иҷозат берсалар... – мурожаат қилди навкарлардан бири Амир Сулаймоншоҳга. – Тоғ ошиб ҳориб-чарчадик, оч ва ташнамиз. Томоқлар какраб кетди...

– Майли, озроқ истироҳат этайлик. – Бу таклиф амирнинг ўзига ҳам хуш ёққани сезилди.

Навкарлар булоқдан ётиб сув ичишгандан кейин роҳат қилиб майсалар устига чўзилишарди.

Иттифоко, хушёр Амир Сулаймоншоҳ булоқ ёнида от изларини илғади. “Биздан олдин ҳам бу ерларга кимларнингдир қадами етган экан-да...” – хаёлидан кечирди у. Изларни кўздан қочирмай, бир неча пушта ошиб чап томонга юрганди, беҳосдан сал пасткамликда катта арча тагида... тўрт киши даврасида ёйилиб ўтирган Муҳаммад Миракка кўзи тушди!

Ҳа, бу ўша – улар қидириб юрган Соҳибқирон куёви, бетавфиклик ва ўзбошимчаликда ном қозонган Хутталон ҳокими Муҳаммад Мирак эди! Валлоҳи аълам!

Хутталон ҳокими, гўё барча ишлари аъло, ташвиши йўк одамдек беғам, бепарво ёнидагиларга нималарнидир завқшавқ билан сўзларди. Гоҳ-гоҳ эллик қадамлар нарида ўтлаётган отларнинг пишқиришлари кулоққа чалинади.

Амир Сулаймоншоҳ мулозимларига овоз чиқармасликни тайинлади. Аввал ими-жимида уларнинг отларини тутишмоқчи эди, аммо бир от қаттиқ кишнаб юбориб, ишнинг белига тепди: бепарво ўтиришган Муҳаммад Мираклар хавфни сезиб қуролларига ёпишдилар ва тартибсиз ҳар томонга ўқ ота бошладилар.

Атрофни кўпчилик ўраб олганидан бари чорасиз қўлга тушди.

Муҳаммад Мирак Амир Сулаймоншоҳга қараб:

– И-я! И-я! Ассалому алайкум, амир

жаноблари! – деди ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутиб. – Қайси шамоллар учирди? Сиздай мўътабар зот бизнинг ёқларда нима қилиб юрибдилар? Тинчликми?.. Муборак қадамлари етғонидан бағоят хурсанддурмиз. Бундай хабар ҳам бериб қўймабдилар. Бизнинг ўлкаларга биринчи бор келишингиз-да. Кутиб олардик-ку. Меҳмон ки-

лардик... Ҳурматлари бор ахир...

Амир Сулаймоншоҳ индамади.

– Ассалому алайкум, амир жаноблари! Нима бўлмакда ўзи? Ҳеч нарсани тушунмайдурман. Амир Соҳибқирон куёвларига озор етказиб, қўлларини ана бу иприски навкарларга боғлатиб қўйишга ким журъат этди экан? Ҳазилнинг ҳам чегараси бор. Ўрни ҳам эмас. Манови кўскиларнинг мендай қариндошингизга зулм килаётганларига қандай чидаб турибдилар? Шу инсофданму?..

Муҳаммад Миракнинг сабри чидамай, яна сўз олди:

– Ким журъат этди, деяпман? Ким? Ким ўша ўзига катта баҳо берган?.. Ҳали бунинг жавоби бор, амир жаноблари! Бунинг эсингиздан чиқармангиз! Кейинги пушмон ўзингга душман, дейдилар! Ҳа-а!..

Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Мухолифатчиларни бошларига коп кийдириб, ўз отларига миндириб, Умаршайх Мирзо ҳузурига етказганларида, бошқа ёқларга кетган навкарлар ҳеч қандай хабар тополмай аллақачон Дарайи Қипчоксаройга қайтишган экан.

Муҳаммад Мирак бу тутумидан бирон нарса чиқмаслигини билса-да, навкарларга ялиниб-ёлвора бошлади:

– Ахир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг куёвларидурман! Гуноҳим йўқлиги худога аён! Ўзбошимчаликнинг оқибати ҳамиша хунукдир. Яхшиликчасига олам амирзодаси Умаршайх Мирзо ҳузурига олиб киришгизлар, айтадиган гапим бор, ҳеч ким тушунмаса ҳам, у мени тушунади, албатта!

Умаршайх Мирзога исёнкор амир ҳақида хабар берганларида, унинг жаҳли чиқиб, ғазаби оловланди:

– Кўрнамакни кўрғони кўзим йўқ! Ясоққа етказилсун! – амр этди шу заҳотиёқ. жаҳл устида. – Жаҳон аҳли билсун, барча бадбахтларга ибрат бўлсунки, кимки валинеъматни бирлан ғанимликка киришгай, неъмат ҳаққини сақламагай, шундай қисматга учрамоғи муқаррардур!

– Куфрони неъматнинг оқибати ҳамиша бошни балоларга дучор қилишини бутун олам яна бир бор кўрди... – деди Амир Сулаймоншоҳ ҳам.

Айни шу паллаларда Хоразм бешинчи катла забт этилиб, тамом элини Самаркандга кўчириш хакида фармон берилган, ҳамма кўчиш тараддудида эди. Муҳаммад Миракнинг қатли хақидаги хабарни етказганларида, Соҳибкирон афсусланди: “Амирзода бироз шошилибдилар. Ўттиздан ўтди, ҳали ҳам шошилади. Куёвни кимлар фитнага бошлагонини аникламак лозим эрди...” – ҳаёлидан кечирди у.

От бошини вайрон бўлган Гурганжга бурдилар. Аъёнлар ўн кадамлар орқада жим келишарди. Муртазойи аъзам Шайх Нажмиддин Кубро макбарасини тавоф этдилар, қуръон туширилди.

Соҳибкирон сўник бир руҳда атрофга, узоқларга қаради, қаради-ю қалбини пушаймонлик ҳисси чулғади. Ана, Нажмиддин Кубро, Султон Такаш, Фахриддин Розий, Тўрабека хоним макбаралари... Қутлуғ Темур минораси эса мағрур кўкка бўй чўзган. Подшо саройи вайрон қилинган. Атроф узоқ-яқинда бузилган уйлар, йиқилган томлар кўзга ташланади. Кунчикишда йирокда бир мўридан тутун ҳам чикиб турибди.

“Ахир Гурганжни вайронага айлантирмак ниятимизда мутлоқ йўқ эди-ку? Бундай истак бизда бўлмагон-ку!...” – алам билан деди ўзига-ўзи Амир Темур.

– Мавлоно Убайд жаноблари!

– Қулогим сизда, Амир Соҳибкирон! – Хос

мунший бошкалардан ажраб Соҳибкиронга яқинлашди.

– Тарих дафтарига ушбу номакбул ишларни очик-ойдин ёзиб кўйингизким, келажак авлодлар билсунлар! Ҳали, Амир Темур гуруллаб турган шаҳарни бекордан бекор буздирди, деб тош отгувчилар ҳам топиладур... Гурганж ўз шаҳрим-ку! Наҳотки, ўз шаҳримни ўзим бузсам? Унда нима учун шаҳар дарвозаси ёнида савлат тўкиб турган мухташам бир сарой тикладим? Обод этмак учун эмасми!

Соҳибкирон жим қолди.

– Подшоҳ сиёсат қилмагунча вилоят тузалмайдур, Амир Соҳибкирон... Мен буни доим айтаман, – ўзини тутолмай сўзга қўшилди Амир Сайфиддин некўз. – Подшоҳлик талаби бу. Сиёсат учун қилинди.

– Афсуски, сиёсат учун... Сиёсат учун, ха... Аммо Оллоҳнинг ўзи шоҳид, чунон уриндимки, шундок жангнинг олдин олай, деб! Неча марта элчилар юбордим, Юсуф Сўфига, қудамизга ҳамиша дўст қўлини узатишга шай турдим, узатдим. Аммо қўлим ҳавода муаллақ қолди. Кейин ҳам юртни ўзларига бердим. Фитналари тинмади, фитна устига фитна, боскин... Сулаймон Сўфи оқил йигитлардан эди, сиёсатимизни тўғри англаб иш юритишига умид боғлагон эрдим, уни ҳам йўлдан урдилар. На чора... гуноҳлари ўз бўйнида. Афсус, шаҳар хароб бўлди... Нахотки фарзандлар айби учун шаҳар, юрт, Ватан жавоб берса?! Жазосини тортса?!

Амир Темур магриб томонга тикилди. Орага жимлик тушганидан фойдаланиб, Мироншоҳ Мирзо қўллари кўксидан сўз қотишга журъат этди: – Валинеъмат падари бузрукворимиз!... Азият чекмасунлар! Ўзларининг ниятлари ҳамиша қурмоқ, бунёд қилмоқдан иборатдур, Оллоҳга шукр!.. Шижоатлари бирлан улкан салтанатнинг ҳамма жойида иморатлар, боғлар яшнаб турибди.

Амирзодага шундай дейишни Муҳаммад Чуроға додхоҳ шипшитиб қўйган, кенгаш берган эди.

– Ҳамиша бизларга бунёдкорликдан сабоқ берадилар.. – сўзга қўшилди Амир Шоҳмалик.

Амир Сайфиддин некўз уларга: “Балли!” дегандай кўз кирини ташлади-да, деди:

– Амир Соҳибқирон! Қурамен, деган одам уйни бузса, яхшироқ қуриш учун бузадур. Ўзлари Гурганжни бундан ҳам яхшироқ қурмоқ, тикламоқ учун буздирдилар, холос... Шаҳарни яна ҳам кўркамоқ қуриш ниятида қилдилар-да буну...

Амир Темур ялт этиб Амир Сайфиддин некўзга қаради:

– Рост дедилар! Бешак-шубҳа янгидан бино қилдургаймен!.. Яна ҳам кўркамоқ қилиб қургаймен! Гурганж, иншооллоҳ, салтанатимнинг гўзал шаҳарларидан бирига айлангувсидур!..

– Шижоатларига офарин!

– Илоҳи, ниятингизга етингиз! – қабилида Соҳибқирон

сўзларини маъкуллашарди амирлар.

– Янги шаҳар бўладур, Амир Соҳибқирон! Барини тарих дафтарида қайд айлагайман! – қўл қовуштирди Мавлоно Убайд...

Умаршайх Мирзо Хоразмдан музаффарона кайтган Амир Темур Кўрагонни тавоф айламоқ учун фирдавсмонанд пойтахтга отланди. Йўлда борар экан, Самарқандда Абулфатхнинг жазога тортилгани хабарини эшитди.

Салтанатнинг турли мавзеларидан амирзодалар, оғалар ва бегимлар Соҳибқирон зиёратига шошилдилар. Султон Бахт бегим аллақачон пойтахтда эди.

– Оллоҳдан тилаб, сенга “Султон Бахт бегим” деб от қўйғондим. Афсус, Султон Бахтсиз бегим бўлдинг-да, кизим... Бир бадбахтга раво кўриб катта хато қилдим. Аттанг, деймен, аммо энди фойдаси йўқ.

Амир Темур муштипар қизининг бошини силаб манглайдан ўпаркан, узок вақт бағридан қўйиб юбормади.

– Майли, кўнглингни чўқтирма, кизалоғим...

Шўрликкина Султон Бахт бегимнинг кўзларида беҳол ёш айланди.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

I

Ёзнинг қуёш чарақлаб турган кунларидан бирида Хашка суйи¹ бўйидаги Окёр мавзеида қурултой чақирилди. Бир ҳафта олдин иамлакатнинг турли бурчакларига: “Ҳар вилоят-у музофотдан тумонот-у ҳазорижот беклари, доруға-ю оксоқоллар Окёрда ҳозир бўлсунлар!” – деган фармон юборилди.

Хашка суйи шовуллаб тўлиб оқарди.

Амир Темур шу куни одатдагидек саҳар уйғонди. Саропардада ҳеч ким йўқ, дарё шовқини бир маромда эшитилиб турарди. Бомдод намозини адо этгач, тўрт қават тўшақда

¹ Хашка суйи – Қашқадарё (муалл).

тирсагини момик ёстикка ботирганча оҳиста ёнбошлади. Курултой бошланишига ҳали анча бор...

У эрталаблари шундай ёлғиз ўйга чўмиб, ўзи билан ўзи кенгашишни, босилган қадамларни сархисоб килишни яхши кўрарди. Уни ҳаёл узокларга олиб кетди.

Ўтган йили Тўхтамишхон қўшини Саброн ёқларда изғиб колди Қўшин манглайи Хўжанд суйи¹дан ўтиб Зарнукка² етди, деган хабар келди. Буни эшитиб ким уйида тинч ётаркин?..

Дарҳол йўл тадорикини кўришга фармон берилди. Бирок Амир Сайфиддин неқўз бошлиқ нўёнлар ва амирлар тиз чўкишиб, бироз сабр этишни, чор атрофдан қўшинларнинг жам бўлиши, ҳавонинг ҳам сал юмшаши лозимлигини айтишиб, кенгаш бердилар. Буни Соҳибқирон асло кутмаганди. Тўғри, ўшанда қиш эди, чақиб оладиган совук шиддатларни киркарди.

Амир Темур кўнглида ногаҳонда, амирларим жангга боришдан чўчишмаяптимикин, ўз жонларининг ҳузурини ўйлашмаяптимикин, шундан бироз тўхтаб турайлик, дейиш-япти, шекилли, деган нохуш фикр туғилди. Унинг энг оғир оладиган нарсаси — душманнинг юртга бостириб кириб эмин-эркин бошбошдокликлар килиб юриши эди. Бунга у ҳеч чидолмас, эшитган захоти тунни тун демай, кунни кун демай, иссиқ-совукка қарамай тезда фалокатни бартараф этишга ошиқарди. Ғазаб томирлари кўзғолса-да, аранг ўзини босди ва деди:

– “Ат-таъхиру фил-офат” деган арабча мақолни эслайсизму? Кеч қолмоқ офат, деганидур. Оқил киши ҳеч қачон бугунги ишни эртага қолдирмайдур. Эрта ўз ишини ўзи билан бирга олиб келадур. Бир қудратли подшоҳнинг қандок хорликка юз тутғони ҳақида эшитмағонмидингиз?.. Ундан завол сабабини сўрагонларида: “Уч ёмон одатимнинг қасри тегди, – дебди. – Энг аввал, донишмандлар панд-насиҳатларига кулоқ солмадим; кейин, нафсим нима нарсагаки суст кетиб, кўнглим рағбат кўргизса ўшанга қўл урдим ва

¹ Хўжанд суйи – Сирдарё (муалл).

² Зарнук – Арис дарёсининг чап томондаги мавзе номи (муалл).

учинчиси, бу кунги ишни эртага колдирдим...” Биз вақтни бой бермаслигимиз лозим...

– Рост айтдилар, Амир Соҳибқирон! Кеч қолмоқ офатдур! Вақтни бой бермаслигимиз лозим! – деди Амир Сайфиддин некўз ўзини оқлагандай ва олийшон қарор қабул қилингандан кейин, оқилона бўлса-да, унга дахл қиладиган ҳар қандай сўз ортиқча эканини англади.

Амирлар ва нўёнлар ҳар ким ўз ичидан ўтганини ўзи билиб, индамай тинглардилар.

Фурсатни ўтказмай кишининг ўртасидаёқ салтанат кўшини Тўхтамишхон сари отланди. Тўхтамишхон Ясси шаҳридан ўтиб саҳро қўйнига чекинди, Турон қўшини нафасини сезиб, Дашти Қипчоқ ичкарасига қараб жуфтакни ростлади.

Хумоюн ўрдудан, Умаршайх Мирзо ўз чериги билан душман кетидан борсин, деган олий фармон содир бўлди, Соҳибқироннинг ўзи Оксув¹ мавзеига бориб тушди. Амирзода чериги Сарик Ўзан мавзеида душман қоровулига етганда ҳамма ҳар ёққа қочган, ёғий манзилида ҳеч ким йўқ эди.

Соҳибқирон Умаршайх Мирзо черигининг бирон “тил” ҳам тутолмай қайтганларидан каттик ранжиб турганди, Хуросондан етган хабар уни бадтар ғазаблантирди: Ҳожибек Жониқурбоний билан сарбадорлар яхши кенгашларга кулоқ солмай, Калот ва Тус черикларини бирлаштириб, ёғийлик туғини баланд кўтармишлар...

– Шитобан Хуросонга отлансунлар, амирзодам! – буюрди Амир Темур Мироншоҳ Мирзони чорлатиб. – Фитналар ўтини дарҳол ўчирмак даркор!.. Зинҳор аланга олишига йўл қўймангиз! Шафқат қилинмасун! Шу лахзадаёқ йўлга чиқилсун!

Соҳибқирон душманларга нисбатан гапираётиб, биринчи марта “Шафқат қилинмасун!” деган сўзларни айтиб юборганига ҳайрон қолди. Демак, китоб ва тарозилар иш бермади, энди навбат темирга етди... Яна қиличга...

Бу ёқда яна Тўхтамишхон муаммоси кўндаланг туриб-

¹ Оксув – Бишкек ғарбида жойлашган мавзе, ҳозирги номи Беловодское (муалл).

ди. Унинг Туронга боскин уюштириш хавфи бор. Жетада эса жангари Хизр Хожа ўғлон қиличини қайраган...

Кейин қулогига етишича, ўшанда амирлар-у беклар даврасида ҳам шу ҳақда гап айланибди.

– Фикримча, – дебди ўзини босик тутиб Шайх Нуриддин баҳодир. – Совутмасдан шартта Тўхтамишхон кейинидан от суришимиз керак...

– Буни ўйлаш лозим. – сўзга қўшилибди Амир Шохмалик. – Окилона ўйлаш керак...

– Нимасини ўйлайди? – Шайх Нуриддин баҳодирнинг аниқ ғаши келибди. – Нимасини ўйлайди? Ашаддий душманми – изини қуритиш керак, вассалом! Пайчакилашиб ўлтиришга фурсат йўқ! Демак, бориш керак! Тез бориш керак!..

– Рост дедингиз, баҳодир! Факат аввал Туғлук Темурхоннинг ўғли Хизр Хожа ўғлонни бартараф этиб, кейин бориш керак! – муносабат билдирибди босик Амир Шохмалик.

– Хизр Хожа ўғлон?.. – ясси бурнини жийрганча суҳбатдошига тикилибди Шайх Нуриддин баҳодир. – Эсхушингиз жойидами, амирим?.. Сўз Жўжи улуси ҳокони Тўхтамишхон ҳақидадир, адашмангиз! Хизр Хожа ўғлон эса Олмалигда...

Охири нима билан тугаши ва қаёқларга етаклаб кетиши номаълум бундай мунокашаларни¹ ҳамиша ўз вақтида тўхта-тиш тарафдори бўлган Амир Сайфиддин некўз, аралашишимиз керак, шекилли, дегандай Муҳаммад Чуроға додхоҳга бир қараб қўйибди...

– Адашаётгоним йўқ!.. Хизр Хожа ўғлон мўғул кавмининг хони, яқиндаги улуғ душманлардан бири... – кесатикни сезмагандай давом этибди Амир Шохмалик. – Вазиятни англамак лозимдурки, агар идрок этиб қаралса, аввал бу душманни таг-томири билан йўқотиб, кейин хотиржам Тўхтамишхонга борилса макбулдир.

Шайх Нуриддин баҳодирнинг жахли чиқиб кетибди:

– Демак... сиз идрок этиб қарадингиз... Биз эса қарама-

¹ Мунокаша (арабча) – муҳокама, мунозара; олишув, жанжал.

дик... Сиз вазиятни англадингиз, биз англамадик...

Амир Шоҳмалик Шайх Нуриддин баҳодирнинг кўнглида доим унга нисбатан қандайдир гараз борлигини сезиб юраркан. Бу ҳам етмагандай, бир жойда амир одамлар ўртасида баҳодир ва мўғул қизи воқеасини кулиб-кулиб айтиб берган экан, Шайх Нуриддин эшитиб ғазаби қайнабди. Шундан бери баҳодир амирга кек сақлаб, пайтини топиб ўч олмоқ пайида қасдлашиб юрармиш.

– Ўйлаб кўриш керак, дедим, холос... – хотиржам катта-катта кўзларини баҳодирга тикибди Амир Шоҳмалик.

– Демак, сиз ўйлаб кўрдингиз, биз эса ўйламадик... – қисик кўзлари бадтар қисилиб қарабди Шайх Нуриддин баҳодир... – Бизнинг ақлимиз йўқ, ўйламай иш қиламиз...

Баҳс нима билан тугарди экан, у ёғи худога аён, аммо шу палла, яхшиямки, Ҳумоюн ўрдудан олий фармон етибди:

“Барча черик жам этилсун!.. Баҳодур ва беклар Мўғулистонга отлансунлар, ҳар ерда мўғул қолгон бўлса, мусаххар айлаб қайтсунлар!..”

Ҳамма Амир Шоҳмаликка қарабди! Шайх Нуриддин баҳодир эса аламда ерга тикилганча индай олмабди.

Ўшанда Амир Темур Хизр Хожа ўғлон томонга қўшин жўнатди. Бу тўғри кадам эди. Аммо қўшин душман лашкарини кўриб, кўп ҳисоблаб, хайиқиб, сулҳ тузиб қайтибди... Бу Соҳибкироннинг нафсониятига тегди. Шу нохуш ҳодиса тепасида турган Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳон-шоҳ ибн Жоку ва Шайх Нуриддин баҳодирлар кейин қаттиқ дашномларга қолдилар.

Амирларининг тутумидан Соҳибкирон ғазаб отига минди! Ҳай-ҳайга ҳам карамай, амир-у баҳодирлар юзига тарсаки тортгандай, ўзи черик бошида Хизр Хожа ўғлон кейинидан тушди ва илғор юриб, Самарқанддан ҳисобланса, икки ойлик йўл масофадаги Юлдуз¹ водийсигача от суриб борди. Муҳолифларни саҳро ва тоғларда ҳам тинч қўймадилар. Сон-саноксиз мол-у қўй, тева-ю от, соҳибжамол қизлар ва хотинлар ўлжага тушди. Ҳумоюн ўрдудан, бари

¹ Юлдуз – Шарқий Тўркистондаги мавзё номи (муваз).

черикка улашиб чикилсун, таксим этилсун, деган фармон олинди. Қўрқинчдан мўғуллар қаён қочишини билмасдилар.

Мўғул кавмининг оти чиққан аъёнларидан Ҳожибекнинг ўн етти ёшли ҳурилик кизи Чўлпон Мулк окани кўрсатганларида, замоннинг тескарилиги, душманлар кирдикори, амирлар ношудлигидан Соҳибкироннинг тошга айланган кўнгли юмшаб, кўзлари гўзал малакнинг ойдаи жамолидан ёриша бошлади, фавқулодда нур инди чоғи...

Ҳожибек мўғулнинг қизи, қиз эмас, бир балойи офат парипайкар эди! Азал наққоши беармон сайқал берган бу дурри яктога қараганнинг, шубҳасиз, ҳайратдан ёқа тутмай иложи қолмасди. Нақшин олмадай юзлари нигоҳни ўзига тортиб олади, кийик кўзлари жозибали боқади...

Самарқандга қайтгач, Соҳибкирон қизни ўз акди никоҳига киритди ва шабистонига маҳрам этди, юрт олдида дастурхон ёзди, ош тортди. Бу қутлуғ издиҳомга куёви ўлиб тул қолган Султон Бахт бегим билан Амир Сулаймоншоҳнинг тўйлари ҳам уланиб кетди...

Соҳибкирон ўйлаган сари, ўйи тугамайди, кўнгли сиқилади. Сирасини айтганда, торинадиган ишлар бўлаётир-да. Бу қандай гап ўзи?

Салкам йигирма йилдирки, Амир Темур давлат бошида турибди, наҳотки улкан жаҳоний салтанат курмак, Оллоҳ буюрган бу салтанатда дин – эътиқод учун курашмак, дорилмомонлик, осойишталик ўрнатмак, одамларни бахтли қилмак ўрнига, ана бу амир фитнасини бартараф айлаш керак, мана бу бузғунчини қувиш зарур, қабилидаги майдачуйда юмушларга банд бўлиб юраверса? Меҳр-у шафқат, ҳиммат деб, Хоразмдагидек бир ишга беш марта уринишнинг нима зарурати бор? Жетага-чи?.. Жетага ҳам тўрт-беш марта от сурилди. На Қамариддинни тутди, на Анқо Тўрани! Ҳамон улар тоғлардаги эркин такадай тошдан тошга сакраб юришибди. Шундай ҳолнинг юз бергани учун Соҳибкирон ўзини ўзи кечиролмайди...

Мана, яна қурултойга тўпланишмоқда. Энди Дашти Кипчокка Тўхтамишхон изидан қувиш керак! Сабаби, Олтин Ўрда хони билан орани очиқ этмай, ўз ниятларига эришмаги

мушкуллиги аён бўлиб қолди. Тўхтамишхоннинг дўстлигига энди умид йўқ. Тамом! Олтин Ўрдани эгаллаб, қувватини кесиш, катта шаҳарларини қайта тикланмайдиган даражада бузиш, харобага айлантириш, Чингизхон сулоласининг сўнгги давлатини ер юзидан супуриб ташлаш даркор!.. Акс ҳолда Турон салтанатига тинчлик йўқ!.. Соҳибқирон буниники биледи.

Қўм-қўқ майсалар билан қопланган майдон ораста. Турли тарафдан келган вакиллар, турк-у тожикнинг олий мартабали азамат эрлари қурултой бошланишига интиқ, майдон талаб паҳлавонлардай гуррас-гуррас у ёқдан-бу ёққа юрар эдилар. Тепаликда, маҳобатли саропарда олдидаги олтин тахт Амир Темур пойи қадамига мунтазир... Тахтнинг икки ёнида сарой аъёнларига мўлжалланган гулдор тўшаклар қўзни олгудай ловуллаб ёнади. Кунчиқишда узоқларда қорли тоғлар Оллоҳнинг қудратига тан берган ҳолда таъзимда кимир этмай бир жойда қотиб турардилар...

Хашка суйи шовуллаб тўлиб оқарди.

Амир Темур саропардадан чиққанда сарой аъёнлари тахтнинг икки ёнидаги ярим ой шаклида солинган тўшакларга тиз чўкишган эди. Чап томонда пири муршид Мир Саййид Барака, Умаршайх Мирзо, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Амир Мусо, Амир Довуд дўғлат, Шайх Нуриддин баҳодир ва бошқалар қўр тўкишган. Ўнг томонда Султон Маҳмуд ибн Суюргатмишхон, Амир Сайфиддин неқўз, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмалик, Мирзо Алибеклар, улар қаторида Тўхтамишхоннинг муҳолифлари Жўжи улусининг номдор валламатлари Темур Қутлуғ ўғлон, Кунча ўғлон ва амир Идикулар ҳам қўзга ташланади.

Ҳамма Соҳибқирон ҳурматига гуруллаб ўрнидан турди. Одамлар ичида жуссалик дўнгманглай амир Идику алоҳида ажралиб қўзга ташланарди. У ўз шериклари билан ўн беш кун олдин Самарқандга етиб келган ва Соҳибқирон ҳузурига ташриф буюрганди.

— Амир Соҳибқирон, Тўхтамишхон саройида ҳамиша жонимни ҳовучлаб яшадим, — деди амир Идику, Амир

Темурни тавоф айларкан, – хокондан ҳеч яхшилик келмас-лигини биламан. Унинг кўлида бир кунмас бир кун ғафлатда қолиб ўлиб кетишдан кўркдим... Айникса, Довдирсой воқеасидан кейин, ўзларининг даргоҳларига бош урмоқни энг тўғри қарор деб ҳисобладим...

У Соҳибқиронни кўп нарсалардан огоҳ этди. Амир Темур индамай эшитди.

Мана энди Олтин Ўрданинг нуфузли амири Дашти Қипчоққа қилинадиган юришга бағишланган қурултойда қатнашмоқда.

Даставвал, Мир Саййид Бараканинг залварли овози майдон узра янгради. Пири муршид қуръон туширгач, жамоага юзланди:

– Оллоҳ – тангри, маъбуди барҳақ шаънига, пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳақиға, чорёрлар ёдига ҳамд-у санолар айтайлик! Жумла мўъминлар қаторида Абулмансур Абулмузаффар Соҳибқирони қомкор Амир Темур Қўрагон ҳазрати олийлари салтанатини бардавом айлашини, азиз жонларини ўз паноҳида асрашини сидқидил парвардигордан тилайлик!

Қуръоннинг сеҳрли қаломлари, юракдан айтилган тилак-дуолар майдонни тўлдириб ўлтирган мардлар кўнглини кўтариб юборди.

– Салтанатлари бардавом бўлсун!

– Парвардигор ўзи асрасун! – қабилда сўзлар янгради.

Қурултой жиловини Турон хони Суюрғатмишхон вафот этгандан сўнг унинг ҳаққига риоя этиб хон қилиб қўтарилган ўғли Султон Маҳмуд қўлига олди.

Қурултойда асосан Амир Темур гапирди. Унинг нутқи ўтган уч-тўрт йилдаги ишлар сарҳисобига ўхшаб кетди. У гапирар экан, айти пайтда кўнгил пардаси ортидаги воқеалар ҳам кўз ўнгидан бир-бир ўтарди.

– Муҳтарам қурултой аҳли! – давом этди Амир Темур тизгинсиз ҳаёлларини нари қувиб.. – Шукрим, ҳаллоки безаволнинг зиммамизга юклагон ишини уҳдалашга¹ бел боғлагондурбиз. Ҳақ таоло фақирингизга Қуръони қаримни

¹ Уҳда (арабча) – масъулият, жавобгарлик; қайлилик.

ўкумак ва бечора-ю мискин ғамини емак, олам аҳлини бахтли қилмакдан ўзга ташвишни юкламағондур. Нисён, яъни неъматни унутиб, нонкўрлик қилишдан исён келиб чикур... Бас, тутингон ўғлимиз Тўхтамишхон оёғини адолат майдонидан четга қўйди, мардум унинг ёмон феълидан озурда.. Кечиримлилик йўлидан борғондик. Ҳимматимиздан баланд мартаба-ю олий мақомларга етишмиш эрди, ана энди кўрингизки, тарбият ҳаққини эсидан чиқариб нопок ишларга қўл урибдур. Бошига тож қўйғондик, бошини қаерга қўйишни билмай қолибдур... Гарданини совутиб қўйиш зарурати туғилмакда...

Шу палла борлиқ атрофда ажиб бир сукунат ҳукм сурарди Мухаммад Чуроға додхоҳ назарида. Шабада ҳам елмас, тепада кушлар ҳам учмас, узоқдаги корли тоғлар ҳам жим тинглар, осмон ҳам қотиб кулоқ солар, ҳатто курултой бошланишидан олдин шовуллаб турган Хашка суйи ҳам тўхтагандай сокин туюларди.

Мир Саййид Барака Амир Темурга тутинган ўғли ҳақида бундай сўзларни айтиш бағоят оғир ва нохуш эканини тушунар, аини пайтда ичида уни қўллаб-қувватларди. Лекин шу пайтгача бу ҳақда бир марта ҳам оғиз очмади, сабр-тоқат қилиб келди.

Пири муршид шу палла Тўхтамиш ўғлоннинг илк марта Кўксаройга қадам ранжида қилганини эслади. Ўшанда ёш подшоҳзодага боқаркан, беихтиёр кўнглига қандайдир ёкимсиз нарса сояси кириб қолгандай бўлганди. Кейин худо раҳмати Суюрғатмишхон ҳам оқ банот тўн кийган Соҳибкироннинг қора чакмонга ўралган Тўхтамиш ўғлон билан кучоқлашганини, бу нарса унга худди Амир Темур қўйнига қора илон кириб олгандай туюлганини алам-ла айтиб берганди... Ҳа-ҳа, қора илон эмас, аждаҳо! Юҳо¹ демак мумкин!

— Бас, черик жамлансун! Ҳар вилоятдин тумонот ва ҳазорижот беклари лашкарларини йиғсунлар! Ҳар бек қўлида қанча навкар борлигини, неча кишини отлантира олиши-

¹ Юҳо – 1) барча жониворларни аралаш еб, ютиб юборадиган афсонавий махлук;
2) кўчма маънода: ебтўймас, очофат (бу ерда шу маънода келган).

ни муфассал¹ айласун ва маълумотни бахшилар-у тавачиларга топшириш лозимлиги уктирилсун! Агар бирон бек муфассал килингон кишиларини черик куні хозир этмаса, гуноҳи ўз бўйнига тушиши уктирилсун!.. Яқин фурсатда, иншоллох, Дашти Қипчок сори мутаважжих бўлғоймиз!

– Мутаважжих бўлғоймиз!

– Мутаважжих бўлғоймиз!

– Мутаважжих бўлғоймиз!..

Ҳайқирик овозлари борликни тутди. Қийқириклар орасида эллик-олтмиш кадамлар нарида қозиклардаги отларнинг кишнашлари ҳам эшитилиб қоларди.

Мухаммад Чуроға додхоҳ қараса, қушлар тепада ғужғон ўйнамоқда, тоғ тарафдан майин шабада эсмоқда, осмонда эса паға-паға оқ булутлар кезиб юрибди.

Қурултой тугагандан сўнг, амирлар ва баҳодирлар, барча вакиллар нималарнингдир ҳақида ўзаро баҳслашишар эканлар, фавқулудда кўтаринки руҳда дарё бўйида ёзилган башанг дастурхонга йўналдилар.

Хашка суйи шовуллаб тўлиб оқарди.

Дашти Қипчок юриши тайёргарлигига уч ой вақт кетди.

Орада Соҳибкирон кўнглини хуфтон қилган бир ҳодиса рўй берди. Бир куні бўлажак савашишлар ҳақида Амир Сайфиддин неқўз билан сўзлашишиб ўтирган эди, Кўксарой сайисхонаси мирохури² Ҳумоюн ўрдуга келиб: “Амир Соҳибкиронга сўзи бор” лигини айтиб, киришга ижозат сўради.

– Амир Соҳибкирон, бир қошиқ қонимдан кечасиз... – қўл қовуштирди остонада тўхтаган мирохур, у ўттиз бешлардаги боши катта, йирик одам эди. – Худо ҳақки, умримда бундай ҳодисани ҳеч кузатмаганман, биринчи марта қўриб турибман...

– Сўйла-чи? Нима ҳодиса экан?

– Ҳазратим... саҳар қарасам, сайисхона дарвозаси олдида... машхур тулпорингиз Хонўғлон турибди!..

– Хонўғлон?!..

¹ Муфассал қилмоқ – аниқ рўйхатга олмоқ (муалл).

² Мирохур (арабча + форсча) – бош отбоқар; отхона бошлиғи.

Амир Темур чакмок чаккандай ялт этиб Амир Сайфиддин некузга каради ва беихтиёр ўрнидан кўзголди.

– Нима-нима? Хонўғлон дейсенму?.. Бўз тулпор?!.. Тўхтамишхондаги от?!.. Қаердан келибди?..

Мирохур яна таъзим қилди:

– Ўша ўзимнинг боққан отим, Амир Соҳибкирон. Қочибди, шекилли. Жуда ийиғи чиқибди бечорани. Йўл қоқиб қўйибди. Кўрибик, ичим ачиб, кучоклаганча йиғлаб юборибман...

Соҳибкирон бошқа ҳеч нарса сўрамади. У тезроқ суюкли отини кўришни истарди. Шу заҳотиёқ улар мирохурни олиб сайисхонага жўнадилар.

Сайисхона ҳовлисига кирганларида Соҳибкироннинг кўзи боши деворга қаратиб боғлаб қўйилган Хонўғлонга тушди-ю, вужудига титроқ кирди. Аввалига танимади. Рўпарада азоб-укубатларда қаровсиз қолган, дирдов, қобиргалари туртиб чиққан бир қирчанғи от турарди. Воҳ-воҳ!.. Бир пайтдаги гижинлаган сулув тулпордан асар ҳам йўқ...

Чап биқинида аллақандай йиртқичнинг чуқур ботган тиш излари ҳали битмаган, ўнг оёғи тиззасида каттагина жароҳати бор. Бошини ерга экканча, худди қарашга ботинмагандай деворга юз ўгириб турарди.

От бирдан Соҳибкирон нафасини сездими, шарт қайрилди! Амир Темурнинг бағри узилгандай бўлди: Хонўғлоннинг бир кўзи... йўқ эди!

– Бечора жонивор!.. Бечора жонивор!.. – дея олди, холос, Амир Темур...

Хонўғлон Довдирсойдан қочганча чўл-у маликлардан ўтиб, адирлар ошиб, ўр-қир кезиб қандай Самарқандга етгани ёлғиз Оллоҳга аён эди. Ақлли махлуқ пана-пастқам йўллардан юрган, шекилли. Йўлларда адашгандир. Кимдир, бир бўз отнинг Самарқанддан беш фарсах масофадаги Қангли қишлоғига яқин ерда итлар ўровга олганини кўрганмиш, от итлар ҳалқасини ёриб чиқиб кетганмиш. Ўша, Хонўғлонми ёки бошқа отми, буни айтиш қийин. Ҳар қалай, тулпорнинг олдинги оёғида каттагина яра қўринарди. Тўхта-

мишхон камчисининг каттик зарбидан йўлдаёқ Хонўғлоннинг чап кўзи окиб тушди.

Соҳибқирон бориб севимли отини силай бошлади. Силар экан, кўзлари ўз-ўзидан ёшланганини билмай колди. Отни бўйнидан кучганча каттик бағрига босди... Беихтиёр ўзини гуноҳкор сизди. Хонўғлонни, тил-забонсиз бегуноҳ махлукни шу кўйларга солган Тўхтамишхон эмас, балки Амир Темурнинг ўзидир? Агар ўшанда меҳри ортиб уни тутинган ўглига тухфа этиб юбормаганда шундай ҳол юз бермасмиди...

Ҳа, Соҳибқирон ота-боболар удумини унутди. Ахир турк эрлари қачон миниб турган отининг жиловини бировга тутказган? Отнинг эгари – салтанатнинг тож-тахти. Лекин подшолар ўртасида мана шундоқ тухфа-инъомлар, ҳадялар қилиш расм-русуми бор. Чунончи, Аббосий халифалардан бири Султон Жалолиддин хоразмшоҳга ҳадялар йўллар экан, эгар-жабдуқлари олтиндан, туёкларига киммати юз динорлик ҳалқачалар осилган учқур отни ҳам кўшиб кўйганди.

Эҳ, шўрлик тулпор!.. Шўрлик тулпор!.. Шундай бўлишини билганида... билганида... Энди пушаймондан не фойда?

Соҳибқирон ҳамиша отлар ҳақидаги кассалар эшитишни ёктирарди. Мавлоно Убайддан кўп ривоятлар тинглаган. Муҳаммад алайҳиссаломни Меърожга олиб чиққан, жаннатдан келтирилган, “кўзи етган жойга оёқ ташлайдиган, илдам” афсонавий оқ Буроқ деган от борасида нақллар бисёр.

Искандар Зулқарнайннинг Буцифол номли дулдули ҳам жуда садоқатли ва зийрак экан. Искандар Ҳиндистон юришидан қайтаётиб, суйган асов дўнон отининг суякларига бир қараб ўтишни истабди. Дулдул ўлган ерга тушиб, унинг бош суягини топтириб кучоклаб йиғлаган экан...

Султон Жалолиддиннинг учқурканот Самани эса уни Чингизхон аскарларига туткизмай Синд дарёсидан елдай олиб ўтиб кетибди.

Амир Темур оҳиста ер тепинаётган Хонўғлоннинг думини силкитиб турганини кўрди, унинг омон қолган ўнг

кўзидан мулт-мулт ёшлар оқарди. Тулпор йиғларди... Унинг индамай йиғлаши, негадир, йигит йиғисига ўхшаб кетди, Соҳибкирон назарида. У чунон уринмасин, Хонўғлон қандай қочиб келди, нимага қочиб келди, қаердан қочиб келди – бу саволларга жавоб тополмади.

Кўзлари ёшланган Амир Сайфиддин некўз бирдан худо раҳмат қилгур Амир Жоку барлосни эслади. Ҳаж сафаридан қайтганидан кейин иккиси ўртасида Хонўғлон тўғрисида сўз кечганди. Амир Жоку барлос Соҳибкироннинг Тўхтамишхонга Хонўғлонни совға қилиб бериб юборганидан кўнгли чўкканини яширмади. “Тўхтамиш ўғлон баҳоси йўқ тулпорнинг кадрига етармикин?.. Аттанг!.. – деди дунё кўрган кўзи пишган амир афсусланиб. – Амир Соҳибкирон одатлари шундок: сахийликлари тутса дунёни ҳам бериб юборадилар. Ахир бу от аллакандай подшоҳзодалар эмас, Соҳибкиронлар минадиган тулпор эди-ку!..”

Амир Сайфиддин некўз чуқур хўрсиниб қўйди.

Икки кундан кейин мирохур келиб, “бир қошиқ қондан кечишини сўраб”, ғафлат босганини, эрталаб Хонўғлоннинг ўлиб ётганини кўрганини билдирди. Узоқ йўл юриб ҳориб-чарчаган тулпор азобларга дош беролмаган, шекилли...

Амир Темур қаттиқ изтиробда қолди. Ҳали хануз тулпори Тўхтамишхонда бўлса ҳам қандайдир ўзида тургандек ҳис қилар, кўнгли тўқ юрарди. У севимли отини Чўпотанинг этагидаги кичик бир тепаликка кўмишларини буюрди.

II

Милодий 1390-йилнинг киши жуда ҳам совуқ келди. Яқин ўртада мардум бундай совуқ тушганини билмайди. Аммо Самарқандда эканларида об-ҳавонинг тез кунларда бунчалар ўзгариб кетишини Соҳибкирон қутмаганди.

Кишни Тошқандда ўтказишга қарор қилинди.

Қаҳратон киш бошланиб-бошланмай узоқ йўлга мажбурийят юзасидан отланилгани ҳаммага аён эди. Йўқ эса, Соҳибкиронга қолса, Боғи Чинордами, Боғи Беҳиштда

мехмонхонада гупуллатиб ёғаётган корни деразадан кузатиб, Сароймулкхоним, Туман оқа ёки суюмли кичик малика Чўлпон Мулк хонимлар билан шакаргуфторлик айлаб ўлтиришга не етсин...

Турон кўшини сафарга отланган чоршанба куни пойтахт кўчалари гавжум бўлиб кетди. Бир кун олдин салтанат жарчилари, бутун маҳалла-ю гузарларда: “Эртага Соҳибқирони комкор Абулмансур Амир Темур Кўрагон жаноби олийлари Дашти Қипчокка жўнаётирлар!” – деб жар солдилар. Кўксаройдан то Боғи Баландгача Тошканд йўли атрофлари авомуннос, кекса-ёш, хотин-халаж, навкарларга ҳавас билан қараётган бола-бақраларга тўлиб кетди. Улар орасида такяхона бошлиғи паҳлавон сифат Уста Шунқор, Эсон бувалар кўринарди. Аскиячи Ориқ, Паканаларнинг атрофида эса одатдагидек кулгу овозлари эшитиларди. Барча салтанат кўшинига оқ йўл тилаб кузатишга чиққанди.

Йўл четида икки бола шундай суҳбатлашишарди:

– Вуй!.. – дерди бири. – Анови навкарни отини қара! Гинжинглайди. Зўр экан-а!..

– Зўр-да!

– Катта бўсам, мен ҳам навкар бўламан! Ана шундай от минаман!..

– Аскар бўлармиш! Шилпиксан-ку!.. – деди иккинчиси... – Шилпикларни олишмайди.

– Нима-а?.. – хезланди биринчи бола...

Атрофдан, ўнг-у сўлдан олқишлар янграр, уларга яна бошқалари кўшиларди:

– Оқ йўл, Амир Соҳибқирон!..

– Ой бориб омон қайтинглар!..

– Худо ўз паноҳида асрасун!.. –

– Асрасу-у-ун!...

Сафар узоқ эди, даставвал маҳобатли сафга айланган отлиқ аскарлар йўлга тушдилар, кейинидан улкан масофани эгаллаган пиёдалар оқими пайдо бўлди. Боварчилар¹, оризлар², сартарошлар, қуролсозлар, камонсозлар, оҳангар-

¹ Боварчи – ошпаз маъносида (муалл).

² Ориз – кўшинда аскарлар-у мансабдорларга маош берувчи, хазиначи (муалл).

лар, дурадгорлар, йўлсозлар, карнайчилар, бурғучилар, хуллас, уруш деган ҳаёт-мамонт сахнасида зарур ҳоказо касб эгалари ҳам бу сафда бор эдилар. Кўчани тўлдирган гуррас-гуррас кадамлар шиддатида дунёларни титратувчи суронлар яшириниб ётарди.

Кўшин этагига уланган катта уғруқда Сароймулк-хонимдан то кичик малика Чўлпон Мулк оқагача хонимлар бари жам, изма-из эса аскарларнинг оилалари борарди. Уғруқнинг энг охиридаги совутларга ўралган, дубулғалар кийган тўққиз соқчи қораси Чўпонота тепалиги ортидан кўринмай кетганда вақт пешиндан оққан эди.

Тошканд Соҳибкиронни худди йўлига оқ поёндоз солгандай оппоқ қор чойшабига бурканган ҳолда кутиб олди. Чилла яқинлашган, замҳарир киш салтанати борлиқда ўз шуқуҳини намоиш этарди.

Соҳибкирон Самарканд дарбоза кўчасидаги ҳоким қароргоҳида тўхтади. Икки ошёнали уйнинг ҳашаматли меҳмонхонасига жойлашган Амир Темур, черикка Қаросмон мавзеига борилсун ва ўша ерда тегишли фармонни кутилсун, дея тайинлади. Ҳарам аҳли ҳайхотдай ҳовли этагидаги қатор уйларга йўналди.

Кутилмаганда Соҳибкирон ўзини ноҳуш сеза бошлади. Қачонлардир Сеистондаги жанглардан бирида ўнг оёғига ва ўнг қўлига ўқ тегиб ярадор бўлгандан бери, гарчи жароҳатлар битиб, суяк суриб кетган эса-да, вақти-вақти билан сирқираб оғриб туради. Аммо парво қилмайди...

Тездан собиқ хос табиб Номозхўжа Шошийни чакиртирдилар. У шаҳарнинг Кўкча даҳасида яшар экан. Машҳур табиб беш йил олдин кексалик палласига кирганини, умрининг қолганини бола-чақалар, қариндош-уруғлар олдида ўтказиш истаги борлигини айтиб, минг истиҳола билан Соҳибкирондан кетишга ижозат сўраганди.

Хўжандда, Шайх Маслаҳат мазорини тавоф этганларида, — мазор ҳам бир тепалиқда жойлашган экан, — чама-си, тоғ томондан эсган кишнинг совуқ изғирин шамолида Соҳибкирондан совуқ ўтиб қолди. Йўлда ҳам билинмади-ю, Тошкандга қайтгач, ўшанинг заҳмати сезила бошлади.

Ҳар канча ипак кўрпаларга ўраб қўйсалар ҳам:

– Яна тўшак борми? Совқотяпмен!.. – дерди жунжик-канча Амир Темур. Бутун аъзои бадани дир-дир калтирарди. Бошидан оёғигача ҳеч исимаиди.

– Ушук ебдилар-да... Сал ушук ўтибди. Парвардигор шифосини берсун! Шифосини берсун!..

– Кўрпа ташлангиз! Икки-уч қават кўрпа ташлангиз! – буюрди Намозхўжа Шоший.

Куймаланиб юрган табиблар атрофда парвона эдилар.

Ташқарида гупуллаб қор ёғарди.

Дори-дармонларнинг жонбахш таъсири сезилди,

Соҳибқироннинг тонгсахарда сал жони ором топди, шекилли, мизғигандай бўлди. Аслида дарднинг зўридан бемор дармонсизланган, қўл-оёғини қимирлатолмай ётарди. Бесаранжом-у безовта ҳарам маликалари, фарзандлар, амир-у баҳодирлар қувончдан:

– Хайрият!.. Дард кетди! Дард кетди!.. – деб қичқириб юбордилар.

Аммо янги ташвиш чиқди. Кеч кирганда Соҳибқирон тагин тоқатсизлана бошлади.

– Иссиғим чиқяпти!.. Иссиғим чиқяпти!.. – дерди энди бемор устидаги кўрпаларни отиб ташларкан. Намозхўжа Шоший Соҳибқироннинг кенг пешонасига охиста қўлини қўйганди, худди қизиб турган темирга теккандай бўлди!

– Ёпирай! Астагфурилло!.. – деди хайратда. – Ҳароратлари бағоят баланд-ку!

Уч кеча-уч кундуз беморнинг аҳволи ўзгармади. Бедаво иситма уни каттик исканжасига олган, ҳуши ўзида эмасди. Табиатан дардга оғир Соҳибқирон иситманинг зўридан “Оҳ!...” деб юборар, алахсирар, ухлаб-ухламаганини ҳам билмасди. Турфа хил ўйлар уни камраб келар, на уларни идрок қилишга қувват бор эди унда, на ўзидан нарига ҳайдашга мадор... Гоҳида кўзи илиниб, рўёлар уммонига тушиб қоларди. Лекин тушини ҳеч туш эмас, рўйи рост ҳақиқат деб ўйларди.

Бирдан ўлим ҳақидаги фикрлар Амир Темур миясини камраб олди. Вафот этса... салтанатини ким бошқаради?

Жаҳонгир Мирзо оламдан ўтиб кетди... Уғиллардан қай бирига энди салтанатни ишониб топширади?.. Албатта, Муҳаммад Султонга! Муҳаммад Султонга...

Шундай деб турганда, тушига расулуллоҳ кирибдилар. Аммо ердами, кўкдами, боғдами, тоғдами эсида йўқ эмиш. Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам: “Етмиш авлодинг подшолик тахтига ўлтирадур, ташвиш чекмагил! “- дебдилар. Дебдилар-у ғойиб бўлибдилар. Ногаҳон улкан дарахт кўринганмиш. Йирик-йирик япроклари қуюқ соя ташлармиш, шохлари орасида ҳар хил қушлар чиркиллашиб яйрашармиш, ҳашоратлар ўрмалашармиш, бари дарахт меваларидан нафланармиш... Лекин меваларнинг айримлари ширин, ўзгалари нордон эмиш.

Шунда қайдандир ғойибдан сирли овоз эшитилибди:

“Эй Соҳибқирон! Дарахт сенинг ўзинг, шох ва барглари эса авлодларингдур. Меваларидан еган қуш ва ҳашоратлар эса неъматингдан баҳра оладиган халқлардир...”

Кейин туш ўзгариб кетибди. Тушида бепоён сахро эмиш. Соҳибқирон атрофини ваҳшатли жинлар-у алвастилар, қобон-у бўрилар, бадбашара эркақлар-у аёллар, қушлар-у қурт-қумурсқалар ўраб олганмиш. Кейин икки йил аввал оламдан ўтган пири комил Шайх Тайободий пайдо бўлиб қолганмиш... Шайх ўлмаган

эмиш. Соҳибқирон дарҳол тушининг таъбирини сўрабди:

“Тушларидаги даҳшатли махлуклар – дебди пири комил, – ёзиқларингиздур. Узукка бокиб турсунлар... Тезда тавба, тазарруга юз тутиб гуноҳларини ювсунлар!..”

Ниҳоят иситма йўқолди, аммо яна ушук егандай буткул аъзои бадани қакшашга турди. Бир ҳафтадан кейин Соҳибқирон ўзини енгилроқ сизди, аммо энди бир пайт жароҳатланган ўнг оёғи билан ўнг қўли безовта қила бошлади. Энг даҳшатлиси, беморда ҳол йўқ, дармонсизликдан қўлини ҳам кўтара олмасди. “Шунчалар қилганингга шукр!..” – дея пичирларди Амир Темур мажолсиз шифтга қараб ётаркан.

Шу орада Самарқанддан Мир Саййид Барака етиб келди. Пири муршид муриди, балки мурид эмас, муҳиби,

шавкатли баҳодир Абулмансур Амир Темурни ожиз-у нота-
вон кўриб ҳеч кўзларига ишонмади. Соҳибқирон озиб
колган, ранглари ҳам саргайгандай эди...

– Оллоҳ суйган бандасига дард берадур, Амир Соҳиб-
қирон! – деди Мир Саййид Барака оҳиста беморнинг мангла-
йига қўл кўяр экан. – Зинҳор кўнгилларини чўқтирмасунлар!
Шифосини ҳам ўзи берадир, иншооллоҳ!

Ташқарида ўн беш кун аввалгидагидек гупуллаб қор
ёғарди.

Соҳибқирон қирқ кун деганда беклар-у уламо, фозил-у
фузалолар дуолари, маликаларнинг илтижолари мустажоб
бўлиб¹ оёққа турди. Кечаги қоронғи ва тор олам яна ёришиб
кенгайиб кетгандай туюлди. Ҳа, Оллоҳ тагин бир синовидан
ўтказди.

Рубъи маскунга ларзалар солган қудратли подшоҳга
бандаси нечоғлик ожизлигини, бу дунёнинг эса фоний
эканини яна бир бор эслатиб қўйди-да. Буни англаб етмак
керак...

Соҳибқирон Туронда донғи чиққан Зангиота авлиёни
худди мана шу Самарқанд дарбоза кўчасида туғилган, деб
эшитганди. Ўзи араб наслидан, қоралигидан “занги” деб
танилган, машҳур шайх Арслонбобнинг эвараси ҳисоб-
ланади. Ҳазрати Султон Хожа Аҳмад Яссавий қуддиса
сирруҳунинг² халифаси Ҳаким отага шогирд тушган.

Соҳибқирон Зангиотанинг олийҳиммат инсон эканидан
хабардор эди. Пири муршид худди шуни сезиб тургандай
деди: – Бу табаррук зотни Турон аҳли “Зангибобо
Ҳимматий” деб ҳурматлайди. Подачиликдан ҳалол ризқ
топиб кун кечиргонлар...

– Авлиё шаҳарнинг кунботиш тарафидан чек олиб боғ-
роққа айлантирган экан. Зангиота кишлоғи ана шундай
пайдо бўлибди. – сўз қўшди Муҳаммад Чуроға додхоҳ.

Дарди ариган, қувватга кира бошлаган Амир Темур
ҳаллоқи безаволга салламнолар айтиб, мазкур кишлоқдаги

¹ Мустажоб бўлмоқ (мустажоб (арабча) – талаби қабул этилган, қондирилган, қабул бўлган) – қабул этилмоқ, ижобат бўлмоқ.

² Қуддиса сирруҳу (арабча) – сирӣ муқаддас, эзгу бўлсин, маъносида (муалл).

авлиё қабрини зиёрат этди. Мир Саййид Барақа қироат билан қуръон туширди, Соҳибқирон етим-есир, бева-бечораларга ўн минг кепакӣ¹ олтин хайр-у садақалар улашди.

– Авлиё мазори бошида мақбара қурилсин! – буюрди Соҳибқирон Тошканд ҳокимиға. – Ғўрхона ёнида зиёратхона ва бошқа лозим хоналар бунёд этилсун! Эл-улуснинг зиёратгоҳ маскани обод бўлсун, бу бемисл савобдур! Гуноҳкор бандамиз, зора бизларға ҳам савобнинг бир учи тегиб қолса...

– Бешак-шубҳа! Тегадир, албатта тегадир!.. – Соҳибқироннинг қўнглини қўтарди пири муршид.

– Биби, ана бу кўрнамак Тўхтамишхон сориға боришимиз шартдур. Салтанат вазияти ва талаби шундоғдир. – деди Амир Темур шаҳарға қайтишгач. У Зангиота зиёратидан сўнг руҳан ўзини енгил ҳис қила бошлади. Маҳди улё, Соҳибқиронға, шу сафарға бормасалар кошқийди, демокчи эди, аммо бунинг иложи йўқлигини билиб, индай олмади.

Улар меҳмонхонада ёлғиз эдилар.

– Бошлари тошдан бўлсун, илоҳи!.. Бир жонларини минг ўтларға урмакдалар, Амир Соҳибқирон! – одатдагидек оҳиста сўзланди Сароймулкхоним, Амир Темурнинг ногирон оёғини уқаларкан. Маҳди улёнинг мулойим қўлларидан Соҳибқироннинг жони ором оларди.

– Сал... ўзларини ҳам, бизларни ҳам ўйласунлар. Агар жонингиз сизга керак бўлмаса, бизга кераклигини унутмасунлар... Оллоҳ ўз паноҳида асрасун!

Малика жони-дилида кўрган Соҳибқиронининг одамларға ўхшаб бироз ором олиб, ўзларини ўтга-чўкка уравермай, аяб яшашларини истарди. У шу ҳақда ўйларди-ю ҳеч айтиш фурсатини тополмасди. Тошкандда бирон фалокат юз бериб қолмасин, дея жуда қўркиб кетди. Ахир жонлари темирдан эмас-ку!

Соҳибқирон Сароймулкхонимнинг чап юзидаги қора холиға, бежирим ёқут лабларига меҳр билан тикилиб турди, аммо ҳеч нарсa демади.

¹ Кепакӣ, кабакий – чиғатойлардан Кепакхон чиқарган қумуш танга.

Сафар ойининг¹ ўн иккиси² эди, Соҳибкирон от бошини Тўхтамишхон сари бурди. Черик яхши куролланган, лашкар аҳли сийланганди. Кўплар йўрға отларга миниб, зардўзи чопонлар кийдилар, ҳамёнлар ҳам динор-у дирҳамларга тўлди. Амирзода Пир Муҳаммад Жаҳонгир билан Шохрух Мирзога мамлакатни идора этишни топшираркан, кичик малика Чўлпон Мулк оқадан бошқа барча бегим ва хонимларни Самарқандга қайтишларини буюрди. Кўнгиллар тўк эди.

Қаросмонда Тўхтамишхондан элчилар келганини айтганларида Соҳибкирон ажабланмади. Эртами-кечми шундай ҳол юз беришини биларди. Бу Олтин Ўрда хонининг ўзини муҳолифат санаганидан сўнг илк марта расмий элчи жўнатиши эди. Тўхтамишхон тухфага тўккиз от ва бир шунқор юборган экан. Элчилар бошлиғи ер ўпиш вазифасини адо этди, кейин нўёнлар кузатувида хиёл эгилганча, хоконнинг узр-маъзурларга тўла арзадоштини бундай баён қилди:

—... Тўхтамишхон хазратлари дедиларки, Амир Соҳибкирон билан ота-ўғил мақомидадурбиз. Валинеъматнинг ҳимматларига шукроналар айтсак, ойлар-йиллар етмас... Аммо бир неча ёмон бадбахт-у бахтикарлар адабсизликлар кўргизубдурларки, ғафлатда қолибдурбиз. Жазосини бердук. Ўғлим асло муҳолифат этокини тутубдур, деб ўйламасунлар! Валинеъмат лутф-у қарам айлаб гофил ўғилларининг гуноҳларидан ўтсунлар. Кечирсунлар...

Амир Темур эшитаркан, қўли иягига чўзилди. Мир Саййид Барака синчков кузатиб, вазиятни яхшироқ тушунишга тиришарди.

Пири муршид Самарқанддаёқ сафарга бирга жўнамоқчи эди, бироқ Соҳибкирон ундан мамлакатда вазиятга кўз-кулоқ бўлиб туришни ўтинди. Тошкандда беморликдан эндигина фориғ бўлган Соҳибкиронни сафарга ёлғиз жўнатгиси келмади, сирасини айтганда, ўзи ҳам бу ёқда кадрдони,

¹ Сафар ойи — қамарий йил ҳисобида, шунингдек, мусулмонларнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 2-ойнинг арабча номи; 29 кунга тенг

² Сафар ойининг ўн иккиси — 1391-йил 19-январь

дўстини соғиниб колади. Майли, иссиқда ҳам, совуқда ҳам бирга юрсинлар, бандасига вақт ғанимат ахир.

Барча бек-у амирлар, амирзодалар, Соҳибқирон элчига не дер эканлар, дегандай жим ерга боқишган. Уларнинг ичида, сафарни кечиктиришни истаганлар ҳам йўқ эмасди. Жўжи бекзодалари Қутлуғ Темур ўғлон, Қунча ўғлон билан амир Идикуларнинг, айниқса, кулоклари динг эди.

Амир Темур тасаввурида дурқун, юзлари тиник Тўхтамишхон бўй кўргизди: ёрқин кўзлари масхара аралаш иржайиб турар, ёқимсизроқ ингичка овози эшитилганга ҳам ўхшаб кетди. “Айёр-у маккор подшоҳзода! – ўйлади Соҳибқирон. – Бизнинг кўнглимизни хотиржам этмакчи, лақиллатмакчи. Ўзи эса ниятидан қайтмакчи эмас, пайтдан фойдаланиб қўшин йиғиб қучайиб олмакчи, холос... Яна алдаб кетмакчи! Менга шунқор юборибди, ўзининг шунқори эса аллақачон учиб кетганидан хабари йўқ..”

– Тўхтамишхон душманларидан яхшигина мушт еб, калтак еб, қочарга жой топмағонида иссиқ бағримиздан жой бердик, отадай сийладик.. – босик бошласа-да, Амир Темурнинг қаттиқ жаҳли чиққани билиниб турарди.. – Шунинг деб Ўрусхондай қудратли подшоҳга мухолиф чиқдим. Яроғ тутқаздим, черик тортдим, Жўжихон улусига подшо қилдим. Агарчи Оллоҳ уни сийлади, аммо сабабчи мен эрдим. Оқибатни кўрингким, йўғимизда юртга бостириб кирибдур! Кўп жойларни харобага айлантирибдур!.. Кейин тавбани ҳам ўйламади. Феъли бузук кишиларнинг фасодидан қутула олмағоннинг ҳоли войдур! Яна кенглик йўлини тутсам, кўрқаменким, худонинг ғазабини келтирамен! Энди ўзига ҳам, сўзига ҳам эътимодимиз қолмади!.. Ислоҳ подшоси Султон Маҳмудхон фармони билан ул бадбахтга қарши йўлга чиқилди!.. Фармонга бўйсунғойбиз, ортга қайтиш йўқ! Худойи таоло кимнинг манглайига зафар оятларини битғон эркан, олам билсун!..

Амир Темур элчиларни ҳибсда сақлашга фармон берди.

ИИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

I

Хижрий 793-йил рабиулаввал¹ охири пайшанба куни²да Турон кўшини Сариг Ўзан мавзеига кирди, отларни ўша ердаги дарёдан суғордилар. Бир ойдан бери дашти биёбонда сувсиз юрганларидан кўп отлар нобуд бўлди. Ташналик кучайиб борарди. Кўшинда танглик юз бера бошлади.

Амир Темур хайрон қолди, сафарга чикмасдан аввал бу жойлар ўр-чакири, кўл-кўлоби, йўл-сўкмоғи яхши ўрганилмаган эканини пайқади. Демак, унга етган маълумотлар унчалар тўғри эмас... Юришнинг, сафарнинг ҳам ўз расамади, қондаси бор, риоя этмак лозим, йўқса кейин киши панд ейди.

Салтанат тузуки бўйича, уруш майдонини танлашда тўрт нарсага диққат қаратилади: энг аввало, у ернинг суви муҳим, кейин аскар сақлайдиган жой, яна кўшиннинг душман лашкаридан тепарокда жойлашиши зарур, майдоннинг олди очик кенг, узоқлар баралла кўринадиган бўлиши керак.

Вазиятдан кўнгли тўлмаган айрим амирлар, Амир Темурга ортга қайтиш ҳақида шама ҳам қила бошладилар. Аммо Соҳибқирон ўз аҳдида қатъий эди. У, аксинча, душман томонга янги чопарлар юбориб, йўл шароитларини яхшироқ ўрганиб чиқишни тайинлади.

Бирдан қаттиқ сел келди-ю дарёда сув кўпайди. Кечув топилгунча, маълум муддат кўчмаслик ҳақида буйрук берилди.

– Вақт етди, сен тез қорангни ўчир, бироздан кейин билдирмай кўздан йўқол!.. Кўрганларингни хоконга бориб айт! – шивирлади амир Идику Қулинчоқ деган кўзлари кичик, қошлари қуюк, пакана одамни бир четга тортиб.

– Хўп! – деди Қулинчоқ кўзлари йилтираб.

Кўшин шимол томонга кўзғолди.

¹ Рабиулаввал (арабча; аввал баҳор; баҳорнинг боши, аввалидаги ой) – қамария йил ҳисобида 30 кунлан иборат учинчи ой.

² Хижрий 793-йил рабиулаввал охири пайшанба куни – милодий 1391-йил 14-март.

Кўп ўтмай бирдан амир Идику шов-шув кўтарди:

– Кулинчоқ қочиб кетибди! Тўхтамишхон тарафга қочиб кетибди, Амир Соҳибқирон! Ижозат беринг, унинг изидан от солай! Тутишиимиз керак у бадкорни!

– Кимнинг одами эди? – сўради Амир Темур.

– Меники... шунинг учун... юзим шувут... – гуноҳкорона бош эгди амир Идику.

– Тутилсун! – деган амр вожиб бўлди.

Амир Идику от бошини бураркан, ёнидаги амирларга алам билан деди:

– Кўзи кичик, аммо узоқни кўради, даюс... Жуфтакни ростлаб қочиб қолибди, лаънати пакана!.. Илгари ҳам бир марта шундоғ чув туширган. Кечирган эрдим. Бундайларга ҳеч ишонч йўқ. Аммо тутаман-у, тутган жойимдаёқ қийма-қийма қиламан!

Амир Идику дарҳол икки навкар билан шитоб Кулинчоқ пакана ортидан от қўйди, аммо тута олмай куруқ қайтиб келди...

Даштга кирдилар-у бошларига яна сувсизлик балоси ёприлди. Навкарлар онда-сонда ёғиб ўтган ёмғирлар тўлдирган чуқурчоқларни топишар, бир култум-ярим култум сувдан кифояланишар эдилар.

Йигирма кун деганда Кичик тоғдан ўтдилар. Олдинда энди катта Улутов¹ кўринди. Агар шу икки тоғни демаса, бу ерларда олам дашти биёбондан иборат экан-да, деб ўйлаш мумкин эди.

Кўшин тўхтади.

Амир Темур тоғ тепасига чиқиб, атрофга назар ташлади. Борлиқ олам кўм-кўк майсаларга бежиримгина ўранган. Шундагина Соҳибқирон баҳор келганини билди. Бу учикети йўқ саҳрода юраверасан, юраверасан, баъзан кун нима, чошгоҳ нима, окшом нима, ажрата олмайсан. Қайси тарафга бораётганинг ҳам номаълумдек. Офтоб булутлар ортидан чиқишни истамайди. Устига устак, неча кунлаб ўзгармайдиган кўнғирсалқин кулранг ҳаво юракларни сикади.

¹ Улутов – Ҳозирги Қозоғистондаги Жезқазғон шимоли-ғарбида жойлашган тоғ (муалл.).

Ҳов, жануб томонда олисда, жуда олисларда, унинг юрти Самарқанд, Кеш, Туронзамин ястаниб ётганини ҳис этади.

“Замонлар ўтаверади, умр қисқа... – кутилмаганда хаёлга чўмди Амир Темур. – Ерга тушган кадамларинг бирон из қолдирадурму, эй инсон? Из... Лекин ўз ғамингни еб, шаън-шуқух истаб қолдирган изларингни тарихнинг довул-у бўронлари осонгина ўчириб юборади. Ўзингни ўйламоқчи эрсанг, ўзингни унут. Ўзгаларни ўйла, ўзгалардан фикр қил. Аввало Турон юртингни, турк халқингни ўйла. Шунда, Темурбек, ўзингни ўйлаган бўласен...”

Тоғнинг энг тепасида ёлғиз тураркан, Амир Темур хаяжонда ўзини худога фавқулодда яқин сезди, осмон унга энкайиб келгандай туюлди, хаёлида туғилган сўзлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаганини, ҳақ кўнглига солганини фаҳмлади.

Атрофни тутиб кетган аскарлар қуйиларда ғимирлашиб у ёқдан-бу ёққа юришарди.

Бирданига Соҳибқирон амр этди:

– Черикка буюрингизким, барча тош келтурсун! Бир нишона қилайлуқким, бу дашти биёбонда биздан ёдгор қолғай!

Чор атрофдан: “Ёдгор қолғай!..”, “Ёдгор қолғай!..” садолари янгради.

Икки юз мингга яқин навкарлар, амирлар-у баҳодирлар бари тош теришга тушдилар. Тезда ғаройиб шохсупа тикланиб, устига минора қуриш ишлари бошланиб кетди. Амир Темур не-не асрларнинг шамол-у ёмғирларида силлиқланиб сайқалланган улкан харсангтошга диққатни қаратди.

Сўнг шошилмай Мавлоно Убайдга қандайдир сўзларни ёздирди-да:

– Она тилимизда шу тошга нақш этилсун! Токи бу тарих авлодларга қолғай! – деб буюрди.

Тоштарош бир неча кунда ушбу сўзларни харсангтошга ўйиб чикди:

“Тарих етти юз тўқсон учда, қўй йил, кўкламнинг ора ойида Туроннинг султони Темурбек икки юз минг қўшин билан ислом учун Тўхтамиш... хонлигига юрди. Бу ерга етиб, белги бўлсин деб ушбу битигтошни ёздирди. Тангри нусрат бергай, иншоолло. Тангри фуқарога раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо бирла ёд қилгай...”¹

Амирлар-у баҳодирлар, навкарлар тошдан кўз узишмас, “икки юз минг” деган саноқда ўзининг ҳам бор эканини, замонлар ўтиб Соҳибкирон қатори уни ҳам авлодлар ёд этажагини ички шуур билан англаб етишади ва кўнгли тоғдай кўтарилиб ортга чекинишади.

Тўрт ойдан бери одам юрса оёғи, қуш учса каноти қуядиган чўли биёбонда кетиб борардилар. Аммо ҳали душманнинг қораси кўринмасди, на йўлларда ёвдан бир из бор, на бир хабар...

Тўхтамишхон охиста шимолга қараб чекинара экан, ҳали ҳам кўнглининг бир четида Амир Темурга юборган элчиларига умид боғлаб турарди. Соҳибкирон албатта кечиради, кечиримли одам, чунки Тўхтамишхон, тутинган ўғли умрида биринчи марта узр сўраб киши жўнатиши... Илтижоси ўтишига шубҳа йўқ. Аммо элчилардан ҳам, Амир Темур қўшини ичидаги “қулоқ” ларидан ҳам ҳануз дарак йўқ. Шундай мужмал вазиятда бирдан Тармочуқ амир Идиқунинг одами қочиб келганини билдирди-ю жонига оро кирди. Бу Қулинчоқ пакана эди.

– Сўзла! Темурланг ҳозир қаерда?.. Элчилар қайтмади-ку? Уларни кўрдингму? Нима бўлди? Нега қайтишмади?.. – дабдурустдан саволларга кўмиб ташлади ҳалиги одамни Тўхтамишхон. Ёркин кўзлари пакананинг кичик кўзларига қаттиқ қадалганди.

– Хоқон ҳазратлари! – Қулинчоқ пакана ер ўпиб ортига

¹ Уйғур алифбосида ёзилган матн асли қуйидагичадир: “Тарих йэти йуз тоқсан учта кой йил (и) ёз (кўклам) нынг ара ой (и) Тураннынг султаны Тэмурбег ики йуз минг чэриг била ислам учун Токтамиш... ханыга йорыды. Бу йэрга йэтиб бэлгу болсун тэб бу тобаны копарды. Тангри нисфат бэргай иншалла. Тангри эл киши (фуқаро)га раҳмат қылгай (раҳм қылгай), (фуқаро)бизни ду’а била яд қылгай”. (Тарихчи олим Қ. Содиқов талқини).

уч кадам чекинди. — Қочган пайтимда Темурланг кўшини Сариг Ўзанда турганди. Элчиларингизни Темурланг қайта жўнатмади. У сиздан каттик ғазабда... Кўшини ҳам катта, тумонот, нақ икки юз минг лашкар, дейсиз...

— Икки юз минг, дейсанму? — Сўнг жавоб ҳам кутмай давом этди: — Манғит нима қилмакда?

— Амир Идику жаноблари, сен ҳокон ҳазратларига аҳволни тушунтир, ўзлари усталик билан ғажарчиликни қўлга олганлар, дегин, дедилар. Бир тулки етти бўрини етаклайди, дейдилар, бўрилар эса менинг қўлимда, хотир-жам бўлсинлар. Сездирмай жуда қийин ва узоқ йўлдан бошлаб бораяпман. Атай булок, дарё, қўлларни четлаб ўтаман, сувсиз ерлардан юраман. Токи ҳокон ҳазратларига аскар тўплашлари учун вақт кифоя қилсун... Мақсадим, то жангга киргунча Амир Темур кўшини ҳориб-чарчаб, ийиғи чикиб адои тамом бўлсун, дедилар...

— Ўзини эҳтиёт этсун! — деди Тўхтамишхон мамнун. — Мен худди шуни истайман-да! Ҳа, бу манғитти қўлидан келади! Яна нима гапинг бор?

— Очарчиликдан гапир! — эслатди Тармочук. — Анграйма! Айтдинг-ку, озиқ йўқлигидан қийналишяпти деб? Ўшалардан сўйласанг бўмайма?

—... Ҳа-ҳа, ҳоконим! Эсимдан чикибди: Темурланг лашкари сувсизликдан азоб тортяпти. Аскарлар қўлмак ва балчиқ сувларни ичиб жон сақлашмоқда. Егани нарса йўқ.... Бир кўйнинг боши бозорда юз кепак олтин. Ўшайм топилмайди. Ноннинг нархи ҳам осмонда. Одамлар кўкатларни, кушларнинг тухумларини топиб еб юришибди. Еганлари обиёвғон... Лашкарда очарчилик, қахатчилик бошланган...

Қулинчок пакана худди ишни қойиллатиб қўйгандай ёкимсиз илжайди.

— Ҳалиги аскарлар орасида уруш чикди, дегандинг-ку, сув, нон талашибма-а... — паст овозда эслатди Тармочук.. У бу гаплар ҳоконга ёқишини жуда яхши биларди.

— Ҳа-ҳа. Иннакейин, ҳамма оч, бир-бирининг гўштини ейман, дейди. Ҳатто бир неча аскарнинг овқат талашиб бир-

бирларига килич ўқталганларини кўрдим, хокон хазратлари... Очликдан барини силласи қуриган.

Тўхтамишхоннинг кўзларида ўт чакнади! Ҳа, унинг ўйлаганлари тўғри чикмоқда. Жанг қилгандан кўра, Амир Темур кўшинини мана шундоқ чекиниб, ҳолдан тойдирган маъқул. Ҳориб-чарчасин, тинкаси қуриб, килич кўтаришга ҳам мажоли қолмасин! Очлиг-у сувсизликдан ҳаммаси ўлиб-йитсин! Керак бўлса, Тўхтамишхон то дунёнинг тубигача чекинишга ҳам тайёр! Чекинаверади, чекинаверади! Соҳибкирон лашкари қанчалар ўз юртидан узоклашса, танг аҳволга тушса, Тўхтамишхоннинг зафари шунча яқинлашади...

Амир Темур кўшинда қаҳатчилик бошланишининг олдини олиш мақсадида фармон қилди:

– Туман беклари, қўшун амирлари баковулларга ўчоқда қулда пишириладиган кўмач нон-у буғдойдан бўладиган буғра овқатни буюришдан тийилсунлар! Хамир овқатлар пиширилмасун! Доривор ошбалмоқ кўкати ва паррандалар тухумларидан нафлансунлар!.. Нон унни тежаб ёпилсун! Ун махсус мучалко деган рухсатнома орқали таркатилсун!..

Эрталаб баковул шоҳчодирга кириб:

– Ўзларига қандай таом тайёрлатай, Амир Соҳибкирон? Яқинда беморликдан оёққа турдилар ахир... – деб сўради.

Соҳибкирон хотиржам деди:

– Лашкар нимани тановул этса, менга ҳам шуни келтирингиз!

Сўраганига пушаймон бўлган баковул тезда ортга чекинди. У Амир Темурнинг сафарларда ҳамиша ўзини амирлар-у навкарлар билан тенг кўришини кўп қузатган; лашкар таоми унинг ҳам насибасига айланар, гоҳ навкарлар даврасида, гоҳ амирлар ўртасида бирга ўлтириб тановул қилар, зинҳор ўзини юқори қўймас, имтиёз сўрамас, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам доим ота мақомида лашкар ёнида эди. Шу сабабдан, сипоҳлар Соҳибкиронни эъзозлашар, ўтга деса ўтга, сувга деса сувга киришар, жон фидо қилишга тайёр туришарди.

Бу гап тезда бутун лашкарга ёйилди. Соҳибқироннинг инсоф-у адолати, кичикфеъллигидан мамнун навкарлар-у баҳодирлар дилларида фахр-у ифтихор ҳиссини туйдилар.

Қўшин кийинчилик билан олға силжиб борарди.

Орадан бир неча кун ўтди.

Пешин намозидан кейин шоҳчодирда Соҳибқирон пири муршид икковлон одатдагидек ҳамма қатори ошбалмок обиёвғонидан тановул айлаб ўлтирардилар.

– Еткизғонингга шукр!.. – деб қўярди пири муршид косадаги овқатдан ҳўпларкан.

– Неъматингга шукр!.. – қўшиларди Соҳибқирон.

Шу палла шаҳзода Муҳаммад Султон кириб таъзим бажо айлади.

– Ассалому алайкум!

Пири муршид шаҳзоданинг манглайдан ўпиб елкасига уриб-уриб қўйди:

– Аҳсанта, эй шери мард! Катта йигит бўлингиз, илоҳи!

– Мархабо, шаҳзодам! – қувониб кетди Амир Темур бўй тортиб қолган набирасига суқланиб боқар экан. Соҳибқирон суюкли набирасига синчиклаб назар солди.

Эндигина ўн беш ёшга кирган дуркун амирзода Муҳаммад Султон, юзлари оқсарикдан келган тиниқ, қўзлари ёрқин, бўйлари баландлигидан вояга етган йигитни эслатарди. Шаддодлиги шундоқкина кўриниб туради. Мўйлаби билинар-билинемас сабза урибди. Нақ отасининг ўзи, қошлари ҳам, қўзлари ҳам, аммо лаблари онасидан... Сал нозикроқми... Лекин ҳали ёш, ўсмир-да, йигит киши қирқда қирчиллама ёшга етади, худо хоҳласа...

– Валинеъмат Соҳибқирон!.. Бир қошиқ қонимдан кечсунлар...

– Кечдим, шаҳзодам, кечдим...

– Муҳтарам амирлар-у баҳодирлар келишиб, бир

нарсани илтижо этдилар... – қўлини кўксига қўйиб деди шаҳзода. – Олти ой бўлмакда, жанги жадалларни соғиндик, агар Амир Соҳибқирони комкор ижозат берсалар, ов солсак, токи савашиш машкимиз хотирдан кўтарилиб кетмасун... Яна таъкидладиларки, Ҳазрат, зинҳор одамларим оч қолиб-

дилар-да, нафс йўлини тутиб, бардошлари тугаб, гўшт-у хўрак илинжида эканлар-да, деган хаёлга бормасунлар, деб ўтиндилар...

Амир Темур: “Эшитдингизму, пирим?.. Бунга не дейдилар?” – дегандай Мир Саййид Баракага каради. Пири муршиднинг катта-катта кўзларида мамнунлик аломатлари сезилди. Гапнинг сираси, Соҳибкироннинг ўзи ҳам бир ҳафта олдин ўрнатилган каттиқ тартибни бироз бўшаштиришни ўйлаган, шунга йўл тополмай турганди, шахзоданинг сўзлари айти муддао бўлди.

– Черикка ошкор этилсунким, шикор солғаймиз!

Тавачилар ҳар ёкка елиб-югуришиб фармонни яшин тезлигида тарқатдилар. Лашкар ичида “Шикор! Шикор!”, “Ов солғаймиз!” сўзлари нажот хабарчисидай жаранглар, кулоқларга хуш ёқарди. Каттадан кичик барчага жон кирди.

Жангни соғинган навкарлар шердай отланиб майдонга ўзларини урдилар. Мудраб ётган ғайратлар уйғонди, завқлар жўшиб, ҳаваслар оловланди. Сурон, кичкирик авжга минди. Лашкар селдай борлик-атроф майдонга ёприлди. Саҳрони ҳайбатли ов ҳалқаси камраб олди...

Соҳибкирон шахзоданинг таклифи худога ҳам, бандасига ҳам ёққанига имон келтирди. Беҳисоб ўлжа тушди. Саноғига биров етмасди. Овланган қулон¹, товушқон²-у илвасинларнинг семизини ушлаб ориғини қўйиб юборардилар. Бу ерларда буқадай-буқадай кийиклар ҳам кўп экан, узоқ кунлар лашкар озиғи ўшалардан бўлди.

II

Амир Темурнинг ички сезгиси унга, душманга яқин келиб қолдинг, деяётгандай эди. У ов баҳонасида бироз оёқлар чигилини ёзиб олган лашкарнинг яроғини назардан ўтказиш лозим, деб ҳисоблади. Шикорни кузатишига қараганда навкарлар-у баҳодирлар шиддати ёмон эмас. Аммо яроғни атай синчиклаб назардан ўтказиш керак, қолаверса,

¹ Қулон – отдан кичикроқ, ёввойи ҳайвон.

² Товушқон – қуён.

маҳобатли лашкарнинг бўй-бастига бир назар солиб, кўнгилни обод қилиш ҳам кўп яхши нарса.

“Ясол тузилсун!” – деган фармондан кейин амирзодалар, беклар-у баҳодирлар навкарлар ҳали замон саваш майдонига кириладигандай бошдан оёқ жавшан-у зирҳларга ўралган, тиғ-у тирлари шай ҳолда саф тортдилар. Ҳар бир баҳодир кўшини билан ўз жирғасида¹, мўрчили² ёнида шайланди. Шу палла тепадан қараган одам саҳрони тўлдирган саноксиз фавжларнинг дарёдай тўлқинланиб турганини кўрарди.

Соҳибқирон кўрикни амирзодалардан эмас, ўзга номдор амирлардан бошлади. Бунда, менга барча амирлар ҳам, амирзодалар ҳам бирдай азиз, барчаси бирдай яқин, деган маъно ётарди. Амир Темурнинг бундай тенгпарварлиги ҳаммани қойил қолдирарди.

Турон султони ҳар бир фавжга йўналар экан, ўша ернинг амири дарҳол отдан тушиб, юкиниб, пешкашлар тортиб Соҳибқирон эҳтиромига шошиларди. Амирзодалар, амирлар, лашкарбошилар таъзимларини:

– Ҳамиша Бирубор сизга мададкор!

– Бирубор мададкор!

– Эй шоҳ, Сизга бўлсин замин-у замон!.. – каби дилдан отилган сўзлар билан безардилар, ортидан гуруллаган “Ур-ҳ-о-о!..”лар кўкка ўрларди. Соҳибқирон икки кун давомида саҳардан то шом юриб, эринмай ҳар бир бек, амир-у амирзода фавжларини кўрикдан ўтказиб, кенгашлар бериб чиқди. Бекларнинг Оқёрмадаги қурултойда айтилгандан ҳам зиёда навкар тўплаганларини кўриб кўнглида мамнунлик ҳиссини туйди.

Олти ойдан бери сувсиз саҳрода сарсон- саргардон кезган Турон лашкари ҳориб-толиб бир хушманзара жойга етиб келди. Барчани ажаблантирган нарса шу эдики, бу ерда намозшом кирмай, шомни ўқиб улгурмай, шафақ ёришиб, бомдод вақти етар, хуфтон намози насияга чиқиб, бошларни қотирарди.

¹ Жирға – доира, доира бўлиб туриш (муалл).

² Мўрчил – чуқур, окоп (муалл).

Турон қўшини кўп машаққатлардан сўнг тарих милодий 1391-йили ражаб¹ ойи ўн беши, душанба кунида Қундузча мавзеига кириб борди.

Авваллари, ҳарчандки, қоровулларни қайта-қайта душман изини топишга йўлласалар ҳам, аниқ гап олишолмай қайтишар, ҳар гал душман қоровули бир қорасини кўрсатару тезда кўздан йўқоларди. Бу худди муштлашганда, зарба учун юборилган аммо мўлжалга етмай ҳавода муаллақ қолган қўлнинг беҳуда ҳаракатини эслатарди.

“Кечалари ўт ёқилмасун, шомдан сўнг чодирдан чиқилмасун!” – деган фармон содир бўлди.

Соҳибқирон амирлар билан кенгашиб, тўрт-беш киши эмас, Умаршайх Мирзо бошлиқ йигирма минг навкарни илғор жўнатишга қарор қилди.

– Душман ҳақида жўяли маълумот олмай қайтилмасун! Албатта из топилсун! – тайинлади Амир Темур.

Амирзода навкарлари янгигина ёқилган ўчоқлар, ҳали ўти ўчмаган гулханларга бокиб: “Из топдик!” дея қувондилар, туёқлар изини кўздан қочирмай олға юрдилар. Гоҳ-гоҳда узоқларда товушқоннинг гизиллаб қочиб бораётгани кўзга чалинади. Бир жойда беш юз манқалга² дуч келдилар, ажабо, барининг ичида худди эртақдагидек ўт бор эди-ю, бирор жонзот учрамасди.

Шундай алпозда хийла масофа босиб ўтилди. Ниҳоят, душман қорасини илгадилар, Тўхтамишхон қароргоҳи жойлашган Қундузча деган ерга етдилар...

Амир Темур шу ёшга кириб ҳали бу қадар улкан жангни бошидан кечирмаганлиги ҳақида ўйлаб қолди. Ҳа, бу Соҳибқирон ҳаётида биринчи улкан жанг, у шунчаки Амир Темур ва Тўхтамишхон эмас, балки Турон салтанати билан Олтин Ўрда хонлиги – икки қудратли давлат ўртасида рўй бермоқда.

¹ **Ражаб** (арабча) – камария йил ҳисобида 30 кундан иборат еттинчи ойнинг арабча номи.

² **Манқал** (арабча; кўчма ўчоқ; оташдон, ўтдон) – кўмир билан ёқиладиган кўчма ўчоқ.

Шу пайтгача Чингизхон юришларида лашкар, асосан, уч қисмга бўлинар, ўнг қўл, чап қўл ва қалб¹ деб аталарди. Соҳибқирон узоқ ўйлаб, ҳали жаҳон ҳарбий тажрибасида қўлланилмаган усулни танлади. У улкан қўшинини етти бўлакка ажратди. Бир қўлга Туронзамин хони Султон Маҳмудхонни бошлиқ қилди, иккинчисига Амир Сулаймоншоҳни...

Шу палла олам аҳлининг шахзодаси, Соҳибқирон дийдасининг нури валиаҳд Муҳаммад Султон тиз чўкиб таъзим бажо этди:

– Агар ижозат этсалар, каминани манглайга қўйсалар! Каттик саваш курсам... жонсипорлик бурчимни адо айласам! Эй, мард-у майдонлар қиблагоҳи! Ўзлари бизга доим, таваккалчилик – ҳаётимиз, мардлик эса одатий бурчимиз-дур, жасорат қилмак жоиз, ҳар ишга мардона таваккал қилмоқ керак, деб сабоқ берадурлар.

Соҳибқирон барқ урган ўспиринлик палласига кирган Муҳаммад Султоннинг ёш бўла туриб, шундай қадамга журъат этганидан қувониб кетди, унинг сўзлари пишиқ, чуқур маъноли, ортиқча ибора йўқ... Бу шиддат-у жасорат, довюрақлик шахзода давлати иқболининг яхши аломатидай туюлди.

“Ҳа, шахзоданинг кўнгил забти унинг туғёни тутғон маҳалга тўғри келибдур...” – деди ичида Амир Темур ва секин атрофга ғурурланиб назар ташлади. Бутун лашкар, аркони давлат олдида валиаҳд шахзода унинг қаддини кўтариб қўйди... Манглай, қалб, бошқача айтганда, марказда саваш курмоқ жуда катта матонат-у маҳоратни талаб қилади, бунда шижоат, ҳарбий устакорлик, чапдастлик лозим, майдоннинг паст-баландига қараб қадам ташлаш керак, жангнинг тақдири кўп ҳолларда ана ўша манглайга боғлиқ.

– Салламно, шахзодам! – мақтади Амир Темур. – Саваш курсунлар! Душманни зир қақшатишни яхшироқ ўргансунлар! Ҳадисда айтилмишки, кимки одамларнинг энг кучлиси бўлишни истаса, Оллоҳга таваккал қилсун, Оллоҳнинг ўзи

¹ Қалб (арабча; марказ) – қўшини марказида ва қанот (фланг)лар олдида, подшоҳ, хон ҳузурида турувчи махсус ҳарбий қисм (муалл).

унга пушти паноҳдир. Ростдан ҳам, яшаш – таваккалчиликдан иборат, мардлик кимгадир қаҳрамонлик бўлса, бизларга кундалик ҳодиса, одат, ҳар он, ҳар лаҳза олиб турғон нафасимиз, тирикчилигимиздур!

Амир Темур яна сўзга оғиз очмоқчи эди, аммо улгурмади. Бошига дубулға кўндирган катта ўғли Умаршайх Мирзо юкуниб келди-да, Соҳибқирон жавшани этагига лаб босди ва тисариларкан, деди:

– Суюкли шахзодамнинг шижоатиға ҳазор таҳсинлар бўлсун! Кўнглимиз чексиз фаҳр-у ифтихорга тўлуғдур! Таваккалчилик мардликдур. Бу ҳам қисмат... – ўзи ёқтирган сўзларни келтирди амирзода. – Аммо бир қошиқ қонимдан кечадилар, Амир Соҳибқирон! Шахзодам ҳали ёшлар... Уни асрамоғимиз лозим. Биздай катта оғалари турғонда, ўз бўйинларига оғир вазифани олишлари мусулмончиликка ярашмаса керак... Гуноҳға қолмайлик. Валинеъмат Соҳибқирон! Каминани манглайға юборсунлар, деб илтижолар қилурмен! Баднийат Тўхтамишхон бирлан ўз ҳисоб-китобим бор!..

Унинг ортида совутга ўралган учинчи ўғли йигирма беш ёшли Мироншоҳ Мирзо кўринди:

– Улуғ оғамиз жўяли сўз дедилар, валинеъмат Соҳибқирон! Шахзодам, чиндан-да, ҳали ёшлар, уни аямоғимиз даркор, савашда у-бу жойлари лат еб қолмасун... Оғамизнинг ҳурматлари баланд, биз борлигимизда ул зотни ҳам азиятға қўйиш адолатдан эрмас... – деди кўл қовуштириб. – Ана энди келдик мақсудға!.. Манглайға мени қўйишингизни ўтинамен!

Амирзода “Ана энди келдик мақсудға!” сўзларини Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фи-т-тарих” ида учратган эди. Бу ноёб китобни унинг учун Ҳазрат Соҳибқирон топшириғига биноан туркийға ўгириб беришганди. Амирзода қизиқиб мутолаа қиларкан, юқоридаги беҳад оҳанраболи сўзлар унга жуда ёқиб қолди ва такрорлаб юрадиган одат чиқарди. Бу ибораларни айтганда, ўзини улуғворроқ ҳис этарди.

– Халлоқи безаволға салламно! – деди Амир Темур бўйлари бир-бирига тенг саф тортиб турган амирзодаларға бо-

киб. Улар муомалада такаллуфотнинг барча нозик жойларига эътибор берганлари унинг кўнглини яшнатди. – Умаршайх Мирзо, амирзодам! Мироншоҳ Мирзо, амирзодам! Сўзларингиз жуда ҳам ўринли, ҳимматингиз учун қуллуқ, Муҳаммад Султон шахзодам ҳали ёш, асраб-авайламоқ лозимдур. Балли! Аммо таваккал қилибдур, шахти қайтмасун, шиддати синмасун. Шундоғ отилиб чикканлари учун ташаккур! Шижоат туғма хислатга кирадир. Бундай одам жанг бошида жасоратда шерга, жанг ўртасида сабр-бардошда филга, жанг охирида ғазаб-у қаҳрда аждаҳога айланур! Барингиз шижоат соҳибларидурсизлар. Майли, шахзода Муҳаммад Султон улуғ қўлни – манглайни бошқарсун! Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Амир Шоҳмаликлар унинг ёнида юрсунлар!

– Бош устига, валинеъмат Соҳибқирон! – қўл қовуштирди мамнун Муҳаммад Султон.

–... Умаршайх Мирзо – жавонғорга, ёнига сулдуз ҳазорасини олсун!..

– Бош устига, Амир Соҳибқирон! – бош эгди Умаршайх Мирзо.

–... Мироншоҳ Мирзо – баранғорга сардорлик қилсунлар! Худойдод Ҳусайний, Ахий Жаббор баҳодир, Мирзо Алибек уларга ҳамроҳ бўлсунлар!

– Жоним фидо сизга, валинеъмат Соҳибқирон! – деди қўли кўсида Мироншоҳ Мирзо.

–... Амир Сайфиддин некўз қурч¹ бир ясол тузсун ва ўнг қанот қанбулида² жойлашсун! Муҳаммадбек ибн Мусо, Шайх Нуриддинлар уларга шерик этиб берилсун! Баранғор ва жавонғорларда туман, ҳазора ва сада амирларининг ҳар бирига муносиб жой ажратилсун! Лашкарларнинг хошиялари маҳкам-у қурч бўлсун!

Амир Темур тин олди. Номлари жаранглаган амирлар-у баҳодирлар: “Қуллуқ!..” “Қуллуқ!” “Бош устига!..” “Бош устига!..” – дейишиб таъзим бажо келтиришар ва ортга чеки-

¹ Курч – зич, тўла; мустаҳкам.

² Канбул (муғулча; “марказни қуршамок”, “қанот муҳофазачиси”) – қўшин қанотларини душман ҳужумидан ҳимоя қилувчи суворий ҳарбий қисм.

нишарди.

– Тагин... – сўзда давом этди Соҳибқирон. – Етти фавждан сўнг, алохида йигирма бўлукдан иборат ясол тузилсун! Захирага Мубашшир баҳодир сардордур! Улуғ қўлнинг ортида сабр-тоқат қилиб турадур. Жангга фақат менинг ижозатим билан қадам қўясен, эй баҳодир!..

– Фақат ижозатлари билан қадам қўюрман, Амир Соҳибқирон! – тиз чўкди Мубашшир баҳодир.

Фармонга кўра, ҳар бир навкар ўз олдида таноб тортиб, бўлиб берилган ерда хандақ қазिशга киришди.

Тўхтамишхон нихоят тўкнашишга аҳд қилди, чекинишни тўхтатди... Чопарларнинг айтишларига қараганда, жанг фурсати энди етди, Амир Темур лашкари ҳориб-толган, роса абгор бўлган, шижоатидан айрилган, очлик исканжасида тинкаси қуриган, бир ҳамла кифоя – бари тутдай тўкилади.

Ҳокон Жўжихон авлодидан чиққан номдор шахзодалар Элийғмиш ўғлон, Бек Ёруғ ўғлон, беклардан Оқбўтабек, Исабек, Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи ва бошқалардан иборат мустаҳкам ясоллар туздирди. Тўра¹ ва говсипарлар² таққан, тиш-тирноғигача қуролланган чакмоқдай навкарлар: “Душманингни кўрсат! Тилка-порасини чиқараман!..” дегандай ёв томонга интиқомли боқади.

Жанг майдонига Оллоҳнинг қудрати билан жуда ҳам ажойиб жой танланганди. Қундузча дарёсининг бўйларини парвардигор атай улкан жангларга мослаштириб яратганга ўхшарди. Минг-минг аскарларни сиғдира оладиган кенг дала, аммо нотекис жойлари ҳам кўп, душман шиддатли саваш қуролмайди, ўр-чақирларга қараб юриши керак...

Даштнинг икки тарафида қўшинлар саф тортган, ҳар икки томоннинг навкарлари ҳам, жиловни қўйиб юборсанг ўзимни майдонга ураман, деган тойлардай безовта...

Шунда Амир Темурнинг тутуми барчани – дўстни ҳам, душманни ҳам таажжубга солди. У қўшиннинг орқа томо-

¹ Тўра – қадимги даврларда урушларда ишлатилган, одам бўйи келадиган қалқон.

² Говсипар – тана ҳимоя қилувчи совут.



нини Кундузча дарёси “ўраб” олганидан кўнгли тўклиги сабаблими ёки шижоатли ва юракли эканиданми, ҳозиргина жангга киришга интиқ лашкарга бирдан чодирлар тикишни, ҳар чодирда бир-иккитадан чироқ ёқишларини буюрди. Бир неча лаҳзада ердан чодирлар ўсиб чиқди.

Амир Темур лашкаридаги хотиржамлиг-у бепарволик-ни кузатиб турган Тўхтамишхоннинг кони қайнади. “Қудратли Олтин Ўрда қўшинини кўзга илмай, андишага бормай, кўркмай саваш олдидан жанг майдонида бемалол чодир тикиб ўлтирибди! Бизни менсимайдур!” – дея ҳаёлидан кечирди Олтин Ўрда хони ўша ёқдан кўз узмасдан. Унинг газаби алангаланди, аламдан лабларини тишлаб олай деди.

Кутилмаганда Соҳибқирон чодирларни йиғдирди, кейин отдан тушиб ерга жойнамоз ёздирди, сидқ-у ниёз ва ихлос юзасидан бамайлихотир икки ракаат намоз ўқиди, ҳақ субҳонаҳу таолодан нусрату зафар тилаб тавба тазарруга юз бурди, зори таваллолар айлади. Салавот¹-у такбирлар билан намозини тугатиб, отга минди... Барини узоқдан кўриб турган Тўхтамишхоннинг ортиқ жиғибийрони чиқарди.

Соҳибқирон пири муршидга юзланди:

– Олти ой сарсон-саргардонликда дашт-у ёвон кезиб, ниҳоят душманга етиб келдик. Тўхтамишхон ғоятда айёр-у беоқибат чиқди... – қаҳри келди Соҳибқироннинг. – Худонинг ғазабидан кўркмади. Хусравона гуруримизга озор етишини билмади. Шундок таъзирини бермак керакким, токи ўнгламасун!

Кейин лашкарни руҳлантириш мақсадида ҳайқирди:

– Йигитлар! Ушбу кун базм-у ишрат кунидур! Базм – ҳарб майдони ичидадур, ишрат эса “ур-хо ур”, бода – душман кони, ўтқир тиглар эса ададсиз қадах! Нақоралар чалинсун! Нафирлар² бонг урсун!!!

Изма-из:

– Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида!!! – гувул-

¹ Салавот (арабча: “салот” сўзининг кўплик шакли) – Оллоҳ томонидан бандаларнинг гуноҳларидан ўтиш; кечириш, кечирим.

² Нафир – сурнайнинг бир тури.

лади лашкарлар узра собита юлдузлардай амирларнинг ўктам садоси...

– Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон бахшида!!! – унга қўшилди Миррих¹ шижоатли амирзодалар наъраси. Уларга аскарлар сурони уланиб кетди.

Даставвал Амир Сайфиддин некўз қиличини яланғочлаб душманга рўбарў келди ва ёвнинг чап қанотдаги навкарларини танг аҳволга солиб қўйди. Аммо душман қўшини Амир Сайфиддин некўз бўлинмаси кейинидан тушиб уни ўраб олмоққа ташланди. Жаҳоншоҳ ибн Жоку дарҳол ўз фавжини ўша ёкка буриб, кўмакка шошилди.

Мироншоҳ Мирзо чапда, Умаршайх Мирзо ўнгда жавлон урардилар. Муҳаммад Султон марказда туриб ёғий сафини дадил ёриб ўтишга тиришарди. Қиличлар жаранги, шамширлар шиддати, отлар кишнаши, ўлимдан сўйлаётган найзалар тили, навкарлар сурони бари қўшилиб кулоқни қовматга келтирарди.

Умаршайх Мирзо ўз лашкари билан душманнинг уч қўшинига қарши жанг қилар ва бундан кўнглида ғурур туярдди. У ахир Соҳибкироннинг катта ўғли, биринчи суянчиғи, ишонгани.... Энг катта оғирликни у ўз зиммасига олиши керак. Ишончни оқласа бас...

Ҳамма унинг баҳодирлигидан ёқа ушлар, “Бундай ишларга ҳатто Рустамнинг² ҳам қурби етмас!..” – дерди. У рўбарўдан келаётган ҳўкиз бошли қалқонлар ва тўраларга ўзини урди! Ўнгга ҳам, сўлга ҳам қилич сермаётган амирзода ўз жонини ўйламас, нима бўлмасин, ўша қаттол, жини суймайдиган лапашанг Тўхтамишхон лашкарини кунпаякун этса бас...

Бирдан амирзоданинг отига ўқ тегиб, мункиб кетди. “Даюс!..” – деб юборди амирзода. У чаққон ерга сакраб тушди, аммо пиёда қолганига қарамай, мардларча жангни тўхтатмади. Тездан от етказдилар. Отга минган Умаршайх

¹ Миррих (арабча) – Марс сайёраси. Қадимги мунажжимлар уни уруш ва хунрезликлар сабабчиси деб ҳисоблаганлар. Бу ерда Миррихдай жанговар маъносига келган.

² Рустам – Алпларнинг бошлиғи Рустам – Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг бош қаҳрамони.

Мирзо хезланганча яна савашларга ўзини урди.

Амир Темур юраги гурс-гурс тепганча барини ўрдудан кузатиб турарди. Савашишда жиддий силжиш кўринмаётгани уни ташвишга сола бошлади. Ногаҳон сулдуз ҳазораси кўшинининг чекиниб, тумтарақай сочилиб кетгани ҳақида хабар келди. Шу етмай турганди. Бу кўшин Умаршайх Мирзо канотига ёнма-ён эди. Сулдуз ҳазораси лашкар-бошисининг – у майдон низомини яхши билмас экан – калласи сапчадай узилиб тушганини чопар ўз кўзи билан кўрган эмиш. Энди Тўхтамишхон асосий кучини шу ерга қаратади...

Чиндан ҳам, Олтин Ўрда ҳукмдори сулдузларни пароканда этиб юборгандан кейин айна шу ердан душман ҳалқасини ёриб ўтишга қарор қилди: жангари Бек Ёруқ ўғлон ва Элйиғмиш ўғлонларнинг кучли фавжларини олдинга ташлади.

Тўхтамишхон бир паллалар Самарқандда Боғи Нақши жаҳондаги зиёфатда ҳамманинг кўз ўнгида дағал ва кўрс Умаршайх Мирзодан эшитган дашномларини ҳали унутгани йўқ... “Подшоҳзодалигинг бир дирҳам!..”, “Товукмижоз лапашанг!..”, “Ноинсоф!..”, “Номуси йўқ, кўрқок!..” каби сўзлар ҳали-ҳали Тўхтамишхоннинг дилини ўяди. Энди ўшанга жавоб бериб қўйиш вақти етди, Олтин Ўрда хони қарздор бўлиб қолишни истамайди. У хаёлида бир лаҳза юмалок юзли, хушсурат, аммо қўй кўзлари ғазабдан ёнган Умаршайх Мирзони тасаввур қилди-ю манглайи тиришди.

Вазият бамисли симобдай тизгинсиз эди, омад гоҳ у томонга кулиб боқарди, гоҳ бу томонга... Тўхтамишхон ўнг ва чап қанотлари заифлана бошлаганини фаҳмлади. “Ҳамма кучни йиғиб Умаршайх Мирзо лашкарига уриш, уни асир олиш, шу ердан ёриб ўтиб бутун Соҳибқирон кўшинини парчалаб ташлаш керак!” – деди ўзига ўзи катъий. Бу унга осондай туюлди.

Нафсиламрини айтганда, ўлар-тириларига қарамай жангга киришган Тўхтамишхонга толе кулиб бокди: у Умаршайх Мирзо кўшинини ёриб ўтишга эришди.

Бу хабарни Амир Темурга амирзода чопари етказди.

Умаршайх Мирзо аҳволни шундай билдириб қўйишни буюрибди: “Подшоҳ Тўхтамишхон ўз лашкарини сариш-талаб, қалб, баранғор ва жавонғорини низомда тутиб ортимиздан қувмакда...”

Демак, Олтин Ўрда хони Соҳибқиронни ажратиб ўраб олиб тор-мор этмоқни ният қилган...

Шу палла чап қанотнинг қанбулидан ҳам нохуш хабарлар етди: душман Амир Темур лашкарининг орқа томонини эгалламоқда экан. Соҳибқирон аскарлари хориб-чарчаган, шиддатлари паст, чекинаётганлари балки шундан. Фақат шаҳзода Муҳаммад Султон бошлиқ манглай қўшин душманга бўй бераётгани йўқ....

– Бос! Ёғийни бос, азаматлар! Ёғийни ўлдир!!! – каби чинқириқли садолар эшитилди ёв томондан шу палла!

Соҳибқирон аҳволнинг танглигини сизди. Ҳамма фавжларни бир жойга йигаман, деса, фурсат кетади, улгурмак қийин, чунки айёр душман жуда яқинда турибди, ҳали замон бостириб келиши аниқ. Қўшиннинг кўпи нобуд бўлди... Амир Сайфиддин неқўз, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Умаршайх Мирзо фавжлари хийлагина талофат кўрди. Мубашшир баҳодир лашкарини чорласа ҳам голиблик исини туйиб қолган душманга бас келолмаса керак. Жанг қуришда қаерда хатога йўл қўйганини кейин аниқлаб олади... Бас, ҳозирча иккиланмасдан Тангрига таваккал қилиб, ортга чекинмоқ даркор. Чекинмоқ – енгилмоқ, дегани эмас ҳали, ҳарбий усул, холос...

Ёнида узоқларга бокиб, жанг расамадини олаётган Мир Саййид Барака бирдан Бадр жангини эслади. Ўшанда Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом қўлларига бир сиким тупроқ олиб: “Юзлари қаро бўлғай!” – деб ёв тарафга отибдилар, ё раббий, кўзига ғубор кирмаган бирор мушрик қолмабди! Расулуллоҳ мўъжизасидан қувватланган пири муршид шартта отдан тушди, “Алҳамду лиллаҳир раббил оламин! Худо ўзинг мадад бергайсен! “- дея у ҳам ердан бир сиким тупроқ олди:

– Зинҳор кўнглингизни чўқтирмангиз, Амир Соҳибқирон! – деди пири муршид ва қўлидаги тупроқни ўлар-

тириларига қарамай савашаётган душман томонга сочиб юборди! Кейин залварли овозда:

– Ёғий кочди!!!.. – дея голибона хайқирди. – Ёғийнинг юзини тескари килсун! Истаган ерингизга оёқ қўйингиз, Амир Соҳибқирон! Зафар биз тарафдадур!

Пири муршид шундай деди-да,. отига камчи урди.

Барча фавжлардан: “Зафар биз тарафдадур!..”, “Зафар биз тарафдадур!..”, “Оллоҳ, Ватан ва подшоҳ учун жон баҳшида!” – деган садолар янгради. Амир Темур қўшини фавқуллодда таважжухда душман томонга юз бурди.

Энди пири муршид сўзларидан рухланган Амир Темурнинг ўзи майдонга тушди! Даставвал захирадаги Мубашшир баҳодирнинг йигирма бўлукдан иборат лашкарини жангга киритди, бошқа фавжларни жамлади, олисдагиларига шитобан катта лашкарга қўшилишга фармон бериб, дадил ортга чекинди ва бемисл шижоат билан, ясол тортган Тўхтамишхонга юзланди!

Осмонда бир парча булут йўқ, ҳаво очик, ортда Қундузча дарёси биланглаб оқарди.

Черик бошида Амир Темур Кўрагоннинг ўзи экан, деган хабар Тўхтамишхон қўшини орасида ёйилиб кетди. Олисдан Турон лашкарининг туғи осмонга санчилгандай мағрур кўринарди.

Хумоюн ўрдудан, ногора ва карнай садолари дашт-у саҳроларни тўлдирсун, деган фармон янгради. Сурон борлиқни тутди. Черикнинг ҳайбатидан ер-у само зирилларди.

Тўхтамишхон, ёғий қўшини жангларда талофат кўриб сийраклашган, кучи қирқилган, уни ўраб олинса кифоя, деб ўйлаган, бутун шижоатини шунга қаратганди. Аммо у Мубашшир баҳодир бошлик йигирма бўлук қўшиндан беҳабар эди. Ажабо, бу черик ердан чикдими, осмондан тушдими?.. Қўшинни Соҳибқироннинг ўзи бошқариб келмоқда эмиш! Ноғораларнинг ҳар бир садоси унинг бошига гурзи бўлиб уриляётгандай туюларди..

Соҳибқирон майдонда жавлон ураркан, унга ёвқур шаҳзода Муҳаммад Султон лашкари олдинда Олтин Ўрданинг манглай қўшинини мардона ёриб ўтибди, деган хуш-

хабарни етказдилар. Бобонинг набира жасоратидан кўнгли ёришиб кетди, унда фавкулодда шижоат пайдо бўлди, ўзи ҳам беихтиёр ўша ёққа интилди. Қилич сермаганча олға ташланган Муҳаммад Султон, кўз ўнгиди ғаним аскарининг алифбо ҳарфларидай тиркираб сочилиб кетаётганини кўрар, ҳайкириғига ҳайкириқ қўшиларди.

Душман ёқдан: – Қочма!!! Қайт ортингга, беномуслар!!! Қайт, деяпмен!!!.. – сингари аламли хитоблар чалинди Амир Темур кулоғига шу палла...

Жанг ўти алангаланди. Кўп ўтмаёқ, Тўхтамишхон қўшинларининг иддаоси пучлиги билинди, ҳамма ҳар қаёққа қочишга турди.

Олтин Ўрда хонини ваҳима чулғади, жанг тизгини қўлдан кетаётганини чуқур англади. Шайтон кўнглида: “Қоч! Жонингни сақла! Акс ҳолда хорликда ўласен!...” – дея васваса қила бошлади. Тож-у тахт ҳам кўзига кўринмай қолди, жон кўрқинчи уни саросимага соларди. У қочиши керак, аммо қаёққа қочади? Албатта, шимолга, шимол томонга!..

Тўхтамишхон бир лаҳза аламда майдонга қаради, кейин ҳеч кимга, ҳатто мулозимларига ҳам билдирмай, гўё ўзини жангга ургандай, чап томондаги қўшиндан хабар олмоқчидай, от бошини қочишга бурди... Бу пайт Амир Темур қўшинларининг зафарли наъралари тобора осмонни тўлдириб борарди.

Олтин Ўрда хони, қочганимни ҳеч ким кўрмади, деб ўйласа ҳам, бу сезилмай қолмади. Манглайда саваш қураётган Умаршайх Мирзо майдонда жавлон уриб юрарди-ю, Тўхтамишхонни сира кўздан қочирмасди. Амирзода ғалаба яқинлигини, тез кунларда ашаддий душмани билан ҳисобкитоблар қилиш фурсати келаётганини ва шунда Тўхтамишхонни тафтиш этишни Соҳибкирондан ўзи сўраб олажагини ўйлаб ҳаяжонланарди. Унга энг ботиб кетган жойи, Тўхтамишхоннинг Соҳибкирондан кўрган кўп яхшиликлари эвазига, – майли, биров-ку ундан яхшилик кутмайди, зор ҳам эмас, – ёмонлик қайтаргани, унга қўл кўтаргани эди. Инсоннинг бунчалар кўрнамаклигини учратиш қийин...

Бир пайт амирзода караса, майдонда чарх уриб юрган Олтин Ўрда хони жойида йўқ! Дабдурустан: “Қочибди!”, деган фикр чакнади Умаршайх Мирзо кўнглида! У атрофга аланглаб қаради. Ҳеч қаерда ҳеч қандай из илғамади.

Фақат шимол томонда, беш юз қадамлар нарида, тўқайзорга яқин ерда кимнингдир дарё томонга от чоптириб кетаётгани кўзга ташланди. “Бу, ўша – Тўхтамишхон!.. – деди ўзига-ўзи амирзода қоғоз кўтармайдиган сўзлар билан қаттиқ сўкиниб. – Ўша!.. Қочмокчи!.. Қочиб бўлсан, лапашанг!..”

Умаршайх Мирзо фурсатни ғанимат сезиб ҳокон изидан от қўйди! Дарё бўйида паст, текис ерлар, увалар ястанган эди, сув кўпайганда тошиб ўша ёқларга ҳам уриб кетарди. Бора-бора катта тўқайзор пайдо бўлган, бу овчилар учун ҳам, турли махлуқот учун ҳам қулай камгак – панарок ерларга айланиб қолганди. Дарёнинг шимол томонида эса адирликлар кўзга ташланарди.

Амирзода елиб бораркан, Тўхтамишхоннинг ўнг томонга қараб йўналганини илғади. Тўқайзорни айланиб ўтмокчи, шекилли... Аниқ, у тўқайзорга кириб яширинмокчи эмас, акс отини буриб ўтирмасди. Афсуски, амирзода бу ерларни яхши билмайди. Лекин унинг кўнгли тўқ эди, чунки Тўхтамишхон тўқайзорнинг орқасига ўтганда ҳам, чапгами ёки ўнгами бурилганда ҳам йўли, барибир, дарёга такалади, бу аниқ.. Ўша ерда уни тутиб олади.

Умаршайх Мирзо учкур тўриқ отини тўқайзорнинг чап томонига бурди ва қамчига зўр берди. Тўриқ юганларини шиқирлатиб ўқдай шувуллаб кетди. У подшоҳзоданинг олдини кесиб чиқишга улгуриши керак!

Отини тинимсиз савалаб бораётган Тўхтамишхон ҳеч ортига қарамасди. Ногаҳон ўгрилиб қаради – олисдан жанг сурони эшитилар, ҳеч қаерда унинг туғи кўринмас, чанг-у тўзон кўкни тутиб ётарди.

Бирдан қандайдир отликнинг учиб келаётганига кўзи тушди! Яхшилаб қаради: ростдан ҳам кимдир отига тинимсиз қамчи урганча елмокда! Наҳотки?!.. Наҳотки, ўзининг ашаддий душмани Умаршайх Мирзо бўлса?..

Нафсиламрини айтганда, ҳозир унинг жангари ва кўркмас амирзода билан ҳеч дуч келгиси ҳам, савашгиси ҳам йўқ... Агар савашса, баджаҳл амирзоданинг қўлида ўлиши аниқ, чунки Тўхтамишхон ўзининг унга тенг келолмаслигини билади. Ёки уни қўл-оёғини боғлаб бошига коп кийдириб, бўйнига қиличини осдиради, елкасига нуқиб Амир Темур ҳузурига элтади. У шу палла Хоразм волийси Юсуф Сўфининг мардона Соҳибқиронни яккама-якка курашга чорлаганини, Амир Темур ногирон бўлишига қарамай майдонга чиққанини, Хоразм ҳукмдорининг эса сўзида турмаганини, Хоразм қўшини билан Турон лашкари олдида юзи шувут бўлганини эслади. Эслади-ю, шу ондаёқ унутишга, ортига қарамасликка ҳаракат қилди.

Умаршайх Мирзо отини елдирганча тўқайзорнинг чап томонидан чиқиб борди ва... дарёни кўргачгина каттик янглишганини англаб етди! Ҳақиқатда ҳам, у бу жойларни яхши билмаслиги аён бўлди. Эҳ, амирзода, амирзода! Рўбарўсида Қундузча дарёси ястаниб ётар, тўқайзор эса дарёга лаб қўйган, у ерда Тўхтамишхон турган ўнг томонга йўл кўринмас, сув босган нотекис тўқайзор ичидан ўтишнинг эса асло иложи йўқ эди...

Амирзоданинг пешонасини муздек тер босди! Наҳотки, шундоқ ёнгинасидаги ашаддий ғанимини қўлдан чиқариб юборса!.. Тўхтамишхонни лапашанг дерди, аслида ким лапашанглиги энди аён бўлди. Аттанг, фурсат кетди... “Бу ҳам қисмат!...” – деб қўйди ичида алам билан.

Амирзода шарт отини оркага бурди, энди тўқайни айланиб ўтишдан бошка чора йўқ. Буни қанча тез қилса шунча яхши.

Умаршайх Мирзо шиддат билан отини қамчилаб тўқайзорнинг ўнг томонидан дарё бўйига етиб келганда, Қундузча дарёси ҳеч нарсга бўлмагандек хотиржам лиммо-лим тўлиб оқар, фақат дарёнинг нариги томонида жуда олисларда бир отликнинг ўқдай елиб кетаётгани элас-элас кўзга ташланарди.

ИККИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ

2000 – 2005

МУНДАРИЖА

<i>П. Қодиров. Шоир ёзган роман</i>	3
Биринчи боб	8
Иккинчи боб	23
Учинчи боб	34
Тўртинчи боб	46
Бешинчи боб	56
Олтинчи боб	74
Еттинчи боб	84
Саккизинчи боб	100
Тўққизинчи боб	122
Ўнинчи боб	146
Ўн биринчи боб	164
Ўн иккинчи боб	181
Ўн учинчи боб	199
Ўн тўртинчи боб	217
Ўн бешинчи боб	236
Ўн олтинчи боб	255
Ўн еттинчи боб	275
Ўн саккизинчи боб	292
Ўн тўққизинчи боб	309
Йигирманчи боб	323
Йигирма биринчи боб	339
Йигирма иккинчи боб	354
Йигирма учинчи боб	375

МУҲАММАД АЛИ

УЛУҒ САЛТАНАТ

(роман-эпопея)

Учинчи китоб
УМАРШАЙХ МИРЗО

Масъул муҳаррир
Тулқин Ҳайит

Нашрга тайёрловчи
Тулқин ЭШБЕК

Иқтибослар ва изохларни тайёрловчи:
Эргашбай МАТЯКУБОВ

Мусаххих:
Лолахон ҚЎЗИБОЕВА

Компьютерда саҳифаловчи:
Ферузбек ВОХИДОВ

Лицензия рақами АІ № 170, 23.12.2009

Босишга 2019 йил 11.02 да рухсат этилди. Бичими 84/108. 1/32.

Босма тобоғи 25. Шартли босма тобоғи 28

Гарнитура “Times New Roman” офсет қоғози.

Адади 1 000 нусха. Буюртма № 6.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“BOOK MEDIA PLYUS” Хусусий корхонасида тайёрланди.
Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй.

“ADAD-PLYUS” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, “Бунёдкор” шоҳ кўчаси 28-уй. 100097

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

مجله علمی و ادبی



مجله علمی و ادبی
شماره ۱۰۰
پیاپی ۱۰۰
تاسیس ۱۳۸۵
محل نشر: تهران
محل چاپ: تهران
محل توزیع: تهران
محل انتشار: تهران
محل فروش: تهران
محل توزیع: تهران
محل انتشار: تهران
محل فروش: تهران

ISBN: 978-9943-562-97-4



9 789943 562974

